

Усо Жабборов

ЮКСАК МАДАНИЯТ  
ВА НОЁБ МАЪНАВИЯТ  
МАСКАНИ




С. П. ТОЛСТОВ НОМИДАГИ  
ЭЛЛИКҚАЛЪА ТАРИХ-АРХЕОЛОГИЯ МУЗЕЙИ

**Усо Жабборов**

---

# ЮКСАК МАДАНИЯТ ВА НОЁБ МАЪНАВИЯТ МАСКАНИ

*(Тарихий-этнографик лавҳалар)*



ТОШКЕНТ – «O'ZBEKISTON» – 2012

УДК: 94(575.) (075)  
ББК 63.5(5Ў)  
Ж13

Масъул муҳаррир:  
Ўз ФА академиги, тарих фанлари доктори,  
профессор **А. МУҲАММАДЖАНОВ**

Тақризчилар:  
Ўзбекистон фан арбоби, тарих фанлари доктори,  
профессор **Р. СУЛАЙМОНОВ**,  
тарих фанлари доктори, профессор **Д. БОБОЖОНОВА**

Қадимий даврлардан буён Ўрта Осиёда рўй берган турли хил сиёсий ва ижтимоий ҳодисалар, ўтмишда ҳар хил элатларни бириктириб, этник жараёнларга сабаб бўлган қудратли давлатлар, ноёб моддий ва маънавий обидаларнинг пайдо бўлиши баъпарият тамаддунининг кўҳна марказларидан бири Хоразм билан боғлиқ. Ўзбек элининг бу муқаддас тупроғи ва унинг аҳолиси тарих сахнасида қайси номда пайдо бўлмасин, илк давлат яратишда ва шу асосда жаҳон маданияти хазинасини бойитишда жуда катта ҳисса қўшган.

Ушбу асар қадимий юксак маданият яратган афсонавий ўлка – Хоразм тарихи ва этнографиясига бағишланган. Китоб олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабалари ҳамда кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган.

ISBN 978-9943-01-808-2

© «O'ZBEKISTON», 2012

---

---

## МУҚАДДИМА

*«Хоразм ноёб маданият, нафис санъат,  
юксак маърифат, турмушининг доно фал-  
сафаси ва инсонпарварлик гоялари билан  
йўғрилган адабиёт ва шеърят маскани,  
дунёвий илм ўчоқларидан бири...*

*...Бизнинг миллатимиз, халқимиз кўҳна  
Хоразм заминида «Авесто» пайдо бўлган  
замонлардан буён ўз ҳаёти, ўз маданияти,  
ўз тарихи билан яшаб келади».*

ИСЛОМ КАРИМОВ

Ўткир тафаккур ва теран билимга эга улуғ зотлар айрим ўлкалар тарихи ва этнографияси, давлат ва давлатчилик тушунчалари доирасида турли мулоҳазалар юритиб, ҳар хил назариялар ва фалсафий фикрлар яратганлар. Собик Иттифок парчаланиб, мустақил давлатлар пайдо бўлгандан сўнг истиклол йўлига ўтган халқлар ўзлигини англашга ва миллий мафкура яратишга ҳаракат қилиб, ҳар миллатнинг ўз тарихи, давлат ва давлатчилик тўғрисида турлича ўй-фикрлар ва гоялар, ҳатто махсус концепция ва дастурлар кашф этишга интилдилар.

Хўш, илмий жиҳатдан ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга бўлган мазкур атамаларнинг чинакам мазмун-моҳияти нимадан иборат? Уларнинг нафақат ҳозирги даврдаги ўрнини, балки инсоният тарихидаги, жумладан, Ўрта Осиё халқлари тарихидаги мавқеи ва аҳамиятини объектив таърифлаб бериш илмий-амалий жиҳатдан ҳам жуда зарур. Чунки асрлар давомида буюк мутафаккирлар, донишмандлар, арбоблар, оддий фуқаролар маданият ва маънавият атамаларининг моҳиятини тушунишга, уларнинг илоҳий қудрати нимада эканлигини билишга интилиб келганлар. Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг илмий доираларда, айниқса, оммавий ахборот воситаларида, газета ва журналлар саҳифаларида халқимизнинг ўзлигини англаш ва миллий ғурурини тиклаш мақсадида баъзан тарихий ҳақиқатга зид ҳолда тор миллатчилик қарашлари ҳам юзага кела бошлади. Бундай нохуш

ва илмий-сиёсий жихатдан хато ҳамда зарарли тушунчаларга барҳам бериш учун мазкур сиёсий атамаларни илмий жихатдан тушуниб олиш, уларнинг тарихий илдизларини аниқлаш ниҳоятда долзарб муаммолардан бирига айланади.

Жамият тараққиёти, элатлар, давлат ва давлатчилик узок тарихий давр маҳсули экан, уларни нафақат Ўзбекистон ёки Ўрта Осиё минтақаси, балки жаҳон тарихи билан боғлиқ ҳолда тадқиқ қилиш илмий жихатдан ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Чунки, жамиятда давлатнинг энг зарур сиёсий ташкилот сифатида юзага келиши, антик замонларда барча китъаларда мулкчиликнинг пайдо бўлиши ва шу асосда жамиятнинг табақаланиши ҳамда оилалар, қабилалар, элат ва халқлар орасидаги муносабатларни муайян тартиб-қоидалар асосида «хукуқийлаштириб» бошқариш заруратини ибтидоий жамиятлар пайдо бўлиши билан боғлаш тарихий ҳақиқатга тўғри келади. Зеро, давлатчиликнинг илк куртаклари жамиятнинг дастлабки ва энг муҳим бўғини бўлган оиладан бошланиб, айрим уруғ ва қабилалар ҳамда элатларнинг пайдо бўлишида ҳал қилувчи омил бўлганлиги уруғ-қабилачилик муносабатлари жамоатчилик томонидан муайян тартиб ва ёзилмаган одат, қонун-қоидалар асосида юзага келтирилганини инобатга олиш ниҳоятда зарур. Бундай фикрни тасдиқлайдиган тарихий-этнографик маълумотлар барча китъаларда етарли даражада мавжуд.

Агар Америка китъасидаги ирокезлар, апачи ва ацтеклар, Ҳиндистондаги мунда ва дравидлар ёки бепоён Евроосиё даштларида яшаган қадимий қабилалар ҳаёти билан ибтидоий хоразмликларнинг турмуш тарзи, жамиятни бошқаришдаги илк давлатчилик ришталарини қиёсласак, ўлкамизнинг ниҳоятда ранг-баранг тарихи жаҳон цивилизациясининг таркибий қисми бўлиб, уни анча бойитганлигининг гувоҳи бўламиз. Ҳозиргача сақланиб келаётган ўз-ўзини бошқариш маҳаллийчилиги анъаналари асли ибтидоий жамоаларда ҳукмронлик қилган қишлоқ ва қўшничилик жамоалари анъаналари билан узвий боғлиқ бўлган.

Ҳар бир халқ ўзининг ўтмишини билишга интилади, бой тарихий мероси ва унутилмас саналари, буюк сиймолари ва баҳодир саркардалари билан фахрланади. Қадимий

даврлардан буён Ўрта Осиёда рўй берган турли хил сиёсий ва ижтимоий ҳодисалар, бир вақтлар Европани ларзага келтирган тарихий воқеалар, ўтмишда кўп жамиятларнинг тубдан ўзгаришига ва ҳар хил элатларни бириктириб, этник жараёнларга сабаб бўлган қудратли давлатлар, ноёб моддий ва маънавий обидаларнинг пайдо бўлиши башарият маданиятининг кўхна марказларидан бири – Хоразм билан боғлиқ эканлиги илмий жиҳатдан жуда кўп тарихий-археологик асарларда исботланган.

Хоразмда ибтидоий жамоа муносабатларидан шарқона қулдорлик тузумига ўтиш даврига оид анчагина археологик ёдгорликлар мавжуд. Машҳур шарқшунос ва тарихчи олим, Ўзбекистан Фанлар академияси фахрий аъзоси С. П. Толстов маълумотларига кўра, Икккинчи жаҳон урушидан олдинги тўрт йил ичида унинг экспедицияси аъзолари аниқлаган ёдгорликлардан 400 дан ортиғи кейинги ярим асрлик тадқиқотлар туфайли ўрганилиб, милоддан аввалги IV минг йилликдан милодий XIV–XV асрларгача бўлган Хоразм тарихини янгича кўз билан кўриш имконини яратди.

Мен Хоразм воҳасида туғилиб, унинг муқаддас тупроғини ялаб, Аму сувини шимириб вояга етдим. Озми-кўпми асарлар ёзиб, тиришиб-тирмашиб олим бўлдим. Эҳтимол, шунинг учундир, махсус ЮНЕСКОнинг қарори билан жаҳонда 2500 йиллиги нишонланган Хива сўзини эшитиб, юрагим жизиллаб кетган эди. Бу афсоналарга чулганган кўхна қалъа, аввало, менинг азиз онам ва падари бузрукворим туғилиб ўсган шаҳар – бутун Ўрта Осиёнинг зиёратгоҳи. Мустақиллик туфайли Юртбошимиз фармонига кўра Хоразмнинг буюк фарзанди, афсонавий саркарда Жалолоддин Мангуберди таваллуди муносабати билан зўр шодиёналар ўтказилган эди. Шу туфайли асли хоразмлик бўлганлигимдан истеъдодли шоир Эркин Самандаровнинг қуйидаги жўшқин мисраларини гурур билан эслайман:

Мен туғилган воҳа шуҳратини олам билар,  
Кўп замондин кўп шуаро унга ашъор битдилар.  
Донгини мен ҳам жаҳонга бонг уриб айтгим келар,  
Хоразм фарзандиман мен, Хоразм фарзандиман...

Бундан 20 йил муқаддам камина Буюк ипак йўли бўйлаб халқаро экспедицияда иштирок этиш бахтига муяссар бўлган эдим. Сафарга чиқишдан олдин эса кўп тарихий китобларни ва манбаларни варақлаб чиқишга тўғри келди. Албатта, ундан илгари ҳам мен Хоразм воҳаси, Хива, Кўҳна Урганч тарихи билан батафсил танишганман. Ҳатто рус олими Сергей Павлович Толстов бошчилик қилган археология-этнография комплекс экспедициясида, шунингдек, нафақат Ўзбекистон, балки бугунги Туркменистон ва Қорақалпоғистон республикаларига мансуб ҳудудларда олиб борилган казишмаларда иштирок этдим. Устозимнинг Ватан тупроғини севиш, ундаги сон-саноксиз обидаларни, Хива, Кўҳна Урганч, Ҳазорасп каби антик шаҳарларни яратган Хоразм халқига абадулабад хизмат қилиш кераклиги ҳақидаги ўғитлари ҳали-хануз қулоғимда.

Шу боисдан бўлса керак, Хоразмда бўлиб антик Хиванинг бетакрор гўзал қадимий кўчаларидан ўтганимда, харобага айланган Кўҳна Урганчнинг муқаддас тупроғига қадам ташлаганимда, Абу Райҳон Беруний, ал-Хоразмий, Абдулғози Баҳодирхон, Паҳлавон Маҳмуд, Мунис Хоразмий, Огахий, Муҳаммад Раҳимхон (Феруз) юрган кўчалар, таълим олган мадрасалар ва бу мадрасалар пештоқиға ёзилган муқаддас оятларни ўқиганимда хаёлим мени узок-узокларга олиб кетади. Ёдимга қадимий Хоразм шоҳи Абулаббос Маъмун подшоҳлик қилган даврларда яратилган ва бугунги тил билан «академия» деб аталадиган илм маскани ҳақида ўйлаб ҳайратдан ёқамни ушлайман. Ахир, бу академияда буюк алломалар Абу Райҳон Беруний ва Ибн Синолар илмий анжуманлар олиб боришган. Бу анжуманларда ўша даврнинг жуда кўп улуг алломалари иштирок этган. Улар фалакиётдан тортиб тиббиётгача, алжабр илмининг мураккаб муаммоларидан тортиб куррайи замин текисми ё юмалоқми, деган ўта чигал масалалар ҳақида баҳс-мунозаралар олиб боришган.

Табиийки, турли ўйларга чулғаниб, узок мозий саҳифаларини варақлар эканман, менинг ҳам ижодий фаолиятимга бош омил бўлган ўлкам доим қалбимни тўлқинлантиради. Шоир мадҳ этганидек:

Ватан – ажиб севимли дoston,  
Унда битта варақ Хоразм.  
Шаффоф нурлар эли бу бўстон  
Унда битта чароғ Хоразм...  
Сувим, ноним, сўнмас эҳтирос,  
Ҳаётимсан, гўзал Хоразм.  
Юксакларга этаман парвоз,  
Қанотимсан, гўзал Хоразм.

Ана шундай муқаддас замин ва унинг қадим сирларини сақлаган кўркам шаҳар Хиванинг 2500 йиллик тўйини ўзбек эли зўр кўтаринкилик билан нишонлади. Яширмайман, бу тантаналарга сабаб бўлган ЮНЕСКО қабул қилган қарор мени, Хоразм тупроғидан чиққан камтарин бир инсонни бениҳоя қувонтирди, ҳаттоки, мазкур тантана менга ижодий илҳом бағишлаб, бу антик маданият ва маънавият хазинаси тарихига оид махсус илмий-оммабоп асар яратишга сабаб бўлди.

Кенг кўламда олиб борилган археологик-этнографик тадқиқотлар туфайли Орол бўйида, Амударё ва Сирдарёнинг қуйи оқимида хоразмликлар маданияти ҳамда маънавиятининг қадимий ўчоқларини аниқлаш имкони туғилди. Бу тадқиқотлардан маълум бўлишича, хоразмликлар маданиятининг илдизи ибтидоий жамоа даврига бориб тақалади. Калтаминор маданияти милоддан аввалги IV–III минг йилликларга, яъни неолит даврига оиддир. Улкан ҳудуд (Амударё, Узбойнинг кўҳна дельтаси, Сирдарёнинг қуйи оқими, Ички Қизилқум)да топилган неолит даври овчилари ва балиқчилари манзилгоҳларида ягона Калтаминор этник-маданий бирлигига оид қабилалар яшаган. Улар Америка ҳиндуларига ўхшаб муайян ҳудудда ўзига хос жамоа бўлиб, махсус қонун-қоидалар ва бошқарув тизимига асосланган уруғ-қабилачилик муносабатларини ўрнатганлар. Бу жамоалар муайян оқсоқоллар кенгаши томонидан бошқарилиб, одат ва қонун-қоидаларга қатъий амал қилган.

Калтаминор топилмалари қадимги Хоразм аҳолисининг Қозоғистон, Сибирь, Ҳиндистон ва Эронда яшаган қабилалар билан маданий алоқаларини аниқлаш имконини беради. Масалан, милоддан аввалги III минг йилликдаги Минусинск



ўлкаси қабрларида Амударё чиганоқларидан тайёрланган буюмлар, Калтаминор манзилларида эса Ҳинд океани чиганоқларидан тайёрланган мунчоқлар учрайди. Бундай далиллар хоразмликлар ибтидоий жамиятда муайян давлатчилик шакллари орқали нафақат ички, балки ташқи ижтимоий-иқтисодий алоқалар ўрнатиш вазифасини олиб борган бўлса ажаб эмас, деган фикрни уйғотади.

Тозабогёп маданияти мавжуд бўлган давр (милоддан аввалги II минг йиллик ўрталари)да ҳам шундай манзара кўзга ташланади. Бу маданият манзилгоҳи барханларда ҳамда тақирларда топилди. Бу ерда калтаминорликларни эслатувчи кремний ва мис қуроллар қолдиклари ҳамда Сибирь ва Қозоғистоннинг бронза асрига оид идишларига ўхшаш, таги текис, нақшинкор сопол идиш парчалари топилди. Моддий маданият топилмаларига қараб тозабогёпликларни Евроосиё дашт-бронза маданиятига киритиш мумкин. Суғорма деҳқончилик хусусияти эса жанубий деҳқончилик маданияти таъсирини кўрсатади. Мазкур хўжаликни бошқариш ва шу асосда қабиладошлар ҳамда уруғ аъзолари орасидаги муносабатларни тартибга солиш учун ҳам муайян қонун-қондаларга амал қилиш, ўзаро низоларга барҳам бериш учун айрим шахс ёки жамоа кенгаши ҳокимлиги, яъни давлатчилик элементлари зарур бўлган. Шу тарика, икки дарё ҳавзасида унумдор текисликлар бўлган ҳамда дашт яйловлари билан ўраб олинган Амударё қуйи оқимидаги маҳаллий табиий-географик шароит жанубий Орол бўйида шимолий ва жанубий компонентларни ўз ичига олувчи, этник жиҳатдан мураккаб аҳоли шаклланишида муҳим омил бўлди. Масалан, Кўкча-3 қабрида андронов, шарқий ўрта денгиз ва ҳинд-дравидоид ирқ турлари аниқланган. Сўнгги бронза даври Амиробод манзилгоҳлари, айниқса, Чирикработ обидалари қазилмаларида топилган қурол-аслаҳалар, отлик аскарларнинг (рицарлик) яроғ-аслаҳа ва кийимлари Хоразм воҳасида эраמידан аввалги II минг йилликларда муайян ҳарбий кучга эга бошқарув тизими мавжуд эканлигидан ҳамда воҳада давлатчилик ришталари теран илдиз отганлигидан далолат беради.

Агар зардуштийлик динининг муқаддас китоби «Авесто» бир неча асрлар давомида шаклланиб келган диний таълимот

эканлигини инобатга олсак, унда тасвирланган тузум ўзига хос давлатчилик билан боғлиқ эканлиги, Зардуштнинг ватани Хоразм ҳам Олд Осиёдаги қадимий давлатлар қатори энг кўхна давлат бўлган, деган хулосага олиб келади.

Энди мазкур фикрни тасдиқлаш учун ибтидоий хоразмликлар яшаган қадим замонларда илк бора шаклланиб, машҳур сулолалар бошқарган империялар ҳукмронлик қилган давлатлар тарихини бирма-бир варақлаб кўрайлик. Мозийга саёҳат қилиб, бепоён Қизилкум ва Қоракум саҳроларида, Аму ва Сирнинг қуйи оқимларида тадқиқотчилар кашф этган сонсаноксиз тилсимли обидалар, ўрта асрларда жаҳонга машҳур бўлган бир неча минг йиллик Буюк Хоразмшоҳлар давлати тарихига бир назар ташлайлик.

Антик замон ва ўрта асрларда яшаб ижод қилган, жаҳон тамаддунига бениҳоя зўр ҳисса қўшган улуғ сиймолар, жасур саркардалар, қудратли давлат арбобларининг етишиб чиқиши учун ҳам узоқ давр шаклланиб келган ижтимоий-иқтисодий тузум зарур бўлганлигини ҳеч ким инкор қила олмайди. Бундай муҳим омиллардан бири энг қадим замонлардан Шарқ билан Ғарбни боғлаб, Шарқдаги қудратли давлатлар билан Ғарбдаги антик цивилизация орасидаги иқтисодий-маданий кўприк вазифасини ўтаган Буюк ипак йўли аслида бутун Евроосиёни ўзаро боғлаган ноёб маданий восита эканлигини алоҳида қайд этиш лозим.

---

---

## Ќ Қ И С М

# ҚАДИМИЙ ЮКСАҚ МАДАНИЯТ ВА МАЪНАВИЯТ МАСКАНИ

## Ї 606

### ҚЎХНА ЎЛКА СИРЛАРИ ВА ЖАСУР ТАДҚИҚОТЧИЛАР

XX аср бошларида ўзбек элатлари тураржойига қараб хиваликлар, бухороликлар, қўқонликлар, андижонликлар, фарғоналиклар, тошкентликлар каби атамалар билан номланиши бежиз эмас эди. Чунки ўзбек миллати ҳали тўла шаклланмай, миллий ўзлигини ва ҳис-туйғуларини, ҳудудий ва иқтисодий-ижтимоий бирлигини англаш даражасига кўтарилиб улгурмай туриб, дастлаб рус мустамлакаси даврида, кейин инқилобий тўнтарилишлар туфайли туркистонликлар тупроғи маъмурий жиҳатдан бўлиниб кетди. Аммо ўзбек, козок, туркман, қирғиз, қорақалпоқ каби туркий халқлар маъмурий жиҳатдан гўёки мустақил давлатларга бўлинса-да, аслида марказлашган тоталитар тузумга хос ташкил этилиб, бошқаришга қулай ўлка харитаси янгидан қайта тузилган эди. Барча туркистонликларни советлаштириш сиёсати билан ақидалаштирилган мафкура байроғи остида янги мустамлакачилик сиёсати амалга оширила бошлаганлиги миллий қадриятларни чеклаб, мустақилликдан маҳрум қилди. Чоракам бир аср давом этган мустабидлик даврида миллий онг ва руҳ, ўзлигини англаш, юксақ маънавият ва ҳис-туйғулар, ниҳоятда бой тарихимиз тор қолилга солиниб, шафқатсиз топталган эди.

Ҳар бир халқ ўзининг ўтмишини билишга интилади, бой тарихий мероси ва унутилмас саналари билан фахрланади. Қадимий даврлардан буён Туркистон элида рўй берган турли хил сиёсий ва ижтимоий ҳодисалар, бир вақтлар Европа ва Осиёни ларзага келтирган тарихий воқеалар, ноёб моддий ва маънавий обидаларнинг пайдо бўлиши қадимий маданият марказларидан бири Қўхна Хоразм хонлиги билан боғлиқ.

Унинг аҳолиси умуминсоний қадриятлар яратишда, айниқса, жаҳон маданияти хазинасини бойитишда жуда катта ҳисса кўшган. Кейинги даврда бепоён Қизилқум ва Қорақум саҳроларида, Аму ва Сир дарёлари қуйи оқидамида топилган юзлаб ажойиб тарихий обидалар тадқиқ қилиниши, бу ерда яшовчи аҳолининг моддий ва маънавий ҳаётининг ҳар томонлама ўрганилиши фикримизнинг далилидир.

Юкоридаги каби омиллар таъсири натижасида тоғ ва тепаликларнинг шакли ўзгара бориб, чексиз биёбонда қум уюмлари бунёдга келган ва бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юрган.

Шундай бир шароитда кўчма қумлар орасида – Аму этакларида бир манзилгоҳ пайдо бўлиб, ўлка қиёфасига кира бошлайди. Бу ўлка қадимги Хоразм эди. Тарихий манбалардан маълум бўлишича, ўша даврда Хоразм ва бутун Ўрта Осиё иқлими ҳозиргига нисбатан анча нам бўлган. Бундай табиий ҳолат одамларнинг яшаши учун жуда қулай бўлган.

Ҳозирги Хоразм воҳаси инсоният тарихи бошланишидан илгариги даврга нисбатан тубдан фарқ қилади. Ўрта Осиё харитасига бир назар ташлайлик. Минтақада Помир тоғларидан бошланган ва бутун жониворларга чинакам ҳаёт бағишлаган икки дарё – Аму ва Сир бир вақтлар Орол денгизига тўлиб-тошиб қуйилиб турганлиги ва қуйи оқидамида гўзал воҳа мавжуд бўлганлиги кўзга ташланади. Учбурчак шаклида яшил рангдаги воҳа икки томондан Қизилқум ва Қорақум даштлари исқанжасига олинган, шимоли-ғарбий томондан Устюрт ясси тоғлари қад кўтариб, денгиз сувлари билан шовиллаб турган, жануби-шарқий қисмида унча баланд бўлмаган Султон Увайс тоғлари қад кўтарган, қовжираб ётган Султон Санжар баландликлари узоқларга чўзилган. Амунинг ўнг соҳили бўйлаб Қипчоққа яқинлашган сайин кўз ўнгингизда Қоратоғ тизмалари, ундан сўнг дарёнинг чап соҳилида Жумуртов ва Қубатов тепаликлари ўзига хос тарзда жилваланади.

Хоразм воҳаси асли учта узвий боғлиқ манзарани кўз олдингизда намоён қилади: биринчидан, аллювиал серунум тупроқли жуда кенг ҳудудни эгаллаган дашту биёбонлар, айрим жойларда учрайдиган текис тақирликлар ва баланд-паст адирлар, дарёнинг ўнг соҳили бўйлаб чўзилган Султон

Увайс чўққилари Қизилкум уюмлари билан туташиб кетган; иккинчидан, инсон меҳнати билан бунёд этилган кўм-кўк боғроғлар ва экинзорлар, уларнинг орасида ўзига хос пахсали ёки синчли уй-ҳовлилар, кўшқлар, шаҳар ва кишлоқларда эса қадимий ҳамда замонавий ҳашаматли бинолар, шаҳарликлар чиқиб дам оладиган гўзал ёз-ёвонлар; учинчидан, бутун воҳага гўё қон томиридек дарёдан бошланган сунъий каналлардан тарқалган катта-кичик ёп (арик) ва солмалар, экинзор далаларга ҳаёт бағишлаб, шилдираб оқаётган сувлар, ариқларнинг этакларида тўпланган балиқли кўл ва кўлчалар.

Маълумки, Хоразм воҳасида Ўрта Осиёнинг энг катта дарёси – Аму дельтаси жойлашган. Бу дельта жуда ҳам кенг бўлиб, эллик минг квадрат километрга яқин майдонни ишғол қилиб ётади. Уни шимоли-ғарбда Устюрт тепалиги, шарқда Султон Увайс тоғи ҳамда Қизилкум, жанубда ва жануби-ғарбда Қорақум саҳролари ўраб олган.

Шуни қайд этиб ўтиш лозимки, «Хоразм» атамасининг маъносини жуда кўп олимлар ўзларича тушунтиришга интиланлар. Шу боис «Хоразм» сўзи тарихий манбаларда ҳар хил номланган. Масалан, энг қадимги Ўрта Осиёга оид диний асарлардан бири – зардуштийлик (оташпараствлик)нинг муқаддас китоби «Авесто»да – Хвайризем, юнон ва лотин тилларида – Хорасмиё, қадимги форсчада – Уварзмиш, арабчада – Хваризм, VII асрга оид Хоразм тангаларида – Хварзм деб юритилган. Лекин олимларнинг кўпчилигида бу сўзнинг иккинчи бўғинини таржима этишда анча ўхшашлик бор. Улар охириги бўғинини – «узем» ёки «зм»ни форс сўзи «замин» билан боғлаб «ер» ёки «тупрок» деб таржима қиладилар. Шунинг учун баъзи бир олимлар Хоразмни «пасттекис ер», айримлари «серунум ер», деб таърифлайдилар. Ўтган асрда яшаган рус шарқшуноси Савельев Хоразмнинг биринчи бўғинини форсча «хур», яъни «қуёш» сўзи билан боғлаб, «қуёшли ер» деб таржима қилади. С.П. Толстов фикрича, бундай изоҳлаш ҳақиқатга анча яқин.

Ал-Мақдисий берган маълумотга кўра, хоразмликлар X асрда ўзига хос маданиятга эга бўлиб, дарё соҳилларининг икки томони (яъни, Хуросон ва Хайтал) аҳолисининг урф-одатлари, тили, характери ва туғма сифатлари билан

фаркланганлар. Унинг таърифича, Аллоҳ уларга арзончилик ва ҳосилдорлик ато этган, уларни ўқимишли ва ақл-идрокли қилган. Улар меҳмондўст, жасур ва урушда метиндек, ўзига хос феъл-атворга эга бўлганлар. Мазкур ривоятда хоразмликларнинг бошқа элатлар билан аралашishi натижасида келиб чиққанлиги, уларнинг этногенезида аллақандай келгиндилар иштирок этганлиги тўғрисидаги маълумот муҳим аҳамиятга эга. Шунини ҳам алоҳида қайд этиш лозимки, ал-Мақдисий ривоятидаги сюжет тарихий манбаларда афсона тарзида сақланиб қолган.

Тарих фанининг отаси Геродот ва бошқа кўпгина қадимги юнон муаллифларининг асарларида ҳам Окс, яъни Амударё бўйида яшовчи халқлар тўғрисида мароқли афсоналар келтирилади. Шунингдек, жуда кўп араб ёзувчиларининг асарларида, Амир Темури даврида ёзилган кўп жилдлик ва рус тарихчилари томонидан битилган солномаларда ҳам қудратли Хоразмга тегишли ҳар хил қимматли ҳикоялар муносиб ўрин эгаллайди. Хоразм довруғи кўп асрлар давомида Шарқдан то Ғарбдаги Буюк Рим империясигача ёйилган бўлиб, кўшлаб давлатларнинг диққат-эътиборини ўзига жалб қилиб келган. Антик даврдан бошлаб бутун ўрта аср давомида Хитой, Ғарбий Европа ва Яқин Шарқ мамлакатларидан Хоразмга жуда кўп сайёҳ ва элчилар келиб кетган. Афсоналарда бой ва гўзал деб таърифланган бу ўлкани босиб олиш учун Ахоманий шоҳлари ва Македониялик Искандарнинг қилган юришлари, кучли эфталит ва турк хоқонларининг босқинчилик ҳужумлари, қудратли салжукийларнинг истилоси ва ҳукмронлиги, қорахитойлар билан бўлган ғолибона урушлар илк ўрта асрларда ҳам Хоразм жаҳонда кўзга кўринарли ўрин тутганлигини тасдиқлайди.

Айниқса, Хоразм империясининг мўғул босқинчилари зарбасига учрагунга қадар ўзининг буюклигини сақлаб келганлигини тарихий обидалар тасдиқлайди. Археологик тадқиқотлар ўрта аср Хоразми иқтисодий юксалиши жараёнини асосли ёритиб берган. Кўҳна харобаларни текшириш натижасида бу ўлкага хос катта сув иншоотлари, қалъалари, ўнлаб карвонсаройлари, шаҳарлардаги ҳаёт, хунармандчилик ва савдонинг гуркираб ўсиши, санъатнинг шукуҳли ривожи

кўз ўнгимизда очик намоён бўлади. Ўрта асрларда мўғуллар истилоси арафасида бу ерга келган машхур араб сайёҳи ва олими Ёқут ўзининг ажойиб илмий комусида шундай деб ёзади: «Хоразм ерларидек кенг ва аҳоли кўп яшайдиган жой дунёнинг ҳеч бир ерида бўлмаса керак, деб ўйлайман; бунинг устига аҳолиси машаққатли ҳаётга ва оз нарсага қаноат қилишга ўрганиб қолган. Шу билан бирга бу ерларда умумий хавфсизлик ва хотиржамлик ҳукмрондир».

Аммо кетма-кет талон-торож қилинган йирик шаҳар ва қишлоқлар харобага айланган, аҳолисининг анча қисми қирилган, ҳайдалган ёки қул қилинган Хоразм XV–XVII асрларда оғир тушқунликни бошидан кечирган. Чет эл истилочилари ва маҳаллий ҳукмдорлар ўртасидаги муттасил тахт учун курашлар ва кўчманчи қабилаларнинг воҳага кетма-кет хужумлари мамлакатни оғир аҳволга солган.

Шундай фожиали вазиятда ҳам харобалардан қайта қад кўтариб тикланган Хива хонлиги ва унинг аҳолиси қадимий маданиятнинг мустаҳкам заминида қарор топган эди. Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, оддий заҳматқаш хивалик деҳқон ва ҳунармандлар ғоят машаққатли бир шароитда эски суғориш иншоотларини қайта тиклаш ва янгиларини бунёд этиш, харобалар ўрнида янги истехкомлар, кўшқлар, боғу бўстонлар яратишда катта жасорат кўрсатганлар.

Амударё куйи оқими воҳасида тарихчилар, археологлар ва этнографларнинг кўп йиллар давомида ўтказган самарали тадқиқотларига асосланиб хоразмликларнинг сон-саноксиз харобалари сирларини, узоқ тарихини бир варақлаб кўрайлик.

Чексиз биёбон. Тўлқинларнинг денгиз манзарасини эслатувчи бепоён қум тепалар, қайси томонга қараманг ҳаммаёқ дашту биёбон. Эрта кўкламда кимсасиз Қизилқум ва Қорақум саҳроларига ғалати чирой бериб турувчи ранг-баранг ўт-гиёҳлар саратоннинг жазирама иссиғидан сарғайиб, қовжираб кетган. Теварак-атроф абадий сўнганга ва мутлақо ҳаёт йўққа ўхшаб кўринади. Лекин баъзан бепоён қумликлар орасида пайдо бўладиган туялар, ўт, янтоқ орасидан югуриб чиққан калтакесаклар бу ерда ҳам ҳаёт борлигидан дарак беради.

Сахро ичига кириб борган сари яна ҳам бошқачароқ манзара кўзга ташлана бошлайди. Деярли ҳар қадамда ажойиб ва хилма-хил ишланган сопол идишлар синиклари, мис ва темирдан ясалган буюм парчалари, жездан ишланган камон ўқларининг учлари, зирак, билагозуқлар, сарғиш-қизил лойдан ишланган сопол хайкалчалар, подшоларнинг расмлари солинган қадимий тангалар, хуллас, инсон қўли билан бунёд этилган хилма-хил буюм қолдиқларини кўриш мумкин.

Куюш ботаётган пайтда бу ерлар жуда чиройли кўринади. Мовий осмон остида қадимги қалъалар қад кўтариб турибди. Бу ажойиб ёдгорликларга диққат билан назар солар экансиз, ўтмишдаги қудратли давлатнинг қолдиқлари беихтиёр кўз олдингизда гавдаланади.

Лекин сон-саноксиз харобаларнинг сири нимада? Қандай манбалар бу тилсимни еча олади?

Афсуски, узоқ ўтмишда бевосита бу ерда яшаган халқлар ҳаётига оид асарлар бизгача деярли етиб келмаган. Айрим сайёҳларнинг ҳикоялари, юнон тарихчиларининг тўлиқ бўлмаган маълумотларигагина асосланиб халқимизнинг исломга қадар кўп асрлик ҳаётини тўлиқ тасвирлаш мумкин эмас, албатта. Бинобарин, амалда бутун Ўрта Осиё тарихи, шу жумладан Хоразм тарихи ҳам VII–VIII асрлардаги араб истилоси давридан бошланар эди. Бунга асосий сабаб ислом динини тарқатувчиларнинг ўша даврда ўзга диндаги халқларни ўзига бўйсундириш йўлида олиб борган сиёсатидир. Хоразмнинг араб халифалиги истилосидан илгариги тарихига оид илмий ва бошқа асарлар, уларни яратган маҳаллий олимлар араб истилочилари томонидан ваҳшийларча йўқ қилинган. Ўрта асрнинг машҳур мутафаккир олими Абу Райҳон Беруний бу тўғрида «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» номли асарида шундай ёзади: «Қутайба турли йўллар билан хоразмликларнинг ёзув ва ривоятларини сақлаган кишиларни ва шу қаторда барча олимларни тарқатди ва уларга барҳам берди. Натижада ислом келгунига қадар бўлган уларнинг тарихи қоронғуликка айланиб, бу тўғрида ҳақиқий билим қолмади».

Шу сабабли охириги вақтларгача Ўрта Осиёда исломгача бўлган даврда қандай ижтимоий тузум бўлганлиги тўғрисида



ниҳоятда мужмал, чалкаш ва қарама-қарши ҳар хил фикрлар ҳукм суриб келган.

Узоқ ўтмишнинг тилсиз шоҳиди бўлган ва чексиз саҳро ичида кад кўтарган беҳисоб харобалар асрлар давомида халқнинг ажойиб эртак ва дostonларида куйланиб келган, холос. Қорақум саҳролари ичида ўрнашган дабдабали қалъалардан бирининг номи халқимизнинг сеvimли лирик поэмаси «Шоҳсанам ва Ғариб» дostonи билан боғлиқ. Ана шу ва бошқа кўпгина дostonларда учрайдиган Ширвон, Ёрбакир, Бадиркант, Қирққиз каби сўзлар билан маҳаллий аҳоли кўхна харобаларни атайди. Аммо айрим қалъаларнинг ҳозир халқ оғзида тарқалган номлари кишида даҳшат ва қўрқинч уйғотали. Кўйкирилган қалъа, Одамли қалъа, Қумбосган қалъа, Қумқалъа, Тупроққалъа каби харобаларнинг номи бу ерларда узоқ вақтлардан бери ҳаёт сўнганлигидан, табиатнинг ёвуз кучлари остида бир қанча фожиали воқеалар бўлганлигидан дарак беради.

Демак, археологлар олдида Қизилқум ва Қорақум саҳролари орасида, Амударёнинг куйи окимида жойлашган қадимги Хоразмнинг узоқ ўтмиш тарихини қайтадан тиклаш, тилсиз харобаларни сўзлатиш вазифаси турар эди. Тадқиқотчилар ихтиёрида ўтмишдан қолган жуда кам манбалар ва шу манбалар асосида ёзилган чет эл олимларининг айрим асарлари бор эди, холос.

Хоразм тўғрисидаги дастлабки маълумотлар Эрон шоҳлари томонидан қоя ва қабр тошларига ўйиб ёзилган зафарномаларда учрайди. Бу битикларда Хоразм Ахоманийлар империясининг Ўрта Осиёдаги вилоятларидан бири деб кўрсатилади. Айнан шундай маълумот машҳур юнон тарихчиси Геродот асарларида ҳам мавжуд. Унинг ёзишича, Хоразм Доро давлатига қарам бўлиб, унга солиқ тўлаб турган. Ҳатто Эрон шоҳи Ксеркснинг Грецияга қилган юришида ҳам хоразмликлар иштирок этганлар. Милоддан аввалги V асрда эса Ахоманийлар давлатининг айрим вилоятларига хоразмликлардан раҳбар тайинланган.

Хоразм милоддан аввалги IV асрга келибгина мустақил бир давлат сифатида тарих саҳифаларидан ўрин олади.

Юнон тарихчилари Арриан ва Курцийнинг ёзишларича, Хоразм шоҳи Фарасман 1500 отлик кўшин билан милоддан аввалги 329–328 йилларда Бактрияга келган Македониялик Искандар билан учрашиб, ундан иттифоқдош бўлишни сўраган. Страбон асарларида юнонлар билан урушда енгилиб, Хоразмга чекинган Суғд мамлакатидан чиққан халқ қахрамони Спитамен ҳақида сўз юритилади. Милоддан аввалги II–I ва милодий VIII асрларга оид айрим маълумотлар Хитой манбаларида ҳам учрайди.

Хоразмнинг қадимги даврига оид муҳим тарихий лавҳалар маҳаллий ва араб муаллифларининг асарларида ҳам мавжуд. IX–XII аср муаллифларидан Ибн Хурдодбех, ал-Балхий, ал-Истаҳрий, Ибн Ҳавқал, ал-Масъудий, ал-Мақдисий, Ёкут сингари йирик географ ва сайёҳлар, машҳур қомусий олим Беруний, Замахшарий, буюк табиб Ибн Сино, улуғ математик ал-Хоразмий, этнограф, географ, тарихчи Абу Саъд Абдулкарим ва бошқа олимларнинг асарларида қадимги Хоразмга оид маълумотлар бор.

Шулардан энг қимматлиси хоразмлик мутафаккир олим Берунийнинг бизгача етиб келмаган «Хоразм тарихи» номли асаридир. Бу ажойиб асардан айрим парчалар тарихчиларнинг китобларида сақланиб қолган.

Айтиб ўтилган манбаларнинг асосий камчилиги шундан иборатки, уларга асосланиб қадимий Хоразмда қандай ижтимоий тузум бўлганлиги, бу ерда яшовчи халқларнинг моддий ва маънавий турмуши хусусида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш мумкин эмас. Шунга кўра, чет эл олимлари қадимий Хоразм ва бутун Ўрта Осиё қадимдан феодализм тузуми билан боғлиқ бўлган ва бу ерда кулдорлик формацияси бўлмаган, деган фикрни билдирганлар. Бундай нотўғри фикрлар машҳур рус шарқшуноси академик В.В.Бартольд ва бошқа тадқиқотчиларнинг асарларида ҳам мавжуд. Аммо кўп олимлар, жумладан, К.А.Иностранцев, Н.Веселовский, П.Лерх, В.В.Тарн ва бошқалар қадимги Хоразм тарихини тушунишга интиланлар.

Кейинги даврда археологик текширишлар кўлами анча кенгайди. Бу текширишлар натижасида Ўрта Осиё, шу жумладан Хоразм халқларининг энг қадимги давридан то XIX

асргача бўлган давр ичида босиб ўтган тарихини аниқлаб олишга муяссар бўлдиқ.

Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон ҳудудидаги археологик тадқиқотлар асли ХХ асрнинг 30-йилларидан бошлаб авж олди. Бу ишни собиқ СССР Фанлар академиясининг Ўрта Осиё республикаларидаги филиаллари, Ленинград ва Москвадаги илмий ташкилотлар, алоҳида Моддий маданият тарихи академияси (ҳозир Россия Фанлар академиясининг Археология институти), Шарқ маданияти музейи каби ташкилотлар олиб борган.

Г.В. Григорьевнинг 1934 йилдан бошлаб бир неча йил давомида Тошкент атрофидаги ёдгорликларни ва Самарқанд яқинидаги антик даврга оид обидаларни қазиб текширишлари натижасида ажойиб ютуқлар қўлга киритилди. М.Е. Массон раҳбарлигидаги (1936–1938) Термиз комплекс экспедицияси ва унинг 1939 йилдаги Катта Фарғона каналида ишлаган экспедицияси муҳим текширишлар ўтказди. В.А. Шишкиннинг 1937 йилда Бухоро воҳасининг ғарбий қисмида, А.И. Тереножкин, Р.Н. Набиев ва бошқаларнинг 1939–1940 йилларда Тошкент яқинидаги Оқтепа ҳамда Тошкент каналида ўтказган текширишлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Сурхондарёнинг Бойсун тоғларида 1938 йилда А.П. Окладников тадқиқ қилган илк тош даври (палеолит)га оид макон жаҳон фанига қўшилган зўр ҳиссадир.

Урушдан кейинги даврда Ўрта Осиёда яна кенг миқёсда археологик текширишлар олиб борилди. Атоқли тарихшunosлар А.А. Фрейман ва А.Ю. Якубовский томонидан кўп йиллар давомида олиб борилган ишлар ҳамда А.Л. Белецкий раҳбарлигидаги катта Тожикистон экспедицияси, М.Е. Массон бошчилигидаги жанубий Туркменистон экспедицияси, Ўзбекистон археологлари Я.Ф. Ғуломов ва В.А. Шишкин раҳбарлигидаги ҳамда кўпгина бошқа экспедицияларнинг самарали ишлари натижасида ўлкамизнинг тарихи янгидан-янги саҳифалар билан бойиди. Мазкур экспедицияларнинг ишлари самарали амалга ошишида рус олимларининг хизматини алоҳида қайд этиш лозим. Ўзбекистон Фанлар академиясининг эллиқ йиллик юбилеидаги нутқида Президентимиз Ислон Каримов: «Россия

олимларининг Ўзбекистонга, ўзбек халкига замонавий фанни бунёд этиш борасида кўрсатган ёрдамларини алоҳида таъкидлаб ўтсак арзийди», – деб таъкидлаган эди.

Собиқ СССР Фанлар академияси ва Германия Демократик Республикаси Фанлар академияси мухбир аъзоси, Ўзбекистон Фанлар академиясининг фахрий академиги, профессор Сергей Павлович Толстов бошчилигида машҳур Хоразм археология-этнография комплекс экспедицияси Ўрта Осиё, жумладан, Хоразм воҳаси халқлари қадимий тарихини ўрганишда катта аҳамиятга эга бўлди.

Ислом дини Ўрта Осиёга ёйилгунгача даврни, яъни қадимги Хоразмни биринчи марта ўзбек археологлари Я. Фуломов ва Т. Мирғиёсовлар тадқиқ қилишган. Улар 1936 йилда Манғитга яқин Кубатов тепалигидаги милоддан аввалги биринчи минг йиллик ўрталарига оид қабристонни қазиб кўрганлар. Бир йилдан кейин Я. Фуломов жанубий Қорақалпоғистондаги қадимги суғорилган ерларни текширишга қайтадан киришган.

Ўша йили Хоразм экспедицияси шу ҳудудда ўзининг кенг фаолиятини бошлаган эди. Экспедиция раҳбари С.П. Толстов ҳам ажойиб археологик дурдоналарга эга бўлган бой хазина – Хоразмга биринчи марта 22 ёшда – 1929 йилда Ижтимоий фанлар илмий текшириш институти Россия ассоциациясининг экспедицияси таркибида келганди.

Моҳир тадқиқотчи С.П. Толстов бепоён кум дарёси ўртасида йўқолиб кетган бу ўлкага жуда қизиқиб қарарди. Бу ишда у ёлғиз эмасди. Унинг шогирдлари анчагина эди. Шулар қаторида мен ҳам борлигимдан фахрланиб юраман. Устозим менга ўзининг мураккаб ижод йўлини ҳикоя қилиб берарди.

Даҳшатли фуқаролар урушининг серташвиш йиллари. Ота-оналаридан маҳрум бўлган минглаб етим болалар оч-яланғоч. Ўша оғир дамларда ташкил этилган болалар уйлари етимларни ўз кучоғига олган. Шундай уйларнинг бирида яшаб, ўқиб тарбия олган Сергей «инсониятнинг порлок келажаги учун» курашда фаол иштирок этиш орзусида эди. Бу орзу унинг келажагини белгилаб берганди.

С. П. Толстовнинг ҳаёт фаолияти М.В. Ломоносов номли Москва давлат университети билан бевосита боғлиқ. Бу илм даргоҳида ушбу сатрлар муаллифи ҳам С.П. Толстовдек истеъдодли устоздан таълим олиш шарафига муяссар бўлган. Ўша вақтда С.П. Толстов этнография кафедраси мудирининг лавозимида ишлаб, дарс ҳам бера эди.

Дастлабки таассуротларим университетнинг бош корпусида етакчи олимлар ўқийдиган лекциялар билан боғлиқ. Эсимда, бир куни бизнинг курс талабалари учун этнография фанидан лекция бўлиши керак эди. Унга ҳатто бошқа факультетлардан ҳам талабалар келишган. Зал лик тўла. Ўша куни лекцияни атоқли этнограф ва шарқшунос олим Сергей Павлович Толстов ўқиши керак эди. Унинг майин овози, сермазмун нутқлари ҳамон менинг қулоғимда янграйди. Ўша пайтларда нафақат мен, бошқа талабалар ҳам бундай жўшқин донишманд домланинг шогирди бўлишни орзу қилган эди.

Юқори курсда ўқиётган вақтимда кафедра мудирининг вазифасини адо этаётган, айти вақтда Н.Н. Миклухо-Маклай номидаги этнография институти директори, профессор С.П. Толстов менинг хоразмлик эканимни билиб, йўқлатган экан. У мени ўзи бошчилик қилаётган катта экспедицияда хизмат қилишга, таржимонлик ёки лаборантлик вазифасини бажаришга таклиф этди. Мен ҳам бу таклифдан қувониб: «Сергей Павлович, илтимос, менга илмий раҳбар бўлсангиз, барча топшириқларингизни бажаришга тайёрман», – дедим.

Кейинчалик С.П. Толстов мени ўзи билан Хоразм экспедициясига олиб кетди. Экспедиция давомида бўлиб ўтган сермазмун суҳбатлар келажак илмий тақдиримни белгилаб берди. Мен тарих факультетининг тугатгач, у кишининг раҳбарлигида аспирантурада ўқишга муяссар бўлдим.

Бундай истеъдод эгаси, оташин нотик, Хоразм обидаларининг кўп йиллар давомида текшириб жаҳонга танитган катта олимга шогирд бўлиш катта бахт. Мен ўз олдимда турган масъулиятни яхши англай эдим. Шунинг учун ҳам барча куч-ғайрат ва имкониятимни устоз маъқуллаган режа асосида ишлашга сафарбар қилдим.

Албатта, мени кўпроқ домламнинг илмий изланишлари, унинг Ўрта Осиёга қандай келиб қолганлиги, нима

учун Шарқ тарихи ва этнографиясини танлаганлиги жуда қизиқтирар эди. Устоз ўз хотираларида шундай ёзади: «Мен болалик чоғларимдаёқ, этнография билан – Ер куррасидаги барча халқларнинг маданияти ва ҳаётини ўрганувчи фан билан шуғулланишга аҳд қилдим. Этнографияга оид китобларни, айниқса, XIX асрнинг машҳур олими Элизе Реклюнинг ажойиб асарларини, халқлар томонидан яратилган қадимий улуғвор ёдгорликларга оид саҳифаларни кунт билан мутолаа қилдим. Қадимий саройлар ва ибодатхоналарнинг вайроналари ҳамда бошқа кўпгина ёдгорликларга бағишланган саҳифалар менда зўр таассурот қолдирди. 20-йиллар охириларига келиб ўзим севган соҳанинг илмий ходими бўлиб олгач, мен этнографиянинг ниҳоятда кўп муаммолари ичида ўша вақтда жуда кам ўрганилган Ўрта Осиё этнографиясини, шу жумладан Хоразмнинг қарийб мутлақо ўрганилмаган этнографиясини танлаб олдим. Бу борада қилиниши лозим бўлган ишлар беҳисоб эди...

Хоразмга боришимнинг бошқа сабаби ҳам бор эди. Талабалик йилларимда аксар Волгабўйи халқлари этнографияси билан шуғулландим. Бу халқларнинг моддий ва маънавий маданиятларини ўрганиш жараёнида ўша вақтдаёқ мен бир нарсага эътибор берган эдим: бу халқлар маданиятининг талайгина элементлари қадимги замонларда унинг Ўрта Осиё билан алоқалари бўлганлигидан далолат берарди. Мамлакатимиз халқлари ўртасидаги қадимий тарихий алоқалар бизнинг кунларимизда халқлар дўстлигини янада мустаҳкамлашга, миллатлар ўртасидаги ўзаро ишончсизликни батамом тугатишга хизмат қилиши керак эди. Миллий маданиятларнинг бир-бири билан яқинлашув жараёнини ўрганиш учун шу соҳага оид китобларни ўқиб чиқиш ва музей экспонатлари билан танишишининг ўзи камлик қилган бўлар эди. Энг муҳими, ўша жойларга ўзим боришим, Хоразмнинг жонли маданиятини ўз кўзим билан кўришим, шундан кейингина муҳим тарихий-маданий хулосаларга келишим керак эди».

С.П. Толстовнинг Хоразмга қизиқишига яна бир муҳим сабаб бор эди. Узоқ вақтлар Фарб фани Шарқ тарихини ҳалдан ташқари чалкаштириб, Шарқ халқлари прогрессив

таракқиётини инкор этувчи, Шарқ мамлакатлари азалдан сира бартараф қилиб бўлмайдиган турғунликка маҳкумдир, деган сохта даъволар тарқатган эди. С.П. Толстов Шарқ халқлари ҳам мураккаб таракқиёт йўлини босиб ўтганликларини, улар ҳам ижтимоий-иқтисодий тузумларни бошидан кечирганликларини, тарих Шарқ бошқа-ю, Ғарб бошқа деган гапни билмаслигини исботлаш учун зўр умидлар билан Хоразмга йўл олади.

С. П. Толстов бу ўлкани севар, унинг тарихий қимматини яхши тушунар эди. «Қадимги Хоразм» деган монументал асарида шундай деб ёзади: «Бу экспедиция муаллифнинг келажакда қиладиган ишларининг йўналишини белгилаб берди. Хилма-хил тасодифий вазифалар унинг эътиборини ҳар қанча чалғитмасин, барибир ўзига хос Ўрта Осиё «Миср»ининг тарихи, этнографияси ва археологияси билан кизиқди.

То 1936 йилга қадар мен Хоразм воҳасининг ва унга чегарадош жойларнинг ҳозирги аҳолиси ҳаёти билан машғул бўлиб, асосан, этнографияга оид материал тўпладим. 1937 йилдан бошлаб, гарчи Хоразмни ва унинг теварак-атрофидаги чўлларни этнографик жиҳатдан текширишни давом эттираверган бўлсам-да, тадқиқотларимда асосий эътибор ажойиб археологик ёдгорликларга қаратила бошлади. Археология материаллари ҳам, этнография материаллари ҳам мен кутган натижаларни берди».

С.П. Толстов бошчилигида ўша йиллари олиб борилган археология-этнография соҳасидаги кенг кўламдаги ажойиб кашфиётлар, юқорида қайд қилинганидек, фақат илмий-назарий жиҳатдангина эмас, балки амалий жиҳатдан ҳам катта аҳамиятга эга. Экспедиция ходимлари Иккинчи жаҳон урушига қадар илмий разведка олиб бориб, сувсиз Қорақум ва Қизилқум саҳроларида туяда ва пиёда юзлаб километр масофани босиб ўтганлар. Бу жасурона юриш натижасида маълум бўлмаган сон-саноксиз тарихий ёдгорликларни кашф қилиб, уларни текширишга киришганлар. Аммо тинч ҳаётимизни бузган уруш туфайли тадқиқотчи-олимлар илмий фаолиятларини вақтинча тўхтатаиб, қўлга қурол олиб, азиз Ватанни ҳимоя қилишга отландилар. Экспедиция бошлиғи

оташин ватанпарвар С. П. Толстов ҳам ўзининг фуқаролик бурчини адо этиб, қонли курашда бевосита иштирок этди.

Уруш ғалаба билан тугаб, жаҳонда тинчлик таронаси янграй бошлагач, археологларимиз ҳам ўзларининг сахро томон юришларини ҳар қандай шароитда юра оладиган техника (вездеход)лар ва авиация ёрдамида қайтадан бошлаб юбордилар. Бир неча отряддан иборат бу машҳур экспедиция Шарқда Сирдарё ва Марказий Қизилқумдан, Ғарбда то Каспий денгизининг шарқий ва жанубий қирғоқларигача бўлган кенг ҳудудда ибтидоий жамиятдан бошлаб ўрта асрлар охиригача бўлган даврларга оид кўплаб ёдгорликларни тадқиқ қилди. Шундай қилиб, археологларимиз олдида жуда ҳам бой туганмас тарихий дурдоналарга эга очиқ музей пайдо бўлган эди. Афсонавий ёдгорликлар ва обидалар хазинасига айланган бу кимсасиз чўл-биебон тадқиқотчиларга ўз сирларини бирма-бир очар ва уларга ўтмиш воқеаларидан сўзлаб берарди.

Мазкур экспедициянинг кўп йиллик самарали меҳнати туфайли яратилган тадқиқотлар бир неча жилдлик қимматбаҳо илмий асарларни ташкил қилади. Бу асарлар бепоён Хоразм воҳасида яшовчи халқ ва қабилаларнинг ибтидоий жамоа тузуми давридан, антик кулдорлик тузуми оша сўнгги феодализм давригача бўлган тарихий ривожланиш жараёнини кузатиш имконини беради. Шу билан бирга бир қатор қадимги суғориладиган ерларни кенг тадқиқ этиш натижасида С.П. Толстов ва унинг жасур ҳамкасблари ҳозирги даврда шу районларда қўриқ ерларни ўзлаштириш учун ниҳоятда муҳим бўлган амалий хулосалар қилишга муяссар бўлдилар<sup>1</sup>.

Бу экспедиция Хоразмнинг энг асосий кўп қатламли обидаларида доимий казишма ишлари олиб бориш билан бирга қадимги суғориладиган райондаги барча ҳудудларда разведка ишлари, шу жумладан турли картографик ишлар ҳам ўтказган эди. Археология фани тажрибасида биринчи марта экспедиция ишида аэрофотограмметрик услубнинг қўлланилиши ва тадқиқотларда атоқли неоморфолог

<sup>1</sup> С. П. Толстовнинг таржимаи ҳоли ва у раҳбарлик қилган экспедициянинг кўп қирралои фаолияти тўғрисидаги батафсил маълумотлар куйидаги рисолада мавжуд: И. Жабборов, Фанга бағишланган умр. –Т.: «Фан», 1987.



М.С. Кеснинг иштирок этиши туфайли жуда ҳам муҳим кашфиётлар қўлга киритилган эди.

Машхур Хоразм экспедициясининг дастлабки ўн йиллик иш натижалари кўпгина Шарқ ва Ғарб тилларини эгаллаган зўр қобилиятли тадқиқотчи С.П. Толстовнинг «Қадимги Хоразм», «Қадимги Хоразм маданиятини излаб», «Окс ва Яксартнинг қадимги дельталари бўйлаб» номли монографияларида ўз ифодасини мукамал топган. Бу асарлар илмий жамоатчилик томонидан юксак баҳоланиб, биринчи даражали Давлат мукофотига сазовор бўлган эди. Юқорида зикр этилган китобларнинг иккинчиси чех, поляк, румин, венгер, немис, француз, урду ва бошқа тилларда, 1964 йили эса ўзбек тилида босилиб чиқди.

С.П. Толстов кашфиётларининг энг муҳими шундан иборатки, у халқимизнинг узок ўтмишдаги номаълум бутун бир тарихий даврини тўлиқ гавдалантириб берди. Хоразм худудида неолит ва бронза даврларига оид кўп сонли ибтидоий маконларнинг топилиши археология фанида янги саҳифа очди. Кашф этилган неолит даври маконлари ичида жаҳон фани томонидан тан олинган Калтаминор маданияти алоҳида ўринни эгаллайди. Нисбатан юқори даражада тараққий этган бронза даврига оид Тозабоғёп маданияти қазилмаларининг Сибирь ва Қозоғистонда топилган Андронов маданиятига яқинлигининг аниқланиши ушбу худудларда яшаган халқлар ибтидоий жамоа тузуми даврларидан бери ўзаро муносабатда бўлганлигини исботлаб берди.

Хоразм экспедициясининг қилган кашфиётлари Ўрта Осиё тарихидагина эмас, балки жаҳон тарихида ҳам катта аҳамиятга эга. Бу кашфиётлар Ғарб олимларининг Ўрта Осиё худудида «исломгача даврда» феодализм тузуми ҳукмрон бўлган, деган фикрни рад қилади. Тадқиқотчилар Ўрта Осиёда, Хоразмдаги мавжуд кўпгина шаҳар ва қалъалар, жуда катта канал ва ариқлар, бепоён экинзорлар, ибтидоий иш қуроллари озод деҳқонлар кучи билан эмас, балки ҳукмрон синфга бутунлай тобе бўлган қулларнинг меҳнати туфайли пайдо бўлиши мумкинлигини тасдиқлаб берди. Маълумки, илк феодализм даврида, яъни IX–XII асрларда бутун Ўрта Осиёда, шу жумладан Хоразмда фан ва маданият

гуркираб ўсди ва жаҳонга Абу Али ибн Сино, Беруний, ал-Хоразмий, Нажмиддин Кубро, аз-Замахшарий каби машҳур сиймоларни етказиб берди. Бундай маданият узоқ даврлар мобайнида шаклланиб келаётган бир ижтимоий замин асосида пайдо бўлиши мумкин. Асрлар давомида ҳукм суриб келган қулдорлик тузуми ана шундай замин бўла олади. Бу фикрни маълум маънода бошқачароқ тарзда талқин этиб, Ўрта Осиёда шаклланган антик давр қулдорлик жамияти бўлмаганда, ўрта асрларда пайдо бўлган қудратли Хоразм давлати, унинг гуллаган санъати, замонасига нисбатан илғор фани ҳам бўлмас эди, десак хато қилмаган бўламиз.

Хоразм ва бошқа экспедициялар Ўрта Осиё халқларининг қадимги даврда ўзига хос мустақил маданиятга эга бўлганлигини аниқ кўсатиб берди. Бунинг натижасида баъзи бир Ғарб олимларининг ирқий назария асосида «цивилизацияли Ғарбни» «варварли Шарққа» қарама-қарши кўйиш учун қилган интилишларига янгидан қатъий зарба берилди. Шу билан бирга айрим сохта «тарихчи»ларнинг гўё Ўрта Осиё халқлари тарихий халқ «эмаслиги», уларнинг маданияти Эрон ва бошқа мамлакатларнинг маданиятига «тобе эканлиги» ҳақидаги даъволари фош қилиб ташланди. Экспедиция рад қилиб бўлмайдиган бой далиллар билан Шарқ халқлари, шу жумладан Ўрта Осиё халқлари ҳам худди Ғарб мамлакатлари халқларидек умумий тарих қонунлари асосида тараққий этганлигини исботлаб берди. Хоразм тарихи, унинг ажойиб маданияти ўз ҳудуди билан чекланиб қолмай, анча ташқарига чиққанини, Хоразм билан Ўрта денгиз бўйидаги қадимги давлатлар, Шарқий Европа, Ҳиндистон, Хитой ва айрим Узоқ Шарқ мамлакатлари ўртасидаги қадимий иқтисодий ва маданий алоқалар мавжуд бўлганини, ҳатто иждодларимизнинг бу мамлакатларга маълум даражада ўз таъсирини ўтказганлигини ёрқин тасвирлаб берди.

Ўрта Осиё, шу жумладан Хоразм ҳам қишлоқ хўжалиги бой бўлган ўлкалардан биридир. Баъзи бир тадқиқотчилар бу гўзал ўлкада узоқ ўтмишда фақат кўчманчи, ваҳший қабилалар яшаган деб ҳисоблайдилар. Экспедиция катнашчиларининг кўп йиллик самарали ишлари натижасида Ўрта Осиё деҳқончилиги тараққий қилган ўлка бўлганлигини

исботлади. Қизилкум ва Қоракум сахроларида, Амударё, Сирдарё, Зарафшон, Мурғоб ва Тажан дарёларининг воҳаларида, Копетдоғ ва Фарғона водийсини ўраб олган тоғ этакларида топилган сон-саноксиз кўҳна харобалар, сунъий тепалар, катта-кичик ариқ ва далалар бўлганлигидан гувоҳлик берувчи ташландик ерлар фикримизнинг тасдиғидир.

Қадимги Хоразм деҳқончилиги кишлок хўжалиги экинларининг ниҳоятда турли-туманлиги билан ажралиб туради. Ўша даврларда, қазишмаларда топилган ашёларга кўра, ҳар хил дон экинлари экилган, боғдорчилик ва полизчилик ривож топган, ҳатто техника экинлари – ғўза, кунжут ва бошқалар экилган. Воҳанинг чекка жойларида ва Сирдарё этакларида фақат арпа, тарик ва полиз экинлари ўстирилган. Бу ерларнинг хўжалиги комплекс характерга эга бўлган, деҳқончилик билан чорвачилик қўшилиб кетган, пода ва уюрларда қорамол ва отлар салмоқли ўринни эгаллаган.

Ўрта Осиё халқларининг қадимдан мустақил, ўзига хос юқори маданиятга эга бўлганлигини кўрсатувчи яна бир далил бу – жуда ҳам кенг ҳудудларда кашф этилган ажойиб архитектура, санъат ва ёзув дурдоналаридир. Қадимги Нисада топилган фил суягидан ишланган ритон (қадах идиш), Хоразмнинг кўп жойида учрайдиган лойдан ва сополдан ясалган хилма-хил ҳайкаллар, Тупроққалъада топилган қадимги Хоразм ёзуви ва бой расм галереяси, Тожикистоннинг Муғ тоғида очилган сўғд даврига оид архив, Афросиёб, Болаликтепа ва Панжикентда кашф этилган ҳар хил маросимларни тасвирловчи ажойиб ранг-баранг расмлар, Айритом ва Варахшанинг гўзал ганч ҳайкал ва безаклари, бутун антик даврда қурилган ҳашаматли қалъаларнинг архитектураси – Ўрта Осиё халқларининг қадимги аждодлари қанчалик юқори маданиятга эга бўлганликларини ёрқин кўрсатиб турибди.

Хоразм комплекс археология-этнография экспедицияси урушдан кейинги эллик йилга яқин давр ичида кенг миқёсда тадқиқотлар ўтказиши натижасида қўлга киритган муҳим илмий кашфиётлар С.П. Толстов яратган 400 га яқин илмий асарларда, айниқса, унинг юқорида тилга олинган «Қадимги Хоразм» ва «Қадимги Хоразм маданиятини излаб» номли

китобларида, кўпжилдлик экспедиция тўпламларида ўз ифодасини топган.

Археолог, тарихчи, этнограф ва геоморфологларнинг комплекс тадқиқотлари туфайли узоқ вақтлар Фарб фани ечолмай келган Ўзбой муаммолари ҳам хал этилган. Фанда илгари маълум бўлмаган янги далиллар асосида Амударёнинг қадимги оқими анча тўлиқ аниқланди, дарё тошқинининг муттасил даврлари белгиланди, қадимги воҳаларнинг шўрланиш ва чўл-биёбонга айланиш сабаблари ўрганилди. Сўнгги комплекс тадқиқотлар ва археологик-топографик текширишлар натижасида суғориш техникаси ва ҳар хил этник гуруҳларнинг жойлашиш тарихига оид ниҳоятда бой материаллар тўплашга муваффақ бўлинди.

Таникли ўзбек олими академик Я.Ф. Фуломов С. П. Толстов тўғрисида шундай деб ёзган эди: «Ўзбекистон, умуман, Ўрта Осиёнинг олис ўтмишини ўрганиш ҳақида гап кетганда, кўхна тарихимизнинг етук билимдони, тарихчи, археолог ва этнограф, СССР ФА мухбир аъзоси, тарих фанлари доктори, профессор Сергей Павлович Толстов ҳақида гапирмай бўлмайди. Зотан, у мозий сирларини очиқдаги тинимсиз ғайрат-шижоати, Ўрта Осиё тарихини ўрганишдаги салмоқли мавқеи билан бутун дунёда тан олинган ажойиб олимдир. Сергей Павловичнинг фанга бахшида этилган ҳаёти ҳам чинакам илм аҳлига хос ва ибрат олса арзигулик даражада...

Мен кўрган йирик экспедициялар ичида Хоразм экспедициясидек интизомли, серғайрат ва ҳаракатчан экспедиция бўлмаган. У гўё илмий тадқиқот институтига ўхшарди. Шунча илмий кучга эга бўлган экспедицияда С.П. Толстовнинг ўзи энг оғир ишларни биринчи бўлиб бошлаб берарди».

С.П. Толстов экспедициясининг ютуқларидан бири – у кўп қопламли стационар қазилмаларни олиб бориш билан бирга, қадимги суғориладиган райондаги барча худудларда авиация ёрдамида, автомобиль маршрутлари орқали кенг миқёсдаги картографик ишлар ўтказиб, ноёб археологик режа ва хариталар яратилганлигидир. Авиамаршрутлар босиб ўтган йўл тахминан 9 000 км масофани ташқил қилади, бир неча минг фото расмларни ўганиш орқали ноёб археолого-

топографик материаллар тўпланган, оқибатда 250 дан ортик қадимий шаҳар ва қишлоқлар кашф этилиб, тадқиқ қилинган.

Юзлаб кўҳна харобаларни текшириб тилга киритган Хоразм экспедициясининг раҳбари С.П. Толстов Ўрта Осиёда урушдан олдинги ва кейинги йилларда ўтказилган тадқиқотларнинг натижаларини ҳам яқунлаб, шундай ёзган эди: «Бизнинг Хоразмда иш олиб борган археология-этнография экспедициямиз олдида турган марказий илмий муаммо –ислом динидан аввалги Ўрта Осиёнинг ижтимоий тузуми масаласи эди. Бизнинг экспедицияларимиз тўплаган талай материаллар 1940 йиллар охирига келиб, бу муаммолар ҳал бўлди, деб ҳисоблаш имконини берди... Энди шу нарсани узил-кесил аниқланган деб ҳисоблаш мумкинки, Ғарб ва Шарқ мамлакатлари сингари Ўрта Осиё халқларининг қадимги тарихи ҳам ибтидоий жамоа тузумидан қулдорлик тузумига ва ундан феодализмга прогрессив ривожланиш орқали ўтишдан иборат бўлган узундан-узок йўлни ташкил этади».

Азиз устознинг бундай теран ва доно ҳулосаси ҳозирги авлод учун тарихни замона хизматига қўйишнинг энг ёрқин ва ишончли намунаси эканлигини исботлаб беради.

## II б о б

### ҚАДИМИЙ ДАРЁ, КАНАЛ ВА АРИҚЛАР БЎЙЛАБ

Халқимизнинг сувсиз ҳаёт, меҳнатсиз роҳат бўлмас, деган нақли ниҳоятда чуқур маънога эга. Сув бўлмаса – ер юзида ҳеч қандай ҳаёт бўлмаганидек, меҳнат бўлмаса – роҳат лаззати ҳам бўлмайди. Инсон иродаси билан жиловланган дарёлар инсон ҳаётининг манбаидир.

Жасур археологлар ва тарихчиларимиз олиб борган кўп йиллик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, Шарқ мамлакатларидаги қишлоқ жамоалари сув хўжалигининг, демак, бутун деҳқончиликнинг ривожини учун курашганлар. Ўша даврда ҳокимиятларнинг асосий вазифаларидан бири – канал қозиш, дамбалар қурдириш, суғориш иншоотларини тозалатиш ка-

билардан иборат эди. Ўтмишда тез-тез содир бўлиб турган ижтимоий-иқтисодий ёки сиёсий тангликлар суғориш ишларига салбий таъсир қилиб, ўз навбатида, мамлакат иқтисодига путур етказган.

Узоқ йиллар давомида Хоразм суғориш тарихини ҳар томонлама ўрганган С.П. Толстовнинг қайд этишича, феодализм даври мобайнида ирригация шохобчаларининг қисқариб боришига қадимги ирригация маданиятининг негизи бўлган жамоа, кулчилик ва марказлаштирилган истибдоднинг емирилиши сабаб бўлган. Ҳақиқатан ҳам, Хоразмда узоқ ўтмишда бунёдга келтирилган улкан сув иншоотлари ўрта асрларга келиб феодал тарқоқлик, тож-тахт учун бўлган ўзаро курашлар ва вайронагарчиликлар натижасида барбод бўлган. Сурхондарё, Зарафшон ва бошқа дарёлар бўйидаги ҳавзаларда бунёдга келган ва гуллаб-яшнаган қадимий воҳаларнинг чўл-биёбонга айланишига ҳам мана шу ижтимоий ва сиёсий воқеалар сабаб бўлган.

Жамият бирор талафот ёки тангликка учраса, уни табиат омилларига – дарёларнинг тошиб кетишига, кумларнинг кўчиб юришига, тупроқларнинг шўр босишига, сув тошқинларига ва дарё ўзанларининг ўзгаришига йўйилар эди. Буларнинг ҳаммаси деҳқончилик билан шуғулланувчи аҳолининг бошқа жойларга кўчиб кетишига, маданий ерларнинг кўплаб дашт-биёбонларга айланишига сабаб бўларди. Суғориш ишлари ривож топган давр давлатнинг сиёсий марказлашуви ҳамда мустақамланиши даврига тўғри келиши тасодифий эмас.

Ўтмишдаги афсонавий ўлкага айланган, Европа ва Осиё мамлакатларидаги катта бозорларни ранг-баранг моллар билан таъминлаб турган қудратли ва бой Хоразм қандай мамлакат эканлигини билишга, бу узоқ сирли ўлка билан мунтазам равишда савдо-сотик муносабатларини ўрнатишга кўплаб йирик давлат арбоблари интилиб келганлар. Уларнинг асосий мақсади ўша даврларда савдо учун энг арзон ва қулай сув йўлларини топишга қаратилган эди. Ўрта Осиё, жумладан, Хоразм билан қадимдан яқин иқтисодий ва сиёсий муносабатда бўлиб турган йирик давлатлардан бири Россия эди. Дастлаб, мазкур мамлакатлар орасидаги савдо-сотикни

мустаҳкамлаш мақсадида илмий текширишларга таяниб чор Россияси томонидан Волга дарёси ва Каспий денгизи орқали Хоразмга сув йўлини ўтказиш имкониятини топишга кўп уринишлар бўлган.

Волга дарёсининг пастки оқимидаги Астрахань шаҳри Пётр I замонида рус империясининг Шарқдаги энг катта савдо марказларидан бири эди, Астраханда Ўрта Осиёдан келган савдогарлар кўп бўлиб, улар кизгин савдо-сотик ишларини олиб борганлар. Рус давлати Шарқ мамлакатлари билан алоқаларини яна ҳам кучайтириш мақсадида ана шу давлатлар тўғрисида мукамалроқ маълумотларга эга бўлишни истар эди. Бинобарин, 1713 йилда хоразмликлар Амударё қумларидан жуда кўп олтин ажратиб олмоқда, деган хабар рус савдогарлари ва давлат арбобларининг диққатини ўзига жалб қилади. Бундай хушxabарни эшитган рус князи Сомонов ўз императори Пётр I ни хурсанд қилиш учун бу хабарни етказган Хўжа Непесни унинг олдига бошлаб боради. Хўжа Непес Пётрга Хоразмда олтин борлигидан ташқари, Амударё бир вақтлар Каспий денгизига қуйилганини ва унинг ҳозиргача эски ўзани борлигини гапириб беради. Хўжа Непес экспедиция ташкил этишни таклиф қилган ва бу тадбирни ўтказишда туркман қабилалари ёрдам кўрсатади, деб ваъда берган.

Ўша вақтда Петербургга борган Хива хонининг элчиси Ашурбек ҳам Амударё суви илгари Каспий денгизига қуйилган, деган фикрни тасдиқлайди. Ўша вақтда Сибирь губернатори Гагарин ҳам Пётр I га Шарқий Туркистонда бой олтин зарралари бор, деб хабар қилган эди. Буни эшитган Пётр I Ўрта Осиёга ўз таъсирини ёйиш ва бу бой ўлка билан савдо муносабатларини кучайтириш мақсадида иккита экспедиция тузишга буйруқ беради. Экспедициянинг биттасига капитан Иван Бухгольцни бошлиқ қилиб тайинлайди. Иккинчи экспедиция бошлиғи Бекович-Черкасскийга асосий вазифалардан бири – «дарё оқимини яна эски ўзанга буриб, уни Орол денгизига қуйилмайдиган қилиш» учун имкон бор-йўқлигини аниқлаш топширилган эди. Фожиали мағлубиятга учраган бу экспедиция Пётр I қўйган вазифаларни бажара олмади. Аммо экспедиция Хоразм билан Россия ўртасидаги муносабатларни кучайтиришга асос солди. Амударёнинг

Каспий денгизига қуйилиши тўғрисидаги фикр эса шу минтақани жиддий текшириш учун йўл очиб берди.

Пётр I умрининг охиригача Ўрта Осиё хонлиқларининг ҳаёти ва шу ўлкага йўл очиш имконияти тўғрисидаги маълумотларга тўлиқ эга бўлиш мақсадидан кечмади. Унинг буйруғи билан 1719 йилда Каспий денгизини текшириш учун янги экспедиция ташкил қилинади. Бу экспедициянинг ва ундан олдинги экспедицияларнинг тўплаган материаллари асосида 1720 йилда Каспий денгизининг биринчи харитаси тузилади. Келаси йили Бухорога элчи бўлиб борган Флорио Беневени Хивага бориб, бу мамлакатлар тўғрисида қимматли тарихий, географик ва этнографик маълумотлар олиб келган. Аммо мазкур тадбирлар Пётрни Амударё тўғрисидаги зарур маълумотлар билан таъминлай олмади. Кейинги ўн йилликларда ўтказилган археологик тадқиқотлар туфайли Амударё ўз сирларини анча очиб берган эди. Каспий ва Орол денгизи ўртасидаги кенг худудда юзлаб километр қуриб қолган дарё ўзанларининг қолдиқлари, катта-кичик ариқ излари, қум уюмлари орасида сезилар-сезилмас учрайдиган қадимги полизлар асрлар давомида кўп сайёҳларни хайратда қолдирган. Тадқиқотчиларнинг тарихий геология ва гидрогеология, палеогеография (Ернинг қадимги қиёфасини текширадиган фан) ва археология соҳасида ўтказган кўп йиллик ишлари Амунинг келиб чиқиш тарихи ва кўпдан бери ҳал бўлмаётган Узбой муаммосини ечиб берди.

Орол денгизи билан Каспий денгизи ўртасидаги катта худудда ибтидоий даврдан бошлаб ўрта асрларнинг охиригача бўлган даврга оид сон-саноксиз ёдгорликларни учратиш мумкин. Бу ҳолат Амударё қуйи оқимининг шаклланиш тарихини ва бу районнинг палеографиясини тушунишга ёрдам беради.

Маълумки, Нил бўлмаганда Миср бўлмаганидек, Амударёнинг баракали суви бўлмаганда Хоразм ҳам бўлмас эди. Ўрта асрнинг атоқли географи ва тарихчиси ал-Истаҳрийнинг ёзишича, Хоразм Жайхун (Амударё)нинг бутун фойдасини ола билган мамлакатдир. Бинобарин, Хоразмнинг тарихини яхши тушуниш учун ҳаётбахш Амунинг тарихини ва унинг таърифини ҳам билиш зарур.



Амударё Ўрта Осиёнинг энг йирик дарёси бўлиб, узунлиги 2336 километрга тенг. Амударёнинг ирмоқлари беш минг километр баландликда – абадий қор ва музликлар билан қопланган Помир ва Ҳиндикуш тоғларидадир. Дарёнинг юқори оқими бешта асосий ирмоқдан – Вохондарё, Помирдарё, Гунт, Ванч ва Вартонг дарёларидан иборат бўлиб, Панж (беш) номи билан аталади. Амударё Вахш ирмоғи кўшилган жойдан бошлаб ўз номи билан (Амударё) юритилади. Бу ирмоқлари баланд тоғ қоялари орасидан оқиб, ҳар километр масофада беш метр пастга тушиши сабабли Амударё жуда тез ва даҳшат билан оқади ҳамда ўз тўлқинлари билан жуда кўп миқдорда серунум минерал жинсларни лойқа ҳолда оқизиб келади. Амударё 1036 километр масофада чексиз жазирамада Қорақум ва Қизилқум саҳролари орасидан оқиб ўтиб, Орол денгизига келиб қуйилар эди. Ана шу масофада унга ҳеч қандай ирмоқ келиб қўшилмайди. Оролга тахминан 150 км қолганда – Нукус шаҳрига яқин жойдан Амударёнинг кўп тармоқли ҳавзаси бошланади. Ана шу жойлар илгари қалин қамишзор ва тўқайзорлардан иборат бўлган.

Дарё оқими ҳар йили 200 миллион тонна (1,2 куб км) лойқа олиб келтирган. Унинг лойқалиги машҳур Нил дарёсига қараганда икки ҳисса, ёзги тошқин даврларида эса уч ҳисса ошиқ ва анча серунум. Баъзан Амударё бир йил ичида теварақдаги текисликларда 20 сантиметргача қалинликда қуйқа тўплаган. Қуйқа Аму табиий оқимини ўзгартириб туриши боис бир неча километрларга ёйилган табиий тошлар орасида кўчиб юришига сабаб бўлиб келган. Бу эса унинг ўзига хос хусусиятидир.

Амударё суви йилига бир неча марта тошади. Бу тошқинлар экинларнинг сувга муҳтож бўлган даврига тўғри келгани сабабли маҳаллий дехқонлар кўп асрлик тажрибага асосланиб тошқинлар таквимини тузганлар. Шунинг учун Хоразмда дарё тошқинининг қачон бошланишини биладиган ва дарё оқимининг қай тарзда ўзгаришини айтиб берадиган махсус кишилар ҳам бўлган. Уларнинг таквимида тўрт тошқин кўрсатилади: «кўк қамиш тошуви» дейилувчи биринчи тошқин март ойининг охирларида, яъни кўлларда қамиш эндигина ўсиб чиққан пайтларда бошланади. Қамишнинг тез

ёки секин ўсишига қараб хоразмликлар тошқиннинг ўз вақтда бўлишини ёки кечикишини аниқлай билганлар. Апрель ойининг ўрталарида оқ балиқлар Орол денгизидан Амударёнинг юқори оқимига ўта бошлайди, шунга қараб иккинчи тошқин белгиланади. У «оқ балиқ тошуви» дейилади. «Юлдуз тошуви» – учинчи тошқин май ойининг ўрталарига тўғри келади. Дехқонлар бу тошқинни Хулқар юлдузлар туркумининг кўриниш вақти билан белгилайдилар. Тўртинчи тошқин «қирқ чилғов тошуви» (ёзги чилла) июннинг иккинчи ярмида бошланиб, қирқ кунча давом этади. Бу тошқин тўғрисида Абу Райҳон Беруний ҳам ёзган эди.

Тошқин даврида дарё сувининг анча қисми дехқончиликка кетади. Бутун Амударё сувининг 25 фоизи халқ хўжалигига сарф бўлади (шундан 18 фоизи фақат суғориш учун). Бу эса Европадаги энг катта дарёлардан бири бўлган Днепрнинг умумий сув ҳажмидан ҳам кўп. Амударёнинг дехқончиликка кетадиган сувининг кўп қисми Хоразм воҳасида сарф бўлади.

Ҳаётбахш бу дарё жуда қизик ва бой тарихга эга бўлиб, афсона ва эртакларда, ашула ва дostonларда қуйланиб келади. Аму деган ном нисбаган яқин даврларда пайдо бўлган. Бу ном, профессор Я. Гуломовнинг айтишича, Хуросон ва Мовароуннаҳр ўртасида асосий ва энг кўп ўтиш жойи бўлмиш Амуя (Чоржўй) шаҳри билан боғлиқдир. Қадимги юнон муаллифлари Амударёни «Окс» ёки «Оксус», араб ёзувчилари эса «Жайхун» деб атаганлар. Амударё дастлаб милoddан аввалги V асрда яшаган атоқли тарихчи Геродот асарларида тилга олинади. У эрон шоҳи Кирнинг юришлари ҳақида гапириб, Амударёнинг бир ўзани Каспий денгизига қуйилади, деб ёзган эди. Иккинчи юнон тарихчиси ва географи Страбон Амунни кемалар сузадиган катта дарё деб таърифлаб, у орқали хинд товарлари Каспий (Гиркон) денгизигача олиб келинади, деб маълумот беради. Милодий II асрда яшаган Птолемей эса Амударё билан Сирдарёнинг оқим йўналишларини кўрсатиб берган эди. Фақат IV асрга келиб тарихчи Аммион Марцеллин Ўрта Осиёнинг мазкур икки буюк дарёсининг Орол денгизига қуйилганини анча аниқ ёзиб қолдирган. Ўрта асрларга оид манбаларда, араб ва форс тилларида ёзилган асарларда Амударёнинг қуйи оқими, унинг айрим ўзанлари, дарё бўйида

жойлашган аҳоли яшайдиган баъзи жойлар тўғрисида ҳар хил маълумотлар мавжуд.

Амударё Ўрта Осиёнинг бошқа катта дарёлари каби учламчи даврнинг иккинчи ярмида пайдо бўлган. Бу Помир, Олой ва Тяньшань тоғлари кўтарила бошлаган бир давр бўлиб, бутун Ўрта Осиё текисликларини қоплаган денгиз ғарбга томон чекина бошлаган. Денгиз чекинганидан кейин очилиб қолган ерлар эса қадимги дарёларнинг тартибсиз оқиш майдонига айланди. Шундай дарёлардан энг каттаси қадимги Аму ўша даврдан то тўртламчи давр ўрталаригача Қорақум саҳроси орқали қадимги Хазар ҳавзаси (ҳозирги Каспий денгизи)га қуйилган. Кейин ер қатламида бўлиб турган тектоник ҳаракатлар натижасида ва дарёнинг кучли оқимида пайдо бўлган қалин қумлоқлар Амударё йўлини ўзгартирди. Қадимги Аму Ўрта Осиё текисликларининг пасайган томонига, яъни шимолга – ҳозирги Хоразм воҳаси томонга ёйилиб оқа бошлайди.

Дарёнинг катта ўзанларидан бири ер қатлами ўзгариши натижасида пайдо бўлган чуқурлик – Сарикамиш кўлига қуйилган, иккинчиси Оқчадарё орқали шимолга, учинчиси эса, Орол чуқурлигига оқиб, янги кўл ташкил қила бошлаган. Сарикамиш кўлининг чуқурлиги 110 метр бўлиб, 11 минг квадрат метрдан кўпроқ майдонни эгаллаган, Амударёнинг асосий ўзани Сарикамишга қуйилиб, ундан Узбой орқали яна қадимги Каспийга оққан. Бу даврда Каспий денгизининг суви ҳозиргига нисбатан 70–80 м баланд бўлган. Тўртламчи даврнинг бошларида Сирдарё ҳам Қизилқум саҳроларини ташлаб, шимолга – Орол бўйларига қараб оқа бошлайди. Қорақум ва Қизилқум саҳроларининг шимолида учрайдиган ва ҳозиргача сақланиб келган кўҳна ўзанларнинг юзлаб километр узунликдаги излари қадимги Амударё ва Сирдарёнинг дайдиб, жуда кўп тармоқлар пайдо қилганлигидан далолат беради. То тўртламчи даврнинг ўрталаригача Амунинг асосий тармоғи Кўҳнадарё ва Довдан бўлган. Чунки Амударё сувининг кўп қисми Сарикамишга оққан, кейин Узбой орқали Каспийга оққан. Узбой қирғоқларида, Сарикамиш чуқурлигининг жануби ва шарқий бўйларида, Кўҳна ва Оқчадарёларнинг ҳавзасида топилган жуда кўп неолит даврига оид ибтидоий

маконлар ҳам тўртламчи даврнинг биринчи ярмида бу ерда сув сероб бўлганлигидан дарак беради. Бу даврда ҳали Орол чуқурлиги тўлмаган ва у ҳозирги шаклига келмаган эди, бошқача қилиб айтганда, Орол денгизи бўлмаган.

Тўртламчи даврнинг ўрталарида Хоразмнинг палеогеографик тузилишида анча ўзгаришлар рўй беради. Тектоник ҳаракатларнинг давом этиши натижасида Орол бўйлари пасайиб, Амударё шимолга қараб, Оқчадарё орқали оқа бошлайди. Амунинг асосий суви бошқа томонга оқа бошлагани туфайли Сарикамиш чуқурлигидаги сув анча камаяди. Бинобарин, Узбойда эндиликда сув илгаригидай доимий бўлмасдан, аҳён-аҳёнда оқиб турган.

Шундай қилиб, ибтидоий хоразмликлар бронза даврида, яъни милoddан аввалги III–II минг йилликларда аста-секин шимолга – Оқчадарё бўйларига кўча бошлайдилар. Бу даврда иқлим ҳам анча ўзгариб, қурғоқчилик ортади. Энди дехқончиликка ўтган хоразмликлар сунъий суғориш усуллари аста-секин ўзлаштира бошлайдилар. Бронза даврида Сирдарё ҳавзаси ҳозирги шаклга кела бошлайди. Аммо ундан иккита катта ўзан – Қувондарё ва Жанадарё оқиб чиқиб, Амударё билан Сирдарё ўртасидаги кенг худудда ибтидоий маконларнинг пайдо бўлишига имкон туғдиради.

Тахминан I минг йилликнинг бошларида Амударё асосан ҳозирги ҳавзасини ташкил қилиб, сувнинг кўп қисмини Орол чуқурлигига қуя бошлайди. Орол чуқурлиги ҳам ўша даврдаёқ 1950 йиллардаги қиёфага кира бошлайди. Демак, Оролни бутун дунёдаги энг ёш денгиз дейиш мумкин.

Амударёнинг Кўхнадарё (Дарёлик), Довдан каби ўзанларида эрамиздан аввалги биринчи минг йилликнинг иккинчи ярмида сув бўлмаганлигига бу ерда учрайдиган Қанға қалъа, Кўзалиқир, Кўхнавоз каби антик давр ёдгорликлари далил бўла олади. Аммо Амударёнинг бу ўзанларидаги сув Сарикамишгача етиб бормаи, сунъий суғориш иншоотлари орқали дехқончиликка сарф қилинган.

Бу даврда Сирдарёнинг суви асосан Жанадарё ва Қувондарё ўзанлари орқали оқиб, катта-кичик ариқлар орқали Жетиосор, Чирикработ, Оққир, Бобишмулла каби қалъаларнинг аҳолисини таъминлаб турган. С.П. Толстов-

нинг айтишича, бу ерда массагетларнинг тохар ва апасиак қабилалари яшаган. Амударё ва Сирдарёнинг антик давр ўзанларидан чиқарилган сунъий кўхна канал ва ариқларнинг чексиз излари ҳозиргача сақланиб қолган.

Антик давр суғориш тармоқлари ғарбда Сарикамиш ҳавзасида, шимолда Сирдарёнинг қуйи оқими ва шарқда Амударёнинг жанубий Оқчадарё ҳавзаси оралиғидаги кенг территорияда анча ривожланган. Бу йирик суғориш шохобчалари атрофида жойлашган сон-саноксиз харобалар, тўғри бурчакли дала уватлари ўша даврда сунъий суғоришнинг нақадар ривожланганлигини кўрсатади.

Қадимги каналлар қатта ва узун бўлган. Уларнинг рош (арик қазилдан чиққан тупроқ уюми) оралиғи 30–40 метргача етган бўлиб, одатда, дарёнинг қадимги ўзани бўйлаб бир неча ўнлаб километргача чўзилган. Бу даврга оид энг йирик дабдабали сув иншооти Хоразмда Қальалиқир ва Кўзалиқир харобалари ўрталарида жойлашган. Унинг умумий кенглиги 70 метр, икки рош оралиғи 40 метрга етган. Довдан ва Қанғадарё ўзанлари бўйлаб қурилган ўша даврдаги каналлар ҳам йирик иншоотлардан ҳисобланади.

Ниҳоятда кенг ҳудудни – бутун Ўрта Осиё ва қисман кўшни ерларни ўз ичига олган Кангюй-Кушон империяси даврида (милоддан аввалги IV ва милодий II асрлар) ирригация хўжалиги анча такомиллашади. Бу даврда фақат Амударё ва Сирдарёнинг пастки оқимидагина қадимги суғориладиган ерларда сунъий суғоришга асосланиб деҳқончилик қилинган майдоннинг умумий ҳажми 3,5–3,8 миллион гектарга етган. Шундай қатта ҳудудда тахминан 1,7 миллион гектар майдон интенсиф суғорилган, қолган ерларда сарқаш дарё ўзанларининг сувларидан фойдаланилганлиги туфайли вақти-вақти билангина деҳқончилик қилинган. Антик даврда, ҳозирги Амударё воҳасини эътиборга олганда, суғорилган ерларнинг умумий ҳажми 4,5 миллион гектарга яқин бўлиб, кўпроқ қисми (2,5–2,8 млн. гектари) Сирдарёнинг пастки оқимида жойлашганлиги сўнгги йилларда ўтказилган тадқиқотлар асосида аниқланди. Демак, қадимги суғорилган ерлар ҳозирги суғориш иншоотлари таъмин қилаётган ҳудудга нисбатан ўзанининг мураккаблиги билан фарқ

қилган. Кейинчалик мазкур иншоотлар анча чуқур ва кўп тармоқли бўла бошлайди.

Антик даврда суғоришга асосланган деҳқончиликнинг тараккий қилганлигини жуда кўп археологик топилмалар тасдиқлайди. Қазилмалардан топилган ғалла уруғлари, мева данаклари ва бошқа ўсимликларнинг қолдиқлари ўша даврларда ғаллачилик (арпа, буғдой), боғдорчилик ва полизчилик (ўрик, шафтоли, олхўри, узум, қовун, тарвуз) бўлганлиги ва баъзи техник экинлар (пахта, кунжут) экилганлигидан далолат беради.

Ўрта асрларда кишлок хўжалик ишлаб чиқариш усуллари ва ирригация яна ҳам такомиллашди. Шунингдек қайд этиш лозимки, V–VI асрларда қулдорлик тузуми емирилиши, феодал тузумнинг барпо бўлиши туфайли юз берган ижтимоий-иқтисодий танглик натижасида суғориш майдонлари камайган. Аммо феодал тарқоқлик тугаган Қорахонийлар даврида (X–XI) ва кейин бутун Ўрта Осиёни бирлаштирган Буюк Хоразмшоҳлар даврида (XII–XIII асрнинг боши) суғориш иншоотлари яна қайтадан тикланиб, гурқираб тараккий этган. Бу даврдаги суғориш иншоотлари маълум даражада ҳозирги системага ўхшаб кетади. Магистрал каналлар тор, аммо чуқур, суғориш тармоқлари анча мураккаб бўлган. IX–X асрларда сувни чиғир билан (юқорига) чиқариш техникаси қўлланилган.

Ўрта асрларда кишлок хўжалик экинларининг турлари антик даврга нисбатан кўп бўлган. Суғоришга асосланган деҳқончилик ерларида дон экинларидан ташқари ҳар хил мевалар – ўрик, шафтоли, узум, олхўри, нок; полиз экинлари – қовун, тарвуз, ковок; шунингдек, бодринг, сабзи, пиёз, мош, пахта ва кунжут экилиши суғориш ишлари бирмунча такомиллашганлигидан дарак беради. Шундай бўлса-да, экинзорларнинг умумий майдони анча камайган. Масалан, ирригациянинг энг тараккий этган даври XII–XIV асрларда Амударё ва Сирдарё қуйи оқимидаги суғорилган ерларнинг умумий майдони – антик даврда сув билан таъмин этилган ҳудуднинг учдан икки қисмига тўғри келади.

Амударё ҳозирги ҳавзасига тушгандан кейин ҳам бир неча марта ўз окимини ўзгартирган. У вақти-вақти билан

кафасга тушган шердек ўзини ё ўнганга, ё сўлга урар, кучли оқими билан кирғоқларни бузар, суғориш иншоотларини ва деҳқончиликни бир ердан иккинчи ерга кўчиришга мажбур қилар эди.

XVI асрнинг охирига келиб Кўхнадарёда сув бутунлай тўхтаб, Сарикамиш кўли куриб, унинг ўрнига чўл-биёбон ва шўр ерлар пайдо бўлган. Кўхнадарё бўйидаги ажойиб ўрта аср воҳаси ва шу даврга оид Вазир каби кўплаб қалъалар сув камлигидан харобага айланган.

Халқнинг ўтмишда яратган «Отанг мироб бўлса-да, еринг сувнинг бошида бўлсин», деган мақоли ниҳоятда чуқур маънога эга. Асрлар давомида эзилиб, сувга ташна бўлиб келган меҳнаткаш деҳқонлар асосан йирик феодаллар эгаллаган серсув, серунум ерлардан маҳрум эдилар. Сувга яқин жойлашган ерларга эга бўлиш ҳар бир деҳқоннинг орзумиди эди. Мазкур мақол ҳам халқнинг ана шу кўп асрлик мақсадларини ифодалайди. Чунки, суғорма ерлар сувдан қанча узоқ бўлса, пастки оқимларда доимо сувга ташналик бўлган, яъни сув кам етиб борган.

Кўп йиллар давомида тўпланган бой тажриба маҳаллий аҳолининг мураккаб сув хўжалиги техникасини яратиш ва уни жорий этиш борасида муайян кўникма ҳосил қилиш имконини берди. Ўрта Осиёнинг ҳар бир қишлоғидаги ирригация иншооти қон айланиш тизимига тамомила ўхшаб кетади. Турмушда сув ниҳоятда эҳтиёт қилинган. Қаерда сув бўлса, ўша ерда нур, бойлик бўлади, ер ҳайдалиб, боғ-роғлар яратилади.

Магистрал каналларга ва улардан майда ариқларга дарёдан сув чиқариш жуда оддий тўғонлар куриш йўли билан амалга оширилган. Устига шох-шабба ва тош ташланган сепоя, дарёнинг секин оқадиган жойларига тош қўйиш, қорабура (шоҳ-шабба, ўт-ўлан ичига тош ўраб, юмалоқлаб) ташлаш ва шу қабилар билан тўғон куриб, дарёдан каналларга сув чиқариш энг кўп қўлланилган усуллардир. Магистрал каналларнинг бош қисмида бир оз мураккаб ирригацион иншоотлар куриларди. Масалан, магистрал каналларнинг бош қисми вард, қорабура билан тўсилган. Қорабура йўғонлиги бир неча метр, узунлиги эса бир неча ўн метр қилиб тайёрланган.

Хоразмда каналлар ва ариқлар ҳар йили кузда ана шу йўсинда тўсилиб тозаланган. Асосий каналлар тозалаб бўлингач, тўғонлар яна очиб юборилар эди. Полвонёп каби йирик каналларни тўсиш учун беш-олтиталаб қорабура ташланарди.

Қорабуралар сув камайиб боришига қараб бирин-кетин олинарди. Амударё Хоразмдаги маданий ерлардан баландроқда оқади, шунинг учун дарё суви илгарилари суғориш тизимларини барбод этиш, теварак-атрофдаги экинзор ва аҳоли яшайдиган жойларни босиб кетиш хавфини туғдириб турган. Амударё кўклам, ёз пайтларида айниқса даҳшатли. Шунинг учун унинг қирғоғида кўтарма (қочи) олинади. Хоразм аҳолиси шу қадар эҳтиёт чораларини кўришга қарамай, дарёнинг бир меъёردа окмаганлигидан ҳамиша хавфсирар эди.

Хоразмнинг энг катта сунъий иншоотларидан бири Полвонёпни Аму емиришга уринар ва воҳа сув босиш хавфи остида қоларди. Буни мустаҳкамлаш учун меҳнаткаш халқ неча кунлаб тер тўкарди. Ваҳимага тушган халойиқ Полвонёпнинг дарёдан чиққан жойи – Тошсоқага аравада, от-эшакда, яёв юриб Хоразмнинг ҳар ёғидан тўпланар эди. Ҳамманинг оғзида ваҳимали сўз – «дейиш». Бу сўз билан хоразмликларни даҳшатга солувчи дарёнинг энг хавфли емирувчи оқими аталган. «Дейиш» қанчадан-қанча шаҳар ва қишлоқлар, боғу бўстон ва экинзорларнинг бошига етган. Амунинг оқими бундан минг йил муқаддам қадимги Хоразмдаги Кат шаҳрини олиб кетган бўлса, минг йилдан кейин Тўрткўл шаҳрини ўзининг кучли оқими остида қолдирди.

Амударёнинг даҳшатли ва инжиқ табияти халқ оғзаки ижодида ҳам турли ривоят ва афсоналарнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган. Ҳозиргача хавф туғдириб турган «дейиш» билан боғлиқ афсоналардан бири – ёвуз руҳлар ҳақидаги ривоят кенг тарқалган. Аранглар номли бу ёвуз руҳлар Амударёнинг чуқурлигида яшаб, унинг оқимини бошқариб турар эмиш. Улар истаганича дарё оқимини ўзгартирар, «дейиш» ҳосил қилиб, қирғоқларни емирар, кемаларни ҳалокатга учратиб, сув тошқинлари келтирар, шаҳар ва қишлоқларни барбод қилар экан. Одамга қарши ёвуз куч



ҳисобланган аранглар доимо ғолиб бўлавермаган, инсон ақлидроки олдида ожизлик ҳам қилган.

Хоразмнинг қадимий каналларидан Ғазиобод тўғрисида куйидаги афсона ҳам ёвуз аранглар билан боғлиқ. Унда бундай ҳикоя қилинади: Бир вақтлар Амударё шундай тошиб кетганки, Ғазиобод каналининг соҳилларини емириб, экинзорлару қишлоқларни сув боса бошлаган. Бу ҳолат гўё аранглар ғазабланиб, одамларга уруш эълон қилганлигининг оқибатида рўй берган. Халойиқ ваҳимага тушиб, нима қилишини билмаган. Шундай оғир вазиятни сезган бир эшон канал томон тоғдан тушиб келиб, кўлда қиличи билан аста-секин сувга кириб ғойиб бўлган. У даҳшатли тўлқинлар гирдобида йўқолгач, одамлар нима бўлар экан деб кутиб туришса, канал суви тинчиб, осойишта оқа бошлаган. Аммо сув юзи бирданига қизил рангга бўялиб, эшоннинг қонга беланган жасади сувга қалқиб чиққан. Демак, эшон билан аранглар уруши оқибатида канал суви тинчиган. Шундан кейин бу сув иншоотига қахрамонлик кўрсатиб ҳалок (ғози) бўлган эшон хотирасига Ғазиобод деб ном берилган. Бундай ривоятлар асосида турли иримлар пайдо бўлган. Амударёда сузиб юрган кемаларнинг бурин қисмига афсонавий рамзлар ўрнатилган, турли хил ирим-сиримларга амал қилинган.

Меҳнатқаш халқ асрлар давомида ўз ўлкасини сув балосидан сақлаш учун дарё бўйлаб юзлаб километр тупроқдан қочи кўтарар, Полвонёп воҳасини кутқариб қолиш учун дуолар ўқиб, қурбонликка мол сўярдилар. Бундай анъаналар сув етишмаган пайтларда ҳам ўтказилган. Сув танқислигидан кутулиш учун ҳар хил анъаналардан ташқари қўшимча мажбурий қозу (арик чопиш) ўтказилган. Бу тadbир асрлар давомида ҳар бир деҳқон учун одат бўлиб қолган. Ўн икки кунлик мажбурий қозу меҳнатқаш халқнинг аҳволига жуда ёмон таъсир қилар эди. Шундай мажбурий меҳнат натижасида кўп деҳқонларнинг хўжалиги қаровсиз қолар, деҳқон эса қашшоқлик ва тушкунликка учрарди.

Янги арик ўтказиш ва дарё қирғоқларига қочи қуриш, арик бошларини тозалаш ва тўғон босиш каби кўплаб тadbирлар давлат томонидан ҳар бир хоразмлик учун мажбурий ҳисобланган, унга ҳеч ким ҳақ ва овқат бермаган. Қазииш

ишлари устида турган соҳибкорларни боқиш учун «капча пули» солиғини ҳам тўлаганлар. Бунинг устига хилма-хил жарималар, арзимайдиган гуноҳ учун ваҳшийларча азоблаш ва дорга осиш оддий бир воқеа бўлиб қолганди. Катта қозу устида энг олий мансабдаги соҳибкорлар туриб, хоннинг бевосита иштироки билан ўтказилган. Катта қозу асосан Полвонёп, Ғозиобод, Шовот каби йирик каналларда ўтказилган.

Хоразм деҳқончилиги учун бу оғир қозу ишларидан ташқари яна қўшимча меҳнат – сувни сунъий йўл билан пастдан юқорига чиқариш ҳам бор эди. Бу усул Хоразмга хос бўлиб, Ўрта Осиёнинг бошқа районларига нисбатан маҳаллий деҳқончиликда яна ҳам мураккаброк, кўпроқ меҳнат ва маблағ сарфланишига олиб келар эди.

Амударё ва ундан чиқадиган ёп (канал)ларнинг сув сатҳи анча паст бўлгани туфайли Хоразмда қадимдан сув чиқарадиган техника ишлатилган. Бу ердаги сув чиқаришнинг энг оддий усуллари «сапма», «дапма» ва «нова» деб аталади. Бу усуллар одам кучи билан ишланган жуда оддий асбоблар – курак, новадан иборат бўлган.

Миср ва Месопотамияда қадимдан маълум бўлган «соқия», Эрон ва Ҳиндистондаги «чарх» каби сув чиқариш воситаларига ўхшаш Хоразмда ҳам то сўнгги давргача энг содда усул – «чиғир» номли механизм – оддий ғилдирак ва унга бириктирилган махсус сопол идиш – дигирлар орқали чуқурликдан юқорига сув чиқарилган. Мазкур ғилдирак горизонтал ўққа иккита тишли ғилдирак билан бирлаштирилган ва туя, от ёки сув кучи билан ҳаракатга келтирилган.

Чиғирлар маҳаллий ёғочсоз усталар томонидан тайёрланарди. Чиғирнинг барча қисмлари 8–10 йилдан сўнг алмаштирилиб, янгиланган. Чиғирнинг тишлари мойланиб, вертикал ўқининг учига эса совун суртиб турилган.

Юқорида тасвирлаб ўтилган чиғирлардан ташқари магистрал каналларнинг бўйларига сув чиғир – чархпалак ҳам ўрнатилар эди. Чархпалак ёрдамида сув чиқаришдан нафакат Хоразмда, балки Зарафшон ва Сурхондарё воҳаларида, шунингдек, Тошкентда ҳам фойдаланилган. Аммо чиғирнинг

классик ўлкаси Хоразм ҳисобланиб, у ерда яқин вақтларгача ҳам ишлатиб келинган.

Булардан ташқари, Хоразмда далага сув чиқаришда суғоришнинг яна ҳам оддий усули – қўл билан ҳаракатга келтириш усуллари: «сапма», «дапма», «нова» қўлланган. Бу оддий усуллар билан чиғир қиёсланса, шу нарса аён бўладики, чиғирнинг кашф этилиши ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлган. Чиғир ёрдамида суғориш қадимий суғориш иншоотларининг иш унумини оширган ва меҳнатни хийла осонлаштирган.

Б.М. Георгиевский ёзишича, Хоразм воҳасининг сатҳи инсоният пайдо бўлганидан кейинги давр ичида икки метрдан ортик кўтарилган. XX асрнинг 20-йиллари бошларида Хоразм воҳасида 66 мингдан кўпроқ чиғир бўлган. Чиғирнинг ҳайвон кучи билан ҳаракатга келтирилиши туфайли маҳаллий деҳқонлар учун арава, ер ҳайдаш ишига керак бўлганидан ташқари яна қўшимча ҳайвон кучи зарур бўлганини тасаввур қилиш қийин эмас.

Барча суғориш шохобчаларини ҳар йили албатта тозалаб туриш шарт бўлган. Бу ғоят мушкул ва машаққатли иш бўлиб, меҳнаткаш деҳқонларнинг тинқасини қуритар эди. Катта ариқлар қазилар ва дамбалар қуриш айниқса оғир эди. Бундай ишлар, одатда, киш ёки эрта кўкламда бажарилар, баъзи йиллар ариқлар бир неча бор тозаланад эди. Бунинг учун анча-мунча киши талаб қилинар эди. Масалан, Хива хонлигида ариқларни тозалаш учун 700 мингга яқин ишчи кучи сарф бўлган. Хоразмнинг йирик магистрал канали Полвонёпни тозалаш учун 12 кундан кўп вақт кетган.

Ҳар ўн таноб ер – бир сув ҳисобланиб, мана шу майдон ҳисобидан ариқ тозалашга бир ҳашарчи юборилар экан. Ўн танобдан камроқ ери бўлган хўжаликлар кичикроқ сув жамоаси – жабди тузишарди. Жамоа аъзолари ариқларни навбат билан тозалашарди. Ҳашарчилардан биттаси бошлиқ қилиб тайинланарди. Одатда, бир кишлоклик ҳашарчилар йигирма кишидан тузилган гуруҳларга бирилашиб, ораларида икки кишини ҳашарга бошлиқ қилиб сайлаб қўйишган. Бу икки киши иш вақтида ҳашарчиларга хизмат қилган. Керакли

озик-овқат, курол-яроғ, кўрпа-тўшакни ҳар бир ҳашарчининг ўзи олиб келарди.

Суғориш шохобчаларидаги барча ишларни махсус маъмурият бошқарарди. Хонликларда суғориш ва катта ариқларни тозалаш ишларини назорат қилиш бирор тўра ёки амалдор зиммасига юкланарди. Аҳоли ичидан сайлаб қўйиладиган кўп сонли мироблар ана шу назоратчиларга бўйсунар эди. Сув бериш тартиби ва қанча миқдорда берилишини мироблар белгилаган. Тўғонларга қараб туриш учун махсус кишилар ёлланарди. Булар соқачи, яъни тўғончи деб аталган. Мироблар билан тўғончилар сони кўпчиликни ташкил этарди. Улар муайян маош олмай аҳолидан йиғиб олинган маблағ ҳисобидан тирикчилик қилар эдилар. Шунинг учун ҳам миробларнинг ахволи анча танг бўлиб, баъзан амални суийстеъмом қилишга сабаб бўларди, яъни мироб ким кўпроқ пул тўласа, биринчи навбатда ўшанга сув берарди. Бундан бечора камбағал ва майда деҳқонлар зарар кўрарди.

Хоразм воҳасида экинлар суғориладиган даврда сув танқис бўлганлигидан навбат билан фойдаланишга қатъий риоя қилинар, чек ташланарди. Биринчи навбатда, ариқ охиридаги ерга сув бериларди, кейин ариқ охиридан иккинчи участка суғориларди ва ҳоказо. Қўйи оқимидаги ерларни сув билан таъминлаш мақсадида дарёдан сув олувчи катта ариқларнинг ўрта оқимида тўғон қурилган. Бу тўғондан мавсумда икки марта – майнинг иккинчи ярмида ва августнинг охирида сув олинарди. Ҳатто кичик ариқларда ҳам сув тартиб билан берилган.

Ҳар бир деҳқон ўз навбатини зориқиб кутар ва уни ўтказиб юбормасликка ҳаракат қиларди. Сувдан фойдаланишда тартибни бузган кишига сув берилмай қаттиқ жазоланар, гуноҳкорни пул жаримаси тўлашга мажбур қилишарди ва ҳатто у қамоққа олинарди. Сув миқдори муайян тартибда ўлчанарди. «Бир сув» (мазкур ариқдан бир кеча-кундузда оқиб ўтган сув), «бир тегирмон» ёки «бир тош» (бир дўл донни тортишга кетадиган сув), «бир кўш» (бир кўш хўкиз билан кун бўйи ҳайдалган ерни суғориш учун етадиган сув) ва «бир кулоқ» (ер суғоришда бир сувчи эплай оладиган сув) каби сув ўлчовлари кенг тарқалган эди.

Қарийб ҳамма ерда ортиқча ёки оқава сувлар дала охирига ташлаб қўйилар, бу кўпинча ерларни ботқоқлантириб, безгак ва бошқа касалликларнинг тарқалишига сабаб бўларди.

Хоразм деҳқонлари ерларнинг ботқоқланишига қарши кураш чораларини азалдан билишади. Улар ботқоқ ерларнинг сувини қочириш учун захкаш ёки зовурлар қазиган. Бирок йирик-йирик захкашларни қазиган деҳқоннинг қурби етмас, қазилган захкашлар эса қутилган натижани бермас эди.

Деҳқонлар сувсизлик ёки сув босиш хавфидан ҳамини ташвишда эдилар. Бу ташвиш деҳқонлар орасида ибтидоий тасаввурларга боғлиқ бўлган урф-одатларни келтириб чиқарарди. Катта арик, бош иншоот ёки дамбани сув уриб кетгудек бўлса, теварак-атрофдаги аҳоли буни хавф-хатар деб билиб, турли-туман диний маросимлар ўтказган ва қурбонлик қилган. Борди-ю, сув уриб кетган жойни бутун кучни сафарбар этиб ҳам боғлаб бўлмаса, у ҳолда энг сўнгги чорани кўришган: тўғон остига Турғун, Турсун ёки Тўхта исмли бирон кишини тутиб келиб, тириклай кўмиб юборишган.

Хоразмнинг кўпчилик ҳукмдорлари узоқ ўтмишдан бери сувнинг аҳамиятини яхши тушуниб, суғориш тизимини бошқаришни ўзларининг асосий вазифаларидан бири деб билганлар. Аммо улар суғориш билан боғлиқ бўлган ишларда халқ меҳнатидан ўз шахсий манфаатлари учун кўпроқ фойдаланганлар. Демак, сув халқни эзишда қўшимча восита ролини ўйнаган.

Иккинчи томондан, сувнинг аҳамиятини яхши тушунмаган, унга етарли даражада эътибор қаратмаган давлат арбоблари юртни харобаликка олиб келишга сабабчи бўлганлар.

Баъзан гуллаб ётган ўлкаларнинг чўлу биёбонга айланишига нафақат табиат кучлари, балки ижтимоий шароит ҳам сабабчи бўлган. Хоразм тарихидаги жуда кўп саҳифалар Амударё оқимининг табиат қонунлари асосида ўзгариб қолмай, юкорида қайд қилганимиздек, одамларнинг суғориш қонунларини билмай юргизган нотўғри фаолияти ва айрим тарихий ижтимоий омилар туфайли содир бўлган ўзгаришлар рўй бериб турганини кўрсатади.

Ғарб олимлари кўрсатганларидек, қадимги гўзал шаҳар ва қишлоқларнинг вайронага айланишига «Ўрта Осиёнинг қурғоқланиб қолганлиги» ёки «дарё оқимининг ўзгариши» каби табиат ҳодисалари эмас, балки бир тузум ўрнига иккинчи тузумнинг келиши, доимий тўқнашувлар, тожу тахт талашувлари ва ўзаро урушлар, қўшни қабилаларнинг бир-бирига тўхтовсиз ҳужумлари каби ижтимоий омиллар сабаб бўлган.

### III боб

## ИБТИДОЙ МАКОНЛАР ВА ИЛК АЖДОДЛАР ҲАЁТИ

Амударёнинг ўнг қирғоғидаги Султон Увайс тоғларининг шарқий этагида Жонбосқалъа баландликлари жойлашган. Бу баландликлардан жануб ва шарққа қарар экансиз, кўз олдингизда ажойиб бир манзара намоён бўлади. Чексиз кўчма қум уюмлари орасида онда-сонда қад кўтарган катта-кичик қалъаларнинг харобалари, жуда ҳам узокларга чўзилиб кетган сув иншоотларининг туганмас излари, офтобда яркираб ётган тақир ерлар қадимги Оқчадарё воҳаси бир замонлар инсон меҳнати билан гуллаб-яшнаганлигидан дарак беради. Агар қадимги дарё ўзанлари бўйлаб бир неча километр йўл юрсангиз, қумликлар орасидаги тақир ерларда ғалати қилиб ишланган чакмоқтош бўлақларини, айрим жойларда эса ўчоқ ўринлари ва ҳайвон суяқларининг қолдиқларини учратишингиз мумкин. Юзаки қараганда бу нарса ҳеч қандай аҳамиятга эга эмасдек. Аммо мутахассислар учун қум уюмлари орасида топилган чакмоқтош бўлақлари жуда ҳам катта янгилик ҳисобланади. Улар кенг Оқчадарё воҳасида топилган ашёларни текшириб, бу ерда ибтидоий макон қолдиқлари мавжуд эканлигини кўрсатиб бердилар.

Одатга биноан археологларимиз кашф этган бу маконлар топилган жой номи фанда «Қалтаминор маданияти» деб аталган. Қалтаминор маданиятининг ёдгорликлари неолит ва энеолит, яъни милoddан аввалги IV ва III минг йилликларга оид бўлиб, жуда кенг ҳудудда тарқалган. Бу маданият тош қуроллари шакллариининг бирлиги, сопол

идишларга берилган накшларнинг ўзаро ўхшашлиги билан ажралиб туради.

Калтаминор маданияти ёдгорликлари Ғарбий Қозоғистоннинг кўп қисмида, Сирдарёнинг пастки оқимида, Орол бўйларининг шимоли-шарқ қисмида, Амударёнинг ўрта ва пастки оқимида, Узбой ва Сарикамиш бўйларида, Марказий ва Шимолий Қизилқумда ҳамда Қорақумнинг кўп қисмида учрайди. С.П. Толстовнинг бу ёдгорликларни текшириш асосида яратган айрим асарлари Ўрта Осиё ибтидоий археологиясига қўшган жуда катта хисса ҳисобланади. Чунки, унинг бу соҳадаги кўп ишлари Ўрта Осиё, Қозоғистон ва ҳатто қўшни мамлакатларнинг неолитик ёдгорликларини текширишда туртки бўлиб ҳисобланади.

Сўнгги вақтларда қилинган неолит даврига оид кашфиётлар Калтаминор маданияти ҳам территориял, ҳам хронологик жиҳатдан анча кенг тарқалганлигини кўрсатади. Бинобарин, бу ажойиб маданият устида батафсил тўхтаб ўтиш зарур.

Калтаминорликлар яшаган даврда Хоразмнинг иқлими ибтидоий ҳаёт кечирувчи кишилар учун қулай бўлган. Амударё ва Сирдарё эса кўчиш натижасида жуда кўплаб кўл ва ботқоқликлар, катта-кичик ўзанларни ташкил қилган эди. Сувга сероб бўлган Оқчадарё воҳасини профессор С.П. Толстов «Ўрта Осиё Венецияси» деб атайдди. Балиқчилик ва овчилик билан тирикчилик қилган калтаминорликлар ўзларининг оддий маконларини шу сон-саноксиз кўл ва ботқоқ бўйларида тиклаган. Қадимги грек ёзувчиси Страбоннинг бу ерда яшовчи қабилаларни «Ботқоқлик ва орол массагетлари» деб аташи ҳам бежиз эмас. Кўлга бой бу ўлка Зардуштнинг муқаддас китоби «Авесто»да «Вурукарта денгизи», яъни «Қирғоксиз денгиз» номи билан машхур. Ҳақиқатан ҳам, сўнгги неолит даврида аҳолиси зич Хоразм ўзаро ўзанлар билан боғланган жуда кўп сув ҳавзаларига эга бўлиб, уни «Буюк кўллар ўлкаси», деб аташ мумкин.

Калтаминор маданиятига Жонбос-4, Кўнак-1, Кўгинак-22, 195, 198, Болаэшим-9 деб номланган ибтидоий маконлар киради. Бу маконларда топилган сопол идишлар маҳаллий соф тупроқдан бир оз йирик қум ва туйилган чиғанок аралашмаси-

дан ясалган. Шакл жихатидан улар хилма-хил бўлиб, кўпинча кўзага, чуқур ва кенг косага ёхуд катта чўмичга ўхшаб кетади. Идишларнинг деярли ҳаммасига нақш берилган. Берилган нақшлар жуда оддий бошок, синиқ чизик, юқоридан пастга ва горизонтал ўтказилган тўғри чизиклар ва айрим геометрик шакллардан иборат бўлган. Нақшларнинг айрим шакллари фақат Калтаминор маданиятига хос бўлиб, қисман Ўрта Осиёнинг жанубидаги илк деҳқончилик (Жайхун) маданияти, Бухоро воҳасининг катта ва кичик туз конида, шунингдек, шимолда пастки Обь дарёси атрофидаги маконларда топилган баъзи сопол идишларнинг нақшларига ўхшаб кетади.

Илк калтаминорликларнинг иш қуроллари чакмоқтош, кварцит каби тошларнинг ҳар хил турларидан ясалган. Бу тош қуролларнинг асосий хусусияти – анча архаик типда бўлганлигидир. Аммо бундай қолат калтаминорликлар тошни ишлашда орқада қолган, деган фикрни туғдирмаслиги керак. Чунки илк калтаминорликлар тошни ишлашда деярли бутун неолитик усулларни билганлар. Улар тош ва суяк қуролни оддий парчалаш ёки синдириб олиш билан бирга, унга анча аниқ шакллар берувчи икки томонлама учириш усули, пармалаш ва силликлаш техникасини ҳам билганлар. Бунга мазкур маконларда топилган сон-саноксиз икки томонлама ишланган япроксимон ўқ-ёй учлари, бир томонлама ўткир пичоқсимон қуроллар, ҳар хил шаклдаги қирғич ва кескир асбоблар далил бўла олади. Калтаминор усталари катта кулранг кумтошлардан ёрғучоқ ва қармоққа бойланадиган лангарчалар ҳам ясаганлар. Топилган нарсалар орасида турли хил зеб-зийнат сифатида ишлатилган чиғаноқлар диққатга сазовордир. Илк Калтаминор даврига оид сопол идишлар ва тошдан ясалган асбоб-ускуналар бошқа бир қанча сўнгги неолит ёдгорликларига ўхшаб кетади.

Калтаминор маданиятининг сўнгги босқичини кўрсатувчи маконлар Оқчадарё ҳавзасини Жингалди ва Тожиқозган, Қизилқумнинг Лавлакон ва Бешбулоқ каби районларида, юқори Узбой ва Ғарбий Қозоғистоннинг айрим жойларида топиб текширилган. Бу маконларда топилган сопол идишлар ва тошдан ишланган асбоб-ускуналар илк калтаминорликларнинг анъаналарини сақлаб келганликларини кўрсатади.



Аммо топилган кўп нарсалар ичида янгилик элементлари ва мукаммаллаштирилган қурооллар ҳам учрайди.

Янгиликлар асосан қулолчилик буюмларига солинган нақшларда кўпроқ сезилади. Мазкур маданият учун хос нақшлар юқоридан пастга, горизонтал ва қийшиқрок ўтказилган тароқсимон чуқурчалар ва учбурчакка ўхшаш шакллардан иборат.

Сўнгги калтаминорликларнинг тош қурооллари ҳам ўз аждодларимизникига ўхшаб кетса-да, сон жиҳатидан кўп ва анча такомиллаштирилган. Ромбсимон ва учбурчакка ўхшаш ~~■~~—ёи учлари кўп топилган. Бу маданият тошдан ясалган асбоб-ускуналар ичида кўпгина катта пичоқ, найзача (дротик) ва найза учлари учраши билан ажралиб туради. Найза учлари япроқ шаклга ўхшаш бўлиб, 7–10 см узунликдаги тош парчаларидан ясалган ва ишлов берилган, айримларининг эса икки томони ҳам кескир бўлган. Пичоқларнинг узунлиги 8–10 см, ҳар томонлама йўниб олинган тош ўзаги (нуклеус) билан бир қаторда илк калтаминорликларникига ўхшаш ёрғучоқ, лангарча ва чиғаноқ безаклар ҳам учрайди. Айрим далиллар эса сўнгги Калтаминор маданияти вакилларининг мисни эритиш технологиясини, оддий металл буюмларни ясашни билганлигидан дарак беради. Бешбулоқ маконида топилган мис шлаклари, Иргиз маконида топилган тўрт қиррали мис бигиз бунга далил бўла олади.

Калтаминор маконларининг деярли ҳаммаси, юқорида қайд қилганимиздек, бир-биридан анча узоқдалигига қарамасдан, моддий маданият шаклларининг бирлиги билан ажралиб туради. Шундай бўлса-да, сўнгги калтаминорликлар маданиятида бирмунча ўзига хос хусусиятлар бўлган. Оқчадарё, Узбой ва Фарбий Қозоғистон маданиятлари алоҳида ажралиб туради. Бу маконларнинг кўп қисми эраמידан илгариги учинчи минг йилликнинг иккинчи ярми ва иккинчи минг йилликнинг бошлари билан саналади.

Бутун Калтаминор маконларидан топилган суяк қолдиқлари калтаминорликлар балиқчилик ва овчилик билан шуғулланганлигини кўрсатади. Балиқ суяқларининг кўп қисми (86 фоизи) сазан, чўртан ва лаққа балиқларникидир. Илк калтаминорликларнинг хўжалигида асосий ролни балиқчилик

ўйнагани туфайли, уларнинг маконлари ҳам балиққа бой сув манбаларига яқин кўл ва дарё қирғоқларида бўлган. Суяк қолдиқлари балиқни санчқига ўхшаш қурол – қармоқ билан, топилган лангарчалар эса тўр билан тугилган деб фараз қилишга имкон беради. Калтаминорликлар чўлда яшовчи жайрон каби сут эмизувчи ҳайвонларни ов қилганлар.

Сўнгги Калтаминор маконларида ўқ-ёй ва найза учларининг; катта пичоқсимон қуролларнинг ва йирик сут эмизувчи ҳайвон суякларининг кўп учраши – бу даврда калтаминорликлар хўжалигида овчилик катта роль ўйнаганлигидан дарак беради. Айрим маконларда топилган сугир ва қўй суякларининг қолдиқлари эса Калтаминор маданиятининг сўнгги босқичларида чорвачилик пайдо бўлганлигини кўрсатади.

Калтаминорликларнинг ўтроқ ҳаёт кечирганликларини тасдиқлашда Жонбос-4 маконида топилган ибтидий кулба қолдиқлари катта аҳамиятга эга. Кулба конус шаклида бўлиб, катта ўки 24 метрга, кичкина ўки 17 метрга яқин, марказий устунларнинг баландлиги тахминан 8–10 метрча бўлиб, синчбоп ходалардан тикланган ва улар устига қамиш ёпилган. Жуфтлаштириб ўрнатилган устунлар устига қўйилган старापиллар бир-бирига жуда яқин бўлиб, маҳкам боғлаб қўйилган. Маълумки, бундай қурилиш усуллари Африка, Океания ва Америкада яшаган ибтидий халқлар архитектурасида ҳам кенг тарқалган эди. Том четидаги куйиб кетган материал мас-сасининг зичлиги кулбанинг унча баланд бўлмаган деворга таяниб турганлигини кўрсатади. Икки қатор устунлар билан ўралган тор йўлак томнинг ўртасида доимо ёниб турадиган марказий ўчоққа олиб боради. Бу ўчоқнинг диаметри бир метрга яқин бўлиб, у ярим метрли куйган қизил кум қатлами остида, оппоқ зич қатламли кул ҳолида сақланиб қолган. Эшикнинг ўнг томонида, марказий ўчоқнинг орқасида эса овқат пишириш учун жуда кўп кичик-кичик ўчоқлар бор. Кундалик турмуш буюмларининг кўпчилиги мана шу ўчоқлар атрофидан топилган. Қираверишда чап томонда асосий тураржой бўлими бўлиб, унда ўчоқлар, асбоб-ускуна ва буюмлар деярли йўқ. Бу кулбада тахминан 100–120 киши она уруғи тартибида яшаган. Кулбанинг катталиги ва унда кичик-кичик ўчоқларнинг борлиги бу жамоанинг хўжалик жиҳатдан жуфт-

жуфт оилаларга бўлина бошлаганини кўрсатади. Катта ўчоқда доимо муқаддас олов сақланиб турган ва бу ўчоқ, С.П. Толстов фикрича, шу кулбада яшовчи уруғ жамоасининг диний маркази ҳисобланган. Жонбосқалъа харобалари яқинида топилган ҳамда шу даврга оид сополдан ясалган аёл ҳайкалчаси ҳам калтаминорликларнинг эътиқодлари тўғрисида фикр юритишга имкон беради.

Калтаминор маданиятига оид ёдгорликларнинг кенг территорияларда тарқалишига қарамасдан, уларнинг моддий ва маънавий ўхшашлиги этник ва тил жиҳатдан қандайдир бирлик борлигидан дарак беради. Иккинчидан, бу ҳолат калтаминорликларнинг қўшни мамлакатлар билан яқин муносабатда бўлганлигини кўрсатади. Калтаминор маконларида учрайдиган чиганокларнинг айрим турлари бу муносабатларнинг бир учини Ҳинд океани қирғоқларига элтади.

Биобарин, илк калтаминорликлар Ҳиндистондаги айрим қабилалар билан яқиндан алоқада бўлган. Маълумки, бу фикр илгаридан ҳам адабиётда мавжуд. Аммо Калтаминор маконларида топилган кўп нарсалар бу маданиятни жанубий Туркманистондаги ва Яқин Шарқдаги, яъни Эрон ва Ироқдаги илк деҳқончилик маконлари билан анча яқинлаштириб қўяди. Бу яқинлик мазкур маконларда топилган тош асбоб-ускуналарда, сопол идишларнинг шакллари ва уларга берилган нақшларда жуда ҳам аниқ сезилади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган иқтисодий ва маданий яқинликларни фақат оддий муносабат ёки бир маданиятнинг иккинчи маданиятга таъсири деб қараш мумкин эмас. Кейинги йилларда жанубий Туркманистонда ва Яқин Шарқда ўтказилган археологик текширишлар шуни кўрсатадики, сўнгги неолит даврига оид илк деҳқончилик маданияти – маҳаллий овчи ва термачи аҳолининг ўтроқ ҳолатга ҳамда деҳқончиликка ўтиши натижасида пайдо бўлган. Маълумки, бу даврда хўжаликда рўй бераётган ўзгаришлар туфайли кўп овчи қабилаларнинг шимолга кўчиш ҳаракатлари бўлиб ўтади. Демак, тўртинчи минг йилликнинг охирида Орол бўйларига янги этник гуруҳлар кўчиб борган, деб фараз қилиш мумкин.

Сўнгги Калтаминор маданиятининг намуналари Сибирда Обь ва Кама дарёлари бўйларида учрайди. Уралда топилган

неолит даври маконлари бир-бири билан жуда яқин муносабатда бўлганлигини кўрсатувчи далиллар кўп. Ҳатто айрим олимларнинг таъкидлашича, калтаминорликлар Обь ва Урал бўйларидаги неолит маданияти шаклланишида ҳам иштирок этганлар. С.П. Толстов, кейинчалик атоқли рус археологи С.В. Киселев ва бошқа тадқиқотчилар Ўрта Осиё неолитининг жанубий Сибирда топилган машҳур Афанасьев маданиятига қисман таъсир қилганлигини бир неча марта таъкидлаганлар. Кўп далиллар Калтаминор маданиятининг сўнгги, яъни энеолит (милоддан аввалги III–II минг йилликлар) даврида Ғарбий Қозоғистон билан муносабати бошқа ерларга нисбатан анча яхшиланганини кўрсатади.

Хоразм ибтидоий тарихининг кейинги давлари ҳам Калтаминор маданиятининг бевосита давоми ҳисобланади. Бу бир маданият босқичидан иккинчисига ўтиш жараёни Хоразм иқлимининг ўзгариши билан белгиланади. Шамолнинг нам ҳавони асосан шимолдан олиб келиши туфайли илгариги қурғоқчилик бир оз камаяди.

Бу даврда хўжалиқда бронза, яъни жез қўлланила бошланган. Лекин Ўрта Осиёда, шу жумладан Хоразмда дастлабки мис унча қаттиқ ва мустаҳкам бўлмаганлиги туфайли тош қуролларнинг ўрнини босолмаган. Бинобарин, мисдан фойдаланиш ишлаб чиқариш кучларининг тараққий этишида катта роль ўйнамаган. Шундай бўлса-да, хўжалиқда миснинг қўлланиши ибтидоий хоразмликларга метални ўзлаштириш ва унга зарур ишлов бериш йўлини очиб берди. Бронза ихтиро қилиниши бутун ўрта осиеликларнинг узок ўтмиши тарихида муҳим бир босқич бўлиб, ибтидоий жамоа хўжалиги, ижтимоий ва маданий ҳаётнинг ҳамма соҳаларини олға силжитишда катта аҳамиятга эга бўлди. Маълумки, бронза ишлов бериш ва ҳар хил асбоб-ускуна ҳамда қурол ясашга жуда қулай. У яна бошқа ажойиб хусусиятларга ҳам эга; мисга нисбатан анча паст ҳароратда эрийди, кирралари ўткир ва чиройли чиқади. Шунинг учун бронза тошни турмушдан аста-секин сиқиб чиқара бошлаган.

Бронза асри бошланиши билан ибтидоий одамларнинг хўжалиқ фаолияти ва ижтимоий тузумида тубдан ўзгаришлар юз бериб, маданият нисбатан юқори поғонага кўтарилди.

Бу жараён бутун инсониятга хосдир. Бронза даврида илгари хўжалик асосини ташкил қилган овчилик ва балиқчилик ўрнига анча самарали ҳисобланган чорвачилик биринчи ўринга кўтарилиб, деҳқончилик аста-секин хўжаликнинг мустақил, муҳим тармоғига айлана бошлади. Баъзи районларда, археологларнинг кўрсатишича, бу даврда арча дарахтидан ясалган омов билан ишлов бериш пайдо бўлган. Дастлабки омовлар ёғочдан ясалганлиги туфайли бизгача етиб келмаган.

Хўжаликнинг ривожланиши жамият тарихида энг муҳим ҳодисалардан бири ҳисобланган биринчи йирик ижтимоий тақсимотга олиб келди. Айрим вилоятларда табиий шароитга қараб чорвачилик хўжаликнинг энг асосий, етакчи тармоғига айлана бошлади. Чорвачилик учун зарур кенг яйловларнинг етишмаслиги бошқа районларда деҳқончиликни етакчи тармоққа айлантирди. Оқибатда икки йирик хўжалик соҳаси – деҳқончилик ва чорвачилик ҳамда уларга хос маданият шаклланди.

Мазкур жараёнда яна бир муҳим ўзгариш рўй берди. Ижтимоий меҳнат тақсимои натижасида аҳоли ўзини барча зарур буюмлар ва маҳсулот билан таъмин қила олмай қолди: кўчманчи чорвадорлар деҳқон меҳнати яратган маҳсулотга муҳтож бўлиб қолди ва, аксинча, чорвачилик маҳсулоти ўтроқ аҳоли учун зарур эди, бу ҳолат, бир томондан, кўчманчи чорвачиликка эга қабилалар, иккинчи томондан, ўтроқ деҳқон аҳоли орасида мол айирбошлашнинг пайдо бўлишига ва ривожланишига олиб келди.

Хўжаликнинг ривожланиши, овчиликдан ва уй ҳайвонларини урчитишдан чорвачиликка, оддий деҳқончиликдан омов асосида такомиллашган деҳқончиликка ўтиш ижтимоий тузумда ҳам катта ўзгаришларга олиб келди. Илгари эркак овчилик билан, аёл деҳқончилик ва таом тайёрлаш билан шуғулланган бўлса, эндиликда хўжаликнинг муҳим етакчи тармоғига айланган чорвачилик ёки деҳқончилик эркакларнинг асосий машғулотига айланди, аёллар эса фақат уй-рўзғор ишлари билан шуғуллана бошлади. Бу ҳолат аёл ва эркакларнинг ижтимоий турмушда тутган ўрнини белгилаб берди. Хўжаликнинг асосий тармоғи эркакнинг зиммасига

тушганлиги туфайли тош даврига хос матриархал, яъни она уруғи ижтимоий муносабатлари емирилиб, ўрнига патриархал, яъни ота уруғи тузуми ҳукмронлик қила бошлади.

Жонбосқалъа районида ва Анқақалъанинг шимоли-шарқида топилган маконлар, Бургутқалъа воҳасининг ғарбий чеккасида Норинжон ҳамда Тешикқалъа харобалари ўртасида топилган ибтидоий ёдгорликлар Хоразмнинг бронза даври маданияти ҳақида маълумот беради. Хоразмдаги бу даврга мансуб биринчи ёдгорлик кумлар орасида – кимсасиз Бургутқалъа воҳасида топилган. Узоқ ўтмишда бу воҳа орқали Пахтаарна суғориш тизимига кирувчи Тозабоғёп канали ўтган. Шунинг учун ҳам бу маданият Тозабоғёп номи билан юритилади.

Тозабоғёпликлар милоддан аввалги II минг йилликда янги ерларни ўзлаштириб, деҳончилик ва чорвачилик билан шуғулланганлар. Бу даврга оид маконларнинг кўпгина қисми Амударёнинг қадимги ўзани – Оқчадарё бўйларида топилган. Бу ёдгорликларнинг ичида энг муҳими Анқа-5 номли макон бўлиб, унинг майдонида узун тор эшикли тўғри шаклдаги яримертўла диққатга сазовордир.

Тозабоғёп маданияти қолипда босилган ва ўйма нақшлар берилган сопол идишларнинг бўлиши, ишлаб чиқариш техникасининг оддийлиги ва майда тошлардан ясалган (микролитойд) қуролларнинг камайиб кетиши билан характерланади.

Кўкча тоғ тизмаларининг жанубида топилган Кўкча-3 номли қабристон археологларнинг диққатини ўзига жалб қилган. Қабристоннинг тақир қатламлари қазилганда, юзга яқин топилган жасадларнинг бошлари ғарбга қаратиб ётқизилганлиги аниқланган. Улар якка-якка ва жуфт-жуфт қилиб кўмилган. Жуфт кўмилганлар ичида бирга ётқизилган эркак ва аёлларнинг, айниқса, болаларнинг жасади кўп учрайди. Аммо жуфт кўмилганларнинг бири аввал, иккинчиси кейин дафн қилинган. Текширилган қабрларда жуда кўп нақшли сопол идишлар, бронзадан ясалган билагузуклар, бигизлар, ўқ-ёй учлари ва попуклар топилган. Кўмилган жасадларнинг ётқизилиши ва қабрлардан топилган буюмлар тозабоғёпликларнинг диний эътиқодларини тушунишда қимматли маълумотлар беради.

Тозабогёпликларнинг дафн қилиш маросимларини чуқур ўрганган С.П.Толстов ва М.А.Игинанинг фикрича, бу даврда жамият ҳали патриархал тузумга тўлиқ ўтмаган. Эр ва хотин орасидаги қариндошлик муносабатлари анча мустақкам, уларнинг жамиятда тутган ўрни тенг бўлган. Жиддий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, жуфт кўмилганларнинг деярли ярмисида аввал хотин киши, кейин эса эркак киши жасади дафн қилинган. Маълумки, кейинроқ патриархал кулдорлик тузумида яшаган скиф қабилалари эри ўлгандан кейин унинг хотинини қатл қилиб, бирга дафн этганлар.

Бронза даври охирларида Сирдарё, Жанадарё ва Оқчадарё ҳавзаларида истиқомат қилган турли этник-маданий аҳоли бир-бири билан яқин муносабатда бўлганлар. Мазкур этник гуруҳларнинг маданияти заминида бу ердаги сак (скиф) қабилаларнинг «Кўкча денгиз маданияти» деб аталган ниҳоятда ўзига хос маданият вужудга келган. Бу маданият намояндалари бирмунча кейинги этник манбаларда Гекатей-Страбон «Ботқоқлик ва орол массагетлари» деб аталган апасиаклар ўрнини олади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, антик даврда Сирдарёнинг қадимги дельтасида жойлашган қабилалар ўша вақтнинг ўзидаёқ комплекс хўжалик юргизганлар, ҳам чорвачилик билан шуғулланганлар, ҳам обикор дехқончилик қилиб, тарик, арпа экканлар. Жангадарёнинг ўрта оқимида апасиак қабилалари қадимги пойтахтининг харобалари жойлашган бўлиб, улар мўғуллар истилосидан кейинги ўрта асрларга оид ном билан – Чирикработ ёки Чирикқалъа («қўшин жойлашган работ» ёки «қалъа» маъносида) деб аталади. Сўнгги йилларда мазкур қалъа апасиак ёдгорликларидан Бобишмулла ва Болондида ўтказилган тадқиқотлар натижасида Хоразм воҳасини ўраб олган скиф қабилаларининг турмушини ўрганишда муҳим материаллар қўлга киритилган.

Қадимги суғорилган жойларда Жонбосқалъа районида Тозабогёп маданиятига яқин Суёрғон номли дехқончилик маданияти пайдо бўлади. Суёрғонликлар ёғоч устунларга ўрнатилган енгил шийпон билан ёпилган тўғри бурчакли кулбаларда истиқомат қилганлар. Бу кулбаларнинг сатҳи калтаминорликларникига нисбатан кичик бўлган. Ундаги

ўчоқларнинг камлиги эса, аввало, бу даврда илгариги катта она уруғидаги оилалар ўрнига кичик ёки айрим ота уруғидаги оилалар келганлигини кўрсатиб, ибтидоий Хоразмнинг жамоа тузумида катта ўзгаришлар рўй берганлигидан дарак беради. Айрим тадқиқотчилар фикрига кўра, бу ҳол ярим интенсив деҳқончилик билан бирга пода ҳайдаб чорвачилик қилиш шароитида юз берган янги хўжалик ўзгаришлари туфайли содир бўлган. Шу маданиятга оид маконларнинг бирида ўтказилган текширишлар илк деҳқончилик ва чорвачиликка ўтган ибтидоий хоразмликлар тошқин гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда бўлиб тургани учун тез-тез бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юрганини кўрсатади.

Ибтидоий суғориш деҳқончилиги билан бир қаторда қадимги хоразмликлар қайирларда, яъни дарё ўзанлари ва сунъий каналларнинг этаклари бўйлаб жойлашган, ер ости суви юқорида бўлган ерларда деҳқончилик қилганлар. Қайирларда қадимдан полиз экинлари экилиб, юқори ҳосил олинган. Бундай ерларда экилган Хоразм қовунлари кўп асрлардан бери дунёга машхур. Тарихий манбаларда бу қовунларни зардан ишланган махсус тўрларга солиб, узок Бағдодга – араб халифаларига олиб борилганлигининг хабар қилиниши бежиз эмас.

Яхё Ғуломовнинг айтишича, милоддан аввалги II минг йилликда Хоразмнинг бронза даври маданияти, афтидан, Копетдоғ этакларида топилиб, тадқиқ қилинган илк деҳқончилик маданияти билан Шарқий Европадаги дашт-бронза маданиятини бир-бирига боғловчи халқа бўлиб хизмат қилади. Бошқа бир қанча олимларнинг (С.П. Толстов, А.Н. Бернштам ва А.В. Збруева) таъкидлашларича, Хоразм бронзаси Тяньшань этакларидан Кама дарёси бўйлаб то Дон дарёсигача чўзилган кенг территорияда топилган деҳқончилик ва чорвачиликка кўчган бепоён дашт маданияти билан жуда яқин бўлган.

Милоддан аввалги XI–X асрларга мансуб деб ҳисобланган кечки Суёргон маданиятининг ўзига хос хусусияти шундаки, у Суёргон ва Тозабоғёп анъаналарининг чатишмасига Қорасун маданиятининг баъзи белгилари аралашувидан вужудга келган. Маълумки, Қорасун маданиятининг маркази



Минусин ўлкаси ва Олтойда бўлиб, унинг Хитой шимолий чеккасининг бронза давридаги маданияти билан яқин алоқада эканлигини археолог С. В. Киселев исботлаб берган.

Шу тариқа бронза даврида, С.П. Толстов тасдиқлашича, Амударёнинг ҳозирги ўзани шаклланиши арафасида Хоразмда шимолий, жанубий ва шарқий этник-маданий элементларнинг чатишиш жараёни боради. Шу асосда ўзига хос эроний тилда сўзлашган қадимги Хоразм халқи – Амударё ҳавзасидаги буюк суғориш тизимининг ижодкори бўлган халқ мазкур этник элементлар негизида вужудга келган.

Милодгача бўлган I минг йилликнинг бошларида, яъни илк темир даврида янги – Амиробод маданияти вужудга келади. Қўлда ясалиб, қора ва тўқ кулрангга бўялган ҳамда оғзи тўғри ва паст қилиб ишланган сопол идишлар ана шу маданият учун характерлидир.

Амирободликлар ўз аجدодларидек ёғоч устунлардан ясалган чайлаларда эмас, балки лойдан анча мустаҳкам қилиб ишланган узун уйларда яшаганлар. Бундай уйларнинг узунлиги 70 метргача бўлиб, иккита параллел даҳлизга ўхшаган ва бир-бирига параллел бўлган иккита хужрадан ташкил топган. Афтидан бу даврда амирободликларнинг ижтимоий-иқтисодий турмушида ва уларнинг ибтидоий жамоа тузумида ўзгаришлар рўй берган бўлса керак. Кўп далиллар бу маданият ибтидоий варварлик даврининг юқори босқичида бўлганлигини кўрсатади. Аммо амирободликларнинг цивилизацияга ўтишига озроқ вақт қолган бўлиб, улар бу муҳим босқичга милоддан аввалги VIII–VII асрларга келиб ўта бошлаганлар. Натижада Хоразм тарихида янги давр бошланди.

#### IV 606

### ОТАШПАРАСТЛИК ВА МУҚАДДАС «АВЕСТО»

Буюк донишманд шоир Абулқосим Фирдавсий ўзининг ўлмас асари «Шоҳнома»да инсон мавқеини юқори даражага кўтарган, гуманистик ғояларни, адолатпарварлик ва халқ орзу-умидларини рўёбга чиқаришни, дунёда тўқ ва фаровон давлат яратиш зарурлигини зўр маҳорат билан тараннум

этган. Шоир тили билан айтганда, барча нарсаларнинг ижодкори инсон, инсондан яхшилик, нур ва равшанлик, инсонсиз дунёда йўқ фаровонлик. Бу улуғ инсоний ғоя асли жаҳонда биринчи марта милоддан аввалги I минг йиллик ўрталарида бутун Ўрта ва Олд Осиёга тарқалган зардуштийлик динининг муқаддас китоби «Авесто» да ўз ифодасини топган эди. Юксак ғояларга тўла муайян тартибга солинган диний мафқуранинг жуда кенг ҳудудда жойлашган қадимий давлатлар ва элатлар орасида ҳукмрон бўлиши тасодифий эмас эди.

Тарихий манбаларга асосланиб тадқиқотчилар бепоён Евроосиё даштларида, шу жумладан Ўрта Осиё ва Қозоғистонда, милоддан аввалги III–II минг йилликларда ҳинд-европа тиллари туркумига оид жуда кўп ўтроқ ва кўчманчи элат ҳамда қабилалар яшаганлигини исботлаб берганлар. Улар Олой тоғи этакларидан Дунай дарёси қирғоқларигача, Урал тоғ тизмаларидан Ҳинд дарёсигача ниҳоятда кенг маконни эгаллаб, нафақат тили жиҳатидан, ҳатто хўжалик фаолияти, маданияти, келиб чиқиши ва этник тузилиши жиҳатидан ҳам умумий бирликка эга бўлганлар. Мазкур элатларнинг ўша даврда ўзларини «орий» (яъни, бир уруғ одамлари) деб аталган қисмлари кўшни халқлар тарихида муҳим роль ўйнаганлиги аниқ. Дарё соҳилларида яшовчи ўтроқ «орийлар» деҳқончилик ва ҳунармандчилик билан шуғулланган бўлсалар, кўчманчи «орийлар» чорвачилик билан шуғулланганлар.

Милоддан аввалги III минг йилликнинг охирларида ёзма манбаларда бу элат ва қабилалар скиф-сармат, сак-массагет номи билан тилга олинади. Асли ярим ўтроқ ва кўчманчи ҳисобланган ҳинд-европаликларнинг бир қисми Қозоғистонда, Ўрта Осиёнинг шимолида, асосан Оролбўйи, кейинчалик Сир ва Аму дарёнинг қуйи оқимида жойлашиб, ўзига хос юксак маданият яратганлар. Ўша даврлардаёқ сак-массагет қabila ва элатлари металлдан ҳар хил меҳнат куруллари ва яроғ-аслаҳалар – ханжар, болта, найза, ўқ-ёй, хилма-хил бадийй безаклар, катта ғилдиракли уч-тўрт от кўшиладиган оғир аравалар ва ҳарбий юришларда ишлатиладиган енгил аравалар ясаганлар. Улар ҳатто янги – чидамли

от турларини парвариш қилганлар, илғор уруш тактикасига эга бўлганлар, аравали лашкарлар эса айрим табақани ташкил қилган. Милоддан аввалги II минг йиллик ўрталарида кўхна Хоразм, Марғиёна, Суғдиёна ва Бактрияда суғориладиган деҳқончилик билан шуғулланувчи, эроний тилда гаплашувчи элатлар билан жуда яқин алоқада бўлган сак-массагетлар бутун Яқин ва Ўрта Шарқни ҳамда қисман Европани ларзага келтириб турган.

Евроосиёнинг чексиз даштларида онда-сонда учрайдиган қадимий тепаликларда дафн қилинган бой қабила бошлиқларининг ва ҳарбийларининг дабдабали қабрларини қазиб текшириш натижасида скиф-сармат, сак-массагет қабилаларининг юксак маданиятга ва қудратли ҳарбий кучга эга бўлганлиги исботланди. Қабрларда жасад билан кўмилган турли ҳарбий қурооллар, безакка бой юган ва эгарлар, от-аравалар, нақшли сопол буюмлар, гўзал ҳайкалчалар, қимматбаҳо тош ва металллардан ясалган безаклар бунга ёрқин далилдир.

Шуниси муҳимки, сак ва скиф-сармат тепаликларида топилган бадий буюмлар, от-арава, туя, кўчқор, илон каби турли жонзотлар тасвирланган расм ва ҳайкаллар ўтган асрнинг охирларида жанубий Тожикистонда кашф этилган «Амударё хазинаси» буюм ва безакларига, кейинги Ахоманийлар, Македониялик Искандар ва Кушон давлати даврига оид топилмаларга жуда ўхшаб кетади. Қозоғистон ва Қирғизистон тоғ ёнбағирларида, Ўзбекистоннинг кўп жойларида қоятошларга битилган ибтидоий расмларда ҳам от-туя қўшилган аравалар, ҳар хил ҳайвонлар – туя, тоғ эчкиси, кўчқор ва бошқа ҳайвонларнинг тасвирланиши узоқ ўтмишда ўрта осиеликларнинг маънавий маданияти билан Евроосиё даштларида яшаган қабилалар маданиятида қандайдир умумийлик, яқинлик мавжуд бўлганлигидан далолат беради. Туркменистон ва Ўзбекистоннинг жанубий районларида топилган Жайтун маданияти, Қоратепа, Намозгоҳтепа, Яланғочтепа ва бошқа жойларда кашф қилинган ажойиб кашфиётлар ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Ўрта Осиеда рўй берган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, минтақадаги кўчманчи қабилаларнинг аста-секин ўтрок

ҳолатга ўта бошлаши, жамиятда ижтимоий табақаланишнинг юзага келиши ижтимоий онгда ҳам муайян ўзгаришларга олиб келган. Археология ва этнография соҳасидаги тадқиқотлар моддий бойликларни ишлаб чиқариш, ижтимоий муносабатларнинг мураккаблашиши таъсирида диний тасаввурлардаги эволюцион ўзгаришларни тасвирлашга имкон беради. Оқибатда мазкур ҳудуддаги илк жамият давридаёқ табақаланиш билан бир қаторда ғайритабиий олам ҳам табақалана бошлайди: сон-саноксиз руҳлар ичидан олий имтиёзли ғайритабиий мавжудотлар – худолар табақаси ажралиб чиқа бошлайди. Агар руҳлар айримликни ифодалаган бўлса, худолар умумийликни ифодалайди. Энг қадимий афсонавий образлар илгари табиат кучларини ифодалаган бўлса, эндиликда улар илоҳий куч сифатида ижтимоий муносабатларни ифодалайдиган образлар сифатида намоён бўла бошлайди. Оқибатда кўпхудолик тасаввурлари пайдо бўлиб, худолар теvarак-атрофдаги чексиз борлиқнинг ҳамма томонини эгаллайди ва ўз назоратини ўрнатади. Бундай жараён, яъни яқкаликдан умумийликка ўтиш, ижтимоий тараққиёт билан боғлиқ ижтимоий муҳит негизида рўй бериши мумкин эди. Шунинг учун кўпхудолик – қулдорлик негизида ва жамият манфаатига хизмат қилувчи восита сифатида пайдо бўлган ижтимоий онг шакли эди.

Кенг ҳудудда бўлиб ўтган мазкур жараённинг маркази Ўрта Осиё, унинг ўзаги Хоразм воҳаси десак, хато бўлмайди. Археологик қазилмаларда топилган буюм ва безакларда кўп учрайдиган афсонавий тасвирлар, айрим худоларнинг образларини ифодаловчи ҳайкал ва расмлар узоқ ўтмишдаги аждодларимизнинг диний эътиқодлари, урф-одатлари тўғрисида мулоҳаза қилишга имкон беради. Ҳар хил идишлар, ханжар ва пичоқ дасталари, билагузук ва исирғалар, тўғноғич ва тўқаларда тасвирланган эчки ва қўйлар, канотли қўчқорсимон ёки отсимон ҳайвонлар, яримодам, яримилон, бўри ёки шер шаклидаги афсонавий образлар, тамға ва муҳрлардаги ҳар хил куш ва ҳайвонларнинг тасвири оддий санъат намунаси бўлибгина қолмай, балки илк дин шакллари, айниқса, тотемизм билан боғлиқ тасаввурлар маҳсулидир.

Тарихий маълумотларга қараганда, Евроосиё даштларида яшовчи аҳолининг хўжалик, ҳарбий ва маданий ҳаётида милоддан аввалги II минг йиллик ўрталарига келиб жиддий ўзгаришлар рўй берганлиги аниқланган. Бу даврда табиат ўзгариши, айниқса, ҳавонинг совиши ва бошқа баъзи сабабларга кўра сон-саноксиз қабила ҳамда элатлар ҳаракатга келади. Юқорида қайд этилган, «арийлар» номи билан маълум этник жамоа иккига бўлиниб, катта бир қисми Кавказ тоғлари устидан Олд Осиёга кўчиб ўтади. Бу ерда улар маҳаллий элатларга отни парвариш қилиш ва аравада жанг қилиш тактикасини ўргатиб, ўзлари туб аҳоли билан аралашиб, тарих саҳнасидан йўқолиб кетганлар. Уларнинг Ўрта Осиёнинг шимолида яшаган иккинчи қисми ҳам ўша даврда Тожикистон тоғ доvonларидан аста-секин ошиб ўтиб, шимол-ғарбий Ҳиндистон, Гўмам, Сват ва Гандҳарага кўчиб жойлашганлар. Бу «буюк кўчиш» натижасида мазкур этник қавмлар босиб ўтган йўлда ҳозиргача скиф-сармат қабристонлари, отлар дафн қилинган мозорлар, аравалар суратлари солинган қоялар учрайди. Ҳозиргача Шимолий Ҳиндистон аҳолиси орасида Европадаги илк ватан тўғрисида афсона ва ривоятлар сақланиб келади. Ҳинд-Эроний қабилаларнинг илк ватанидан жанубга бир неча марта кетма-кет тўлқин бўлиб кўчганлиги тўғрисида зардуштийлик динининг муқаддас китоби «Авесто»да ҳам хикоя қилинади.

Яна Хоразм воҳасига қайтсак. Милоддан аввалги II минг йиллик давридаёқ Амударёнинг жанубий Оқчадарё ҳавзаси майдонларини одамлар ўзлаштира бошлаганлар. Унинг ён ўзанлари бўйлаб жанубий Уралбўйи даштларидан келган Андронов маданиятига оид аҳоли маҳаллий сувёрғон қабилалари билан аралашиб кетган (асли генетик жиҳатдан калтаминорликларга тақалган) элатлар жойлашган. Бу маконларнинг кашф этилиши натижасида, у ердаги кулба ва қишлоқларнинг қолдиқлари, кўхна ариқ тармоқлари ва далаларнинг аниқ излари, Жанубий Оқчадарё ҳавзаси аҳолисининг хўжалиги, уйлари ва тураржойлари тўғрисида археологларимиз жуда бой материалларни қўлга киритдилар. Хоразм бронза (жез) даврига оид бу кашфиётлар фанда мутлақо номаълум бўлган

узоқ ўтмишдаги ижтимоий тузумни қайта тиклаш имконини берди.

Оролбўйи жанубида серунум тупроқли текисликларда ва уни ўраб олган дашт яйловларда анча мураккаб этник жараёни бошидан кечирган аҳоли яшаган. Маҳаллий аҳолининг этник тузилишида ҳам жанубий, ҳам шимоллий гуруҳларнинг иштирок этганлигини қадимий қабристонлардан топилган ашёлар тасдиқлайди. Табиийки, этник чатишмалар билан бирга уларнинг урф-одатлари ва диний тасаввурларида ҳам жиддий чатишмалар юз берган бўлиши керак. Айниқса, диний тасаввурлар билан мифология асарлар, халқ оғзаки ижоди жанрлари билан диний ақидаларнинг узвий боғлиқлиги кенг халқ оммасининг онгида янги диний таълимотлар билан бирга ибтидоий дин шакллари сақлаб қолишга имкон яратади.

Шундай бир мураккаб вазиятда минтақада синкретик тарзда юзага келган зардуштийлик дини янги ижтимоий тузумга мос келган эди. Аммо ҳозиргача тадқиқотчилар орасида биринчи жаҳон динининг ватани қаерда эканлиги аниқланмаган. Ва лекин кўпчилик тарихчи, шарқшунос ва диншунос олимлар турли манбаларга таяниб, зардуштийлик Марказий Осиёда, айримлари ҳатто кўҳна Хоразмда пайдо бўлган, деган фикрни исботлашга ҳаракат қилганлар. Юқорида қайд этилган арийлар ва бошқа турли элат ҳамда қабилаларнинг турмуш тарзи, оғзаки ижодида ҳар хил жанрлардаги образлар, айниқса, эртақ ва дostonларнинг қаҳрамонлари янги диний таълимотда ўз аксини топганлиги зардуштийлик, шубҳасиз, Марказий Осиё, шу жумладан Хоразм воҳаси билан боғлиқ эканлигини кўрсатади.

Милоддан аввалги I минг йилликнинг бошларида Марказий Осиёда пайдо бўлган қудратли давлатлар ўз ҳукмронлигини ўрнатиш ва уни мафкуравий жиҳатдан мустаҳкамлаш учун муайян ғоявий воситага муҳтож ҳам эди. Маълумки, минтақада милоддан аввалги VII асрнинг охирида қисқа давр ҳукмронлик қилган Осурия салтанати емирилиб, унинг харобаларида икки катта давлат – Мидия ва Бобил давлатлари пайдо бўлган. VI–V асрнинг ўрталарида эса Олд Осиёни ўзига бўйсундирган Ахоманийлар империяси юзага

келади. Унга асос солган мустабид подшо Кир II (эрамиздан аввалги 558–529 йиллар) кўл остидаги давлатда ўзини барча мавжуд динларнинг хомийси, деб жар солади ва уларга, ҳатто, моддий ёрдам беради. Шундай тарихий вазиятда юзага келган зардуштийлик дини Шарқ мустабидларининг диққатини ўзига жалб қилган эди.

Ахоманийлар давридаги ўтроқ деҳқонлар ўзларини орий, ўз мамлакатларини эса Ариан (Эрон номи шундан келиб чиққан бўлса керак), деб атадилар. Кўчманчи арийларни Ахоманий форслари саклар деб, шарқий Эрон ва Ўрта Осиёнинг жанубидаги ўтроқ аҳолини турлар (Турон номи ҳам шу сўздан келиб чиққан), деб атаганлар. Янги динга асос солган Зардуштининг ўзи ҳам тур бўлганлиги, унинг ваъзалари кўчманчи қабилалар орасида обрў қозонмаганлиги туфайли у ўз ватанини тарк этиб, Эронга келиб диний таълимотини тарғиб қила бошлаганлиги тўғрисида ривоятлар бор. Эрон ва Турон ўртасидаги рақобат ҳамда интиҳосиз урушлар, тур ерлари билан боғлиқ воқеалар нафақат халқ оғзаки ижодида, балки улуғ шоир Фирдавсийнинг ўлмас асарида ҳам батафсил тасвирланган. Ундаги Заратуштра (Зардушт) номи эроний тилда «кекса (ёки сарик) туя эгаси» деган маънони англатади ва бундай ном кўчманчи чорвадорлар учун хос атамадир.

Кўп тарихий асарларда Зардушт афсонавий йиғма образ, аслида бундай шахс бўлмаган деган фикр узоқ вақт ҳукм суриб келган эди. Кейинги тадқиқотларга қараганда, айниқса, оригинал матнлар синчиқлаб ўрганилиши натижасида бу фикрлар асоссиз бўлиб чиқмоқда. Айрим олимларнинг таърифича, Зардушт томонидан яратилган шеърый мисраларда бу пайғамбарнинг ҳаётига оид баъзи маълумотлар мавжуд. Масалан, бир ерда Зардушт ўзининг камбағаллигидан нолийди, бошқа бир ўринда унинг оиласи, қизлари ва куёвлари бўлганлиги тўғрисида хабар бор. Унинг ижодида машаққат чеккан, курашларда чиниққан, зўр истеъдод эгаси – ёрқин шахс намоён бўлади. Бошқа пайғамбарларга ўхшаб, Зардушт ҳам ўз таълимотини кишиларга тўла етказа олмай, чуқур изтироб чекади ва атрофдагилар уни душманлик билан қарши оладилар. Зардушт гапларида мўъжиза, илоҳий жасорат, сеҳргарлик намоён қилмайди, бундай хатти-ҳаракатларнинг

барчаси зардуштийликнинг кейин пайдо бўлган асарларида афсонавий руҳда унга нисбат берилиб, бўрттириб тасвирланган.

Асли зардушт таълимоти милоддан аввалги VII асрда пайдо бўлиб, у адабиётларда бошқа номлар билан ҳам аталади, унга бош худо Ахурамазда исми билан маздаизм, бош муқаддас китоб «Авесто» номи билан авестоизм, асосий эътиқод оловга сиғиниш бўлганлиги туфайли оташпарастлик ёки кейинги зардуштийлик даврида худо Митра исми билан митраизм, деб ном берилган. Бу диннинг асосий бош асари «Авесто» Осиё ва қўшни мамлакатларнинг деярли минг йиллик тарихи ва маданиятини ўрганишда энг муҳим ёзма манбалардан бири бўлиб ҳам хизмат қилади.

«Авесто» ривоятларидан бирида, афсонавий биринчи одам ва эронийларнинг биринчи подшоси Йима осмон худоси Ахурамазда унга берган ерларини кенгайтирганлиги тўғрисида ҳикоя қилинади. Йима уч юз йил ҳукмронлик қилган. Шу давр ичида унинг ерида ўсимликлар, қушлар, ҳайвонлар, чорва ва одамлар шунча кўпайиб кетганки, тураржой ҳам қолмаган, ерга ҳам оғирлик тушган. Кейин Йима ўз одамларини янги макон излаб, қуёш йўли билан жанубга бошлаган ва у ерда 600 йил ҳукмронлик қилган. Яна аҳоли кўпайиб зич бўлганидан, Йима ўз кишиларини 900 йил давомида аста-секин яна жануб томон кўчириб олиб кетади ва охирида орзу қилган ўлкаси Арконам Ваэжога етади. Йиманинг етти ойи илик қиш, беш ойи файзли гўзал ёз билан ўтган. Аммо «Авесто»нинг бош образларидан ёвузлик худоси (руҳи) Анҳра Майнью (Ахриман) келиб, бу серунум сахий ўлкани сув билан таъмин қилиб турган дарёни қаҳратон қиш билан тўлдирган. Эндиликда бу ерда ўн ой қиш ва фақат икки ой ёз бўлган.

Айрим олимларнинг фикрича, бу афсонавий ўлка муқаддас Амунинг қуйи оқимидаги кўҳна Хоразм ҳисобланган. Археологик ва тарихий тадқиқотлар ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Абу Райҳон Беруний берган маълумотларга қараганда, Хоразмга афсонавий қаҳрамон Сиёвуш келиб, дастлаб давлатга асос солган давр йил ҳисобининг бошланиш санаси «буюк кўчишлар» даврига тўғри келиши



диққатга сазовор. Милоднинг Х асрига қадар ҳукмронлик қилиб келган мазкур афсонавий сиёвушлар сулоласининг асосчиси «Авесто»да Сиёворшон номи билан тилга олинади, унинг образи халқ дostonлари ва афсоналарида ярим худо қиёфасида гавдаланади. Хоразм эртақларида жуда кўп учрайдиган девлар, аждаҳо ва бошқа турли ёвуз кучлар «Авесто» образларига тўғри келиши ҳам тасодиф эмас. «Авесто»нинг айрим қиссалари Фирдавсий асарларида тилга олиниб, Сиёваршона ва Хусрав кўрсатган қахрамонлиқлар билан боғлиқ воқеалар Урва (Урганч) яқинидаги кўлларга бой ўлка, Вурукаш (Орол) денгизи атрофларида ҳамда дахлар ва сарматлар (Волгабўйи даштлари) мамлақатида рўй беради. Шу ерда Вурукаш денгизига яқин жойда Ардви (Амударё) ирмоқлари пайдо қилган оролларда «еттита киришвор» аҳоли яшаган энг қадимий вилоятлар юзага келган. Бу ерга Сасраок номли муқаддас ҳўкизга минган дастлабки авлодлар муқаддас маздакий оловини келтиради. Шу оловнинг энг қадимийси ва энг ҳурматлисини Йима-Жамшид Хоразм тоғларидан бирининг чўкисига ўрнатади.

Йима эса буюк «Шоҳнома»да Жамшид образида намoён бўлади. Жам (Йим) – киши исми, шид – нуроний деган маънони англатади. Унинг подшолик қилган даври ёруғлик зулмат устидан, адолат ёвузлик устидан, инсонлар девлар устидан узил-кесил ғалаба қилган, ҳатто, ўлим енгилган, ҳар бир дардга даво топилган замон, деб таърифланади, эронийларнинг афсонавий тарихида «олтин давр» деб ҳисобланади. «Шоҳнома»даги бир афсонага кўра, Жамшид авлоди Хушанг Прометей сингари оловни кашф этиб, сада байрамида кишиларга тақдим этади ва уни муқаддаслаштиради. Унда зардуштийлик динининг асосий эътиқоди – оловга сиғинишнинг пайдо бўлиши ҳақида ҳикоя қилинади.

Шундан бери оташ қибласи бўлди,  
Шуъласидан дилга ёруғлик тўлди,  
Кеч киргач, ўт ёкиб айлади гулхан,  
Гулхан атрофида аъёнлар билан,  
Ўлтириб бошлади базм ва байрам,  
Сада деб ном берди дилдан ариб ғам.

Сада базми ундан қолди ёдгор,  
Хушангдек бўлсайди бари шахриёр...<sup>1</sup>

Унда ёруғлик, эзгулик худоси Ахурамазда ва қоронғулик, ёвузлик худоси Анҳра Майню (Аҳриман) орасидаги доимий кураш ётади. Асли Зардушт дини қадимий Марказий Осиё қабилалари, ҳинд-эрон худолари образидан келиб чиққан. Икки худо – Варуна ва Митра илк худоларнинг бошида турган. Бу жуфтликда Варуна жамият ахлокий тартибларини бузган кишиларни жазоловчи, Митра эса инсонларга яқин бўлиб, у кишилар ўртасидаги аҳд ва дўстлик худоси сифатида тасвирланади. Мазкур диний тасаввурлар ўрнида пайдо бўлган зардуштийлик Варуна образини Ахурамазда (донишманд худо) сифати билан улуғлайди ва уни бутун коинот ва жонли мавжудотни, руҳларни, инсон ва жониворларни яратган ягона худога айлантирган. Бу бунёдкор парвардигор инсонга эзгулик ва ёвузлик, ҳақиқат ва ёлғонни танлаш ихтиёрини берган. Бунда тарихда биринчи марта ижтимоий зиддият ва ёвузлик муаммоси илоҳий образлар орқали ифодаланган.

Зардушт таълимотининг муҳим томони шундаки, у ижтимоий зулмга қарши курашиш имкониятини, бунда ҳам руҳ, ҳам инсон ўз йўлини танлаши лозимлигини баён этади. Мазкур ғоя буюк «Шохнома»да ҳам ўз аксини топган. Унда инсон ҳаёти кўринишларининг моҳирона тасвирларида кишиларнинг ўзларига хос эзгулик ва камчиликлари, ижобий ва салбий томонлари ифодаланган. Иккинчи асосий ғоя – яхшилик ва ёмонлик орасидаги азалий ва абадий кураш ғоясидир. Асарда зўр маҳорат билан дунё Ахурамазда бошчилигидаги яхшилик кучларининг Аҳриман кўл остидаги ёвузлик лашкарларига қарши кураш сифатида талқин этилган. Тадқиқотчилар қайд қилганидек, «Шохнома»да ўтрок аҳоли эронийлар, уларнинг қўшинлари эзгулик кучлари мужассами ҳисобланса, туронийлар, румийлар ва бошқа барча кўчманчи аҳоли ёвузлик – Аҳриман томонидан юборилган бало, деб тасвирланади. Фирдавсийнинг энг сеvimли образи Рустам ёвуз ниятли босқинчиларга қарши курашда ғолиб чиқиб, ўз

<sup>1</sup> Шеърларни Ш. Шомухамедов форс-тожик тилидан таржима қилган.

биродарига уруцдан кейинги эл ахволини таърифлаб, шундай деб ёзади:

Бир четда қолади ростлик, аҳд-паймон,  
Хурмагда бўлади эгрилик, ёлғон.  
Ҳақиқий жангчилар айланур ётга,  
Лофчи, опқочарлар минишар отга,  
Хунарсиз дехқонлар бўлади аскар,  
Мева бермай кўяр насаб ва хунар.  
Пинҳони ошкордан баттарроқ бўлур,  
Шоҳлари тош кўнгил, бебошвоқ бўлур –  
Ёмонлик ўйлайди отага бола,  
Ўғилдан отанинг дилида нола...  
Эронига араб, турклар қотишиб,  
Уруғ пайдо бўлур, бари чатишиб,  
На турку, на араб, на дехқон бўлур,  
Тили ҳазил-мазах, сўз ёлғон бўлур.

Асарнинг бош қаҳрамони номидан айтилган бу башорат сўзлар асли зардуштийлик динининг асосий ғоявий моҳиятини ифодалабгина қолмай, балки ўз даврининг муаммоларини тушунишга ёрдам берадиган муҳим ғоялар десак, хато бўлмайди.

Қадим ўлкамизда пайдо бўлган буюк аждодимиз пайгамбар Зардушт таълимотининг энг зўр ва муҳим муаммоларидан бири икки ярим минг йилдан ортиқ барча гуманистик ва юксак ғоявий асарларда қуйланиб келган инсон муаммосидир. Унинг таърифича, барча одамлар эзгулик ва ёвузлик йўлини ихтиёрий равишда танлашади. Бу – ахлоқни эркин танлашда тарихий бурилиш даври, бир турмуш тартибидан бошқасига ўтиш учун характерли бўлган шахс озодлиги ўз аксини топган. Инсон мавқеини улуғлайди, тўғри турмуш тарзи тинч меҳнатдан иборат эканлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, бу дунёда илоҳий кучлар марҳамати билан, нариги дунёда қатта қурбонликлар шарофати билан бахтга эришиш мумкин эмас.

Фирдавсий ўз достонида инсонга озор бермасликка, ёмонликнинг уруғини қуритишга даъват этади. Одам энг қимматли гавҳар, барча нарсанинг ижодкори инсон, унга ёмонликни раво кўрмаслик керак, деган фикрни илғари суради. Доимо

тинчлик тарафдори, қон тўкишга қарши бўлган Фирдавсий пайғамбар Зардушт сингари ҳаётни қадрлашга, инсонни эъзозлашга чорлайди.

Билиб қўй, яхшимас қон тўкиш асло,  
Беғуноҳларга ҳеч келтирма бало!  
Сабабсиз жанг бошлар экан қай инсон,  
Бўлур жигари қон, ранги заъфарон...  
Инсондан яхшилик, нур ва равшанлик,  
Инсонсиз дунёда йўқ фаровонлик.

Зардуштийлик таълимотига биноан, Ахурамазда Аҳриман ва ёвуз девлар устидан ғалаба қозонади, бутун инсоният бирикиб, ягона тил ўрнатилади, барча одамлар фаровон ва тинч ҳаёт кечирадилар. Аммо «зиё салтанати», яъни жаннатий ҳаёт ўрнатилишидан олдин қиёмат-қойим бошланади, бутун жонзотлар эриб турган маъдан ичидан ўтадилар. Гаталарда бундай дейилади: «Қип-қизил олов ва эриб турган маъдан синовидан ўтгач, Дурж (ёлғон, тартибсизлик руҳи) тарафдорлари зулмат салтанатига, Арта (ҳақиқат, тартибот руҳи) тарафдорлари эса зиё салтанатига тушадилар». Унда жаннат ва дўзах тасаввури қуйидагича таърифланган: «Келажақда ҳар кимнинг ўз эвази бор. Ким Арамати (тинчлик) билан дўстлашса, ўша Ахурамазда ва Арта салтанатига тушади». Зардушт фикрича, ўлгандан сўнг кишининг руҳи жар устидан чинвот (исломдаги сирот – И. Ж.) кўпригидан ўтиши керак. Бу кўприк такводорлар учун кенг ва равон бўлса, ёвузлар учун қилдай ингичка бўлиб қолади ва оқибатда улар жаҳаннамга қулаб тушадилар. Жаҳон динларига ўтган охират таълимоти ва одамларнинг нариги дунёда худо олдида тенг бўлиши ғоялари ўша даврда Марказий Осиё ва бутун Ўрта Шарқни ларзага келтирган, бой зодагонлар ва руҳонийларга қарши қаратилган маздакийлик номли халқ ҳаракатида ўз ифодасини топади. Монийлик қоҳини Маздак бошчилигидаги диний ниқобда бошланган бу ҳаракатнинг ғояси «Шоҳнома»да жўшқин қуйланади:

Маздак оддий халққа фикр этиб изҳор,  
Дерди: «Бою гадо – баробар зинҳор.  
Кам-ортиқ бўлмасин ҳеч кимнинг моли,

Бир бўлсин ўриш ва арқоқ мисоли,  
Бойлик, бечоралик бўлмасин, токим –  
Тенглик бўлсин жаҳон мулкида ҳоким.  
Бир хилда яшасин қашшоқ билан бой.  
Қашшоқда ҳам бўлсин оила, уй-жой.  
Ушбу эътиқодим менинг динимдир...»

Маълумки, Ғарб тарихида буюк ислоҳотчилар ва маърифатчилар даври – энг зўр ва ажойиб Уйғониш деб ном олган даврни ҳозирги замон маданиятининг бешиги ҳисобланган антик Рим ва Юнонистон маданиятига қиёс қилиниб таърифланади. Асли дастлабки гуманистик ғояларнинг ислоҳотчилик ҳаракатини Ўрта Осиёнинг буюк фарзанди Зардуштдан бошласак ҳақиқатга тўғри келади. Чунки унинг таълимоти инсонпарварлик ғояларини биринчи бўлиб илоҳийлаштирган, дунёвий ҳаётни мукаддаслаштирган, унинг асосий ақидалари кейинги жаҳон динлари – христианлик ва исломнинг ақидавий ҳамда ибодат қоидаларига ҳам замин бўлган.

Зардушт образи мукаддас Таврот, Инжил ва Қуръонда тилга олинган пайғамбарлар тақдирига тўғри келиши ҳам тасодиқий эмас. У ҳам муайян тарихий даврда Ўрта Осиёда дастлабки табақаланган жамият ва давлатларнинг пайдо бўлиши ҳамда шаклланиши жараёнида юзага келади. Оқибатда минтақада даставвал политеизм (кўпхудолик) ва кейинчалик монотеизм (якка худолик) ғояларининг умумий қоидалаштирилиши мавжуд диний тасаввурларнинг танланиши ва тартибга солинишига сабаб бўлади.

Юқорида қайд қилинганидек, Зардушт афсонавий шахс деб таърифланса-да, асли пайғамбарлик даражасига кўтарилган тарихий образни ўзида мужассамлаштирган. Аммо кўп асрлик тарих ва илоҳиётчиларнинг ижодий фаолияти туфайли афсоналарга чулғанган шахс сифатида намоён бўлади.

Зардуштийлик анъанасига биноан унинг ҳаёт даври миллоддан аввалги VII аср охири – VI аср бошларига тўғри келади. Бир қатор олимларнинг фикрича, Зардушт ўз тарғиботини Ўрта Осиёда бошлаган, аммо ўз ватанида муваффақият қозонмай, бу ерни тарк этишга мажбур бўлган.

Энди яна мазкур динни яратган Зардуштнинг илк ватани Хоразмга қайтайлик. Кейинги йилларда ўтказилган тадқиқотларга биноан, С.П. Толстовнинг ёзма манбаларга ва археологик қазилмаларга асосланиб, зардуштийликнинг келиб чикиши тўғрисидаги фикрлари яна ҳам мустахкамланади. Масалан, зардуштийликдаги олов, сув, хаома, гуаш Урвана ибодатига боғлиқ худолар билан бирга табиат кучларини ифодаловчи маҳаллий рамзий маъбудалар мавжуд бўлган. Шулардан энг қадимийси ҳинд-эронликлар, жумладан, хоразмликлар, бактрияликлар, суғдийлар ва бошқа элатларда кенг тарқалган Осмон ва Зам номли мовий осмон ва ер маъбудаларидир. Хвар ва Мах номли куёш ва ой маъбудалари ҳам диққатга сазовор. Тадқиқотчиларнинг мазкур номлар билан Хоразм этимологиясини боғлаб, бу атама «хвар» («офтоб») ва «зам» (ер) сўзларидан келиб чикқан, деб фараз қилишлари ҳақиқатга анча яқин эканлигини юқорида ҳам қайд қилган эдик. Узок ўтмишдаги ёзма манбаларда тилга олинган бу улуғ ва ажойиб ўлка афсона ҳамда ривоятларда ҳам куйланган, «Шохнома» каби буюк асарларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган. Антик Хоразмнинг буюклигини дабдабали қалъалар ва қасрларнинг бизгача етиб келган сон-саноксиз харобалари ҳам тасдиқлайди.

Зардуштийлик дини яратилиш даври, айниқса, милoddан аввалги V–I асрлар қадимги Хоразмнинг гуллаб-яшнаган даври бўлиб, бу вақтга оид ёдгорликлар жуда кўп ва хилма-хилдир. Ўлканинг антик даврдаги шаҳарларининг деярли барчаси воҳани даштдаги қўшни қабилалардан мудофаа этиш мақсадида қурилган. Амударёнинг ўнг соҳили бўйлаб бирин-кетин чўзилган дабдабали Қанххақалъа, Жонбосқалъа, Бозорқалъа, Қирққиз, Қўрғошинқалъа, Аёзқалъа ва Тупроққалъанинг йирик суғориш иншоотларининг этагида бир-бирларига яқин қилиб қурилиши, уларнинг муайян кўринишга асосланган мудофаа тизимига эга бўлиши ўша даврдаги Хоразмнинг ҳақиқатан ҳам қудратли давлат бўлганлигини кўрсатади.

Бу қалъаларни тадқиқ этиш натижасида, айниқса, Қанххақалъа, Жонбосқалъа ва Қўйқирилганқалъа харобаларидан топилган буюмлар, қурилиш тарҳи ва бошқа топилмалар

қадимий хоразмликларнинг нафакат турмуш тарзи, балки уларнинг диний эътиқодларини ҳам аниқлашга имкон беради. Масалан, Жонбосқалъа марказий кўчаси охирида жойлашган иморат харобаларини текшириш натижасида оташ ибодатхонаси бўлганлиги аниқланди. Иморат ўртасидаги супачада қурилган ўчоқда муқаддас ўт доимо ёниб турган. Ибодатхонанинг ички девори тагида узун супа, оташхона ёнида эса ибодат қилувчиларнинг диний маросимларни ўтказишлари учун алоҳида хона ҳам мавжуд бўлган. Бу хонада топилган кўплаб суяк қолдиқлари унда диний маросимлар учун тайёрланган таомлар истеъмол қилинганлигидан дарак беради. Ўрта Осиё халқларида, шу жумладан хоразмликларда то ҳозиргача жамоа тўпланган пайтларда, тўй-маъракаларда умумий маросим таомларини пишириш, одамлар тўйиниши учун махсус жамоа уйлари бўлиши, айрим маросимларда гулхан ёқиш одати, баъзи қишлоқлар (Тожикистон)да яқин давргача оташхонали уйларнинг мавжудлиги мазкур диний эътиқодларнинг қолдиқлари эканлигини тасдиқлайди.

Жонбосқалъа ва бошқа ёдгорликларда жуда кўп учрайдиган «сопол ҳайкалчалар, идишларга солинган от расмлари қадимги хоразмликларда оташпарастлик ва зардуштийлик диний эътиқодларидан ташқари табиат кучларига, айрим ҳайвонларга, чунончи, отга сиғиниш эътиқоди муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади. От образлари хатто дафн қутиси (остадонлар)да ҳам учрайди. «Шохнома»да қуйланган айрим қаҳрамонларнинг номи (Лухрасп, Гўштасп, Аржасп ёки Хоразмдаги қалъа Ҳазорасп) от (асп) билан боғлиқ эканлиги эътиборга олинса, бу тасвирлар, шубҳасиз, муайян диний эътиқодлар билан боғлиқ бўлган. Серхашам кийимли аслзода кишини тасвирловчи жуда кўп ҳайкалчалар унумдорлик худоси, сув ва суғориш иншоотларининг ҳомийси Анахита образи билан боғлиқлиги аниқ. Наршахийнинг ёзишича, Зардушт динидаги бухороликлар ҳар йили Наврўз байрамида бозордан лойдан ясалган маъбуда ҳайкалчаларини сотиб олиб, эскисини синдирад эканлар. Обидалардан топилган ҳайкалчаларнинг деярли ҳаммаси синдирилганлиги бу фикрни тасдиқлайди. Абу Райҳон Беруний асарларида ҳам

Наршахий фикрига ўхшаш маълумотлар ва ривоятлар мавжуд. Шунинг алоҳида қайд этиш лозимки, бутун Ўрта Осиё, айниқса, Хоразм воҳасида, бошқа ерларга қараганда ниҳоятда кўп остадонлар топилган. Масалан, Қўйқирилган қалъа ва Қалъалиқир атрофида юзлаб дафн қутилари кашф этилган. Уларнинг айримлари ҳақиқий санъат намуналари, шулардан, айниқса, тўртбурчак шаклидаги, қопқоғида чордана қуриб ўтирган калта мўйловли, соқоли хоразмча қирқилган эркак ҳайкали жуда ажойибдир. Унинг нақшинкор кийими ва камари учидан кўй бошини тасвирловчи безак борлиги — муайян тасаввурлар билан боғлиқ эканлиги, шубҳасиз. Сўнгги йилларда Қалъалиқирда топилган қумтошдан, лойдан, алебастрдан ва сополдан ясалган турли кўринишдаги остадонлар ичидан юмалоқ қопқоғида қуш тасвири берилган квадрат дафн қутилари алоҳида ажралиб туради. Уларнинг тотемистик тасаввурлар билан боғлиқ эканлиги аниқ.

Обидаларда бўрттириб ишланган расмлар орасида қадаҳ кўтарган боғбон, жимжима жиякли камзул ва бурмали кўйлак кийган, бир қўлида кўзача, иккинчисида қадаҳ ушлаган аёл тасвирланган ҳайкалчалар кўп учрайди. С.П. Толстов таърифича, бу аёл сиймосида ҳосилдорлик маъбудаси, шаробчилик худоси Мино образи тасвирланган бўлиши ҳам мумкин. Хоразм Анахитасининг серхашам кийим кийган, бир қўлини кўкрагига қўйиб, иккинчи қўлида жажжи қўшқулоқ идиш тутган ҳайкалчаси диққатга сазовор. Антик замонда, масалан, қадимги юнонлардаги ўсимлик маъбудаси Дионисга бағишланган вакханалия (айш-ишрат) байрамига ўхшаш кузда йиғим-терим вақтида ўтказиладиган хушчақчақ байрамлар Хоразмда ҳам ҳар йили ўтказилган бўлиши эҳтимол. Топилмалар ичида жуда кўп сонли ҳайкалчалар билан бирга сон-саноксиз сопол идишлар орасида сувдонга ўхшаш идиш синиқларидаги жозибали расмлар, айниқса, тахтда ўтириб бола эмизаётган аёл ёки бўрттириб ишланган соқолли бош ҳамда баҳайбат қанотли отга ўхшаш афсонавий ҳайвон (грифон) тасвири, ёки шернинг боши тасвирланган жажжи идиш кабилар кишини ҳайратда қолдиради. Бундай ноёб топилмалар узок аждодларимизнинг дунёқарашлари, маданияти юксак бўлганлигидан далolat беради.



Мазкур обидаларни текшириш Марказий Осиёда яшаган қадимий халқларнинг юксак маданиятга ва муайян мафкурага эга эканлигини тасдиқлайди. Бунинг замирида узоқ тарихий давр давомида жуда кенг ҳудудда шаклланиб келган умуминсоний қадриятлар, моддий ва маънавий маданият анъаналари намоён бўлганлигини кўрамыз. Айниқса, топилган буюмларда минтақанинг, бир томондан, шимолий Қора Денгиз бўйларида ва бепоён Қозоғистон даштларида яшаган қабилаларнинг таъсири борлиги, иккинчи томондан, Ҳиндистон ва Эрон халқлари маънавий ва мафкуравий таъсири борлиги сезилади. Бутун антик даврда қадимги Ўрта Осиё ва қўшни Эрон халқлари ҳаётида милоддан аввалги биринчи минг йилликларда илк ибтидоий дин шакллари (тотемизм, сеҳргарлик, анимизм, табиатга сиғиниш каби-лар) жуда кенг тарқалган. Турли даврларда пайдо бўлган хилма-хил элат ва этник гуруҳлар дунёқарашларининг ўзаро таъсири остида қадимий аجدодларимизнинг динлари мураккаб синкретик (курама) характерга эга бўлган. Аммо бу синкретизм анъаналари кейин шаклланган жаҳон ва бошқа динларда ҳам ўз ифодасини топганлиги муҳим аҳамиятга эга. Бундай мураккаб жараён марказида антик маданият ва маънавият хазинаси ҳисобланган Хоразм турганлиги илмий жиҳатдан исботланди.

## V б о б

### **ЗАРДУШТИЙЛИК – ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ ИЛК ҒОЯЛАРИ**

Жаҳон маънавий маданиятининг энг қадимий дурдоналаридан бири «Авесто» нинг 2700 йиллиги ЮНЕСКО қарори билан мамлакатларимизнинг маърифат аҳли томонидан кенг нишонланди. Мазкур китобнинг инсоният тарихида жамият шакллана бошлаган даврлардан илк маънавий ва маданий қадриятларни муқаддаслаштирган буюк асар эканлиги, унинг қисқа муддат ичида жуда катта ҳудудга – Ҳинд соҳилларидан Итил (Волга) бўйларигача, қипчоқ даштларидан Мозандарон ўрмонлари ва Тяньшань тоғ тизмаларигача тарқалганлиги тасодифий эмас.

Ҳозир тарих фани олдида турган энг муҳим муаммолардан бири муқаддас «Авесто»нинг пайдо бўлиши, унинг ватани масаласидир. Марказий Осиёда, айниқса, кўҳна Хоразмда йиллар давомида ўтказилган археологик-этнографик тадқиқотлар мазкур муаммони ҳал этишда муайян ҳисса қўшди. Олтмиш йилдан ортиқ Оролбўйи, Амударё ва Сирдарё қуйи оқимидаги бепоён чўлу биёбон бағридаги харобаликка айланган кўп сонли тарихий обидаларни тадқиқ қилган машҳур шарқшунос олим Сергей Павлович Толстов бошчилигидаги Хоразм археология-этнография комплекс экспедицияси мазкур муаммога анча аниқлик киритди. С.П. Толстов жуда бой ва хилма-хил ёзма ҳамда археологик материалларга асосланиб, асли оташпарастилик ришталари мазкур ҳудудда мавжуд эканлигини, унинг сарчашмаси Хоразмнинг энеолит даврига оид эканлигини, илк пайғамбар Зардушт (Заратуштра)нинг ватани ҳам кўҳна Хоразм бўлганлигини исботлашга муяссар бўлди. Унинг таърифича, илк деҳқончилик билан шуғуллана бошлаган Оролбўйи қабилалари яшаган Жонбос қалъа туркумига кирган Қалтаминор маконлари деб ном олган қадимий обидалардан топилган муқаддас оташхоналар мажмуи, пластик шаклда ясалган турли одамсимон ва ҳайвонсимон тасвирлар мазкур фикрни исботлашга сабаб бўлди.

С.П. Толстовнинг фикрича, ибтидоий маконлардан қазиб олинган турли буюмлар ва ҳайкалчалар, доимо ёниб турган ўчоқ қолдиқлари, ибодатхона шаклидаги обидалар мажмуи, пухта ясалган, асосан, аёллар тасвирланган терракота (сопол ҳайкалчалар), шубҳасиз, қандайдир муғиёна илоҳий образлар билан боғлиқ бўлган. Қадимий даврларда пайдо бўлган ҳосилдорлик ибодати билан боғлиқ бўлган аёл образларининг тасвири, оташга ва руҳларга сиғиниш, оилавий маросимлардаги айрим элементлар зардуштийлик ришталари эканлигини тасдиқлайди. Мазкур фикрларни ишончли далилларга таяниб таниқли инглиз олимаси Мэри Бойс ҳам қўллаб-қувватлайди. Унинг айтишича, зардуштийлик ва «Авесто»нинг келиб чиқиши тўғрисидаги С.П. Толстов концепцияси ниҳоятда тўғри. Ўша даврга оид моддий маданият намуналари зардуштийлик ришталарининг пайдо бўлиши ҳар хил диний тасаввурларнинг, табиат ва жамият тўғрисидаги

тушунчаларнинг чатишиб кетганлигини кўрсатади. Бундай тасаввурлар, даставвал, ҳайвонлар, табиат ва қабилавий муносабатлар ҳомий руҳлар ва худолар билан боғлиқлигини тасдиқлайди. Оташга сиғиниш ибодати қолдиқлари ва турли шаклдаги остадонлар антик Хоразм обидаларида жуда кўп топилган.

Кейинги эллик йил давомида Хоразмда ўтказилган этнографик тадқиқотлар нафақат оловга ва руҳларга сиғиниш ибодати қолдиқлари, фетишизм ва тотемистик тасаввурлар, балки ҳомий муқаддас авлиё-анбиёларга сиғиниш сингари удумлар чуқур илдиз отганлигини кўрсатади. Бу тўғрида жуда кўп моддий маданият намуналари гувоҳ бўла олади. Археологик-этнографик маълумотлар ибтидоий хоразмликларнинг диний тасаввурлари, кейинги дин шакллари, айниқса, зардуштийлик ибодати билан генетик боғлиқ бўлганлигини исботлайди. Оташ ибодати ва табиат ҳодисаларига сиғиниш аслида ҳосилдорлик образи Анахита ва табиат стихияси билан боғланган урф-одатлар ҳамда маросимларда ифодаланган. Табиат ва стихияли ҳодисаларнинг ўзаро зиддиятлилиги ва қарама-қаршилиги, олов ва сув, ҳаво ва ер синфий жамият пайдо бўлиши билан дуалистик тасаввурларни юзага келтирган. Бу ҳолат жамиятда ижтимоий зиддиятлар замида эзгулик ва ёвузлик руҳларини яратиб, уларнинг ибодати ва маросимларини пайдо қилган.

Энг катта зардуштийлик ибодатхонаси вазифасини бажариб келган Қўйқирилганқалъа теварагида топилган жуда кўп оссуарийлар ўзининг хилма-хиллиги, ўзига хос санъат намунаси эканлиги билан ажралиб туради. Шу ердан топилган квадрат шаклидаги остадон қопқоғига ишланган – чордана қуриб ўтирган нақшинкор кийимли, калта мўйловли хоразмча кўринишдаги эркак тасвири диккатга сазовордир.

Археологик-этнографик маълумотлар хоразмликларнинг ибтидоий аждодлари, турли диний тасаввурлари ҳам кейинчалик пайдо бўлган динлар, айниқса, дастлаб олов ва табиий ҳодисаларга эътиқод сифатида дунёга келган зардуштийлик таълимоти билан генетик боғлиқ бўлганлигини тасдиқлайди. Бу диний тизимнинг асосини Анахита образидаги ҳосилдорлик маъбудасига, турли табиий ҳодисалар,

ёриткичлар билан боғлиқ самовий тимсолларга эътиқод қилишдан иборат бўлган ибтидоий динлар ташкил қилади.

Табиий ҳодисалар ва кучларнинг зиддиятлилиги, яъни бир ҳодиса, масалан, олов ва сув, ер ва ҳаво ҳам эзгулик, ҳам ёвузлик тимсоли бўлиши мумкинлиги, табақаланиш вужудга келиши билан боғлиқ ижтимоий зиддиятлар дуалистик диний тасаввурлар пайдо бўлишига олиб келди ва улар, энг аввало, эътиқод билан боғлиқ урф-одатларда намоён бўлди.

Қадимги Хоразмда дунёга келган зардуштийлик қисқа муддат ичида уч буюк империя – Ахоманийлар, Африғийлар ва Сосонийлар салтанатида давлат динига айланади. Бу империялар милоддан аввалги VII–VI асрлардан милодий VII асргача, деярли минг йилдан зиёд узлуксиз мавжуд бўлган ҳамда Яқин ва Ўрта Шарқнинг жуда катта қисмида ҳукмронлик қилган. Шу боис зардуштийликни дастлабки жаҳон дини, Зардуштни эса Шарқ пайғамбарларининг биринчиларидан деб ҳисоблаш мумкин. Машҳур диншунос инглиз олимаси Мэри Бойс адолатли равишда қайд этганидек, «Эрон (антик Хоразм ҳам – И.Ж.) ҳокимияти зардуштийликка улкан обрў-эътибор келтирди ва унинг таълимотидаги айрим энг муҳим жиҳатлар яҳудийлик, насронийлик, ислом каби динлар ҳамда гностик мазҳаблар томонидан ўзлаштирилди. Шарқда зардуштийлик буддавийликнинг шимолий варианты ривожига таъсир кўрсатди». Мазкур диннинг айрим қоидалари «ноёб ва эътиборга лойиқдир, – деб ёзади Мэри Бойс, – бу қоидалар ўз эътиқодчилари учун муайян мақсадни кўзлаб ва қониқиб яшаш имконини яратди», насроний, сўнгра ислом дини айни шу ижобий қоидаларни ижодий ўзлаштирганликлари боис кейинчалик жаҳон динига айланиш имконига эга бўлдилар.

Хоразмликларнинг маънавий ҳаётида «Авесто» образлари билан боғлиқ кўп азиз-авлиёлар муҳим ўрин тутган. Авлиёларга сиғиниш эътиқодининг илдизи ҳам қадим-қадимга бориб тақалади ва давлатчилик ғоялари билан боғлиқ. Ҳозирга қадар Нажмиддин Кубро, Замахшарий, Султон Увайс, Исмамут ота, Юсуф Ҳамадоний, Пахлавон

Махмуд сингари авлиёлар халқ орасида маълум ва машхур. Паҳлавон Махмуд, ҳатто, Хиванинг пири – ҳомийси деб ҳам танилган. Ҳозиргача муқаддас Хоразм тупроғи, айникса, Кўҳна Урганч 360 авлиёлар ўлкаси деб номланиши бежиз эмас.

Хоразмликларнинг авлиёларга бағишланган ривоятлари, оғзаки поэтик ижодиёти намуналари ғоят кенг тарқалган бўлиб, унда фольклорнинг турли жанрларига оид асарлар мавжуд. Бахшилар ва халфалар ижро этадиган дostonларда нафақат илоҳий образлар, балки қадимий скиф-сарматлар ва массагетлар даври қахрамонлик дostonларининг руҳи «Авесто» даги ақидавий образларда аниқ сезилиб туради.

Санъат – даврлар ўртасидаги кўприқдир. Ҳозирги хоразмлик, айникса, хивалик, мадирлик ва урганчлик меъморлар, истеъдодли наққошлар, кандакорлар, заргарлар, кулоллар ва халқ ижодкорларининг юқори даражада бадиийлик билан яратилган бетакрор асарлари, шубҳа йўқки, қадимги хоразмликларнинг кўп асрлик нафис санъати ва ижодий фаолиятининг бевосита давоми бўлиб, уларнинг юксак маҳорати ва нозик бадиий дидидан дарак беради.

Янги минг йиллик, афсуски, нафақат табиатга, балки бутун инсоният ҳаётига ҳар хил фожиали ҳодисалар, зиддиятли воқеалар билан кириб келмоқда. Илгариги замонларга нисбатан анча кўп рўй бераётган табиий офатлар – даҳшатли сув тошқинлари, zilзилалар, ҳаддан зиёд қурғoқчилик туфайли катта нобудгарчилик ва вайроналик, иккинчи томондан – ер қуррасининг турли бурчагида вужудга келган сиёсий тўқнашувлар ва ҳокимият талашувлари, қашшоқлик ва талон-торoжлик, терроризм, зўравонлик ва қон тўкишлар инсониятни гангитиб қўймоқда. Шуниси қизиқки, мазкур ҳодиса ва воқеаларнинг бўлиши уч минг йиллар муқаддам илк пайғамбар Зардушт ўзининг муқаддас китоби «Авесто»да башорат қилиб айтган фикрларга тўғри келганлиги, ўрта асрларда Фарбда рўй берган Уйғониш жараёни бошланишидан икки минг йиллар муқаддам Марказий Осиёда пайдо бўлган зардуштийлик таълимоти кўтарган инсонпарварлик ғояларининг ҳозирги даврдаги Инсон муаммоси билан ҳамоҳанглиги ниҳоятда муҳимдир. Давлатчилик ҳамда қонунчилик илк

жаҳон динида инсон камоли, унинг фазилатлари, ақл-идроки ва одоби билан боғлиқ эканлиги алоҳида аҳамиятга эга.

Ҳозирги мураккаб замонда муайян эътиқод, аниқ умид ва эзгу ниятларга эга, ўз мавқеи ва ҳуқуқини англаган, билимдон, ўз Ватани ва бурчига садоқатли бўлган фуқароларсиз ижтимоий тараққиёт бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун ёш авлодни тарбиялашда унинг дунёқараши, билим даражаси, маданий ва сиёсий савияси, хулқ-атвори умуминсоний кадриятларга мос келиши муҳим аҳамиятга эга. Чунки инсон мавқеи жамият моҳияти билан бевосита боғлиқ бўлиб, шахс камолининг асосий манбаи жамиятда, унинг фаолияти билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар тузумида эканлигини тарих тажрибаси тасдиқлаб берди.

Инсон моҳияти масаласини, унинг жамиятда тутган ўрнини шахснинг дунёсини ифодаловчи ўзаро узвий боғланган эътиқод (имон, ҳуқуқ, бурч, диёнат), адолат, ҳалоллик каби кадриятлар орқали тўғри идрок этиш мумкин. Аслида ҳар бир фуқаро ҳаётдаги ўрнини ва мавқеини ўз жамияти, ватани, теварак-атрофдаги муҳит (оила, меҳнат жамоаси, маҳалла ва ҳ.к.) олдидаги бурч ва масъулиятини ички ҳис-туйғулари ва виждони орқали чуқур тушуниб олса, ижтимоий тараққиётнинг муҳим омилига айланади.

Зардуштийликнинг энг олийжаноб ва бош ғояси инсоннинг камол топиши, унинг ўй-фикрлари, сўзлари ва амалий фаолияти аниқ орзу-умид ва эзгу ниятларга монанд келиши, умуминсоний кадриятларга жавоб бериши учун, даставвал, инсонга зарур шарт-шароитлар яратилиши зарурлигини мақсад қилади. Ижтимоий муаммоларни ҳал қилмагунча, тўқ-фаровон ҳаёт бўлмагунча инсон камолотга етиши амримаҳол. Шунинг учун «Авесто»да шахснинг инсоний қиёфасини ифодаловчи барча фазилатларни шакллантиришда оила ва оилавий тарбияга алоҳида эътибор берилади. Аммо унда инсоний бурч ва диёнат, ахлоқий ва маънавий камолот масалаларига эътибор етарли эмас, балки инсоннинг турмуш тарзи соғлом, саодатли ва хушчақчақ бўлмоғи лозим дейилади. «Авесто» гаталарида киши тўйиб овқатланиши, унинг хушчақчақ ва бахтли яшаши учун зарур барча нарсалар билан таъминланиши зарур-

лиги, айниқса, қайд этилади. «Озиқ-овқат яхшиланиши билан,— дейилади «Ясна»нинг 33.3 бобида, — инсоннинг ахлоқ-одоби ҳам кучаяди. Овқат мўл-кўл бўлса, илоҳий сўзлар яхшироқ идрок этилади». Унда кўрсатилишича, еб-ичмайдиган, тўйиб овқатланмаган киши меҳнат қила олмайди, оилада эр-хотинлик вазифаларини адо этишга куч-қуввати етмайди. Демак, инсон ўз ҳаётида зиммасига олган барча мажбурият ва бурчларини бажариши, эзгу хулқли, одоб-ахлоқли, эзгу сўзли ва хайрли амалга эга бўлиши зардуштийликнинг ғоявий негизини ташкил қилади.

«Авесто»да Олий Тангрига илтижо ва мурожаат қилиниб: «Ахурамазда яратган яхшилик ғоясига, соғлом, ақл-хуши тетик фарзандларга, жасур, доно, бир неча тилларни биладиган ўғил-қизларга, узокни кўриб, юртни бало-қазолардан химоя эта оладиган ўғлонларга, яхши келажак, порлоқ ҳаётни равшан кўз билан кўра оладиган пок тийнат авлодларга олқишлар бўлсин!» — дейилади. Ундаги таърифга биноан, тарбия ҳаётнинг энг муҳим таянчи бўлиши лозим. «Ҳар бир ёшни шундай тарбиялаш зарурки, — дейилади Зардушт таълимотида, — у аввало ёзишни ўрганиш билан хулқ-одобли бўлсин, яхши ўқишни, сўнгра ёзишни ўрганиш билан энг юксак поғонага кўтарилсин».

Мазкур инсонпарварлик ғояларининг уч минг йиллар мукаддам «Авесто»да пайдо бўлиши, уларнинг ҳозирги замонга ҳамоҳанглиги қадимий аجدодларимиз тафаккурининг нақадар юксак бўлганлигини тасдиқлайди. Зардуштийлик дини пайдо бўлган даврда дастлаб ибодатхоналар қошида мактаблар ташкил этилиб, коҳинлар томонидан ёшларнинг таълим-тарбия тизими жиддий ишлаб чиқилган. Бу тизим диний ва ахлоқий тарбия, жисмоний тарбия, ўқиш ва ёзишни ўргатишдан иборат бўлган. Унинг йигит ва қизларни ёшлигидан меҳнатсеварликка ва муайян касб-ҳунар эгаллашга интилувчан, ишбилармон, ростгўй, сахий қилиб тарбиялашга қаратилганлиги диққатга сазовор. «Авесто»да ўғил болаларни жисмоний забардаст ва чиниққан, меҳнатсевар, ҳарбий ишга тайёр, касб-ҳунарли бўлишга, 50 дан ортиқ ҳарбий қуролни ишлата билишга ўргатиш, 32 хил ҳарбий маҳоратларини оширишлари ва чавандозликни эгаллашлари

зарурлиги, киз болаларга ҳам алоҳида тарбия бериш лозимлиги махсус кўрсатилган. Қизлар нафақат айрим касб-ҳунар ва уй-рўзғор ишларини билиши, балки ўғил болалар билан кураш тушиш, чавандозлик ва қиличбозлик қилиш, ўзини ҳимоя қилиш, сувда сузиш ва узокқа югуриш, найза ирғитиш ва ўқ-ёй отиш каби ҳарбий-жисмоний малакани эгаллаши мажбурий ҳисобланган.

Зардушт таълимотида кўрсатилишича, умуминсоний қадриятлардан меҳнатнинг моддий ва маънавий томонларига катта эътибор берилиб, унинг уч ахлоқий ақидаси – эзгу фикр, эзгу калом (сўз), эзгу амал ғоясини ҳар бир киши бутун умр қалбига жо қилмоғи зарур. Шундагина у пок, ҳалол, меҳрибон, ростгўй, садоқатли, ватанпарвар бўлиб камол топади, барча ёвузликлардан ва ёмон ҳаракатлардан ўзини тияди. «Авесто»да кишида, айниқса, ёшларда масъулиятсизлик, лоқайдлик, бекфарқлик, фаросатсизлик, уқувсизлик, билим ва малакани оширмаслик киши онгини занглатадиган, имон-эътиқодни заифлаштирадиган, маънавий қашшоқлаштирадиган энг ёмон, зарарли одатлар деб қораланади. Бундай иллатларни тарқатувчиларни «ёвуз устозлар», дейилади бу китобда, улар ҳаётни ғамгин қиладилар, жоҳилларни улуглаб, пок инсонларни яздон неъматларига етишишдан маҳрум этадилар. Ундайлар халқни тирикчилик йўлидан оздириб, энг эзгу ишлардан бездирадилар ва шу йўл билан жонли ҳаёт чироғини сўндирадилар.

Зардушт таълимотининг муҳим томони шундаки, у ижтимоий зулмга қарши курашиш имкониятини, бунда ҳам руҳ, ҳам инсон ўз йўлини танлаши лозимлигини баён этади. Мазкур ғоя буюк «Шоҳнома»да ҳам ўз аксини топган. Унда инсон ҳаёти кўринишлари моҳирона тасвирларда, кишиларнинг ўзига хос эзгулик ва камчиликлари, ижобий ва салбий томонлари ифодаланган. Иккинчи асосий ғоя яхшилик ҳамда ёмонлик орасидаги азалий ва абадий кураш ғоясидир. Ахурамазда бошчилигидаги яхшилик кучларининг Аҳриман қўл остидаги ёвузлик лашкарларига қарши кураши асарда зўр маҳорат билан талкин этилади.



Тинч меҳнат, бойликларни жамғариш, мустаҳкам ҳокимият – Зардушт яратган Арта (ҳақиқат, тартиб)нинг мазмуни ана шундан иборат. Ҳеч бир бошқа динларда меҳнат ва тинчлик ғоялари бу тариқа улуғланмаган, инсон мавқеи бунча юқори кўтарилмаган. Бундай инсонпарвар таълимот юксак цивилизация заминиди пайдо бўлган давлатчилик тузумига хизмат қилиши табиийдир.

Мазкур ғоя жамиятни бошқариб турган давлат тузумига хос мафкура бўлиб хизмат қилганлиги табиий. Жаҳон динларига ўтган охират таълимоти ва одамларнинг нариги дунёда Худо олдида тенг бўлиши ғоялари ўша даврда Ўрта Осиё ва бутун Ўрта Шарқни ларзага келтирган, бой-зодагонлар ва руҳонийларга қарши қаратилган маздакизм номли халқ ҳаракатида ўз ифодасини топади.

Бундай демократик ва гуманистик ғояларнинг пайдо бўлиши «Авесто»нинг энг қадимий қисми – «гаталар» китобида баён қилинган ибтидоий жамоа тузуми анъаналарининг таъсири ва акс-садоси эканлиги муҳим аҳамиятга эга. Чунки ундаги утопик социализм таълимотининг куртаклари ва демократия ғоялари асли анча тараққий қилган, шубҳасиз, давлат тузумига эга қонун-қоидали жамият маҳсули бўлиб, бизнинг узок ўтмишдаги аجدодларимиз биринчи жаҳон динининг муқаддас китобини оламга ҳади этганлар. Улар инсон мавқеини меҳнат, тартиб, ахлоқ билан боғлаб, Ғарб маърифатчиларидан ва утопик социализм кашфиётчиларидан минг йиллар олдин буюк инсонпарварлик туйғуларини, меҳнат аҳлининг эзгу ниятларини биринчи бўлиб муқаддаслаштирганлигини алоҳида қайд этишимиз лозим. Юртбошимиз Ислом Каримов асосли равишда айтганидек, ҳақиқатан ҳам, «Авесто» айни замонда, бу қадим ўлкада буюк давлат, буюк маънавият, буюк маданият бўлганлигидан гувоҳлик берувчи тарихий ҳужжатдирки, уни ҳеч ким инкор этолмайди.

Зардуштийлик таълимотида инсон муаммоси ва мавқеи унинг эзгулик ҳамда ёвузликка бўлган муносабат билан ўлчанган. Эзгулик кучларининг узил-кесил ғалабаси Зардуштдан уч минг йил кейин, халоскор – Саошянга келгандан сўнг намоён бўлади (бу ғоя кейинчалик жаҳон ва бошқа

динларга ўтган). Инсоннинг асосий бурчи одил турмуш тарзи – «эзгу фикр», «эзгу сўз», «эзгу иш» орқали ёвузликка қарши кураш воситалари бўлиши зарур. Энг муҳим кураш воситаларидан бири моддий бойликларни кўпайтириш, фаровон турмуш яратишдан иборат.

Юртбошимиз Ислом Каримов «Авесто»нинг 2700 йиллигига бағишлаб ўтказилган маросимдаги нутқида шундай деган эди: «Биз учун «Авесто» китоби нафақат қадимий тарихий ёдгорлик, миллатимизнинг ва унга хос бўлган қадриятлар ва маданиятнинг томири минг-минг йилларга бориб тақалишини тасдиқлайдиган тарихий ҳужжат сифатида қадрлидир». Унинг таърифича, бу бетакрор асарнинг аҳамияти, аввало, унинг олис-олис даврларда ҳам халқимизнинг миллий хусусиятлари ва фазилатлари, умум-башарий қадриятлари билан узвий боғланиб кетганлигини исботлайдиган ҳаётбахш манба бўлганлигидир.

Мазкур умуминсоний қадриятларни муқаддаслаштириб, инсоннинг ҳар томонлама камол топишини ақидавийлаштириш бошқа динларда «Авесто»дагидек олий даражага кўтарилмаган. Ундаги барча демократик ва инсонпарварлик ғояларининг янги мустақил давлат кураётган бизнинг келажаги буюк ўлкамизда шакллантирилаётган мафкурамизга ҳамоҳанг бўлиши ҳам тасодифий эмас.

## VI боб

### ДЕВЛАР ЯРАТГАН ҚАСР ВА ҚАЛЪАЛАР

Хива хони Оллоқулихон машҳур Тошховлини курдириш учун иморатсоз хунармандларнинг бош қаландари (оқсоқоли)ни чақириб, қурилишни жуда ҳам қисқа муддат ичида тамомлашни буюрган. Аммо бош қаландар бу қисқа муддатда бундай катта ҳашаматли иморатни битказиш мумкин эмаслигини айтган. Баджаҳл хон ғазабланиб, хунармандлар бошлиғини ўз ҳукмига қарши чиққанлар қаторида айблаб, энг оғир жазога – қийнаб ўлдиришга буюради. Гуноҳсиз қаландарни тириклай ўткир ёғоч қозикка ўтказиб, ваҳшийларча ҳалок этадилар. Ана шундай

оғир жазоларни билган халқ золим хонларнинг барча буйруқларини бажаришга мажбур бўлган. Шундай ваҳший усулларни қўллаган шафқатсиз ҳукмдорлар асрлар давомида кенг меҳнаткаш оммани эзиб, ўз маишати ва шахсий манфаати учун ҳашаматли қасрлар, дабдабали шаҳарлар ва қалъалар курдириб, ҳаётбахш канал ва ариқларни қаздириб келганлар. Антик ва ўрта асрга оид бир қанча қалъаларнинг деворларига қўйилган ғиштлар орасида баъзан одам суякларининг учраши, айтилган бу фикрларни яна бир марта исботлайди. Бу ҳақда халқ орасида бир қанча афсоналар ҳам тўқилган.

Марказлашган қулдорлик давлати бўлмаганда ва минглаб асоратга тушган қуллар давлатга мажбуран хизмат қилмаганда эди, доимо ўзгариб турадиган дарё ўзанларидан чиққан майда ариқлар ўрнига эни қирқ метр, узунлиги юз километрдан ҳам узун бўлган магистрал каналлар, илгариги майда чайлалар ўрнига бир неча гектар ҳудудни эгаллаган ва деворларининг баландлиги 20–25 метр бўлган қалъаларни бунёд этиб бўлмас эди, албатта.

Демак, эрамиздан аввалги VII–VI асрларга келиб Хоразмда ишлаб чиқариш кучларининг тараққий этиши туфайли илгариги ибтидоий жамоа тузуми ўрнига, Шарқдаги ва Ўрта денгиздаги классик антик давлатлар каби ўзига хос қудратли қулдорлик давлати вужудга келади. Янги тузум тахминан минг йилларча, яъни милодий IV–V асрларгача давом этади.

Хоразмда ўтказилган кўп йиллик тадқиқотлар ва мавжуд ёзма манбаларга қараганда, бу ҳудудда шаҳар деб ном олган 64 та археологик обидалар аниқланган. Милоддан аввалги IV асрдан милодий XIV асргача бўлган даврга оид мазкур обидалардан 32 таси тўғрисида тарихий маълумотлар сақланган, 20 тасида эса муайян археологик тадқиқотлар ўтказилган ва улар тўғрисида ўрта аср муаллифлари асарларида қисқача ахборотни ўқиш мумкин. Қадимий шаҳарлар асосан харобаларга айланиб, улар фақат қазилма ишлари орқали ўрганилган.

Хоразм шаҳарларининг кўпчилиги катта карвон йўлларида жойлашган бўлиб, асосан жанубдан – Хуросон,

Журжон ва Мовароуннахр томондан Амунинг икки соҳили бўйлаб ўтган. Айрим шаҳар ва қасрлар воҳанинг дашт қисмида, яъни кўчманчи аҳолига чегарадош жойларда тикланган. Хоразмда шаҳарлар ўрнини уч зонага бўлиш мумкин: 1) Марказий Амударё соҳилларидаги қадимий шаҳарларнинг анча барқарор, мустаҳкам, бир неча асрлар давомида бир ерда шаклланиб келган қисми; 2) Амударё куйи оқимида шаҳар типидagi қароргоҳлар асосан кейинрок (VII–IX асрларда) пайдо бўлган ва XII–XIII асрларга келиб раванқ топган; 3) Хоразмнинг шимоли-ғарбий ва ғарбий чеккаларида шимолий Давдон ва Дарёлик оралиғида турли даврларда пайдо бўлиб, XIII–XIV асрларда ривожланган Жўжи улусига қараган шаҳар ва қасрлар.

Кейинги икки зонага кирган шаҳарларнинг аҳолиси этник жиҳатдан турли-туман элатлардан ташкил топган, айниқса, келиб чиқиши Сирдарё соҳилларидан бўлган аҳоли жойлашган дастлабки шаҳарлар шулар жумласига киради. Садвар ва Жигарбанддаги қазилмалардан маълум бўлишича, аҳоли баланд икки қатор деворли, ўк отадиган шинакли ва буржли шаҳар-қалъаларда истикомат қилганлар. Баландликка қурилган Қалъалиқир II, кичик Қирққиз, Бурлиқалъа, Илк Шоҳсанам каби обидаларда ўша давр аҳоли яшаш тарзини кузатиш мумкин. Бундай типдаги, аммо текисликларда қурилган тўғри бурчакли, энг катта қадимий қалъалардан Ҳазорасп ҳам диққатга сазовор. Ўн гектардан ортиқ территорияда қад кўтарган бу шаҳарнинг қадимий қатламларида антик даврда ҳатто хунармандчилик расталари мавжуд эканлиги аниқланган. Бошқа обидаларда ҳам хунармандчилик расталари асосан шаҳар атрофида жойлашганлигини кўрамиз. 2500 йил муқаддам қад кўтарган қалъалардан бири Хива ҳам анча кенг территорияни эгаллаган. Шунини қайд этиш лозимки, антик даврга оид бу иккала шаҳарни афсоналарда Сулаймон девлари қурганлиги хикоя қилинади.

Тадқиқотчиларнинг таърифича, барча қадимий шаҳарлар ўз тузилиши, муҳофаа ва қурилиш услуби билан умумийликка эга бўлган. Хоразм шаҳарларининг энг қадимги қатлами Кангюй даври (милoddан аввалги IV–III асрлар)га, ундан

олдинги архаик даври (милоддан аввалги VI–V асрлар)га оид теварак-атрофдаги макон ва кишлоклар кашф этилди. Шаҳар-қалъалар ичида ҳалигача энг қадимги пойтахт қайси эканлиги аниқланмаган. Аммо тадқиқотчилар антик шаҳарларнинг ўзига хослигини қайд қиладилар: даставвал, бу ерда махсус хунармандларнинг расталари бўлмаган, улар фақат илк ўрта асрларда пайдо бўла бошлаган; қалъаларда қаср, саройлар ва шаҳар теварагида қурилишлар деярли бўлмаганди; мураккаб дарвоза олди иншооти мавжуд бўлган. Кишлоқлар ва ҳовли-қасрлар асосан катта канал ва ариқ бўйларида қурилган. Шунинг учун баъзи шаҳар-қалъалар ва катта-катта кишлоклар канал номи билан маълум. Масалан, Ҳазорасп шаҳри ёки Мадр кишлоғи ўша номлардаги канал бўйида жойлашган.

Айрим шаҳарларнинг номлари «кан», «хон» қўшимчалари билан айтилиши бежиз эмас. Чунки бу қўшимчалар қадимий Хоразм тилида «булок», «канал» деган маънони англатади (Миздахқон, Войхон номли қалъалар). Қадимги Хоразм шаҳарларининг кўп номлари ҳозирги шаҳар номларига тўғри келмайди. Баъзи номларга берилган қўшимча сўзлар «уй», «кишлоқ», «ҳовли» ёки умуман шаҳар маъносини англатади. Масалан, манбаларда учрайдиган ардахушмитан, хушмитан ёки «кат», «кас» сўзлари асли шаҳар ёки ҳовли деган тушунчани англатади. Аммо «кат», «кант» каби қўшимчалар девор билан ўралган ҳовли ёки кишлок маъносини англатса, айрим номлардаги «вар» (садвар, нузвар) ҳам мудофааланган шаҳар деган маънони ифодалайди. Шу муносабат билан баъзи тадқиқотчиларнинг Хоразм атамасини қадимги эроний ва «Авесто» тили билан боғлаб «Чорва сақлайдиган яхши истехкомли ўлка», «истехкомли кишлоклар ватани», «яхши ва (истехком) ли мамлакат», деган мулоҳазалари ҳам диққатга сазовор. Хоразмда кенг тарқалган «кат» сўзи қадимдан пойтахт, қўра, махсус ёғоч каравот, дафн этиш иншооти билан боғлиқ тушунчаларни англатиши бежиз эмас. Яна бир нарса Хоразмга хос, у ҳам бўлса жуфт сўзли номларнинг мавжудлиги: Хива – Ардахива, Кардор – Кардаронхус, Пирнахус, Хушмитан – Ардахушмитан ва ҳоказо. Қадимий пойтахт Кат атрофидаги

баъзи шаҳар ва работларнинг номлари «хус» (суғдча «кат» билан қиёс қилиб) «қишлоқ», «овул», «шаҳар» маъноларини англатиши ҳам қизиқ. Ҳозиргача сақланиб келган Пирнахус каби қишлоқларнинг номи қадимий (хус, кус) Хоразм шаҳарларининг бизгача етиб келган атамалари эканлигига шубҳа йўқ. Қадимий Хоразм шаҳарларининг теварак-атрофидаги работларнинг калъадан 3–4 км узоқликда сув бўйларида жойлашганлиги ҳам уларнинг ўзига хослигини кўрсатади. Бундай топонимик хусусиятлар ўрта асрларга келиб ўзгарди ва йирик шаҳарлар атрофида работлар пайдо бўлди.

Бу даврда Хоразм воҳасида яшовчи халқларнинг хўжалиги сунъий суғоришга асосланган ўтроқ деҳқончиликдан иборат бўлса, воҳани ўраб олган чексиз дашт-биебонда чорвачилик ҳам тобора тараккий қила бошлади. Иқтисодий жиҳатдан бир-бири билан чамбарчас боғлиқ икки хил хўжалик юритиш воҳа ва дашт ўртасида меҳнатнинг тақсимланиши натижасида юзага келди. Подаларнинг жуда тез кўпайиши, яйлов ва ўтлоқларнинг анча кенгайиши туфайли чорвачилик билан шуғулланувчи аҳолининг турмуш тарзи ҳам ўзгара бошлади. Кўп подалари бўлган кўчманчи бой ўзининг катта хўжалигида фойдаланиш учун текин ишчи кучига мухтож эди. Ўша даврда фақат кул ана шундай куч бўла олган. Демак, ўтроқ деҳқончилик хўжалигидагина эмас, ундан ажралиб чиққан кўчманчи чорвачиликда ҳам кулдорлик кенг тарқала бошлади.

Амударёнинг чап қирғоғида – Туркманистондаги Тошховуз вилоятининг кўҳна Чарманёп канали худудида Хоразмнинг илк кулдорлик даврига оид ёдгорликлар топилган. Мавжуд қадимий истехкомлар теварак-атрофи узун кетган халқоб сувли ботқоқликлардан иборат табиий баландликларга қурилган. Бу антик шаҳар харобалари тарихда Қалъалиқир ва Кўзалиқир номи билан машҳур.

Кўзалиқир ўзи ишғол қилган табиий баландликнинг шаклига мувофиқ сатҳи 1000х400 метр келадиган учбурчакдан иборат. Текширилаётган кўҳна харобалардан энг қадимийси хисобланган бу ёдгорликда икки қурилиш катламининг топилиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Қуйи

қатламининг (милоддан аввалги VII–V асрлар) қурилиш техникаси классик Хоразмнинг қурилиш техникасидан кескин ажралиб турувчи бир талай хусусиятларга эга. Чунончи, хом ғишт стандарти бу ерда тамомила бошқача, классик давр учун хос бўлган ўчоқ ўрнида икки хонали ўчоқ (печ)ни кўрамиз; ясси бостирмалар кўп бўлиб, гум-базлар учрамайди. Агар бунга сопол буюмларнинг архаик кўринишга эга эканини ҳамда сополда отиладиган тошлар мутлако бўлмагани ҳолда, скифларнинг бронзадан ясалган камон ўқларининг ниҳоятда кўплиги, шунингдек, чорва таркиби ҳам бошқача эканини бирга қўшиб ҳисобласак, қадимги Хоразм кўз ўнгимизда бир талай ўзига хос хусусиятлари билан намоён бўлади. Кўзалиқирнинг юқори қурилиш қатламидаги фарқ шундан иборатки, илгариги тўғри тўртбурчак (ўлчами 52x26x10 см) ғишт ўрнига бутун антик Хоразмга хос (40x40x10 см) шаклдаги ғиштга ўтилган. Архитектура жиҳатдан эса юқори қатлам классик Кангюй даври архитектурасига кўпроқ яқинлашиб кетади. Шаҳар тузилиши ажойиб хусусиятга эга: жуда қалин ва бир неча километр узунликдаги девор билан ўралган шаҳар харобасининг деворлари қатор солинган тор бинолардан иборат.

Қалъалиқир шаҳрининг шимолидаги деворга ичкаридан ёндаштириб кўп ҳужрали бино солинган. Текширишлар шуни кўрсатадики, бу бино дафн этиш маросими билан боғлиқ бўлиб, уни археологлар «жасадлар уйи», яъни хилхона деб атаганлар. Чунки бу бинода махсус сополдан ясалган катта кути (оссуарий)ларда киши жасадларининг суяклари сақланган. «Авесто»да ҳам бу шаҳарлар ҳақида кўп нарсалар ёзилган. Бу китобда афсонавий шахс Йима (ўрта аср дostonларида Жамшид) асос солган «Тўртбурчакли Вара» истехкоми, Қалъалиқир ва Кўзалиқир каби шаҳарларнинг архитектураси ҳамда ўша даврдаги Хоразмнинг ижтимоий ва иқтисодий ҳаётининг баъзи томонлари тасвирланган.

Баланд ва қалин деворлар билан ўраб олинган шаҳар ичидаги кенг майдон молкўра эканлиги – хоразмликларда ўша даврларда чорвачилик ривожланганлигини кўрсатади. Шаҳар теварагидаги суғориш иншоотларининг қолдиқ-

лари эса унда яшаганларнинг деҳқончилик билан ҳам шуғулланганлигидан дарак беради. Шунга ўхшаш ёдгорликлар Фарғона водийсида ҳам топилган.

С.П. Толстов таъкидлашича, олти-етти километр узунликда қатор қурилган бу бинода кам деганда бир неча юз киши яшаган. Унинг фикрича, шаҳар ичидаги уйларнинг ижтимоий жиҳатдан унча фарқ қилмаслиги ундаги жамоа ҳали анча архаик тузум – уруғ, қабила анъаналарини сақлаб келганлигини кўрсатади. Иккинчидан, мустаҳкам деворлар билан ўралган қалъаларда яшовчилардан ташқари чорва молларининг сақланиши – бу даврда жамоалар орасида уларнинг асосий бойлиги бўлган чорва учун ўзаро зўр курашлар бўлганлигидан дарак беради.

«Авесто» ва қадимги битиклар мазкур фикрни қувватлайди. Чорва моллари кўп бўлган ҳарбий аристократия бошқалардан ажралиб туради. Бу эса ибтидоий жамоанинг ҳукмрон бўлишига қарамасдан, унинг ичида бой ва камбағалларнинг, яъни синфларнинг пайдо бўла бошлаганлигини кўрсатади. Хўжаликда асосий пода бокиш ва уни сақлаш, деҳқончилик қилиш ва ҳарбий хизматда бўлиш эркакларнинг вазифаси бўлгани туфайли, бу – ижтимоий-иқтисодий ҳаётда ўта муҳим роль ўйнаган. Аммо ижтимоий тузумда, алоҳида даражада бўлса ҳам, узоқ вақтлар она ўз таъсирини ўтказиб келган.

Сўнги йилларда Сирдарёнинг қадимги ўзани – Жанадарё ёдгорликларини текшириш натижасида комплекс хўжалик – чорвачилик, деҳқончилик, балиқчилик ва овчилик билан шуғулланувчи қабилаларнинг турмуши қандай бўлганлиги аниқланди. Милоддан аввалги VII–VI асрларда Сирдарё воҳасида апасиак қабилаларининг ёдгорликлари, яъни археологлар Кўкчаденгиз деб атаган маданият пайдо бўлади. Бу маданиятга оид жуда кўп жойларда қадимги бронза маданиятининг анъаналарини давом эттириш билан бир қаторда, уларнинг хўжалик фаолиятида бирмунча ажойиб янгиликлар содир бўлганини кўрамиз. Кўкчаденгиз маданияти II асрларгача тараққий этган.

Текширилган ёдгорликлар орасида энг ажойиби – Жанадарёнинг ўрта оқимидаги дабдабали Чирикработ ёки



Чирикқалъа харобаларидир. Чирикработ истехқоми тухум шаклида ва катталиги 850–600 метр бўлиб, чор атрофи икки қатор девор билан ўралган. Деворлар ораси эса чуқур хандақдан иборат. Бу истехқом баландлиги 15 метргача бўлган тепаликка қурилган. Қалъа ичидаги иморатлар жуда зич солинган. Текширишлар шуни кўрсатадики, Чирикработ милоддан аввалги V асрлар арафасида пайдо бўлиб, ундаги ҳаёт II аср ўрталарига келиб тугаган. Қалъа жойлашган тепаликнинг баланд қисмида топилган апасиақ қабила бошлиқлари ёки шоҳлар мақбаралари жуда ажойиб. Мақбаралар яқинидаги номаълум кўрғон харобалари ҳам киши эътиборини жалб қилади.

Кўкчаденгиз маданиятига оид Бобишмулла, Боланди каби ёдгорликларни текшириш натижасида апасиақлар комплекс хўжаликка эга бўлинганлиги яққол кўринади. Бу маданиятга оид сопол идишлар шакл жиҳатидан Хоразмнинг Амударё воҳасида топилган идишлардан фарқ қилади. Қурилиш ва фортификация ишлари, хунармандчилик апасиақларнинг ўз қўли билан эмас, аксинча, Ўрта Осиёнинг жанубий ўлкаларидан олиб келинган қуллар қўли билан ясалганлиги текширилган ёдгорликлардан кўриниб турибди. Аммо апасиақ усталари чет элдан келтирилган қуллар бўлса-да, улар қурилишда ўз хўжайинларининг талабига биноан хоразмликларнинг архитектура ва касб санъатига тақлид қилиб ишлаганлар.

Анчагина мақбаралар текширилганда, уларда одам суякларидан ташқари бошқа ҳар хил буюмлар ҳам бўлганлиги аниқланди. Топилган буюмлар орасида ҳар хил сопол идишларнинг синиқ бўлақлари, уч қиррали скиф камон ўқлари, олтин ва кумушдан ясалган безаклар, мунчоқлар, темирдан ясалган найза учлари ва бошқа нарсалар кўп учрайди. Айрим ҳужраларда одам суякларининг куйдирилганлиги кўкчаденгизликларнинг кўмиш маросимида янги урф-одат пайдо бўлганлигидан дарак беради. Ҳатто жасадларни куйдирадиган махсус ҳужралар ҳам учрайди. Мурдани куйдириб кўмиш одатини Сенгартон, Бобишмулла, Тагискен каби ёдгорликларда ўтказилган тадқиқотлар ҳам тасдиқлайди. Аммо кўпчилик мақбараларда кўмилган

жасадлар юқорида таърифланган бронза даврига оид Кўкча-3 қабростонидаги дафн қилинган. Бобишмулладаги қабрларнинг (улар 70 га яқин) бирида дафн қилинган жасад қолдиқлари билан бирга бошқа буюмлар орасида жездан ясалган 90 та мих топилган. Эҳтимол, бу михлар қабила бошлигини кўмиш маросимида мақбара деворларига қоқилиб, уларга ажойиб безаклар осилгандир.

Ваҳоланки, мазкур қадим урф-одатлар ва ибтидоий жамоа турмушининг шакллари ижтимоий тузум негизида рўй бераётган буюк ўзгаришларни инкор қила олмайди, албатта.

Милоддан аввалги биринчи минг йилликнинг ўрталарига оид Боланди харобалари архитектура тарихи жиҳатидан жуда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу ёдгорликнинг баландлиги 4,5 метр бўлиб, диаметри тахминан 16 метр келади. Унинг марказида бутун айланасига ғалати конструкцияли еттита тор хужралар билан ўралган гумбазли зал жойлашган. Хужралар бир-бирига пештоқлар билан туташиб туради. Мақбарага кирадиган жой ҳам гумбаз шаклида ишланган.

С.П. Толстовнинг фикрича, жаҳон архитектурасида гумбаз шаклидаги қурилиш биринчи марта Ўрта Осиё чўлларида пайдо бўлиб, Парфияга тарқалган ҳамда у орқали, эҳтимол, қадимги Римга ҳам ўтган.

Кўкчаденгиз маданиятида кашф қилинган яна бир ажойиб буюм Чирикработ кўрғонларининг биридан топилган скиф, яъни апазиат жангчисининг темирдан ясалган совутидир. Бу совут Искандар Зулқарнайн юришлари даврига оид бўлиб, ҳозирги Ўрта Осиёда энг қадимги шу хилдаги темир қурол-аслаҳаларнинг нусхаларидан ҳисобланади. Қора денгиз шимолидаги қадимги мақбараларнинг биридан топилган совут қолдиқлари ва шунга ўхшаш қурол-аслаҳа кийган жангчи расми солинган тангалар Ўрта Осиёнинг жанубида ва Ҳиндистоннинг шимолида мавжуд бўлиб, Чирикработ совутига нисбатан анча кейинги даврга оиддир. Бундай совутларни тактика жиҳатидан анча кучли бўлган кўп мингли массагет жангчилари кийиб юрган. Минг йиллардан кейин Ғарбий Европа мамлакатларида кенг тарқалган

рицарлик курул-аслаҳалари асли узоқ Орол бўйидаги дашт қабилаларидан Европа скифлари ва бошқа халқлар орқали ўтган, деб фараз қилиш мумкин.

Айрим олимларнинг айтишича, Геродот ва Страбон асарларида учрайдиган массагет қабила иттифоқига асосан қуйидаги қабилалар: хорасмийлар, апасиаклар, Хоразмнинг то Нуротагача етган жануби-шарқий чегараларида яшаган сакараваклар, Амударёнинг ўрта қисмида ўрнашган дебриклар, тухар ёки даҳлар (Қувондарё бўйларида), осий ёки яксартлар (Сирдарёнинг ўрта оқимида) ва овгос (овгол)лар кирган. Бу ёш ва қудратли Хоразм давлати остида бирлашган зўр иттифоқ анча кучли ахоманийларнинг Кир ва Доро монархиясига қараганда ожиз бўлиб, милоддан аввалги VI асрда Эронга бўйсунган ва унинг XVI сатрапи (вилояти)га айланган.

Аммо Хоразм ўз ҳукмронлигини аслида сақлаб қолган, ҳатто у Ахоманийлар салтанатининг давлат ишлари ва ҳарбий юришларида бевосита иштирок этган. Ажойиб курул-аслаҳали ва зўр тактикали хорасмийлар сакараваклар, суғдлар, бақтрияликлар билан бирга милоддан аввалги 480 йилда Ксеркснинг Элладага қилган юришида иштирок этганлиги ҳақида Геродот ёзиб қолдирган. Ахоманийлар ҳукмронлигидаги Яқин Шарқ ҳамда Африка мамлакатларининг ҳарбий ва давлат ишларида хоразмликлар юқори лавозимларда турганлиги маълум.

Баъзи бир маълумотлар Македониялик Искандар Ўрта Осиёга юриши арафасида Хоразм бутунлай мустақил бўлганлигини кўрсатади. Доро III нинг Искандарга қарши фожияли курашида хоразмликларнинг иштирок этмаганлиги бежиз эмас, албатта. Хоразм ҳатто Искандарга нисбатан ҳам мустақил сиёсат юргизган. Маълумки, Хоразм шоҳи Фарасман милоддан аввалги 329–328 йилнинг кишида 1500 отлиқ лашкар билан Искандарнинг қароргоҳи Марокандага келади ва Искандар билан унинг ҳарбий юришларида иттифоқдош бўлишга шартнома тузади. Аммо Хоразм шоҳи аслида истилочиларга қарши курашишга тайёр эди. Тузилган шартнома ахоманийлар ҳукмронлигининг охиригача емирилиши учун бир восита ролини ўйнаган, холос.

Шунинг учун Фарасман шартнома тузилган вақтдан бир йил ўтмасданок, македониялик истилочиларга қарши яширин уруш ҳаракатини олиб борган суғдларнинг бошлиғи Спитаменни қўллаб-қувватлайди.

Шундай қилиб, мустақиллигини сақлаб қолган қудратли Хоразм давлати сиёсий кураш майдониغا чиқа бошлайди ва милоддан аввалги III–II асрларга келиб Ўрта Осиёни чет эл истилочиларидан озод қилишда катта роль ўйнайди.

Маълумки, милоддан аввалги IV асрнинг охирларида Ўрта Осиёнинг жанубий ва шарқий қисми Грек-Македония империясига, кейинроқ Искандар босиб олган Осиё мамлакатларидан ташкил топган Салавкийлар давлатига кирган эди. Тахминан милоддан аввалги 250 йилга келиб, ака-ука Аршак ва Тиридат раҳбарлигидаги (Жанубий Туркменистон ҳудудидаги) дашт қабилалар кўзғолон кўтариб, салавкийлар сулоласидан ажралиб чиқиб, аршакийлар сулоласи бошчилигида Парфия давлатига асос солган. Мустақил Хоразм давлати аршакий монархияси ташкил топишида муҳим таянч бўлган, чунки у салавкийларга қарши кўзғолон кўтарган қабилаларга ҳар томонлама ёрдам берган. Бу қабилалар орасида Орол бўйидаги дайлар ҳам бўлган. Аршакийлар билан бир вақтда Салавкий давлатидан ажралиб чиққан Грек-Бақтрия давлатини тахминан 140 йилларда Хоразм атрофида жипслашган массагет қабилаларининг иттифоқи босиб олади.

Пировардида, милоддан аввалги III асрнинг иккинчи ярмига келиб, Хоразм ғарбда Каспий денгизигача, шарқда эса Мўғулистон чегарасигача бўлган кенг ҳудудда ўз сиёсий таъсирини ўтказа бошлайди. Хитой манбаларида «катта юечжи» деб аталган массагетлар (асли хоразмликлар)да оғир қурол-аслаҳа билан қуролланган отлик қўшинлар бўлиб, улар қўшни мамлакатларга хавф туғдириб турганлиги ёзилган. Биринчи марта Хоразмда пайдо бўлган бундай отлик қўшин билан жанг қилиш тактикаси аста-секин сарматлар орқали Шарқий Европага, ундан Римга, Шарқда эса хуннларга ўтади. Милоддан аввалги I асрларда парфияликлар Марв темирчилари қўли билан ясалган совут кийган отлик қўшин билан римликларга қарши Карр яқинидаги жангда

катнашганликларини грек муаллифлари хабар қилади. Баланд бўйли ҳарбий отларнинг асл зоти ўша даврларда массагетлар юрти, яъни Хоразмдан Мўғулистон, Хитой ва Жанубий Сибирга ҳам тарқала бошлаган.

Бундай муҳим тарихий воқеалар рўй бераётган бир вақтда, Ўрта Осиёга келиб-кетган Хитой элчиси ва сайёҳи Чжан Цяннинг кўрсатишича, Кангюй ёки Кандзой деб аталмиш катта давлат борлиги маълум бўлади. «Авесто»да ҳам, ҳинд эпоси «Маҳабҳарата»да ҳам бу давлат Қанҳха ёки Канки номи билан тилга олинади. С.П. Толстов ва бошқа бир неча тадқиқотчилар Қанҳха билан Хоразм иккови бир деб ҳисоблайдилар. Ҳозирги Хоразмда ҳам Хонқа тумани номининг мавжудлиги бежиз эмас. Қанҳха эрамиздан аввалги II асрларда ниҳоятда ривожланади. Кейинги икки аср давомида ҳам Қанҳха ҳудудида кўпгина янги шаҳар ва қалъалар пайдо бўлади. Хунармандчилик ва савдо-сотик ўсади, натижада танга пул тизими ва муомаласи ривожланади. Бу эса иқтисодий ҳаётда катта силжишлар бўлганлигидан дарак беради.

Демак, милоддан аввалги VI–IV асрлар қадимги Хоразмнинг гуллаб-яшнаган даври бўлиб, бу даврга оид ёдгорликлар жуда ҳам кўп ва хилма-хилдир. Хоразмнинг антик даврдаги шаҳарларининг деярли барчаси воҳани даштдаги қўшни қабилалардан мудофаа қилиш мақсадида қурилган. Амударёнинг ўнг томонида шарқдан ғарбга қараб бирин-кетин чўзилган обидалар – Қанҳха қалъа, Жонбос қалъа, Бозорқалъа, Қўрғошинқалъа, Қирққиз, Аёз қалъа, Бўрлиқалъа ва Тупроққалъа суғориш иншоотларининг этагида бир-бирига яқин ва қатор қилиб қурилган. Бир режага асосланган мустаҳкам мудофаа ва йирик суғориш иншоотларининг мавжудлиги Хоразмнинг кудратли марказлашган давлат бўлганлигини кўрсатади.

Хоразм экспедицияси ходимлари сўнгги йилларда, бир томондан, мазкур обидаларда қазишмалар олиб борган бўлса, иккинчи томондан, шу ишларга параллел равишда махсус отрядлар ва партиялар бу шаҳар ҳамда қишлоқларни сув билан таъминлаган ва жуда яхши сақланиб қолган суғориш тармоқларини ўрганган эди. Қўйқирилган қалъа ха-

робаларининг теварак-атрофларидан, ҳозирги Калтаминор каналини давом эттирувчи қадимги канал бўйларидан кўҳна далаларнинг жуда яхши сақланиб қолган излари топилган. Бу далалар милоддан аввалги IV–III асрларга, яъни классик Кангюй даврига тўғри келади. Қадимий Калтаминорнинг кейинги даврлардаги бошқа тармоқлари бўйларидан топилган далалар кўҳна Кушон даврига – милодий III–IV асрларга мансуб. Уларнинг кўриниши анча мураккаб ва турли-туман бўлиб, бу ҳол деҳқончилик ишларининг тараққиётдан далолат беради.

Минг йилдан ортиқ даврни ўз ичига қамраб олувчи юқорида санаб ўтилган обидаларни қазиб текшириш натижасида зўр кашфиётлар қўлга киритилган эди. Қазилмалар ўтказилган харобалар орасида археологларимиз диққатини ўзига жалб қилган Қанҳха қалъа, Жонбос қалъа ва Кўйқирилган қалъа меъморчилиги ҳамда унда топилган нарсаларнинг кўплиги ва ўзига хос хусусияти билан алоҳида ўринни эгаллайди.

Қанҳхақалъа қадимги Хоразмнинг бевосита Сарикамиш кўли ёнида, жануби-ғарбий томоннинг энг чеккасида жойлашган таянч нуқтаси ҳисобланган. Текширишлар шуни кўрсатадики, бу қалъа қарийб минг йил давомида, эрамиздан аввалги биринчи минг йилликнинг ўрталаридан эрамизнинг IV асрига қадар мавжуд бўлган. Қанҳха қалъа катта ҳарбий фалокат натижасида харобага айланган. Юқори қатламнинг ҳамма ерида кучли ёнғин белгиларининг топилиши бунга далилдир.

Топографик тадқиқотлар қалъа ва унинг теварагидаги деҳқончилик ерларини сув билан таъминлаб турган Кангадарё шимолий қирғоқларининг қурилиши натижасида бу ирмоқлардан сув олган суғориладиган ерлар майдони бир неча маргалаб ўзгариб турганлигини кўрсатади. Бу ирмоқлар ҳосил қилган ўзига хос ҳавзалар Сарикамишга етиб бормай, суғоришнинг ўзига сарф бўлган.

Мухим аҳамиятга эга бўлган бу даврга онд ажойиб ёдгорликлардан бири Жонбос қалъадир.

Жонбос қалъанинг тўртбурчакли сатҳи 170–200 метр келадиган майдонни эгаллайди. Унинг тўрт томони 10–11

метр баландликдаги, қалинлиги 1–1,3 метр келадиган икки қават девор билан ўраб олинган. Жонбос қалъанинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, унинг деворлари Хоразм қалъаларининг деярли ҳаммасида мавжуд бўлган буржлардан холи. Қадимги шаҳар ва қалъаларда бурж тиклаш шунчалик катта ўрин тутганки, бу анъана то сўнгги вақтларгача маҳаллий ҳовлиларда сақланиб келган. Хоразмнинг катта ҳовлиларида учрайдиган кўп кунгиралар бунга яққол мисол бўла олади. Жонбос қалъа деворлари 2 метргача пахса, ундан юқориси хом ғиштдан тикланган бўлиб, ташқи қатори шахмат шаклида қўйилган икки, уч қатор найзасимон шинакларга эга. Эни 18–20 см келадиган шинаклар пастга қараб ўқ отишга қулай қилиб, оралиғи 1,2 м узунликда қўйилган. Шинакларнинг икки қатор қўйилиши, шинак қаторлари ўртасида тўсин учун қўйилган тешик изларининг бўлиши қалъа деворлари икки қават бўлганлигини кўрсатади. Қалъага кириладиган дарвоза ҳам тўғри бурчакли, мураккаб иншоотдан иборат. Бу иншоот ҳам қалъа деворлари каби мудофаа учун қулай бўлган икки қатор шинакларга эга. Шундай бўлса-да, деворларда буржларнинг бўлмаслиги, шинакларнинг жуда яқин қўйилиши жонбосқалъаликларнинг мудофаа тизими анча оддий бўлганлигини кўрсатади. Шинакларнинг сонига қараганда, қалъани икки мингга яқин жангчи мудофаа қилган. Жонбос қалъада 400 га яқин хона борлигини эътиборга олганда, қалъани мудофаа қилишда шаҳар аҳолисидан қурол ушлашни биладиган эркаклар билан бир қаторда, аёллар ва теварак-атрофдаги майда деҳқон кўрғонларидан келганлар иштирок этган, деб фарз қилиш мумкин. Шунини ҳам таъкидлаш зарурки, бу истехком анча чеккада бўлиб, Сирдарё қирғоқларидан келган дашт қабилаларининг дастлабки зарбаларини ўз устига олиб турган қалъалардан биридир.

Қалъа дарвозасидан ичкарига қараб шаҳарни икки катта мавзегга ажратиб турган кенг кўча ўтади. Ҳар қайси мавзегга бир-бири билан ички йўлаклар орқали боғланган 200 га яқин хонадон бўлган. Шаҳарнинг шу тариқа иккига бўлиниши унда истиқомат қилган аҳоли бир-биридан ажралган ҳолда, аммо ўзаро қариндошлиги билан боғлиқ уруғ жамоасидан иборат

эканлигини кўрсатади. Харобалар орасида топилган ҳар хил тамғали ғиштлар ҳам қалъа аҳолиси бир неча уруғлардан иборат эканлигига далил бўла олади. Чунки тамғали бу ғиштлар ҳар бир даҳада алоҳида-алоҳида тартиб билан қўйилган бўлиб, унинг ҳар қайсиси маълум бир уруғнинг белгиси эканлигини кўрсатади.

Марказий кўча охирида жойлашган иморат харобаларини текшириш натижасида жонбосқалъаликларнинг ўз ибодатхонаси бўлганлиги аниқланди. Иморат ўртасидаги супачага қурилган ўчоқда муқаддас олов доим ёниб турган. Ибодатхонанинг ички девори тагида узун супа, оташхона ёнида эса ибодат қилувчиларнинг диний маросимларни ўтказишлари учун айрим хона ҳам мавжуд бўлган. Бу хонада топилган кўплаб суяк қолдиқлари, унда диний маросимлар учун тайёрланган таомлар истеъмол қилинганлигидан дарак беради.

Қўйқирилган қалъада топилган нарсалар қадимги хо-размликларнинг диний эътиқодларини тушунишга анча ёрдам беради. С.П.Толстов фикрича, Қўйқирилган қалъа дафн этиш маросими билан боғлиқ ёдгорлик бўлса, эҳтимол. Бу қалъа қадимги Қалтаминор сув иншооти бўйидаги катта худудни эгаллаган деҳқончилик райони марказида жойлашган. Қўйқирилган қалъа буржга ўхшаш катта цилиндр шаклида бўлиб (диаметри 44,4 метр), атрофидаги тақирликлар сатҳидан 8,5 метр баланд кўтарилган иморатдан иборат бўлган. Ташқаридан уни ҳалқа каби қўшдевор (диаметри 86,5 метр) ўраб турган. Девор ичида гумбазли жуда кўп хоналар бўлган. Қалъанинг ташқи қўшдеворида 9 та ярим-доирасимон буржлар бор. Қўшдеворнинг ва марказий иморат деворининг ташқи қаторларида Жонбос қалъадагидек найзасимон қатор шинаклар кўп. Девор ичидаги хоналардан топилган ашёларга қараганда, унда қуллар ва ибодатхона хизматкорлари яшаган.

Қазиб текширилган икки қаватли (унинг пастки қавати қарийб бутунлай сақланиб қолган) марказий буржсимон бинонинг кўриниши ниҳоятда ўзига хосдир. Биринчи қаватнинг баҳайбат деворлардан ва хом ғишдан ишланган кўп гумбазли хоналари қатъий ва аниқ шаклга эга. Пастки



хоналарга юқори қаватнинг ўқ отиладиган шинакли йўлаги орқали тушилади. Бинонинг диаметри бўйлаб жойлашган марказий гумбазини кўндаланг қурилган девор иккига ажратиб туради. Марказий гумбазнинг ҳар икки чеккасида икки томонлама тушиб-чикиладиган зиналар бўлиб, улар орқали, юқорида айтилганидек, иккинчи қаватга – шинакли ташки йўлакка чиқилган. Марказий гумбазнинг ҳар икки томонида, айлана бўйлаб жойлашган олти ён гумбазнинг арки марказий гумбазга қараб очилади. Бу ерда биринчи бор топилган ойналар ниҳоятда катта қизиқиш уйғотади; қуйи девори қалин қаватнинг хоналарига ёруғлик тушишига имкон берган бу ойналар шимолий гумбаздан бошқа ҳамма гумбазларнинг ёўлачлар терилган деворларида мавжуд. Ўқ отиладиган йўлак шинаклари чизиғидан пастда жойлашган дераза тоқчалари қалинлиги олти метр келадиган ташки деворга мос қалинликда ичкарига нишаб бўлиб тушган. Пастдан туриб мана шу ойналар орқали қаралганда осмон кўринган, бу эса хоналарнинг анча ёруғ бўлишини таъминлаган.

Бу ажойиб обидада ўтказилган кўп йиллик қозишмалар натижасида марказий бинонинг тарихий ҳаёти илк Кангюй даври доираси билан чекланган ҳолда, ташки ҳалқа иморатлари тахминан тўрт асрча, милодий I аср охиригача, яъни Хоразмнинг Кушон империясига қўшилиш арафасига қадар мавжуд бўлганлиги аниқланди. С.П. Толстовнинг тахминича, дафн этишга оид ҳамда диний урф-одатлар жойи бўлган марказий бурж атрофида, дастлаб, айлана шаклидаги шинакли биргина девор бўлган бўлса керак. Сўнгра девор батамом қайта қурилган ва ичкаридан унга тақаб турли-туман омборхоналар қуришган. Кечки Кангюй даврига келиб ташки ҳалқанинг бутун саҳнига иморатлар солинган, бурж атрофида таксимот йўлаги вужудга келтирилган, бу ибодатхона хўжалигининг бир талай хоналари – одам яшайдиган уйлар, омборлар, устахоналар эса радиус бўйича бир-бирдан қалин деворлар билан ажралган бир қанча секторларга бўлиниб кетган. Археологик қозишмалар ичида учрайдиган хилма-хил топилмалар милoddан аввалги IV–I асрларда, яъни Кангюй даврида қалъа аҳолисининг

хўжалик ва маданий ҳаёти қандай бўлганлигини тасвирлашга имкон беради. Жуда кўп учрайдиган сопол идишлар орасида туя ва эшакларда олиб юриладиган сувдон (фляга) га ўхшаш идиш синикларидаги расмлар алоҳида кўзга ташланиб туради. Бу идишларнинг бирида тахтда ўтириб бола эмизаётган аёл, иккинчисида эса муштлашишга тайёрланаётган эркак (қадимги аждодларимиз бокс билан таниш бўлиши эҳтимол) аниқ тасвирланган.

Бошқа бир идишда бўрттириб безатилган композициянинг марказида соқолли бош тасвири бўлиб, у ён томондан кўриниб туради, четда эса грифон деган баҳайбат қанотли отга ўхшаш афсонавий ҳайвон тасвирланган. Яна бир сувдон парчасида серхашам қилиб безатилган дубулға кийган эркак сурати туширилган бўлиб, дубулға тожига афсонавий қуш тасвири ишланган, эсага тушиб турадиган қисмига эса одам ниқоби солинган. Қўйқирилган қалъа учун характерли бўлган ва бандининг юқори қисмида шернинг боши тасвирланган кўзаларни, оғзи одам шаклида ишланган жажжи идишни ҳамда от ва грифонларнинг образлари берилган турли рангли сопол ритон (ичкилик ичиладиган шохсимон идиш) ларнинг бир талай парчаларини ҳам рельефли сувдонлар жумласига киритиш мумкин.

Бўрттириб ишланган расмлар орасида шароб кўтарган қари боғбон, жимжима жиякли камзул ва бурмали кўйлак кийиб олиб, бир қўлида кўзача, иккинчисида қадах ушлаган аёл тасвирланган ҳайкалчалар диққатга сазовордир. Бу аёл сиймосида балки шаробчилик маъбудаси Мино тасвирлангандир. Мино ибодати ва мифологияси тўғрисидаги баъзи маълумотларни Абу Райҳон Беруний асарларидан топиш мумкин. Ҳосилдорлик маъбудаси – Хоразм Анахитасининг серхашам кийим кийган ҳолда тасвирланган талайгина ҳайкалчалари топилган. Маъбуда бир қўлини кўкрагига кўйиб, иккинчисини эса осилтириб турибди. Яна бир ҳайкалчада қўлида қадах ва жажжи қўшқулоқ идиш ушлаган маъбуда тасвирланган.

Бу топилмалар ва қалъанинг ташқи доирасидаги хоналарнинг бирига ўрнаштирилган, баландлиги 1–1,5 метргача келадиган ҳамда усталик билан ишланган шароб идишлар –

хумлар, қалъа теварагида учрайдиган тоқзор излари қадимги хоразмликларда узумчилик анча тараққий қилганлигини кўрсатади.

Археологик қазиш натижасида хоналарда деворга ясалган ранг-баранг нақш ифодалари, от, туя, қўй ва шу сингари ҳайвон ҳамда қушларни тасвирловчи расмлар, ўсимлик шаклидаги, мазмундор нақшли катта идишлар, дастаси фил ёки от бошига ўхшатиб ясалган кўзалар ва бошқа бадий қимматли кўп хил сопол буюмларнинг парчалари топилган. Ташқи доирадаги хоналарнинг бирида топилган ҳайкалча усталик билан сополдан ясалган бўлиб, унда кўлида бола ушлаб ўтирган маймун тасвирланган, бу эса қадимги Ҳиндистон санъатини эслатади.

Кўйқирилган қалъа атрофини эгаллаб ётган тақирларда ҳам ажойиб санъат нусхалари кўп учрайди. Қалъанинг шимолидаги тақирдан топилган кампир ҳайкалининг калла қисми – қадимги ҳайкалтарошлик реалистик асосга эга бўлганлигини кўрсатади.

Тасвирий санъат намуналари ичида жимжимали оссуарийлар алоҳида ўринни эгаллайди. Бу даврда бутун Ўрта Осиёда Зардушт дини ривож топган эди. Юқорида айтганимиздек, Зардушт динига биноан, ўликларни ерга кўмиш, сувга ташлаш гуноҳ ҳисобланиб, жасадни ё куйдирганлар, ёки гўшт ва терисини йиртқич ҳайвон ҳамда қушларга едириб, суяқларини махсус сопол кути (остадон) ларга солиб, алоҳида биноларда сақлаганлар. Шундай кутиларни Ўрта Осиёнинг ҳамма ерида учратиш мумкин. Мана шу ва бошқа далилларга асосланиб, юқорида қайд қилганимиздек, кўп олимлар Зардуштнинг ватани Ўрта Осиё деб ҳисоблайдилар.

Кўйқирилган қалъа теварагида кўшлаб учрайдиган оссуарийлар ўзининг хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Бу остадонлар қошқоқларининг устки қисмига ҳайкалчалар ишланган. Кўйқирилган қалъадан тахминан бир ярим чақирим шимолда, кумтепалар орасида топилган квадрат шаклдаги оссуарийнинг қошқоғидаги чордана қуриб ўтирган эркакнинг ҳайкали жуда ажойибдир. Шуниси қизиқки, калта мўйловли, соқоли хоразмча қилиб қўйилган, кийими нақшдор қилиб

тўкилиб, камари учида қўй бошини тасвирловчи безак борлиги ҳайкалдан кўриниб турибди. Оссуарийлар ичида отга ўхшатиб ясалган ҳайкалчалар ҳам учрайди.

Қалъаликирда сўнгги йилларда топилган кумтошдан, лойдан ва алебастрдан, шунингдек, сополдан ясалган турли типдаги оссуарийлар ичидан юздан ортиқ дафина топилган эди. Аксарияти бир хил бўлган бу оссуарийлар орасида талайгина турли-туман типлар учрайди. Шуларнинг ичида ғўласида тешиги бўлган бочкасимон, юқоридаги қопқоғи тўртбурчак шаклидаги тешикли ҳамда устки кирраси пирамида шаклида бўлиб, юмалок қопқоғида куш тасвири берилган оссуарийлар алоҳида ажралиб туради.

Қўйқирилган қалъадаги ажойиб кашфиётлардан яна бири – Хоразмнинг қадимги ёзувидир. Ташқи доира харобаларида хум оғзининг четига ўйиб ёзилган оромий типидagi алфавитли қисқа хат топилган. Ёзув шундай аниқ сақланганки, уни осонгина ўқиш мумкин. Иккинчи нусхаси хумчага туш билан (Хоразм тарихида сопол идишга туш бериш биринчи марта учрайди) ёзилган бўлиб, у ҳам осон ўқилади. Бу ёзув намуналарини фақат Хоразмдагина эмас, балки бутун Ўрта Осиёда ҳозиргача маълум бўлган энг қадимги ёзув деб айтсак, хато қилмаган бўламиз.

Ёзилган сўз шубҳасиз форсий тилда бўлиб, «аспабарак» ёки «аспабадак» деб ўқилади. Уни «отда кетаётган» ёки «от миниб турган» деб таржима қилиш мумкин. Ҳар ҳолда у атоқли от бўлиб, хум эгасини ва унга қарашли отни ифодалайди. Бундан ташқари, сўнгги йилларда хумга ёзилган яна уч ёзув ҳамда аёл ҳайкалчаси орқасига тирнаб ёзилган яна бир ёзув топилди. Бу ёзувлар Хоразм архивининг милодий III асрга мансуб ҳужжатлари ҳамда милоддан аввалги I асрга оид ва Нисодан топилган Парфия архиви билан бирга, Ўрта Осиё қадимги халқлари ёзувларининг тез тўлиб бораётган тарихи хазинасига муҳим ҳисса бўлиб қўшилади. Демак, Хоразм илк антик даврданоқ кенг тарқалган ёзувга эга бўлган, бу эса унинг маданий жиҳатдан юқори босқичда турганлигини кўрсатади.

Шундай қилиб, кўмиш маросими билан боғлиқ бўлган ибодат қасри – Қўйқирилган қалъа қимматли ва муҳим ма-

териалларни асрлар оша бизгача саклаб келган. Бу қалъадаги ҳаёт Кангюй давлати даврида давом этиб, Хоразмнинг Кушон империясига қўшилиши билан тўхтаб қолади ва кейин ҳеч жонланмайди.

Қўйқирилган қалъа атрофидаги кўҳна Кангюй ва, айниса, кейинги Кушон даврига оид суғориш иншоотларини текшириш шуни кўрсатадики, бу даврда ирригациянинг илгаригига нисбатан анча торроқ (рошлар орасидаги масофа 10–15 метр) ва чуқурроқ магистраллари билан ажралиб турувчи анча такомиллашган янги типлари вужудга келган. Бу каналлар ҳавза тармоқлари билан бевосита боғланмаган бўлиб, ўртасидан кесиб ўтади. Шу билан боғлиқ ҳолда тақсимлаш ва суғориш тармоғи ҳам магистрал каналнинг фақат бир томонидан эмас, балки иккала томонидан, каналга нисбатан тўғри бурчак остида ўтказилган. Сув оқими қонунлари тўғрисидаги анча чуқур билимга асосланган, тежамли ва мукамал бўлган бу суғориш тизими ўзининг асосий хусусиятлари билан сувни ва қурувчилар меҳнатини яна ҳам тежаш имконини берган ўрта асрлар суғориш тизими учун замин ҳозирлади.

Пировардида шуни ҳам қайд этиш лозимки, бу даврда Амударё воҳасини ўраб олган апасиак-сакаравак қабидаларининг бир қисми скифларнинг жануб томон кенг кўламда юришлари тўғрисида Хоразм ҳудудига ҳам кириб келган. Миллоддан аввалги II асрдан бошланадиган сўнгги Кангюй даври керамикасидагина эмас, балки Қўйқирилган қалъанинг охириги ҳаётига мансуб қатламида қазиб олинган, дашт қабидалари ўртасида ёйилган ва бу ерга улар томонидан келтирилган ҳар хил топилмалар бундан далолат беради. Янада илгарироқ даврга мансуб бўлган ва апасиакларнинг ўзи барпо этган қишлоқлар Хоразм воҳасининг жануби-ғарбий чеккаларида пайдо бўлиши ҳам шундан дарак беради.

## ҚУДРАТЛИ КУШОН ДАВЛАТИ ВА ТИЛСИМОТЛИ ТУПРОҚҚАЛЪА

Милоддан аввалги I аср охирларида Ўрта Осиё қудратли Кушон империясига қарашли эди. Хоразмнинг Кушон даврига оид тарихи жуда ҳам ноаниқ. Аммо бу даврда Хоразм шоҳларининг тангалари ўрнини кушонликлар тангаси эгаллаганига қараганда, Хоразм Кушон империяси таркибига кирган, деб фараз қилиш мумкин. Милодий III асрларда Хоразмда маҳаллий шоҳларнинг тангалари зарб қилиниши ва кушон тангаларининг сиқиб чиқарилиши Хоразмнинг яна илгаригидай мустақилликка эришганлигини кўрсатади.

Император Канишка (78–123 йиллар) ҳукмронлик қилган даврда Кушон давлати жуда қудратли давлатга айланиб, замонасининг буюк давлатлари Рим, Парфия ва Хитой билан бир қаторда турарди. Канишка ҳукмронлигининг охириги йилларида Кушон давлати жуда қатта ҳудудни ўз ичига олган. Унинг чегараси ғарбда Орол ва Каспий денгизи бўйларигача, жанубда Ҳинд дарёсининг қуйи оқимигача, шарқда эса Синьцзяннинг Хўтан шаҳридан Ганг бўйларидаги Банорасгача чўзилган.

Канишка ғолибона юришларидан ташқари қатта қурилишлар ҳам қилди. Унинг даврида Шимолий Ҳиндистондаги анча шаҳарларга асос солинди. Ҳозиргача шу шаҳарларнинг бири унинг номи билан юритилади. Бу даврда кўп мамлакатлар билан иқтисодий ва сиёсий муносабатлар кучаяди. Милодий 99 йилда Кушон элчиларининг Римга келиши ва Кушон давлати ҳудудида жуда кўп рим тангаларининг топилиши бунга далил бўла олади. Кушон тангалари Кама бўйларида ҳам учрайди.

Кушон даврида бу империяга қарашли мамлакатлар маданиятида ривожланиш юз берди. Бу даврда пайдо бўлган ажойиб меъморчилик ва ҳайкалтарошлик санъатининг кўпгина ёдгорликлари Шимолий Ҳиндистонда, Бақтрия, Кобул дарёси водийсида ва Амударёнинг юқори оқимларида бизгача сақланиб келган. Бу ёдгорлик намуна-

лари ана шу ёдгорлик кўпроқ топилган ернинг номи билан махсус адабиётларда гандхара санъати деб аталади. Гандхара санъати Хитой, Ҳиндихитой, Япония ва Индонезия халқларининг бадиий маданиятига катта таъсир ўтказган ҳамда унинг анъаналари бутун ўрта аср ва ҳатто, ҳозирги давргача сақланиб келган.

Кушон империяси даврида дин, архитектура ва санъат соҳасида рўй берган ўзгаришлар Хоразм маданиятига ҳам таъсир этди. Шунингдек, қадимги Бактрия (Термиз яқинидаги Айритом ёдгорлиги), Тоҳаристон (Сурхондарё вилоятининг Ангор туманидаги Болаликтепа ёдгорлиги) маданияти ҳам гандхара санъати анъаналарининг бевосита таъсири остида тараққий этган. Натижада Хоразмда учрайдиган кушон даври ҳайкалчаларининг кўриниши анча ўзгаради. Эндиликда *ҳайкалчалардаги кийим ва безаклар кангюй давриникидай* серҳашам бўлмай, унда гандхара санъатининг таъсири сезилиб туради. Янги типдаги ҳайкалчалар ҳинд кийимларидагидай анча ери очик бўлиб, бу ҳол унинг будда образлари билан боғлиқ эканлигини кўрсатади.

Хоразмнинг Кушон даврига оид ёдгорликлари ҳам жуда бой ва ажойибдир. Бу даврда ҳам илгаригидай суғориш тармоқлари ривожланади ва такомиллашади, эски қалъалар қайта қурилади, янги қалъалар ва аҳоли яшайдиган истехкомлар вужудга келади. Янги пайдо бўлган катта суғориш иншоотларидан Қирққиз ва Тупроққалъа каналларини айтиб ўтиш лозим. Воҳа чеккаларида кушон даври учун хос бўлган мушофаа иншоотларидан қуйи Чарманёпда Говурқалъа, Устюрт қирларида Девкесган қалъа бунёдга келади. Суғориш тармоқларининг ривожланиши натижасида Аёзқалъа, Қизилқалъа, Қўрғошинқалъа, Тупроққалъа, Катта Гулдурсун, Кичик Қирққиз каби яхши мустаҳкамланган шаҳар ва қалъалар пайдо бўлади. Бу ёдгорликларнинг ичида Катта Гулдурсун, Қизилқалъа, Аёз қалъа, Говурқалъа, Анқа қалъа ва ажойиб тарихий ҳазина бўлган Хоразмшоҳлар қароргоҳи – Тупроққалъа алоҳида диққатга сазовордир.

Катта Гулдурсун найзасимон шинакли қўшдевор билан ўралган зўр истехком бўлиб, у иккита катта сув иншооти: Қирққиз ва Тупроққалъа қағаллари бир-биридан ажралган

жойда қурилган. Ички ҳовлида қизил лойдан ишланган сополлар ва катта иморатларнинг қолдиги бор. Бу қалъа яқинида Қирққиз магистрал каналидан шимоли-ғарб ва ғарбга жуда катта сув иншооти ўтказилган. У Норинжон шаҳри орқали ўтиб, Тупроққалъага боради ва Қизилқалъа истехкоми олдида тугайди. Жилдиққалъа районида ундан чиқарилган шохобча ўзанининг кўп қисми ҳозир кум остида қолиб кетган бўлиб, этаги Аёзқалъадаги тоғ ёнбағирларида пайдо бўлади. Бу каналнинг катталигидан ҳатто Тупроққалъа канали унинг шохобчаларига ўхшаб кетади. Мана шу зўр сув иншоотларининг бош қисмини мудофаа қилувчи ва сув тақсимлаш ишларини бошқарувчи марказий идора Гулдурсун қалъасида бўлса, эҳтимол. Қизилқалъа илк купшон даврида баланд гишт пойдеворга қурилган анча қудрагли истехком бўлиб, ундаги бинолар каттагина чегара соқчилигини олиб борган ҳарбий кўрғонга мўлжалланган. Қалъанинг ички қисмига ёшпасига равокли йўлаксимон бинолар қурилган. Қизилқалъа муҳим стратегик истехком бўлиб, у хоразмшоҳлар маскани Тупроққалъани қадимги йўлдан ҳамда Амударё томондан кўриқлаб турган.

Аёзқалъа ёдгорлиги Султон Увайс тоғининг шарқий этагидаги йирик деҳқонларнинг кичик девор билан ўралган кўрғонларидан иборат. Эҳтимол, кўрғон ичида боғ ва поллизлар мавжуд бўлган. Бундай жуда кўп деҳқон кўрғонлари орасида учтаси алоҳида ажралиб туради. Аёзқалъа қоясининг тепасини безаб турган Аёз-1 деб аталган истехком ярим-доира шаклидаги буржли баланд кўшдеворлар билан ўраб олинган. Қалъа бурчакларида икки буржнинг бир-бирига кўшилишидан «қалдирғоч думи»га ўхшаш қизиқ шакл ҳосил бўлади. Бундай қурилиш усулини фақат илк купшонлар даврида қадимги Хоразмнинг ҳарбий истехком қурувчи усталари қўллаган. Кенг саҳро ўртасида баланд кўтарилиб турган Аёз-1 ҳам Қизилқалъа каби Хоразмга шимолдан олиб борадиган йўл устидаги муҳим стратегик иншоот ҳисобланган.

Бу истехком жойлашган қоянинг пастки ёнбағрида, жанубий тепаликнинг учида тухумсимон шаклда солинган Аёз-2 истехкоми мавжуд. Бу қалъадаги бинолар ва деворлар ўртасидаги равоқсимон йўлкаларда ҳеч қандай маданий



катламлар бўлмаганлиги учун уни Аёз-1, Қизилқалъа, Қўнарликқалъа каби ҳимоячи кўрғон қишлоғи деб ҳисоблаш мумкин. Эҳтимол, камал вақтларида ҳимоячиларга атрофда яшовчи аҳоли ёрдамга келгандир.

Мазкур мустаҳкамланган тепаларнинг этакларида ғишт деворлар билан ўралган катта ҳовли-кўрғонлардан иборат бир қишлоқнинг харобалари ётади. Улар орасида кўплаб буржли девор билан ўралган Аёз-3 номли кўрғон алоҳида ажралиб туради.

Аёзқалъа мажмуига кирган қишлоқ ёдгорликлари унда кўп миқдорда топилган кушон даври тангаларига қараганда эрамининг II асрларида пайдо бўлган. Қишлоқ узоқ яшмай, ундаги ҳаёт III–IV асрларда тутаган. Олимларнинг айтишича, бу ердаги кўплаб кўрғонларда деҳқончилик билан шуғулланган аҳолининг патриархал типдаги катта жамоалари яшаган бўлиб, у Хоразм қишлоғининг ижтимоий-иқтисодий тузумида муҳим ўзгаришлар рўй бераётганидан дарак беради. Кушон давлатининг гуллаш даврида катта уруғ-жамоа типдаги мустаҳкамланган истехкомлардан, патриархал типдаги кўп оилали жамоаларнинг айрим кўрғон ёки катта ҳовлиларга ажралиб чиқиши анча кучаяди. «Катта оилали» жамоаларнинг ажралиб чиқиш жараёни кулдорлик тузумининг емирила бошлаганлигини ва илк феодал хўжаликларнинг вужудга келаётганлигини кўрсатади.

Шуни ҳам кайд қилиб ўтиш лозимки, бу кўрғонларда аҳоли зич яшайдиган Гулдурсун, Жонбос қалъа, Ҳазорасп, Тупроққалъа истехкомларига ўхшаш антик шаҳарлардан узоқда жойлашган озод деҳқонларнинг қишлоқ уйларини кўрамаиз.

Кушон империясининг шимолий чегараларидаги кучли мудофаа иншоотларига Говурқалъа ҳам киради. Қалъа Амударё қирғоғида, Султон Увайс тоғининг ғарбий тизмаларини кесиб ўтган жойда, дарё ва дарё бўйлаб кетадиган йўлни мудофаа қилишга қулай бўлган баланд қоя устида қурилган. Бу истехком тахминан милодий II–III асрларга оид бўлиб, мудофаада ҳарбий кемалар ҳам қатнашган.

Говурқалъа икки қатор шинакли қўшдеворли оғишган тўртбурчакдан иборат. Деворларнинг бошқа қаторида ун-

дан бир оз баландрок кўтарилган, ораси 20 метр масофада қўйилган тўғри бурчакли буржлар мавжуд. Бурчаклардаги буржлар кушон даври меъморчилик анъаналарига асосланган бўлиб, «қалдирғоч думи»га ўхшатиб қурилган. Қурилиш усули жиҳатидан унинг Аёз-1 га яқин туриши – бу қалъаларнинг барчаси бир мудофаа тизими билан боғлиқ эканлигини кўрсатади. Лекин Говурқалъада икки қатор шинакларнинг борлиги уни бир томондан Кангюй даврига оид Жонбос қалъа каби ёдгорликлар билан ҳам боғлиқ эканлигидан дарак беради.

Деворларга қўйилган қатта ва қалин (40x40x10) ғишларнинг деярли 25–30 фоизига тамға босилган. Кангюй ва Кушон даврига тегишли бармоқ билан лойга босилган 16 хил тамға белгилари аниқланган. Шубҳасиз, бу тамғалар айрим уруғ белгилари бўлган.

Қалъа ичида шимолий девор бўйлаб қурилган хона харобалари мавжуд. Қалъанинг шимоли-ғарб бурчагида тўртбурчак қурилган зал алоҳида ажралиб туради. Зал деворлари сувоқ қилинган ва унга нақш берилганлиги билиниб турибди. Тўрт деворда тўрт тоқча бўлиб, ўртада тошдан таллик билан ясалган иккита тагкурси қўйилган. Зални иб текширилганда ҳайкал топилган. Лойдан ясалиб, эркак шининг бошини тасвирловчи бу ҳайкал алоҳида диққатга ювор.

Кушон империясининг сўнги даврларидаги мудофаа шоотларидан яна бири Анқа қалъадир. Бу ёдгорлик Қўйилган қалъадан икки километр шарқда, қадимги кўрғон ва шлоқ харобалари ўртасида жойлашган. Шу харобаларнинг рида милодий III асрга оид, бошига бургутсимон темир тоқ кийган шохнинг расми солинган Хоразм мис танга-ридан иккитаси топилган. Анқа қалъа унча қатта бўлмай, шқа антик истехкомлардай қатта қолипли ғишлардан рилган кўшдевор билан ўралган. Қалъа дарвозаси шинак-тўғри бурчакли буржлардан иборат. Квадрат шаклидаги рчак буржлари қурилиш жиҳатидан бошқа ёдгорликлардан рк қилиб, ўзига хос хусусиятга эга. Дарвоза буржларидан шқари қолган уч деворда ҳам биттадан тўғри бурчакли ржлар бор. Қалъанинг етти метр баландликда сақланиб

қолган ташқи деворида бир катор узун ва тор, ҳар биттасининг оралиғи 13 м келадиган найзасимон шинаклар яхши сақланган. Истеҳком ўртасида уй харобалари, унинг ўртасида эса 2,5x2,5 м келадиган чуқурлик бор.

Мустаҳкам кўрғонлар пайдо бўлиши билан бирга катта шаҳарлар ҳам вужудга келади ва сиёсий, савдо ҳамда хунарамандчилик маркази сифатида ривожланади.

Аммо, умуман олганда, бу даврга келиб Кушон давлати жиддий инкирозга юз тутади ва эски ҳамда маҳаллий сулола ўртасида ички сиёсий кураш кучайиб кетади.

Бундай муҳим ижтимоий-сиёсий ҳодисаларни археологик тадқиқотлар асосида қўлга киритилган хилма-хил маълумотлар орқали ҳам яққол тасаввур қилиш мумкин. Текширишлар шуни кўрсатадики, бу даврда суғориш тармоқлари жуда қисқариб кетади. Амударёнинг ўнг қирғоғидаги энг йирик икки магистрал канал сафдан чиққан, учинчи канал сатҳи анча қисқариб кетган. Сўл қирғоқлардаги қадимги суғориладиган ерларнинг улкан суғориш тармоғи тамомила ишдан чиққан. Маълум бўлган барча қадимги шаҳарларнинг аксари ҳарбий юришлар натижасида вайрон бўла бошлаган, хунарамандчилик ҳам оғир таназзулга учраган.

Кушон империяси доирасида (Ғарбда, Римда ҳам) янги феодал тузумга ўтиш учун яратилган моддий шарт-шароит, Ғарбда бўлганидек, дарҳол янги тараққиётга олиб келмади. Бу тараққиётга халакит берувчи қулдорлик муносабатларининг емирилиш жараёни асрлар оша чўзилиб кетди, чунки жамият ичида ана шу жамиятнинг қайта қурилишига бошчилик қила оладиган куч йўқ эди. Бу борада ҳам, худди Ғарбда бўлганидек, ана шундай куч Хоразмнинг чекка жойларида ҳамда Ўрта Осиёнинг бошқа музофотларидан етишиб чиқди. Бу куч варвар қабилалар бўлиб, қулдорлик тузумининг инкирозга юз тутган моддий ишлаб чиқариш усуллари улар олиб келган ғоят эски усуллар билан бирга қўшилиб кетган эди. Юқори маданиятли қадимги Хоразм билан қудратли ўрта асрлар Хоразми орасидаги кескин фарқ ҳам шу билан боғлиқ бўлиб, бу фарқ моддий маданиятнинг барча соҳаларида кўзга ташланади. Аммо бу даврда Хоразм табиий ва географик шароити туфайли ўзига хос ўринни эгаллаган.

Империяда рўй бераётган ижтимоий ва сиёсий жараён-да Хоразм муҳим роль ўйнаган бўлса керак, чунки танга пулларни текшириш натижасида олинган маълумотларга қараганда, ўлка III асрдаёқ ўз мустақиллиги учун кураш бошлаган. Шу муносабат билан ички сиёсат ларзага келади, натижада Хоразм ҳудудида иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан мустақил бўлиб олган қатор айрим ҳокимликлар вужудга келади. Тупроққалъа саройи залларининг бирида бошига тож кийган ва қўлига бургут ушлаган подшо хайкалининг топилиши, шунингдек, Анқа қалъа яқинида ҳам бошида тож, қўлида бургут ушлаган киши расми солинган танганинг топилиши ва бу тангаларнинг шу жойда зарб қилинганлиги – маҳаллий сулола ҳокимияти ўрнатилганлигидан гувоҳлик беради.

Милодий III аср ўрталарида Кушон империясидагина эмас, балки бутун Ўрта Шарқда катта сиёсий ўзгаришлар рўй берди. Кушонлар сулоласи билан бир вақтда Парфия аршакийларининг ҳукмронлиги емирилади. Эронда давлат бошига сосонийлар сулоласи келади ва у Ўрта Осиёнинг бир қисмини қўл остига олади. Бу даврда Хитой империяси ҳам емирила бошлайди. III асрда Хоразмда Кушонлар билан курашда ғолиб чиққан сиёсий гуруҳ – афригийлар сулоласига асос солинади. Бу янги сулола Тупроққалъага таянган ҳолда ўз ҳокимиятини дастлаб воҳанинг ўнг қирғоғида ўрнагади. Тупроққалъа харобаларини текшириш унинг ҳақиқатан ҳам катта давлат таянчи – шоҳлар қароргоҳи бўлганлигини кўрсатади.

Султон Увайс тоғларининг жануброғида, қадимий қалъалар ҳудудида топилган бу ажойиб ёдгорлик 17,5 гектар майдонни (500x350 метрни) ишғол этади. Кўринишидан тўғри бурчак шаклидаги Тупроққалъа шимолдан жанубга чўзилган бўлиб, агрофи катта хом ғишглاردан қурилган қалин ва баланд девор билан ўралган. Деворлар бўйлаб квадрат шаклдаги жуда кўп буржлар қад кўтариб туради. Қалъанинг шимоли-ғарбида эни ҳам, бўйи ҳам 180 метр келадиган икки қават қилиб солинган ҳашаматли сарой харобалари кўзга ташланиб туради. Саройнинг учта буржи бўлиб, бу буржларнинг баландлиги 25 метрга етади. Бу ёдгорликни текшириш

юзасидан олиб борилган ишларга асосланиб, Тупроққалъа милодий III–IV асрларга тегишли эканлиги аниқланди. Лекин қалъани ўрганиш ишларига 1945–1950 йиллардагина астойдил киришилди.

Мана, шаҳарнинг жанубий бош дарвозаси. Дарвозадан ичкарига кирилган заҳоти тўғри бурчакли қилиб солинган уйга дуч келинади. Афтидан, бу шаҳар соқчилари турган жой бўлса керак. Шу уйдан марказий кўча бошланади. Ун метр кенликдаги бу кўча тўғри ҳокимнинг саройига ва шаҳар ибодатхонасига олиб кирадиган дарвозага бориб такалади. Шу кўчанинг охиридан ўнгга қараб кетган кўча бозорга олиб чиқади.

Бош кўчанинг ҳар томонида бир-бирига тўғри келадиган тор кўчаларда кўп хонали катта уйлар солинган. Қалъанинг ички архитектураси Жонбосқалъага ўхшаб кетади. Ана шундай тор кўчалар ўртасидаги ҳовли-жойлар бир-бирига тутшиб кетган бўлиб, улар орасида девор йўқдай кўринади. Туташ ҳовлилардаги хоналарнинг сони 200 тагача боради. Бу – Тупроққалъада истиқомат қилган аҳоли уруғчилик анъаналарига асосланиб авлодма-авлод яшаганлигидан ва ижтимоий ҳаётнинг жуда қадимги шаклига мансуб бўлганлигидан далолат беради.

Ҳоким саройининг жанубий дарвозасидан бошланадиган узун йўлакнинг охирида оташ ибодатхонаси жойлашган. Ибодатхона бир неча иншоотлардан ташкил топган. Иншоотларнинг ўртасида кўш деворлар билан қуршалган ва ичкарига айланма йўлаги бўлган тўғри бурчакли бино бор. Қадимий хоразмликлар ибодат қилган сўнмас оташ шу бинода бўлган.

Бундай ибодатхоналар қадимги Хоразмдаги бошқа ёдгорликларда ҳам, чунончи, Жонбос қалъадан ҳам топилганлигини юқорида айтиб ўтдик. Тупроққалъадаги бу иншоот тузилиши жихатидан Эрон Озарбайжонининг Шопур деган жойида Р. Гришман қазиб топган ибодатхонага ўхшайди.

Оташ ибодатхонаси билан ёнма-ён икки қават қилиб ишланган, уч бурчакли ажойиб бино ўзининг ҳашаматли кўриниши билан кишини ҳайратда қолдиради. Бинонинг юқори қисмидаги девор ганчдан ишланган чирой-

ли ҳайкалчалар билан безатилган. Сарой ва ибодатхона қурилишлари жанубий ҳамда шарқий тарафдан шинакли калин ва баланд деворлар билан гир айлантириб ўралган. Саройнинг биринчи қаватида юздан ортиқ хоналар борлиги аниқланган. Девор бўйлаб бурж ва дарвозалар қурилган саройга шарқ томондаги пандусдан қирилар эди. Пандуснинг охири турли ўсимликларга ўхшатиб нозик нақшлар солинган тор йўлак билан тугайди. Сарой шу қадар баланд қилиб солинганки, аҳоли яшайдиган ховлилар ундан жуда кичкина бўлиб кўринади.

Сарой биноларининг ўртасида ташқарига олиб чиқадиган катта хоналар, нақш ва ҳайкаллар билан безатилган зал бор. Археологларимиз бу хоналарга «шоҳаншоҳлар зали», «зафарлар зали», «жангчилар зали», «буғулар зали», «ўймакорлик зали» каби номлар берганлар.

Саройда булардан ташқари турли тураржойлар, хўжалик ва хизмат кўрсатиш бинолари, шунингдек, устахоналар бор. Хоналарнинг деразалари йўқ. Ёруғ тушиб туриши учун туйнук қилинган. Пешток йўлаклари орқали хонадан хонага ўтилади.

Йўлақлар ёки дахлизларнинг деворлари бўйлаб баланд супалар бўлиб, ундаги одам гавдасидан бир ярим баравар катта келадиган эркак ва аёлларнинг лойдан ишланган ҳайкаллари диққатга сазовордир. Уларнинг қийими ва безакларига қараганда, ҳашаматли шахзодалар билан марказида тож қийган подшонинг образи тасвирланган. Эркак ва аёлнинг бола билан тахтда ўтирган тасвири Қўйқирилган калъада топилган бўртма расмларни эслатади. «Шоҳаншоҳлар зали»да 138 та катта-кичик ҳайкаллар топилган бўлиб, улар нафақат тантаналар учун, балки ибодатлар учун ҳам хизмат қилган. Залнинг деворлари бўйлаб тахмон ва токчалар, баланд супаларда, дахлиздагидек, одамнинг натурал ҳажмидан каттарок лойдан ясалган ҳайкалларнинг чап томонидаги паст супаларда бўртма нақш қилиб тасвирланган образлар, шубҳасиз, маҳаллий подшоларнинг уруғ-авлодига тегишли. Демак, бу тантанавор хона илоҳийлаштирилган муқаддас жой бўлса керак. Учта девордаги катта тахмонда ўрнатилган жуда ҳашаматли ҳайкаллар учта худога бағишланган. Балки

шулардан биттаси ҳосилдорлик худоси Анахита образини ифодалайди. Айрим маъбудалар йиртқич ҳайвонлар билан бирга тасвирланган.

Саройнинг кўча ёки ҳовлига очиладиган эшиклари, шунингдек, хоналардаги эшиклар хилма-хил ўйма нақшлар солиб безатилган. Уларда кишилар, ҳайвонлар, қушлар ва тўлқинларда сузаётган баликларнинг расмлари мохирона тасвирланган. Учбурчак шаклдаги катта соз (арфа) да ўйнаётган аёл, шунингдек, мусиқа асбобининг пардасини ушлаб турган қўл расми ўзининг нафислиги ва жозибадорлиги билан кишини ўзига тортади. Яна бир жойда узумзор оралаб узум узаётган аёл расми кўзга ташланади. Расм сополга минерал бўёқлар билан солинган.

«Шоҳаншоҳлар зали» ҳамда «жангчилар зали»нинг деворларидаги таҳмон ва тоқчаларга подшолар ёки худоларнинг расмлари солинган. Улар орасида қора танли аскарлар ажралиб туради. Бир неча гумбазли йўлаклардан ўтгач, «раққосалар зали»га кирилади.

«Ниқобли рақсчилар зали» бош айвон билан боғланган бўлиб, унинг тарҳи ва жиҳозланиши марказидаги меҳроб колдиклари бу хона мукаддас жой эканлигидан далолат беради. Айвон деворларига ўн олтита бўрттирилган эчки шохи, жуфт эркак ва аёллар рақсга тушаётгани тасвирланган катта панно жуда таъсирли. Улар орасида ҳам якка раққосалар тасвирланган. Мазкур залларнинг деворларига хилма-хил ўйма ва рангли нақшлар солинган. Улардаги кишилар, ҳайвонлар, қушлар расмлари ранг-баранг қилиб мохирона туширилган. Айникса, лой, сопол ва ганчдан ясалган ҳайкаллар турли ранглар билан бўялган. Сарой марказида деворларнинг айрим қисмига барглاردан чамбарак қилиб безатилган, маъбуда Анахита ибодати билан боғлиқ маросимлар ўтказиладиган тантанавор зал бўлган.

Сарой биноларининг панжара ва пирамонлари ҳам нақшинкор қилиб ишланган. Деворларга барглاردан чамбарак қилиб гуллар солинган. Бу ердаги нақш ва безаклар қадимги Хоразм санъатининг ўзига хос ажойиб ютуқларга эришганлигидан дарак беради. Шуниси қизиқки, расмларда тасвирланган тупроққалъаликларнинг юриш-туришлари, кийимлари,

уйлари кўп жиҳатдан ҳозирги хоразмликларникига ўхшаб кетади.

1948–1949 йилларда уюштирилган экспедиция натижасида юқори қаватдаги хоналарнинг биридан қадимги хоразмликларнинг тери ва ёғочга ёзилган архиви топилди. Ундан ҳаммаси бўлиб 140 та ҳужжат чиққан. Шундан 122 таси терига ёзилган бўлиб, уларнинг кўпи чириб кетган. Терига ёзилган ҳужжатлардан 18 таси, тахтага ёзилганларидан эса 8 таси яхши сақланган. Бу ҳужжатларнинг асосий қисми маъмурий-хўжалик масалаларига доир бўлиб, оромий типидagi алифбода ёзилган. Ҳужжатларнинг тили А.А. Фрейман ва бошқа тилшунослар текширган Хоразмнинг XIII–XIV асрлардаги ўзига хос эроний (форсий) тилига ўхшайди. Айрим ҳужжатларнинг йили ҳам кўрсатилган. Улар терига ёзилган бўлиб, номаълум давр саналари – 207, 231 ва 232 йиллар билан белгиланган. Ҳужжатлар топилган маданий қатлам Хоразм тарихининг кушон-африғийлар даври оралиғи, яъни III–IV асрларга оиддир.

Берунийнинг таърифича, келтирилган йил ҳисобининг учинчиси африғийлар сулоласи билан боғлиқ бўлиб, милодий 305 йилдан бошланади. Тупроққалъадан қазиб олинган машхур гандҳара санъатига хос ажойиб ҳайкалтарошлик дурдоналари, Жонбос қалъа, Анқа қалъа каби кўплаб ёдгорликлардан топилган ҳар хил ҳайвон (маймун, фил, каркидон) ларни ва одам образларини тасвирловчи терракоталар (сополдан ясалган буюм ва ҳайкалчалар) бу даврда Ҳиндистон Хоразм билан ниҳоятда яқин муносабатда бўлганлигидан далолат беради. Тупроққалъа рассомчилиги намояндalари ҳам Аджантада топилган расмларга услуб жиҳатдан жуда ўхшаб кетади.

С.П. Толстовнинг фикрича, милодий биринчи асрлардан африғийлар сулоласи ўрнатилгунча Хоразмда расмий йил ҳисоби сифатида ҳинд «Шак даври» қабул қилинганлигини аниқлаш катта аҳамиятга эга бўлиб, у айрим тарихий масалаларни тўғри тушунишга ёрдам беради. Чунончи, шу асосда кўп вақтлар мунозарали ҳисобланган Кушон подшоҳи Канишканинг ҳукмронлик қилган даври ва бошқа хронологик саналарни аниқлаш мумкин. Тупроққалъа ва



бошқа обидаларда топилган кўп сонли тангалар, яъни нумизматик (танга ва медаллар ҳақидаги фан) материаллар ҳам хронологик ноаниқликларни ойдинлаштиришда муҳим восита ролини ўйнайди. Хоразм территориясида Кадфиз II, Канишка, Хувишка, Васудева номли подшоларнинг исмлари зарб килинган 60 га яқин тангалар топилган. Кўп тангаларда илгариги маҳаллий сулола – сиёвушларга оид белги-тамгалар мавжуд. Бу эса Кушон даврида ҳам Хоразм ўзининг мустақиллигини сақлаб қолишга интилиб келганлигини кўрсатади.

Демак, топилган тангалар асосида Кушон ҳукмронлиги ўрнатилгандан бошлаб, то африғийлар давригача Хоразмда зўр тарихий ҳодисалар рўй берганлигини, ҳокимлик бир неча марта бир қўлдан иккинчисига ўтганлигини исботлаш мумкин.

Топилган айрим нарсалар ичида аслидан бир ярим барабар каттароқ қилиб ганчдан ишланган эркак киши бошини тасвирловчи ҳайкал алоҳида диққатга сазовор. Чунки бу Хоразмда ганчдан ишланган биринчи ҳайкалдир. Ҳайкалга ранг берилганлиги сезилиб туради. Шунинг ҳам қайд этиш лозимки, тасвирий расмлар зал ёки шох хоналаридагина эмас, ҳаттоки қўллар яшайдиган уйларда ҳам бор. Зеб-зийнатлардан ўнганча олтин безаклар, 300 га яқин хилма-хил шиша, қаҳрабо, маржон ва чиғаноклардан тизилган мунчоқ топилган. Топилган нарсалар ичида хўжаликка доир Хоразмда биринчи марта учраган ўроқ ва темир совут тангалари муҳим ўрин тутди. Совут қолдиклари саройнинг «жангчилар зали»даги ҳайкалларда тасвирланган совутга ўхшайди.

Тупроққалъадан топилган материаллар қадимги Хоразм ўзига хос санъат ва архитектурага эга бўлганлиги, мустақил тараккий қилганлиги ҳамда қўшни мамлакатлар – Парфия, Бактрия, Ҳиндистон, Яқин Шарқ ва Қора денгиз шимолидаги давлатлар билан яқин алоқада бўлганлигини кўрсатади. Аммо бу яқинлик фақат санъат нусхаларининг айримларида сезилади, холос. Саройнинг тарҳи ҳам, хоналарнинг бадиий жиҳатдан безатилиши ҳам, ҳайкал ва расмларнинг композицияси ҳам, нақш элементлари ҳам ўзининг ажойиблиги ва услуб бирлиги билан характерлидир.

Шубхасиз, Тупроққалъадан топилган жуда бой археологик материалларни пухта текшириш билан хоразмликларнинг III–IV асрлардаги хўжалик фаолияти, жумладан, қишлоқ хўжалиги ва хунармандчилиги, ҳарбий тизими, бадий маданияти ва ёзувини тўла равишда тасвирлаш мумкин.

Бутун Хоразмда шоҳларнинг тенги йўқ дабдабали қароргоҳи бўлган Тупроққалъа саройи номаълум сабабларга қўра IV асрга келиб ташландиқ жойга айланиб, бўшаб қолади. Худди шу даврда Амударёнинг ўнг ва сўл қирғоғидаги суғориш иншоотлари бутунлай ишдан чиқади. Қадимги Қалтаминор сув тизими ниҳоятда қисқариб кетади. Сўл қирғоғидаги суғориладиган кўп ерлар чўлу биёбонга айланиб, шаҳарлар хувиллаб қолади. Говхўра канали тармоқлари бўйида жойлашган Анқа қалъа, Қўйқирилган қалъа, Жонбос қалъа каби шаҳарларда ҳаёт сўнади, унинг бош ўзани – Аёз қалъа этакларидаги қишлоқларни суғориб турган тармоғи қисқариб, бу ерлар ҳам чўлу биёбонга айланади.

Бу жараён шаҳар хунармандчилигининг кучайиб бораётган таназзули билан узвий боғлиқ бўлган. Агар III–IV асрларда аъло сифатли қадимий керамика анъаналарини ишлаш давом этиб келган бўлса, V асрларда сопол буюмларнинг сифати жуда ҳам пасайиб кетган. Шу даврга мансуб идишларнинг кўп қисми уйда чархсиз ясаиб, кўпол ишланган: қорилган лой анча дағаллашган, унга турли нарсалар аралашган, баъзи кўзалар чархсиз қўлда ясалган. Абу Райхон Беруний ёзишича, шаҳар ҳаётининг тушқунликка учраши хоразмшоҳлар маркази милодий 305 йили Кат қалъасига кўчиришига сабаб бўлади. Бу жараён Хоразм тахтига янги – африғийлар сулоласининг кўтарилиши билан боғлиқ. Бу ҳақда Абу Райхон Беруний куйидагича ёзади: шундай қилиб, Африғ Искандар келгандан кейинги 660 йилда Ал-Фир (Кат яқинидаги қалъа) шаҳри ичида қаср куради. Ал-Фир шаҳри қалъа бўлиб, учта девори пахсадан ва хом ғиштдан урилган; буларнинг бири иккинчиси ичига жойлашган, бирининг баландлиги иккинчисиникига караганда ортиб боради; ammo шоҳлар қасри ҳаммасидан ҳам баланд. Ал-Фир ўн мил ва ундан узокроқдан кўриниб турган.

Янги сулолага асос солган Африғнинг расми Хоразм тангаларида яхши сақланиб келган. Кўз олдимизда бургут-симон қиррабурун, чўққайиб турган сийрак соқолли, бўйнига мунчоқ осган совуқ башарали кишининг образи туради. Унинг бошида қадимги Шарқ подшолари ва Рим папалари киядиган тиара бор. Бу махсус қалпоқ яримдоира шаклида бўлиб, елкани бекитиб турган. Манглайида яримой белгиси бор. Танганинг орқасида отлик кишининг расми, отнинг оёғи остида эса қадимги Хоразм алифбосида «Шоҳ Африғ» деб ёзилган.

Ўрта асрларда илгариги, яъни Африғ давридаги Хоразм пойтахти ўрнида пайдо бўлган Шаббоз (ҳозирги Бегуний шаҳри атрофида сақланиб қолган ва маҳаллий тилда «Пил») деб аталиб келинаётган сўнгги антик даврга оид катта қалъа харобалари мавжуд.

Қалъа харобалари атрофи шўр ботқоқлик билан ўралган бўлиб, унга битта сўкмоқ йўл боради. Меъморилик жиҳатидан Пилқалъа Аёз-1 га жуда ҳам ўхшаб кетади. Истеҳкомнинг бир бурчагида антик давр ёдгорликларига ўхшамайдиган тўртбурчак шаклдаги номаълум иморат ҳам бор. Пилқалъанинг деворлари паҳсадан 10–11 метр баландликда ва 6 метр қалинликда қурилган.

Африғ сулоласи катта тарихий ўзгаришлар содир бўлган бир даврга тўғри келади. Дарвоқе, милодий IV асрлардан бошлаб шундай кучли воқеалар рўй берадики, натижада Хоразмнинг бутун хўжалик ва жамият тузуми, маиший ва сиёсий ҳаёти кескин равишда ўзгара бошлайди. Бу ўзгаришлар янги хилдаги истеҳком ва ҳовлиларнинг пайдо бўлишида яққол кўринади.

Қудратли қалъалар соясида сақланиб, мустаҳкам қурилмаган истеҳкомлар ўрнига далалар ўртасида деҳқонлар ўзларига мустаҳкамлаб қурган кўрғончалар пайдо бўлади. Бу кўрғончалар билан бир қаторда зодагонлар яшайдиган серхашам янги қасрлар ҳам қад кўтаради. Воҳадаги даб-дабали антик шаҳарлар тушкунликка учраб, жамият ҳаёти шаҳардан қишлоққа ўта бошлайди. Ваҳоланки, Хоразм ҳудудида рўй бериб турган бу муҳим ижтимоий-иқтисодий жараёни чуқурроқ тушуниш учун шу даврда бутун Ўрта

Осиёда авж олиб бораётган мураккаб сиёсий воқеаларни кўз олдимишга келтириш лозим.

V асрдан бошлаб бутун Ўрта Осиёни ўзига қарам қилиб олган Сосонийлар давлати (бу давлат Кушон империяси ўрнига III асрда ташкил топган) «оқ хуннлар» ёки эфталитлар деган қудратли дашт қабилаларининг шиддатли ҳаракатлари натижасида барбод бўла бошлайди. Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, эфталит иттифоқининг дастлабки маркази Хоразмнинг шимоли-шарқий чеккасида бўлиб, улар аслида сак-массагетларнинг Орол бўйидаги қадимий ватанларида қолган авлод-аждодларидир.

Эфталитларнинг юришлари умрининг сўнгги асрларини бошидан кечириётган қулдорлик оламига қарши варвар қабилалар кенг кўламда авж олдириб юборган ҳужум занжирининг ҳалқаларидан бири эди. Қадимги қулдорлик давлатларининг шимолий чегараларига варварлар бошлаб юборган ҳужуми натижасида қулдорлик тузуми чуқур инқирозга юз тутди. Бу инқироз ички синфий курашнинг кескинлашиб кетишида – қуллар, яримқул (колон)лар ҳамда хонавайрон бўлган ва асоратга тушган эркин аҳолининг тез-тез кўзғолон кўтариб туришида намоён бўлди.

V аср мазкур синфий зиддият ниҳоятда авжига минган давр эди. Ўрта Шарқда, яъни Сосоний империясида бу қарама-қаршиликлар очикдан-очик фуқаролар урушига олиб келган ва натижада эфталитлар ҳужумининг муваффақиятли чиқиши учун замин яратиб берган эди.

Феодаллашаётган Эрон зодагонларининг зулми ва зўравонлиги туфайли хонавайрон бўлаётган ҳамда асоратга солинаётган кишлоқ жамоаларининг феодалларга қарши кенг кўламдаги ҳаракати (тарихда бу кураш «маздакийлар ҳаракати» деб ном олган) ҳам варвар қабилаларининг юришларини анча енгиллаштирган. Аммо эфталитларнинг юришлари натижасида жамоа-уруғчилик ва ҳарбий-қулдорлик анъаналари мустаҳкамланиб, Ўрта Осиёнинг феодаллашиш жараёнини бир оз секинлаштириб қўйган. Аммо Эфталитлар давлати мустаҳкам бўлмаган. VI асрнинг иккинчи ярмида Марказий Осиёда ўзларининг янги қудратли империясини ташкил қилган урхун турклари кенг кўламда экспансия

(босқинчилик) сиёсатини амалга ошираётган бир пайтда эфталитлар империяси бутунлай таназзулга учраган эди. Шунинг учун ҳам бу империя 563 ва 567 йилларда туркларнинг зарбасига чидаш бера олмай барбод бўлади.

Турк хоқонлари билан феодаллашиб бораётган Ўрта Осиё зодагонлари орасидаги иттифоқ маҳаллий халқ оmmasига ва хоқонликдаги демократик ҳаракатларга ҳам қарши қаратилган эди. Туркларнинг бу роли VI асрнинг охирида Бухорода рўй берган ҳамда хоқонликдаги Абрўй бошчилигида кўтарилган бир неча қўзғолонлар ва бошқа ижтимоий курашларда намоён бўлади. Абрўй исёни бостирилиши билан уни қўллаб-қувватлаган хунарманд ҳамда шаҳар меҳнаткашлари зодагонларнинг хизматкорлари ва қадивар (чала ҳуқуқли, қарам фуқаро)ларига айландилар.

Шуни қайд этиш лозимки, Хоразм эфталитлар даврида ҳам, турк хоқонлиги даврида ҳам ўз мустақиллигини сақлабгина қолмай, балки бу империяларга дастлабки пайтларда ўз таъсирини ўтказиб турган. Бунга эфталитлар давридаги тангалар Хоразмдаги тангаларга ўхшатиб зарб қилинганлиги, лекин анча кўпол ишланганлиги мисол бўла олади. Византия элчиси Земархнинг 569 йили турк хоқонлигидан ўз элига Хоразм орқали ўтиб, бу ўлкани хоқон билан тенг ҳуқуқли мустақил иттифоқдош давлат деб ҳисобланганлиги тўғрисидаги хабар ҳам бунинг далилидир.

Бутун Ўрта Осиёда ўша даврда авж олган ижтимоий-сиёсий бўҳрон мустақил Хоразмни ўз гирдобига тортмай қўймади, албатта. Мазкур мураккаб, шиддатли сиёсий воқеалар моддий ва маданий турмушда ҳам ўз аксини топган эди.

Хоразмнинг теvarак-атрофидаги қўшни кўчманчи аҳоли билан яқин муносабатда бўлганлигини сўнгги йилларда казиб текширилган Оқчадарё ҳавзаси шимолидаги Барактом (IV–V асрлар) ва Кўшкантов яқинидаги Куюққалъа ёдгорликларида яққол кўриш мумкин. Юқорида қайд қилганимиздек, африғийлар керамикаси ва меъморчилигининг шаклланишида, шубҳасиз, дашт эфталит элементларининг мавжудлигини аниқлаш, бу қабилаларнинг ҳам ўтrock аҳоли маданиятига ўз таъсирини ўтказганлигидан дало-

лат беради. Барактомда ўтказилган тадқиқотлар алоҳида диққатга сазовордир. Бу обидалар таркибига учта қаср кириб, уларнинг теварагида катта қишлоқ жойлашган. Тўғаракда Оқчадарё ҳавзасининг пастки кўҳна ўзанлари асосида ишлов берилган қадимги суғориладиган ерларнинг излари аниқланган. Мазкур харобаларда топилган сопол идиш парчалари сўнгги антик Хоразм керамикасига ўхшаб кетади.

Обидалар ичида энг яхши сақлангани Барактом-I дир. У икки қаватли иморат бўлиб, пастки қавати гумбаз шаклидаги хоналардан иборат. Бу иншоот қурилиш жиҳатдан бутунлай антик Хоразм меъморчилик аъёналарига эргашган, лекин эфталит бошлиқларининг турмуш ва эстетик эҳтиёжларига мос қилиб IV–V асрларда қурилган.

Иморат антик Хоразм тишидаги хом ғиштлардан қурилган бўлиб, услуб жиҳатдан Хоразм иншоотларидан анча фарқ қилади. Иккинчи қаватдаги деворлари пештоқли тахмонлардан иборат, супали тантаналар зали ҳам ўзига хос. Супаларга кўк, кизил, пушти, сариқ рангли табиий бўёқлар билан безалган гиламлар тўшалганлиги аниқланди. Гиламнинг маркази қандайдир сюжетли манзара билан безатилган. Зал ўртасида тўнтарилган кесик пирамидага ўхшаш ўчоқ ўрнатилган. Эҳтимол, зал ўтов шаклида кигиз билан беркитилган бўлиб, кўчманчи қабилаларнинг уй-жой аъёналарини сақлаган.

Кўшкантов яқинида жойлашган, тахминан V–VI асрларда қад кўтарган Куюкқалъани тадқиқ этиш эфталит-турк қабилаларининг маданиятини ўрганишда айрим муҳим маълумотларни қўлга киритишга имкон беради. Қалъа 41 гектар майдонни эгаллаган бўлиб, ўртасида иккита катта тўғри бурчакли бир-бирига ёнма-ён катта қаср харобалари мавжуд. Қазилмалардан олинган турли топилмалар асосида қалъа аҳолиси деҳқончилик, чорвачилик ва ҳунармандчилик билан шуғулланганлиги аниқланди. Темирчилик, мисгарлик ва кулолчилик дўконлари изларининг аниқланиши ҳам диққатга сазовордир.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, мазкур қалъа кейинчалик, араблар истилоси даврида, Хоразмдан алоҳида

ҳолда ўз мустақиллигини сақлаб қолган Кедер музофотига қирган шаҳар харобаларидан биридир. Кедер аҳолиси, эҳтимол, ўзига хос тилда, эфталит шеваларидан бирида гапиргандир. Сўнгги йилларда тўпланган археологик материаллар Хоразмни ўраб олган қадимги сак (скиф) ва эфталит-турк дашт қабилаларининг ижтимоий тузуми ва таракқиётини ўрганишга имкон беради. Бу масала узоқ вақтлар тадқиқотчилар орасида турли хил мунозараларни келтириб чиқарган анча чигал муаммолардан бири бўлиб келган.

Европа ва Осиё мамлакатларини ларзага келтириб турган жуда ҳам кенг ҳудудда ҳаракат қилган скифларнинг Оролбўйи ўлкаси обидаларини ўрганиш бу этник гуруҳларни фақат кўчманчи варвар қабилалар деб тушунишга барҳам берди. Европа скифларига қараганда анча зич яшаган Оролбўйи скифлари чорвачилик билан шуғулланибгина қолмай, балки биринчи галда ўзига хос такомиллашган суғориладиган деҳқончилик ва таракқий қилган хунармандчилик билан ҳам шуғулланганлар. Даштда қад кўтарган дабдабали мудофаа ва дафн этиш иншоотлари зўр бинокорлик санъати мавжудлигини тасдиқлаб, «ибтидой кўчманчи»лар тушунчасига мутлақо зид эканлигини исботлайди. Комплекс хўжаликка эга бўлган дашт қабилалари ҳам ўтроқ кўшнилари сингари, шубҳасиз, кулдорлик тузумида яшаганлар. Аммо уларда уруғ-аймоқ ва қабилавий анъаналар кучли бўлган.

Қадимги сак-массагет қабилалари заминида ва хунн-турк элементлари таркибида IV–V асрларда ташкил топган қудратли хионит – эфталит давлатининг маркази Амударё ва Сирдарё ҳавзаларида жойлашганлиги кенг Хоразм воҳасининг тарихий ролини яққол кўрсатиб турибди. VI–VII асрларда турклашиб кетган хионит – эфталитлар VIII–IX асрларга келиб ўғузлар деган умумий ном билан тарих сахнасига кўтарилиб, бутун Ўрта ва Яқин Шарқдаги тарихий жараёнда муҳим ўринни эгаллагани маълум. Бу даврда ўғузларнинг йирик марказларидан бири – Сирдарё ҳавзасида Янгикент (Жонкент) номи билан пайдо бўлган, унинг харобалари ҳозиргача сақланиб қолган.

Ғарбий Европа мамлакатларининг қулдорликдан феодализм тузумига ўтиши анча кенг ёритилган бўлса-да, Шарқ учун бу масала ҳали мукаммал ҳал қилинмаган. Мазкур муаммо кўпинча ташқи куч, яъни инқирозга учраган жамиятни нисбатан қудратли жамият босиб олиши йўли билан ҳал қилинган. Бу қонуният ўз тарихий тараққиётида қулдорлик тузумини босиб ўтган барча мамлакатларга хосдир. Қадимги Хоразм ҳам Ғарбдаги мамлакатлар сингари бу жараёнини ўз бошидан кечирганлигини сийрак ёзма манбалардангина эмас, балки ниҳоятда бой моддий обидалар асосида исботлаб бериш имкониятига эгамиз.

Бу даврга оид ёдгорликлар жуда ҳам хилма-хилдир. Тахминан бир гектар майдонни эгаллаган Бургутқалъа, Тешикқалъа, Қумбосган қалъа каби истехкомлардан бошлаб то сатҳи бир неча юз квадрат метр келадиган жуда кўп майда деҳқон қўрғонларини учратамиз. Аммо бу ёдгорликларнинг ҳаммаси бир хил йўналишда қурилган бўлиб, ўзига хос мудофаа иншоотларига эга.

Афригийлар давридаги мураккаб сиёсий ҳаётни муфассал тушуниш учун Тешикқалъа устида бир оз тўхтаб ўтиш зарур. Афригийларнинг бу истехкоми тўртбурчак шаклидаги, овал бурчакли буржлар билан мустаҳкамланган қалъа бўлиб, сатҳи ўн минг квадрат метрдан кўпроқ майдонни эгаллайди. Тешикқалъа деворлари ҳам Пилқалъаникига ўхшаб ҳаммаси пахсадан тикланган. Қалъанинг ичида кишилар яшайдиган квадрат шаклдаги минорага ўхшаш иморат – қаср бор. Қасрнинг пастки қисми пирамида шаклидаги пахсадан урилган пойдевордан иборат. Қаср деворларининг ташқариси ҳашаматли ярим колонна шаклида ишланган, юқориси эса чиройли пештоқлар билан бир-бирига қўшилган. Бундаги тураржой бинолари гилам ва ҳар хил гулдор нақшлар билан безатилган.

Тешикқалъадаги материаллар хоразмликларнинг VI–VIII асрлардаги ҳаёти ва маданиятини кенгроқ тасаввур қилишга имкон беради. Шуниси таажжубланарлики, афригийлар вақтидаги ҳунармандлар ясаган буюмларнинг сифати антик даврдагилари сифатига нисбатан анча паст бўлган. Сопол идишларнинг деярли ҳаммаси бир текисда пиширилмаган, қўлда чархсиз ясалган.



Қазилмаларда топилган маиший қолдиклар бу даврда боғдорчилик ва полизчилик билан бир қаторда зироатчилик ҳам тараққий этганини кўрсатади. Маҳаллий деҳқонлар тарик, арпа, буғдой, пахта, ловия, қовун, бодринг, узум, шафтоли ва ўрик каби экин турларини экканлиги аниқланган. Сигир, қўй, эчки, туя, эшак ва товук суякларининг қолдиклари хўжаликда чорвачилик ҳамда паррандачилик ҳам муҳим роль ўйнаганлигидан дарак беради.

Қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналаридан, чўзинчок шаклдаги ёргучоқлар билан бир қаторда, айлантириладиган катта ялпоқ тегирмон тошлари ҳам учрайди. Ҳайвон кучи билан ҳаракатга келтириладиган харос деб аталувчи бундай тегирмонлар Хоразм ҳудудида сўнгги вақтларгача кенг тарқалган. Булардан ташқари, Тешиққалъада қўл тегирмон тошлари ҳам топилган. Қўл тегирмонларини ҳозиргача Ўзбекистон, Қозоғистон ва Туркменистоннинг айрим жойларида, Хоразм воҳасида учратиш мумкин. Сўнгги вақтларгача Хоразмда қўл тегирмони ва харосларнинг кенг тарқалишига сабаб, унинг табиий-географик шароити сув ва шамол тегирмонларини қуришга имкон бермаганлигидир. Тешиққалъадаги қаср хоналари ва ҳовлидаги биноларнинг сўнгги катламларидан харос ҳамда қўл тегирмон тошлари топилган.

Тешиққалъадан топилган кумуш танга, жез чақалар ҳамда сопол идишлар ва бошқа материаллар VI–VIII асрлардаги бутун Бургут қалъа воҳаси ҳаётини ҳам аниқлашга имкон беради.

Тешиққалъани текшириш шуни кўрсатадики, бу қаср катта ерли деҳқон оилалариники бўлган. Бу даврда деҳқон оилаларининг қаср ва кўрғонлари асосан катта-кичиклиги билан фарқ қилиб, зодагон деҳқонлар оддий деҳқонларга қарама-қарши синф сифатида эмас, аксинча, булар ҳаммаси бир ижтимоий табақа ҳисобланган. Ўша вақтда асли маҳаллий зодагонлар «деҳқон» сўзи билан аталган. Демак, янги ижтимоий тузум – феодализм ҳали ғалаба қозонмаган, аммо ҳаётда унинг белгилари сезила бошлаган эди. Зодагонларнинг дабдабали қасрлари катта сув иншоотларининг бошини аста-секин эгаллаб, оддий деҳқон кўрғонлари устидан ўз ҳукмини ўтказа бошлайди.

Кўрғонларни мустаҳкамлашдан мақсад ташқи душмандан мудофаа қилишгина эмас, балки ўзидан кучли зодагонлардан ўз озодлигини ҳимоя қилиш кўзланган эди. Бу даврга оид баъзи бир манбалар Хоразмнинг ички ҳаётида жиддий тўқнашувлар мавжудлигини кўрсатади. Истиқомат қиладиган жойларнинг мустаҳкамланганлиги, моддий ва маданий соҳада ўзига хос тор бўлганлиги – Хоразмнинг сиёсий ҳамда иқтисодий жиҳатдан Ўрта Осиёнинг бошқа худудларидан ажралиб қолганлигини кўрсатади. Бу факт VIII асрга келиб араблар истилоси арафасида хоразмшоҳлар ҳокимиятининг заифлашганлигидан дарак беради.

Афригийлар ҳукмронлигининг сўнгги даврида шаҳарларнинг тушқунликка учраши ҳақидаги маълумотлар VII аср араб ёзувчилари ҳикояларидан ўрин олган. Ат-Табарий 712 йилда Хоразмда фақат учта катта шаҳар – Кат (Пил), Ҳазорасп ва Урганч борлигини хабар қилади. Эндиликда илгариги «мингта шаҳар»лар ўрнига минглаб қаср ва кўрғонлар пайдо бўлади. Ал-Мақдисийнинг ёзишича, X асрда афригийлар сулоласининг энг охириги кунлари арафасида фақат Миздахқон (Қорақалпоғистоннинг Хўжайли туманига яқин) шаҳри атрофида 12 минг кўрғон бўлган. Хоразмнинг таназзулга учрашига яна бир далил катта суғориш иншоотларининг ишдан чиқишидир. Бу даврда Амударёнинг чап қисмидаги энг катта сув иншооти – Чарманёп канали ва ундан фойдаланаётган жойлар харобаликка айланади.

Бутун Ўрта Осиё худудида содир бўлган бу янги ижтимоий ва сиёсий жараён марказлашмаган қудратли давлатлар ўрнига тарқоқ майда подшолик ва хонликларнинг пайдо бўлиши – араб истилосининг муваффақият қозонишига анча енгиллик туғдирган. Араб лашкарлари Марказий Осиёга VII аср ўрталаридан бостириб кира бошлайди.

Ўрта Шарқни деярли ўзига қаратган сосонийлар сулоласининг сўнгги шохи Яздигард III 642 йилда Ниҳованд яқинида бўлган жангда араб лашкарларидан мағлубиятга учраб, минг нафар отлик аскар билан Марвга кочади. Аммо бу шаҳар ҳукмдорлари сосонийларнинг азалий душманлари – турклар ёрдами билан Яздигардга қаршилик кўрсатадилар. У шаҳар атрофида саргардон бўлишдан бошқа илож топа

олмай юрган вақтида, шу ерда тасодифан учраган бир киши томонидан қатл қилинади.

Худди ўша йиллари араблар Ўрта Осиё чегараларида пайдо бўладилар. Улар дастлаб шартномалар тузиш ва маълум даражада солиқ солиш билангина чекланганлар. Марв, Хирот, Балхдек чегарадош бой шаҳарларни аста-секин урушсиз қўлга киритиб олгандан кейин араблар бу шаҳарларни бутун Ўрта Осиёни истило этишда муҳим стратегик базага айлантирганлар. 654 йилда Суғдиёнага қилинган ҳужумда ҳам улар қурол кучи билан талон-торож қилиш ва товон тўлатиш билан чекландилар. Лекин маҳаллий аҳоли босқинчиларнинг ҳаракатларига бефарқ қараб турмади. 655 йилда эндигина бўйсундирилган Хуросон музофотлари аҳолиси қатл қилинган Яздигард III нинг ўғли Перўз бошчилигида шундай бир қудратли кўзғолон кўтардики, бунинг натижасида араб лашкарлари ҳалокатга учрашига сал қолди.

Сосонийлар сулоласининг энг сўнги намояндаси Перўз арабларга бир неча марта кучли зарба бериб, Хуросонни истилочилардан озод қилади. Бу ерда арабларнинг тор-мор келтирилиши кескин сиёсий инқирозга ва халифалиқда фуқаролар урушининг алангаланиб кетишига олиб келади.

Уруш натижасида халифа Усмон кўзғолон кўтарган аскарлар томонидан 656 йили ўлдирилади ва оқибатда Макка зодагонлари ичида насл-насаби жиҳатидан энг аслзода ва бой ҳисобланган уммавийлар сулоласининг намояндаси Муовий тахтга ўтказилади. Араблар Хуросонга қайтадан ҳужум бошлаб, 667 йилда Перўзни батамом тор-мор қиладилар ва бу ерда мустақкам ўрнашиб оладилар. 670–680 йиллар давомида улар Хуросонда туриб Мовароуннаҳр ва Хоразмга бир қанча ҳужумлар уюштирадилар.

Тарихий манбаларга қараганда, араблар Хоразмни истило қилишдан олдин унга икки марта юриш қилганлар: биринчи юриш 674 йили халифа Муовий томонидан Убайдулла ибн Зиёд бошчилигида; иккинчиси эса 696 йили Хуросон ноиб Умайя ибн Абдулла бошчилигида амалга оширилган. Бу юришлар асосан талончилик мақсадини кўзлаган.

Ўрта Осиёнинг, шу жумладан Хоразмнинг босиб олиниши VIII аср бошларидаги Хуросон ноиб Кутайба ибн

Муслим номи билан боғлиқ. 712 йили эса Қутайба лашкарлари Хоразмни забт этади. Хоразмни забт этиш оғир шароитда ўтади.

Манбаларга кўра, Чағон номли Хоразм шоҳи халк кўзғолонларининг бошида турган ўз укаси Хурзоддан кўрқиб, 711 йилда Қутайбадан ёрдам сўрайди ва унга ўз шаҳарларининг олтин калитларини юборади. Қутайба Хоразмга келиб, Хурзодни тор-мор этишда унинг акасига ёрдам беради.

Хоразмнинг Қутайба томонидан босиб олиниш тафсилотлари нихоятда муҳим бўлганлиги туфайли бу тўғрида бир оз тўхтаб ўтиш зарур.

Араб муаллифларидан Табарийнинг хикоя қилишича, Хоразмшоҳнинг укаси Хурзод ўз тарафдорларига суяниб, қонуний шоҳни мамлакатдан ҳайдаб, ҳокимиятни қўлга олган. У шоҳ тарафдорлари бўлган Хоразм аслзодаларига каттик зулм қилган, уларнинг мол-мулкани, чорвасини, қизларини ва хотинларини тортиб олган. Аслида Хурзод кўзғолони маздакийлар ҳаракати типигаги аксилфеодал характерга эга бўлиб, зодагонларга қарашли ҳарамларни йўқотиш, хотин-қизларнинг феодаллар томонидан тортиб олинишини тугатиш ва қадимий жамоа анъаналарини тиклашга қаратилган эди. Бу даврда аёлларни жамоадан ажратиб, кичик хотин, чўри сифатида зодагонларнинг ҳарамларида тўплаш жараёни жамоа эркин аъзоларини асоратга солишнинг ва уларни феодаллашиб бораётган оқсуякларнинг яримқулига, деҳқонга айлантиришнинг энг муҳим йўлларида бири эди.

Бу жараён жамоа аъзолари учун оғир мусибат бўлди. Ўша шароитда жамоа аъзоларининг талайгина қисми, даставвал, камбағаллар хотинсиз ўтишга маҳкум этилди, ўзининг хусусий хўжалигини қуриш имкониятидан маҳрум қилинди. Ўрта Осиёдаги бошқа давлатлардагидек, Хоразм подшоларининг зоти мукаддас деб ҳисобланиб, уларга худоларнинг тимсоли, мужассами сифатида қаралган. Табарий ёзишича, Хурзоднинг асл исми Ҳамжерд бўлиб, бу – Хангори деган атоқли отнинг бузилган шаклидир. Шунини қайд этиш лозимки, Хурзод ҳаракати ҳам бошқа илк ўрта аср-

лардаги аксилфеодал ҳаракатлар сингари диний мазҳаблар қобиғига ўралган.

Қутайба лашкарлари Абдурахмон (укаси) саркардалигида Ҳазорасп остоналарида пайдо бўлади ва Хурзодни асир олади. Тўсатдан қўлга тушган Хурзод билан бирга тўрт минг асирни истилочилар ўлимга ҳукм қиладилар. Бу Ўрта Осиёнинг араблар томонидан босиб олинishi учун замин яратиб берган эди. Қутайба бу билан чекланиб қолмай, хоразмликларнинг тарихий адабиётини ва маданий меросини яратган ва сақлаб келган олимларни қириб юборди ва қувғин қилди. «Қутайба ибн Муслим Бохилий Хоразм хаттотларини ҳалокатга дучор қилганидан, руҳонийларни ўлдириб, уларнинг китоблари ва ёзувларини қуйдирганидан сўнг, хоразмликлар саводсиз бўлиб қолдилар ва ўзларига лозим бўлган масалаларда ўз хотираларигагина ишондилар», деб ёзади Беруний. Хоразмшоҳ араб лашкарбошиси билан тузган шартномага биноан талон-торож қилинган аҳоли ҳисобига йилига ўн минг бош мол солиғи тўлаш мажбуриятини олади.

Араблар кетиши билан Хоразмда янгидан қўзғолон кўтарилиб, қўзғолончилар ўз Ватанини сотган шохни ўлдирадилар. Бу эса Қутайбанинг Хоразмга иккинчи марта юриш қилишига сабаб бўлади. Хоразмни қайтадан забт этган Қутайба ўлдирилган шох ўрнига укаси Асқажамукни тахтга ўтказди, унга ёрдамчи (валий) қилиб, ўз укаси Абдуллохни белгилайди. Африғийлар билан яқинлашиш мақсадида укасини Хоразм шохининг қизига уйлантиради.

Шундай қилиб, Хоразм ўз мустақиллигини йўқотиб, араб халифалигига қарам бўлиб қолади. Бу ҳолат ички зиддиятларнинг яна ҳам кучайишига, ниҳоят араб истилоси арафасидаги иқтисодий тушкунликни яна ҳам жиддийлаштиришга олиб келади.

## ИЛК ЎРТА АСР ДАВРИ ОБИДАЛАРИ

Антик Хоразмнинг қудратли иқтисодий ва маданий пойдевори асосида вужудга келган янги жамият қисқа вақт ичида оғир ижтимоий қийинчиликларни енгиб ўтди. Бу даврга тегишли ёзма манбалар аввалги даврга оид маълумотларга нисбатан анча бой ва тўлиқроқдир. Бу ҳолат археологик ёдгорликларни текшириш ва улардан хулоса чиқаришни анча осонлаштирган эди.

Кучли ички ларзалардан тушкунликка учраган Хоразм IX–X асрларда Араб халифалигининг емирилиши туфайли Ўрта Осиё ва Шарқий Эронда кетма-кет пайдо бўлган йирик илк феодал давлатлари – тохирийлар, саффорийлар ва сомонийлар қўл остида бўлди. Бу даврда Ўрта Осиёнинг бошқа худудларидагидек, Хоразмда ҳам янги туғилган феодал тузумининг тараккий этишига тўсқинлик қилаётган патриархал кулдорлик тузуми анъаналари анча тез емирила борди. Бу емирилиш йирик феодал зодагонлари билан озод деҳқон оммаси орасидаги шартли тенглик никобини олиб ташлаб, улар ўртасидаги ижтимоий ихтилофни кучайтирди. Чунки юқори табақага тез кўтарилаётган текинхўр оқсуяклар озод деҳқонларни асоратга солиш учун кучли таянчга мухтож эди. Феодал давлат эса ана шундай таянч бўла олган.

Шарқнинг энг йирик сиймоларидан бири Абу Райҳон Беруний яшаган давр бутун Ўрта Осиёда илк феодал тузумининг чуқур инкирозга учраган, ижтимоий зиддиятлар, босқинчилик ва ваҳшиёна урушлар кучайган бир давр эди. Мазкур жараённинг авж олиши сомонийларнинг фақат номигагина сакланиб қолган сўнгги ҳокимиятининг парчаланишига, Ғазнавийлар давлати куч-қудратининг тез ўсишига ва Салжукийлар империясининг пайдо бўлишига олиб келди. Сирдарёнинг қуйи оқимидаги бу давлат X асрнинг иккинчи ярмига келиб ниҳоятда кенгайиб кетди. Унинг чегараси жануби-шарқда Тороз (ҳозирги Жамбул) ва Шош (Тошкент) шаҳарлари, жанубда Қувондарё ва Жанадарё, шимолда Сарису, Чалқар ва Иргиз ҳавзаларини қамраб олган, шимолий Урал тоғлари этакларидаги бошқирд ерларига ва ғарбда

хазарларнинг Волга бўйидаги мулкларига бевосита туташиб кетган эди. Шундай бир вазиятда ўз мустақиллигини сақлаб қолган Хоразм тарих сахнасига қайтадан кўтарила бошлайди.

Кўпгина тарихий ва археологик маълумотларга қараганда, X аср охирида Хоразм иқтисодий жиҳатдан жуда тез ривожлана бошлайди. Бунга шаҳарларнинг ўсиши далил бўла олади. Агар 712 йилда Хоразмда учтагина шаҳар бўлган бўлса, X аср бошларида Хоразмда шаҳарлар сони ўн учтага етган. 985 йилларга келиб эса, ал-Мақдисийнинг ёзишича, шаҳарлар ўттиз иккитага етган. Археологик қазинмалар вақтида топилган кулолчилик буюмлари шаҳарларда хунармандчилик тез ривожланганлигидан дарак беради.

Бу даврда вужудга келган шаҳарлар – кичик шаҳарча ва истеҳкомли работлар тарикасида қалъалар этагида ривожланади. Бунга Бургутқалъа шаҳарчасининг пайдо бўлиши ва, айниқса, Норинжон шаҳри яққол мисол бўла олади. Гулдурсун, Қаватқалъа, Жонлиққалъа, Довдонқалъа сингари X асрда ва кейинроқ вужудга келган кўплаб шаҳарларнинг ҳеч қандай арки бўлмаган, уларнинг атрофи мустаҳкамланмаган бўлиб, айрим ҳолларда истеҳкомли шахристонгина учрайди.

Шубҳасиз, шаҳарларнинг ўсиши мамлакат умумий иқтисодий тараққиётининг муҳим томонларидан бири эди. Янгича асосда юксала бошлаган Хоразм бошқа мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлай бошлади. X–XI асрларда Хоразм йирик савдо марказига айланган. Хоразм савдогарлари ҳозирги Қозоғистон ва Туркменистон ўрнидаги даштларда яшовчи аҳоли билан, Волга бўйидаги Хазария ва Булғор подшолиги ҳамда Шаркий Европадаги славян олами билан кенг кўламда савдо ишларини олиб борган.

Узоқ вақт давомида Урганчда яшаган X аср муаллифи Истахрий бу ерда савдонинг ривожланганлигини куйидагича таърифлайди: «Хоразм, – деб ёзади у, – ҳосилдор, озик-овқати ва мевалари кўп шаҳар, фақат ёнғоғи йўқ; бу ерда пахта ва жундан хилма-хил маҳсулот тайёрланади ҳамда бу нарсалар узоқ-узоқ жойларга элтилади. Аҳолисининг ажралиб турадиган хусусияти – бойлиги ва мардлик кўрсатишга интилишидир».

Археологларимизнинг текширишича, Хазар подшолигининг маркази – Итилга борадиган савдо йўли Беловли харобаси орқали Эмбанинг куйи оқими Урал ва Волгага қараб ўтган. X аср охири – XI аср бошларида шундан йўлдан юрган араб сайёҳи Ибн Фадлан ҳашаматли қарвонсаройлар бўлганлиги ва улар орасидаги масофа тахминан 25 км га тенг келганлигини кўрсатади. Бу ҳолат қарвонларнинг мунтазам юришини таъминлаган.

Археологларимиз тадқиқотига кўра ўша даврга оид Талайхонота қарвонсаройи доира шаклида (диаметри 60 м) ва пишиқ ғиштдан солинган бўлиб, уни ўраган деворнинг бир қисми сақланиб қолган. Қарвонсаройнинг ўртасида тўртбурчак шаклда тўрт томони айвонлар билан безатилган ҳовли бўлиб, унга икки томондан 18 та хона қўшилади. Ҳовли ўртасида пишиқ ғиштдан терилган зинапоёли (диаметри 1,7 м, чуқурлиги 3,5 м келадиган) сардоба киши диққатини ўзига тортади. Қарвонсаройга қирадиган жой қаршисида сардобага тарнов ўтказилган бўлиб, бу тарнов орқали сарой атрофидаги ерларда ёмғир сувлари тўпланган. Топилган ашёлар орасида хилма-хил идишлар, жумладан, сувдонлар, темир буюмлардан эса белкурак, қайчи, бигиз ва ҳоказолар бор. Қираверишда тошдеворга қуфий алифбосида ёзиб қўйилган хатлар ҳам киши диққатини ўзига жалб қилади.

Мазкур савдо йўлида жойлашган энг зўр обида Беловли номи қарвонсарой харобаларидир. Бу ажойиб иншоот ички девори йўнилган тош билан қопланган тўртта қудук ёнида жойлашган. Ҳар бир қудукнинг оғзи тош плиталардан ишланган тўсиқ билан иҳоталанган. Ҳар бир қудукнинг ёнида молларга сув берадиган тошдан ясалган катта охур мавжуд. Қарвонсарой биносининг ўзи зўр маҳорат билан йўнилган сарғиш тошдан қурилган. Бинонинг ички тарҳи девор бўйлаб солинган икки қаватли хужралар ва бинонинг орқа қисмидаги бир қанча йирик заллар ҳосил қилган тўғри тўртбурчакдан иборат. Пештоқ қаршисида бир саҳн бўлиб, унинг ичида кўмилиб кетган қудук ёки ҳовуз изларини кўриш мумкин.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, Беловли илк ўрта асрлардаги Хоразм меъморчилиги ва монументал безак санъаги-



нинг ажойиб намунаси бўлибгина қолмай, хоразмшоҳларнинг Волгага олиб борадиган «Буюк ипак йўли» иншооти бўлиб, қўлами жиҳатидан форсларнинг қадимий «Қатта шоҳона йўли»дан қолишмайди.

Агар Беловлидан шимоли-ғарб, яъни Эмба томонга йўл олсангиз, унча катта бўлмаган иншоотлардан бири – Чурук номли обидага дуч келасиз, яна уч-тўрт тош йўл босилса, Қўскудук, кейин Учқон, Тоскечу каби харобаларни учратасиз. Агар жануби-шарқ томонга йўл олинса, Қўсбулок, Булок, Учқудук номли қарвонсаройларнинг харобалари учрайди. Бу йўл билан хоразмшоҳларнинг ўрта асрлардаги маркази – харобага айланган Кўҳна Урганчга етиб борасиз. Кўп қарвонсаройларда ҳозиргача бир-иккита сув қудуқларни учратиш мумкин.

Шарқий Европа билан савдонинг ўсиши натижасида Хоразм давлатининг шимоли-ғарб томонидаги энг четки истехкоми бўлган Кўҳна Урганч Хоразмда бу савдонинг биринчи аҳамиятга эга бўлган марказига айланади.

«Худуд ал-олам»нинг номаълум муаллифи таърифича, «Гурганж (Урганч) қадимги замонда хоразмшоҳ мулклари жумласига кирган шаҳар бўлиб, эндиликда унинг алоҳида подшоси бор. Шаҳар подшосини «Гурганж мири» деб атайдилар. Жуда бой бўлмиш бу шаҳар Туркистонга кирадиган савдогарлар тўпланадиган бир жойдир». Унинг алоҳида бўлиб ажралиб чиқишини мамлакатнинг иқтисодий жиҳатдан гуриллаб ўсиши ҳамда Волгабўйи билан бўлган савдо алоқаларининг ривожланиши билангина эмас, балки умумий сиёсий тарихий шароит билан боғланган ҳолда тушуниш мумкин. Бу ҳол Ўрта Осиё ва Шарқий Европанинг турли халқлари, ҳатто греклар (римликлар) ва сурияликлар намояндаларининг ҳам Кат шаҳрида тўпланишига шароит яратган эди. Бу эса, ўз навбатида, хоразмликлар учун мазкур халқларнинг тили, маданияти ва фани билан яқиндан танишишга имкон туғдирган.

Улуғ ватандошимиз Бегунининг она шаҳри Кат ўзини инқироздан ўнглаб, қисқа вақт ичида катта савдо ва сиёсий марказ сифатида шуҳрат қозонибгина қолмай, фан ва маданиятнинг йирик ўчоғига ҳам айланади. Замондошларидан

Макдисийнинг ёзишича, унинг даврида Кат шахри Бухородан катта бўлган; ўша даврнинг жуда кўп олимлари ва ўқимишли кишилари шу ерда яшаганлар; баъзи жихатдан Кат ҳатто Ироқнинг энг йирик маданий марказларидан ҳам устун турган.

Амударёнинг бебош оқими натижасида бўлиб турадиган доимий тошқинлар шаҳарнинг тараққий этиши, гуллаб-яшнаши учун тўскинлик қилиб келган, аҳолини дарё қирғоқларидан нарироққа чекинишга мажбур этган. Х асрнинг биринчи ярмидаёқ Амударёнинг тўлқинлари қадимги Кат қалъасини ва шаҳарнинг унга ёндашган қисмларини ювиб кетиш хавфини туғдирган, шаҳар дарвозасини эса сув олиб кетган. Аср охирларига келиб, дарё қалъани бутунлай емириб тугатган эди. Берунийнинг кўрсатишича, Амударё шаҳар қалъасини тагидан ювиб, унинг бўлақларини йил сайин олиб кетаверган ва оқибатда 994 йилга келиб, қалъадан асар ҳам қолмаган.

Аммо дарёнинг ҳужуми натижасида Катдаги ҳаёт тўхтаб қолмайди, шаҳар аҳолиси эски шаҳарни ташлаб, унинг шарқ томонида янги уй-жойлар кура бошлайди. Яна Макдисийнинг таърифича, ўз санъатлари билан донг чиқарган хоразмлик меъморлар вайроналарни жуда қисқа фурсатда тиклаганлар.

995 йилда Урганч ҳокими Маъмун ўз қўшинлари билан хоразмшоҳлар пойтахти Катни эгаллайди ва азалий душмани ҳисобланган Абу Абдуллоҳни қатл қилади. Хоразмни ўз ҳокимияти остида бирлаштирган Маъмун I қадимий Хоразмшоҳ унвонига эга бўлади.

Маъмун I ҳукмронлик қилган давр дахшатли, қонли воқеалар, узоқ мамлакатларга қилинган ҳарбий юришлар, мураккаб сиёсий фитналар билан тўлиб-тошган давр эди. Кейинчалик тахтга Маъмун II ўтиради ва Хоразм тарихида катта ўзгаришлар билан боғлиқ бўлган ёрқин давр бошланади. Ўша вақтдан бошлаб янги пойтахт Урганч фан ва маданиянинг йирик марказига айланади.

Дунёнинг жуда кўп ерларини айланган атоқли араб сайёҳи ва географи Ёқут бу шаҳар ҳақида қуйидагиларни ёзади: «Мен умримда бу шаҳарга ўхшаш бой, чиройли шаҳарни кўрмаганман. Битмас-туганмас бойликлари, пойтахтнинг

кенглиги ҳамда аҳолисининг жуда кўплиги ва яхшилиги билан Хоразмнинг бош шаҳрига ўхшаган шаҳар бўлмаса керак, деб ўйлайман». Истаҳрийнинг таърифича: Гурганж Хоразмнинг энг катта шаҳри... у ўғузлар билан савдо қиладиган жой бўлиб, у ердан Журжония, Хазарияга, Хуросонга карвонлар жўнайди. Истаҳрийдан олдинроқ Хоразмга келган Ибн Баттута: «У (Урганч) аҳолисининг кўплигидан денгиз сингари тўлқинланиб туради», – деб ёзган эди.

Пойтахт йирик хунармандчилик маркази бўлган. XIII аср муаллифларидан бири ёзганидек, ўша даврдаги Хоразм шаҳарларида тахминан 50 та турли касб-хунарлар мавжуд бўлган. Закарийо ал-Қазвин: «Урганчликлар моҳир хунармандлар, айниқса, темирчилик, дурадгорлик каби касбларни мукамал эгаллаганлар. Урганч ўймакорлари суяк ва ёғочдан ажойиб буюмлар яратиб донг чиқарганлар, аёллар эса моҳир каштачи бўлганлар. Шаҳарда табиий ипак дўконлари ишлаб турган, бинокор усталар толдан мустаҳкам синч уйлар қурганлар. Урганч гўё жаннатга ўхшайди, уни фаришталар куёв-келинга эътибор қилгандай эъзозлайдилар», – деб таърифлайди. Урганч аҳолиси зич жойлашган. Шаҳар Амударёнинг икки соҳилида жойлашган сув тўғонига эга бўлиб, уни мўғуллар узоқ вақт камал қилганлар. Фақат шаҳар тўғонини бузиб, уни сувга бостиргач, шаҳар аҳолиси таслим бўлган. Бу офатдан олдин шаҳарда бир неча бозор бўлган, бозорга махсус нозир – мухтасиб тайинланган ва у бу ердаги тозалikka, тартиб-қоида, тош-тарозига қараб турган, мол сифатига ва ҳалолликка алоҳида эътибор қилган.

Урганч «Буюк ипак йўли»даги йирик савдо марказлардан бири бўлиб танилган. Маҳаллий савдогарлар ўз молларини узоқ мамлакатлар, жумладан, Ироқ, Хитой, Ҳиндистон, ҳатто, Андалус (Испания)гача олиб бориб сотганлар. Хоразмшоҳлар карвонлар хавфсизлигини таъминлашга алоҳида эътибор берганлар. Хоразм шаҳарлари ва айрим катта қишлоқларнинг ҳар биттасида ўз бозори бўлган. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, буюк хоразмшоҳлар даврида ўлка қишлоқлари ҳам гўзал боғу бўстонга айланган. Вилоятнинг қишлоқ ва туманлари «ажойиб парвариш қилинган далалар»га эга, унда пахта, полиз экинлари, ҳар

хил мевали дарахтлар, гулзорлар кўплиги манбаларда кайд этилган. Ўша даврдаги уйлар, қаср ва кўшкларнинг ҳашаматли жиҳозланиши, аҳолининг тўқ-фаровон ва юксак маданиятга эга бўлганлигини ёзма ва археологик маълумотлар ҳам тасдиқлайди.

Нисбатан қисқа вақтга чўзилган инқироздан кейин Хоразмда маданий уйғониш рўй бериб, «араб дунёси»да танилган йирик сиймоларнинг пайдо бўлиши тасодифий эмас.

Кўпмиллатли араб халифалигида яшаб ижод қилган муаллифларнинг асарларида араб тили қандай роль ўйнаган бўлса, у ўрта аср Шарқида худди шундай аҳамиятга эга бўлган. Европада асрлар давомида расмий фан тили лотин тили бўлиб келганидек, фаннинг вужудга келишида араб тили Шарқнинг ўзига хос лотини бўлиб хизмат қилди. Аслида эса фанни Ўрта ва Кичик Осиё, Закавказье, Эрон, сўнгра Испания олимлари яратдилар. Араб тили турли миллат олимларини бирлаштирган ва бир-бирларини тушунишларини осонлаштирган.

Абу Райҳон Беруний ҳам замона талабига кўра, ўз асарларини она тилида ёза олмаганидан афсусланган. У ўзининг она тили фан тили бўлмай қолганлигини ва унинг ўрнини араб тили эгаллаганини алам билан эътироф этиб: «Дунёнинг ҳамма мамлакатларидаги фанлар араб тилига таржима қилинган, ҳар бир халқ ўзи ўрганган, ўз эҳтиёжи учун ўзига ўхшаган кишилар билан алоқа қиладиган тилини севади. Мен араб ва форс тилларида ёза бошладим, лекин уларнинг ҳар иккови ҳам менинг она тилим эмас, шунинг учун ўз фикримни бу тилларда баён этишга қийналаман», – деб ёзган эди. Албатта, охириги сўзни Берунийнинг одатдаги камтарлиги деб тушуниш лозим, чунки у араб тилини жуда яхши билган ва араб тилидаги адабий жанрларнинг барча турларидан бемалол фойдаланган. Абу Райҳон Беруний форсча, қадимги санскрит, грек тилларини ҳам билган.

Араб халифалиги тизимига кирган хоразмлик олимлар «араб фани»ни яратган олимлар орасида биринчи ўринни эгаллайдилар. Моддий маданият ёдгорликларини жиддий ўрганиш ҳам қадимги даврлардан буён Хоразмда аниқ ва табиий фанлар юқори даражада тараққий этганлигини

исбот қилишга имкон берди. Меъморчилик санъати аниқ қонуниятга асосланган мутаносиблиги, қурилиш ишларининг синчиклаб ҳисоб қилиниши, дабдабали суғориш иншоотлари, Беруний тасвирлаган Хоразм календари ва мукаммал астрономик терминология, Тупроққалъа, Кўҳна Урганч ва бошқа обидаларда кашф этилган нақшлардаги минерал бўёқларнинг бойлиги ва ранг-баранглиги, қазилмалардан топилган қадимги шиша ва ҳар хил металл буюмлар – буларнинг ҳаммаси ўша вақтда аниқ фанлар ривожланганлигини кўрсатади.

Қирғин ва вайронгарчилик келтирган араб истилосидан бир асрдан кўпроқ ўтган давр ичида халифаликдан узоқда, Ўрта Осиё даштларида жойлашган ўлка жаҳонга ўз замонасининг энг йирик олимларидан бири ҳисобланган Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмийни (783–850) етказиб берди. Бу улуғ сиймо янги илм-фан мактабига асос солган машҳур математик, астроном ва географ олимдир. Хоразмий асарлари дунё фани тарихида муносиб ўринни эгаллайди. Математика фанида «алгоритм» термини ал-Хоразмий номининг бузилиб айтилишидан келиб чикқанлиги, унинг «Ал-Жабр» номли асаридан «алгебра» сўзи келиб чикқанлиги маълумдир. С.П. Толстовнинг таърифича: «Алгебра фанининг улуғ асосчиси» ал-Хоразмийнинг кучи шундаки, у қадимги Хоразм математикасининг кўп асрлик анъанасига таяниб иш тутди ва уни ижодий равишда қайта тиклади ҳамда ривожлантирди. Ал-Хоразмий арабларни, сўнгра лотинча таржималар орқали бутун Европа олимларини Хоразмнинг ана шу етук математикаси билан таништирди.

Айрим маълумотларга караганда, ал-Хоразмий халифанинг Хазарияга юборган элчилари орасида географ сифатида иштирок этган. Тадқиқотчилар орасида Шарқий Европа географияси ва этнографиясининг негизини ал-Хоразмий яратган, деган фикр мавжуд. В.В. Бартольднинг эътироф этишича, ал-Хоразмий ўзининг «Ал-Китоб сурат ал-арз» («Ер сурати») асари билан араб география фанига асос солди.

Фаннинг Хоразмий машғул бўлган асосий соҳалари – математика, география, астрономия хронологияси унинг

Хоразмдаги замондошлари ва ундан кейинги авлод олимлари томонидан зўр қунт ва ғайрат билан ривожлантирилди. Буларнинг асарлари эса мазкур соҳалар бўйича ўзига хос Хоразм илмий мактабини ташкил этган эди.

Абу Райҳон Беруний ана шу мактабнинг X–XI асрлардаги ёрқин намояндаси бўлиб етишди. Унинг ижодида Хоразм фани энг юксак чўккига чиқди. Беруний сиймосида ўрта аср Шарқининг улуғ олими, астрономи, географи, минерологи, этнографи, тарихчиси ва шоири мужассамлашган. Дунё фан оламининг энг буюк арбоблари орасида Берунийга тенг келадиган олимни топишга уриниб, уни иккинчи Эротосфен, Птолемей ва, ҳатто, Уйғониш даврининг улуғ рассоми ва олими Леонардо да Винчи деб атаганлар. Аслида, С.П. Толстов одилона кўрсатиб ўтганидек, Беруний иккинчи Леонардо да Винчи эмас, аксинча, Леонардо да Винчини иккинчи Беруний дейиш мантиққа мувофиқ бўлади.

Ал-Беруний феодализм гуркираб ривожланаётган кўп қиррали ва мураккаб тарихий бир даврда Жанубий Хоразмнинг маркази – Кат шаҳри чеккасида («берун» сўзи шаҳардан ташқаридаги жой деган маънони англатади) 973 йили туғилди. У феодализм ҳукмдорларнинг ўзаро урушлари, халқ ғалаёнлари ва уларнинг шафқатсиз бостирилишини ўз кўзи билан кўрди, олимлар бошига тушган жабру жафоларга гувоҳ ва шерик бўлди. Умрининг кўп қисми дарбадарликда ўтган буюк олим энг қийин аҳволда қолганида ҳам бутун кучини илм-фанга бағишлади ва уни ҳар қандай манфаатлардан устун қўйди.

Истеъдодли олим Беруний ўз она ватани Хоразмда туриб чуқур таълим олади. У қадимий юнон классик илмини эгаллайди, бир неча тилларни, фалсафа, ботаника, математика, астрономия фанларини ўрганади. Бу фанлар соҳасида танилган машҳур астроном ва математик Абу Наср Мансур ибн Ирокни Беруний доимо ҳурмат билан тилга олган ва устоз деб билган.

Кат шаҳри Урганч ҳокими томонидан босиб олинган йили Беруний (ўшанда йигирма уч ёшда эди) ватанини ташлаб кетишга мажбур бўлади. У Каспий денгизининг жануби-шарқий соҳилида жойлашган Журжон шаҳрида бир қанча

вақт яшайди, кейин Рай (ҳозирги Техрон)га боради, сўнг яна Журжонга қайтиб келади.

Беруний Райдан Журжонга ўз эҳтиёжи билан келмаган бўлса керак. Уни Шамс ал-Маолий деган унвонга эга бўлган Журжон ҳокими Қобус ибн Вашмгир таклиф қилган. Ўз атрофида атоқли шоир, ёзувчи ва олимларни имкон борича кўпроқ тўллашга интилган Қобус илм-фан осмонида кўтарилиб келаётган янги юлдуз — Берунийни ҳам ўз шаҳрига олиб келган эди. Бу вақтга келиб Беруний амалий астрономияга бағишланган ўнлаб асарларнинг муаллифи бўлган эди.

Беруний Журжонда ўзининг биринчи энг йирик «Ал-осор ал-боқия» («Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар») номли йирик асарини, кейинроқ унга яна ҳам қатта шуҳрат келтирган машҳур асар «Ал-Қонун ал-Масъудий»ни яратган эди.

Беруний Журжонда уч-тўрт йил яшагандан кейин атрофдаги муҳитдан машаққат торта бошлади ва валинеъмати Қобуснинг ҳаддан ошишига ортиқ тоқат қила олмай, ватанига қайтишни орзу қилади. У Журжон ҳокими тўғрисида гапириб: «Шамс ал-Маолий (Қобус) мендан хоҳишимга хилоф хизматларни талаб қилар, у жуда баджаҳл киши эди», — деб ёзади. Хоразмнинг ўша вақтдаги ҳукмдори Али ибн Маъмуннинг ўзи Берунийга ўз ватанига қайтишни таклиф қилган бўлиши ҳам мумкин.

Беруний қувғиндан 1004 йили ватанига қайтиб келгандан кейин унинг ҳаётида янги ижодий давр бошланди. У Али ибн Маъмун ҳукмдорлик қилиб турган даврда олти йил давомида фан билан бемалол шуғулланиш имкониятига эга бўлган. Бу йиллар ичида Берунийни ўз муҳитига олган Хоразмшоҳ «унга яхшиликлар қилиб, тасалли берган». Кейинчалик ҳокимият тепасига Али ибн Маъмуннинг укаси Маъмун ибн Маъмун келиши билан (1010 йилда) олимнинг аҳволи тубдан ўзгарди. Илгари у саройда ҳеч қандай роль ўйнамаган бўлса, энди янги шоҳ Берунийни тез орада давлатни бошқариш ишларига жалб этади. Кўрқоқ ва иродасиз Маъмун ибн Маъмун Берунийни ўзининг энг яқин маслаҳатчиси қилиб олади ҳамда унга энг оғир ва масъулиятли дипломатик топшириқларини беради. Орадан анча йиллар ўтгач, ўз ҳаётининг бу даврини эслаб Беруний: «Менинг бошимга

шундай кун солдиларки, холимга аҳмоқларгина ҳавас қилар, раҳмдил донолар эса ачинар эдилар», – деб ёзади.

Бу даврда Хоразм даҳшатли истилочи феодал, катта империяга асос солган Маҳмуд Ғазнавийга тамоман қарам бўлади. У Хоразм шоҳи саройида яшаб ижод этаётган барча олимларнинг ўз хузурига келишларини талаб қилади. Оқибатда, Абу Райҳон Беруний бошқа олимлар билан бирга пойтахт Ғазнага жўнатилади.

Мустабид ҳукмдор Маҳмуд Ғазнавий шараф қозониш мақсадида ўз атрофига ёзувчилар, шоирлар, фан арбобларини тўплаган. Аммо у амалда бу олимлар ижодининг аҳамиятини тушунмас ва уни кадрламас, улардан эса ўзига сўзсиз итоат этишни талаб қиларди. Манбаларнинг хабар беришича, Маҳмуд Ғазнавий Берунийга шундай деган: «Агар сен менинг даргоҳимда бахтли бўлишни истасанг, ўз фанинга мувофиқ эмас, менинг истагимга мос тарзда гапиргин». Бу даврдан нолиб олим ўз асарларидан бирида: «Ҳозирги вақт фанни ардокламайди ва илмий кашфиётларнинг тараққий этишига имкон йўқ. Бизнинг фан соҳасида ҳозирги билганимиз фақат қадим вақтлардаги билимларнинг таркоқ қолдиқларидан иборатдир», – деб ёзган. Ривоятларга қараганда, Абу Райҳон Беруний Маҳмуд Ғазнавий амри билан кўп ойлар қамокда бўлган ва, ҳатто, ҳалок бўлишига ҳам оз қолган. Аммо Беруний бундай таҳқирлашларга қарамасдан, ҳар қандай шароитда ҳам чуқур илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланган.

Маҳмуд Ғазнавийнинг Шимолий Ҳиндистонга қарши олиб борган босқинчилик юришларида иштирок этишга мажбур бўлган Беруний бу мамлакатни, унинг тили ва адабиётини ўрганди, халқ ҳаётини диққат билан кузатди. У ҳинд адабий меросини тўла эгаллаб, ўзининг ажойиб асари «Ҳиндистон»ни яратди. Ўрта аср адабиётида муҳим роль ўйнаган бу асар султон Маҳмуд Ғазнавий вафотидан кўп ўтмай, яъни 1030 йили ёзиб тугалланган эди. Ривоятларга қараганда, Берунийнинг бу асари учун Маҳмуд Ғазнавий унга катта мукофот ҳадя қилган. Лекин асар муаллифи бойлик ижодимга халақит беради деб, бу мукофотни қабул қилмай, уни рад этган ва султонга: «Мен идрок билан иш қиламан



ва ҳеч қачон мангу, доимий билимни қисқа, сохта дабдабага алишпирмайман», – деб жавоб берган.

Беруний умрининг сўнгги йигирма йилини деярли бутунлай Ғазнада ўтказган. Бу давр ичида у ҳажм жиҳатдан катта ва кичик бўлган бир қанча машҳур асарлар ёзди.

Маҳмуд Ғазнавийнинг вориси – ўғли Масъуд султон тахтга ўтиргач, биринчи навбатда, астрономияни ривожлантиришга интилди. Беруний астрономия ва география, математика фанларига бағишланган жуда катта қомусини мана шу даврда яратди. Бу асар султон Масъудга бағишланган бўлиб, «Астрономия ва юлдузлар бўйича Масъуд қонуни», деб аталган. Мазкур асар ўн битта китобдан иборат бўлиб, унда астрономия фани ҳар томонлама ёритилган, шу билан бирга асарда турли халқларнинг календари ҳақида, шунингдек, тригонометрия ва математика ҳақида қимматли маълумотлар жамланган.

Улуғ мутафаккир олим Абу Райҳон Беруний сўнгги тадқиқотларга қараганда, 1048 йили она ватани Хоразмдан узоқда, Ғазна шаҳрида вафот этган.

Беруний биографиясини ёзиб қолдирган машҳур ўрта аср сайёҳи ва географи Ёқут таъкидлашича, Беруний ўлим тўшагида ҳам фан тўғрисида ўйлаган ва ҳаётининг сўнгги дақиқаларида кўргани келган кишилардан айрим чигал масалани ечишда ёрдам беришини илтимос қилган. Келган киши: «Ҳозир шундай нарсанинг вақтимикан?» деганда, Беруний унга жавобан: «Оҳ, дўстим, ечилиши мумкин бўлган масалалардан атиги биттасини бўлса ҳам ҳал қилмай, мен ҳаётдан кўз юмишни истамайман», – деб айтган.

Хоразмнинг улуғ фарзанди Абу Райҳон Беруний ҳаётда фақат фанга берилган инсон бўлган, у бутун вақтини ва куч-қувватини илм-фанга бағишлаган. Йилда икки мартагина – наврўзда ва кузда – кун ва тун тенглигининг байрам қилиниши вақтида Беруний кўлидан қаламини кўяр ва ярим йилга етарли озиқ-овқат ғамлаб келиш учун бозорга борарди.

Берунийнинг илмий мероси ниҳоятда катта бўлган. Ёқут унинг астрономия, логика, фалсафага доир асарлари рўйхатини кўргани ва рўйхат жуда майда ёзилган олтмиш бетдан иборат эканини хабар қилади. Афсуски, ҳозиргача

Беруний асарларининг маълум қисмигина аниқланган бўлиб, улар қисман таржима қилинган ва ўрганилган.

Хоразмнинг маънавият марказига айланишида буюк олим Беруний билан бир қаторда ажойиб алломаларнинг бутун бир гулдастасини эслаш мумкин. Бу ҳолат, айниқса, ўлкани жаҳонга танитган улуғ шоҳаншоҳлар Такаш ва Алоуддин Муҳаммад даврида намоён бўлади. Хоразмда илм-фан ва маърифат юксалишида «Маъмун академияси» катта роль ўйнади. Шунингдек, бу ерда кутубхоналар мавжудлиги, уларда ноёб қўлёзмалар сақланганлигини таъкидлаш керак. Бу халқ оммаси орасида илм-маърифатга қизиқиш кучли бўлганлигидан дарак беради. Масалан, хоразмшоҳларга қарам бўлган Бухоро вилоятидаги Дехқон туманида Камбағаллар уйи кутубхонаси (Хазинат ал-кутуб дар ал-фуқаро) очилиб, у ерда ноёб қўлёзмалар тўпланганлиги тўғрисида тарихий манбалар хабар қилади. Ҳокимлар барча вилоятларда шоҳлар буйруғи ва шахсий ташаббуси билан янги мадрасалар қуриш ва уларни моддий таъминлаш учун вақф (мулк)лар ажратишга алоҳида эътибор берганлар. Ҳар бир мадраса қошида бой кутубхоналар бўлган, уларда турли соҳага оид энг ноёб китоблар тўпланганлиги тўғрисида Хоразмда таълим олган кўплаб олимлар хабар берганлар. Оқибатда истеъдодли олимлар, адиб ва маърифатчилар етишган ва уларнинг аксарияти одат бўйича исмига ал-Хоразмий тахаллусини қўшганлар.

Тарих бизга хоразмшоҳлар даврида яшаб фаол ижод қилган фан, адабиёт ва санъат намояндалари номларини етказган. Ана шулардан бири Абдулқосим Муҳаммад ибн Умар аз-Замахшарий (1075–1144) жуда кўп асарлар муаллифи, ўз даврининг риторика, астрономия, стилистика ва бошқа фан соҳаларида ижод қилган олимлардан бири.

Аз-Замахшарийнинг истеъдодли шогирдларидан ал-Муваффақ ибн Аҳмад Хоразмнинг гўзал нотиғи ва имомлар садри, араб тилининг зўр билимдони, энг кучли мударрис, ажойиб адиб бўлган. Унинг туғилган йили номаълум, 1172 йилда вафот этган.

Зайниддин Муҳаммад ибн Абулқосим ал-Боққаш ал-Хоразмий Қуръони карим луғатини тузган олимлардан.

Абу Иброҳим Исмоил ал-Журжоний Хоразм шоҳи От-сизга бағишлаб ажойиб тиббиёт асарини ёзганлардан.

Замондошлари томонидан юксак баҳоланган донишмандлардан Сирожиддин Ёқуб ас-Сақоқий «барча алломаларнинг саркардаси» (ас-Садр аллома) деб ном қозонган. «Хоразмнинг энг мурувватли кишиси, энг муҳим илм соҳаларини эгаллаган олим...». У фаннинг барча соҳаларида кўп асарлар яратган. Буюк султон Алоуддин Муҳаммад ҳамда унинг онаси Туркан хотун саройида фахрли ўринни эгаллаган эди. Кейинги Хоразм шоҳлари даврида яшаган машҳур маърифатчи олим ва мударрис Муҳаммад ибн Иброҳим ал-Паҳлавон ал-Хоразмий (1228 й. вафот этган) саройда катта ҳурматда бўлган.

Кўхна Хива шаҳрида таваллуд топган Беруний издошларидан буюк аллома Аҳмад бин Умарбек Муҳаммад ал-Хивақий ал-Хоразмий бутун Шарқда Нажмиддин Кубро номи билан машҳур, у Эрон, Миср, Шому Ироқ мамлакатларини кезиб, она юртига қайтиб келган олим ва шоир, кубровия тариқатининг асосчиси, улуғ шайх, турли-туман ва диний-мазҳабий ҳикоятларда куйланиб келган авлиё зотлардан.

Хуллас, манбаларнинг образли таърифича, Хоразм «барча замонларда илм аҳли макони ва донишмандлар қарвонининг манзилгоҳи» ҳисобланган. Бухоро эса «доимо уламолар мажмуаси макони, олийжаноб кишилар ватани ва илмлар маркази», деб таърифланган. Хоразмшоҳлар давлатида таълим олган жуда кўп олимлар Шарқ мамлакатларида мударрислик билан шуғулланганлар.

Султон Алоуддин Муҳаммад ҳукмронлик қилган даврда энг танилган арбоб ва мударрислардан бири хивалик Шиҳобиддин Абу Саид ибн Имрон ал-Хивақий эди. Шиҳобиддин атоқли ҳуқуқшунос, машҳур муфтий ҳисобланган; зўр донишманд, унинг ақл-идрокига ҳамма тан берган. Ёқутнинг ёзишича, Шиҳобиддин султон замонасида шундай юқори мартабага кўтарилдики, ундан ортгик юксак бўлиш мумкин эмас. Шоҳ муҳим масалаларда у билан маслаҳатлашган ва унинг фикрига кўшилган. Шиҳобиддин Хоразм мадрасаларидан бештасида мударрислик қилган ва ким келса ҳам ўз дарсини бўлмаган, ҳеч ким унинг машғулотини бўлишга журъат қилмаган. У Хоразмдаги шой-

фийлар мадрасасида шундай зўр бир кутубхона қурганки, унга тенг келадигани илгари ҳам, кейин ҳам бўлмаган.

Мударрислик вазифаси шунча ҳурматли ва эъзозли бўлганки, юқори мансабдаги арбобларнинг кўпчилиги давлат ишларидан бўшагач, мударрислик қилишни фахрли иш деб билганлар. Ўша даврда Хоразм давлатининг обрўси ва бойлиги, даставвал, мамлакатда илм-маърифат ва маънавиятни кадрлаш, фан, адабиёт ва санъат аҳлини эъзозлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш сиёсати туфайли намоён бўлганлигини барча манбалар тасдиқлайди.

Бу даврдаги тасвирий санъатнинг характерли томони шундаки, илгариги антик даврдаги одам ва ҳайвон тасвирлари ўрнига ислом динига биноан, фақат жонсиз табиат ҳодисаларини акс эттириш биринчи ўринга ўтади. Шунинг учун нақшлар ўсимлик дунёси ва геометрик шакллар билан чекланади.

Шаҳар девори XII асрда қурилган бўлса-да, аммо ўз антик анъаналарини сақлаганлиги билан ажралиб туради. Девор антик даврдаги (40x40x10 см) хом ғиштдан қурилган. Девор қадимги қалъалардагидек икки қават бўлиб, ундаги шинакларнинг шакли ромбга ўхшаганлиги билан фарк қилади.

Субурнининг шимолида жуда кўп учрайдиган кўрғонча харобалари, кичик сув иншооти қолдиқлари ва катта қабристон диққатга сазовор. Айрим қабрларнинг сағанаси ганч билан ўймакор қилиб ишланган. Шаҳардан 8 километрча шимолда ойна ва ойна буюмлари тайёрлайдиган катта устахона қолдиқларининг топилиши муҳим аҳамиятга эга бўлиб, Ўрта Осиёда техниканинг тараққий этишини ўрганишга ёрдам беради. Шаҳардаги иморатларнинг энг ҳашаматлиси катта мачит харобаларидир. Унинг меҳробидаги жимжимадор ва нафис нақшли ёзувлар кишини ҳайратда қолдиради. Мачитдан Ҳоразмшоҳ Такаш зарб қилган танга топилган.

Бошқа топилган ашёлар орасида жуда кўп маиший буюмлар ҳам бор. Улар ичида ҳаммаёғи нақшли ёзув билан чиройли қилиб ишланган жез қозон алоҳида ажралиб туради. Шунингдек, жез ва суякдан ишланган бигизлар, ҳар хил ойнадан ишланган идишлар, Кушон империясининг сўнгги

даврларига оид кумуш танга, тошдан ишланган қозон ва бошқа буюмлар шулар жумласидандир.

Текширишлар кўрсатишича, Шоҳсанам истехкоми антик даврда, яъни милоддан аввалги бир минг йиллик охирларида пайдо бўлиб, ундаги ҳаёт бутун Кушон империяси давомида мавжуд бўлган. Аммо афригийлар даврига келиб, бу қалъа харобаликка айланади. Буюк хоразмшоҳлар даврида у ерда ҳаёт қайтадан тикланади, аммо мўғуллар истилоси даврида яна сўнади.

Беруний яшаган давр ёдгорликларидан яна бири Амударёнинг чап қирғоғидаги Қизқалъадир. Адир тепасидаги бу баланд қирғоқ мудофаа жиҳатидан қулай бўлган. Бинонинг марказида ҳовуз бор. Бундай ҳовузларни қалъанинг ғарбий қисмида ҳам учратиш мумкин. Диаметри 4–4,5 метрча келадиган бу ҳовузларнинг баъзилари пишиқ ғишт билан ишланиб, усти гипс билан сувалган. Бу ҳовузлар Ўрта Осиё даштларидаги сардобаларни эслатади.

Қизқалъанинг ғарбий деворлари сиртдан яримдоира шаклидаги учта бурж билан мустаҳкамланган. Буржларнинг бирида атрофи пишиқ ғишт билан ишланган ва чуқурлиги 16,2 м келадиган кудук бўлиб, унга ер остидан сув оқадиган махсус йўл ўтказилган. Сопол қувурли бу яширин ер ости иншоотини дарё бўйидаги Йигитқалъа мудофаа қилиб турган. Бу мудофаа истехкоми билан Қизқалъа ўртасидаги тўғри йўлда ҳар бири 300–350 метр масофада жойлашган ва унча катта бўлмаган сунъий тепаликларда ўт ёқиб, Қизилқум даштларидан ёв келаётганлиги дарҳол воҳага хабар килинган.

Археологик маълумотларга қараганда, Қизқалъа ва Йигитқалъа ёдгорликларида XII аср ўргалари ҳамда XIII аср бошларигача, яъни мўғуллар истилосигача ҳаёт давом этган.

Қаватқалъа комплексига кирувчи ёдгорликлар буюк хоразмшоҳлар даврининг ижтимоий-сиёсий ва маданий қиёфасини тўлиқроқ билишга ёрдам беради. Юқорида айтиб ўтилганидек, бу даврда Хоразмнинг ижтимоий-иқтисодий тузумида жиддий ўзгаришлар рўй берган. Афригийлар даврида бир табақага мансуб бўлган озод дехқонлар ишлаб чиқариш

усулининг тубдан ўзгариши туфайли кучли давлат аппарата таянган ҳукмрон феодал ва мазлум деҳқонлар синфига ажратиб ташланган эди. Африғийлар даврида жиддий тус олган ўзаро урушлар феодализмнинг барқарор бўлиши билан тугаб, тинч ҳаёт, аҳолининг хавфсизликка бўлган ишончи билан алмашинади. Илгариги мустаҳкам қалъалар ўрнига энди феодалларнинг ҳашаматли кўшклари ва деҳқонларнинг мустаҳкамланмаган кўрғонлари пайдо бўлади.

Бу ўзгаришлар моддий-маданий ёдгорликлардан Говхўра канали воҳасидаги Қаватқалъа таркибига кирган ёдгорликларда айниқса намоён бўлиб туради. Говхўра воҳаси шу ном билан аталган канал бўйлаб, эни 2–3 километр, узунлиги эса 15 километргача чўзилган сон-саноксиз қалъа, қаср ва кўрғон харобалари билан банд бўлган худуддан иборат. Қаватқалъа атрофида 8 км майдонни эгаллаб ётган жойнинг ўзида тўксондан ортиқ истехком борлиги аниқланди.

Воҳа марказида унча катта бўлмаган шаҳарчага ўхшаш мустаҳкам қалъа (сатҳи 160x190 м) бўлиб, унинг ўртасида ҳашаматли паҳсага ўйма нақш берилган сарой харобалари бор. Қалъа атрофидан ўтган Говхўра канали бўйлаб шу даврга хос яна тўртта ҳашаматли қаср бор. Тўртбурчак шаклидаги шинаксимон аркли бу истехкомларнинг бурчаклари нақш берилган қиррали буржлар билан мустаҳкамланган. Аммо қалъа деворлари антик мудрофаа иншоотларидай қалин бўлмай, мудрофаа мақсадида қурилмагандай бўлиб туюлади. Айрим қаср деворларига ҳам нафис ўйма нақшлар берилган.

Қасрлар атрофида сон-саноксиз майда ер эгалари ва деҳқонларнинг кўрғонлари жойлашган. Кўрғонлар бири-бирига яқин қурилган бўлиб, паст паҳса деворлар билан ўралган. Кўрғонларнинг бирига ёнма-ён қилиб солинган кўп хонали иморат сўнгги вақтларгача Хоразм кишлоқларида учрайдиган катта оила учун солинган кунгирали ҳовлиларга ўхшаб кетади. Деярли ҳар бир кўрғонда ёки унга яқин жойларда баланд иморатлар мавжуд. Бу иморатларнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, унинг деворларида тоқчалар жуда кўп. Маҳаллий аҳоли шунинг учун ҳам бу иморатларни «каптархона» деб атаган. С.П. Толстов фикрича, бундай имо-

ратлар меҳмонхона вазифасини бажарган, ундаги тоқчалар эса, ҳозирги ўзбекларнинг баъзи уйларидагидай зеб бериш мақсадида қўйилган.

Ибн Баттута Хоразмга борганда Урганч қозиси меҳмонхонасида ҳар хил чинни идиш ва мисгарлик буюмлари билан тўлатилган ва парда билан беркитиб қўйилган тоқчаларни кўрганини ёзади.

«Каптархона»лар ҳар хил услубда қурилган бўлиб, баъзи бирлари буржли кичик қасрларга ўхшаб кетади. Бу ҳолат африғийлар давридаги қасрларни эслатиб, бу даврдаги меъморчилик ҳам эски анъаналарни сақлаб қолишга интилганлигини кўрсатади. Пахсадан урилган «каптархона» деворларининг ташқи томони ҳам ўйма нақш билан безатилган.

Қаватқалъа комплексига кирадиган ёдгорликлардан қазиб олинган топилмалар унча кўп эмас. Марказий истехкомнинг биринчи хонасидан топилган зинапояли пирамидага ўхшаш ва баландлиги 40 см келадиган кумтошдан ишланган тагкурси ҳамда мрамар тагкурсининг жуда кўп синиқлари диққатга сазовор. Шу хонада ҳар хил мис ва темирдан ясалган буюмлар, ойна ва сополдан ишланган идиш синиқлари, ёғочдан ишланган баъзи бир буюм қолдиқлари, бўйра, газлама ва қоғоз парчалари ҳам топилган. Буюмлар ичида мисдан ишланган тунча, ёғоч дастали темир пичок, капгир ва темирдан ясалган бошқа буюмлар ажралиб туради. Иккинчи хонада тегирмон тоши, бешинчи хонада эса жездан ясалган буюм бўлаги, отнинг кўкрагига тақиладиган арабча ёзувли топилма, тошдан ишланган қозон парчалари ва бошқа нарсалар бор.

Қаватқалъа ёдгорликлари текширилганда марказий қалъа йирик ер эгаси – ҳокимнинг жойи, қасрлар эса йирик феодаллар истехкоми, мустаҳкамланган қўرғонлар майда ер эгалари ва деҳқонларнинг тураржойи бўлганлиги аниқланди. Демак, шу даврда шаклланган феодализм тузумига хос табақалар мавжуд эканлигини кўриш мумкин.

Текширишлар натижасида бу ёдгорликлар жуда катта ёнгин туфайли харобага айланганлиги маълум бўлди. Ёнгин шунчалик кучли бўлганки, айрим мис ва шишадан ясалган буюмлар эриб кетган. Баъзи бир далилларга қараганда,

Қаватқалъага ўт қўйилиши мўғул истилоси билан боғлиқ деб ҳисоблашга асос бўла олади. 1220 йили Хоразмга юриш қилган Чигатой ва Угедей бошчилигидаги Чингизхон лашкарлари Самарқанддан Бухорога бориб, ундан Урганчга ўтишда Қават қалъани талаб, унга ўт қўйган бўлсалар, эҳтимол.

Бироқ хоразмшоҳлар даврида кўп шаҳарлар Ўрта Осиёда типик бўлган ўрта аср шаҳарлари қиёфасига киради. Хоразмнинг ўша даврдаги пойтахти Урганч бунга мисол бўла олади. Бу шаҳар харобалари Туркманистондаги ҳозирги Тошқовуз вилоятининг Кўҳна Урганч тумани марказидан жанубда жойлашган.

Урганч шаҳрига қачон асос солинганлиги тўлиқ аниқланмаган. Атоқли шарқшунослар В.В. Бартольд ва А.Ю. Якубовский Урганч сўзини хитой манбаларида учрайдиган Юэянъ сўзи билан таққослаб, уни милодий биринчи асрларда пайдо бўлган, деб ҳисоблайдилар. Профессор Я.Ф. Гуломов эса Урганч милодий IX асрдан кейин пайдо бўлган деб ҳисоблайди. Дарҳақиқат, Урганч ҳақидаги маълумотларни, юқорида кўриб ўтганимиздек, асосан, X аср манбаларида учратамиз.

Хоразмнинг ўрта асрдаги пойтахти бўлган Урганч шаҳри харобалари тахминан 400 гектар майдонни эгаллайди. Шаҳар ҳозирги Кўҳна Урганч билан Амударёнинг қадимги ўзани Дарёлик ўртасида гуллаб-яшнаётган далалар куршовида жойлашган. Қазилмаларга қараганда бир вақтлар шаҳар атрофи мустаҳкам деворлар билан ўралган.

Хоразм экспедицияси ер устида яхши сақланиб қолган машҳур обидалардан Тўрабекхоним макбараси ва унга яқин турган ажойиб Урганч минораси (XIV аср), ҳашаматли Текеш ва Фахриддин Розий макбаралари (XII–XIII асрлар) жанубидаги Тошқалъа истехкоми харобаларини қазиб текширди. Бу истехкомнинг шарқида деворлари майда хом ғиштдан ишланган Оққалъа харобалари сақланиб қолган. Тахминан Тошқалъадан 1,5 километр ғарбда катта пахса девор билан ўралган Хоразмбоғ номли ўзига хос обида киши диққатини жалб қилади.

Тошқалъа 600x800 метр келадиган кўпбурчакли истехком бўлиб, пишиқ ғиштдан тикланган девор ва чуқур хандак



билан ўралган. Қалъа худудида Карвонсарой дарвозаси номи билан машхур пештоқ харобалари ва XX аср арафасида кулаб тушган илк ўрта аср даврига оид катта минора қолдиқлари бор. Тошқалъанинг жанубий дарвозаси атрофида ўтказилган археологик қазилмалар натижасида шаҳар деворининг қолдиқлари топилиб, унинг пишиқ ғиштдан қурилгани маълум бўлди. Девор остида чуқурлиги 2,5 метр келадиган пишиқ ғиштдан ишланган хандақ ҳам бор. Катта шаҳар девори ажойиб қилиб қурилган. У ташқи томони 1,65 м, ички томони 0,8 м қалинликда пишиқ ғишт билан, ўртаси эса тупроқ билан шиббаланиб, умумий қалинлиги 4 метрча келадиган иншоотдан иборат. Бу девор, тадқиқотларга қараганда, XIX аср охирида илгариги девор харобалари ўрнида тикланган. Эҳтимол, Тошқалъа XIII–XIV асрларда кенг территорияни эгаллаган Урганч шаҳри ичида қурилган арк ёки сарой харобаларидир. Текширишлар шуни кўрсатадики, XV–XVII асрларда шаҳардаги ҳаёт Тошқалъа истехкоми билан чекланган. Ана шу даврга оид ашёларнинг фақат қалъа ичида учраши бунга далил бўла олади.

«Карвонсарой дарвозаси» жойлашган ердаги катта кўча бўйида шаҳар харобалари қазиб текширилди. Карвонсарой олдидаги Чорсуда жуда кўп хунармандларнинг кўча томонга қараган дўконлари, бир бурчакда чойхона, ошхона ва балиқхона борлиги маълум бўлди. Ошхона олдида катта қозон учун қазилган ўчоқларнинг излари бор. Чойхона харобаларидан жуда кўп чойнак синиқлари ва кичик бир халтачада майда чақалар топилган. Бу ерда катта тандирли новвойхона, темирчилик дўкони, ҳаммом ва шунга ўхшаш қурилишларнинг борлиги аниқланган.

Маҳаллада яшаган кишиларнинг бой ва камбағаллиги ундаги тураржойлар архитектурасида яққол кўриниб турибди. Бир томонда камбағал хунарманднинг кичик хонаси бўлса, иккинчи томонда бой одамнинг ганч ва бўёқлар билан безатилган ҳашаматли иморати кўзга ташланади. Хоналарнинг ҳаммасида, катта-кичиклигидан қатъи назар, одамлар ётибтуриши учун пишиқ ғиштдан ишланган ва остидан ўт ёқиб қиздирилган супалар, тарнов ва ўчоқлар бор. Мавжуд сопол буюмларнинг сифати паст бўлган.

Топилган буюмлар орасида иероглиф ҳарфи билан тамға қўйилган чинни идиш синиқлари Хоразм билан Хитой ўртасидаги савдо муносабати илгаригидай фаол давом этганлигини кўрсатади. Топилмалар ичида темир ва жездан ишланган кўл тарозилари, ангишвона, кичик шишасимон жез идишлар, суякдан ишланган узук, тарози тоши, ҳар хил мунчоклар ва бошқа темир, жез, суяк ва шохдан ишланган жуда кўп буюмлар учрайди.

Илк ўрта асрларга оид минора харобаларини қазиб текшириш ҳам муҳим маълумотларни берди. Минора харобалари ёнида 1900 йили топилган тошга ёзилган битикка қараганда, бу минора 1011 йили, яъни Маъмун академияси даврида, Абу Али ибн Сино ва Абу Райҳон Беруний фаолият кўрсатган даврда қад кўтарган. Лекин бу обида мўғул истилоси даврида шаҳарнинг бошқа ёдгорликлари билан бир вақтда харобага айланган. Минора қайтадан XIV асрда тикланган бўлиб, уни Кўҳна Урганчнинг ҳозиргача сақланиб келган катта минораси Тўрабекхоним ва шу даврда қурилган бошқа ёдгорликлар билан тенгдош деб ҳисоблаш мумкин. Минорага қўшилган XI асрга оид жуда ҳам катта ҳашаматли мачит харобалари дикқатга сазовордир. Балки бу мачит Беруний яшаган даврдаги Урганчнинг марказий мачити бўлгандир. Бу мачит ҳам мўғул истилоси даврида харобага айланиб, кейин тикланган.

Хоразмбоғ ёдгорлигидан топилган хилма-хил қурилиш анжомлари, сопол идиш синиқлари ва бошқа буюм қолдиқлари бу истехком Хоразм ҳокимининг шаҳар четидаги ёзги кўшкни бўлганлигини кўрсатади.

Бутун Урганч харобалари, онда-сонда сақланиб қолган обидаларни эътиборга олмаганда, Хоразм мўғул ва ундан кейинги истилочиларнинг мисли кўрилмаган ваҳшиёна юришлари натижасида қандай фожиали аҳволга тушганлигини муфассал тасаввур қилишга имкон беради.

Мазкур ёдгорликлардан ташқари, мўғул истилоси натижасида Хоразмнинг Гулдурсун, Шўраҳон, Норинжон, Миздахқон, Дарғон ва шу каби шаҳар ва қалъалари абадий харобаликка айланган. Қолган шаҳар ва қишлоқлар ҳам вайрон қилинган бўлса-да, бир қанча вақт ўтиши билан ундаги ҳаёт яна тикланган.

Хоразмнинг гуллаб-яшнаши юқори босқичга чиққанда, Хоразмшоҳлар давлати атрофида энг кучли турк қабилалари — қанғли, қипчок, туркман ва туб сарт аҳолиси бирлашиб, жипслашаётган ва дунёни забт этиш мақсадида халифаликнинг маркази Бағдодга қарши юришга тайёрланаётган бир пайтда, Чингизхон кўшинлари бостириб киради. Аммо биринчи қарашда мустақкам бўлиб кўринган бу давлат кучли ички қарама-қаршиликларни бошдан кечириётган эди.

Мўғул истилоси арафасида Хоразмга қарашли кўчманчи турк қабилалари ва маҳаллий зодагонлар ўртасида тўхтовсиз сиёсий кураш давом этиб, бу кураш сарой атрофидаги доираларга ўтиб, жиддий тус олади. Хоразмнинг ана шу даврдаги подшоҳи Султон Муҳаммад (1200–1220)нинг қипчок онаси ва унинг қариндош-уруғлари, шунингдек, кўпгина руҳонийларнинг таъсири остидаги халифаликка ён берган турк доиралари ҳокимиятни ўз қўлига олишга уринадилар. Бунга хоразмшоҳнинг ўғли, тахт эгаси Жалолиддин Манғуберди шаҳар ва қишлоқ зодагонлари ёрдамида тиш-тирноғи билан қарши туради. Бундай кескин вазият Чингизхон лашкарларининг ғолибона юришларига енгиллик туғдирган, албатта.

## IX 606

### ХОРАЗМ ДАВЛАТИНИНГ ИНҚИРОЗИ ВА МАДАНИЙ ТУШКУНЛИК

Ҳозирги Туркманистон Республикасининг шимолидаги Тошҳовуз вилоятида илк ўрта асрларга оид бир неча кўҳна харобалар ҳозиргача кишини чуқур ҳаяжонга солади. Бу обидалар бир вақтлар дунёни ларзага келтирган буюк хоразмшоҳлар даврига тааллуқлидир. Аммо фалакнинг гардиши билан тасодифан сақланиб қолган 40 метрли баланд минора, ҳашаматли Тўрабекхоним макбараси, машҳур олим Фахриддин Розийнинг қабри ва сўнгги хоразмшоҳлардан султон Такаш макбарасининг улуғвор кўк гумбази, авлиё деб танилган Шайх Нажмиддин Кубро қабри қабилар узоқ ўтмишнинг гувоҳидир. Бундай обидалар хоразмшоҳларнинг

кейинги пойтахти Кўҳна Урганч бошига тушган мислсиз фожиалардан сўнг сақланиб қолганлиги хайратланарлидир. Мазкур ёдгорликлар буюк аждодларимизнинг нақадар юксак истеъдодли, мустаҳкам иродали, мислсиз заҳматкаш ва жасур халқ эканлигини исботлайди.

Халқимизнинг яна бир ажойиб фазилати унинг келажакка ишонч билан қараши, яъни у қандай оғир вазиятга тушмасин, доимо сабр-тоқатли, шукрона табиати билан келажакка яхши умид боғлаб яшайди. Бундай фазилат уни изланишларга, ижодий фаолиятга чорлайди. Мазкур обидалар бир-биридан анча узоқроқда жойлашган, уларнинг оралиги хувиллаб ётган қабристон, майда парчаланган ғиштлар, емирилган иморатларнинг ер текислигидаги харобалари, турли сопол идишлар ва буюмларнинг синиқлари, ондасонда курук ариқ рошларининг ва полизларнинг излари бу ерда мисли кўрилмаган фожиалар бўлиб ўтганлигининг тилсиз гувоҳидир.

Бундай ачинарли манзара – бераҳм мўғул босқинчилари ва ундан кейинги истилочилар томонидан Хоразм пойтахти Урганч ер билан яксон қилганлиги тўғрисида хабар бериб турибди. Буни археологик кашфиётлар ҳам тасдиқлайди. Машхур араб сайёҳи Ёқут ал-Ҳамавий шундай хабар беради: «Мен бу шаҳарни мўғуллар забт этиб вайронага айлантиргунга қадар – 616 йили (милодий 1219–1220 йиллар) кўрганман. Назаримда, бундан катта, бундан ҳам бой ва обод шаҳарни кўрмаганман. Бироқ мўғуллар босиб олгандан кейин бунинг ҳаммаси тамом бўлди; шаҳарда мустаҳкамроқ биноларгина омон қолган, аҳолини эса тамом кириб ташлашган, деб эшитдим...» Аммо заҳматкаш халқ Кўҳна Урганчдаги Тўрабекхоним (XIV аср) мақбараси, қабристонга айланган пойтахтни бошқа жойга кўчириб, янги ҳаёт қайта тиклаган ва ўзининг бунёдкорлик фаолиятини давом эттириб, мўъжизали обидалар теварагида турли афсоналар ва ривоятлар тўкиган.

Кўҳна Урганч туманига борсангиз, унинг шимолий қисмида ажойиб нақшлари билан кишини хайратда қолдирадиган ҳашаматли бино эътиборингизни тортади. Зўр маҳорат билан безатилган бинонинг ичкарисига кирсангиз, баланд дурдона гумбазнинг ички кўриниши нақшлар билан

шундай зўр безатилганки, уни инсон боласи яратганлигига ишонгинг келмайди. Иморатнинг ниҳоятда баҳайбатлиги ва тузилиши, ихчамлиги ва яхлитлигини кўриб, уни жаҳон санъатининг ноёб обидаларидан бири дейиш мумкин. Бино жуда маҳобатли бўлса-да, аммо қандайдир енгил, гўё ердан кўтарилиб парвоз қилаётгандай туюлади.

Бинонинг орқа томонида кичкина гумбазли қабр мавжуд. Унда, ривоятларга кўра, бутун Хоразмда танилган аёл Тўрабекхоним дафн этилган. Ҳозиргача бу аёл тўғрисида аҳоли орасида афсоналар сақланиб келган. Тўрабекхоним мукаддас авлиёлар қаторига кирган, аёллар ҳомийси деб танилган. Шуниси қизиқки, бу дабдабали бинонинг теварагида на ариқ, на кудук, на дарахт бор. Мазкур авлиё қизларнинг олийжаноб ҳомийси, никоҳда ва фарзанд кўришда эзгулик ва саховат тимсоли бўлган авлиёлардан бири. Илгари сайилларда қизлар дугоналари билан бу ерга келиб, махсус ашулалар айтишган ва унинг яқинидаги баланд минорага кўтарилганлар.

Ривоятларга қараганда, Тўрабекхоним мақбараси машҳур гумбазли Такаш мақбарасидан кейин қурилган ва у билан санъат намунаси сифатида рақобатда бўлган. Шунини алоҳида қайд этиш лозимки, Тўрабек асли тарихий шахс, у Олтин Ўрда улуси таркибидаги Хоразм ҳукмдори ҳисобланган ноиб Қутлуғ Темурнинг хотини, у эса Олтин Ўрда хони Ўзбекнинг яқин қариндоши билан холавачча бўлган. Тўрабекхоним ўрда амирининг қизи, яъни эри билан амакивачча бўлиб, Ўзбекхон ўзининг куёви ва қариндоши Қутлуғ Темурни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаган ва унга исломни кенг тарғиб этишни буюрган. Атоқли ўзбек олими Я. Ғуломов эълон қилган бир вақф ҳужжатида Олтин Ўрда хонининг қизи сифатида Тўрабекхоним «Буюк Малика» деб номланган.

Хоразм атрофида, Олтин Ўрдада исломни тарқатишда Қутлуғ Темур ва унинг рафиқаси ўзининг хон билан қариндошлик алоқаларидан фойдаланиб, кенг миқёсда фаол иш олиб борганлар. Айниқса, шу нарса диққатга сазоворки, эр-хотин Хоразмда ҳар хил хайрия ишларини адо этишда, мадраса ва мачитлар қуришда жуда савобли

ишлар қилиб келганлар. Юқорида тилга олинган обидалар ҳам асли эр-хотин ташаббуси билан тикланган. Ҳозиргача етиб келган Кўҳна Урганчининг катта минорасини Қутлуғ Темур қурдирган бўлса, ажойиб жума мачитни ва Хоразм шоҳи Текеш макбарасини Тўрабекхоним бунёд эттирган. Улар суфийларга ҳам ҳомийлик қилиб, бир неча хонақолар тиклатганлар, вақфлар ажратиб, катта ер ва ариқлар ҳада қилганлар.

Бир ривоятда бутун Хоразмда ном чиқарган Тўрабекхоним анча ташвишли ҳаётни бошидан кечирганлиги ҳақида ҳикоя қилинади. Мазкур ривоятни адабий-тарихий асарларда ҳам учратиш мумкин. Ривоятнинг қисқача мазмуни куйидагича: Салжуқийлар султони Санжар Тўрабекхонимга совчилар жўнатади. Хоразм аҳли буни ўзининг маликасига ҳақорат деб қабул қилади ва совчиларни рад этади. Султон Санжар жаҳли чиқиб, лашкарлари билан Хоразм халқига қарши юриш бошлайди. У чегарага келиб Амударёни бўғиб, халқни олти ой сувсиз қолдиради. Юртда очлик бошланади, халойиқ ташвишга тушади. Султон Санжарга мурожаат қилиб, тўғонни очишни сўраш никоҳга розилик бериш билан тенг эди. Халқ маликага маккорлик йўлини тутишни маслаҳат беради. Шунга биноан Тўрабекхоним розилик билдиради. Султон розиликни олиб дарё тўғонини очади ва юртига қайтади. Аму эски ўзани Дарёлик томон оқмай, ҳозирги ўзани орқали оқа бошлайди. Дарёлик қуригач, янги каналлар қура бошлайдилар. Ўша вақтда Полвонёп, Шовот ва Арнаёп пайдо бўлган эмиш.

Малика Султон Санжар саройига йўлга чиқади, аммо пайти келганда ундан қочиш йўлини ўйлайди. Малика йўл бўйи ҳар манзилда бияларнинг ёш тойчоқларини қолдиради. Тўрабекхоним Султон Санжар саройидан қочар чоғида она биялар тойчоқларининг овозини эшитиб, йилдиримдек тезликда манзилдан-манзилга чошиб борадилар. Бундай тезликда қочган маликанинг ортидан тушган Султон Санжар қувиб ета олмаган.

Мазкур ривоят билан хоразмликлар маҳаллий атамаларни боғлаб, Султон Санжар йўлида учраган манзилгоҳлар номини

тилга оладилар. Масалан, султон дарё бўйига етгач, жahl билан шу ердаги манзилни «Эх, пишнак» (ёмон маъносиди), деган экан. Шундан гўё Пишнак номи қолган. Пичокчига етгач, «Тўхта, сўяман», деб дўк қилган. Дурғадик қишлоғи номига «дур (тўхта)» сўзини кўшиб, маҳаллий қишлоқ номи келтириб чиқарилган.

Келтирилган ривоятдаги Тўрабекхоним образиди маҳаллий хон ва султонлар, амир ва ноиблар орасидиги ўзаро низолар, тахт учун курашлар, саройдаги амалдорлар ва ворислар орасидиги қарама-қаршилиқлар ўша даврдаги сиёсий ҳаётнинг акс-садоси эканлиги кўзга ташланади. Айниқса, оғир фожиали воқеаларни бошидан кечирган хоразмликлар Чингиз кўшинларининг ваҳшиёна юришларидан кейинги вайронагарчиликни тугатиш учун олиб борган сиёсат ва амалий фаолият халқ онгида чуқур из қолдирган эди. Хронологик жиҳатдан чапишиб кетган мазкур ривоятларнинг моҳиятини тушуниш учун ўша давр тарихий воқеаларига бир назар ташлаш зарур.

Маълумки, XIII аср бошларида Чингизхоннинг 1218–1219 йилларда Жебе бошчилигидаги кўшинлари Еттисув ва Шаркий Туркистон ерларини эгаллаб, бутун Мовароуннаҳр, қисман Эрон, Афғонистон, Олд Осиё ва Кавказгача бўлган кенг худудни ўзига бўйсундириб, кейин Хоразм давлати чегараларига яқинлашади. Мўғул истилочилари 1220 йилнинг бошларида дастлаб Сирдарё бўйидаги Утрорни, кейин Бухоро ва Самарқандни босиб оладилар. Истилочилар шаҳар ва қишлоқларни талон-торож қилиб, аҳолининг кўпчилигини кириб, бир қисмини кулликка маҳкум этганлар. Бухоро ҳимоячилари бутунлай қирилган, истехкомлар яқсон этилиб, шаҳарга ўт қўйилган. Самарқанд аҳолиси ҳам қахрамонлик билан ўз шаҳрини ҳимоя қилган, шаҳар аҳолисининг тўртдан бир қисми тирик қолган, холос. Хоразмликлар ҳам шундай мусибатни бошдан кечирганлар. Араб тарихчиси Ибн ал-Асир бу воқеаларнинг жонли гувоҳи сифатида шундай деб ёзади: «Улар ҳеч кимсани аямас эдилар, аёлларни, қарияларни, болаларни қатл этдилар..., орқада бирон шаҳарни қолдирмай, ер билан яқсон қилиб ўтар эдилар».

Чингиз кўшинларининг нисбатан енгил ғалабаларининг бош сабабларидан бири – Хоразм давлатидаги ички низолар, бетўхтов урушлар, эзилган халқ норозилиги каби омиллар иктисодий ва сиёсий инқирознинг бошланиши эди. Қудратли маъмунийлар сулоласи ўрнига келган Қутбиддин Муҳаммад ибн Ануштегин (1117–1127) анча уддабурон ва матонатли ҳукмдор бўлса-да, унинг фарзандлари, невара-чеваралари даврида мамлакат бироз тушкунликка юз тутди. Унинг ўғли Отсиз (1127–1156) нинг муваффақият билан ҳукмронлик қилган йиллари шиддатли воқеаларга тўла бўлган. Айниқса, даҳшатли ташқи кучлар билан ички тахт ва мансаб талашувлари давлатни анча бўшаштирган эди.

Отсизнинг набираси Алоуддин Такаш ибн ал-Арслон (1172–1200) Хоразм давлатини мустақкамлаш, кўшимча ерларни босиб олиш сиёсатини амалга оширишга ҳаракат қилган. Агар Отсиз Хоразмнинг чинакам мустақиллигига замин яратган бўлса, Такаш ўз давлатининг ҳақиқий асосчиси деб танилган. Унинг ўғли ва валиахди Алоуддин Муҳаммад II отасининг сиёсатини давом этдиришга ҳаракат қилиб, қорахитойларга қарши сабр-матонат билан муваффақиятли кураш олиб борган. Унинг подшолик қилган даврида (1200–1220) Самарқанд ва Ўтрор қорахонийлар кўлидан тортиб олинган, Афғонистон жанубидаги узок Ғазнагача ўз чегарасини кенгайтириб, Ғарбий Эрон ва Озарбайжонни бўйсундиради, Дашти Қипчоқнинг ич-ичигача кириб боради. Алоуддин Муҳаммад қорахитойлар билан муваффақиятли курашиб, уларни таслим қилади. Хоразм шоҳи ўзини иккинчи Искандар, деб эълон қилади. Айрим маълумотларга кўра, шоҳга тобе бўлган 27 мамлакатнинг ҳокимлари ёки бу ҳокимларнинг ўғиллари Муҳаммад саройида гаров тарзида ушлаб турилган.

Шундай бўлса-да, феодал ҳокимиятга хос ички зиддиятлар, айниқса, саройдаги ва унинг атрофидаги низолар бу ерда ҳам мавжуд эди. Мўғуллар истилоси арафасида Хоразмда асли икки ҳокимлик ўрнатилган деса бўлади. Бутун мамлакатда шоҳ ва султон деб Алоуддин Муҳаммад ҳисобланса-да, ички ва ташқи сиёсатни олиб боришда ик-



кинчи ҳоким шоҳнинг онаси Туркан хотун ҳисобланган. У айрим масалаларни ҳал қилишда биринчи бўлган, султоннинг баъзи фармон ва буйруқларини инкор этган ва ўз номидан фармонлар чиқариб, истаган масалаларни ҳал қилиш қудратига эга бўлган. Шоҳ ҳеч вақт эътироз билдирмаган, чунки, бир томондан, она ҳурмати, иккинчидан, Туркан хотуннинг тарафдорлари – унинг уруғидан чиққан турк амирлари кўпчиликни ташкил этган. Замондошларининг таърифича, «жаҳон ҳокими» деб ном қозонган Туркан хотун фармонлар чиқарган ва ўз муҳрига эга бўлган. Туркан хотун пойтахт Урганчда истиқомат қилган, ўзининг махсус кўшк ва иккита мулкига эга бўлган, шоҳ ўғли эса Самарқандга кўчиб, шу ерда ҳукмронлик қилган. Малика нафақат султон устидан ҳукмронлик қилган, балки молия масалаларига ҳам аралашган, олий амирлар ва амалдорларга ҳукмини ўтказган. Туркан хотун тахт меросхўрини ҳам ўзи белгилаган. Бундай ҳолат, шубҳасиз, Хоразм давлатини бўшаштиришга ва унинг инқироzi кучайишига олиб келган.

Тарихий манбаларда кўрсатилганидек, Туркан хотун ўғли шоҳ Муҳаммад босиб олган вилоят ва ўлкаларнинг гаровга олинган ҳокимларини қатл этдирган. Шунинг учун ҳам у яккаланиб қолган. Шоҳ мўғуллардан қочаётганда унга ёрдам берадиган ҳеч ким бўлмаган.

Хоразм шоҳининг яна бир катта хатоси Чингиз томонидан таклиф қилинган савдо-сотикни рад этиш бўлди. У мўғул хони билан дастлабки даврларда яхши муносабатда бўлиб, ўзаро элчи ва савдогарлар алмашиб, қимматбаҳо совға-саломлар олишган. Аммо 1218 йилнинг охирларидан бошлаб алоқалар бузила бошлайди, Хоразм лашкарлари билан мўғул кўшинлари орасида биринчи ҳарбий тўқнашувлар рўй беради. Меркитларга қарши урушга чиққан Чингизнинг ўғли Жўжи лашкарлари ва Хоразм шахзодаси Жалолоддин Мангуберди лашкарлари ўртасида дастлабки жанг бўлади. Бу жангда Жалолоддин ғолиб чиқиб, Жўжи кўшинлари чекинади ва Чингизхонга нохуш хабарни етказди. Аммо мўғул шоҳи бунга эътибор бермай, яна савдо-сотикни ривожлантириш таклифини киритади.

Жалолиддин отаси Алоуддин Муҳаммадга юмшоқ ва мулойим бўлишни, элчи ва савдогарларга нисбатан шафқат ва ҳурмат билан муносабат кўрсатишни таклиф этган. Жоҳил хон Чингиз юборган Ухун бошчилигидаги кўп сонли савдо карвонини ҳибса олишни буюрган. Ўтрор амири Ғайрихон Инол эса элчиларни айгоқчи деб, ҳаммасини қатл қилдирган, барча молларини мусодара қилган. Одат бўйича элчиларни ўлдириш мумкин эмас эди. Элчилар билан Чингизхон юборган 450 савдогар асли мусулмон бўлган. Муҳаммад қатл қилдирган элчи Кушлухон ҳам мусулмон эди.

Ўтрордаги Чингизхоннинг 450 савдогаридан тирик қолган бир киши хон ҳузурига келиб, бўлган фожиани батафсил гапириб берган. Мўғул солномаларида қайд қилинганидек, Чингизхон ўзига яқин кишиларни йиғиб шундай деган экан: «Сартаул халқига қарши юриш бошлайман ва қонуний равишда Ухун бошчилигидаги юзлаб қатл қилинган элчиларимиз учун қасос оламан. Сартаул халқи бизнинг тиллашоҳли жиловимизни бежазо юлиб ташлашига йўл қўйиш мумкинми?»

Чингизхон лашкарларининг хоразмшоҳлар давлатига қарши чиқишининг яна бир сабаби Алоуддин Муҳаммаднинг ортиқ даражада манманлик қилишидир. У бўйсундирган мамлакатларда маҳаллий ҳокимларни қатл қилдириб, барча ерларни ўз қариндошлари, амирлари ва амалдорларига бўлиб берган. Оқибатда илгариги ҳокимларга хизмат қилиб келган ҳарбий бошлиқларни, тўра ва бекларни ўзига қарши қўйган.

Хоразм шоҳининг яна бир катта хатоси йирик қўшнларини қалъаларга бўлиб юборганлиги. Муҳаммад шоҳнинг Чингизга қарши тузган стратегик режаси мутлақо яроксиз чиқди. Бир қанча шаҳарлар чинакамига қаҳрамонона ҳимоя қилиниб (айниқса, пойтахт Урганч), мўғулларнинг кучлари кўп ойлаб тийиб турилганига қарамай, бу қалъалар бирин-кетин таслим бўла бошлади.

Асосий зарбанинг йўналиши давлат шарқий чеккасининг энг заиф ҳалқаси – яқиндагина қўшиб олинган ва сиёсий ғалаёнлар ниҳоятда авжига минган бой шаҳарлар,

Ўрта Осиё ва Хитой билан савдо алоқалари бўлиб турган муҳим қалъалар бўлганлиги тасодифий эмас эди. Чунки бу ердаги савдогарларнинг юқори табақалари ичида кучли гуруҳлар ажралиб чиқиб, мўғуллар билан яқин алоқада бўлиб, уларнинг муваффақиятларидан манфаатдор эдилар. Бухоро ва Самарқандга берилган зарба туфайли пойтахт Урганч яққаланиб қолади. Оқибатда Чингизнинг зарбдор кўшинлари тез орада Амударё соҳилига етиб келади ва Хоразм шохининг кучли ҳисобланган улкан армиясини парокандаликка солади. Оқибатда сон жиҳатдан кам бўлган Чингизхон кўшинлари ғалаба қозонади. Лашкар бошлиқлари Жебе ва Субутойнинг йигирма минглик энг яхши корпуси Алоуддин Муҳаммадни Каспий денгизи томон чекинишга мажбур қилади ва у ердаги ороллардан бирига яширинган буюк шох ўша ерда ўлиб кетади. Тарихий манбаларда қайд қилинганидек, Хоразм шохи 1220 йилнинг декабрь ойида вафот этади ва унинг жасадини кўмиш учун ҳатто кафан топилмайди.

Шундай қилиб, ўзини энг буюк жаҳон ҳукмдори деб эълон қилган Хоразм шохи Алоуддин Муҳаммад хору зор бўлиб оламдан ўтади. Манбаларга кўра, бу жаҳонгир шох қорахитойларнинг ерлари, Мовароуннаҳр, Хоразм, Исфаҳон, Мозандарон, Кармана, Мекрон, Кеш, Ғазна, Ғур, Сижистон, Бомиён, Форс, Ўтрор, Озарбайжон, Ирок, Табаристон, Журжон устидан ҳукмронлик қилган. Унга бўйсунган ҳудуд жанубда Ҳиндистонга, ғарбда турклар юртига, шарқда Хитойгача чўзилган. Дарбанд ва Ширвон, Хуросон ва бошқа мамлакат ҳамда шаҳарлардаги мачитларда Жума намозида унинг номи Хутбага кўшиб ўқилган. Алоуддин Муҳаммаднинг бойлиги ҳисобсиз бўлиб, мўғуллар кўлига 10 млн. динор пул, 1000 қоп атлас ва бошқа газламалар, 30 минг от ва хачирлар, сонсаноксиз турли моллар ўтган.

Хоразм пойтахтини қамал қилган Чингиз лашкарлари турли найранглар билан шохнинг онаси Туркан хотуннинг таслим бўлишини талаб қилган. Урганчдаги кўшин ва аҳолиси мудофаа кучига эга бўлса-да, Туркан хотун ватанни душманга ташлаб қочган ўғли Муҳаммаддан кейин ваҳимага тушади. Шох хотинлари ва фарзандларини, хазинадаги бойликларни

ва бошқа қимматбаҳо буюмларни олиб шаҳарни тарк этади. Бераҳм малика шаҳарда қолган барча султонлар, ҳокимлар ва уларнинг ўғилларини – жами 26 кишини қатл қилдиради. Бундай шармандалиқ нағижасида кўпчилик Туркан хотундан юз ўгиради, у фақат ўз хизматкорлари, вазир Муҳаммад ибн Солиҳ ва йўлбошловчи Умархон билан қочади.

Ношукр малика Мозандаронга етгач, йўл бошловчини ҳам қатл қилдиради. Чингиз лашкарлари Туркан хотуннинг изидан бориб, Илол шаҳрини қамал қилади ва кўп ўтмай уни босиб олади. Хоразм шохининг бутун болалари асир тушади. Мўғуллар шох болаларини ўлдириб, ҳарам аёлларини хотин қилиб оладилар. Туркан хотун эса Чингизхон қароргоҳига жўнатилади ва у ерда хору зорликда 1233 йили вафот этади.

Урганч аҳолиси етти ой мардонавор курашгач, султон Хумор Тегин бошчилигида таслим бўлишга мажбур этилган. Ҳеч қаерда шунча қаршиликка учрамаган мўғуллар (100 минг хунармандни Мўғулистонга жўнатиб) бутун аҳолини қиличдан ўтказади. Тарихчиларнинг ёзишларича, қамал қилган 50 минг мўғул лашкарининг ҳар биттаси 24 та урганчликни ўлдирган. Пойтахтни бутунлай емириб, ер билан яксон этиш буюрилган. Ваҳший истилочилар аҳолини бутунлай қириб бўлгач, Амударё тўғонини бузиб, пойтахтни сувга бостиради. Оқибатда ажойиб тарихий обидалар, минглаб ноёб китоблар сақланган кутубхоналар барбод қилинади.

Хоразм шохининг шармандали вафотидан кейин катта давлат емирилди ва у тарихчи Жувайнийнинг таърифича, «бошқа мамлакатлар ўртасида аркони қирқилган қапага ўхшаб қолди». Қаттиқ зарбага учраган Хоразм шоҳи Алоуддин Муҳаммад вафотидан олдин онаси тайинлаган валиаҳд тўғрисидаги фармонини бекор этиб, Жалололдинни тахт вориси деб эълон қилади.

Буюк Хоразм давлати тарихида сўнгги шох Жалололдиннинг давлатни сақлаб қолиш учун олиб борган мардонавор кураши бу шиддатли даврнинг энг фожиали ва улуғвор саҳифаларидан бири ҳисобланади. Ўз вақтида Туркан хотун томонидан тан олинмаган жасур, истеъдодли Жалололдин мўғулларнинг муносиб рақиби бўлиб чиқди. У ўзига қарашли

Ғазна вилоятини истилочиларга қаршилик кўрсатиш марказига айлантирган эди.

Жалолоддин Урганчдан 300 отлик билан қочиб, Нисо шаҳри остонасида 700 отлик мўғул қўшинларини енгади. У Ғазнага келиб янги куч тўплайди ва бу жангда мўғуллар устидан яна бир ажойиб ғалаба қозонади. Мард лашкарбоши Жалолоддин бу жангда ҳарбий фан тарихида биринчи бўлиб отдан тушиб, пиёдага айланган ўқ-ёйчи (ёйандоз)лар сафини тузиб, мўғулларнинг отлик аскарларига қарши қўяди ва уларга қаттиқ зарба беради. Бундай жасурликка тан берган Чингизхон ўзининг асосий кучлари билан Жалолоддинга қарши отланади.

Мўғул лашкарларига қарши мардоновор курашганлар орасида ҳақиқий ватанпарвар лашкар бошлиқлари ва садоқатли султонлар билан Хоразмшоҳнинг ўғиллари Ўзлогшоҳ ва Окшоҳ ҳам бўлган. Улар Хуросон тупроғини мудофаа қилишдаги жанговар курашда ҳалок бўладилар. Шоҳнинг учинчи ўғли Рукнуддин Гурсанжтий ҳам олти ой камалда қаршилик кўрсатиб, кейин асирга тушади. Мўғул Тоймас нўён олдига келтирилган шахзода тиз чўкишдан бош тортиб, қийноқ билан қатл этилади.

Аммо энг зўр қаршилик кўрсатган ва мардонавор кураш олиб борган Жалолоддин истилочиларга кетма-кет қақшатқич зарба бериб, кучлар тенг бўлмаганлигидан чекинишга мажбур бўлади. 1221 йил ноябрида Ҳинд дарёси соҳилида бўлган охириги шиддатли жангда гарчи ҳарбий устунлик Жалолоддин томонида бўлса-да, Чингизхон кучли захираларни жангга солиб, ўз рақибининг қаршилигини синдиришга муяссар бўлади. Албатта, Жалолоддин қўшинлари орасида ҳам бир хил қаҳрамонона курашганлар бўлмаган, айрим жанглардаги ғалаба туфайли ўлжа талашган бир қанча кўчманчи ҳарбий бошлиқларнинг хиёнати ва қочоқлиги ҳам Чингизхонга қўл келган.

Ҳинд дарёси соҳилига сиқиб келинган Жалолоддин уч кунлик даҳшатли жангдан сўнг мағлубиятга учрайди. Чингизхон Жалолоддиннинг асирга тушган саккиз яшар ўғлини ваҳшиёна қатл қилдиради. Сувдан кечиб ўтиш воситаларидан маҳрум бўлганлиги туфайли ҳарамдаги

хотинлари асир тушиб, хўрланмасликлари учун уларни дарёга чўктиради. Чингизхон Жалолиддинни тириклай қўлга олишни буюради.

Жалолиддин асир тушмаслик учун жўшқин дарёга бутун курол-яроғи билан от солади ва мўғулларнинг ўк ёмғири остида бошқа сохилга ўтиб олади. Бундай жасурликдан ҳайратда қолган Чингизхон султонни таъкиб қилмасликни буюради. У ўғилларига қараб шундай деган экан: «Ота ўғли фақат шундай бўлиши керак! Шундай дахшатли жангдан ва жўшқин дарё қаъридан сохилга соғ-омон чиққан киши ҳали жуда кўп улуғ ишлар қилади ва жасорат кўрсатади!» Жалолиддин билан бирга дарёнинг у соҳилига учта отлик амир ва тўрт мингта якин кўшини ўтади.

Анча ҳолдан тойган ва пароканда қилинган Жалолиддин оч ва ҳориган оз миқдордаги сафдошлари билан нотаниш Шимолий Ҳиндистон аҳолиси орасида пайдо бўлган. Маҳаллий ҳоким унинг оғир аҳволдан фойдаланиб, бир минг отлик ва беш минг пиёда аскар билан Жалолиддинга қарши ҳужум қилади. Моҳир ва тажрибали лашкарбоши олдида ожиз қолган Шатра вилоятининг ҳокими мағлубиятга учрайди, хинд кўшинлари тор-мор қилинади. Оқибатда Шимолий Ҳиндистон Жалолиддинга тўла бўйсунди ва унга қарам бўлади. Султон ўзининг аҳволини яхшилаб олиб, ҳатто, ўз номидан танга чиқаради ва барча вилоятларда унинг номи хутбага кўшиб ўқиладиган бўлади. Жалолиддин Ҳиндистонда турли хил жанглар ва фитналарни бошидан кечириб, уч йил ҳукмронлик қилган.

Жалолиддиннинг Хоразм давлатини сақлаб қолиш ва истилочилардан озод қилиш учун олиб борган мардонавор, аммо самарасиз курашининг кейинги ўн йиллик жангномаси энг фожиали ва улуғвор саҳифалардан бири. Ҳиндистонда ҳукмронлик қилган даврда унга қарши фитналар ва мўғулларнинг янги таъкиб васвасалари султонни Ироқ томон юришга ундаган. У дастлаб Кармана, кейин Шероз ва Исфаҳонга бориб, маҳаллий хон ва амирлар билан келишиб, бир оз мустаҳкам кучга эга бўлади. Аммо бу ерлар укаси Гиёсиддинга тегишли бўлганлиги учун у акасининг келишидан норози эди. Жалолиддиннинг кели-

ши маҳаллий аҳоли томонидан яхши кутиб олинган, чунки Ғиёсиддин даврида ўзбошимчалик ва зўравонлик авжига чиққан эди.

Жалололиддин 1225 йили Озарбайжонни босиб олиб, ўз кўшинларини Бағдод томон юришга тайёрлайди. Озарбайжоннинг охирги ҳокими Ўзбек давлат ишларидан четлатилган бўлиб, бу ишларни унинг хотини, салжуқийлар султони Тўғрулнинг қизи Малика хотун бажариб турган. У Жалололиддинга қаршиликсиз таслим бўлгач, Озарбайжон ҳокими Ўзбек Табризга қочади ва у ердаги Хоразм кўшинлари вакиллари улдиртиради. Хоразм шоҳи Табризга кўшин билан боради ва етти кунлик қамалдан кейин босиб олади. Шу ерда ўзининг ноибини тайинлаб, Грузияга қарши юриш бошлайди. Хоразм шоҳи Гарни яқинидаги жангда грузинларни тор-мор қилиб, мамлакатни талон-торож қилган. Бу жангда 20 минг грузин лашқари ҳалок бўлган, қолганлари асир олинган. Жалололиддин Табризга қайтиб, Ўзбекнинг хотини бўлмиш Маликага уйланади, кейин Тифлисга юриш қилиб, йўл бўйи Ганжа, Шанхур, Шутур каби шаҳарларни ўзига бўйсундиради. Отабек Ўзбек бундай нохуш хабарлардан сўнг қасал бўлиб вафот этади. Шундан сўнг Отабеклар давлати тугатилиб, Озарбайжон, Ширвон ва Грузия 1231 йилгача Хоразм шоҳи Жалололиддин ҳукмронлигида қолган. Хоразмнинг Ўрта Осиё ва Хуросондаги асосий мулклари вайронага айланган эди. Жалололиддин Шарқда янги жанговар кучларни ташкил этишга уринади. Аммо бу уринишлари пучга чиқади, ноиблари унга қарши фитналар уюштирадilar. Озарбайжон Отабеги тарафдорлари, Кўниянинг салжуқий султонлари, Бағдод халифаси донғи чиққан Жалололиддиндан хавотирланиб, зимдан тил бириктириб, унга зарба беришга тайёргарлик кўрадilar.

1230–1231 йили исмоилийлар таклифи билан келган мўғуллар Озарбайжонни босиб оладilar. Жалололиддин барча ҳоким ва ноибларга мурожаатнома жўнатади, аммо ҳеч ким унга жавоб бермайди ва ёрдамга келмайди. Ҳатто, унинг вазири Шароф ал-Мулк султонга қарши фитна уюштира бошлайди. Ўша вақтда Ганжада кўзғолон кўтарилди, султон амалдорларини қатл қилади. Хоразмийлар кўзғолонни

бостириб, унинг раҳбарларидан 30 кишини ўлдирадилар, саркардаси Бандарни оломон олдида қатл қилиб, жасадини чоғиб ташлайдилар. Ганжага келган Жалолиддин 17 кун куч тўплаб, шу ердан озгина кўшин билан Кичик Осиёга ўтади ва Исфаҳонга қайтиб келади. Шундай кунларнинг бирида Исфаҳонга мўғуллар бостириб келади ва Жалолиддин қочиб кетишга мажбур бўлади. У кичик бир отряд билан Таври тоғларига яширинади. Жалолиддин Ҳёлам яқинидаги Айндор номли қишлоққа етиб боргач, бир гуруҳ курдлар томонидан таланади ва шу ердаги бир курд хоразмликларга қасд қилиб, хун олиш учун (унинг акаси жангда ўлдирилган) Жалолиддинни найза санчиб ўлдиради. Бу воқеа 1231 йил 15 ёки 17 августда рўй берган. Шундай қилиб, буюк хоразмшоҳлар сулоласининг охириги вакили оламдан ўтган ва давлат бутунлай инқирозга учраб, емирилган.

Ўша замон воқеаларининг гувоҳи бўлган Ибн ал-Асирнинг ёзишича, Жалолиддиннинг ўлиmidан кейин мусулмон Шарқдаги халқлар бу жасур лашкарбоши ва улуғ султонни юксак баҳолаб, анча йиллар унинг ҳалок бўлганига ишонмай келганлар. Ватан ҳимояси учун қаҳрамонона курашаётган хон мўғул истилочиларига ҳал қилувчи зарба беришга янги кучлар тўпламоқда, деган турли афсоналар пайдо бўлган. Аммо бу умидлар пучга чиққан. Хулагу бошчилигидаги мўғул галалари Ўрта ва Шарқ мамлакатларига қарши қонли юришларини давом этдириб, Ироқ, Эрон, Озарбайжон ва Грузияда пайдо бўлганда, ҳеч ким бу ваҳший босқинчиларга қаршилиқ кўрсата олмаган.

Парчаланиб кетган Хоразм шоҳи лашкарлари, айниқса, ҳар хил туркий қабилаларнинг вакиллари мўғуллардан қочиб, Олд Осиё мамлакатлари ва вилоятларида жуда кўплаб жойлашиб қолган. Одатда, бундай кишиларни тарихий манбаларда хоразмликлар, деб тилга олинади. Бу кишилар баъзан шунча кўп бўлганки, маҳаллий ҳокимлар буни инобатга олишга мажбур бўлган, чунки улар катта ҳарбий кучга эга эди. Жалолиддиннинг айрим амирлари ва лашкарбошилари Олд Осиё, ҳатто, Миср, Ироқ каби мамлакатларнинг подшолари ва ҳокимларида хизматда бўлиб, маҳаллий ҳукмдор, хон ва султонлар орасидаги кураш ва фитналарда Хоразм ҳарбий



кучлари таянч ролини ўйнаган. Шунинг учун салжукийлар ва айюбийлар валиахдлари хоразмликларни хизматга олиб, уларга ер-мулк ажратганлар. Шаркий Анадолудаги айрим вилоятларда ўша даврда қолиб кетган хоразмликларнинг авлодлари ҳозиргача яшаб келмоқда ва хоразм номи сақланган. Сурияга қочиб борган хоразмликларнинг учта қишлоғи ҳозир ҳам мавжуд.

Шарқда, Ўрта Осиёда илк пайдо бўлган йирик феодал ҳокимиятнинг емирилиши натижасида ва ерли аҳолининг мўғул истилоси туфайли қора кунларни бошидан кечириши фожиаи тус олган эди. Жалолиддин Мангуберди мусулмон давлатларининг маданиятини ваҳший мажусийлардан ҳимоя қилувчи бир қалқон бўлиб хизмат қилган.

Мўғул истилосининг энг даҳшатли оқибатларидан юз минглаб бегуноҳ кишиларнинг ёстиғи қуриб, жуда кўп шаҳар ва қишлоқлар, айниқса, икки минг йиллаб қарор топиб келган ўлканинг ҳаёт манбаи ҳисобланган сув иншоотларининг вайрон қилиниши Хоразмни оғир аҳволга солган эди. Ўша даврда ирригацияда фойдаланилмаган ортиқча сувнинг бир қисми ғарб томон – Дарёликнинг эски ўзани бўйлаб Сарикамиш кўлига уриб кетиши ва бошқа омиллар туфайли Хоразмнинг энг ғарбий чеккасида XIII–XIV асрларда дехқончилик ва шаҳар маданиятининг янги маркази пайдо бўлади. Шубҳасиз, мазкур ҳудудда Хоразмнинг қайта-қайта юксалиши Олтин Ўрда давлатининг иқтисодий, сиёсий ва маданий тарихида Хоразмнинг муҳим роль ўйнаганлиги билан боғлиқ бўлган. Атоқли тарихчи А.Ю. Якубовский «Олтин Ўрда маданияти» деб аталган маданият аслида Волгага олиб келинган Хоразм маданиятидан бошқа нарса эмаслигини ишончли далиллар асосида исботлаб берган. Унинг таърифича, ярим кулдор Олтин Ўрданинг бутун бойлиги босқинчилик билан ташқаридан келтирилган. Бу вақтда Хоразмнинг сиёсий жиҳатдан ҳам қайта уйғонишининг баъзи аломатлари пайдо бўлиб, ўлканинг нуфузли қабилаларидан бири – қўнғиротлар ҳокимлиги тикланди, янги сулола юзага кела бошлади.


Илк ўрта асрларга мансуб эски Вазир яқинидаги Шамоҳа қалъа деб аталган баҳайбат деворли шаҳар-қалъа харобалари XIV асрда яна гуркираб ўса бошлади ва кейинчалик XVI–



Муаллиф И. Жабборов илмий раҳбари профессор С. П. Толстов билан экспедицияда



Хоразм экспедициясида этнографлар билан. 1953 йил




Тупроққалъа



Тупроққалъанинг бугунги кундаги кўриниши



«Топпонхоним». Деворий сурат.  
Тупроқалъа



Арфа чалаётган аёл.  
Тупроқалъа. II–III асрлар

Қадимий ёзув намунаси



Икки минг йил олдин териға ёзилган хужжат



Қадимги битикдан намуна

Ёйандоз йигит. Тупроққалъа




Хоразмшоҳларнинг танга пуллари



Тупроққалъадан  
топилган ҳайкал  
намуналари



Кўйқирилган қалъа. Қазилмалардан кейин юқоридан олинган кўриниши



Кўйқирилган қалъа. Макет кўриниши



Қизилқалъа



Зардуштийлик дафн маросимиға оид буюмлар







Сополдан ясалган илоҳий образлар. Мил. авв II–III асрлар-мил. I аср






Ўрта аср харобаларидан топилган уй-рўзғор буюмлари









Хоразм Маъмур  
академияси



*Буюк Хоразмшоҳлар даври тарихий обидалари*



Хоразм халқ хунармандчилик  
мактаби. XIX аср







*Хива. XX аср бошлари: Ип йигирувчилар*



*Темирчилар*



*Калта минор комплекси*



*Хоразм халқ хунармандчилиги*



Ўзбекистон ва  
Туркменистон  
халқ артисти Комилжон  
Отаниёзов  
1958 йил



Созгар Қодир Салаев



Хоразм халқ рақси



*Хоразм лапарлари ҳамиша янграйверсин*



*Мумтоз мусиқа бизнинг жонимиз*







*И. Жабборов устози С. П. Толстовнинг 100 йиллик юбилейида қатнашган ҳамкасблари билан, 2007 йил*

XVII асрларга қадар яшади. Ҳозирги Ғазавот каналининг давоми ҳисобланган қадимий суғорма ерлардаги улкан Чарманёп канали илгари Замахшар (Змухшир) шаҳарига етган бўлса, XII асрда бу канал қайта тикланиб, чўл ичка-рисига қараб 70 км – то Шоҳсанам қалъасигача чўзилган. Говхўра ҳавзасидаги далаларга ҳаёт қайтиб, Қаватқалъа, Жилдиқ қалъа ва Тупроққалъа харобалари атрофида деҳқон кўрғонларининг пайдо бўлиши тасодифий бўлмаган. Тадқиқотларга қараганда, Қаватқалъа комплексида саккиз километрли тақир ерда тўксондан ортиқ деҳқон кўрғони бўлганлиги аниқланган.

Кўрғонлар атрофида эса майда ер эгалари ва деҳқонларнинг унча баланд бўлмаган пахса деворлар билан ўраб олинган кўплаб чорбоғлари бир-бирига тутшиб кетган. Шуниси муҳимки, кўп хонали ҳовли харобаларининг тархи бир оз ўзгарган ҳолда кейинги Хива хонлиги давридаги кишлоқ меъморчилигида ўз ифодасини топган ва ҳозиргача қисман сақланган. Тархнинг асоси иккита бош бино ёки бинолар гуруҳидан иборат бўлиб, уларни ҳозиргидек бостирмали долон (ёки даҳлиз) иккига ажратиб турган. Деворлар Хоразмга хос пишиқ пахсадан тикланган. Кўрғон деворлари ташқи томонидан кўпинча сувоқ устига ўйиб туширилган нақшлар, қатор бўртиб чиққан ярим устунлар билан безатилган.

Тадқиқотлар туфайли тикланган мазкур қароргоҳлар асли йирик феодалларнинг кўрғонлари, майда ер эгалари ва деҳқонларнинг истехкомсиз чорбоғлари ўша даврда жамиятда рўй берган ижтимоий-иқтисодий тузумдаги ўзгаришларни кўз ўнгимизда жонлантиради. Бу даврда кишлоқдаги катта бой кўрғонлар зодагонлар истехкоми, кичик камбағал кўрғонлар эса паст табақадаги деҳқонларга хос эканлиги жамиятда жиддий табақаланиш мавжудлигининг ёрқин далилидир. Аммо Хива хонлигида то XIX аср охиригача сақланган катта кунгирали (эски буржли қалъаларни эслатовчи) зодагонларнинг маҳобатли кўрғонлари декоратив жиҳатдан анча ўзгарганлиги ҳам кўзга ташланади. Давлат истехкомлари эса тамомила бошқача манзарани касб этади. Бундай ҳолат қадимдан сақланиб, кейин юксалиб кетган

Гулдурсун, Қаватқалъа, Замахшар ва Шоҳсанам каби катта қалъалар мисолида кўз олдимизда очик-ойдин намоён бўлади.

Ўша даврга оид обидалардан қазиб топилган сопол ва бошқа уй-рўзғор буюмлари ҳам Хоразм амалий санъатининг ривожланиши давом этаётганлигини тасдиқлайди. Бир хил рангли ва безакли, феруза сирли идишлар, сиртига бўрттириб нақш берилган серхашам безакли, кулранг ва қора, сирсиз идишлар билан бирга, «рей» ва «кошон» шаклидаги кўп рангли қандил сопол буюмлари ҳам, тоқчалари, ярим устунлари, лой сувоғига ўйма нақш берилган серхашам бино намуналари ҳам бу ерда қадимий нафис санъат анъаналари нақадар кучли эканини кўрсатади. С.П. Толстовнинг фикрича, мўғул истилоси фақат ҳарбий қулдорлик ҳокимиятининг ўрнатилиши билангина кифоя қилиб қолмайди. Бу истилолар яқиндагина муваффақият билан бартараф қилинган феодал тарқоқликка қайтишга, истилочиларга таянган ҳолда ўз халқига қарши иш тутувчи, келгиндиларнинг куч-қувватидан ўзининг тор шахсий манфаатларини амалга ошириш йўлида фойдаланувчи феодал зодагонлар, айниқса, маҳаллий ҳокимлар ва хонлар мавқеининг мустаҳкамланишига, ярим қулдорлик тузумининг қайта тикланишига олиб келган эди.

---

---

## II қисм

# БУЮК ХОРАЗМШОҲЛАР ДАВЛАТИ ВА ШАРҚ РЕНЕССАНСИ

I 6 0 6

## ҚАДИМИЙ ХОРАЗМШОҲЛАР ДАВЛАТИНИНГ ХОМИЙ АВЛИЁЛАРИ ВА МАЪБУДАЛАРИ

Хоразмликларнинг қадимий диний тасаввурлари ниҳоятда хилма-хил ва узоқ тарихга эга. Илк дин шакллари кенг кўламда олиб борилган тарихий ва археологик-этнографик тадқиқотлар туфайли Орол бўйида, Амударё ва Сирдарё куйи оқимида кашф этилган ибтидоий маконларда ўз ифодасини тошган. Милоддан аввалги IV–III минг йилликларга, яъни неолит даврига оид мазкур Калтаминор ва Тозабоғёп маданиятлари бунга ёрқин далил бўла олади. Юқорида кўрсатилганидек, Калтаминор ва Тозабоғёп моддий маданияти объектлари, айниқса, илк деҳқончилик қабилаларининг диний тасаввурлари тўғрисида маълумотни ўз ичига олган Хоразм обидалари орасида ибодатхона сифатида белгиланган қабрлар мажмуи, шунингдек, антропоморф ва зооморф, яъни одамсимон ва ҳайвонсимон шаклдаги ҳайкалчалар муҳим аҳамият касб этади. Катта ҳудудда топилган, пухта ясалган, асосан аёллар тасвирланган терракота (сопол ҳайкалча) лар, шубҳасиз, қандайдир муғиёна образлар билан боғлиқ бўлган. Шартли равишда «неолит Венералари» деган ном берилган, она уруғи шаклланган даврда юзага келган кўхна ҳосилдорлик ибодати билан боғлиқ бўлган аёлларнинг кичик ҳайкалчалари киши диққатини ўзига тортади. Топилмалардаги ҳайвонлар шаклчалари эса хоразмликларнинг қадим аجدодларида тотемизм элементлари пайдо бўлганлигидан ва улар бош маъбуда – ҳосилдорлик ҳомийсига бўйсунганидан дарак беради.

Бу даврда табиат билан инсон бирикиб кетган илк диний тасаввурлар шаклланибгина қолмай, қондошлик муносабатлари дастлаб ҳайвонларга, сўнгра табиий ҳодисаларга

ва уларни гавдалантирувчи рухлар ҳамда уруғ-кабиланинг ҳомий маъбудаларига аста-секин кўчирилган.

Сўнги эллик йил ичида Хоразм ўзбеклари орасида олиб борилган этнографик тадқиқотлар ҳам аجدодлар топинган рухлар ибодатини, тотемистик тасаввурларини, айниқса, аёллар ва хунармандлар орасида сақланиб қолган авлиёлар ҳамда ҳомий маъбудалар ибодати қолдиқларининг аниқ изларини топиш имконини беради. Масалан, хоразмликларнинг куён, сулгин, чағалок (балиқчикуш) каби рақслари, шубҳасиз, муайян тотемистик тасаввурлар билан боғлиқ. Тотемлар ҳам, рухлар ҳам, ҳомий авлиёлар ҳам турли оилавий-маиший маросим ва расм-русумларда, шунингдек, халқнинг бой мифологиясида, оғзаки эпик ижодиётида ўз аксини топган.

Бу жиҳатдан олганда, Хоразмда этнографлар ўтказган қизиқарли тадқиқотлари натижасида кўплаб афсоналарни тўплашган ҳамда маҳаллий аҳолининг маънавий ҳаётида қатта ўрин тутган 130 дан зиёд зиёратгоҳ мазорларни текширишган. Рухлар ибодати ва шомонлик, оилавий-маиший маросимлардаги муғиёналик, ишлаб чиқариш ва турмушдаги ҳосилдорлик ибодатлари, авлиёлар, табиат ва ҳайвонлар билан боғлиқ ибодатлар, шунингдек, оилавий маросимчиликда, айниқса, дафн билан боғлиқ расм-русумларда нисбатан мустаҳкам сақланиб қолган зардуштийлик қолдиқлари бўйича ноёб материал тўпланди. Хоразмлик авлиёлар тўғрисида ёзиб олинган афсона ва ривоятлар тарихий маълумотлар билан қиёсланиб, у ерда машҳур бўлган бир қанча руҳоний ва дунёвий шахслар – шоирлар, мутафаккирлар, таниқли ҳукмдорлар ва уларнинг сафдошлари ҳамда бошқа сиёсий арбоблар муқаддаслаштирилганлигининг ижтимоий-ғоявий сабаблари аниқланди.

Ибтидоий хоразмликларнинг жамоа уйлари олдида ҳар хил маросимлар ва рақс ўйинлари ўтказилганлигини С.П. Толстов ҳам илмий фараз қилган. Қалтаминорликларнинг афсунгарлик ва тотемистик тасаввурлар билан боғлиқ ҳарбий маросимлар ёки шомонларнинг садрга тушиб, рақс-ўйинлар ўтказганлигини этнографик тадқиқотлар орқали қиёслаб тиклаш мумкин.

Маълумки, Хоразм тўйларида, халқ сайилларида кечалари гулхан ёкилиб, атрофида санъаткорлар ва раққосалар яқин-яқинларгача томошабинларга ўз санъатларини намойиш қилиб келганлар. Ҳозиргача сақланган ва археологик қазилмаларда аниқланган деворий расмлардаги тасвирларда бундай маросимларнинг Наврўз байрами вақтида ўтказилганлиги ҳақида Абу Райҳон Беруний ҳам хабар беради.

Тадқиқотчилар Хоразм рақслари ва куйларининг энг қадимийлигини бутун Ўрта Осиёда антик замонда кенг тарқалган, илк ватани Хоразм ҳисобланган зардуштийлик дини ва унинг маросимлари билан боғлайдилар. Асли халқ байрамлари, сайиллари, куй ва рақслари ибтидоий даврлардан бошлаб, айниқса, илк давлатлар ташкил топгандан сўнг диний байрам ва маросимлар билан узвий боғлиқ бўлган. Қадимги Хоразмда ҳам кўп санъат намуналари, байрамлари ва сайиллари диний тасаввурлар билан чамбарчас боғлиқ ҳолда шаклланиб келган. Шунинг учун ҳам маҳаллий маросимлар ва уларда ижро этиладиган рақс-ўйинлар «Авесто» акидаларини ифодалаганлигини тадқиқотчилар қайд қиладилар. Масалан, хоразм лазгисининг қўл элементлари илоҳий руҳдаги ҳарбий рақсларни эслатади. Этнограф Тўра Қиличевнинг таърифича, «ибтидоий хоразмликлар ҳам ирокезларга ўхшаш ҳарбий рақслар ташкил қилганлар ва зафар тантаналари ўтказилганлигини исботловчи қадимий «лазги» ўйини ҳозиргача ўйналиб, ҳарбийлик характерини ўзида сақлаб келаётир». Мазкур ҳарбийлик тизими муайян конун-қоидаларга таянган ўзига хос бошқарув ташкилоти мавжудлигидан дарак беради.

Хоразмда ибтидоий жамоа муносабатларидан мулкчилик муносабатларига ва давлатчилик ришталари пайдо бўлаётган ўтиш даврига оид анчагина археологик ёдгорлик ҳам мавжуд. С.П.Толстов маълумотларига кўра, урушдан олдинги тўрт йил ичида унинг экспедицияси аъзолари аниқлаган ёдгорликлардан 400 дан ортиғи милoddан аввалги IV минг йилликдан милodий XIV–XV асрларгача бўлган катта давр оралиғидаги Хоразмнинг қадимги дунёсини янғича кўз билан кўриш имконини яратди.

Сарикамишбўйи ҳавзаси худудида жойлашган Кўзалиқир шаҳристони ўтиш даврининг асосий обидасидир (милоддан аввалги VI–V асрлар). Бу – ҳарбий истеҳкомларнинг аниқ структураси ва тизимига эга бўлган илк Хоразм шаҳарларидандир. Кўзалиқир тураржой массивида олиб борилган қазиш ишлари жараёнида нақшинкор идиш, қурбонлик амалга ошириладиган тўрт оёкли тош буюм бўлаги, учи куббали бронза буюм парчаси, тилладан ясалган шохдор така боши ва милоддан аввалги VII–V асрларга оид саклар қабрларидан олинган буюмларни эслатувчи бошқа ашёлар ҳам топилди. Қадимги мозорқўрғонлар материалларида ҳам воҳа ва дашт маданиятлари бир-бирига ўзаро кириб боргани аниқ кўзга ташланади. Қадимги Хоразмнинг чекка жойларидаги кўшлаб обидаларни текширганда, уларда дафн расм-русумлари ғоятда хилма-хил бўлганлиги, айни пайтда Хоразмдаги зардуштийлик расм-русумларида остодон типидagi қабрлар кенг тарқалган маҳаллий дафн одатларига ҳам кучли таъсир кўрсатгани маълум бўлди. Энг муҳими мазкур диний ақидага асли дастлабки инсонпарварлик ва ижтимоий утопия ғоялари сингдирилганлигида.

Зардуштийлик таълимотида инсон муаммоси ва мавқеи, унинг эзгулик кучларининг узил-кесил ғалабаси гўё Зардуштдан уч минг йил кейин, унинг уруғидан пайдо бўлган халоскор – Саошянга келгандан сўнг намоён бўлади (бу ғоя кейинчалик жаҳон ва бошқа динларга ўтган). Инсоннинг асосий бурчи одиллик турмуш тарзи – «эзгу фикр», «эзгу сўз», «эзгу иш» орқали ёвузликка қарши кураш воситалари бўлиши зарур. Бундай ғоя, шубҳасиз, гуманистик зардуштийлик таълимоти негизида вужудга келган тарихий зарурат бўлиб, уни бутун Ўрта ва Олд Осиёда биринчи жаҳон дини Зардуштнинг илк пайғамбар қилиб кўтарилишига сабаб бўлган.

Тарихий ва археологик маълумотларга қараганда, милоддан аввалги II минг йиллик ўрталарига келиб Ўрта Осиёда жиддий ўзгаришлар рўй берган. Юқорида қайд қилганимиздек, бу даврда табиат ўзгариши, айниқса, хавонинг совиши ва бошқа баъзи сабабларга кўра сон-саноксиз қабила ва элатлар ҳаракатга келади. Ўша даврда Амударёнинг Жа-

нубий Оқчадарё хавзаси майдонларини одамлар ўзлаштира бошлаганлар. Унинг ён ўзанлари бўйлаб Жанубий Уралбўйи даштларидан келган андронов аҳолиси маҳаллий сувёргон қабилалари билан аралашиб кетган (асли генетик жиҳатдан хоразмдаги калтаминорликларга тақаладиган) элатлар жойлашган. Бу маконларнинг кашф этилиши натижасида, у ердаги кулба ва қишлоқларнинг қолдиқлари, кўхна арик тармоқлари ва далаларнинг аниқ излари, жанубий Оқчадарё дельтаси аҳолисининг хўжалиги, уйлари ва тураржойлари тўғрисида археологларимиз жуда бой материалларни қўлга киритдилар. Хоразм бронза (жез) даврига оид бу кашфиётлар фанда мутлақо номаълум бўлган узоқ ўтмишдаги ижтимоий тузумни қайта тиклаш имконини берди. Қадимги тозабоғёпликларнинг моддий маданиятини ўрганиш, уларнинг илк давлат шаклидаги этник бирикма сифатида Евроосиё дашт бронза маданияти доирасига яқинлигини, асли хавзанинг серунум тупроғидаги деҳқончилик хўжалиги типига жанубий деҳқончилик маданиятининг таъсирида ривожланганлигини кўрсатади ва бу ерга аҳолининг айрим гуруҳларининг кўчиб келганлигини исботлайди.

Абу Райҳон Берунийнинг таърифича, Хоразмда милоддан аввалги 200 йилда Кайковуснинг ўғли Сиёвуш дастлабки хоразмшоҳлар – сиёвушийлар сулоласига асос солган. Мазкур сулола дастлаб Африғийлар, кейин Маъмунийлар давригача, яъни эрамизнинг 995 йилигача ҳукмронлик қилган ва қўшни давлатлар билан доимий иқтисодий ва маданий алоқада бўлган.

Агар Хоразм зардуштийлик таълимотининг ватани деган фикр ҳақ бўлса, бу кўхна ўлкада Мидия подшолигидек қабилавий конфедерацияга асосланган давлат милоддан аввалги IX–VIII асрларда шаклланган бўлиши мумкин. Чунки ўша даврлардан бошлаб Мидия подшолиги кучайиб, қўшни мамлакатларга тажовуз қила бошлаган ва ўз чегарасини Амударё соҳилларига етказган. Мазкур подшоликдан ажралиб чиққан янги Форс (Эрон) подшолиги Кир бошчилигида Кичик Осиё, Бақтрия, Суғд ва Хоразмни ўзига бўйсундирган. Аммо унга қарам ҳисобланган Хоразм давлати ўз мустақиллиги учун курашиб жиддий қаршилик



кўрсатган. Шундай қаршиликлардан бирида хоразмликлар кучли Кир қўшинларини тор-мор қилиб, уни ўлдиришган. Демак, милоддан аввалги I минг йиллик ўрталарига келиб Эрон, Мидия, Оссурия каби империяларга қарши чиқа олган Хоразм давлати ўз қудратини намоёни қилган. Хоразмликлар ўз кучларини кейин Ахоманийлар ва Искандар вақтида ҳам кўрсатганлар.

Агар муайян ижтимоий тузум билан боғлиқ ёзув асли бир қанча асрлар, ҳатто минг йилларда пайдо бўлишини инобатга оладиган бўлсак, ушбу минтақада давлатчилик милоддан аввалги II минг йилликларда юзага келган, деган фараз мантиқий жиҳатдан асослидир.

Шуниси қизиқки, Зардушт таълимотидаги инсон муаммоси жўшқин руҳда «Шохнома»да ҳам оташин сатрларда куйланади.

Мазкур ғоя умуминсоний эзгу ниятларни ўзида мужассамлаштирган инсонпарварлик таълимоти асосида жамиятни бошқариб турган давлат тузумига хос мафкура бўлиб хизмат қилганлиги табиийдир.

Бундай зарурат Ўрта Осиё шароитида реформатор сифатида Зардуштни биринчи пайғамбарлардан бири қилиб тарих саҳнасига кўтарган эди.

Яна бир ўзига хослик – бу диндаги дафн маросими. Унга биноан тобут ва жасад билан боғлиқ кишилар (ўлик ювувчи) бутун умр нопок ҳисобланиб, улар олов, сув, муқалдас буюмлардан 30 қадам, бошқа одамлардан уч қадам узоқликда бўлиши, яъни яқинлашмаслиги шарт ҳисобланган. Шундай қилиб, табақалаш диний жиҳатдан муқаддаслаштирилган. Ҳатто ётиш-туриш ҳам табақаларга қараб тайинланган. Масалан, хўрознинг биринчи қичқириши билан, дастлаб, олов меҳроби хизматчиси, иккинчи қичқиришида – деҳқон, учинчисида – бошқа одамлар уйғониши зарур.

Энди яна мазкур диннинг пайғамбари Зардуштнинг илк ватани Хоразмга қайтайлик. Кейинги йилларда ўтказилган тадқиқотларга биноан С.П. Толстовнинг ёзма манбаларига ва археологик казишмаларига асосланиб, зардуштийликнинг келиб чиқиши тўғрисидаги фикрлар яна ҳам мустаҳкамланади.

## МИНГ ЙИЛЛИК СУЛОЛА ВА БУЮК ХОРАЗМШОҲЛАР ШАЖАРАСИ

Машхур тарихчи Наршахий ўзининг «Тарихи Бухоро» номли ажойиб асарида қадимги даврлардан «бу ерда халқ орасида хоразмшохларнинг кумуш тангаси муомалада бўлган», деб ёзади. Антик даврни жиддий ўрганган С.П. Толстов экспедицияси Хоразм худудида ниҳоятда кўп сонли танга нусхаларини топган эди. Бундай топилмалар нафақат Амударё ва Сирдарё воҳасида, балки узоқ-яқин мамлакатларда ҳам кашф этилган. Наршахийнинг таърифича, ҳатто VIII асрга келиб Хоразм дирхамлари Бухоро тангаларини сиқиб чиқарган.

Хоразм экспедицияси ходимлари африғийлар давлатининг пойтахти ҳисобланган Тупроққалъа харобаларидан ва унинг теvaraгидан, Норинжон ва Бургутқалъа атрофларидан ҳамда уларга яқин қасрлардан, Анқақалъа, Уллигулдурсун, Қўшпўрсан, Жилдиққалъа, Аёзқалъа каби харобалардан дастлабки йиллардаёқ мингдан ортиқ танга нусхаларини, асосан мис тангаларни топганлар. Маълумки, асли танга-чақа зарб этиш нафақат давлатчилик, балки муайян давлатнинг мустақил эканлигидан далолат беради. Хоразм тангаларининг кўпчилигида, айниқса, кумуш ва олтин тангаларида айрим подшолар ёки афсонавий образларнинг зарб қилиниши ҳам бу ерда ўзининг ички ва ташқи сиёсатини олиб борган қудратли давлат тузуми мавжуд бўлганлигини тасдиқлайди. Ҳатто, кўпчилик тангалар муайян тамгаларга эга эканлигини инобатга олсак, бу давлатда нафақат мустабид подшолар, балки айрим вилоятларда ҳукмдорлар мустақил ижтимоий-иқтисодий сиёсат олиб борган бўлсалар ажаб эмас.

Шуниси қизикки, милoddан аввалги I асрдан милодий VIII асргача, яъни араб истилосига қадар бўлган даврга оид топилган Хоразм тангаларида тасвирланган чавандоз образи кўп жиҳатдан хоразмшохлар сулоласига асос солган афсонавий Сиёвуш образини эслатади. Қадимий афсона ва дostonларда тасвирланган, Авестода Сиёваршан номи билан тилга олинган, паҳлавий адабиётида ва машхур «Шохнома»да ҳам,

хатто Абу Райҳон Беруний асарларида ҳам Сиёвуш (яна бир диккатга сазовор номи Сиёвахш) фақат яримхудо – қаҳрамон сифатида тасвирланади.

Тадқиқотчилар тангалардаги расмларга қараб уларни икки гуруҳга бўладилар: сиёвушийларнинг бизга маълум бўлган қадимги тамғаси босилган кумуш танганинг ўнг томонига мунчоқ ёки тўқа билан безатилган думалоқ тож кийган соқолли подшонинг бежирим қилиб ишланган расми туширилган; танганинг тескари томонида тантанали равишда қадам ташлаб бораётган от минган чавандоз сурати ва емирилган қадимий юнон ҳарфларидан иборат ёзув. Шу тарздаги мис тангаларнинг тескари томони марказида Хоразм ёзуви билан безатилган тамға белгиси; ўнг томонида соқолли ёки соқолсиз тож кийган подшо сиймосидаги ромб шаклда мунчоқлар билан ҳошия қилиб безатилган расм. Иккинчи гуруҳга, анча кенг тарқалган, Ўрта Осиёнинг турли районларидан, шимолда Тошкент водийсидан Шимоллий Ҳиндистонгача «герай тангалари» номи билан тарихга кирган, бир томонида подшонинг бюсти, тескари томонида чавандоз тасвирланган тангалар ҳам жуда кўп топилган. С.П. Толстов таърифлаганидек, энг қадимги Хоразм тангаларининг Грек-Бақтрия тангаларига ўхшашлиги сулолалар ўртасидаги алоқаларга ҳам боғлиқ бўлиши эҳтимолдан холи эмас, чунки қадимги замонда зарб қилинган аксарият тангаларга ана шу нарса хос эканлиги аниқ сезилади.

Танга муносабатининг пайдо бўлиши давлатда ижтимоий-иқтисодий ҳамда маданий баркамоллик ва осойишталик ўрнатилганлигининг ёрқин далилидир. Цивилизация яратган маҳаллий элатлар моддий маданиятининг яна бир кўриниши ўша даврга оид археологлар кашф этган уй қурилиши ва рўзғор буюмлари, кийим-кечак ва безакларнинг намуналари, айниқса, қаср ва қалъа харобаларидан топилган тангалар, ҳайкаллар ва деворий расмларда аниқ тасвирланган. Ҳашаматли кийим кийган қандайдир афсонавий образлар, шубҳасиз, замонасининг тўқ-фаровон яшаган зодагонлари вакиллари дир.

Топилмаларда тасвирланган қадимий хоразмликларнинг кийим-бошлари Яқин Шарқдаги қабилаларнинг

кийимлари билан жуда кўп умумийликка эга эканлиги, уларнинг «фригия қалпоғи» ва узун қўнжли этикларидан тортиб, хотин-қизларнинг сарполари ва безакларигача – ҳаммаси қадимги Оссурия (хетт) ва Эрон кийим-бошлари, бўртма нақшинкорлиги ва грек санъати ёдгорликларидан маълум. Турли безак ва тақинчоқлар осган, узун бурма ипак кийимлар кийган аёллар образи мамлакат аҳолисининг турмуш тарзи ва маданиятини тушунишга имкон беради. Мазкур тарихий алоқалар Марказий ва Ғарбий Евроосиё халқлари этногенези ва этник тарихининг баъзи ечилмаган муаммоларини ҳал қилишга ёрдам беради. Шуниси муҳимки, Ўрта Осиё халқлари яратган юксак тамаддун ва илк давлатлар энг қадимий даврлардан моддий-маданий жиҳатдан узоқ-яқин Евроосиё халқлари ва давлатлари билан доимий алоқада бўлган. Шунинг учун ҳам нафақат моддий маданият умумийлиги, савдо-сотикнинг мустақамлиги, балки давлат бошқариш усуллари, солиқ тизими каби масалаларда ҳам яқиндан уйғунлик мавжудлигини аниқлаш мумкин.

Империяда рўй бераётган ижтимоий ва сиёсий жараёнда Хоразм муҳим роль ўйнаган бўлса керак, чунки танга пулларни текшириш натижасида олинган маълумотларга қараганда, III асрдаёқ ўз мустақиллиги учун кураш бошлаган. Бу муносабат билан ички сиёсат ларзага келади, натижада Хоразм территориясида иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан мустақил бўлиб олган қатор айрим ҳокимликлар вужудга келади. Тупроққалъа саройи залларининг бирида бошига тож кийган ва қўлига бургут ушлаган подшо ҳайкалининг топилиши, шунингдек, Анкақалъа яқинида ҳам бошида тож, қўлида бургут ушлаган киши расми солинган танганинг топилиши ва бу тангаларнинг шу жойда зарб қилинганлиги маҳаллий сулола ҳокимияти ўрнатилганидан гувоҳлик беради. Топилган тангаларда лотин алфавити билан «s» ҳарфига ўхшаш сиёвушлар тангасининг борлиги бу сулола сиёвушлар авлодидан бўлган бўлиши мумкинлигини кўрсатади. Милодий III аср ўрталарида нафақат Кушон империясида, балки бутун Ўрта Шарқда катта сиёсий ўзгаришлар рўй берди. Кушон-

лар сулоласи билан бир вақтда Парфия аршакийларининг хукмронлиги емирилади. Ўрта Осиёнинг бир қисмида давлат тепасига сомонийлар сулоласи келади. Бу даврда Хитой империяси ҳам емирила бошлайди.

Аммо Хоразмда кушонлар билан кураш ва ички сиёсий ларзалар қудратли маҳаллий сулолани вужудга келтиради. Бу сулола ўз тангаларини зарб қилади ва шаҳарларда ўзларига саройлар қуради, қўшни кучли давлатларда бўлаётган ларзалардан фойдаланиб бутун дунёга хукмрон бўлишга даъво қила бошлайди. Тангаларни текшириш натижасида олинган хулосаларга қараганда, Хоразм мустақиллиги VIII асрнинг охирларигача давом этади.

Шундай қилиб, III асрдан Хоразмда кушонлар билан курашда ғолиб чиққан сиёсий гуруҳ – африғийлар сулоласига асос солинади. Бу янги сулола Тупроққалъага таянган ҳолда ўз ҳокимиятини дастлаб воҳанинг ўнг қирғоғида ўрнатади. Тупроққалъа харобаларини текшириш унинг нафақат катта давлат таянчи – шоҳлар қароргоҳи, балки пойтахт бўлганлигини кўрсатади.

Кушон давлати ўрнатилгандан кейин Хоразмда маҳаллий танга зарб қилиш деярли тўхтатилиб, Кушон подшоларининг тангалари тарқала бошлади. Хоразм ҳудудида Кадфиз II, Канишка, Хувишка, Васудева номли подшоларнинг исмлари зарб қилинган 60 га яқин танга топилган. Кўп тангаларда илгариги маҳаллий сулола – сиёвушийларга оид тамға мавжуд бўлган. Бу эса кушон даврида ҳам Хоразм ўзининг мустақиллигини сақлаб қолишга интилиб келганлигини кўрсатади.

Танга намуналари, хўжаликка оид архив ҳужжатлари Африғийлар давлатида бошқариш ва солиқ тизими такомиллашган ҳамда муайян тартибга солинганлигини тасдиқлайди.

Шубҳасиз, Тупроққалъадан топилган жуда бой археологик материалларни пухта текшириш билан хоразмликларнинг III–IV асарлардаги хўжалик фаолияти, жумладан, қишлоқ хўжалиги ва ҳунармандчилиги, ҳарбий тизим, бадий маданияти ва ёзувини тўла равишда тасвирлаш мумкин.

Бутун Хоразмда шоҳларнинг тенги йўқ дабдабали қароргоҳи бўлган Тупроққалъа саройи номаълум сабабларга

кўра IV асрга келиб ташландиқ ҳолатга келиб қолади, шаҳардаги бўшлиқ эса VI асргача давом этади. Худди шу даврда Амударёнинг ўнг ва сўл қирғоғидаги алоҳида суғориш иншоотлари ҳам инқирозга учрайди. Катта магистрал каналларининг қуйи оқимидаги тармоқлари бутунлай ишдан чиқади. Қадимги Қалтаминор сув тизими ниҳоят қисқариб кетади. Сўл қирғоғидаги суғориладиган кўп ерлар чўлу биёбонга айланиб, анча шаҳарлар хувиллаб қолади.

С.П. Толстовнинг таърифича, Тупроққалъа шаҳри ва ундаги саройнинг қурилиши ҳам даставвал муҳим сиёсий аҳамиятга эга бўлган воқеа ҳисобланади. Чунки бу иншоотнинг бунёд этилиши тарихда «Хоразм эраси»ни бошлаб берган воқеа, деб юксак баҳолайди Сергей Павлович. Сабаби милоддан аввалги II асрда дашт қабилаларининг босиб келиши натижасида қудратли Грек-Бақтрия давлати емирилиб, Парфия инқирозга учраб, барбод бўла бошлайди. Кангюй маданиятининг тушқунликка юз тутиши, Амударё этакларида ягона Хоразм давлатининг тикланиши ва кучайиши янги сулоланинг пайдо бўлиши билан боғлиқ эканлигини намоён қилади. Балки африғийлар сулоласи сиёвушийлар анъаналарини давом эттириб, ўз кучини кўрсатиш учун ҳашаматли Тупроққалъани бунёд қилгандир. Янги сулоланинг қуйи Амударё воҳасида пайдо бўлиб, хоразмшоҳлар билан боғлиқ янги йил ҳисобининг, Абу Райҳон Беруний кўрсатганидек, ўша даврдан бошланиши ҳам бежиз бўлмаган. Чунки мазкур шаҳар-қалъанинг яратилиши Хоразм давлатининг қайтадан тикланиб, мустақилликка эришганлигининг рамзи сифатида африғийлар тахтининг мустаҳкамлиги ва унинг қадимий тарихий ва мафкуравий анъаналар билан боғлиқлигини ифода этиши мумкин. Бу фикрни тасдиқлайдиган яна бир далил—милоддан аввалги IV–III асрларда Хоразмда оромий ёзуви билан зарб қилинган африғий тангаларининг тарқалиши ҳисобланади.

Тадқиқотчилар орасида Тупроққалъа мамлакатнинг пойтахти бўлганми ё пойтахт бошқа шаҳар ҳисобланганми, деган баҳслар ҳозиргача давом этмоқда. Кўпчилик олимлар, жумладан, С.П. Толстовнинг ўзи ҳам, мазкур обидани пойтахт билан

боғлиқ давлатни бошқариб турган подшоҳлар қароргоҳи деб ҳисоблайдилар. Эҳтимол, бу ерда истиқомат қилувчилар асосан зодагонлар, хизматкорлар ва қўриқловчи аскарлардан иборат бўлгандир. Шаҳар ҳудудида бозор ва ҳунармандлар рас-таларининг йўклиги ҳам мазкур фикрни қувватлайди. Асли сарой биноси, унда топилган ёзма ҳужжатлар Тупроққалъа, шубҳасиз, кулларнинг оғир меҳнати, меъморларнинг зўр маҳорати, ижодкорларнинг нафис санъати мужассамланган антик Хоразм ижтимоий тузуми ва давлатчилигини ифода-ловчи муқаддас ноёб обида ҳисобланади.

Тупроққалъа мамлакатнинг бош шаҳри – пойтахти бўл-май, сулола ҳукмдорларининг марказий қароргоҳи бўлган. Уни қўшни Парфия подшоҳларинишг истехкоми, кўшк-саройи ва ибодат маркази ҳисобланган Эски Нисо билан қиёс қилса бўлади. Аммо хоразмшоҳлар қароргоҳи ўзининг тарҳи, қурилиш услуби ва баъзи вазифалари жиҳатидан Ни-содан ажралиб туради. С.П. Толстовнинг фикрича, Тупроқ-қалъа архитектураси кўп жиҳатдан Месопотамия иншоот-ларига ўхшаб кетади. Қалъада қурилган уйлар сатҳидан анча баланд кўтарилиб қурилган сарой бинолари муқаддас тоғларни ифодаловчи қадимий шарқ иншоотларини эслата-ди. Бунга қадимий Бобил ва Оссурия билан хоразмликлар-нинг баъзи архитектура элементлари ва қурилиш услубидаги умумийлик мисол бўла олади.

Мазкур умумийлик негизида ахоманийлар узоқдаги Хоразм сатрап (қарам вилоят)ини бошқариш ва назорат қилиш мақсадида жануб сатрап ҳисобланган Месопотами-ядан ҳар хил касбдаги кишиларни юбориб, улар Хоразмга ўзларининг қурилиш услуби ва архитектура анъаналарини, айрим мафкуравий тасаввурларини мужассам этганлар. Аммо ахоманийларга қарам бўлган Хоразм ҳудудидаги Кўзалиқир харобалари текширилганда, унда ҳам милоддан аввалги VI–V асрларга оид маҳаллий ҳокимнинг кенг сарой комплекси мавжуд бўлиб, Тупроққалъадан фарқли равишда анча архаик қурилиш анъаналари сакланганлиги маълум бўлди. Бир асрча кейинроқ қурилган ниҳоятда мустаҳкам деворли Қалъалиқир-I шаҳар-қалъаси, аксинча, қурилиши жиҳатдан бир оз фарқ қилади ва ахоманийлар саройларига

кўпроқ ўхшайди. Балки Қалъалиқир-1 истехкоми Хоразм сатраплигининг маркази ҳисобланган ва унга серунум бой ўлкани назорат қилиш, бошқариш ва солиқ тўплаш вазифалари топширилган, яъни сатрапнинг пойтахти бўлиб хизмат қилган.

Тешикқалъани текшириш шуни кўрсатдики, бу қаср катта ерли дехқон оилалариники бўлган. Бу даврда дехқон оилаларининг қаср ва кўрғонлари асосан катта-кичиклиги билан фарқ қилиб, зодагон дехқонлар оддий дехқонларга қарама-қарши ижтимоий гуруҳлар эмас, аксинча, ҳаммаси бир ижтимоий табақа ҳисобланган. Ўша вақтда маҳаллий зодагон «деҳқон» сўзи билан аталган. Демак, янги ижтимоий тузум – феодализм ҳали ғалаба қозонмаган, аммо унинг белгилари ҳамма ёқда яққол сезила бошлаган. Зодагонларнинг дабдабали қасрлари катта сув иншоотларининг бошини аста-секин эгаллаб, оддий дехқон кўрғонлари устидан ўз ҳукмини ўткази бошлайди. Кўрғонларни мустаҳкамлашдан мақсад, уни ташки душмандан мудофаа этишигина эмас, балки, ўзидан кучли зодагонлардан ўз озодлигини ҳимоя қилишдан иборат бўлган. Бу даврга оид баъзи бир манбалар Хоразмнинг ички аҳволида жиддий ижтимоий тўқнашувлар мавжудлигини кўрсатади. Воҳадаги истехкомларнинг мустаҳкамланганлиги, моддий ва маданий соҳада ўзига хос тор доирадалиги Хоразмнинг сиёсий ҳамда иқтисодий жиҳатдан Ўрта Осиёнинг бошқа вилоятларидан ажралиб қолганлигини кўрсатади. Бу факт VIII асрга келиб араблар истилоси арафасида Хоразмшоҳлар олий ҳокимиятининг заифлашганлигидан дарак беради.

Араб лашкарлари Хоразмга келишидан бир оз илгари маҳаллий аҳолининг жойланиш манзарасини Бургутқалъа харобалари атрофидаги жуда кўп қалъача ва қасрлар хувиллаб ётганлиги мисолида кўришимиз мумкин. Ҳар бир қаср баланд деворлар билан ўралган мудофаа иншоотларини эслатиб, ўша даврда аҳоли қандайдир ҳарбий хавф остида яшаганлигини кўрсатади. Тахминан узунлиги 25 км, эни 2–3 км бўлган қадимий канал бўйлаб чўзилган воҳада юздан ортик мустаҳкам катта-кичик қаср-ҳовлилар жойлашганлиги аниқланган. Улар шимолда Қирққиз қалъа-



сигача, жанубда Тешикқалъа қасригача юз-икки юз метр оралиғида қурилган катта шинакли деворлар билан ўралган қасрлар ва майда деҳқонларнинг ҳовлиларидан иборат бўлган.

Мазкур катта қасрли қалъачалар африғийлар давридаги зодагонлар тураржойи бўлса, майдароқ қаср-ҳовлиларда катта патриархал типдаги эркин деҳқонлар оилалари истиқомат қилган. Бургутқалъа воҳасида яшовчи аҳоли асосан бош каналга яқин жойда қаср қурдирган ва уларнинг жойланиши табақаларга қараб – сув бошида каттароқ ёки бойроқ зодагонлар ёки жамоа бошлиқларининг, сув этагида эса, камбағалроқ деҳқонларнинг кичик қасрлари қад кўтарган. Демак, феодал табақаланиш жараёни мустаҳкамланган қаср-қалъа архитектурасида ўз ифодасини топган. Аммо юзлаб қаср-ҳовлилар муайян қон-қариндошлик тамойилига асосланиб айрим гуруҳларни ташкил қилган. Бундай африғийлар қишлоқларининг тузилиши асли илк феодал тузуми билан боғлиқ эканлигини кўрсатиб турибди.

Бургутқалъа комплексига кирган ўзига хос қишлоқ қаср-ҳовлилари араб истилоси туфайли IX асрларда харобаликка айланиб, аста-секин сўнади. XI–XII асрларда воҳа тақирликларга айланиб, бу ерда яхши сақланган баъзи қасрлар чегара ҳарбий аскарларининг тураржойига айланган. Стратегик жиҳатдан муҳим ҳисобланган Аёзқалъа ва Тешикқалъа бунга мисол бўла олади.

Бургутқалъа мисолида, бу воҳа кўрғонларини ўрганиш натижасида, шаҳар-қалъалар атрофидаги ҳовлилардан иборат қишлоқ манзилгоҳларида деҳқон аҳолининг кўпчилик бўлиб яшайдиган оилалардан иборат жамоа структура-сининг ўзига хослигини аниқлаш мумкин бўлди. Айрим манбалар ва археологик маълумотларга кўра, ўрта аср африғийлар давридаги хоразмликлар маданияти, афтидан, кўпроқ шимоли-шарқдан, Сирдарёнинг қуйи оқими ҳамда Оролбўйи минтақаларидан келиб қолган сўнгги сак қабилалари иштирокида вужудга келган.

Хоразм қишлоқ манзилгоҳлари ва тураржойларини (I–XIV асрлар) ўрганиш натижасида уларнинг ўша замондаги эволюциясини кузатиш, фақат ер эгаллиги ва ердан фойдаланиш

масалаларини кўриб чиқишгина эмас, балки хоразмликларнинг замонавий меъморчилиги ва бинокорлик техникасининг теран илдизларини ҳам аниқлаш мумкин бўлди. Масалан, тураржойни режалаштиришнинг VII–VIII асрларда кенг тарқалган икки туридан ҳозирги Урганч ва Хивада ҳам фойдаланилади. Қишлоқ тураржойларини режалаштиришнинг деярли икки минг йиллик давр мобайнида бу қадар барқарор сақланиб қолиши оила шакллариининг, кўп кишилиқ оила жамоаларининг эволюциясини ва маҳаллий аҳоли этногенетик жараёнларининг бошқа жиҳатларини тадқиқ этиш учун имкон яратади.

Сарҳадлари Каспий денгизидан Хўтангача ва Хоразмдан Шимолий Ҳиндистонгача бориб тақалувчи қудратли Кушон давлатини, кейин эса Эфталитлар давлатини барпо этган, илдизи массагетларга бориб тақалувчи халқларнинг Ўрта Осиё худудида етти аср давомида ҳукмронлик қилиши фақат ажойиб санъат асарларидагина эмас, балки аҳолининг этник таркибида ҳам ўз изини қолдирди.

В.В. Бартольд VIII асрдаги Хоразмни назарда тутган ҳолда: «Араблар бу ерда атрофдаги вилоят аҳолисидан кийим-кечаги билан ажралиб турувчи ҳамда бошқаларга тушунарли бўлмаган ва ёзма ҳужжатларда ишлатиладиган алоҳида тилда гаплашувчи ўзига хос аҳолига дуч келдилар», – деб ёзган эди.

Тарихий-археологик маълумотларга қараганда, араб истилоси арафасида Хоразм жиддий тангликни бошдан кечирмоқда эди. Бу пайтда Хива, Шовот Тупроққалъаси, Кўхна Урганч шаҳарлари таназулга юз тутди, Капарас, Қалъажик қалъаларида, Хива шаҳри яқинидаги Тупроққалъада, Тўққалъада ва бошқа жойларда ҳаёт сўниб борди. Суғориладиган экин майдонлари кескин қисқариб кетди, хунармандчилик ишлаб чиқариши таназулга юз тутди. Ички инқироз туфайли заифлашган Хоразм ўз худудига кириб келиб, воҳада ўтроқ бўлиб қолган ярим кўчманчи ва кўчманчи қабилалар сиқувига дош беролмади. Бу омилларнинг барчаси хоразмликларнинг ижтимоий ва этник киёфасига ўз таъсирини ўтказди.

Хоразмда – Кўхна Урганч ва Хивада шаҳар бўшлиғи тикланиб, мўғул истилоси арафасида гуркираб ривожланди.

Ўзма манбалар ҳам, археологик қазилмалар ҳам бундан далолат беради. Бу ерда янги меъморий иншоотлар қад кўтарган, янги масжид, минора ва мадрасалар қурилган, карвонсаройлар барпо этилган, қалъа деворларининг бузилган қисми тикланиб, мустаҳкамланган.

Шуни таъкидлаб ўтиш зарурки, айрим тадқиқотчилар таърифича, «бутун Ўрта Осиёдаги каби, Хоразмда ҳам VII–XII асрларда шаҳарлар янгиларини қуриш ҳисобига эмас, балки, асосан эскиларини тиклаш ҳисобига ривожланди. XI–XII асрларда воҳа сарҳадларида қалъалар жадал қурилганлиги, янги шаҳарлар бунёд қилинганлиги археологик жиҳатдан қайд этилган. Бироқ янги шаҳарлар майдони катта бўлмаган». Шундай бўлса-да, археологларнинг сўнгги қазилмаларидан маълум бўлишича, бу қалъалар атрофида камида 1–1,5 километр кенликда анча зич ҳовли-жойлар қурилган, улар алебастр ва сирли кошин билан безатилган. Бу ерда катта-катта карвонсаройлар ва бошқа иншоотлар барпо этилгани ҳам хоразмшохлар даврида шаҳарлар ривожланганидан далолат беради. Олтин Ўрда хонлиги даврида янги қалъалар, карвонсаройлар ва шаҳар атрофидаги тураржойлар анча жадаллик билан қурилган.

Африғийлар даврига оид обидаларни қазиб текшириш Хоразм давлатининг VI–VIII асрлар ва илк ислом давридаги ижтимоий-иқтисодий бўшлиғини аниқлашга имкон беради. Даставвал, йирик шаҳар-қалъалар атрофида мусулмонлик давригача юзлаб қаср-ҳовлиларнинг пайдо бўлиши бу ерда феодал мулкчилиги ва давлатчилиги шакллана бошлаганлигидан далолат беради. Тадқиқотчиларнинг фикрича, араб-форс муаллифларининг IX–XI асрларда Ўрта Осиёда шаҳарлар теварагида юзлаб қаср (кўшк)лар мавжудлиги тўғрисидаги битиклари мазкур ҳудудда бой феодал зодагонлар билан бирга «савдо капитали»га эга йирик савдогарлар ҳам юзага келганлигидан дарак беради. Аммо Хоразмдаги йирик ер эгалари истиқомат қилган катта қалъачалардан ташқари, ҳали қарам бўлмаган жамоачилик тузумида яшаб келаётган мулкдорлар бўлганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд. Хоразм воҳасида 150–200 метр масофада жойлашган юздан ортиқ қаср (кўшк)ларда катта оилали деҳқон жамоалари яшаганлиги

аниқланган. Масалан, араб сайёҳи Истаҳрийнинг таърифича, Бухородаги учта шаҳар ариқлари бўйлаб тўрт мингта «қаср» мавжуд бўлган. Наршахий таърифича, араблар келиб, Бухородан ҳайдалган кушон савдогарлари шаҳар атрофида 700 та «қаср» тиклаганлар. Ёкутнинг ёзишига қараганда, кичкина Уструшона вилоятида 400 та «қаср» мавжуд бўлган, атоқли араб сайёҳи Мақдисийнинг бизга етиб келган ёзувларига биноан Хоразмда кичкина Миздахқон шаҳари атрофида «ўн икки минг қаср» мавжуд экан.

Бундай маълумотлар, шубҳасиз, бутун Ўрта Осиёда араб истилосидан кейин, айниқса, X–XII асрларда ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан жиддий жараёнлар бўлганлигини кўрсатади. Шаҳар маданиятининг гуркираб ўсиши, унинг атрофида аҳолининг, кўшкучи хиёбонлар ва қаср-ҳовлиларнинг кўпайиши, савдо-сотикнинг ривожланиши мингтақада, шу жумладан Хоразмда ҳам давлатчиликнинг равнақ топиши, янги сиёсий тузум мустақамланишининг ёрқин ифодаси эди.

Шуни ҳам алоҳида қайд этиш лозимки, бу даврда хоразмликлар эмиграцияси кучайиб, кўшни мамлакатларда Хоразм колониялари пайдо бўла бошлайди. Айрим муаллифларнинг ёзишича, хоразмликларнинг кўпчилиги кўшни мамлакатларнинг шаҳарларида жойлашган. Масалан, тарихий маълумотларга қараганда, «Хуросонда биронта катта шаҳар йўқки, унда кўплаб Хоразм аҳолиси яшамасин... Уларнинг мамлакатада олтин йўқ, кумуш конлар ҳам, қимматбаҳо тошлар тўғрисида эса сўз ҳам бўлиши мумкин эмас: бойликнинг катта қисмини турклар билан савдодан ва мол боқиб кўпайтиришдан топадилар. Кўшни турк қуллари билан бир қаторда, славян ва хазар қулларининг катта қисми, дашт тулкиси, соболь, тулки, қундуз мўйнасининг катта қисми ҳам уларнинг кўлига тушади».

X асрда Хоразмнинг йирик ҳунармандчилик, деҳқончилик ва чорвачилик марказига айланганлиги ҳамда хоразмликларнинг иқтисодий жиҳатдан фаоллигининг тез суръатлар билан ўсганлигини исботловчи маълумотлар ал-Мақдисий асарларида ҳам ёзиб қолдирилган. У Хуросон музофотларидан халифалик ўлкаларига чиқариладиган мол-

ларни тасвирлар экан, энг узун рўйхатни Хоразм моллари учун тузади:

«Хоразмдан – соболь, кулранг олмахон, оқ сичқон, дашт тулкиси, сувсар, тулки, қундуз, бўялган куён ва эчки терилари, мум, камон ўқи, оқ терак пўстлоғи, қалпок, балиқ елими ва балиқ тиши чиқарилади; қундуз териси, анбар, кимухт (терининг бир тури), мис, ўрмон ёнғоғи, қилич, совут, қайин, славян қуллари, лочинлар, қўй ва сигирлар – буларнинг ҳаммаси булғордан келади. Хоразмда узум, майиз, кунжут, йўл-йўл кийимбошлар, гиламлар, кўрпалар, ажойиб кимхоб, «мулҳам» деган чойшаб, кулранг кийимлар, энг кучли одамлар эга оладиган камонлар, алоҳида бир хил пишлок, балиқ тайёрланади. У ерда кемалар ясалади, ясалганда ҳам ниҳоясига етказилади». Бу рўйхат Хоразмда айирбошлаш муҳим роль ўйнаганлигини ва бу ўлка Буюк ипак йўли чоррахасидаги муҳим транзит савдо марказларидан бирига айланганлигини яққол кўрсатади.

Урганч харобалари ва бу харобалар орасида қад кўтарган, пишиқ ғиштдан қурилиб, кошин билан моҳирона зийнатланган, ҳозиргача сақланиб келган ажойиб, ҳашаматли ёдгорликлар кўп вақтларгача сайёҳ ва тадқиқотчилар диққатини ўзига жалб қилиб келган.

Ўша даврдаги тарихий воқеаларни эслар эканмиз, жасур хоразмликларнинг ўз мустақиллиги учун курашда чеккан азоблари беихтиёр Эркин Самандаровнинг қуйидаги жўшқин сатрларини эслатади:

Гоҳ булут остида қолди, гоҳи қулди юлдузи,  
Қирди бу юртни неча ёв, бости Жўжи, Чингизи,  
Сув бўлиб қон оққанини сўйласин Жайхун ўзи...  
Сувга ғарқ бўлганда Урганч, бормиди дарёда айб,  
Йиғласа мотам йўлида йўқдир ҳеч «гирёда» айб,  
Тожу тахт илкида айбу, бераҳм дунёда айб...

## МАШҲУР СИЙМОЛАР, ЖАСУР САРКАРДА ВА ШАҲЗОДАЛАР ТАҚДИРИ

Мамлакат равнақи ва фаровонлиги, даставвал, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазият билан боғлиқ бўлса, унинг маданий-маънавий савияси жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси билан ўлчанади. Шарқ Ренессанси марказларидан бири ҳисобланган кўҳна Хоразм ҳам жаҳонга буюк сиймоларни, йирик давлат арбобларини ва жасур саркардаларни етказиб берган юксак маданиятли давлат бўлиб танилган.

Антик Хоразмнинг қудратли иқтисодий ва маданий пойдевори асосида вужудга келган янги жамият қисқа вақт ичида дашт қабилалари ҳужумлари ва араб истилосидан кейинги оғир ижтимоий кийинчиликларни аста-секин бартараф қилиб, қаддини ростлай бошлайди. Кучли ички ларзаларни ҳам бошидан кечирган Хоразм IX–X асрларда араб халифалигининг емирилиши туфайли Ўрта Осиё ва Шарқий Эронда кетма-кет пайдо бўлган илк йирик феодал давлатлар – тоҳирийлар, саффорийлар ва сомонийлар қўл остида бўлади. Бу даврда Ўрта Осиёнинг бошқа ҳудудларидагидек, Хоразмда ҳам янги пайдо бўлган феодал тузумнинг тараққий этишига тўсқинлик қилаётган патриархал қулдорлик анъаналари анча тез емирила боради. Бу емирилиш йирик феодал зодагонлари билан озод деҳқон оммаси орасидаги шартли тенглик ниқобини олиб ташлаб, улар ўртасидаги жиддий ихтилофни кучайтиради. Чунки юкори табақага тез кўтарилаётган мулкдор оқсуяклар ва маҳаллий ҳукмдорлар ўз мавқеини мустаҳкамлаш мақсадида янги давлат тузумини такомиллаштириб, жамиятни бошқариш сиёсатини амалга ошириш учун барча имкониятлардан фойдаланадилар. Бундай ҳолат, табиийки, мамлакатда ижтимоий-иқтисодий вазиятни анча мураккаблаштиради.

Мўғул истилоси арафасида Хоразм анча юксалиб, Фарбдаги феодал монархия сиёсатига хос шаклланаётган йирик давлат сифатида танилган. Аммо ўз даврининг маҳсули ҳисобланган бу монархия ҳам ички ва ташқи сиёсатда ўзига хос кучли ва заиф томонлари, катта-кичик зиддиятлар ва тур-

ли низолар билан ривожлана бошлаган. Бу ҳолатни нафақат ёзма манбаларда, балки археологик ва этнографик кашфиётлар туфайли тўпланган материаллар асосида ҳам тасаввур қилиш мумкин.

Хоразм экспедициясининг бу даврга оид ажойиб кашфиётлари ёзма манбаларда ҳам учрайдиган тарихий далилларни тадқиқ қилиб, мўғул истилоси арафасидаги воқеаларга бироз аниқликлар киритишга имкон берди. Бундай ноёб обидалардан IX–XI асрларга тегишли Бўронқалъа ва Ноибқалъа харобалари диққатга сазовор. Африғийлар сулоласи ҳукмронлигининг охириги асрларида пайдо бўлган мазкур обидалар ривожланган феодализм тузуми истеҳкомларининг типик намуналарини намоён қилади. Айниқса, ўлик воҳага айланган Қаватқалъа харобалари Хоразм қишлоқларининг ўрта асрлар даври манзарасини тасаввур қилишга имкон беради. Йирик Қават қалъа қасри атрофидаги бешта феодал қаср билан яқин жойлашган 90 та мустақкамланмаган деҳқон ҳовлилари бу даврда шаклланган ўрта аср типидagi қишлоқлар пайдо бўлганлигини тасдиқлайди.

Буюк Хоразмшоҳлар империяси яратган қудратли марказлашган ҳарбий-бюрократик давлат аппарати мамлакатда антик даврдагидек кучли мудофаалаштирилган қалъаларга мўхтож бўлмаган. Ўша даврда Хоразмнинг нафақат сиёсий мавқеи, унинг ниҳоятда қулай табиий-географик шароити ҳам империя марказида истиқомат қилувчи хоразмликларнинг тўқ-фаровон ва осойишталикда яшашига тўлиқ имконият яратган. Археологик обидаларни текшириш шуни кўрсатадики, Хоразмшоҳлар ўрнатган гегемония туфайли марказий вилоятга келаётган туганмас бойликларнинг кўп қисми фақат ҳукмдорлар ва феодал зодагонларга тегибгина қолмай, балки оддий деҳқонларнинг ҳам турмуш даражасини кўтаришга сарфланган. Бундай тўқ-фаровон турмуш, шубҳасиз, мамлакатда илм-фан, маданият ва санъатнинг ривожланишида муҳим омили бўлиб хизмат қилган. Шунинг учун ҳам бу ерда нисбатан қисқа муддат ичида араб истилосидан кейин рўй берган уйғониш туфайли мусулмон дунёсида «танилган буюк сиймоларнинг пайдо бўлиши

тасодифий эмас эди». Мамлакатдаги иқтисодий-маданий юксалиш, осойишталик ва фаровон ҳаёт Хоразм империясида халқаро савдо-сотикнинг ривожланиши билан бевосита боғлиқ бўлган.

Савдо йўлида жойлашган бир обида Беловли номли карвонсарой харобасидир. Бу ажойиб иншоот ички девори йўнилган тош билан қопланган тўртта қудуқ ёнида жойлашган бўлиб, ҳар бир қудуқнинг оғзи тош плиталардан ишланган, тўғри тўртбурчак шаклидаги тўсиқ билан жиҳозланган. Тўсиқ ичида, ҳар қудуқнинг ёнида молларга сув берадиган тошдан ясалган катта охур мавжуд. Карвонсарой биносининг ўзи зўр маҳорат билан йўнилган сарғиш тошдан урилган квадрат шаклдаги, безатилган юмалок буржли ҳамда ясси рельефли қилиб ишланган баланд тош пештоқдан иборат бўлиб, унинг юқори қисмида икки томондан бўрттириб ишланган шерларнинг тасвири берилган. Бинонинг ички тарҳи девор бўйлаб солинган икки қаватли хужралар ва бинонинг орқа қисмидаги бир қанча йирик заллар ҳосил қилган тўғри тўртбурчакдан иборат. Пештоқ қаршисида бир сахн бўлиб, унинг ичида кўмилиб кетган қудуқ ёки ҳовузнинг излари кўзга ташланиб туради.

Жалолиддин Мангуберди туғилган шаҳар, буюк сиймо Абу Райҳон Беруний ҳаёти ва илмий фаолияти билан боғлиқ бўлган яна бир йирик тарихий обида Туркменистоннинг Тошҳовуз вилоятидаги Кўҳна Урганч харобаларидир.

Х аср охирларигача Хоразм икки ҳокимликдан иборат эди. 995 йилда Гурганч (Кўҳна Урганч) ҳокими Кат шахрини эгаллаши билан икки ҳокимликка барҳам берилган. Маъмун II даврида Гурганч (Урганч) Шарқ мамлакатларининг йирик марказларидан бирига айланади. Унда савдо, хунармандчилик, маданият ва фан ривожланади. XI–XII асрларга келиб Гурганч буюк Хоразм давлатининг гўзал ва ажойиб пойтахтига айланди.

Маъмун II бошқа ўзига ўхшаш шоҳлар сингари эл олдида обрў қозониш мақсадида саройга атоқли алломалар, шоир ва ижодкорларни тўплаб, Беруний ташаббуси билан илмий тўгарак ташкил этган. Тахминан 1010 йилда ташкил топган «Маъмун академияси» номи билан машҳур бўлган



бу тўғаракка Ўрта аср фанининг энг йирик сиймоларидан бухоролик Абу Али ибн Сино, атоқли астроном ва математик, Берунийнинг биринчи устози Абу Наср Мансур ибн Ирок ва Маҳмуд Ҳамид ибн Хидр ал-Хўжандий, машҳур табиб ва файласуф журжонлик Абу Саҳл ал-Масихий, зўр табиб ва таржимон Абул Хайр Ҳаммор, тарихчи ва тилшунос олимлар Абу Мансур ас-Саолибий ва Абу Али ибн Мискавайх ва бошқалар кирган.

«Маъмун академияси» олимлари даврасида ўзининг теган билими ва нотиклиги билан машҳур бўлган Абу Мансур ас-Саолибий асарларида турли хил тарихий воқеалар билан бир қаторда X–XI асрларда яшаб ўтган 124 та (шулардан 104 таси ўрта осиелик) аллома, шоир ва ижодкорларни тилга олади. Шулардан Хоразм воҳасида етишиб чиққан Абу Бакр Муҳаммад ибн Аббос ал-Хоразмий, Абу Саид Аҳмад ибн Шабиб аш-Шабибий, Абу Муҳаммад Абул Қосим ибн Зирғом каби олимлар ҳам кўрсатилган.

Машҳур математик, астроном олим Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий дунё фани тарихида алоҳида ўрин эгаллайди. Математика фанида «алгоритм» атамаси ал-Хоразмий номининг бузилиб айтилишидан келиб чиққанлиги, унинг «ал-Жабр» номли асаридан «алгебра» предмети пайдо бўлганлиги ҳаммага аён. Ал-Хоразмий нафақат буюк олим, балки араб халифалигининг элчиси сифатида Хазарияга борганлиги маълум.

Тадқиқотчилар орасида Шарқий Европа географияси ва этнографиясининг негизини ал-Хоразмий яратган, деган фикр мавжуд. В.В. Бартольднинг эътирофи этишича, бу улуғ олим ўзининг «Ер сурати» номли асари билан араб географияси фанига асос солган. Бундан ташқари, Хоразмий машҳур бўлган астрономия хронологияси унинг замондошлари ва кейинги авлод олимлари томонидан зўр қунт ва ғайрат билан ривожлантирилган.

Жуда кўп асарлар муаллифи Нажмиддин Кубро 1145 йили Хивада таваллуд топиб, Хоразмшоҳлар пойтахти Урганчда фаол ижод қилган. 81 ёшга етган бу улуғ аллома мўғул истилоси вақтида Урганч мудрофаасида ўз халқи билан бир сафда қўлига қурол олиб, ватан йўлида қурбон бўлган.

Нажмиддин Кубро мусулмон оламининг ғарб давлатларида бўлган, у ердаги атоқли уламолар билан мулоқот ўрнатиб, дашт қабилалари орасида ислом таълимотини тарқатган. В.Г. Гордлевский хабар қилишича, у Салжукийлар давлатининг барча диний марказларида бўлган, минтақада шайх сифатида тўла шаклланган ва катта уламо бўлиб танилган. Рашидаддин келтирган ривоятга кўра, Чингизхон шайхдан Урганч қамалда бўлганда шаҳарни тарк қилишини таклиф этганда Кубро унга жавобан ўз ватандошлари билан яхши-ёмон кунларда тақдирини бирга кўражagini айтиб, таклифни рад қилган. В.В. Бартольд Чингизхоннинг «олийжаноблиги»га шубҳа билдириб, Нажмиддин Кубронинг ҳақиқий ватанпарварлиги чинлигига ишонган.

Халқ орасида тарқалган ривоятларга қараганда (улар ёзма манбалардаги ҳикояларга ҳам тўғри келади), пойтахт қамал қилиниб, хоразмшоҳлар саройи ва амалдорлар шаҳарни ташлаб қочганда, Кубро ҳимоячилар билан бирга қўлга қурол олиб жанг қилган. Араб муаллифларидан тарихчи Абу Саодат Абдуллоҳ ал-Ямани ал-Яфий ҳикоя қилади: Нажмиддин шайх Абул Ҳасан Исмоил ал-Қасрийнинг шогирди ва издоши бўлган, Макка ва бошқа мусулмон шаҳарларига борган ва таниқли суфий алломалар билан мулоқотда бўлган. Асли Кубро доимо Хоразм (Урганч)да истиқомат қилган. Мўғуллар Урганчни қамал қилганда сафдошлари ва дўсту биродарларига шаҳарни тарк қилмасликни қатъий маслаҳат бериб, ўзи шайх либосини кийиб, камар боғлаб, қуролланиб қалъа мудофаасига чиққан. Жангда ҳалок бўлган шайхнинг боши танидан жудо қилинганда, гўё у бошини қўлига олиб, қотил мўғул саркардасининг сочига қаттиқ ёпишган ҳолда ўлган. Ўзи ўқитган талабалари унинг жасадини боши билан бирга дафн қилганлар. Бошқа бир ривоятда шайх камон ўқи билан яраланганда, ўқни қўли билан олиб осмонга ирғитган ва Аллоҳга муножот қилиб ҳалок бўлган. Аммо ўлимидан олдин еттига душманни ўлдирган. Одамлар Урганчнинг забт қилиниши ва харобаликка айланиши – халқнинг ватанни тарк этган сотқин шоҳларга қарши қаратилган қарғишлари оқибати, деб ҳисоблайдилар.

Иккинчи ватанпарвар аллома авлиё Инножиб бобо афсонаси (В. В. Бартольд асарларида Ибн Ҳожиб) ҳам Чингиз истилоси билан боғлиқ. Мазкур аллома Нажмиддин Кубро ва бошқа диний арбоблар билан халқни душманга қарши курашга чорлаб, ўзлари ҳам озодлик учун курашда қаҳрамонона қурбон бўлганлар. Буюк Хоразмшоҳлар давлатининг қудрати ва шон-шарафи ҳам асли заҳматкаш халқнинг ватанпарварлиги, унинг бой маънавияти, жасур фидойи фарзандлари билан боғлиқ. Қандай фожиали воқеалар, тахт талашувлар ва сиёсий найранглар юз бермасин, хоразмлик фидойилар сабр-тоқатли, шижоатли, элим-юртим деб қуйиб-ёниб курашиб келганлар. Уларнинг барча ижобий фазилатлари, айниқса, ватан олдидаги буюк жасорати ҳақиқатан ҳам мўғуллар истилоси вақтида катта синовдан ўтган эди.

Аммо XII–XIII асрларда юксалиб келаётган Хоразм империясига кирган ёки қарам бўлган мазкур мамлакатлар Ғарб ва Шарқнинг мустабид монархияларига хос бўлган барча қучли ва заиф томонларини мужассамлаштирган.

Бу даврдаги воқеалар замирида ўрта аср Хоразм иқтисодий қудратининг юксалиш жараёни, империянинг мўғул ғалабалари зарбаси остида қулагунга қадар ва ундан кейинги тарихий ривож ироқаси хоразмликларнинг нақадар иродаси мустаҳкамлигидан далолат беради. Тарихий-археологик қазилмалар ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Кенг кўламда олиб борилган қазилмалар туфайли, минглаб гектар унумдор ерларга ҳаёт қайтарган катта сув иншоотлари, чўл четидаги қалъа ва истехкомларнинг қурилиши, Хуросон, Мовароуннаҳр, Дашти Қипчоқ ичига олиб борадиган йўлларнинг мустаҳкамланиши, шаҳар ҳаётининг жонланиши, ҳунармандчилик, савдонинг янгидан гуркираб ўсиши, «Хоразм ренессанси» (Уйғониш даври) санъатининг шуқуҳи ва бой ривож кўз ўнгимизда бирма-бир намоён бўлади.

Қадимий Хоразм Ўрта Осиёда узоқ ўтмишда рўй берган турли хил сиёсий ва ижтимоий ҳодисалар, мураккаб этник жараёнлар ва ҳорижий воқеалар билан боғлиқ бўлган юксак маданият марказларидан бири. Кейинги ярим асрдан ортик

давр мобайнида кенг ҳудудда ўтказилган археологик ва этнографик тадқиқотлар воҳада ниҳоятда бой кўхна обидаларни кашф этиб, Ватанимиз тарихининг кўп саҳифаларини тўлдиришга имкон яратди.

Узоқ ўтмишнинг тилсиз шоҳиди бўлган ва чексиз саҳро ичида кад кўтарган бу беҳисоб харобалар асрлар давомида халқнинг гўзал эртак ва дostonларида мадҳ этилган.

Қорақум саҳроси ичида ўрнашган, мўғуллар истилоси арафасида гуллаб-яшнаган дабдабали қалъалардан бирининг номи халқимизнинг сеvimли лирик поэмаси «Шоҳсанам ва Ғариб» достони билан боғлиқ. Маҳаллий аҳоли харобаларни ана шу ва бошқа кўпгина дostonларда Ширвон, Ёрбакир, Бадиркант, Кирадиз каби афсонавий номлар билан атайди. Ёзма манбаларда қайд қилинишича, ўша вақтларда Хоразм йирик савдо маркази, ҳарбий кудрати юксалган давлат бўлган.

Жалолиддин Мангуберди яшаган даврдаги иқтисодий ва ижтимоий ҳаётнинг гуркираб ўсиши нафақат ёзма манбаларда, балки маданий ёдгорликларда ҳам ўз ифодасини тошган. Олиб борилган тадқиқотлар XI аср ва ундан кейинги даврда Хоразмда темирчилик, кулолчилик, шишасозлик ва курувчилик жуда ҳам тараққий этганлигини кўрсатади. Бу даврда янги қурилиш материали — пишиқ ғишт ишлатила бошланади, биринчи марта деразага ойна қўйилди. Дераза ойнасининг қолдиқлари Ўрта Осиёнинг бошқа ҳудудларига нисбатан Хоразмда илгарирок топилган. Уйларнинг ички архитектурасини безашда деворга чизилган расмлардан ташқари, ўйма нақш берилган ёғочлар ҳам ишлатилди. Бу эса Хоразмда тасвирий санъатнинг янги ва юкори босқичга кўтарилганлигидан далолат беради.

Мазкур обидалардан анча тўла текширилгани қадимги Чарманёп каналининг этагидаги Шоҳсанам истехкомидир. Текширишлар кўрсатишича, мазкур истехком антик даврда, яъни милoddан аввалги I минг йилликнинг охирларида пайдо бўлиб, унда бутун Кушон империяси даврида ҳаёт мавжуд бўлган. Аммо афригийлар даврига келиб, бу қалъа харобага айланган. Буюк Хоразмшоҳлар даврида унда ҳаёт қайтадан тикланган. Аммо мўғуллар истилоси натижасида яна вайро-

нага айланган. Амударёнинг чап қирғоғидаги Қизқалъа ўша давр обидаларининг стратегик жихатдан муҳим аҳамиятга эга бўлган қалъа ҳисобланади. Адирнинг тепасидаги бу баланд қўрғон мудофаа жихатидан қулай бўлганлиги учун қалъа жуда мустаҳкам бўлган. Баландликни ўраб олган девор бўйлаб қалъа гарнизонидаги кишилар учун тураржойлар қурилган. Бинонинг марказида ҳовуз бор. Бундай ҳовузларни қалъанинг ғарбий қисмида ҳам учратиш мумкин. Бу ҳовузлар Ўрта Осиё даштларидаги сардобаларни эслатади.

Хоразмнинг гуллаб-яшнаши юқори босқичга чиққанда, қудратли Хоразмшоҳлар давлати атрофида энг кучли турк қабилалари – қангли, қипчоқ, туркман ва қорақалпоқ аҳолиси бирлашиб, жипслашаётган бир пайтда Чингизхон кўшинлари ваҳшийларча бостириб қиради. Оқибатда буюк Хоразм империяси мўғул истилоси туфайли емирилади, шаҳар ва қишлоқларнинг деярли ҳаммаси талон-торож қилиниб, аҳолиси қиради; қисман ҳайдаб олиб кетилади, минглаб гектар унумдор ерлар эса харобага айланади, доимий равишда тозалаб ва қараб туришни талаб қиладиган суғориш тармоқлари ишдан чиқади. Худди шундай қисматни Хоразм кейинроқ Дашти Қипчоқдан келган кўчманчи қабилаларнинг тинимсиз юришлари, теурийлар ва шайбонийларнинг тожу тахт талашувлари даврида қайтадан бошдан кечиради. Бунга ўша даврга оид сон-саноксиз шаҳар ва қишлоқлар, айниқса, Кўҳна Урганчнинг ҳозиргача сақланиб қолган харобалари гувоҳ бўла олади.

С.П. Толстовнинг илмий фикрларига таяниб айтиш мумкинки, мўғул истилоси фақат ҳарбий вайронагарчиликлар келтириши, забт қилинган мамлакатларнинг сиқиб сувини ичувчи ҳарбий-қулдорлик ҳокимиятининг ўрнатилиши билангина кифояланиб қолмайди. Бу истилолар яқиндагина муваффақият билан бартараф қилинган феодал тарқоқликка қайтишга ўч келгиндиларнинг кучқувватидан ўзининг тор шахсий манфаатларини амалга ошириш йўлида фойдаланувчи феодал зодагонлар, айниқса, маҳаллий ҳоким ва хонлар мавқеининг мустаҳкамланишига, ярим қулдорлик тузумининг қайта тикланишига олиб келган эди.

Олимнинг энг муҳим хулосаси шундай: «Тарих ғилдирагининг кейинги айланишлари Хоразм империясининг юксалиши тасодифий бўлмаганлигини, бу юксалиш Ўрта Осиё халқлари тарихий ривожининг ижобий тенденцияларига мос бўлиб тушганлигини кўрсатади...».

#### IV б о б

### МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ ВА ШАРҚ РЕНЕССАНСИ АЛЛОМАЛАРИ

*«Кўйилган мақсадга эришишнинг энг осон усули қадимги халқлар ривоятларини ҳамда ўтмиш авлодлар тўғрисидаги маълумотларни билишдир».*

Абу Райҳон БЕРУНИЙ

Ҳар бир халқ ўзининг ўтмишини билишга интилади, бой тарихий мероси ва унутилмас тарихий саналари, жасур баҳодирлари ва улуғ сиймолари билан фахрланади. Халқнинг ҳозирги давр маданий савиясини белгиловчи омиллардан бири ҳам унинг ўз ўтмишини кадрлаш даражасидир. Ўзига хос маданий мерос яратган, асрлар давомида туганмас ижтимоий ва маданий воқеалар билан жаҳон тарихини бойитган афсонавий ўлка Хоразм сон-саноксиз тарихий обидалар хазинаси сифатида халқимизнинг зўр ифтихорига айланган.

Баланд-баланд кум уюмлари орасидаги пушти ранг тақир ерларда ўнлаб километрга чўзилган қадимий каналларнинг рошлари ва илгари экин экилган далаларнинг аниқ излари сезилиб туради.

Агар сиз Амударёнинг ўнг қирғоғидаги Султон Увайс тоғларининг шарқий этагидаги баландликларга кўтарилиб, жануб ва шарққа назар ташласангиз, чексиз кўчма кум уюмлари орасида ваҳимали қад кўтарган катта-кичик қалъаларнинг сирли харобалари, жуда ҳам узоқларга чўзилиб кетган йирик сув иншоотларининг ва тўртбурчак экин далаларнинг излари – бу чўлу биёбонлар бир замонлар гуллаб-яшнаганлиги, ҳаёт қайнаганлиги кўз олдингизда беихтиёр гавдаланади.

Шарк Ренессанси заминида пайдо бўлган Хоразмнинг илк ўрта асрлардаги сиёсий-иқтисодий ва маданий соҳалардаги юксак ривожни ўлкани жаҳонга танитган эди. Бепоен Қорақум ва Қизилқум барханлари орасида қад кўтарган юзлаб тилсиз тарихий обидалар мавҳум сирларни асрлар оша сақлаб келган. Истеъдодли шоир Эркин Самандаров таърифлаганидек:

У пайтлар қоронгу эди кўп сирлар,  
Тупроққалъадаги йиқик қабрлар.  
Қалъани ўраган янтоқзор, қирлар  
Одам оёғига зор эмасмиди.

Ярадор оҳулар кирса қалъага  
Хароба чўммасми эди нолага.  
Олтин заррасидай сочилган чага  
Ичида бир асрор бор эмасмиди.

Африғий подшоҳлар қурганда базм  
Эсиб келмасмиди осмоний насим.  
Ул кўмик ичидан топилган расм  
Аслида суврати ғор эмасмиди...

Тадқиқотчиларнинг, айниқса, таниқли шарқшунос олим, Ўзбекистон Фанлар академиясининг фахрий аъзоси, профессор С.П. Толстов бошчилигидаги машҳур Хоразм экспедициясининг кўп йиллик самарали меҳнати туфайли мазкур афсонавий ўлканинг қоронғуликка айланган узоқ ўтмишдаги тарихи қайтадан тикланди, сирли обидалар хазинасига айланган бу кимсасиз саҳролар тилга кириб, ўз сирларини бир-бир очди ва ўтмиш воқеалардан сўйлай бошлади. Дастлабки «Маъмул академияси»нинг кашфиётчиси ҳам Сергей Павлович Толстов эди.

Бу кашфиётлар асосида қилинган муҳим хулосалардан бири, Ўрта Осиё ҳудудида «исломгача давр»да феодализм тузуми ҳукмрон бўлган, деган нотўғри фикрнинг рад қилинишидир. Кўп йиллик тадқиқотлар асосида Ўрта Осиёда, айниқса, Хоразмда мавжуд кўпгина дабдабали шаҳар ва қалъалар, жуда катта канал ва ариқлар, бепоен экинзорлар, ибтидоий иш қуроллари озод деҳқонлар кучи

билан эмас, балки ҳукмрон тузумга бутунлай тобе бўлган кулларнинг меҳнати туфайли пайдо бўлиши мумкинлиги тасдиқланди. Маълумки, илк феодализм даврида, яъни IX–XII асрларда бутун Марказий Осиёда, шу жумладан кудратли Хоразм давлатида фан ва маданият гуркираб ўсиб, жаҳонга ал-Хоразмий, Абу Али ибн Сино, Беруний каби машҳур сиймоларни, Жалолоддин Мангуберди каби саркардаларни етказиб берди. Бундай юқори босқичдаги маданият, албатта, узоқ давр ичида шаклланиб келаётган замин асосида пайдо бўлиши мумкин. Яна шоир сатрлари билан айтганда:

Бу излар изидур Хоразмийнинг,  
Бу ёзув сўзидур Хоразмийнинг,  
Бу ҳайкал ўзидур Хоразмийнинг,  
Мармарга айланган нор эмасмиди.

Кўп тарихий ва археологик маълумотларга қараганда, X аср охирларида Хоразм иқтисодий жиҳатдан жуда тез ривожлана бошлаган эди. Бунга шаҳарларнинг ўсиши далил бўла олади. Агар араб тарихчиси Табарий 712 йилда Хоразмда учта шаҳар бўлганлигини кўрсатиб ўтса, Истаҳрий X аср бошларида Хоразмда шаҳарларнинг сони ўн учтага етганлигини кўрсатади. Мақдисийнинг ёзишича, 985 йилларда шаҳарлар ўттиз иккитага етади. Археологик қазилмалар вақтида топилган буюмлар бу даврда хунармандчилик тез ривожланганлигидан далолат беради.

Иқтисодий юксалишнинг муҳим кўрсаткичи савдо-сотиқнинг ривожланишидир. Араб манбаларига қараганда, Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган Хоразм X–XI асрларда йирик савдо марказига айланади. Хоразм савдогарлари Қозоғистон ва Туркманистон даштларида, шунингдек, Волга бўйидаги Хазар ва Булғор подшолиги, Олд Осиё мамлакатлари билан айирбошлаш ишларини кенг тарзда олиб борганлар.

Араб манбаларида Хоразм мўғул истилоси арафасида йирик савдо маркази бўлганлиги, иқтисодий ривожланганлиги ва ҳарбий кудрати юксалганлиги айтилади. Қўшни мамлакатлар ва Шарқий Европа билан алоқалар кучайиши



натижасида бу ерда кўплаб йирик шаҳарлар пайдо бўлди ва ривожланди.

Ҳақиқатан ҳам, қадимий Хоразм тарихини варақлар эканмиз, айниқса, Шарқ Уйғониши туфайли қисқа муддат давом этган иқтисодий ва маданий инқироздан кейин (VIII–IX асрлар) Мовароуннаҳр ва Хоразмда тез суръатлар билан ривожланиш рўй берди, илм-фан ва маърифат юксак даражага кўтарилди, буюк сиймолар етишиб чиқди.

Буларнинг орасида энг машҳури, шубҳасиз, Хоразмнинг янги илм-фан мактабига асос солган улуғ математик, астроном ва географ Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий эди. Ўзининг бир қатор замондошлари, жумладан, машҳур файласуф ва мусикашунос Абу Наср Форобий каби, Хоразмий ҳам билим орттириш ниятида араб халифалигининг пойтахти Бағдодга жўнашга мажбур бўлган. Бирок «алгебра фанининг улуғ асосчиси» бўлган буюк аллома ўз она Ватани билан ҳеч қачон алоқани узмаган ва «Маъмун академияси»нинг фаол аъзоларидан бири бўлган. Фаннинг ал-Хоразмий машғул бўлган асосий соҳалари – математика, география, астрономия унинг замондошлари ва ундан кейинги авлод олимлари томонидан зўр кунт ва ғайрат билан ривожлантирилди. Мазкур алломаларнинг асарлари эса юқорида тилга олинган соҳалар бўйича ўзига хос Хоразм илмий мактабини ташкил этди.

Шаҳарнинг жанубида кенг майдонни эгаллаган боғ бўлганлигини кўрсатувчи белгилар, боғ чеккаларидаги ҳашаматли иморат харобалари кишига «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам» достонидаги чуқур маҳорат билан тасвирланган кўшк боғини эслатади. Текширишлар кўрсатишича, Шоҳсанам истехкоми антик даврда, яъни милoddан аввалги I минг йилликнинг охирларида пайдо бўлиб, ундаги ҳаёт бутун Кушон империяси давомида мавжуд бўлган. Аммо африғийлар даврига келиб, бу қалъа харобаликка айланади. Буюк Хоразмшоҳлар даврида унда ҳаёт қайтадан тикланган эди. Аммо мўғуллар истилоси натижасида яна сўнади.

Текширишлар шуни кўрсатдики, мўғуллар истилосидан кейин Урганчнинг вайронага айланиши натижасида шаҳардаги ҳаёт бир неча аср Тош қалъа истехкоми билан

чекланган. Ана шу даврга оид буюмларнинг факат қалъа ичида учраши бунга далил бўла олади.

Жаҳон тарихини бойитган Шарқ Ренессанси номи билан ўтмишда машҳур бўлган «Маъмун академияси» даври обидаларини ўрганиш ўзбек тарихшунослигининг энг катта ютуғидир. Мазкур академияни, қолаверса, бутун кўхна Хоразмни кашф этиб жаҳонга танитган олим – академик Сергей Павлович Толстовнинг хизматлари ниҳоятда катта.

---

---

### Ш қ и с м

## ХИВА ХОНЛИГИ ВА ХОРАЗМ ЎЗБЕКЛАРИ

І б о б

### ХИВА ХОНЛИГИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА АҲОЛИСИНИНГ ЭТНИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Барча ёзма ва оғзаки ривоятларда асли Хива ва хиваликлар шажараси ниҳоятда узоқ тарихга эга эканлиги ва катта авлиёлар билан боғлиқлиги айтилади. Ажойиб тарихчи ва тожу тахт соҳиби Абулғозий Баҳодирхон ўзининг «Шажарайи турк» номли асарида Хива хони аждодлари, ҳатто, Одам сафиуллохгача бориб тақалади, деб ёзади. Унинг таърифича: «Энг қадимий аждодлардан ота томони Ўғузхонга, анинг отаси Қорахон, анинг отаси Мўғулхон, анинг отаси Аланчахон, анинг отаси Куюкхон, анинг отаси Аблачахон, анинг отаси Тўтакхон, анинг отаси Турк, анинг отаси Ёфас, анинг отаси Нуҳ пайғамбар алайҳиссалом, анинг отаси Камак, анинг отаси Матушалах, анинг отаси Идрис пайғамбар, анинг отаси Барот, анинг отаси Махлайил (Тавротдаги Михаил), анинг отаси Қайнон, анинг отаси Ануш, анинг отаси Шиш пайғамбар ва охирги ота Одам сафиуллохдир».

Абулғозихоннинг онаси Мехрибону хоним ҳам олий даражадаги авлиё зотларидан Жонғози султоннинг кизи, «анинг отаси Шерғози султон, анинг отаси Султон Ғози, анинг отаси Хива тахти соҳиби бўлган Элбарсхон, анинг отаси Бурка султон, анинг отаси Ёдгорхон, Ёдгорхонда отамиз бирлан онамизнинг отаси кўшулур, – деб ёзади Абулғозий, – олти ёшга етганда онамиз ҳақ раҳматига кетди. То ўн олти ёшгача Урганчда ота кўлинда бўлдук. Андин сўнг отамиз кадхудой қилди. Таки Урганчнинг ярмини улуғ акамиз Ҳабаш султонга ва ярмини бизга берди. Бир йилдан сўнг Ҳабаш ва Элбарс отли акаларимиз бирлан орамизда низо бўлди. Ул сабабдин тура билмай Хевақга отамиз катиға келдук».

Мазкур ривоятда келтирилган номлар баъзи тарихий шахслар билан боғлиқ бўлибгина қолмай, ҳатто қадимги Месопотамия ва Шумер, Таврот ва Инжилдаги образлар билан боғлиқлиги диққатга сазовор. Хонликнинг пойтахти Хива (Хевак)нинг пайдо бўлиши ва унинг ҳомийси авлиё Пахлавон Маҳмуд билан боғлиқ воҳада кенг тарқалган ривоятларда ҳам ўз ифодасини топганлиги муҳим аҳамиятга эга.

Хива тўғрисидаги тарихий маълумотлар дастлаб илк ўрта асрлар манбаларида учрайди. Уни биринчи марта X аср муаллифи Истаҳрий тилга олади. Ўша давр географ олими Макдисий ҳам шундай хабар беради: Хива йўл чеккасида жойлашган. Бу катта шаҳар бўлиб, канал қирғоғидадир, у ерда ҳашаматли жоме масжиди бор. Хайвок ёки Хивак – Хоразм худудидаги шаҳар ва қалъа. Улар ўртасида 15 фарсах масофа бор, Хоразм аҳолиси уни Хива деб атайди». Кейинчалик Хивага оид анча қизиқарли маълумотлар Низомиддин Шомий (XIV аср), Абдураззоқ Самарқандий ва Мирхонд (XV аср) асарларида учрайди. Кейинги асрларда Хива тўғрисида маҳаллий, рус ва чет эллардан келган муаллифларнинг турли асарларида ҳар хил маълумотлар келтирилган.

XIX аср бошларида ижод қилган Худойберди ибн Қўшмуҳаммад Хевакийнинг «Дилғаройиб» номли асаридаги Хива тарихига оид айрим маълумотлар диққатга сазовор. У Хоразм шаҳарларини таърифлаб, шундай баён этади: «Бу мамлакат қалъаларидан яна бир Қалъа Рамлдир. Унга Сом ибн Нуҳ томонидан асос солинган бўлиб, Хейвак номи билан машҳурдир. Яна айтадиларки, бу сўзда (Хейвак) ҳазрат Пахлавон Маҳмуд валий ўлими тарихи яширинган. Шундай қилиб, у тарихда шаҳарнинг номи бўлиб қолган.

Қалъанинг олдинги номи эса Рамл бўлиб, «қум билан тўлган жой», деган маънони англатади. Кунларнинг бирида Ибн Нуҳ овдан кейин шу ерда ётиб қолади ва уйкуга кетади. Уйкусида у туш кўради. Гўёки, уни уч юзта олов турли томондан қуршаб олган эмиш. Яхши кайфиятда уйғонган Сом ибн Нуҳ ўзидан ёдгорлик қолдиришга қарор қилади. Бу жойга тупроқ тўлдириб, шаҳар куради. Кейинги келишида эса, уни қалъа деворлари билан ўраб, ғарб томонида булок оқизади... Айтишларича, Хейвак кейинчалик кўп марта

харобага айлантирилган ва қайта тикланган. Ҳозирда эса у жуда кўрам. Шаҳари унча катта бўлмаган, ҳозир эса уни бир вақтлар беш-олти таноб жойни эгаллаган кўл эвазига кенгайтирганлар».

Мазкур баёнолда икки нарсага эътибор бериш зарур: биринчидан, шаҳарнинг энг қадимий даврларда пайдо бўлганлигига шаъма қилиниши (масалан, халқ афсоналаридаги Таврот образлари билан боғлиқ Нух даври); иккинчидан, археологик кашфиётлар исботлаган Хиванинг қурилиши тарихига анча тўғри келиши (шаҳарнинг қум-тупроқ устида қурилиши) каби маълумотлар муҳим аҳамиятга эга. Бу мазмундаги халқ орасида тарқалган афсона ва ривоятлар ҳам Хива шаҳрининг пайдо бўлиши ниҳоятда узок тарих билан боғлиқ эканлигини тасдиқлайди.

Хиваликларнинг таърифича, қадим даврларда бу шаҳар ўрнида чўл (дашт) бўлган ва бу ердан Марвдан Хоразм пойтахти Кўхна Урганч (Гурганж) га олиб борадиган савдо йўли ўтган. Ҳозирги Ичан қалъа ўрнида битта қудуқ бўлган, унинг номи Хевак дейилган. Хиванинг пайдо бўлиши ҳам шу қудуқ билан боғлиқ эмиш. Ҳозиргача кимки Хивага келмасин, уни ўша қудуқ жойлашган ҳовлига олиб борадилар. Бу тарихий обида Ичан қалъада – Мадраим Саидовга қарашли уйнинг ҳовлисида авайлаб сақлаб келинмоқда ва ҳозир ҳам тиниқ чучук сувли машҳур қудуқ «Хевак» деб аталади. «Хевак» атамасининг ҳам қадимийлигини инобатга олиб, шаҳар тарихи узок даврларга оид, деган фикрни ривоятчилар қайта-қайта такрорлайдилар.

Шуни ҳам эътиборга олиш зарурки, мазкур афсоналарда шаҳарнинг келиб чиқишини асословчи чўл-биёбондаги сув манбаи – қудуқ билан боғланиши ва унинг теваарида одамлар пайдо бўлиши, минтақадаги табиий шароитга тўғри келиши ҳам ҳақиқий манзарани тасвирлайди. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ҳақиқатан ҳам, Ичан қалъанинг қурилиши заминида қум қатламлари мавжудлиги аниқланган.

Хиванинг ёшини аниқлаш мақсадида ўтказилган тадқиқотлар анча самарали натижалар берган. 1984–1985 йилларда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Қорақалпоқ филиали олиб борган археологик қазилмалар

Хиванинг ҳозирги ўрнида милоддан аввалги биринчи минг йиллик ўрталарида дехқончилик ва ҳунармандчилик билан шуғулланувчи аҳоли яшаганлигини исботлайди. Бу ерда ҳар хил ноёб буюмлар – хум парчалари, қадахлар ва бошқа ашёлар, қурилиш иншоотларининг қолдиқлари, айниқса, Хоразмнинг антик даврига оид хом ғишт ва тўғри бурчакли квадрат шаклдаги минорали деворлар билан ўралган Ичан қалъа милоддан аввалги IV–III асрларда пайдо бўлганлигини кўрсатади. Хивадан 15–17 км шимоли-ғарбда қад кўтарган қалъаларнинг харобалари ҳам ўша даврга оид. Кушон даврида (I–IV асрлар) ҳаёт Ичан қалъа ташқарисида давом этган. Атоқли ўзбек олими Я. Ғ. Ғуломов ўтказган тадқиқотлар ҳам Ичан қалъа ва унинг теварагида ҳаёт бўлганлигини тасдиқлайди. Кейинги казишмалар натижасида Ичан қалъа ҳудудида қадимги қалъа деворлари ва сопол идиш топилмалари ҳатто милоддан аввалги V–IV асрларга оид эканлиги аниқланган.

Ичан қалъа ва Дишанқалъа деворлари кейинроқ қайтадан тикланган. VI–VIII асрларда бу ерда ҳаёт анча жонланган, теварак-атрофдаги ерлар ўзлаштирилган. Хива ҳудудидаги қадимги деворлар атрофида ўтроқ дехқончилик билан шуғулланган аҳолининг ҳовли типидagi уйлари ва феодал қасрларининг харобалари яқин даврларгача сақланган. Шу даврга оид Оқшихбобо ва унинг жануби-шарқий қисмидаги квадрат шаклдаги қаср харобалари бунга мисол бўла олади. Тарихий манбаларга қараганда, IX–XI асрларда кўхна Арк ҳудудида, Окмачит ва Полвон дарвоза атрофларида ҳаёт давом этган. Хиванинг янгидан гуллаб-яшнаши, айниқса, унинг ғарбий ва марказий қисмида ҳаётнинг жонланиши XII– XIII асрларга тўғри келади.

Мўғуллар истилосидан кейин шаҳар бир неча марта талон-торож қилинишига қарамай, унда ҳаёт давом этиб, айрим иншоотлар қурилган. Чунончи, Ичан қалъа доирасида Шоқаландар бобо манзилгоҳи ва Шохимардон карвонсаройи вужудга келган. Хива шаҳрининг деворлари XIII асрнинг иккинчи ярмида емирила бошлаган эди. Кейинги аср охирида қалъа деворлари таъмирланиб, қайта тикланди. XV–XVI асрларда шаҳарда ҳаёт бир оз сўна бошлайди, бироқ Хива

хонлиги ўрнатилиши ва пойтахтнинг бу ерга к билан шаҳар чинакам раванк топа бошлайди, дони кенгайди, Ичан қалъа деворлари янгида ҳашаматли бинолар пайдо бўлади.

Мўғуллар истилоси ва улар ўрнатган зулм ни бўлмасин, халқ ижодкорлиги ва бунёдкорлиги Мўғуллар келтирган оммавий харобалиқдан кей вақт ўтмай Хива ва унинг теварагида аввалги ме аъъаналари янги ғоялар, янги техникавий ва бади билан бойиб, ривожланиб бораверади. Аммо Х ерда бутун Мовароуннаҳрда бўлганидек мўғул маҳаллий ҳукмдорлар ўртасида ҳокимият учун рашлар давом этиб турар эди. Ана шундай ваз Осиё тарихи саҳнасида янги йирик шахснинг паи бутун Марказий Осиё ва хиваликлар ҳаётида ўйнаган эди. Бу улуғ шахс буюк саркарда Амир У Мовароуннаҳр, Олтин Ўрда ва Хуросонда ав ган ўзаро феодал урушларнинг олдини олди. А Мовароуннаҳрни бўйсундириб, давлатни янада к Буюк Соҳибкирон 1379 йили Хоразмнинг жануб ўз давлатига қўшиб олади ва кейинги 1388 йил юришларида катта қўшин билан кўҳна Хораз Урганчни қамал қилади ва шу билан бутун ўлка янги империяга қўшади.

Амир Темур ўлиmidан кейин катта империя лашишлар ниҳоятда кескинлашиб кетади. Муст олишга ҳаракат қилаётган темурийзодалар, амалдорлар ўртасида тинимсиз курашлар, алғо империяни парокандаликка олиб келади, буту катта-кичик мулкдорлар орасида низоларни ку Бундай оғир вазиятни бошидан кечираётган Мои шу жумладан Хоразм ҳам XV аср бошларида Дап томондан келган кўчманчи қабилалар ва элатлар босиб олинади.

Дастлаб, Олтин Ўрда хони Ўзбек Урганч ал қўнғирот қабиласидан чиққан жияни Қутлу тайинлайди. У билан Хоразмга келган турк-қиғ вакиллари маҳаллий этник гуруҳлар билан арал

асрнинг 90-йилларида бу ерга кипчоклар оммавий равишда кўчиб келиб ўрнашади ва маҳаллий аҳолига сингиб кета бошлайди.

Айниқса, XVI аср бошларидан Хоразмга, шу жумладан Хивага шайбоний ўзбеклари кўплаб кўчиб келиб жойлашадилар. 1511 йилда Беркахоннинг ўғиллари Элбарс ва Билбарс султонлар «ўз уйлари ва одамлари» билан Сирдарё бўйларидан олдин Орол денгиз соҳиллари томон ва Амударё ҳавзасига, кейин бутун Жанубий Хоразмга тарқалиб ўрнашадилар. Муҳаммад Шайбонийхон ўз қўшини билан 1499 йили Зарафшон водийсида пайдо бўлган эди. Сўнгра 1504 йилда Хоразмга юриш қилиб, Урганчи ўн ой муттасил камал қилган ва урганчиликларнинг мардонавор қаршиликига қарамай шаҳарни забт этган. Кейинги юришлари натижасида бутун Мовароуннаҳр ва Хуросонни ўзига бўйсундирган.

Аммо Эрон шоҳи Исмоил I томонидан зарбага учраган Шайбонийхон Марвга чекинади. Мурғоб дарёси бўйида Шайбонийхон қўшинлари билан эронликлар орасида қаттиқ жанг бўлиб, алданиб қуршовга тушган қўшин мағлубиятга учрайди. Шайбонийхон шу жангда ҳалок бўлади.

Шайбонийхоннинг жияни Убайдуллахон ўз қўшинлари билан 1513 йилда Мовароуннаҳрга бостириб кириб, деярли жанг қилмасдан Самарқандни эгаллайди. Унинг ўғли Абдулазизхон Бухорода ўз ҳукмдорлигини ўрнатади (1540–1549). Ўша вақтдан бошлаб узил-кесил ўзбеклар қўлига ўтган Самарқандда 1540–1551 йиллар ўзбекларнинг улуғ хони унвони билан Абдуллатиф тахтга ўтиради. Шундай қилиб бутун Мовароуннаҳр ва Хоразм Шайбонийхон ва Абулхайрхон авлодлари орасида бир неча қисмга бўлиниб кетади. Ўша вақтда Шайбонийлар тахти отадан ўғилга эмас, балки хон авлодидагиларнинг ёши ва мавқеига қараб мерос бўлиб ўтар эди.

Хоразмга Элбарсхон билан келган қабила ва элатлар орасида найманлар, уйғурлар ва дўрманлар борлиги тўғрисида Абулғозихон қуйидагича ёзади: «Улуғ тўй қилиб ўзбек ва сарт барчаси йиғилиб, иттифок бирлан тарих тўққиз юз ўн бирда (1505) Элбарсхонни хон кўтардилар... Ўзбекнинг эви ва эли йўқ. Бир ерда қарор қилиб турмас. Беш-ўн кундан



сўнг Вазирни талар ва чопар-да, қайтур кета ўзбек юрт овули келиб Хевакни чопар эрка сўнг Хевак, Ҳазорасп ва Катни олишиб Хуро човуб турурлар. Ул вақтда Хуросон этаки то Урганч подшоҳларина таалуҳ эрди. Ани тоқ б сув бўйи дерлар эрди... Пўлат султон Хевакда тон Ҳазораспда эрди. Ҳазораспнинг ўзбекини тақдин юқори Ултурғон ўзбекини ва сартни барч келтурди... Хевакда сипоҳидин олгмиш киши, киши бор эмиш».

Мазкур маълумотлар Хивадаги нафақат си муҳими унда яшовчи аҳолининг этник қиёфаси ёрдам беради. Бошқа тарихий манбалар Абу лумотларини тасдиқлайди. Хоразмга кели ўзбеклар дастлаб Вазирни, кейин Урганч, Х Катни эгаллаб, мустақил хонликлар тузатил даврда улар ўртасида ҳокимият учун кура қўшни ўлкалар – Хуросон, Астробод, Каспи чи, Манғишлоқ ва бошқа ерларга узлуксиз ю турганлар. Абулғозий ва бошқа манбаларни шича, XVI асрнинг иккинчи ярмида Хоразм лашган турли уруг-қабилалар мамлакатда ўз х ўрнатишга интиланлар. Уларнинг асосий ета найманлар, уйғурлар, дўрманлар бўлган ва лари ҳамда иноқлари илгаригидай у ёки х хоннинг ҳокимиятини эгаллашда фаол ҳал ўйнаганлар, халқ оммаси эса навкарлик вазифас Абулғозихон Оқтой хоннинг навкарлари ораси бўлганлигидан хабар беради. Урганч учун ўт Султон Хўжамхон (1558–1602) томонида бўлган уйғур ва найманларни ўлдириб юборган. келгач, ўз қўшини таркибидаги уйғур ва н ўрнига дўрманларни тайинлаган. Аммо айрим лари юқори мансабда бўлганлар. Оқтой хонни султон даврида Инзибой исми уйғур султон н ишларини олиб борган. Аванишхоннинг ўғл хукмронлик қилган вақтда найманлардан Му бий Али ўғли Санжарга берилган Нисони 25 й

Худди шундай воқеалар кейин ҳам Араб Муҳаммадхон (1602–1622) ва Исфандиёрхон (1623–1643) вақтида содир бўлгани ҳақида тарихий манбаларда маълумотлар бор. Хуллас, айрим уруғлар қатағонликка учрашидан катъи назар, илк Хива хонлари даврида уйғурлар, найманлар, дўрманлар етакчи роль ўйнаб келганлар.

Аммо XVII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб мазкур қабилалардан ташқари Амударё қуйи оқимига жойлашган бошқа уруғ-қabila туркумларининг фаоллиги кучая бошлаган. Шу билан бирга шимоли-шарқдан, Сирдарё қуйи оқими томонидан Амударё ҳавзасига ўзбекларнинг янги тўлкини кела бошлайди ва бу ерда ўзбек аҳолиси келаётганлар ҳисобига ортиб, кўнғирот, қипчоқ, қангли ва манғитлар соғи анча кўпаяди.

Абулғозихон Хива хонлигида яшовчи ўзбек уруғи ва қабилаларини тўрт гуруҳга бўлади: 1) уйғур ва найманлар; 2) кўнғирот ва қиётлар; 3) нукуз ва манғитлар; 4) қангли ва қипчоқлар. Мазкур гуруҳларга у бир неча майда қabila вакиллари ҳам киритади. Бундай гуруҳларнинг номи 14 та бўлиб, шулардан жалойир ва али-элилар қиётларга қўшилган, кенегаслар нукузларга, хўжалилар манғитларга, дўрманлар, юзлар, минглар уйғурларга, сайдлар найманларга қўшилган. Хивада ўзбеклар гуруҳига кирган кўнғиротлар ва хитойлар жуда озчиликни ташкил қилган. Аммо пойтахт атрофида, барча асосий қабилаларнинг вакиллари учрайди, айниқса, кўнғирот, дўрман ва найманлар кўпроқ жойлашган.

Барча тарихий манбаларда ва этнографик тадқиқотларда хоразмликларни этник жиҳатдан икки гуруҳга бўлиб таърифлайдилар. Булар ўтроқ қадимий аҳолиси – сартлар ва келгинди, лекин ўтроқ аҳоли билан аралашиб кетган уруғ-қабилали ўзбеклар. Сартлар, кўплаб тадқиқотларда қайд қилинганидек, Ўрта Осиё шаҳарлари ва қалъаларида истикомат қилиб, деҳқончилик, хунармандчилик ва савдосотиқ билан шуғулланиб келган ўтроқ аҳоли. Атоқли шарқшунос академик В.В.Радлов таърифича, «сарт» атмаси асли санскрит сўзидан келиб чикқан бўлиб, савдогар, карвонбоши деган маънони англатади. Унинг фикрича, сартлар, шу жумладан Хоразм сартлари ҳам Ўрта Осиё

халқларининг эронзабон туб аҳолисининг авлоди, қадимий туронликларнинг турклашган элати. Улар ўзларининг уруғчилик номларини мутлако сақлаб қолмаган. «Сарт» сўзи ўрта аср муаллифларининг асарларида ҳам учрайди. Юсуф Хос Ҳожиб ва Маҳмуд Кошғарий «сарт» сўзини «савдогар» маъносида таърифлайдилар. Мўғуллар ҳам дастлаб мусулмон савдогарларини, Ўрта Осиёни босиб олган турклар ҳам маҳаллий шаҳарликларни «сартлар» деб номлаганлар. XIII асрда Хоразмни босиб олган мўғуллар маҳаллий аҳолини ва мовароуннаҳрлик савдо ва ҳунармандчилик билан шуғулланувчи аҳолини сартовул, сартактой, сартокти деб атаганлар. Мўғуллар тилида Ўрта Осиё сартларининг «хотон», яъни «шаҳарлик», «ўтроқ» деб номланиши ҳам диққатга сазовордир. XVI асрда Мовароуннаҳрни, шу жумладан Хоразмни ҳам босиб олган шайбонийлар ўзларини «ўзбеклар», маҳаллий туб аҳолини – «сартлар», деб атаганлиги маълум.

Хива хонлиги аҳолисининг этник тузилиши тўғрисида муҳим маълумотлар рус сайёҳлари ва дипломатик вакилларининг ёзган асарларида ҳам келтирилган. 1793 йили Хивага дипломатик топшириқ билан келган майор Бланкеннагель шундай деб ёзади: Умуман, Хива хонлигининг аҳоли сони 100.000 жондан кўп деб тахмин этиш мумкин. Шулардан ўзбеклар 45700, сартлар 15000, қорақалпоқлар 10.000, ёвмутлар 5000–6000, қолганлари эса асир тушган қуллар бўлган. Шу ердаги қадимий аҳоли – сартлар ўзбекларга тобе эдилар ва эккан ҳосилининг кўп қисмини уларга тўлардилар.

Хонликда ҳукмрон ва имтиёзли харбий табақа сифатида ўзбеклар солиқ тўлаш мажбуриятидан холи бўлганлар, сартларга эса бутун солиқ оғирлиги юкланган. Тахт учун кураш тўхтовсиз бўлиб турганини таъкидлаб, Г.Я. Килевейн: «Ўтган юз йиллик охирларида биринчи марта хон унвонига сазовор бўлган Элтузаргача сартлар ўзбекларнинг зўравонлигига бардош бериб келдилар. Элтузархон барча ўзбек иноклари ёки шаҳарнинг бошқа майда ер эгаларини ўз ҳокимиятига бўйсундирганидан бошлаб олий давлат мансабларидан ўзбеклар узоқлаштирилиб, сартлар тайинлана бошланди. Сартлар, кушбегидан ташқари, барча олий лавозимларни

эгалладилар», – деб ёзган. Унинг таърифича, бу ерларнинг қадимий аҳолисини улар сартлар ва тожиклар деб атайдилар, бу савдогарлар ва оддий одамлар деганидир. Н. Муравьев эса сартларни «шу ўлканинг ҳақиқий ва қадимий эгалари», деб атади. Хива хонлари архивидан топилган ноёб ҳужжатларда Хива ва хиваликларнинг этник тузилишига оид қимматли материаллар мавжуд.

Этнографик тадқиқотлар ҳам Хивадаги маҳаллий аҳолининг таркибида турли элатлар борлигини тасдиқлайди. Нафақат ёзма манбалар, балки ашёвий далиллар ҳам сарт ва ўзбекларни ажратиб, уларнинг ташқи қиёфасида, яъни антропологик тузилиши ва хўжалик фаолияти, маданияти, маиший турмушида ҳам айрим фарқлар борлигини тасдиқлайди.

Кекса хиваликлар ҳам хонлик даврини эслаб, келгинди ўзбек элатлари билан маҳаллий сартлар орасидаги фарқни ўзича талқин қиладилар. Уларнинг таърифича, илгарилари бу ердаги ўзбекларни ўзбек эмас, балки «ороллар» деб номлаганлар. Инкилобга қадар улар Ойбўғир ва Орол денгизи ўртасидаги бир оролда яшаганлар, шунинг учун «ороллар» деб ном олганлар. Ороллар – бу уруғ ёки халқ эмас, балки лақабдир... Урганч, Хива, Хонқа ва Ҳазораспда инкилобдан аввал «қора сарт» деб аталган халқ яшаган. Кейин ороллик ўзбеклар ҳам, қора сартлар ҳам «ўзбек» деб атала бошлаган. К.Л. Задихинанинг ёзишича: «Хонлик даврида Гурландан то жануб қадар, Питнак, Ҳазорасп, Хива, Шаббоз аҳолиси – Нукус, Манғит, Гурлан, Қипчок, Қўнғирот, Хўжайли, Кўҳна Урганч, Чимбой аҳолисини «ороллар» деб атаганлар. Агар кишиларнинг катта йиғини ёки маъракаси бўлса, Гурландан юқориси то Дарғонотагача сартларнинг битта улкан маъракаси бўлган, Тўқмоқдан то Гурлангача бошқа бир гуруҳ ороллик ўзбекларнинг улкан маъракаси ўтган... Хонқа, Хива, Ҳазорасп шаҳарлари аҳолиси доимо бир жойда ўтроқ ҳолда яшаганлар. Қўнғирот ўзбеклари эса Туркистон бўйлаб кўчиб юрганлар».

Ўзбек элатларининг ўтроқ ҳолатга ўтиши анча узок давом этиб келган. Этнографик ва тарихий маълумотларга қараганда, Хива хонлигида то XX аср бошларигача ўзбеклар ўтроқлашган турмуш тарзига ўтса-да, пахса уйлар билан бир қаторда эскича – кигиз ўтов (қора уй)ларда ҳам яшаганлар.

Маълумки, кейинги Хива хонлари ҳам Топшқовли ичида махсус ўтов ўрнатганлар. Этнографлар қайд қилганидек, суғорма деҳқончилик билан шуғулланувчи туб аҳоли – «сарт»ларнинг келгинди ўзбекларга таъсири шунча зўр бўлганки, асримиз бошларида улар, айниқса, хонликнинг жанубий қисмида, кўчманчилик анъаналарини деярли йўқота бошлаганлар. Ўтроклашиш жараёнида улар маҳаллий аҳолидан суғорма деҳқончиликнинг мураккаб тартиб-қоидаларини ўргана бориб, ўз навбатида, бу ҳолат «сарт»лар ва «ўзбек»ларнинг даставвал хўжалик, кейинчалик эса маданий-маиший жиҳатдан яқинлашишига олиб келди.

Хива воҳасининг жанубий қисмидаги ўтроклашган ўзбеклар шимолдаги уруғларига нисбатан тезроқ уруғ-қабилавий бўлинишларини унута бошладилар, аммо ўзларининг «ўзбек» номини саклаб қолдилар.

Г.И. Данилевскийнинг XIX асрнинг биринчи ярмига оид этнографик маълумотлари диққатга сазовор. Унинг таърифича, ўзбеклар асосан Хива хонлигининг шимолида кўпчиликти ташкил қилган ва у келтирган хонликдаги 25 та шаҳарнинг фақат 6 тасида ўзбеклар яшамайди, уларнинг аҳолиси фақат сартлардан ва форслардан иборат, деб кўрсатилади. Хивадан шимолда жойлашган 8 та шаҳарда: Гурлан, Боғот, Қипчоқ, Қтай, Қўшқўпир, Қўнғирот, Манғит, Хўжайлида фақат ўзбеклар ёки кўпчилиги ўзбеклардан иборат бўлган аҳоли яшаганлиги қайд қилинган; 8 та шаҳарда эса «сарт»лар билан ўзбеклар яшайди, 3 та шаҳар аҳолиси тўғрисида маълумот йўқ, деб хабар беради муаллиф.

Шу муносабат билан 1897 йили чор ҳокимияти томонидан Россия империясида ўтказилган биринчи аҳоли рўйхати туфайли тўпланган жуда қизиқарли этник маълумотларни эслаш зарур. Ўша рўйхатда тилга олинган туркий халқлар ичида сартлар бутун империяда 968,7 минг кишини, ўзбеклар эса 726,5 минг кишини ташкил қилган.

Таниқли ўзбек олими академик Я. Ғуломовнинг таърифича, XIX аср бошларига келиб Хоразмда ўзбек уруғ-қабилалари қуйидагича жойлашган: қўнғирот ва қтайлар Гурлан ва Шовот туманларида, манғитлар Гурлан ва Анбар-Манақда, қиётлар Шовот туманида, қипчоқлар Урганч ва Қўшқўпир

туманларида, дўрманлар Урганч ва Анбар-Манақда, хидирэли Урганч ва Хивада, тама Хонқа, Боғот ва Янгиариқ туманларида жойлашган. Найманлар асосан Питнақдан тортиб то Янгиариқ ва Урганч шаҳри атрофи ҳамда Ҳазорасп туманигача бўлган катта ҳудудда тарқалган. Уйғурлар ҳам кўп туманларга тарқалиб жойлашганлар. Амударёнинг ўнг қирғоғидаги Хўжакўлдан тортиб Кўкўзакқача бўлган барча ерлар қанғли-қипчоқларга қарашли бўлган. Улар билан ўн тўрт уруғ-қабилалар ўрнашган. Бундан ташқари, Хива атрофида турли уруғ-қабилалардан ташкил топган унча катта бўлмаган этник гуруҳлар ва қabila вакиллари жойлашган. Айниқса, қиётлар билан қўнғиротлар Хивадан Янгиариққача бўлган катта ҳудудни эгаллаганлар.

XVIII асрнинг охири – XX аср бошларида Хива хонлигида юқори мансабларни эгаллаб олган Қўнғирот иноқлари ўртасида кескин кураш бўлиб турган. Бу кураш асли тахт таллашиш бўлиб, асосан, бир томондан, Элтузархон, кейинчалик Муҳаммад Раҳим ҳамда, иккинчи томондан, Тўра Мурод сўфи ва Хўжамуродлар орасида олиб борилган. Оқибатда Муҳаммад Раҳим ғалаба қозониб, Қўнғирот сулоласи ҳокимият тепасига келиб мустаҳкам ўрнашиб олгач, Хива хонлигининг шимолий ва жанубий қисмлари бирлаштирилди. Мазкур сулола вакиллари ўз ҳокимиятини мустаҳкамлашда, табиийки, ўзбекларнинг асосий уруғ-қabila зодагонларига таяниб иш кўрганлар. Муниснинг хабар беришича, Муҳаммад Раҳимхон томонида қипчоқ, кенагас, қўнғирот, қиёт, нукус, манғит, жалойир, катағон, найман, қанғли уруғларининг вакиллари бўлган.

Хонликда ўзбекларнинг мустаҳкам ўрнашиб олиши бу ерда ўзбеклар таъсирининг кучайишига олиб келди, оқибатда, тадқиқотчиларнинг қайд этишича, «ўзбек номининг ўзи бора-бора Хива хонлигида яшовчи аҳолининг барчасига нисбатан ишлатила бошлади». Ҳозирги Хоразм, жумладан, Хивада ҳам ўзбек қабилалари маҳаллий аҳоли билан бутунлай аралашиб кетиши натижасида уларда уруғ-қабилавий бўлинишлар ва турмуш тарзи мутлақо йўқолиб кетган. Аммо В.В. Бартольд қайд қилганидек, Хоразм ўзбекларининг этник қиёфасида, тилида ва маиший-маданий турмушида ўзига хослик сақланиб қолган.

## ХОРАЗМЛИКЛАРНИНГ АНЪАНАВИЙ ХЎЖАЛИГИ ВА МАШҒУЛОТЛАРИ

Хива хонлигининг кўнғирот сулоласи ҳукмронлигида бирлашуви ва кейинги равнақи тасодифий эмас эди. Шу муносабат билан янги сулоланинг ҳомийси сифатида авлиё даражасига кўтарилган ҳазрати Пахлавон пирнинг танланиши ҳам табиий ҳолат эди, деса бўлади. Чунки буюк мутафаккир шоир Пахлавон Маҳмуд ва ундан кейинги улуғ сиймолар Мунис ва Ҳофиз Хоразмийлар ҳам, сўнг Огаҳий ва Баёний ҳам мўғуллар истилоси, хонларнинг ўзаро тахт талашувлари туфайли таназзулга учраб, эл бошига чексиз мусибатлар тушган, вайроналиклар, руҳий ва маданий тушкунлик вақтида шеърият ва илм-маърифат осмонида ярқираган юлдузлар эди. Хива хонлиги ташкил топганидан кейин энди куч-қувватга кириб юксалаётган даврда янги давлат мафкуравий жиҳатдан ёрдам берадиган ҳомийларга муҳтож эди. Бундай шахс элда обрўли ва севимли халқпарвар шоир Пахлавон Маҳмуд бўлди. Хива шахрининг ҳомийси деб танилган бу авлиё халқ ғамини ўзининг бош вазифаси деб билганлиги учун арик қаздириб сув чиқарган, Хива яқинида Чингизхонга қарши урушда ҳалок бўлган пахлавонлар қабри устида мақбара барпо этган, асир тушган хоразмликларни озод қилган.

Хива ва унинг атрофида яшовчи аҳоли ўзининг икки ярим минг йиллик тарихида доимо дехқончилик, ҳунармандчилик ва савдо-сотик билан шуғулланиб келган. Академик Я. Ғуломов маълумотиغا кўра, Хоразмда дехқончиликнинг юқори маданияти жуда қадим замонларда сунъий суғориш асосида вужудга келган ва худди Миср, Месопотамия ҳамда Шарқнинг бошқа мамлакатларидек тараққий этган.

Хоразм учун XV–XVIII асрлар ва кейинги асрнинг биринчи ярми жуда оғир давр бўлган. Бу мамлакатда тўхтовсиз ўзаро қонли курашлар, мунтазам равишда олиб борилган босқинчилик юришлари ўлканинг тинқасини қуритиб, кўп қурбонларга сабаб бўлган.

Агар қисқа муддат ичида, Абулғозий Баҳодирхон (1643–1663) ҳукмронлик қилган вақтда юз берган иқтисодий-

маданий жонланишни инобатга олмаганда, XVIII аср бошларига келиб хиваликлар чуқур сиёсий инқирозни ва иқтисодий тушкунликни бошидан кечираётган эди. XVIII асрнинг 30–40-йилларида Хива тахтида бир неча хон алмашиб, кейинги йиллар ҳам тахт қўлдан-қўлга ўтиб турган. 1763 йилдан бошлаб қудратли Қўнғирот иноклари сохта хонларни қўйиб давлатни бошқара бошлаган. Мана шундай вазиятда Хива тахтида қўнғирот сулоласининг дастлабки вакилларидан Эшмухаммад ўғли Мухаммад Амин давлатни қўлга олган эди.

Тарихий маълумотларга қараганда, Мухаммад Амин Иноқ тахтга келгунга қадар Хивада бир неча йил ёвмут-туркман феодаллари ҳукмронлик қилганлар. Улар билан маҳаллий ўзбек амалдорлари орасида давлатни қўлга олиш учун бўлган курашлар натижасида мамлакат вайрон қилинган, кенг халқ оммаси оғир аҳволда, очлик ва қашшоқликда яшаган. Муниснинг ёзишича, «Мухаммад Амин Иноқга қўшилгунча бир йилда 53 марта ёвмут сипохи билан урушдилар... Ёвмутнинг зулм ва тааддиси ҳаддан ўтиб, қалъа-қалъага рафтормада қила олмадилар. Бу жиҳатдан Хоразм диёрида қаҳат ва ғило шойиъ бўлди. Тоун ва вабо воқиъ. Аксари маориф ва машоҳир, балки фуқаро ва раоё маҳалла-маҳалла ва қабила-қабила жало ихтиёр қилиб, атроф ва актори оламга мунташир бўлдилар. Хусусан, Бухоро жонибиға мусофирот кўргизиб, жуъ (очлик) балосидан қутуладилар. Қочмоққа қудрати етмаган халқ авлодин қозоқ ва қорақалпоққа сотиб нафақа қилдилар. Ёвмут дағи ўғирлаб сота бошлади. Аксари кулоъ (қалъалар) ва билод (шаҳарлар) хароб бўлиб, кентлар ва мазраъалар бешава чангалистон ва кулот ерлар найистон бўлди. Хивакнинг олий иморатлари мунҳадим бўлиб, ўрнига сўксўк ва юлгин кўкарди. Ваҳший жониворлар одамийзодға қойилмақом бўлди. Анингдек обод шаҳарда 40 уйлик роият қолди. Баъзидин эшитдимку, 15 уйликдан кўп эмас эди. Аксари намоз жумада уч ёки тўрт киши топилур эрди. Муонидлар шаҳарнинг атрофида муаталаккаин эрди. Қаҳат ул ғоят истило топдиким, ит ва эшак гўшти олинмай халойиқға ҳалол бўлди. Баъзи ерда одамни ҳам ебдурлар».

Манбаларга қараганда, хиваликлар хотин бола-чақалари билан Мухаммад Амин Иноқ бошчилигида қаҳатчилик ва



очлик балосидан қочиб, Бухоро томон кўчишга мажбур бўлганлар.

Оғир аҳволда қолган шаҳарликлар кўзғолон кўтарганлар. Вақтинча Хоразмдан воз кечган Муҳаммад Амин Иноқ хон авлодидан бўлмаса ҳам, қайтиб келиб тахтни қўлга олади ва қўнғирот сулоласига дастлаб асос солади. Унинг ўғли Аваз Иноқ (1790–1804) ҳам отасининг ишини давом эттириб, сохта хонлар номидан мамлакатни бошқарган. Янги сулолани маҳаллий амирлар, катта ер эгалари, савдогарлар ва рухонийлар қўллаб-қувватлаганлар. Аваз Иноқнинг ўғли Элтузар сохта хон Абулғози V ни тахтдан ағдариб, ўзини қўнғирот сулоласининг ҳақиқий хони деб эълон қилади. Аммо Элтузар икки йил ҳукмронлик қилиб, 1806 йили Бухоро билан бўлган урушда сувга чўкиб ҳалок бўлади. Шундан сўнг Хива тахтига мазкур сулоланинг кўзга кўринган йирик намояндalarидан бири – Элтузарнинг укаси Муҳаммад Раҳим I (1806–1825) кўтарилади. У олий кенгаш таъсис қилган, солиқ ислоҳоти ўтказган, ўлпонларни мунтазам ундириб олиш йўли билан давлат хазинасини анча бойитган, божхона ташкил қилган, пул зарбхонасини очиб, тилла танга зарб қила бошлаган.

Янги хоннинг энг катта ютуқларидан бири – бой зодагонлар ва йирик ер эгаларининг ўзбошимчилигига ва тарқоқлигига қарши курашиб, уларни ўзига бўйсундиришида, майда феодалларни қарам этишида. Муҳаммад Раҳим I 1811 йили Орол бўйидаги 20000 оила яшаётган қалъани вайрон қилиб, оролликларни тўла бўйсундирган, уларнинг бошлиғи Тўра Мурод сўфини ўлдирган. Мазкур хоннинг деярли 20 йиллик ҳукмронлик қилган даври ҳам турли воқеаларга бой бўлган. Оллоқулихон 1825–1843 йиллар ҳукмронлик қилган бўлса, ундан сўнг Раҳимқулихон уч йил, Муҳаммад Амин тўққиз йил, Абдулло беш ой, Қутлимурод етти ой, Сайид Муҳаммад тўққиз йил хонлик қилгач, Муҳаммад Раҳим II узоқ вақт тахтда ўтирган (1865–1910).

Янги хоннинг солиқ соҳасидаги сиёсати хазинани бир оз бойитган, нарх-наволар тартибга солинган. Бозор иқтисодиётига катта эътибор берган Муҳаммад Раҳим II ички ва ташқи савдони анча кучайтирган.

Мунис, Огаҳий ва Баёнийларнинг тарихий асарларида Хивада кўнғирот сулоласи ўрнатилгандан сўнг Эрон билан Хуросон учун бўлган урушлар, тож-тахт учун талашувлар, феодаллар ўртасидаги қонли тўқнашувлар, туркман ва қорақалпоқларни хонликка қўшиб олиш учун бўлган курашлар тасвирланган. Бу курашлар туфайли халқ оммаси оғир аҳволга тушганлигини, оч-яланғоч яшаганлигини, хонлар ва султонларнинг босқинчилик ва талончилик сиёсатини, улар орасида авж олган маишатпарастлик ва зўравонликларни тасдиқлайдиган турли далиллар келтирилган. Муҳаммад Раҳим II нинг тахтга келиши билан мазкур ижтимоий-иқтисодий аҳвол анча ўзгарган, ўлкада осойишталик, бунёдкорлик ва нисбатан тўқ-фаровон ҳаёт бошланиб, хўжаликнинг барча соҳаларида, айниқса, деҳқончилик ва савдо-сотиқ ишларида жонланиш рўй берган. Айниқса, Россия билан ташқи савдо анча ривожланган. Амударё бўлимида олиб кетилган пахта толасининг умумий миқдори 500 минг пудни ташкил қилган бўлса, 1906 йилда фақат хонликнинг ўзидан 600 минг пуд пахта толаси олиб чиқилган. Ўша йиллар хонликдан 106 минг пуд мол териси, 17 минг пуд юнг ва 130 минг пуд беда уруғи Россияга жўнатилган.

Шуни ҳам алоҳида қайд этиш лозимки, кўнғирот сулоласи ва Хива шаҳрининг ҳомийси деб танилган ҳазрати Полвон пирнинг кўримсизгина қабри мазкур сулоланинг дабдабали хон даҳмасига айланиши тасодифий воқеа бўлмаган. Хива хонлари буюк авлиёга қанча яқин бўлсак, у дунёда шунча кўллаб-қувватланамиз, деган ниятда Паҳлавон Маҳмуд билан ёнма-ён қилиб ўзларини дафн этишни буюрганлар. Бунинг учун 1810 йилдаёқ муҳташам бино қуриб битказилган, ибодатлар ўтказиш учун масжид ва хонақоҳлар қурилган, мақбара ён қаторига Хива доруғасининг қабри кўчирилган. Унинг сағанасига хонларники сингари безаклар берилган. Ён галереяга Абулғозийхон (1665), Анушахон (1681), Йўлбарсхон (1744), Муҳаммад Раҳимхонлар дафн этилганлар. XX асрга келиб қабристонни тўрт кироатхона ва Ёқубхўжа мадрасаси қуршаб олган. 1913 йилда мақбара ҳовлисида икки қаватли бино қад кўтарган, унинг битта хонасида Исфандиёрхоннинг дабдабали даҳмаси ўрнатилган.

Пахлавон Маҳмуд мақбараси атрофида бетакрор мураккаб меъморчилик мажмуининг вужудга келиши антик Хоразмнинг кўп асрлик меъморий қурилиш ва гўзал санъат анъаналарини ўзида мужассамлаштирибгина қолмай, ўз давридаги юксак хўжалик-маданий ҳаётнинг ифодаси деса ҳам бўлади.

XIX аср охири – XX аср бошларида Хива хонлиги Ўрта Осиёдаги феодал типдаги давлатлардан бири бўлиб, аҳолиси асосан деҳқончилик билан шуғулланган. Уларда кўп тармоқли ҳунармандчилик муҳим роль ўйнаган. Асримиз бошларида хонликдаги жами аҳоли 742 минг нафар кишини ташкил қилган. Шулардан 30 мингги туркман уруғларига мансуб. Хонликда 1500 дан ортиқ рус фуқароси, XIX аср охирларида Германиядан кўчиб келиб Оқмасжидга жойлашган 137 нафар немис фуқароси ҳам яшаган. Бу даврда пойтахтда турли қурилишлар авж олган. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, XIX асрда бошланган бу жараён XX асрга келиб ўзига хос йирик жамоат бинолари ва ҳовлиларида баланд устуңли айвонлар бўлган, тураржойлари ягона бадий бутунлик касб этган ноёб меъморчилик ансамблида ўз ифодасини топган. Уларни кичик-кичик кўча ва боши берк кўчалар бир-бири билан туташтириб турган. Ҳар хил маҳалла (элат) тадбирлари ё касб-кори, ё миллати (уруғ-қабиласи), ё табақасига қараб маъмурий-диний (мачит-қавм) жамоат марказида олиб борилган. Қоидага биноан, мачит-қавм ихтиёрида ҳовузли мезана, ҳордиқ чиқарадиган ва чой ичишга мўлжалланган атрофи гулзор сува, айрим тураржойлар ва хўжалик учун ажратилган кўшимча қурилиш иншоотлари кўп бўлган.

Хива қалъасининг ташқи қисми – шаҳристонда замонлар ўтиши билан теваараги қалъали деворлар билан ўраб олинган работ вужудга келган. Оқибатда, Хивада иккита шаҳар қисми – Ичан қалъа, яъни ички қисми ва Дишан қалъа, яъни ташқи қисми пайдо бўлган. Бу ерда Хива хонлигининг шаҳар ташқарисидаги қароргоҳи ҳам қад кўтарган. Шаҳристоннинг шимоли-ғарбий бурчагидаги машҳур Нуруллабой саройи ва шаҳар ташқарисининг энг чекка жойларидан бирида тикланган Рафанақ саройи бунга мисол бўла олади. Хива атрофидаги сарой ва иб-

датхоналар Қиблатозабоғ, Чодраҳовли, Отажонтўра ва Исмоилхўжа кабилар, Шоҳимардон ва Шайх Мавлон даҳмалари, Саёт кишлоғидаги Тошмачит ва Биби Ҳожар макбараси каби обидалар гўзал боғу роғлар орасида қад кўтарган. Мазкур ноёб иншоотлар орасида онда-сонда тикланган бой деҳқонлар ва амалдорларнинг катта, баланд пахсали ва кунгирали кўрғон типидagi ҳовлилари билан бир қаторда тарқоқ ҳолда йўл ёки сув бўйида жойлашган кишлокда яшовчи аҳолининг камбағал қатламлари истиқомат қиладиган бир хонали уйлар ҳам кўп учрайди.

Хива хонлигидаги аҳолининг, юкорида қайд қилганимиздек, шимолий ва жанубий ўзбекларга бўлиниши нафақат этник жиҳатдан, балки хўжалик-маданий типлари жиҳатдан ҳам ўзига хос хусусиятга эга. XIX асрдаги Хива хонлигида суғорма деҳқончилиқни ўрганган муаллифлардан бири шундай деб ёзади: «Воҳадаги Хива хонлигининг хўжалиги Кўҳна Урганч – Хўжаэлидан иккига бўлинади: жанубда, ҳамма ёқда жуда кўп ариқлар бўлиб, унда йил бўйи сув сақланган; шимолий қисмида ариқлар кам учрайди ва улар сув тошқини вақтларида тўлиб оқади, бошқа вақтда сувни фақат қудуқлардан олиб фойдаланганлар. Бундан ташқари, Хоразмнинг жанубий қисмида шимолга нисбатан аҳоли анча зич жойлашган, бу ердаги аҳоли асосан деҳқончилик билан шуғулланади ва бу уларнинг деярли танҳо ҳаёт манбаи». Масалан, тарихий манбаларга кўра, Хива хонлиги аҳолиси 1909–1910 йилларда 700 мингдан ортиқ кишидан иборат бўлса, шундан тахминан 75 фоизи жанубий қисмида яшаган.

Демак, хонликдаги деҳқончилик билан асосан жанубий Хоразмда яшовчи ўзбеклар шуғулланганлар, у ернинг тупроғи унумдор бўлиб, юкори ҳосил етиштирилган. Аммо маҳаллий деҳқончилик хўжалиги ернинг табиий шароитига қараб бошқа минтақага нисбатан анча фарқ қилган. Хоразмда иқлимнинг ёзда жуда иссиқ бўлиши бу ерда фақат суғорма деҳқончилиқни тақозо қилади, ер сатҳининг текислиги сув оқимини махсус механизм ва иншоотлар орқали бошқаришни талаб этади. Шунинг учун XX асрнинг 20-йилларигача Хива хонлигида чиғир билан суғориш кенг тарқалган. Масалан, 1916–1917 йиллари бутун Хоразмда 66 мингдан ортиқ чиғир

бўлган, ўртача ҳисоблаганда бир хўжаликка айрим пайтлари 3–4 та чиғир тўғри келган.

Юқорида суғориш усуллари механизми ва иншоотлари тўғрисида тўхталиб ўтилган эди. Бу ердаги деҳқончилик ўзига хос хусусиятга эга. Амударё оқимининг доимо ўзгариб туриши, унинг тошқин вақтлари келтирадиган ташвишлари – серлойқа Аму сувининг арна ва ариқларга кум уюмларини тўплаши маҳаллий деҳқончилик учун ҳар йили кўшимча меҳнат сарфланишини талаб этганлигини тарихий манбалар тасдиқлайди. Амударё тўлиб оқиб турган даврида учта катта тошқин доимо деҳқончиликка хавф туғдирган (апрель, май, июнь ойларидаги сув тошқинлари). XX аср бошида Хоразмда бўлган гидромуҳандис С.К. Кондрашевнинг таърифича: «Амударё қутурган пайтда маҳаллий гидротехника иншоотлари унинг олдида мутлақо ожизлик қилар эди. Дарё каналлар сув оладиган жойларни емириб, ювиб кетиб, уларни қисман бекитиб ҳам қўяди, натижада каналлардаги сув камайиб кетади. Оқибатда мазкур каналдан сув ичадиган ерлар сувсиз қолади. Бундан ташқари, сув тошқини пайтида Амударё баъзан пастлик ерларни босиб кетади. Нишаб ерлар ва паст қирғоқларда тошқин вақтларида сув жуда ёйилиб оқади». Тошқинлар пайтида қудратли дарё оқими қирғоқдаги сунъий иншоотларни, уй-ҳовлиларни, экин далаларини емиради, кишлок ва тўқайзорларни сув босиб кетади. Бундай офатдан сақланиш учун аҳоли дарё бўйлаб тупрокдан катта дамба (қачи) тиклаган. Аксинча, сув танқис бўлган пайтда сунъий каналларнинг сақасига (сув бошига) кўшимча иншоотлар қурганлар. Масалан, Хиванинг асосий сув манбаи Полвонёпда сув етмаганда ишлатиш учун 6 та сақа қурилган – Тошсақа, Пирёрган, Чағаллақарна, Хавазак (Бешариқ), Качанава ва Тўғритешик. Бундан ташқари, қиш ва эрта баҳор пайтлари барча сув тармоқларини, айниқса, бош канал ва ёшларни бир неча марта қазиб чуқурлаштирганлар, кўшимча дамбалар қурганлар. Кўшимча канал, арналар қазиш, уларни таъмирлаш, йўлларни ва қалъаларни тузатиш каби турли жамоатчилик ишлари мажбурий тарзда ўтказилган.

Бу тўғрида ўша давр деҳқончилигининг шоҳиди С.К. Кондрашев шундай деб ёзади: «Бош канални тозалаш (қазиш)

учун ер эгаси ҳар ўн таноб ер ҳисобидан бир ой ёки ундан кўпроқ вақтга бир хизматкор (қазувчи) ажратиши шарт бўлган. Ундан ташқари, ҳар бир хўжайин (ер эгаси) бир каналдан сув ичадиган ўзларининг ёпини қазиси ҳам мажбур. Бундай ишлар сув очилгунча баҳор пайтида ўтказилган. Баъзан сув танқислигида ёз пайтлари бош канал иккинчи марта қазилиши ҳам мумкин».

Полвонёпни қазиб бўлгач, ундан чиқадиган ёпларни ва бошқа тармоқларни қазिशга киришилган. Бу ғоят мушкул ва сермеҳнат иш кенг деҳқонлар оммасининг тинқасини куритган. Масалан, Хива хонлигида сув иншоотларини таъмирлаш ва тозалаш учун 700 мингга яқин ишчи кучи сарфланган.

Сув тақсимоги муайян тартибда махсус маъмурият (миробчилик) томонидан бошқарилган. Одат бўйича, экинлар сувга мухтож пайтида сувга танқислик сезилса, биринчи навбатда, ариқ этагидаги ерларга сув берилган, кейин юқори участкага ўтилган ва ҳоказо. Суғориш усуллари экин турларига қараб ҳам белгиланган. Шоли, беда ва бошқа бошоқли дон экинлари чек билан бўлинган, тахта-тахта қилиниб бос-тириб суғорилган. Шўрни ювишдан олдин ер бир неча марта ҳайдалиб, яхшилаб молаланиб текисланган ва кейин сув бостирилган. Кўпинча экинлар эгатлар орқали суғорилган.

Ўша пайтларда сув камида 5–6 метр чуқурликда оқиб, Амударёнинг лойқаси ёпларни ҳар йили камида бир-бир ярим газ лой билан тўлдирган. Шу сабабли деҳқонлар уни ҳар баҳорда бир марта тозалашган. Бу ишга кишлоқнинг барча йигитлари чиқиб, асли бу тадбир ҳаёт талаби билан юзага келган анъанавий катта ҳашар бўлиб қолган. Қазув, одатда, сақадан бошланган. Ёп ҳар йили қазилаверган, ундан чикқан лойқа чиқиндиси ён томонга отилиб, икки томонда тупроқ уюми пайдо бўлган, бу рош деб аталган. Лой иши учун капча деган бел ясалган, у темир белкуракнинг кичик нухаси бўлиб, уст томонига яримдоира шаклида қалин сим тортилган. Мазкур ёп кишлоқда хўжаликлараро сув йўлининг умумий номи бўлиб, аксарият ҳолларда уни яна иккита атама билан номлашган. Биринчиси – чиғирик, яъни кишлоқ чиғирларига сув етказиб берадиган «ўқариқ» дейил-

са, иккинчи номи – «тортма» бўлиб, иккаласи ҳам ўз номига мувофиқ вазифани бажарган.

Хиваликлар Полвонёпни қазиб бўлгач, ундан чиқадиган катта-кичик ариқларни тозалаб, яъни қазиб чиқиб баҳор келиши билан каналнинг бош тўғонига босилган вардни очганлар. У ҳам жуда катта меҳнат талаб қилган. Сув Полвонёпни тўлдириб, кишлоқларга борадиган маҳаллий ёпларга, ундан майда шохобча (солма)ларга тарқалган. Солма хиваликларда, одатда, икки хил номда бўлган: бири чиғирга борадигани чуқур ариқ – тортма орқали бўлса, унга «чикчир солма» дейилган; иккинчиси, отизга йўналтирилгани «оёқ солма» деб аталган, у бевосита далага сув етказган. Сувга яқин жойда бўлиш, айниқса, сакага ёки паст окимга яқин ерда яшаган кишилар ўзларини бахтли ҳисоблаганлар.

Одат бўйича дехқонлар экинлар сувга муҳтож пайтида, айниқса, сув танқислиги сезилса, ундан навбат билан фойдаланишга каттиқ риоя қилганлар. Сув кўпинча чек билан тақсимланиб, аввалги саҳифаларда айтилганидек, биринчи навбатда, ариқ этагидаги ерларга сув берилган, кейин ариқ охирларидан иккинчи қисмига, сўнг юқорирокқа ва ҳоказо. Ҳатто кичик ариқ, яъни солмаларга ҳам сув навбат билан тақсимланган. Дехқонлар ўз навбатларини сабр-тоқат билан кутганлар, сувдан фойдаланиш тартибини бузганлар эса каттиқ жазоланганлар, яъни ё сувдан маҳрум қилинганлар, ёки пул жаримаси тўлашга мажбур қилинганлар, ҳатто қамок жазоси белгиланган.

Маҳаллий дехқончиликнинг иккинчи муҳим омили ерга ишлов беришдан иборат бўлган. Хиваликлар жамоа ва хусусий ерларда ҳам қадимий, ҳам оддий иш қуролиларидан фойдаланиб келганлар. Масалан, XX аср бошларигача Хоразмда ҳам ерни ҳайдашда ёғочдан ясалган омоч (бу ерда «кунда» дейилади), ҳайдалган ерни текислашда мола каби оддий қурооллардан фойдаланилган. Одатда, омоч учига темирдан ёки чўяндан ясалган тиш («поза») ўрнатилган. Омоч бўйинтуруқ ва тиркаш билан молга кўшилган. Ерни текислашда ишлатиладиган мола махсус тахтадан ясалган бўлиб, унга баъзан темир тиш ўрнатилган («сих мола» ёки «дандана»). Ер ишларида анъанавий бел, кетмон, капча, ҳосил

ййғишда ўроқ ва хирмон кўтаришда темир ё (сешоха ёки панжшоха) ёғоч бел, ғалвир (зағама ёки тир) каби қуроллар ишлатилган.

Ерни ҳайдашда тупроқнинг сифатигагина эмас, унда экиладиган экин турига ҳам эътибор берилган. Масалан, лалми, юмшоқ тупроқли ерлар бир-икки марта ҳайдалса кифоя, суғорма, айникса, шоликор ерларни беш-олти марта ҳайдаш зарур бўлган. Ундан ташқари, оғир тошлоқ ерларда катта омов (кунда), енгил юмшоқ тупроқли ерларда кичик омов ишлатилган. Хива кундасининг омовдан фарқи тиши (поза) нинг бир оз кенг ва ялпоқлиги, бу эса ерни юмшатибгина қолмай, қатламлаб ўтларни тагидан қирқишга имкон беради.

Ҳайдалган ерни текислаб уруғ сепилгач, устидан тупроқ тортиш учун мола ишлатилган. Хивада икки хил мола бўлган: бири – тут ёки ўрик дарахтидан икки метргача узунликда ишланган, паст қисмига икки қатор темир тиш ўрнатилган сихмола ёки моладандана асосан қуруқ ажриқли ерларни ва кесакли далаларни текислашда ишлатилган; иккинчиси – оддий мола, икки метр узунликдаги ёғочдан ишланган.

Ер қавлаш ва қурилишда энг кенг тарқалган қадимий иш қуроли бел ва кетмон ҳисобланган. Хоразм воҳасида, жумладан, Хивада ҳам ғаллачилик, полизчилик, боғдорчилик ва ерга ишлов бериш, ариқларни тозалаш каби ишларда асосан бел ишлатилган. Хива бели конус шаклидаги учи чўзилган ўткир, икки тепки қулоқли темирдан ясалган. Ундан аравага тупроқ ва гўнг ортишда ҳамда уни далага сепишда, ерга ишлов беришда, қазув ва чопиқда ҳам фойдаланилган.

Ерга ишлов бериш асосан ерни бир неча марта ҳайдаш, мола босиш, ўғитлаш ва сув беришдан иборат. Кўп асрлик тажриба натижасида маҳаллий деҳқонлар экинларини навбатлаб экишнинг мураккаб тизимини кашф этганлар, фаслга қараб тупроқнинг ҳосияти, суғориш имкониятлари ва бошқа деҳқончилик сирларини яхши билганлар.

Ерни суғориш зўр санъат ҳисобланса, экинларни вақти ва жойига қараб, яъни алмашиб экиш ҳам юксак маҳорат талаб қилган. Хоразм деҳқонлари учун узоқ йиллар тўпланган тажриба гўё ҳамма учун бирдек талабга жавоб берадиган меъёрга



айланган, ҳамма бу меъёрга амал қилган. Тобига келган ерга уруғ сепиш қўлда бажарилган.

Бир-икки ой ичида экин-тикинлар ниҳоясига етгач, парвариш ишлари, чиғир ҳайдаб ўз вақтида сув бериш, экинларни бегона ўтлардан тозалаш, кетмон талаб экинларни вақти-вақти билан чопиқ қилиш каби ишлар бажарилган.

Ҳосилдорликни оширишда муҳим тадбирлардан бири ерни ўғитлаш ҳисобланган. Манбалар ва тадқиқотчиларнинг маълумотларига қараганда, Хоразм деҳқонлари қадимдан гўнг аралаш тупроқ (қум)ни ўғит сифатида ишлатганлар. Баъзан эски харобалардан кесак (пахса) ва дарё лойқасидан, томорқаларда кесак аралаш нажасдан ўғит сифатида фойдаланилган. Маҳаллий деҳқончилик ниҳоятда катта меҳнат талаб қилган. XIX аср охири – XX аср бошларида Хива хонлигида асосий экин – ғалла ҳисобланган. Жумладан, донли экинлар билан 65 фоиз ер банд бўлган бўлса, маҳаллий пахта – «ғовоча» 5,8 фоиз экинзорни эгаллаган. 1910 йилга оид архив ҳужжатларидан бирида Хива хонлигидаги деҳқончилик қилинадиган ер майдони 571 минг танобни, шундан мадраса ва вақфга тегишлиси 120 минг танобни, экин экилмайдиган ер майдони 1 млн. 18 минг танобни ташкил қилган, деб кўрсатилган.

Ўрта Осиёни районлаштириш материалларига биноан, 1925 йили Хоразмда барча экинларнинг 28,6 фоизини буғдой ва арпа, 18,5 фоизини шоли, 18,3 фоизини макка ва оқжўхори, яъни дон экинлар барча экинзорларнинг учдан икки қисмини эгаллаган. Шу билан бирга экин майдонларининг 16,9 фоизи пахта, 10 фоизи беда, 1,5 фоизи дуккакли ўсимликлар (мош, ловия), 0,7 фоизи кунжут, зиғир каби мой берадиган экинлар, 2,1 фоизи қовун, тарвуз, қовоқ ва бошқа полиз экинлари, 3,1 фоизи турли бир йиллик экинлар билан банд бўлган.

Айрим тадқиқотчилар хулосаларига қараганда, 1924 йилги материаллар деҳқончиликда инқилобдан илгариги ҳолат сақланиб қолганлигини кўрсатади. 20-йилларнинг ўрталарида Хоразм воҳасида, шу жумладан Хива агрофларида ҳам барча суғорма ерларнинг анча қисми, яъни 30 фоизи буғдой билан банд бўлган, 12,6 фоиздан 22,0 фоизгачасини жўхори эгаллаган. 15–18 фоиз ерга беда экилган, чунки воҳада табиий

яйловлар кам бўлиб, чорвага ем-хашак етишмаган. Ҳатто, арпа ёки бошқа баҳорги экинлардан кейин ем-хашакка иккинчи экин қилиб жўхори экилган ва уни хомаки ўриб, йиғиб-териб қишга ғамлаганлар. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, Хоразмда ўзига хос чорвачилик (асосан оғилхонада боқиш) асосида бу ерда беда етиштириш шундай ривожланган эдики, махсус беда уруғчилиги муҳим соҳа бўлиб, ҳатто, уруғлар жаҳон бозорига экспорт қилинган. Пахта экиш ҳам бутун воҳада XIX асрнинг 80–90-йилларида ривожланиб, хоразмликлар экин майдонларининг 17–22 фоизини Америкада етиштирилган ғўза нави эгаллаган.

Қадимда полиз экинлари ҳам кўп етиштирилган. Кунжут ва зиғир, полиз экинларидан қовун, тарвуз, ошқовоқ (кади), сабзи, пиёз кенг майдонларни эгаллаган. Масалан, XX аср бошларида О. Шкапский тадқиқотларига қараганда, Хива хонлигида ўртача хўжалик (6–7 танобли) ерининг 30,3 фоизида буғдой, 26,4 фоизида жўхори, 2,5 фоизида қовун, қолганида кунжут (1,2 фоизи), мош (0,9 фоизи), тарик, сабзи, пиёз экилган. Бундай хўжаликларда иш қуроли ҳам чекланган бўлиб, ўрта ҳисобда биттадан арава, чиғир, катта ва кичик омоч (кунда), бўйинтурук, темир тишли мола ва мола-дан-дана, уч-тўртта ўроқ, иккита бел ва капча, бир-иккита темир ёки ёғочдан ёва (панжшоха) ва кетмондан иборат бўлган. Юкорида қайд қилинганидек, маҳаллий бел бир неча хилда бўлган, шулардан кенг тарқалгани ўрта бел ёки малак бел, арава бел ва капча (бел), уч хил кетмон асосан полиз (қовун-тарвуз) экинларига ариқ тортишда, чопқи, кетмон асосан сабзи-пиёз каби экинларга ишлов беришда ишлатилган.

Маҳаллий деҳқонлар мазкур экинларни зўр маҳорат билан парвариш қилиб, уларни бутун йил бўйи, кейинги ҳосилгача сақлаш қобилиятига эга бўлганлар. Хиваликлар, айниқса, узум ва анорнинг олий навларини, қовуннинг махсус навларини ёзгача сақлаш сирларини билганлар. Уларни бой деҳқон хўжаликларида махсус омборларда, болохона (талак)ларда, кўпчилик деҳқонлар эса сомон ёки ёвчан аралаш лой билан сувоқ қилинган 1,5 м келадиган чуқур (ўра)ларда сақлаганлар.

Унни маҳаллий табиий географик шароитга мослашган тегирмонларда тортганлар. Хивада асосан ҳайвон кучи билан

ҳаракатга келтириладиган тегирмон («харос» ёки «каш-каш») ва қўлда айлантириладиган тегирмон ишлатилган. Бу ерда ер сатҳининг текислиги ва дарё оқимининг пастлигидан сув тегирмонлари деярли бўлмаган. Шоли ҳам ҳайвон кучи билан ишлайдиган махсус механизм (дапма) да ва қўлда – келида янчилган. Техник экинлардан пахта чигити, кунжут, кандир, зиғир ва полиз экинларидан, асосан, қовун уруғидан махсус мойжувозларда янчилиб ёғ тайёрланган. Ғовачани қўл билан оддий дастгоҳ (чиғириқ) да тозалаб, чигитдан мойжувозда ёғ олинган, толасидан ип йиғириб, бўз ва бошқа газламалар тўқишда фойдаланилган.

Маҳаллий деҳқонлар кўп асрлик тажриба асосида табиат ҳодисаларини кузатиб, халқ тақвимини яратганлар. Бундай тақвимлар бир неча хил бўлган. Этнографик маълумотларга қараганда, Хоразмда илгари кенг, энг кўп тарқалган йил ҳисоби «деҳқон дўқсони» деб номланган. Ҳар уч ойлик фасл тўртта 90 га бўлинган: 15 февралдан 15 майгача – баҳор дўқсони, 15 майдан 15 августгача – ёз дўқсони, 15 августдан 15 ноябргача – кузак дўқсони ва 15 ноябрдан 15 февралгача – қиш дўқсони. Мазкур тақвим хонликда қабул қилинган расмий қуёш йил ҳисобига тўғри келган. Йил «баҳор дўқсони» дан бошланиб, у ҳамал, савр, жавзо ойларига, «ёз дўқсони» – саратон, асад, сумбула ойларига, «кузак дўқсони» – мезон, ақраб, қавс ойларига, «қиш дўқсони» – улли чилла, кичик чилла ва хут ойига тўғри келган.

Мазкур йил ҳисобидан ташқари, экин экиш ёки пишиб етилиши тизимини юлдузларга қараб ҳам белгилаганлар. Масалан, июнь ойи бошларида Ҳулкар юлдузи пайдо бўлиши, қишки экинлар пишиб етилганлигидан дарак беради. Тарози юлдуз туркуми уфқдан баланд кўтарилса, ёз келганлигининг белгиси ҳисобланган.

Хиваликлар хонлик даврида фақат деҳқончиликда эмас, балки чорвачиликда, айниқса, ҳунармандчиликда ҳам ажойиб маҳорат кўрсатганлар. Аммо чорвачилик деҳқон хўжалигининг таркибий қисми бўлиб, унга хизмат қилувчи соҳа ҳисобланган. Деҳқон гўшт ва сут маҳсулотлари учун мол, қўй, эчки сақлабгина қолмай, балки ишчи кучи сифатида от, хўкиз, туя ва қисман эшакдан фойдаланган. Улар ерга

ишлов беришда, чиғир орқали суғоришда, кишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришдаги ҳар хил механизмларда транспорт воситаси сифатида ва хоказоларда ишлатилган. Йирик моллар асосан оғил(мол) хоналарда сақланган, майда мол (қўй-эчки)лар қисман ўтлоқ ва яйловларда боқилган. Табиийки, чорва молларнинг кўпи бой хўжаликларда бўлиб, улар пода-пода қўйларни махсус подачиларга топширганлар.

Молсиз камбағал деҳқонлар ерга ишлов беришда бир неча хўжалик бирикиб, хўкизларни қўшиб, жамоа ташкил қилганлар, бир хўкизли хўжалик қариндоши ёки қўшнисининг хўкизини олиб қўш қўшган. Алғов асосида баъзан икки-уч хўжалик бирикиб, қўшни навбатма-навбат ишлатганлар. Бош ишчи кучи от ҳисобланган. Миниш учун кўпинча туркман оти ишлатилган. XX аср бошида Хива хонлигининг жануб қисмида 30 мингдан ортиқ от, 70 минг қўй-эчки, 29 минг туя бўлган. Хонликда яхши отнинг баҳоси 25–30 тилла, ўрғачаси – 10 тилла бўлган. Оти кўп хўжаликлар бирикиб, қозоқлардан тажрибали подачиларни мардикорликка жалб қилганлар, масалан, 500 та отга 40 тага яқин подачи ёлланган.

Хўкиз, сигир ва бузоқларни хиваликлар қорамол, деб номлаганлар. Айниқса, деҳқончиликда йил бўйи ишлатиладиган хўкизларга эътибор кучли бўлган. Уни ер ҳайдашда, ҳирмонда, баъзан чиғирда ишлатганлар. Хўкизнинг нархи ҳам баланд бўлган.

Хива хонлигининг барча шаҳар, кишлоқларида хунармандлар кўп бўлган. Улар металл ишлаб чиқаришдан бошлаб, то турли хилдаги тўқимачилик ва тикувчилик хунаригача тўла эгаллаганлар. XX аср бошларида Хива ва Урганч хунармандчилигининг энг йирик марказларидан ҳисобланган. Ҳар бир хунарманд катта шаҳар бозорларида ўзининг растасига эга бўлган, баъзи маҳалла (қавм) ўз касби номи билан аталган. Хивада, архив маълумотларига қараганда, XIX асрнинг 60-йилларида марказий бозорда дўкон очиб, махсус солиқ тўлаб турган доимий хунармандларнинг сони 556 устандан иборат бўлиб, улар 27 хилдаги хунар вакиллари бўлган. Доимий дўконга эга бўлган мазкур касблардан ташқари бозорда дўкон очмай маҳсулот етказиб берган кулол, читгар, позачи, дурадгор каби бошқа турли хунармандларни эътибор-

га олганда хунар турлари яна ҳам кўп эканлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Масалан, Ўрта Осиёни районлаштириш материалларига биноан XIX асрнинг 80-йилларида фақат Хивада оиласи билан ёки ҳамкорликда ишлаб турган 2528 турли корхона эгалари рўйхатга олинган. Г.И. Данилевский берган хабарига кўра, хунарамандчиликнинг Хивадан кейинги бош маркази Янги Урганчда 320 та дўкон мавжуд бўлган. Бу ердаги корхоналар майда бўлиб, унда ёлланма меҳнат чекланган.

Хунарамандчиликнинг энг қадимий ва кенг тарқалган соҳаси металл буюмларни ясаш билан боғлиқ. Улардан анча мураккаби куйма буюмлар ва қурол ясаш бўлган. Хива хунарамандлари қозон, майкалдон, чойнак, жувоз бошмоғи, шамдон, сўка сопи, елим коса, арава ғилдирагига марганак каби буюмларни куйиб ясаганлар.

Дўкон, одатда, устанинг уйида қурилган. Унда 5–6 нафар шогирд ва бир неча ёлланма ишчи хизмат қилган. Дўконда асосан чўян эритадиган дастгоҳ (лойдан қурилган босқонли ўчок) ва турли асбоб-ускуналар, поза ва бошқа қолиплар, чарх ва ҳар хил асбоблар мавжуд бўлган. Чўян қуювчи усталар ичида илгари тўп ва ўк отар қуроллар ясайдиган хунарамандлар хон саройида хизмат қилганлар. Айрим тўпларга баъзи усталарнинг номи битилган. 1908 йил Хивага борган Н.Н. Самойлович ўз ҳисоботида хон саройида Худойберган девон исмли машҳур муҳр ўювчи, тўп қуювчи ва соатсоз уста билан учрашганини қайд қилади. Атокли пичоқчи уста Отажон Мадримов ҳам шулар жумласидандир. Хивада бадиий характердаги қилич, пичоқ ясаш санъати қадимдан ниҳоятда ривожланганлиги ҳақида бошқа манбалар ҳам хабар беради. Тарихий манбаларга биноан асримиз бошларида позачилар хомашёни асосан Россиядан темир-терсак тарзида олганлар. Ўша вақтларда Оренбург ва Троицк орқали Ўрта Осиёга, шу жумладан Хива хонлигига юзлаб тонна чўян буюмлар жўнатилган, сўнгра улар синиб ишдан чиққач, маҳаллий усталар эритиб, зарур маҳсулотлар куйганлар.

Металл ишлаб чиқариш соҳасининг бутун минтақада жуда кенг тарқалгани темирчилик ҳисобланган. Бу касб эгаси бўлмаган қишлоқ йўқ деса бўлади. XX аср бошларида

тунукачилик ва қулфгарлик ривож топган. Хонликнинг баъзи қишлоқлари «пичоқчи», «дамирчи» деб номланган ва шу номда катта шаҳарларда маҳалла ҳам бўлган. Инқилобий тўнтаришдан илгари хунармандчиликнинг маркази Хивада 86 нафар темирчи борлиги ҳужжатларда қайд қилинади. Улар бозорда махсус расталарда дўкон очиб, солиқ тўлаб турганлар. Баъзи темирчиларнинг дўкони уйида бўлиб, айниқса, қишлоқда буюртма шаклида ишлаб, натурал ҳолда (асосан ғалла билан) иш ҳақи олганлар.

Темирчи усталар тайёрлаган буюмларини маҳаллий бозорларда сотганлар. Баъзи усталар буюртма маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун буюртмачи уйида ҳам хизмат қилганлар. Улар одатда темир буюмларни қайта тузатиб, таъмирлаш ишларини ёки янги маҳсулот ясаш каби ишларни бажарганлар.

Кенг тарқалган касблардан яна бири мискарлик ҳисобланган. Мискарлар мисдан қурол-аслаҳа, уй-рўзғор буюмлари, безаклар ва ҳоказолар ясаганлар. Қадимги даврлардан маълум бўлган бу касб ажойиб амалий санъат соҳаси ҳамдир. Ўрта Осиё, шу жумладан Хоразм мискарлиги тўғрисидаги маълумотлар ҳатто антик давр муаллифлари Страбон ва Геродот асарларида тилга олинган. Мискарлик санъатининг ўзига хос мактаблари, асосан, Қўқон, Самарканд, Тошкент, Хива ва бошқа шаҳарларда ривож топган. Хивалик усталар мис буюмларни икки услубда – мисни эритиб қуйиб ва махсус сандонда болғалаб ясаганлар. А. Д. Калмиқовнинг таърифича, Хивада энг қадимий ва ўзига хос шаклдаги мис идишлар яратилган, айниқса, сув солинадиган ва қайнатиб чой дамладиган идишлар кўплаб ишлаб чиқарилган. Фақат Хоразмда ишланган қумғон баъзан ўйма нақшлар билан безатилган.

Хива мискарларининг маҳсулотлари нафақат шакли, балки нақши ва номланиши билан бошқа ўзбек қандакорлик санъатидан фарқ қилади. Агар кўп жойларда зарб қилинган ўйма ҳамда чизма бадий безаклар хандасавий, меъморий, ўсимлик ёки ҳайвон расми ва нақшлар билан безатилган бўлса, маҳаллий қандакор усталар чизма усулини фақат пардозлашда қўллаб, асосан, ўсимлик нақшларидан жуда кўп фойдаланганлар. Уларда мис идишларнинг кафт, баъзан бўйнидан юқори қисмини медальонлар билан безаш, айлан-

ма нақшлар бериш оммавий бўлган. Хоразм кандакорлик мактабининг ном чиқарган вакиллари жуда кўп бўлган. Худайберган Матчонов, Матёқуб Жонибеков, Собиржон Юсуф ва Матпано Худайберганов, Ҳожиниёз Саид Ниёзов, Бекжон Ёқубов, Отажон Мадримов каби мискар усталар шулар жумласидандир.

Хива заргарлари ҳам донг таратган касб-хунар вакиллари ҳисобланади. Архив маълумотларига қараганда, XIX аср ўрталарида 12 нафар машҳур заргар тилга олинган бўлса, XX асрнинг 20-йилларида, яъни Хоразм инқилоби арафасида бу сон 51 нафарга етган. Заргарлар асосан уйда ишлаганлар, аммо бозорда ҳам заргарлар растаси бўлган. Қимматбаҳо буюмлар ва безаклар, қурол-аслаҳалар ясаيدиган махсус заргар усталар хон саройида сақланган.

Заргарларнинг энг кенг тарқалган маҳсулотлари аёлларнинг турли безаклари ва тақинчоқларидан иборат бўлган. Улар олтин, кумуш ва қимматбаҳо тошлардан ясалган бўлиб, ажойиб санъат намуналари ҳисобланади. Хива усталари асосан бошга тақиладиган дузуглар, кўкракка осиладиган шавкаладузуглар, дўппини безайдиган тахядузуглар, сочга осиладиган қилитбоғ, кумуш ва қимматбаҳо тошлар билан безатилган туморлар, бурунга осиладиган аравақлар, турли хил зирақлар, билагузук ва узуклар, бўйинга тақиладиган маржон ва зебиғардонлар, пешона безаклари ва бошқа зебзийнатларни зўр маҳорат билан ясаганлар. Бой хонадонларда Хива заргарлари юпқа олтин пластинкалардан кесиб, кумғон, гулдон, самовар шаклида ясаган безакларни XX аср бошларида учратиш мумкин эди. Аммо маҳаллий заргарлик кейинчалик фабрикада, Россияда ишланган оммавий маҳсулотларга рақобат қилолмай инқирозга учради.

Темирчилик билан боғлиқ амалий санъатнинг қадимий соҳаларидан бири – пичоқчилик бўлиб, Хива пичоқчи усталарининг ажойиб маҳсулотлари бутун Ўрта Осиёга тарқалган. Маҳаллий пичоқлар шакллариининг нозиклиги ҳамда металлни моҳирона қайта тоблаб ишланганлиги, тиғи юзининг ислимий нақшлар билан безатилганлиги, «қин-боғи»нинг металлдан ясалиб, унга чиройли нақшлар берилганлиги билан ажралиб туради. Хивалик пичоқчи уста Отажон Мадримов

(1884–1916) ва унинг ўғли Мадраим Отажонов ясаган гулдор пичоқлар ҳозиргача музейларнинг беаги бўлиб келмоқда. Хива пичоқларининг қини ўймакор нақшли мис ва жез қуймалар билан мохирона безатилган.

Фақат Хивада ўзига хос қулф ишлаб чиқарилган. Бу ердаги қулфгар усталар ўз маҳсулотларини уй-дўконларида ясаб, асосан савдогарлар орқали бозорга чиқарганлар.

Маҳаллий аҳоли хўжалигида дурадгорлик, яъни ёғочдан маҳсулотлар ишлаб чиқариш соҳаси ниҳоятда муҳим ўрин эгаллаган. Ёғоч усталарини Хоразмда «йўниғчи» деб атасалар-да, бу соҳа ишлаб чиқариш маҳсулотларига қараб бир неча касбларга бўлинган. Масалан, қишлоқ хўжалик қуролларини махсус усталар ясаганлар, аравасоз ва кемасоз, синч (нигирик) уйлар қурувчи, бешик ва уй-рўзғор буюмлар ясайдиганлар (харрот), эгарчи ва элакчилар, ўймакор каби усталар айрим дўконларга эга бўлганлар. Баъзи дўконлар бозор расталарида жойлашган. Хива хонлари архив ҳужжатларида, масалан, XX аср бошларида фақат бозорда солиқ тўлайдиган харротлар сони келтирилган. Хива музейида, 1920 йилда пойтахтда 143 нафар йўниғчи уста, Янги Урганчда тахминан 20 га яқин, Хонқада икки ҳисса кўпроқ ёғоч усталари бўлганлиги тўғрисида маълумотлар сақланган. Хива ва Ҳазорасп атрофидаги йўниғчи усталар арава, чиғир, кунда, мола, бўйинтурук, жувоз, бўват, нова, қайиқ, кема, сўқа ва сўқасопи, синч (нигирик) ва ҳар хил устун (ўра)лар, панжара, эшик ва дарвоза, бешик, эгар, ёғоч каравот (кат), ҳар хил даста, ўйинчоқ ва ҳоказоларни ишлаб чиқарганлар.

Дурадгорликда 20-йилларгача аравасозлик билан кемасозлик алоҳида ўринни эгаллайди. Маҳаллий арава дярли энг қадимий ҳолатда бизгача етиб келган ва у бошқа ўзбек араваларидан (масалан, машҳур Қўқон аравасидан) ғилдирагининг катталиги, тузилиши ва бошқаруви билан фаркланади. Хива аравасида аравақаш махсус жой (занги) да ўтириб уни бошқаради. Қўқон аравасида бошқарувчи отнинг эгарида жойлашади. Хива аравасида ёз пайтларда махсус соябон, дала ёки бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ташиш учун сават ясаб ўрнатилган. Баъзи араваларни, айниқса, тўй араваларини наққош усталар ўйиб беаган.



Хоразм кемасозлари ҳам ўз маҳсулотларини чиройли қилиб ясаганлар. Улар кеманинг бурун қисмини баъзан одам қалласи ёки қуш шаклида беаганлар. Қадимги даврлардан Амударё ва маҳаллий каналларда сузадиган катта-кичик кема ва қайиқларни Хоразм усталари ясаб келган. Антик даврга оид обидалардан Бештўба ва Тупроққалъада топилган расмларда кема тасвири борлиги диққатга сазовор. Манбаларнинг хабар беришича, XIX аср охирларида Амударёда маҳаллий усталар ясаган 330 та катта ва ўртача, юзлаб майда кемалар сузиб юрган. Катта кемалар 500 пуддан 2000 пудгача, ўртача 100 дан 500 пудгача ва кичиклари юз пудгача юк кўтарган. Ўртача кемаларни усталар бир ярим ойда ясаганлар ва улар 4–5 йил хизмат қилган. Кемасозлик асосан Питнак, Хонқа ва Гурланда, аравадозлик барча катта шаҳарларда, айниқса, Хивада ривожланган. Ёғоч хомашёсини танлаш ҳам катта маҳорат талаб қилган. Айниқса, ўймакор усталар илгари зарур ёғочни олти ойдан бир йилгача ҳовузларда сақлаб, кейин ўн йилдан ортиқроқ сояда табиий ҳолатда қуритишган, баъзан ёғочга махсус ранг бериш учун сомонга қўшиб қуритилган.

Энг зўр ўймакор усталар Хивада бўлган. Бу ерга XX аср бошларида келган тадқиқотчи А.Д. Калмиков фақат Хивада энг ноёб, юксак ва ўзига хос санъат анъаналари – ёғоч ва тош ўймакорлиги сақланиб қолганлигини қайд қилган. Атоқли наққош ва ўймакор, халқ устаси марҳум Ота Полвоновнинг маълумотига кўра, Хивада ўша вақтда учта йирик дўкон бўлган.

Ўймакор усталар асосан буюртма маҳсулотлар тайёрлаганлар. Аммо улар хонга зарур бўлса, саройда ёки катта амалдорлар ҳовлисида хизмат қилганлар. Ўймакор усталар ўзига хос турли услуб ва усулларга эга бўлганлар. Масалан, Хива ёғоч ўймакорлиги маҳсулотлари ўзининг монументаллиги, ёғоч табиий рангининг сақланиб қолиши, нақшларининг майдалиги билан бошқалардан ажралиб туради. Турли буюмларда, оддий тумор ва қутичадан то йирик дарвоза ҳамда устунларгача бериладиган нақшлар ўзининг гўзаллиги, бадиий тузилиши билан кишини жалб этган. Хива ўймакорлари қайрағоч, терак ва чинор (гужум) ёғочларини кўпроқ ишлатиб, унинг табиий тарзини сақлаш учун ёғочнинг юзасига ва заминига пахта ёки

зиғир ёғи (оқ ёғ) суртганлар. Хива ўймакорлик усталаридан Ота Полвонов, Сано Бокбеков, наққош Абдулла Болтаев ва бошқалар жуда машҳур бўлганлар.

Ҳар бир шаҳарда жимжимадор нақшли бешик, чарх, ўклов, урчук, дук, чилим, жувоз, тўкимачилик асбоблари, ҳар хил уй-рўзгор буюмлари ясайдиган махсус усталар – харротлар бўлган. Улар камар билан айлантириладиган чарх, катта-кичик бичқи (хаткаш) ва исканалардан фойдаланганлар. Эгарчи, тароқчи, элакчи ва мусиқа асбоблари ясайдиган усталар орасида ҳам меҳнат тақсимланган. Айниқса, турли мусиқа асбоблари – дутор, рубоб, гижжак, сурнай, болобон, най кабиларнинг кўпчилиги бадий қимматга эга бўлиб, улар ҳар хил нақшлар, садаф ёки суяк, рангли металллар билан безатилган. Ўймакорликда энг кенг тарқалган услуб ислими – мумтоз нақш тури бўлиб, бурч, гул, куртак, таноб ёки шакл номи кўшилиб, ислими меҳроб, ислими бодом, ислими булбул кабилар ишлатилган.

Хивадаги амалий безак санъатининг ноёб турларидан бири – тош ўймакорлигидир. Хоразмнинг кўп жойларида топилган милодий асрнинг бошларига оид баъзи обидаларнинг устунлари ҳамда пойдеворлари безатилган харсангтош ва мрамрдан қурилган. XIX асрда тикланган Хива иморатларининг кўпчилигида ҳам тош ўймакорлари яратган устунлар ва панжаралар, музейларда сақланаётган мрамрдан ясалган гулли лаганлар, чойнак ва косалар кишини ҳайратда қолдиради. Баъзи идишларда ўйма нақшлар билан бирга араб ҳарфида битилган ёзувлар ҳам учрайди. Нозик тош ва мрамр ўймакорлик намуналари бўлган устун ўрнатиладиган асос, такурсилари ниҳоятда чиройли қилиб безатилган. Масалан, Тошҳовлида ўрнатилган мрамр ва тошдан ўйиб ишланган ислимий, хандасавий, ёзувли нақшинкор кошпилар кишига алоҳида бир завқ бағишлайди. Бу эса Хоразмда тош ўймакорлиги санъатининг юксак даражада ривожланганлигининг ёрқин далилидир. 1947 йил Алишер Навоий номидаги давлат академик Катта театри биносини ажойиб мрамр ўймакорлик намуналари билан безатишда хивалик усталар С. Худайберганов, Х. Раҳимов, Б. Давлатов, А. Бекжонов ва К. Рўзमतовлар зўр маҳорат намоиш қилганлар.

Театр пойдеворининг пастки қисми 12 та ўйма мармар плита билан безатилган, ундаги ўйма гуллар хивалик наққош А. Болтаев чизган композиция асосида яратилган. Мазкур усталар ва уларнинг шогирдлари ганчкорлик соҳасида ҳам юксак маҳоратга эга. Улар ганч ўймакорлиги намуналарини ҳозиргача турли иморатлар қурилишида намоёиш қилиб келмоқдалар.

Хоразм ўймакорлик санъати жаҳон миқёсида ўзига хос юксак маданият намунаси эканлигини XIX асрда яшаган рус танқидчиси В.В. Стасов алоҳида қайд қилган. У «Оружейная палата» музейида сақланаётган Эрон шоҳлари ва Хива хони тахтларини ўрганиб, ўзининг «Хива хонининг тахти» номли мақоласида, Хоразм усталари ясаган гул ва ўсимлик шаклидаги нақшлар билан моҳирона безатилган тахтнинг ўзига хос оригинал (ноёб) санъат намунаси эканлигини алоҳида таъкидлаган.

Қурилиш ишлари билан шуғулланувчи усталарнинг кўпчилиги дурадгорчиликни ҳам яхши билганлар. Усталар бир неча касб эгалари бўлишган: ғишт терадиганлар, пахса урадиганлар, сувочилар, гумбаз тиклайдиганлар, синч (нигирик) уй қурувчилар ва ганчкорлар. Ганч ўймакор усталар катта ганч тахталарда ва токчаларда, девор ва шипларда турли гуллар ҳамда қандасавий нақшларни ўйиб беаганлар, жимжимадор панжаралар ва гулдонлар ясаганлар. III–IV асрлардаги Хоразм пойтахти Тупроққалъанинг серхашам сарой меҳмонхоналари ўйма ганч билан безатилганлиги бу касбнинг нақадар қадимий эканлигини кўрсатади. Айниқса, хон ва унинг амалдорлари саройлари жуда бой ўймакорлик намуналари билан безатилган. Ганчкор усталарнинг назик безаклари XIX аср охири – XX аср бошларида қурилган Тошҳовли, Кўҳна арк, Нуруллабой каби саройлар ва мадрасаларга алоҳида гўзаллик бағишлаган. 1873 йилда чиққан «Мирское слово» газетасининг хабар беришича: «Хивада ганчдан ҳар хил буюмлар ясалади: қаттиқ ганч тахталарга, турли нарсаларга, токча ва қутичаларга чиройли ўйма нақшлар берилган. Бойларнинг уйлари ва хоннинг саройида ҳатто полни ганч билан тўшашган, чунки намлик ва иссиқдан яхши сақлаган». Ганчга ўйилган нақшларнинг намуналари

ёғоч нақшларга ўхшаб кетади. Ганч (хаж)ни Хивага яқин жойдан маҳсус кишилар (хажжачи) келтирганлар.

Антик даврдан ниҳоятда кенг тарқалган оммавий ҳунар-мандчилик кулолчилик касби ҳисобланади. Унинг дастлабки намуналари неолит даври маконларида топилган бўлиб, то ҳозирги давргача етиб келган ва юқори даражада ривожланган. Айниқса, кулолчилик Каттабоғ, Мадир, Боғот, Хитой номли кишлоқларда ном таратган. XIX асрдаёқ кишлоқларда ва усталар орасида меҳнат тақсимоли бўлган. Масалан, Мадир ва Каттабоғда кулоллар асосан чиройли гулли ва ҳандасавий нозик нақшлар берилган идиш (товоқ) лар яшаш билан ном чиқарганлар. Йирик идишларни яшашда Боғот усталари танилган. XX аср бошларида Мадир кишлоғида ўн бешта кулолчилик дўкони (устаҳонаси) бўлиб, уларда саксондан ортиқ моҳир усталар ишлаган. Мадир кулол (кошинкор)ларининг санъати шунчалик зўр бўлганки, одатда, хон ўз қурилишига асосан мадирлик усталарни жалб қилган. Кошин тайёрлашда Уста Болта Матризаев, Болта Вайсов, кейинги усталар Даврон Саъдуллаев, Амин Мирзаев, Матжон Қулматовлар жуда машхур бўлишган.

Хоразм кулоллари гулли сир берилган идишлардан ташқари, чиройли кошинлар яшаш санъатини тўла эгаллаганлар. Маҳаллий кулоллар ҳар хил уй-рўзгор буюмлари ясаганлар. Ҳар бир маҳсулот учун лой танланиб, ишлов берилган. Масалан, кесма кошинга ўтга чидамли қорамтир лойдан, гилватага оқ тош ёки оққум қўшиб, ширали лойга кварц қуми қўшиб, ҳар хил мозаикали кошинлар тайёрланган. Ўтмишда маҳаллий усталар лойни узок вақт (20 кунгача) сув сепиб тепкилаб пишитганлар. Идишлар асосан кулолчилик чархида тайёрланган. Хонлик даврида тўқимачилик, ипакчилик ва каштачилик соҳаси ҳам жуда кенг тарқалган. Манбаларнинг хабар беришича, бу даврда бўз ёки алача тўқийдиган маҳсус дастгоҳ (дўкон) да ип йигирадиган натурал хўжаликка эга бўлган маҳаллий деҳқонлар ўз эҳтиёжлари учун ип йигириб, бўз тўқиб, кийим тикиб кийганлар. Аммо маҳсус бўзчи, ипакчи, тола ишлаб чиқарувчи, бўёқчи, пардозчи, тандачи, читгар (гул босувчи), каштачи ва бошқа касб-ҳунар эгалари ҳам бўлган. Тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш

хам ҳар хил турларга бўлинган. Хоразмда умуман тўқувчини жаммоб деб атаганлар, улар маҳсулотни ипак ёки пахта ишидан тўқишига қараб фарқланганлар.

Ўзига хос амалий санъат устаси ҳисобланган читкарлар Хива, Хонқа, Урганч, Ҳазорасп ва Тошховузда кўп бўлган. Улар махсус гул ўйиб ясалган ёғоч қолиплар билан чит газлама-ламаларга ҳар хил нақшлар босишган. Ипак ва ярим ипак тўқувчи усталар газламани табиий бўёқлар билан ўзлари бўяганлар. Улар ипак газлама (турма)га гулли нақш бериб, рўмол ҳам тўқиганлар.

Дехқон хўжаликларида аёллар пахтадан ип йигириб, оддий дастгоҳда бўз тўқиб, уни сариқ, жигарранг, яшил ва бошқа рангларга бўяганлар ҳамда ундан ҳар хил кийим-кечаклар тикканлар. Бўзни бўяшда бузгунч (бодом)дан сариқ ранг бериб, ёғоч қолип билан гул босилган.

Ипакчилик ва ипак тўқимачилиги Хива ва Хонқада ривожланган, айниқса, Дурғадик қишлоғи ипак газламаси билан машҳур бўлган. Бу қишлоқнинг ўзида XX аср бошларида 20 та хўжалик ипакчилик билан шуғулланган, 40 дан ортиқ ипак тўқув дўкони ишлаб турган. Ўша даврда хонликда 350 пудга яқин ипак тайёрланган. Айниқса, чопон тикиш ривожланган, уни нафақат совға-салом ва кундалик миллий кийим сифатида, ҳатто, бошқа юртларга сотиш учун ҳам ишлаб чиқарилган.

XIX аср охириларида немисларнинг «Зингер» фирмаси яратган тикув машинаси Хоразмда пайдо бўлгандан кейин тикувчилик янада ривожланади. Махсус чопонфурушлар ўлкадаги тикувчиларнинг маҳсулотларини сотиб олиб, маҳаллий бозорларда ва қўшни мамлакатларда сота бошлаганлар. Тарихий манбаларга қараганда, XIX асрнинг ўрталарида Туркистондан Оренбург ва Троицк орқали ҳатто, Россияга ҳар йили икки мингга яқин пахтадан ва ярим ипакдан тикилган чопонлар жўнатилган. Ўзбекларнинг ҳурматли меҳмонга чопон кийгизиш ва тўй-маросимларда сарпо қўйиш одатлари ҳам чопондўзликнинг ривожига муҳим омил бўлган. Совға-саломга, одатда, чопон билан махсус белбоғ ва бош кийим кўшиб бериш дўппидўзлик ва чўғирмадўзлик соҳаларини ҳам ривожлантирган.

Маҳаллий дўшлар, айниқса, аёллар киядиган Хоразм тақялари ўзига хос доирасимон шакли, кашта услуби, гул нақши, кумуш танга безаклари ва попути билан ажралиб туради. Эркактарнинг хоразмча бош кийимлари – телпак ва чўғирма XX асрнинг 20-йилларигача кенг тарқалган бўлиб, махсус касб-ҳунар соҳаси пайдо бўлган. Маҳаллий телпакдўз ва чўғирмадўз усталар Хива, Урганч, Хонқа, Ҳазорасп каби шаҳарларда кўп бўлган. Бу шаҳарларда, айниқса, Хивада кўй терисидан пўстин тикиш ҳам анча ривожланган. Маҳаллий пўстинлар ҳам ўзига хос шаклда совуққа мослашган иссиқ кийим ҳисобланади. Уни пўстиндўзлар рангли тери бўёқлари ва кашта билан безатганлар, анор пўстидан ишлов берилган сарик рангга бўяганлар. Терига яхши ишлов бериб тикилиши пўстинни ихчам ва енгил қилган. Аммо чўғирма ва қорақўл ёки сур теридан тикилган шерози попок (телпак) фақат Хоразмга хос.

Тикувчилик билан боғлиқ яна бир оммавий касб мол терисидан ишланган маҳсулотлар ҳисобланади. Дастлаб бу соҳага зарур хомашё етказиб берадиган кўнчилик, асосан, Хива, Урганч ва Хонқада ривожланган. Масалан, Хонқада Сарапоён қишлоғи машҳур бўлиб, унда 30 га яқин хўжалик терига махсус ишлов бериш (кўнчилик) билан шуғулланган. XX аср бошларида мануфактура типига корхона (талатин завод) пайдо бўлган. Унга рус савдогари Алёшин деган киши асос солган. Иккинчи йирик корхона Урганчда Солижонов деган бой томонидан яратилган. Унда 80 га яқин кўнчи уста ишлаган ва ҳар куни 100–180 та яхши сифатли тери ишлаб чиқарилган. Хивада фақат иккита йирик талатин ишлаб чиқарадиган корхона бўлган. Кўнчилар орасида XX аср бошларида меҳнат тақсимооти юзага келган. Масалан, маҳси ва сувдон учун тери ишлаб чиқарадиган уста (сахтиёнгар)лар, кўй ва эчки терисидан юмшоқ замш тери ишлайдиган уста (мешгарлар) ва оддий хомчарм ишлаб чиқарадиган чармгар усталар ихтисослашган.

Пойабзал усталари ҳам бир неча соҳага бўлинган: хоразмча маҳсидўз ва кавушдўзлар маҳси ва кавуш тикканлар, маҳаллий этик (оқ адик) тикадиганлар, асосан, Хива ва Урганчда кўп бўлган. XIX аср ўрталарида Хивага борган

Н. Залесов: «Хиваликлар ўзига хос шаклдаги оқ теридан тикилган баланд пошнаги учи сичқон думидек кўтарилган этик киядилар», – деб ёзган эди. Этикдўз усталарнинг дўкони асосан уйида бўлиб, унда 5 тадан 10 тагача одам ишлаган.

Мол терисидан махсус усталар – саррошлар от ва эшак абзали, юган, камар, эгар-жабдуқ каби маҳсулотлар ишлаб чиқарганлар. Саррошлар Хивада кўп бўлган.

Бутун Шарқдаги сингари Хоразмда ҳам қадимдан ширинликлар пишириш касби эътиборга лойиқ бўлган. Ширапазлар Хива ва Урганчда дўкон очиб, бозорда ўз маҳсулотларини сотганлар. Унда ҳар хил ҳажмда ва шаклда чўян қозонлар, мис чўмич ва тоғоралар, ёғоч чилчўп ва чолғич, тарози, қандолат қолипи ва бошқа асбоблар бўлган. Маҳаллий ширапаз усталар турли хилдаги ширинликлар – кунжитли ҳолва, новвот, печак, пашмак, нишолда, мураббо, қандолат тайёрлаганлар. Асосий хомашё узум шарбатидан олинган, XIX аср охиридан бошлаб Россиядан келтирилган қанд маҳсулотлари ишлатилган. Хивада узумдан шароб, заиб ва сирка ҳам тайёрланган.

Барча шаҳару қишлоқларда зиғир ёғи (оқ ёғ) ишлаб чиқарадиган махсус жувозлар бўлган. Охири хон даврида, тадқиқотчиларнинг айтишича, Хивада 200 та, Тошқовузда 100 тадан ортиқ жувоз ишлаб турган. Маҳаллий ёғ жувози хайвон (туя ёки от) кучи билан айлантирилган. Жувозни дурадгор (йўниғчи) усталар қайрағоч, тут ва тол ёғочидан ясаганлар. Оқ ёғ кунжут, каноп, зиғир, лолақизғалдоқ, қовун-тарвуз уруғидан ишлаб чиқарилган. Хонлик Россия томонидан босиб олингандан сўнг пахта экиш кенгайиб, чигитдан ёғ чиқара бошлаганлар. Кунжараси молга озуқа сифатида берилган.

Қассоблик ва ошпазлик (баковул) ҳам ҳурматга сазовор касблардан бўлиб, уларни ҳамма қишлоқ ва шаҳарларда учратиш мумкин. Ошпазлар тўй-маъракаларда катта ош ва бошқа таомлар тайёрлашда зўр маҳорат намойиш қилиб келганлар. Хоразм бозорларида ҳозиргача махсус балиқ дўконлари мавжуд бўлиб, балиқ қовуриш ўзига хос санъат ҳисобланади. Ҳар бозор кунлари балиқхўрлик қилиш одат тусига кирган.

Хоразм воҳасига Қоракўл, Кармана ва Самарқанддан арава йўли мавжуд бўлган. Айрим карвонлар ҳатто Болгария,

Россия, Сибирь, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон ва Хитойга жўнатилган. Қора денгиз бўйи ва Олд Осиё мамлакатлари билан савдо алоқалари ўрнатилган. Воҳадаги ўтроқ аҳоли билан теварак-атрофдаги кўчманчи элатлар орасидаги мунтазам савдо-сотик муҳим аҳамиятга эга бўлган ва уларнинг иқтисодий-ижтимоий ривожига зўр таъсир кўрсатган. Кўшни козоқ, туркман қабилалари юзлаб қўйларни бозорларга ҳайдаб келиб, маҳаллий савдогарларга кўтарасига сотганлар ва ўзларига зарур молларни харид қилганлар.

Бозорга маҳсулот ишлаб чиқариш ва товар-пул муносабатларининг ривожини, албатта, ижтимоий тузум ва меҳнат тақсимоти даражаси билан бевосита боғлиқ. XX асрнинг биринчи чорагида Хоразмда ишлаб чиқариш кучлари анча ривожланган, бозор иқтисоди аста-секин юксала бошлаган, савдо-сотик жонланиб, Хива ва Урганч йирик савдо марказларига айланган. Бу ердаги бозорларда, айниқса, Хива бозорида савдо расталари мутахассислашган, улгуржи ва чакана савдо муаммолари ҳал қилинган. Пойтахтда катта карвонсаройлар, муайян моллар ва хунармандчилик маҳсулотларига мўлжалланган расталар, баъзан дўконлар жойлаштирилиб, савдо-сотикда қулайликлар яратилган.

Хоразмда савдонинг нақадар ривожланганлигини бу ердаги дўконларнинг сонидан билиш мумкин. Архив маълумотларига қараганда, XIX аср охирида Хива бозорида 260 та, Урганчда 300 та, Кўнғиротда 315, Хўжайлида 150 га яқин дўкон бўлган, айрим касб-хунар дўконларининг ўзида маҳсулот ишлаб чиқарилиб, шу ерда сотилган. 1893 йили Хива хонлигидан Чоржўй орқали 350 минг пуд юк чиқарилган бўлса, шу йўл билан 235 минг пуд юк хонликка киритилган, яъни экспорт мол импортга нисбатан юқори бўлган. Кўнғирот орқали эса 375 минг пуд мол чиқарилган.

Пишиқ ғиштдан ишланган Хиванинг тимли бозорида йирик карвонсаройлар ва омборлар билан бирга катта-кичик дўконлар қатор жойлашган. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари махсус расталарда жойлаштирилган; мол, ўтин-кўмир, ёғоч ва қурилиш материаллари, ем-хашак бозорлари одатда шаҳардан чекка жойда бўлган. Бундай бозорларда даллоллик авж олган, улар улгуржи ва жонли мол савдосида муҳим роль



ўйнаганлар. Баъзан шаҳарликлар билан даштликлар орасида ҳатто, ўзига хос «савдо дўстлиги» ўрнатилган. Одат тусига кирган мазкур савдо муносабатлари ўтроқ хиваликлар ва чорвадор козок ҳамда туркманлар орасида авлоддан-авлодга ўтиб, узоқ даврлардан икки хилдаги хўжалик муносабатларининг рамзи сифатида намоён бўлган.

Йирик савдогарлар айрим шаҳарларда шахсий карвонсаройлар қурдирганлар. Масалан, Бухорода бир неча хивалик савдогарлар ўзларининг карвонсаройларига эга бўлганлар. Айрим карвонсаройлар катта феодал, хон ва уларнинг амалдорлари ёки диний ташкилотнинг мулки (вақфи) ҳисобланган, улар ўз эгаларига катта даромад келтирган. Савдо ишларида фаол қатнашадиган махсус хизматчи-мирзалар ҳисоб-китоб ишларини яхши билганлар, йирик савдогарлар раҳбарлигида жамоа (корпорация) лар пайдо бўлган.

Ўзбекистоннинг мустақил республикага айланиши ҳусусий мулкчиликни қайта тиклаб, савдо эркинлигига кенг йўл очиб берди. Бозор иқтисодиётининг жорий қилиниши бутун вилоятларда, шу жумладан Хоразмда ҳам анъанавий савдони янги замонавий услуб ва техникавий воситалар билан бойитиб, ўзбек халқининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожига зўр имкониятлар яратмоқда. Ўлкамизда давр талабига жавоб берадиган янги савдо уюшмалари, концерн ва фирмалар, истеъдодли ишбилармонларнинг пайдо бўлиши республикамиз порлоқ келажагининг муҳим гаровидир.

### Ш б о б

## АДАБИЙ МЕРОС – МАЪНАВИЯТНИНГ НОЁБ ДУРДОНАСИ<sup>1</sup>

Юқорида кўрсатилганидек, қўлёзма манбалар, шунингдек, Хоразм воҳасида узоқ йиллар олиб борилган археологик тадқиқотлар ва шу асосда яратилган илмий асарлар милоддан аввалги IV –III асрлардаёқ Хоразмда ўзига хос маънавий маданият тараққий этганлигидан далолат беради.

<sup>1</sup> Акад. Матёқуб Қўпжоновнинг шахсий архиви материалларидан.

Маънавий маданиятнинг бир қисми бўлган адабиёт ҳам ўша даврда тараққий этгани шубҳасиздир. Бу даврга ва милоднинг бошларига тегишли бўлган адабиёт намуналари кўпроқ афсона ва қиссалар шаклида намоён бўлган. Узок ўтмишда яратилган афсона ва қиссалар мазмуни тарихчиларнинг асарларида, шунингдек, ўрта аср бошларида яратилган Шарқ манбаларида, хусусан, Абу Райхон Беруний китобларида сақланган ва бизгача етиб келган.

Масалан, фаластинлик адиб Хусайн Тохонинг «Хоразм ўлкасида араб тилида адабий муҳит» деб аталган илмий тадқиқотида Хоразмда яшаб ижод этган ўн бешга яқин шоиру адибларнинг шеърий, насрий асарлари тадқиқ қилинган. Таҳлил объекти сифатида келтирилган қатор намуналар ўрта аср бошларида Хоразмда адабий ҳаёт қизғин кечганидан далолат беради. Хусайн Тохо китобида Замахшарийнинг ўттиздан ортиқ шеърлари таҳлил қилинган. Бундан, Замахшарий биринчи араб грамматикаси ва изоҳли луғатини яратган, табиий фанларга тегишли ўнлаб китоблар битган олимгина эмас, балки Хоразмда адабий ҳаёт тараққиётига катта ҳисса қўшган шоир эканлиги маълум бўлади. Замахшарий яратган луғатнинг бир қисми туркий сўзларга бағишланган.

Замахшарий (1075–1144 йиллар) Хивага яқин кичик бир шаҳарчада туғилган. Бу шаҳар харобалари ҳозиргача сақланиб қолган, маҳаллий аҳоли уни «Измухшир» деб атайд.

Ўша даврда яшаган яна бир улуғ сиймо Шайх Нажмиддин Кубро фақат тасаввуф таълимотини ўз кароматлари орқали тарғиб этиш билан чекланмасдан, уни илмий рисоалари, шунингдек, шеър ва рубойларида ҳам асослаб берган. Рубойларида асосий мавзу — илоҳий маърифат, «нафс»дан сақланиш, суфиёна кечинмалар, дард ва ҳаяжонлар ўз аксини топган. Унинг таълимотига кўра, бор, яъни кўзга кўринадиган нарсалар емирилиши, йўқ бўлиши мумкин. Йўқ, яъни кўзга кўринмайдиган нарсаларнинг борлиги ҳам шубҳасиздир. Ақл зоҳирий нарсаларни билиши мумкин. Моҳиятни эса қалб ҳис қилади. Шахс илоҳий кучнинг моҳиятини билишга қобил бўлса, у етукдир. Бу ерда гап «нафс» масаласига бориб тақалади. Етукликка эришиш учун «этакни жаҳондан тортиш керак».

Шайх Нажмиддин Кубро ўз асарларида илоҳий ошиқликни улуғлайди. Унинг назарида ошиқ дардлидир. Энг буюк дард яратганга етишиш, Ҳақни танишдир. Бу – Нажмиддин Кубро рубоийларидаги бош масала. Хатто инсонга хос мардлик ва жасорат ҳам ишққа боғлиқ, ишқи бор одам мард бўлади. Нажмиддин Кубро буни ўз ҳаётида исбот қилди. Чингизийлар Хоразмга босиб келганда халққа бош бўлиб, қўлида қурол билан жангга кирди. 75 ёшдан ошган бу улуғ зот оддий жангчи сифатида жанг майдонида шаҳид бўлди.

Нажмиддин Кубронинг муборак қабри Кўҳна Урганчда бўлиб, зиёратгоҳдир. Онаси Бибиҳожарнинг макбараси эса Хива шаҳри ёнидаги Сайёт қишлоғида ҳанузгача сақланган ва зиёратгоҳга айланган.

Юқорида қайд қилинганидек, Нажмиддин Кубро одам ва илоҳиёт сирларини англаш, уни тарғиб ва ташвиқ қилиш йўлида жасорат кўрсатиб, келажак авлодларга сабоқ бўларли сиймолардан бири сифатида тарих саҳифаларидан ўрин олди.

Чингиз истилоси халқнинг иктисодий, маънавий ҳаётига жиддий путур етказди. Шу жумладан адабиёт ва илм-фан ҳам бу истилодан қатта зарар кўрди. Кўплаб уламо ва шуаро, илм аҳли истило туфайли бу диёрдан бош олиб кетди. Шу боис қарийб бир аср давомида ижоднинг бирон-бир тури билан банд бўлган йирик сиймолар деярли учрамади. Фақат XIV асрга келиб Хоразм илмий ва адабий ҳаётида яна жонланиш бошланди. Ўтмишда бадий асарлар кўпроқ араб ва форс тилларида яратилган бўлса, энди туркий тилда ҳам ижод қиладиганлар кўзга ташлана бошлади. Бунинг илк намунаси Хоразмийнинг «Муҳаббатнома»сидир.

Хоразмий XIII аср охири – XIV аср бошида яшаган, асоан форс тилида ижод қилган. Бироқ у «Муҳаббатнома»ни маҳаллий амалдорлардан бирининг таклифига биноан, туркий тилда ёзган. Манбаларда кўрсатилишича, Хоразмийнинг тўлиқ номи маълум эмас. «Хоразмий» унинг тахаллуси деб қабул қилинган.

«Муҳаббатнома» номалар шаклида яратилган, ошиқнинг ўз маъшуқасига йўллаган ўнта номасидан иборат. Ҳар бир нома ўзининг композицион хусусиятларига эга. Уларда маҳбубанинг хусн-жамоли, висол иштиёқи, лирик қаҳра-

моннинг муҳаббат изтироби тасвирланган. Номалар асосан соқийга мурожаат билан яқунланади. Шу йўсинда ёр билан бир қаторда суфиёна «май» образи ҳам яратилади. Бу жиҳатдан «Муҳаббатнома»да Умар Хайём билан ҳамоҳанглик ҳам йўқ эмас. Ошиқ маҳбубасига мурожаат қилиб, тангри «сени дилбар, мени ошиқ яратди» дейди. Бу – «Муҳаббатнома»нинг асосий лейтмотиви. Шу билан баробар «Муҳаббатнома»да тасаввуфга хос мажозий ошиқлик белгилари ҳам кўзга ташланади.

«Муҳаббатнома» шаклида асар яратиш Шарқда маълум анъана бўлиб, туркий тилда бу жанрнинг асосчиси Хоразмийдир. Шу боис у фақат туркийзабон ижодкор сифатида эмас, балки нома шаклидаги биринчи асарни яратган шоир сифатида ҳам ўзбек адабиёти тарихида ўзига хос ўрин тутади. Яна бир ижодкор – Носириддин Бурхониддин Рабғузий фаолияти XIII аср охири – XIV аср бошларига тўғри келади. У ҳақда тарихий маълумотлар деярли йўқ. Фақат унинг ўз асарига ёзган сўз бошисидан, асли ўғизлардан эканлиги, Хивага яқин Работ қишлоғида туғилиб ўсганлиги маълум бўлади. Шу асосда у ўзига «работли ўғиз» маъносида Рабғузий деган тахаллус олган.

«Муҳаббатнома» – шеърый асар. Рабғузий яратган «Қисси Рабғузий», бошқача айтганда, «Қиссас ул-анбиё» насрий асардир. Бу жиҳатдан Рабғузий адабиётга янги йўналиш олиб кирган ижодкорлардан ҳисобланади.

Рабғузий қиссалар мажмуасини яратишда кўпроқ Куръони каримдан ва унинг тафсирларидан фойдаланган. Асар кўпроқ пайғамбарлар, пайғамбар даражасига кўтарилган подшолар ҳақидадир. Пайғамбарлардан Нух, Мусо, Довуд, Сулаймон, Исо, Яъқуб ҳамда Муҳаммад (с.а.в) асарнинг асосий қаҳрамонлари. Уларнинг бошларидан ўтган айрим саргузаштлар, бошқаларга ибрат бўладиган ҳодисалар асарда талқин қилинади. Улар орасида Идрис, Довуд, Сулаймон пайғамбарлар қиссасига, Юсуф ва Зулайҳоларнинг муҳаббат саргузаштларига кўпроқ ўрин берилади.

Адиб мазмун эътибори билан Яратганни улуғлайди. Тангрининг ердаги элчилари – пайғамбарларнинг асосий ҳолатларини ёритади. Шу маънода у ислом дини ва шариатнинг фазилатларини тарғиб ҳамда ташвиқ қилади.

Асарда ибрат бўларли бир хислат бор. У одамийликни, меҳнатни улуғлайди. Довуд пайғамбар халқ орасида пинҳона юриб, подшолик, яъни ўзининг фаолияти ҳақидаги фикрларни ўрганеди. Бундан ташқари, у пайғамбару подшоликдан бўлак, бирор хунар эгаси этишни Худодан илтижо қилади. Унга Тангри таоло темирчилик касбини ато этади.

Сулаймон пайғамбар эса фақат тахтга ўтиргандагина подшолик либосини кияди, бошқа пайтларда оддий кийимда халқ орасида бўлади. Унинг касб-кори бор, бўш вақтларида новдадан сават тўқийди, замбил ясайди. Ўз-ўзидан хулоса чиқади: пайғамбару подшоларнинг мартабалари қай даражада баланд бўлмасин, бошқалар қатори қандайдир бир хунарни ўрганиб меҳнат қилиши керак.

Сулаймон пайғамбар бутун инсу жин подшоси. Рабғузий унинг фаолиятининг бу томонига алоҳида эътиборни қаратади. Бинобарин, Сулаймон пайғамбарнинг бойқуш билан суҳбати ибратлидир. У бойқушдан: «Нима учун сен вайронани яхши кўрасан, одамлардан бекиниб юрасан?» – деб сўраганда, бойқуш жавоб беради: «Одам фарзандларининг бир-бирларига қиладиган зулмидан кўрқаман». Бу ривоят катта ижтимоий маъно касб этади: муаллиф жамиятнинг хур ва эркин бўлиши ғоясини илгари суради.

Нух пайғамбарга бағишланган киссада илон, ари ва қалдирғочга тегишли ҳикоят ўта ибратлидир. Бу ҳикоятнинг мазмуни бундай: «Нух пайғамбар ўз қавмларини, дарранда-ю, парранда ва бошқа жониворларни кемага солиб, тўфондан сақлаб олиб кетаётганда кемани сичқон тешиб кўяди, шунда илон тешиқни беркитиб, кемани ғарқ бўлишдан сақлайди. Бунинг эвазига илон Нухдан энг ширин нарсани беришни сўрайди. Нух пайғамбар ширин нарса нима эканини билиб келиш учун арини юборади. Ари инсонни чақиб, қайтиб келаётганда қалдирғочга дуч келади, у «Нима ширин экан?» – деб сўраса, ари: «Одам қони», дейди. Қалдирғоч, ари бу хабари билан инсониятга келтирадиган фожиани англаб: «Қани, тилинган мен ҳам татиб кўрай-чи», деб унинг тилини узиб олади. Сўнгра улар Нух пайғамбарнинг олдига келишади. Ари гўнғиллаб Нухга жавоб айтолмай турганида қалдирғоч: «Энг ширин нарса қурбақа экан», – дейди. Шундан буён ари

ғўнғиллайди. Илонга эса курбақа буюрилади. Қалдирғоч хайрли хизмати учун одамлар орасида, уларнинг уйлари пештокига ин кўяди. Бу хикоят кучли мажозий маънога эга. Бу—гуманистик маъно. Яъни ҳар бир ҳолатда ҳам инсон—улуғ. Жаҳон адабиётида ҳайвонларнинг инсонга вафодорлиги акс эттирилган асарлар кўп бўлиб, Рабғузий киссасида келтирилган хикоятлар дастлабкиларидандир.

Ҳажм жиҳатидан анчагина катта бўлган «Қиссас ул-анбиё»да шу хилдаги ривоят хикоятлар анчагина. Бу адибнинг диний манбалар билан баробар халқ оғзаки ижодида учраб турадиган сюжетлардан ҳам фойдаланганини кўрсатади. Хуллас, Рабғузий ислом динини ва шариатнинг айрим томонларини тарғиб ва ташвиқ қилиш билан бирга инсонни улуғлайди. Инсоннинг касб-кори, унинг жамиятда тутган ўрни хусусида сўз юритади. Бу асар асрлар давомида авлодларнинг камол топишига катта ҳисса кўшиб келмоқда.

XIII–XIV асрларда Хива адабий муҳитида аксарият икки тилда – ҳам туркий, ҳам форсийда ижод қилинган. Адиб ва шоирларнинг баъзилари кўпроқ туркий тилда ижод қилиб, баъзи асарларини форсийда яратганлар. Айрим ижодкорлар асарларини асосан форс тилида битганлар. Паҳлавон Маҳмуд шулар жумласидандир.

Паҳлавон Маҳмуд 1247 йилда Хивага яқин Қиёт кишлоғида туғилган. У асли хунармандлар табақасидан. Пўстиндўзлик билан шуғулланган. Шу жиҳати билан у хунармандлар табақасига мансуб ижодкордир.

Паҳлавон Маҳмуднинг бошқа ижодкорлардан ажралиб турадиган бир хислати бор. У елкаси ерга тегмаган полвон. Бу жиҳати билан у бутун Шарққа маълум. У эл кезган, дунёни кўрган, яхши-ёмонга дуч келган. Ҳаётдан олган сабоқлари ҳамда мушоҳадаларини замондошлари ва келажак авлодга етказиш эҳтиёжи уни қалам тебратишга даъват этган. Ҳар хил пайтларда ёзилган тазкираларда Паҳлавон Маҳмуднинг «Канз ул-ҳақойиқ» («Ҳақиқатлар хазинаси») маснавийси қайд этилади. Бу маснавий шоир ҳаётга ўз муносабатини изҳор этган кўламли асардир.

Бу асар «тасаввуф масалаларида шеърий тил билан муҳокама юритишга бағишланган фалсафий маснавийлар

жумласидан бўлиб, кўп ўринда муаллиф ўз мулоҳазаларини кичик хикоя ва ривоятлар билан асослашга ҳаракат қилади. Шу жиҳатдан у тасаввуф поэзиясининг атоқли вакиллари Жалолиддин Румий ва Фаридиддин Аттор анъаналари заминида яратилган ўзига хос фалсафий-дидактик поэма ҳисобланади».

Паҳлавон Маҳмуд кўпроқ рубойлари билан машҳур. У ҳар бир рубойида олам-олам фикр ва мушоҳадаларни муҷассамлаштиришга ҳаракат қилган. Уларда саховат, шафқат, раҳмдиллик, мардлик, жасурлик, инсонлик ғурурини сақлаш ғоялари акс этади. Унинг назарида, ҳақиқий мардлик кучқудратда эмас. Мардлик куч-қувватга эга бўла туриб, ўзини камтар ва ҳоксор тутиш, ожизларга доим ёрдам қўлини чўзишдир. Бу унинг бош фалсафаси эди.

Илмий манбаларда Паҳлавон Маҳмуд фалсафий мушоҳадаларининг ижтимоий ва маънавий илдизи аниқ белгилаб берилган. Паҳлавон Маҳмуд яшаган даврда Хуросонда кенг тарқалган ва илғор кучларнинг етакчи табақаси учун маънавий замин ролини ўйнаган мафкуравий оқимлардан асосийси жавонмардлик (жавонмардлик – арабча футувват) йўналишидир. Ўша даврда кенг тарқалган дарвешлар жамоаси билан маълум даражада алоқада бўлган жавонмардлик хунармандлар табақасига мансуб махфий ташкилот бўлиб, мавжуд жамиятнинг баъзи жиҳатларига нисбатан оппозицияни ташкил этган. Жавонмардликнинг моҳияти унинг реал турмуш билан муайян даражада боғланганлиги ва ундаги етакчи принципларнинг бевосита хунарманд ва шунга яқин табақаларнинг турмуш шароити ва ҳаётий талаблари заминида шаклланиб етганлигидадир.

Бу хусусиятни ана шу оқимнинг асосини ташкил этган талабларда кўриш мумкин. Булар: саховат, шафқат ҳамда халқдан бениёзлик ва халққа ниёзмандлик.

Мардлик, жасурлик, оддий кишиларга нисбатан шафқат ва эътибор, инсонлик ғурурини сақлаш, ўз ғоялари учун ҳалол ва фидокорона кураш олиб бориш ана шу оқимнинг ҳар бир аъзоси олдига қўйилган қатъий талаблардандир.

Ўз ихтиёринг билан иш битказиш, ҳаётда бошқаларга суяниш эҳтиёжини ҳис қилмаслик мардликнинг белгиларидир. Бу Паҳлавон Маҳмуд рубойларида акс этган ғояларнинг

мағзидир. Унинг назарида йиқилганни тепиб ўтиш мардлик ҳисобланмайди. Аксинча, йиқилганга қўл чўзсанг, бу мардлик. Унинг рубойларига хос бу фалсафа жўмардликни улуғлабгина қолмай, балки шоир ижодига хос инсонпарварлик ғояларини ҳам акс эттиради.

Паҳлавон Маҳмуд рубойларида жавонмардликнинг талқини ҳам хилма-хилдир. Агар масала фақат куч билан ҳал бўладиган бўлса, номард ҳар қандай йўл билан мардни ютиб кетавериши мумкин.

Паҳлавон Маҳмуд шахсиятидаги куч ва қудрат, саховат ва камтарликнинг бирлиги ўзи ҳаёт давридаёқ уни оламга машҳур қилди. У ҳақда ибратомуз ҳикояту ривоятлар тўқилди.

Халқ орасида оғиздан-оғизга ўтиб юрган бир ривоят бор. Паҳлавон Маҳмуд Ҳиндистонга бориб, курашга тушиши керак. Бироқ ҳамма билдики, у билан тенглашадиган бирор паҳлавон чиқиши қийин. Паҳлавон Маҳмуд беллашув олди-дан бир зиёратгоҳга бориб қолади. У ерда бир аёлнинг зор йиғлаб, худодан ниманидир тилаб илтижо қилиб ўтирганини кўради. Маҳмуд аёлдан бунинг сабабини сўрайди. Аёл жавоб қилади – Хивадан Паҳлавон Маҳмуд келибди, у билан ўғлим курашга тушиши керак. Мен ўғлимга худодан омад тилаб ўтирибман.

Паҳлавон Маҳмуд онаизорнинг бу илтижосидан таъсирланиб, курашда аёлнинг ўғлидан йиқилиб берган экан.

Айтадиларки, Паҳлавон Маҳмуднинг елкаси бир марта ерга теккан экан. Бу ўша аёлнинг ўғли билан тушган курашда рўй берган. Бу ривоят Паҳлавон Маҳмуднинг рубойларидаги, фақат рубойларидаги эмас, балки унинг шахсиятига оид жавонмардлик белгиси сифатида халқ оғзаки ижоди мулкига айланган.

Паҳлавон Маҳмуднинг ижоди ва ҳаётига хос бу хислатлар унинг шахсиятини улуғлади, номини абадийлаштирди. Кейинчалик у шунчаки, Паҳлавон Маҳмуд, деб аталмасдан, оддийгина қилиб «полвонпир» деб аталадиган бўлди.

Тарих далолатига қараганда, Паҳлавон Маҳмуд 1326 йили вафот этган. XIX асрнинг бошларида унинг қabri устига кўркам мақбара қурилди. Бу иншоот ўзининг гўзаллиги, жозибаси ва моҳирона безаклари билан ҳануз киши эътиборини



тортади, барчани ҳайратга солади. Санъатнинг бир тури – меъморлик, унинг иккинчи тури – адабиётни улуғлайди, олқишлайди.

Фалсафий, ахлокий мушоҳадаларга бой бўлган Паҳлавон Маҳмуд асарлари бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Кейинги йилларда шоир асарлари турли тилларга таржима қилиниб, чоп этилди. Эндиликда у Хива адабий муҳитининг етук намояндаларидан бири сифатида эъзозланади.

XIV асрнинг ўрталаридан Хива адабий муҳитида янги анъана бошланади. Бу бошқа халқлар адабий жараёни ва мероси билан танишиш, улардан айрим намуналарни туркий тилга таржима қилиб, халққа етказишдир. Бу анъана Қутб ижоди билан бошланади. Анъана шу билан боғлиқки, бу даврга келиб, эл ва элатлар орасида ўзаро муносабатлар – савдо-сотик, маданий алоқалар кучая бошлаган эди. Шу муносабат билан Қутб Низомий Ганжавийнинг «Хусрав ва Ширин» достонини таржима қилади, унинг ишқ-муҳаббат бобидаги ва гуманистик қарашларини элдошларига етказди.

Қутб XIV асрнинг ўрталарида яшаган ва ижод этган. Йирик бир асарни катта маҳорат билан таржима қилган шоир ўзи ҳам мустақил асарлар ёзган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Бироқ улар бизгача етиб келмаган ёки топилмаган.

Бу ерда бошқа бир ҳақиқатни ҳам ҳисобга олиш керак. Ўша пайтлари Хоразм, жумладан, Хива ҳам Олтин Ўрда хонлигига қарам бўлган. Қутб таржима муқаддимасида не-не машаққатлар билан Олтин Ўрдага етиб келгани, назаримизда, «Хусрав ва Ширин»ни қандайдир умидлар билан Олтин Ўрда ҳукмдорларидан бирига бағишлаганини маълум қилади. Қутб таржимаси эркиндир. «Хусрав ва Ширин»нинг туркий китобхонга ҳазм бўлиши қийин кўринган баъзи бобларини қисқартиради ёхуд тушириб қолдиради. Айрим жойларда ўзидан нималардир қўшади. Лекин илмий адабиётларда айтилганидек, Қутб «...Низомийни катта ҳурмат билан тилга олади. Уни бутун дoston давомида устод сифатида эслайди. Камтарлик билан ўз асарини «Низомий болидан тайёрланган ҳалво» деб атади ва ўзини Низомий манзумасининг баёнчиси даражасига тушириб қўяди».

Хоразм адабий муҳитида Қутб яратган таржимонлик мактабини Сайфи Саройи давом эттиради. Қутбдан фаркли ўларок, бу лирик шоир ўзининг оригинал асарлари билан диққатга сазовор. Унинг ижоди шу жиҳати билан кўламли ва кенг қамровлидир.

Сайфи Саройи XIV асрнинг бошларида Хоразмда туғилиб-ўсган. У илм олиб, ижод қилиш йўлида ғурбатга – мусофирликка юз тутиб, дунё кезади. Кўп шаҳар ва мамлакатларда бўлади. Ниҳоят, Олтин Ўрдага келиб, шу ерда у қатор лирик ва эпик асарлар яратади. Ўз даври эстетик тафаккури тараққиётига катта ҳисса қўшади. Фалсафий мушоҳадаларида инсон табиатига хос гуманистик қарашларни, хусусан, садоқат ва эзгуликни улуғлайди.

Сайфи Саройи лирик меросини кўздан кечирсак, унинг тематика жиҳатидан турлилигини кўрамиз. Баъзан ижтимоий мазмундаги шеърларга дуч келсак, баъзан дўстлик таронасини тинглаймиз. Унинг ижодида одамийлик, инсон қадрқиммати масаласи ҳам катта ўрин эгаллайди. Шу билан бирга Сайфи Саройи ғазалларида самимий, ҳаққоний муҳаббат мотивлари: вафодорлик, содиқлик каби олийжаноб инсоний туйғулар куйланади.

Сайфи Саройининг ижодий меросида «Сухайл ва Гулдурсун» достони алоҳида ўрин тутди. Бу асар образлар тизими, сюжет йўналиши билан Шарқда ўзига хос дoston намунасидир. Унда қарама-қарши, ҳатто уруш ҳолатида бўлган қучлар фарзандлари – Сухайл билан Гулдурсун бир-бирларига муҳаббат кўядилар. Вазият уларнинг мурод-мақсадига етишига йўл кўймайди. Шу асосда уларнинг муҳаббати ва ҳаёти фожиавий яқун топади. Бу жиҳатдан «Сухайл ва Гулдурсун» Вильям Шекспирнинг «Ромео ва Жульетта», Алишер Навоийнинг «Лайли ва Мажнун»лари қисматини эслатади. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, Сайфи Саройи яратган айрим образлар, чунончи, Гулдурсун номи билан боғлиқ тарихий харобалар ҳозиргача сақланиб қолган.

Сайфи Саройи форс адабиётининг йирик намояндаси бўлмиш Шайх Саъдийнинг «Гулистон»ини туркий тилга таржима қилади. Шу йўл орқали у ўз элини Шарқ адабиётининг бу дурдонаси билан таништиради.

Шундай қилиб, Сайфи Саройи ўзининг лирик, эпик асарлари ва таржималари билан ўзбек адабиётининг ривожига ва тилининг шаклланишига катта ҳисса қўшади.

Сайфи Саройи ижодига назар ташлаб, бошқа бир хулосага келамиз. Ўрта асрлар бошларида Шарқда хон ва султонлар ижодкорлар фаолияти билан яқиндан қизиққанлар, ўзига хос адабий тўғарақлар ташкил этиб, ижодкорларни унга жалб қилганлар. Табиийки, ҳукмдорлар уларнинг моддий таъминотини ҳам ўз зиммаларига олганлар. Бундан кейин шу анъана узлуксиз давом этиб келган.

Яна шу нарсани қайд этиш керакки, мўғул истилочилик сиёсатининг кучайиши натижасида хоразмлик баъзи ижодкорлар ватанни тарк этиб, бошқа юртларда яшаб, ижод қилишга мажбур бўлганлар. Сайфи Саройи Олтин Ўрда ҳукмдори ҳузурида қарор топган бўлса, унинг замондоши, хоразмлик шоир Ҳайдар Хоразмий ҳозирги Эрон ҳудудида Султон Искандар саройида хизматда бўлган.

Ҳайдар Хоразмий ижод жихатидан Қутб анъанасининг давомчиси. Қутб «Хусрав ва Ширин»ни туркий тилга ўгирган бўлса, Ҳайдар Хоразмий Низомий Ганжавийнинг «Панж ганж»ининг биринчи достони «Маҳзан ул-асрор» («Сирлар хазинаси»)нинг туркий талқинини яратади. Бироқ бу асар Ганжавий «Маҳзан ул-асрор»ининг айнан таржимаси эмас. Таржимон асардаги кўпгина талқинларни асос қилиб олгани ҳолда, унга анча янгиликлар ҳам киритган.

Ҳайдар Хоразмий яратган «Маҳзан ул-асрор» фалсафий мушоҳадага бой. Унда, хусусан, одоб-ахлоқ, инсонийлик, жамият ва шахс бирлиги хусусида фикр юритилади. Асарда танқидий йўналиш ҳам мавжуд. Асар «...олийжаноб инсоний фазилатларни тарғиб қилади. У кишиларни яхши хулқ-одобга эга бўлишга, жамиятга фойда келтириш, муруватли ва ҳимматли бўлишга чақиради, ҳимматсиз ва саховатсиз кишиларни қаттиқ қоралайди» (5). Уларга кескин муносабат билдиради.

Қутбнинг «Хусрав ва Ширин»идагидек меҳнатни улғулайди. «Маҳзан ул-асрор»дан ташқари Ҳайдар Хоразмийнинг бошқа лирик ва эпик асарлари ҳам борлиги шубҳасиз. Бироқ улар ҳанузгача топилган эмас. Бундан қатъи назар,

«Махзанул-асрор» туфайли у ўша давр ўзбек адабиёти ва тилининг шаклланишига, тараққий этишига катта ҳисса қўшди.

XV аср охири – XVI асрнинг биринчи ярми Хоразм хонлиги мавқеи анча пасайган давр бўлди. Ўзаро тахт ва мансаб таллашишлар авжига чикди. Гурухлараро уруш ва талашлар ортди. Шу боис бу даврда адабий ва маданий ҳаётда сезиларли тараққиёт бўлмади. XVII асрдагина Абулғозий Баҳодурхоннинг «Шажарайи турк» асари майдонга келди. «Шажарайи турк» ўз моҳияти билан тарихий асардир. Унда ўтган барча туркий хону хоқонларнинг шажараси берилади. Бироқ баъзи ўринларда ҳаёт манзарасини акс эттирадиган кўринишда бадийликка яқин турадиган манзаралар ҳам йўқ эмас.

«Шажарайи турк» яратилгандан кейинги даврларда Хоразм хонлиги худудида тарихга қизиқиш кучайди. Бунгача ёзувчи ва шоирлар пайғамбарлар ҳаётини, уларнинг фалсафий тасвирини бердилар. Баъзилар Шарқда кенг тарқалган касидачилик, тасаввуфни тарғиб этиш, илоҳий ва дунёвий ишқ сюжетларини яратиш, халқ онига шу йўсинда таъсир ўтказиш йўлидан бордилар. «Шажарайи турк»да Абулғозий Баҳодурхон асосан ҳаётнинг ўзига мурожаат қилди.

Хоразм адабий муҳитида бошқа бир ўзига хос сиймо бўлган. Бу – Нурмуҳаммад Андалибдир. Андалибнинг қачон туғилиб, қачон оламдан ўтганлиги маълум эмас. Бироқ у XVIII асрда яшаб ижод этган истеъдодли шоирлардан бири эканлиги маълум. Шоир ўз асарларидан бирида Хивада Шохғози подшолик қилган даврда яшаб ижод қилганини билдиради. Шохғози 1765–1767 йилларда ҳукмронлик қилгани маълум. Шоир уни шоҳ сифатида мадҳ қилган. Шунга қараб, илмий адабиётларда Андалиб яшаган давр XVIII асрнинг бошлари ва ўрталарига тўғри келади, деб тахмин қилинади.

Нурмуҳаммад Андалиб Хоразмнинг туркман аҳолиси яшайдиган қисмида, ҳозирги Кўҳна Урганчга яқин Қаромози қишлоғида туғилган. Шу боис шоир ижоди туркман илмий адабиётида кенг ўрганилган ва уни туркман мумтоз адабиётининг йирик сиймоларидан бири, деб баҳолайдилар. Бунга ҳам асос бор кўринади. Чунки Марказий Осиё адабиёти тарихида икки тилда ҳам баробар ижод қилиб, икки халқ мероси ҳисобланадиган ижодкорлар анчагина бор.

Андалиб асарлари шундай ёзилганки, тил ва ифода жиҳатидан туркман ҳам, ўзбек ҳам уни ўз шоири деб ҳисоблашга ҳақлидир.

Нурмуҳаммад Андалиб яшаган даврда Хоразм хонлигида ўзаро низо ва урушлар анча камайган, мамлакат маълум даражада тараққиёт томон юз тутган эди. Хивада хонлар тез-тез ўзгариб турса ҳам, Абулғозий Баҳодурхон яратиб кетган бирлик ҳамон ўз аҳамиятини йўқотмаган эди. Тўғри, бу даврда ҳозирги Ўзбекистон ҳудудининг бошқа ўлкаларидаги каби Хоразмда ҳам ишлаб чиқариш асосан деҳқончилик ва хунармандчиликдан иборат бўлган, холос. Хусусан, халқнинг тирикчилигини таъминлайдиган деҳқончилик шу давр мафқурасининг бош мавзуи ҳисобланарди. Бу даврда Хива хонлиги ҳудудида деҳқончиликка тегишли кўп ишлар қилинди. Канал тармоқлари яратилди, янги ерлар очилди. Шу боис адабиётга, жумладан, Андалиб ижодига ишлаб чиқариш мотивлари, хусусан, деҳқончиликка тегишли манзаралар кириб кела бошлади.

Андалиб ўз даврига нисбатан илғор маърифатли, илмли шоирлардан бири бўлган. У мадрасаларда ўқиб таълим олган. Шарқда маълум шоир ва ёзувчилар асарларини чуқур мутолаа қилган. Ижодда ҳам ўзига хос йўл танлаб олган. Илмий адабиётларда таъкидланганидек, «у классик шеърятнинг деярли барча шаклларида маҳорат билан ижод этган», «халқ орасида ўйноқи, равон ва мазмунли шеърларнинг ижодкори сифатида» танилган.

Хуллас, Андалиб шоир ва дostonнавис сифатида Хоразм адабий муҳитини янги-янги шеърлар, ўзига хос талқин қилинган эпик сюжетлар билан бойитди. Заковат, эрк ва садоқатни улуғлади. Адабий тилни халқ тилига яқинлаштириш, жонли тил элементларини адабиётга олиб кириш, ҳатто, уни Хоразм шеvasига хос маънодор сўзлар билан бойитишда ҳам Андалибнинг хизмати каттадир. XIX асрда Хоразм хонлиги ўз мавқеини анча кўтарди.

Хоразм хонлигининг пойтахти Хива шаҳрининг атрофи катта қалъа девори билан ўраб олинди. Ичан қалъада сарой қад кўтарди. Марказий Осиё ҳудудида энг баланд минора пайдо бўлди. Маданий ҳаётга эътибор кучайди. Қатор мадрасалар бунёд этилди. Унда мунтазам равишда ўқиш, ўқитиш ишлари

йўлга кўйилди. Шу муносабат билан зиёлилар – ўқимишли кишилар табақаси вужудга келди. Бу даврда ҳар хил сабаблар билан хонлар, беклар тез-тез ўзгариб турди. Бироқ, булар илм-маърифат тараққиётига тўсиқ бўлмади. Зотан, хонларнинг ўзлари ҳам илмли, маърифатли бўлишга интилдилар. Булар орасида, хусусан, Оллоқулихон ва Муҳаммад Раҳимхон соний – Феруз замони маданий ва маърифий ҳаётга энг кўп эътибор қаратилган даврлардан бўлди. Ҳаётга бевосита муносабат билдирадиган баркамол ижодкорлар етишиб чиқди. Улардан бири Мунис Хоразмийдир.

Шермуҳаммад Авазбий ўғли Мунис (1778–1829) XVIII асрнинг охири – XIX аср бошларида яшаб, ижод қилди. У бошланғич таълимни ўша давр зиёлиларидан ҳисобланган отаси мироб Авазхондан олди. Кейин Хива мадрасаларидан бирида илм олди. Мадрасани тамомлаб, хон саройида хизматда бўлди. У ёшлигидан ижод билан қизиқиб, шеърятнинг турли жанрларида кўпгина асарлар битди. Ниҳоят, 1813–1814 йилларда кичик рисоалар ва бошқа асарларини йиғиб, «Мунис ул-ушшок» («Ошиқлар дўсти») номи билан битта катта девон тузди. Мазкур девон билан Мунис адабиёт тарихида ўзига хос ўрин эгаллайди.

Девондан қатор қасидалар, анъанавий ишқий мавзуда ёзилган шеърлар ўрин олган. Шеърятда Навоийни ўзининг устози деб ҳисоблайди. Унинг кўпгина ғазалларига мухаммаслар бағишлайди. Шунингдек, у машхур озарбайжон шоири Фузулийни ҳам ўзининг устозларидан бири деб билади. Унинг ғазалларига ҳам мухаммаслар бағишлайди. Демак, Мунис ижоди ҳаётни талқин этиш жиҳатидан Навоий ва Фузулийларга яқин туради.

Мунис Хоразмий ҳақиқий ватанпарвар ижодкор эди. У маърифатни кадрлаб, «Саводи таълим» номли китоб яратиб, унда савод чиқариш йўллари, устозларга эҳтиром, китобнинг ҳаётдаги ўрни, саводсизликни камайтириш сингари масалаларга эътиборни жалб қилади.

Мунис Абулғозий Баҳодирхон анъаналарини давом эттириб, тарих мавзусига ҳам мурожаат қилади. Хоразм хонлари тарихига оид «Фирдавс ул-икбол» («Жаннат икболи») номли асарини яратади.

Умуман, бадий ижод билан баробар тарихга мурожаат этиш ва тарих босқичлари ҳақида асар битиш деярли хоразмлик барча ижодкорларга хосдир.

Шундай қилиб, Шермухаммад Мунис ўз шеърляти, тарих ва маърифатга тегишли асарлари билан ўзбек адабиёти таракқиётига ўзига хос хисса қўшди, Хоразм адабиёти таракқиётида янги босқични бошлаб берди. Бу босқични таракқиётнинг янги чўққисига олиб чиққан Огаҳий бўлди.

Мухаммад Ризо Эрнӣзбек ўғли Огаҳий 1809 йилда Хива шаҳри яқинидаги Қиёт қишлоғида мироб оиласида дунёга келди. У болалик чоғиданоқ отасидан етим қолди. Унинг тарбияси амакиси – ўша пайтларда Хиванинг етук зиёлиси Шермухаммад Мунис зиммасида бўлди. Муниснинг атрофига кўпгина шоиру илм аҳли йиғиладиган бўлиб, бу йиғинларда ёш Мухаммад катнашарди. Ўзи ҳам, ўша давр анъаналарига мувофиқ девон тузади ва тошбосмада нашр қилади.

Юқорида айтганимиздек, Комил Хоразмий ижодида иккинчи йўналиш мусиқашуносликдир. У ўз атрофига етук ҳофизу хонандаларни йиғади ва уларга раҳбарлик қилади. Ўша даврда у яратган баъзи бир мақомлар ўзбек мусиқаси хазинасига қўшилган жиддий бойликлардан бўлиб қолди.

Комил Хоразмий давлат ва маданият арбоби сифатида Москва, Петербург ва Тошкент шаҳарларида бўлиб, у ерлардаги маданият таракқиёти билан яқиндан қизиқди ва бу янгиликлардан Хоразм маданиятини таракқий эттиришда ўз хиссасини қўшди.

Ўз даври анъаналарига асосан Комил Хоразмий таржимонлик билан ҳам шуғулланди. Форс тилидан бир нечта китобларни таржима қилди. Хусусан, Мирхонднинг «Равзат ус-сафо» асарининг охириги 7-жилдини таржима қилди.

Унинг шеърларида Мунис ва Огаҳий талқин қилган асосий масалалар моҳият жиҳатидан ўз аксини топди. Булар адолатсизликка, зулмга, жаҳолатга, қоқоқликка, саҳоватсизликка қарши муносабатдан иборатдир. Баъзи асарларда у сатирик шоир сифатида ҳам кўзга ташланади. Шу маънода у ўзбек мумтоз адабиётига хос гуманистик қарашларнинг давомчисидир.

Хуллас, Комил Хоразмий ўз ижоди билан маърифатпарварлик томон катта қадам ташлади. Унинг ижодига хос бу хусусият XX аср бошларида тараққий этган жади́дчилик томон қўйилган илк қадам сифатида баҳоланиши мумкин.

Хоразм адабий ҳаракатида яна бир сиймо борки, у ҳақида ҳам баъзи фикрларни айтиб ўтиш зарур. Бу – шоир Аваз Ўтар (1884–1919) ўғлидир. У Хива шахрида хунарманд оиласида дунёга келди. Бошланғич таълим олаётган пайтларидаёқ Навоий, Ғузулий, Ҳофиз, Жомий ва Бобур асарларини мутолаа қилди ва ёшлигиданоқ истеъдодли шоир сифатида кўзга кўринди. Истеъдоди туфайли у сарой адабий тўғарагига таклиф қилинди ва бу тўғарак иштирокчиси сифатида шеърлар битди. Кейинчалик уларни девон шаклига келтирди.

Асл моҳияти билан Аваз Ўтар шеърлари Комил Хоразмийнинг ўша давр жамияти ҳаётидаги нуқсон ва камчиликларни фош қилган асарларининг бевосита давомидир. Шу маънода у ҳам фош қилувчи сатирик, ҳам маърифатпарвар шоир сифатида кўзга ташланди. Аваз Ўтар кўпгина шеърларида ўқиш-ўрганиш, савод чиқариш, тил билиш, бошқа халқлар маданияти билан танишиш зарурати хусусида бонг урди. Табиийки, унинг ижодига хос бўлган танқидий йўналиш ва халқ манфаатини ўйлаб ёзилган шеърлари ҳукмдорларга кўп ҳам ёқавермади. Шу боис Аваз кувғинга учради, оқибатда оғир касалга дучор бўлиб, 35 ёшида ҳаётдан кўз юмди. Фош этиш, маърифатни тарғиб ва ташвиқ этиш жиҳатидан Аваз Ўтар шеърлари Комил Хоразмийдан кейин қўйилган навбатдаги қадам эди. Бу хислатлари билан Авазнинг шеърлари бевосита XX аср бошларида тараққий этган жади́дчилик оқимига бориб боғланади.

Хоразм адабиёти, хусусан, Хива муҳити ҳақида гап кетар экан, яна бир улуғ сиймо ҳақида фикр билдирмасликнинг иложи йўқ. Бу – Муҳаммад Раҳимхон Соний (1844–1910). У кўпроқ Феруз номи билан машҳурдир. Адабиёт ва маданият соҳасида унинг хизматлари шундан иборатки, у ўзининг узок йиллар давом этган ҳукмронлиги даврида ижодкорлар аҳлига ҳомийлик қилди. Доимий равишда мушоиралар уюштирди. Соз суҳбатлар қурди. Аксарият ҳолларда истеъ-



дод эгаларини рағбатлантирди. Уларнинг ижодига тегишли йўналиш бериб турди. Шу билан бирга ўзи ҳам шеърлар битиб, Хоразм адабий ва маданий муҳитининг тараққий этишига катта ҳисса қўшди.

Унинг ташаббуси билан Хоразм шоирларининг ҳаёти ва ижодини қамраб оладиган «Мажмуат уш-шуаро» тазкираси яратилди. Феруз бастакорлигида қатор шашмақом куйлари яратилдики, улар ҳанузгача ижро этилади.

Шундай қилиб, қарийб минг йил давомида Хоразмда, хусусан, Хивада қатор бадий ижод сиймолари етишиб чикди. Улар ўзбек мумтоз адабиётининг тараққий этиши ва шаклланишида ўзига хос ўрин эгаллайди.

Хива мадрасаларида Махтумқули, Андалиб ва Ажиниёзлар таҳсил кўрган ва ўз ижодларини шу ерда бошлаганлар. Улардан бири – Махтумқули туркман адабиёти классиги, иккинчиси – Ажиниёз қорақалпоқ адабиётининг классиги. Демак, Хоразм адабий муҳити фақат ўзбек адабиёти тараққиётига эмас, балки Марказий Осиёдаги бошқа халқлар адабиёти тараққиётига ҳам ўз ҳиссасини қўшган. Хоразм ижодкорлари XX аср ўзбек адабиётининг тараққиётига ҳам муҳим ҳисса қўшдилар. Қатор маърифатпарвар шоирлар етишиб чикди, янги драматурглар майдонга келди. Қисса ва романлар яратилди. Шеъррий тўпламлар эълон қилинди.

Янги давр адабиёти билан Хоразм мумтоз адабиётини боғлаб турган бир бўғин ёзувчилар бор. Улардан бири – Муҳаммад Юсуф Баёний (1858–1923). Баёний кўпгина лирик шеърлар муаллифидир. Ўша давр адабиётдаги анъана асосида бир девон ҳам тузган. Хоразм ижодкорлари Огаҳий ва Комил Хоразмийлар анъанасини давом эттириб, «Шажарайи Хоразмшоҳий» номли тарихий асар ҳам яратди. Унда Абулғозий Баҳодирхондан тортиб, Хиванинг сўнгги хони Асфандиёрхон давригача бўлган тарихий воқеалар қамраб олинади.

Бу бўғин вақилларидан яна бири Ота Махдум Муҳаммад Латиф ўғлидир (1905–1956). Тахаллуси Партав. Унинг фаолияти кўпроқ журналистика ва маданий марказ билан боғлиқ бўлиб, қатор лирик шеърларнинг муаллифидир. «Чўлдан гулга» номли тўпламини эълон қилган. Унинг шеърлари тил ва ифода жиҳатидан энгил, ўйноқи бўлиб, ҳанузгача

хофизлар томонидан қўшиқ қилиб айтилади. Шунга асосан уни қўшиқчи шоир, деб ҳам аташ мумкин. Партав Навоий асарларини нашрга тайёрлашда ҳам катта хизмат қилган.

Бу асрнинг кекса авлодига мансуб Юнус Юсупов қатор драмалар яратди. Улар вилоят театрида сахналаштирилди. Кейинги авлодга мансуб Раҳим Бекниёз ўзига хос йўл билан адабиётга кириб келди. У «Дерсу Узала» анъанаси асосида овчиликка оид ҳикояларини эълон қилди. Бундан ташқари, Раҳим Бекниёз Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси сифатида жанг манзараларини акс эттирадиган асарлар битди.

Шу авлодга мансуб Эгам Раҳим лирик шоир сифатида машҳур бўлди. Унинг қатор тўпламлари бир неча бор нашр қилиниб, китобхонлар қўлига тегди.

Булардан кейинроқ адабиёт майдонига кириб келган Қурбон Матризо бир неча тарихий ва замонавий драмалар яратди. Унинг ғазаллари ҳам жозиба жиҳатидан ажралиб туради. Кейинги пайтларда ҳажвий йўналишда битилган «Фалакнинг гардиши» номли қиссаси чоп этилди. Қурбон Матризонинг 1996 йилда яратган «Жоним фидо...» номли қиссаси ўзига хосдир. Муаллиф ўзбек ёзувчилари ичида биринчилардан бўлиб республикамизнинг барча вилоятларини кезиб чиқди ва мустақиллик ғояларига асосланган ўз таассуротларини сафарнома шаклида ёзиб эълон қилди.

Эркин Мадраҳим «Ошиқ Эркин» тахаллуси билан ишқий мавзуда қатор лирик шеърлар тўпламини чоп эттирди. Унинг шеърлари Хоразм вилоятининг ўзига хос урф-одатлари, ёшларнинг лирик кечинмаларини акс эттиради.

Хоразм адабий муҳитида яна бир ўзига хос шоир марҳум Матназар Абдулҳакимдир. Унинг адабиёт олдидаги асосий хизмати – таржима. У Паҳлавон Маҳмуднинг услуб жиҳатидан мураккаб шеърларини ўзбек тилига таржима қилиш билан шуғулланди. Паҳлавон Маҳмуд Матназар Абдулҳаким таржимасида қайта тирилгандек, адабиёт оламида қайта қад кўтаргандек бўлди.

Хоразм воҳасидан чиққан яна бир ёзувчи Райимбой Собиров Тошҳовуз шаҳрида истикомат қилади. Бу ёзувчи қатор жозибали ҳикоя, қисса ва драмалар муаллифи. Улар алоҳида тўплам шаклида Тошкентда нашр қилинди.

Адабиётда Хоразм ҳаётини акс эттиришда жонбозлик кўрсатаётган шоир ва ёзувчилардан бири Эркин Самандардир. Унинг шеър ва поэмалари тилининг соддалиги, ифоданинг жозибадорлиги билан ажралиб туради. Шу билан бир қаторда, у тарихий мавзуда ҳам асарлар яратмоқда. Драмаларидан бирида ва яқинда чоп этилган ажойиб романида у ўзбек халқининг машҳур қаҳрамони Жалололдин Мангуберди образини яратди.

1996 йилда Эркин Самандарнинг «Тангри қудуғи» номли тарихий романи эълон қилинди. Асар бевосита Хива тарихи билан боғлиқдир. XVII аср бошларида Хивада ўзаро зиддиятлар, тахт ва мансаб талашувлар авжига чиққан эди. Давр бирор қаҳрамоннинг юзага чиқиб, ўлкада тартиб ўрнатишини талаб қиларди. Бу вазифа «Шажарайи турк» муаллифи Абулғозий Баҳодурхон зиммасига тушди. «Тангри қудуғи» Хоразм ҳаётини, уни бошқаришни маълум бир тартиб ва тизгинга солган ана шу тарихий шахс, яъни Абулғозий Баҳодурхон образини яратишга бағишланган. Роман Абулғозий Баҳодурхоннинг Хива хонлиги тахтига ўтиргунига қадар бошидан ўтган воқеаларни ўз ичига олган.

Хоразм ҳаётини адабиётда акс эттираётган шоир ва адиблардан яна бири Омон Матжондир. Унинг шеър ва поэмалари ҳаётнинг ижтимоий нуқталарини акс эттиришда бошқа асарлардан ажралиб туради. У қатор лирик шеър ва поэмаларида истиқлолнинг тарих талаби асосида юзага чиққанини куйлайди. Шу билан баробар тарихий мавзуга ҳам мурожаат қилиб, Абу Райхон Беруний ҳақида драматик дoston яратди.

Шу кунларда Хоразм адабий муҳитида қатор ёш ижодкорлар вояга етиб, қалам тебратмоқдалар. Уларнинг асосий мавзуи XX асрда ўзбек халқи бошига тушган кўргиликлар ва тарих ҳақиқатига айланган истиқлол ютуқларидир.

Ўз-ўзидан шундай хулоса келиб чиқади: ўтмишда ҳам, бугун ҳам ўзбек адабиёти тараққиётида Хоразм адабий муҳитининг ўрни катта. Бу муҳит ўзбек адабиёти деб аталмиш улкан ноёб маданий мероснинг ажралмас бир қисмидир.

Маънавий маданиятнинг ноёб дурдонаси, адабий мероснинг бизнинг давримизгача сақланиб келиши қўлэзма китобат санъати билан бевосита боғлиқ. Кўҳна Хоразм бу соҳада ҳам

намуна бўла олади. Хива хонлигида қўлёзма китобат анъанаси узоқ тарихга эга. Абу Райҳон Беруний бошланишини милоддан аввалги XIII асрга мансуб деб топган йил ҳисоби, Қўйқирилган қалъа (милоддан аввалги III аср) расадхонаси мавжудлиги, шубҳасиз, ўлкада таракқий топган ёзма маданият бўлгани билан боғлиқдир. Кўп асрлар мобайнида Хоразм иқтисодиёт ва маданиятнинг юксалиш ва таназзул даврларини бошдан кечирди. VIII–XI асрларда Хоразм фан ва маданиятнинг йирик маркази бўлиб, бу ерда Шарқнинг буюк олиму шоирлари йиғилган эдилар.

X–XI асрлар Хоразмнинг навбатдаги янгилиниш фасли, «Маъмур академияси»нинг ва беназир қомусий олим ҳамда мутафаккирлар Абу Райҳон Беруний (973–1048) ва Абу Али ибн Сино (980–1037) ижодий фаолиятининг гуллаб-яшнаш даври бўлди.

XVIII аср охири – XIX аср бошларида Хива хонлигида хўжалик-иқтисодий ҳаёт жонланиши билан маданиятни кўтариш учун шарт-шароит яратилиб, маънавий кадриятларга, шу жумладан китоб ва уни безаш санъатига қизиқиш янада кучайди. XVIII аср охирида Хоразм хаттотлик мактабининг истеъдодли намояндаси таниқли шоир, тарихчи Мунис Хоразмий ҳисобланади. Ёзув назариётчиларидан бири бўлган Мунис 1804 йилда хаттотлик санъатини ўргатувчи «Саводи таълим» қўлланмасини яратди.

Хива хонлари – Муҳаммад Раҳимхон I (1806–1825) ва айниқса, таниқли китоб ҳавасманди ҳисобланган Муҳаммад Раҳимхон II (1865–1910) саройи кутубхонасининг хаттот ва мусаввир-безакчилари қўлёзма китоб безаш санъати ривожига муҳим ўрин тутдилар. Афтидан, гарчи арзон, ҳеч қандай безаксиз қўлёзмалар мадрасалар қошида, хунарманд усталар томонидан тайёрланиб, бозорга чиқариб сотилган бўлса-да, Хива хонлигида сарой кутубхоналаридан бошқа жойда қўлёзмаларни бадиий безаш йўлга қўйилмаган.

Айниқса, Хива кутубхоналарида қўлёзма матнини хуснихат ва гўзал нақшлар билан безаш мақсадида мусаввирлар узоқ вақт кунт билан ишлар эдилар. Кутубхонадаги бундай ишлар Муҳаммад Раҳимхон II ҳукмдорлиги йилларида сезиларли равишда кенгайди. Хоннинг ўзи ҳам илм-фан,

шеърийят ва хаттотлик машғулотларига кўп вақт ажратар эди. Шарқшунос А.Н. Самойлович таъбири билан айтганда, «илм-фан ва санъатнинг маърифатпарвар ҳомийси» Муҳаммад Раҳимхон II ўз саройида ёзувчи, муаррих, шоирларнинг каттагина даврасини тўплади. Хон ўз шеърий асарларини Феруз тахаллуси билан битар эди. У кутубхона қошидаги устахонага катта эътибор билан қараб, тез-тез буюртмалар берар эди. Бу ерда тарихий, эсдалик, тиббий ва бадий асарлар кўчирилди. Хиванинг бу даврдаги қатор қўлёзмаларида улар хон буйруғига кўра бажарилгани қайд этилган. Масалан, «Муҳаммаслар»да «Қўлёзма Муҳаммад Раҳим Саййид Баҳодирхон буйруғи билан 1896 йилда Хива сарой кутубхонаси учун ёзилди», деб кўрсатилган.

Муҳаммад Раҳимхоннинг иккита кутубхонаси бўлиб, бири кишки қароргоҳ – Арк ичкарасида, яна бири ёзги қароргоҳ – шаҳар ташқарисидаги «Тозабоғ» саройида жойлашган эди.

Бу кутубхоналарда ихчам каталоглар тузилган, китобларнинг муқоваларига улар номлари битилган ёрликлар ёпиштирилган эди. «Қишки кутубхона Арkning ғарб томонидаги биноси тепа қаватида, чоғроққина хонада жойлашганди. Хонанинг шимол тараф деворида ёпиқ жавон, *кунботар тарафида эса иккита ойнаванд эшикчали жавон* турарди. Жавонларнинг бирида – кичкинагина қўлёзма каталогда 550 та қўлёзма ва китобларнинг ном ҳамда рақамлари кўрсатилган. Бу ердаги китоб бойлиги «Тозабоғ» кутубхонасидагидан фарқланади. Аксарияти насрий асарлар, жумладан, тарихий, тиббиётга оид китоблар...»

Шунингдек, тахт вориси, бошқа шахзодалар, мансабдор аъёнлар ва айрим уламоларнинг (Исфандиёр Ҳожи, Ислом Ҳожи) ҳам ўз кутубхоналари бўлган.

Бир қатор мадрасалар, масалан, Муҳаммад Раҳимхон II (1871) қурдирган мадрасанинг ҳам кутубхонаси бор эди. Бу мадрасада тез-тез мушоиралар ўтказиб турилар, уларда Феруз, Комил Хоразмий, Огаҳий каби шоирлар ғазал ўқишарди. Муҳаммад Раҳимхон илк бор литографик босма корхонасини ишга туширган, бир қатор шеърий мажмуалар чоп эттирган эди. А. Самойлович маълумот берадики, хонга

яқин аёнларнинг айтишларича, «унинг умуман китобга, ундан нусха кўчиришга бўлган иштиёқи жунун даражасида эди». Хон баъзида давлат ишларидан толикиб, кутубхонага кирар, ўз амрига кўра хаттотлар кўчирган янги китобларни варақлаб ўтирарди. Хаттотлар бўлмаси биринчи каватдаги иккита ёруғ хонада бўлиб, уларга гиламлар тўшалган, сарой боғига чиқиш йўли бор эди. Гулдор нақшлар билан безалган пастаккина махсус хонтахта устида хаттотларга мушки анбар уфурувчи атир-упа солинган идишчалар териб кўйилганди. Кутубхонада машхур шоир ва мусиқачи, кўли гул хаттот Комил сингари ажойиб усталар ишларди, Муҳаммад Раҳимхон II шоирни девон хаттотлиги вазифасига чақирганди. Ўн йил ишлагач, Комил мирзабоши этиб тайинланган. Бу хон саройида учинчи юксак мансаб эди.

Сарой хаттотлари бошлиғи Худойберган девонбеги, устод Муҳаммад Паноҳ Хоразмий – Хиванинг энг мохир хаттоти – ёзги боғлардан бирида ишларди. У айни чоғда соатсоз, муҳр ясовчи ва тўп қуювчи уста ҳам эди. Тадқиқотчи А. Муродов XIX асрда Хива хонлигида яшаб ўтган 87 нафар хаттот ҳақида маълумотлар келтиради. Сарой кутубхонасида хивалик шоирларнинг шеърий мажмуалари, Умар Хайём, Саъдий, Ҳофиз, Навоий, Жомий асарлари, мўғул шоирлари – Рожий, Салим, Шох Шужо девонлари, «Бобурнома» ва бошқа китоблардан нусха кўчирилган эди. 1907 йилда Муҳаммад Раҳимхон II учун Бедил девонининг махсус нусхасини кўчириш ниҳоясига етказилди. Китоб саҳифалари матни тилла рангли ҳошия ичига олинган, асар унвони эса тилла ҳал ила баҳорий ислими нақшлар билан безатилганди.

XVIII аср Хива қўлёзма китобатида безаш ишлари ўрта аср Шаркида (XV–XVI асрлар) ишланган анъанавий мумтоз, қатъий шаклланган услубларда давом этарди. Жимжимадор нақшлар руҳи шаклан ягона бадийий тимсолни юзага келтиргандай кўринса-да, ҳар бир ҳудуднинг жузъий ўзига хос аломатлари ҳам йўқ эмасди. Бунда ягона бир қолип йўқ, нақш-безак асар жанрига нисбатан ҳам эркин қўлланаверган. Фақат умумий принцип ва параметрлар, композиция ўзаги, ҳар хил кўринишли ғоявий, шаклий (ҳалқ амалий нақш санъатининг барча соҳаларига хос бўлган) сифат-хусусият

уйғунлиги безакларда доимо кузатилади. Бундай қамровли қолип ичида ижодий ташаббус, янгилик ва нозик дид учун кенг майдон очилади.

XVIII аср – XIX асрнинг биринчи ярмида Хоразм қўлёзмаларни безаш санъати кўпроқ мўътадиллаштирилган Марказий Осиё мезонларига яқин бўлган бўлса, XIX аср иккинчи ярмидан ахвол аста-секин ўзгариб борди. Бу даврда маҳаллий усталар ижодий маҳоратини намоён этиш, тобора оширишга зўр бердилар. Улар бир қатор қўлёзма китобларда ўша давр безак санъатининг чўққисига кўтарилишди.

XIX аср охири – XX аср биринчи чорагида Хива хат усталари китоблар ҳажми, шакл мутаносиблиги, матн саҳифаси ва хошиялар уйғунлигига қатга эътибор бердилар. Бу даврда қўлёзма китоблар *юксак маҳорат билан кўчирилганлиги*, бетакрор гўзаллиги билан ажралиб туради. Бир қанча қўшни мамлакатларда қўлёзма китоблар ҳажми кичрайиб, ихчам, олиб юришга қулай ҳолатга келтирилган, чарм муқовалар ўрнини ярим чарм ёки бошқа ашёлар қўшиб ишланган муқовалар эгаллаган бир пайтда, Хива сарой қўлёзма китобатида ҳажмлар қатталашганини кўрамиз (12,5x20; 14,5x24; 17x26 см ўлчамли қўлёзмалар қаторида 19x31; 19,5x27; 20x34 см ўлчамдаги қимматли китоб нусхалари бор).

Бундай ҳажм матн саҳифаси ва кенг хошияларнинг уйғунлиги билан қўлёзма китобга ўзига хос салобат, нақшинкор безаклар билан кўзга ташланувчи кўламдорлик бахш этади. Илгарилари муқовада кўп қўлланган тўқ кизил-қўнғир ранглар ўрнини энди теридан ишланган<sup>1</sup> муқоваларда тикка ўк (тилларанг, кизил ё зангори) бўйлаб жойлашган, бир-биридан кескин ажралиб турувчи уч жиғали қорамтир безаклар эгаллади. Қора ранг суфийлар наздида донишмандлик, илм ва сир-асрорни ифодалайди. Хивада кўчирилган энг сўнгги қўлёзмаларнинг муқоваси қора, саҳифалари эса очик рангда эканлиги тасаввуфдаги: «Зиё ва ҳикмат зулмат бағридан чиқиб келади», деган қоидага асосланган бўлса, ажабмас.

---

<sup>1</sup> Шунини алоҳида қайд қилиш лозимки, «Авесто» яратилган даврда асосан қўлёзмалар мол терисига битилган. Бундай қўлёзмаларнинг кўпчилигини мил.авв. IV асрда Ўрта Осиёни босиб олган Македониялик Александр гулханда ёқишга буюрган.

Муқовалардаги жиғаларда Муҳаммад Ориф Махдум бин Мулла Муҳаммад Ғафур ал-Бухорий (1841), Аваз Муҳаммад (1859–1860), Раҳмонберган (1904), Муҳаммад Раҳим (1908) каби хивалик муқова усталарининг номлари сақланиб қолган.

XIX асрнинг сўнгги йигирма йилида сарой кутубхонасида истеъдодли безакчи-рассом, чизгиларга жон киргизиб юборувчи моҳир мусаввир, композиция устаси пайдо бўлади. У жуда меҳнатсеварлиги боис, етук ақл, ўзига хос услубда безатилиши билан маҳобат ва бетакрор ёрқинлик касб этган жуда кўплаб қўлёмаларни мерос қолдирган. Унинг ишлари (устанинг номи ҳали аниқланмади) энг сўнгги давр Хива қўлёмза безакчилигининг мумтоз намуналари ҳисобланади. У бошланғич саҳифада Марказий Осиё қўлёмзачилиги учун анъанавий бўлган унвон ёзилишини дадил ўзгартириб, илк вараққа (фронтиспис) кўтаринки руҳ ва салобат бера олган.

Мумтоз анъанавий унвон ички томони очиқ тўғри бурчакли, икки қисмга ажратилган манзарали мансубадан иборат бўлган, тоқисимон кунгура бамисоли парвозга шайланган ярим мансубани ташкил қилган, у кўк-тилла рангда бажарилган. Фестонининг ички қисми анъанавий тарздаги ислими нақш билан тўлдирилган. Мансубанинг тўғри бурчакдан иборат асос қисми манзарали жияк билан қуршаб олинган. Жияк параллел тортилган контраст чизикли гирих нақшлар ва ислими нақшлар билан тўлатилган.

Хивалик уста унвоннинг пастки қисмини кесиб ташлайди. Юқори қисмидаги тоқисимон кунгурага маҳобат бахш эттиради, умумий силуэтга бир оз тузатиш киритади, тўлдирувчи унвонни қуюқ бўлмаган ислими ва аниқ ҳамда таранг тортилган гирих нақшлар, хошия чизиклар, тўгаракчалар билан мустаҳкамлайди, уларнинг шиддатли парвозлари ва, айни замонда, ширали, кўк-яшил, бинафшаранг деталлари олтин, тўқ кизил ва оқ ранг билан бойитилган жозибали мансубани вужудга келтиради. Ана шу устанинг ўзи олтин ўрнида унвонга каманд ва жадваллар (саҳифа ичидаги ва бутун матнни рамка ичига қамраб олувчи, матн айирувчи чизиклари), кумуш кирита бошлаб, уларнинг нимранглариани комбинациялай бошлади. Бошқа минтақаларда бунинг муқобили учрамайди. Унвонни йириклаштирилган ислими нақшлар



билан тўлдиришдек бетакрор услуб кутубхонанинг бошқа усталари томонидан ўзлаштирилганди.

Нақшдаги тўлиқ очилган гуллар учун асосдаги қуйи ички гулбаргнинг мутлақо тўлиқ шарҳи ўзига хос хусусият касб этиб, уларда худди патнисга солингандек, уч гулбаргдан иборат тож юксалиб туради. Бу гулбаргнинг иккитаси тўгараксимон, марказдагиси эса найзасимон шаклда. Гулбарглар гулнинг пастки тарҳида иккита такрорланувчи чизгилар билан тўгаракчанинг маркази атрофида жойлашган. Барглар калампирсимон шаклда иккига бўлиниб кетади, шунингдек, гулларни ҳаминша ўзига хос деталь – икки параллел тасмачадан иборат «ёқача» ва улар ўртасидаги жойни майда тарок нақш безаб туради. Гулнинг қисмлари турли нимрангларда бўялган бўлиб, улар ўзаро уйғунлик касб этади. Бу ажойиб мусаввирнинг композицион пластик маҳорати унинг томонидан безалган қўлёмалардан уфуриб турадиган, тушунтириш қийин бўлган бир даражадаги уйғунлик ва улғворликнинг мувофиқлиги билан изоҳланса керак. Кутубхона безак берувчиси тафакқурининг юксаклиги ҳақида Мунис «Девон»и қўлёмасининг унвони гувоҳлик бериб турибди. Қўлёманинг пластик шакли, композицион қурилиши, матн билан нисбати ва бошқа хусусиятлари юқорида қайд этилган ишларга яқиндир. Бироқ бу мансуба гумбаз шаклидаги йирик марказий кунгура ҳамда уни тўлдириб турувчи, «бахт тугуни» билан бойитилган ҳарфсимон олтин нақш туфайли янада оригинал бўлиб кўзга ташланади.

Баёзлардаги ҳар бир асар мустақил унвон ёки лавҳа (ўзининг аҳамиятига кўра унвондан кейин турувчи нақш) билан безатилган бўлиб, бу безакларда такрорлар учрамайди. Бу тамойил бутун Ўрта Шарқда шаклланган безак ишларида ранг-барангликка эътибор бериш зарурлиги ҳақидаги қоидага жавоб берарди. Мазкур ҳолат машҳур озарбайжон китобат рассоми Содиқбек Афшар (1610 йилларда вафот этган) қаламига мансуб «Қонун ас-совар» шеъринг рисоласида ўз ифодасини топган:

«126. Турли-туманлик ҳаминша талаб қилинувчи аъмолдир.

127. Такрор, ҳатто, у жозибали бўлса-да, ўз табиатига кўра, ҳаминша зерикарли бўлади».

Хива қўлёзмасида, Бухоро қўлёзмасидан фарқли ўларок, мундарижа – фихрист манзарали қилиб безатилмайди. Шунга қарамасдан, Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достони Хива қўлёзмасининг унвондан олдин келадиган дастлабки қўшварақ аввалидаги кириш саҳифаси оригинал тарзда безатилган. Безак хочсимон мансубага эга. Ярқираб турувчи яшил тилларанг нақшнинг композицион маркази – марказий квадратдаги йирик, уни тўлдириб турувчи кунгўрасимон жигадир. У тумор тарикасида фойдаланилган бўлиши эҳтимол.

Безакчилар Россиядан келтирилган олий навли, қалин, ялтироқ, хиёл силлиқ қоғозларга битилган матннинг қурилишига катта эътибор берганлар. Бундай қоғозлар шаффоф, каштали-рақамли ва ҳарfli белгилар, «верже» услубидаги сим тўр хўрозчалар, шерлар, грифонлар, каптарлар, гуллар нақши туширилган сувсимон тасвирларга эга бўлган. Энг олий навли рус қоғозлари осётр балиқларининг сувдаги тасвири билан безалган бўларди.

Ғарбий Европада ишлаб чиқарилган фабрика қоғозлари аҳён-аҳёнда ишлатилган. Масалан, Умар Хайём «Рубойилар»и оппоқ «бристоль картони» навидаги қоғозда, (1901 йил) ёки Мунис «Девон»и инглизларнинг алвон рангдаги почта қоғозидида чоп этилган Хива қўлёзмаси бунга мисол бўла олади. Усталар катта меҳр-муҳаббат билан матн саҳифаларини комбинациялаштириб, қуриб, уларни турли энликдаги ва бўйдаги мисралар ҳамда хат бошилар билан бирлаштирганлар. Саҳифаларни чорак ва қўшалоқ устунларга бўлиш шеърӣ девонларни битиш, унчалик катта бўлмаган асарлар – рубойилар, ғазаллар, мухаммаслар ва бошқаларни ажратиб кўрсатиш учун жуда қўл келган.

Қия шаклда жойлашган сатр киритиш орқали горизонтал ва вертикал рамкали матнли саҳифани атайлаб нозик чизиш қадрланган. Бунда хаттот ажратиб кўрсатувчи, турли даражадаги қўшварақ доирасида тик сатрларнинг уйғунлигига амал қилган. Горизонтал жойлаштирилган, ажратиб кўрсатилган рамкаларга асар, шеър ва ҳоказоларнинг боблари номи, қисмлари ёзилган. Ҳар бир саҳифада ажратиб кўрсатилган рамкалар сони 1–2 тадан 7–9 тагача етган. Горизонтал саҳифа-

ларни кўзга ташланадиган қилиб қуюқлаштириш усулидан яқунловчи саҳифалардаги матнда фойдаланилган, шу йўл билан яқунланган асарнинг тантанаворлигига эришилган.

Саҳифага бадий матнни жойлаштиришда анъанавий усул қўлланилиб, бунда тўртликлар тенг шакли бир неча оғма ромб кўринишидаги тўртбурчаклардан иборат қийиқ катакчалар ичига ёзилган. Бу хилда ўрин олган қийиқ тўртбурчакларнинг матн билан бирликдаги рамкаси 6–8 тагача ортиб, улар бартариб тузилган қийиқ сеткада жойлашади. Ҳар бир бундай қийиқ рамкалар жуфтлиги матн билан бирликда баъзан безак шаклида қўлланилиб, рангли хошия ўрнида ишлатилган. Шундай қилиб, бу хилдаги саҳифани безашида тўрт қатор рамкалар хошиясининг ранги кетма-кет алмашилиб келаверади.

Жумладан, Умар Хайём рубойлари қўлёзмасининг (1889 йил) варағида шу хилдаги тўрт рангли хошия кетма-кетлиги қўлланилган, тўқ яшил ранг қирмизи ранг билан, оқ сарғиш ранг оч қизил ранг билан алмашган. Усталар баъзан варақда икки хил ранг қўллашган. Масалан, Хоразм «Баёз»ида (1906 йилги) матн ости оч қизғиш рангга, хошия эса яшил рангга бўялган.

Хива хаттотларининг маълум бир қисми матнни ёзишда уларнинг бурчакларини тез-тез алмаштириб, ҳар хил йўналишларда, шу билан бирга матнни баъзи бир нарса ва предметлар шаклига ўхшатиб ёзишган. Жумладан, балиқ, илон, қушлар (лайлакка ўхшаш), қумғон, турли кўринишдаги косалар, чилимлар ва умуман, иланг-биланг шаклларда ёзилган (25). Бу усул XV аср Ҳирот усулига жуда яқин, лекин айнан мос келмайди. Матн асосан қора сиёҳда ёзилган, кўпинча ажойиб ялтирок, баъзан хаттот матнни хатто жонлантириб юборган. Қора сиёҳда ёзилган матндаги баъзи бир сўзлар, гаплар, «ҳаракат»лар бошқа ранглр – оч қизил, тўқ сарик ранглр билан ажратиб ёзилган. Бу усул асосан ўқувчининг диққатини матндаги ўта муҳим жойларга қаратиш мақсадида ишлатилган.

Бу хил усул дастлаб Куръони каримни кўчиришда қўлланилган. Масалан, Воиз Кошифийнинг «Буюк неъматлар» (Куръон тафсирига оид, 1843 йилда кўчирилган) асарининг қўлёзмасида суралар номи тўқ қизил рангга ёзилган, оятлар

тагига эса қизил сиёҳ билан чизиб қўйилган эди. Матн тилла ранг чизиклар дастасидан иборат рамка ичига олинган, бутун варақ хошиясига эса сидирғасига қизил ва ҳаворанг чизик тортилган.

XIX асрнинг иккинчи ярмида, яъни Хоразмни Россия босиб олгандан кейин ҳаётнинг барча соҳаларидаги ўзгаришлар китоб санъатига ҳам таъсир қилмасдан қолмади. Хива хонлиги девонида китоб безаш соҳасида маълум янгиликлар вужудга келди. Жумладан, хаттотлар баъзан янги мотивлар қўллай бошлашди. Шулардан бири «Захрияжон достони» халқ китоби қўлёзмасини безашда аниқ кўзга ташланади. Бу китоб янги усулда безатилганлиги билан ажралиб туради. Ундаги тўғри тўртбурчак лавҳа рамкалари узунасига чўзилган бўлиб, худди дунёга очилган деразадек кўриниб, ўзгача рамзий учқунлар пайдо қилди. Унда персонажларнинг қулгили бошлари болаларча схематик чизиклар билан ўралган. Бу усул жуда эътиборга лойиқ эди. Чунки Хива қўлёзмаларида, бошқа жойларда яратилган қўлёзмалардан фарқли равишда, ҳозирча тўлақонли чизилган расмлар топилмаган.

Бухоро қўлёзмаларидан фарқли ўлароқ, Хива қўлёзмаларида кўрсаткичлар аппаратига кам эътибор берилган. Уларда мундарижа ҳам, саҳифа орасига белги сифатида солинувчи ипак пўпакчалар ҳам учрамайди.

Умуман, XIX аср охири – XX аср бошларида Хоразм сарой кутубхоналарида эришилган китоб безаш даражаси ўзининг мукамаллиги, амалийлиги билан Марказий Осиёда қўлёзмаларни безаш санъатини ривожлантириб, юқори поғонага кўтарган.

#### IV б о б

### ХОРАЗМ МУСИҚА, РАҚС ВА ҚЎШИҚЧИЛИК САНЪАТИ<sup>1</sup>

Хоразм қадимдан наинки худудий ва сиёсий, балки илмий, маданий, том маънодаги маънавий марказ бўлиб

---

<sup>1</sup> Ушбу бобда санъатшунос, тарихчи элшунос олимлар Тўхтасин Ғофурбеков, Мухсин Қодиров, Гавҳар Матёқубова, Тўра Қиличев ва Ҳожиакбар Ҳамидов асарлари материалларидан фойдаланилди.

келган. Шу боис, кўхна шаҳар ва унинг чор атрофидаги мавзелар азалдан туб маҳаллий мусиқа диалектларига бой шакл ва жанрлар, ижод ва ижро услублари билан бойиб борган. Ҳозирги кунгача сақланиб турган ўзбек халқи мусиқа меросидаги Бухоро, Самарқанд, Фарғона, Тошкент каби локал мусикий-луғавий ареаллардан фарқли ўларок, «Хоразм мусиқа анъаналари», «хоразмча мусикий шевалар» дейилганда, авваламбор, Хивада шаклланган оҳанг, усуллар доираси назарда тутилади.

«Авесто»да таъкидланганидек, «дарёларнинг кемабоп кенг оқимлари йўналишида» жойлашган бу қадимги воҳа маданияти ҳақидаги илк қиёсий маълумотларни юнон олимларидан Геродот («Тарих»), Страбон («География»), Арриан ва Квинт Курций Руф (Македониялик Александр юришларига оид) асарларида учратиш мумкин. Лекин дастлабки ишонарли далиллар айнан шунда ўсиб, вояга етган Мусо ал-Хоразмий (783–850)нинг «Тарих китоби» ва «Мусиқа рисоласи», Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар»и ва, айниқса, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Хоразмий (вафоти – 997 й.)нинг «Мафотих ал-улум» («Илмлар калити») номли, бутун Ўрта ва Яқин Шарқда тан олинган комусий асарида мавжуд эканлиги маълум. Жумладан, сўнгги манбаларда – ўзга илмлар қатори, мусиқа санъатининг умумбашарий, назарий ва эстетик масалалари, айрим жанр ва шакллари таърифи ҳамда таҳлили берилган. Беихтиёр киши эътиборини Абу Абдуллоҳ Хоразмийнинг қуйидаги, машҳур хонанда, созанда ва бастакор Борбад Марвий (баъзан Марвазий)га бағишланган сатрлари ўзига жалб этади: «Достон, шунингдек, Борбад ижод этган аксарият куйлар номидир». Сомонийлар давлати емирилиб, Хоразм дам салжукийлар, дам қорахонийлар ўртасида қўлдан-қўлга ўтиб туриши, яқинлашаётган мўғуллар истилоси маҳаллий илм, адабиёт ва санъат аҳлини ўзаро бирдамликка, она заминда юзага келган қадриятлар муҳофазасига даъват ғояларини устувор қўйишга ундади. Натижада, бу соҳалардаги тадқиқ, таҳлил ва бадиий услублар уйғунлашди, мавзу ва мазмун жиҳатдан бир-бирига таъсир кўрсатди.

Ўз давридаёқ «Устоз ул-араб вал-ажам» («Араблар ва ғайри араблар устози») ёинки «Фахру Хваразм» («Хоразм

Фаҳри») каби номларга сазовор бўлган Абул Қосим Маҳмуд ибн Умар аз-Замахшарий (1075–1144) ўзининг шеърят, хусусан, қофияли наср – сажга бағишланган рисоласини «Мақомот» («Мақомлар») деб атаган.

Туркий ва форсий тилларда кенг тарқалган «назмий мусикий» нома жанри асосчиси, нозиктаъб шоир Хоразмий (XIII аср охири – XIV аср бошлари) қаламига мансуб «Муҳаббатнома»да сўз ва куй санъатининг ўзига хос тадрижий баёни намуналарини илк бор учратиш мумкин:

«Хусайний» пардаси узра тузуб соз,  
Муғанний бу ғазални қилди оғоз.

ёки:

«Ирок»ий мутрибе хоҳам хуш илҳон,  
Кихондин ғазалродар «Сифоҳон».

Кўриниб турибдики, асар муқаддимасидан ва 11-номадан келтирилган ҳар иккала иқтибосда ҳам, Хоразм мисраларини бевосита поэтик маънода, шу билан бирга мусикий контекстда англаш ўринлидир. Сабаби, муаллиф ўзи яшаган даврдаги, яъни айнан XIII–XIV асрларда одат тусига кирган «Дувоздахмақом» («Шашмақом» ва Хоразм, аниқроғи, Хива мақом туркумлари ўтмишдоши) дан боҳабар эканлиги яққол сезилиб турибди. Агар ана шу давр мусиқа рисоалари (Маҳмуд аш-Шерозий, Муҳаммад ал-Омулий, Абдулқодир Мароғийларники)га назар ташласак, мазкур «Дувоздахмақом» туркумида V мақом сифатида айнан «Ирок» ва «Хусайний», кейинроқ эса «Исфаҳон» мақомлари ўзаро алмашувини кўрамыз.

Умуман, «Муҳаббатнома» муаллифининг атиги икки байтда – жами 3 мақом («Хусайний», «Ирок» ва «Исфаҳон»), мусиқа чолғу асбобини муайян парда (ўша «Хусайний»)га созланиши, биринчи байтни шу аснода куйлаётган ҳофиз (муғанний) овози, яъни бошлаётганлигини ва, ниҳоят, ўзга («Ирок») пардадаги ёқимли чолғу асар эҳтиёжи туғилганлигини қатъа маҳорат билан тасвирлаётганлигини эътироф этмай бўлмайди.

Тахминан бир аср кейин яшаб, ижод қилган яна бир маҳаллий шоир – Ҳайдар Хоразмий (XIV аср иккинчи ярми –

XV асрнинг биринчи ярми) дан мерос қолган «Гулшан ул-асрор» номли асар ҳам нома жанридаги ажойиб намуналардан биридир. Аввалги манбадан фарқли ўлароқ, бу битикларда туркий шеърят, туркона ун (мусиқа товуш қатори), турк кўшиғи ва кўбузи устувор ўрин эгаллаган:

Турк зухуридур очунда бу кун,  
Бошла улук йир била туркона ун!  
«Рост» қил оҳанги «Наво» у «Ҳижоз»,  
Туз ётуғон бирла шудур ғуни соз.  
Турк сурудини тузук бирла туз,  
Яхши аёлғу била кўкла кўбуз.

Келтирилган учала байтнинг ҳар бирида ва жамулжам олти мисрада Ҳайдар Хоразмий наинки «Дувоздахмаком» тизими, балки ўз даври мусиқа амалиётидаги махсус атамалар (ун, оҳанг, соз), соф назарий иборалар (тузук), муайян жанрлар (йир, суруд), чолғу асбоблари (ётуғон, кўбуз), ижод йўли (наво, Ҳижоз пардаларида, ётуғонга мўлжаллаб ёки муайян тузук асосидаги асар, ниҳоят, ижро услублари (шудурғуни – бошланғич жумла, аёлғу – чўзиб, оҳангдор қилиб, кўкла – куйчан этиб) каби мураккаб касбий муаммолардан хабардор, буларнинг асл маъносини англаган кўринади.

Буюк Алишер Навоийнинг умрбоки дostonларидан бири – санъат оламига энг яқини – «Сабъан сайёр»даги еттинчи ҳикояда «Оқ қаср»га келтирилган хоразмлик мусофир со-занда, бастакор ва мусиқашунос олимнинг, ўз касби кори ҳақидаги батафсил таърифи тингланади:

Менки тушмуш буён гузор манга,  
Мулки Хоразм эрур диёр манга.  
Санъатим анда соз чолмоқ иши,  
Билмайин мен киби ишимни киши.  
Илми адвору фанни мусиқий,  
Мендин ул илм аҳли таҳқиқи.  
Элга таълим этмоқ вирдим,  
Кимки устоди қавм шогирдим.

Кейинги баёнлардан шу нарса аён бўладики, бу санъаткор – Тангрига муножотлар келтириб, ҳар куни тонгдан

оқшомгача чолғу асар (лаҳн)лар ва қўшиқ (суруд)лар яратиш билан банд эканлиги туфайли ул шаҳр нағмасози, базмлар дostonнавози сифатида ном чиқарган экан.

Афсуски, бевосита Хива шаҳри мусиқа ҳаётига оид шу давр, яъни XV асрнинг иккинчи ярми – XVI аср бошларида ёзилган маҳаллий манбалар бизга ҳозирги кунда маълум эмас. Шундай бўлса-да, ўзга ҳудудларда юзага келган баъзи нуфузли рисоалар, хусусан, бухоролик машҳур ҳофиз, созанда, бастакор ва олим Дарвиш Али Чангий (XVI аср иккинчи ярми – XVII аср биринчи чораги)нинг «Тухфат ус-сурур» номли мусиқа рисоласида бир нечта хоразмлик санъаткорлар ҳақида қимматли маълумотлар олишга муяссар бўлдик. Улардан бири Мавлоно Девона Ҳисобий бўлиб, у: «...доим кўнглининг нозик бурчакларини поклаш ва ички нигоҳини ёруғлаш билан банд экан... Вагани Хевак (яъни Хива – *T.F.*)... Мусиқа илмида ҳам ниҳоятда маҳорат кўрсатган, зеро, мусиқа рисоласини яратган».

Ўз рисоласининг кейинги саҳифаларида муаллиф «Хоразмнинг буюк устози» Муллаи Қалон ва, айниқса, Махдумзодаи Хоразмий ҳақида атрофлича маълумотлар келтиради. Унинг ёзишича: «Мурувватли Саид Ҳусайннинг ўғли бўлатуриб, Махдумзода мусиқа илмида мислсиз заковат кўрсатган... сон-саноксиз савтлару нақшлар яратган. Кенг тарқалган «Нақши Дугоҳ»ини «Ушшоқ» оҳанги ва «Равон» усулида ижод қилган... Махдумзоданинг нақшлари Бухорои шарифда ҳам маълумдир».

Дарвиш Алининг бу ердаги хулосаларидан яна бир қизиқарли далил келиб чиқади: «Мавлононинг мўъжизакор нигоҳи остида, итоаткор камина қискагина давр мобайнида ҳар бири турли мақом (парда)ларда юзага келган 17 та пешрав яратдим. Биринчиси – «Дугоҳ»да, кейингиси «Пешрави Сақил» бўлиб, «Ҳусайний»да...» ва ҳ.к. Демак, ушбу рисола муқаддимасидаги муаллиф ўзи бирма-бир санаб ўтган, жами 2,5 асрча даврни қамраган, унинг бевосита ва билвосита устозлари қаторига замондоши Махдумзодаи Хоразмийни ҳам қўшиб қўйишимиз ўринлидир.

XVI аср бошларида Хива хонлиги юзага келиши, воҳа ўзга маданият ўчоқларидан бирмунча йироқ бўлганлиги туфайли,



шаҳар ва унинг ён-атрофларида мусиқа ижодчилиги ҳамда бу жараён билан услубан боғлиқ ижрочилик санъати борган сари локал (туб маҳаллий) анъаналар эвазига бойиб, айнан шу ерлардагина одат тусини олган маросим, меҳнат кўшиклари, чолғу куйлар, дostonлар талқини, халфа (хотин-қиз хонанда ва созанда)лар репертуари шакллана борди. Хусусан, халфачилик ҳам мусиқа, ҳам шеърият бобида якка муаллифлик юзага келишига сабаб бўлди ва XIX аср ўргаларидан Хоним сувчи (1858–1926), Шукур Оллокул қизи (1857–1932) ва Ожиза (Онабиби Отажонова, 1898–1952) каби ёрқин намояндалари кенг доираларда танилди.

Ўзбек халқи мусиқа меросининг классик қатламларига мансуб туркумли суворалар ҳамда буларни ўз таркибида жипслаштирган Хоразм мақомлари асосан Хивада бири-бирига пайваста ривож топди. Маҳаллий сувораларнинг аксарияти ашула (хоразмчасига – «айтим») йўллари бўлиб, улар муайян тартибда навбатма-навбат ижро этиладиган туркумларни ташкил этадиган, одатда I–III, I–V, баъзан I–XII қисмли асарлардир. Табиийки, суворалар ижрочидан катта маҳорат, кенг ва баланд диапазонли овоз заруратини тақозо этган ва шу боис, айнан шу асарлар талқини халқ орасида «дийралашма», «дийдалашма» деб юритилиб, бунда хонандаларнинг ўзаро мусобақалари анъанаси шаклланган.

Суворалар Хоразм мақомлари таркибига турли даврларда турлича миқдорда сингдирилган. Мазкур мақомлар аслида Хива мақомлари дейилиши мумкин. Зеро, бу маҳобатли туркум кўп асрлик шаклланиш босқичларидан ўтиб, бир томондан, Бухоро «Шашмақом»ининг умумий тузилиши, макро ва микротуркум мувозанати, усуллар тизимидан омил олган бўлса, иккинчи тарафдан, туб маҳаллий мусиқа анъаналари, хусусан мусиқий-луғавий диалектлар, маҳаллий оҳанг жумлаларини ўзида мужассам этган.

Кенг халқ орасида мусиқа санъати тарғиб этилиши жараёнига атоқли шоиру зиёлилардан Мунис Хоразмий (1778–1829) ва унинг жияни Муҳаммад Ризо Огаҳий (1809–1874) катта ҳисса кўшишди. Бевосита Хива мақомчилиги мактаби юзага келишида, «Шашмақом» андозалари маҳаллийлашишида мақомчи – устоз Ниёзжонхўжа (XVIII асрнинг иккинчи яр-

ми – XIX аср бошлари) ва унинг шогирдларидан Пахлавон Муҳаммаднӣёз Мирзабоши (шеърӣй тахаллуси Комил, 1825–1899) ҳал этувчи амалий ишларни бажаришди. Ниёзжонхўжа Бухорога бориб, шашмақомчиларнинг ўзларидан мақом йўлларини тинглаб, ўрганиб қайтган бўлса, шогирди Санкт-Петербургда европача нота ёзуви билан танишганидан сўнг, Хивада жорий этилган мақомларни ўзи ихтиро қилган «танбур чизиги» ёрдамида ёзиб олишга киришади. Устоз «Бузрук» мақомидаги «Сақили Ниёзжонхўжа» куйини ижод этган бўлса, Пахлавон Муҳаммаднӣёз «Рост» мақомидаги «Мураббаи Комил»ни яратди.

Шоир Комил ижоди ҳам мусиқа билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, баъзан мақом йўллари, мусиқа асбоблари бош мавзу ўрнида келади:

Гар олса илгига ул моҳ танбур,  
Чекар ўтлуғ кўнгулдек оҳ танбур.  
Қилур мутриб вашиминг фурқатида,  
Дамодам нолаи жонкоҳ танбур.  
Ғамингда нола айларда туну кун,  
Менгадур ҳамдаму ҳамроҳ танбур.  
Бўлурман рам сақилидин сабукбор,  
Аён қилса гар ишқуллоҳ танбур,  
Жаҳонда сознинг анвои кўпдур,  
Вале истар гадоу шоҳ танбур.  
Бўлур «Ушшоқ» эй мутриб асиринг,  
Олиб соз айласанг «Дугоҳ» танбур.  
Қилур сайри мақомот ул жиҳатдин,  
Эрур Комилга хотирхоҳ танбур.

Диққатга сазовор томони шундаки, мақомларни тўплаш, бир тизимга келтириш, имкон доирасида ёзувларга тушириб қолдириш ва, ҳаттоки, мазкур ишлар ўзга ўлкаларда қай даражада эканлигини бевосита ўрганишга ҳомийликни Хива хони Муҳаммад Раҳимхон Соний (1844–1910) ўз кафилигига олади. Ибратли томони шундаки, Феруз тахаллуси билан юзлаб ғазаллар ёзган Муҳаммад Раҳимхон Хоразм мақомлари мажмуига жами 10 дан зиёд чолғу ва қатор айтим (ашула) йўлларини ўзи ижод этган. Булар: «Феруз» (Огаҳий ғазали), «Феруз-II» (Комил ғазали), «Муҳаммаси Жадиди

Феруз I–II», «Сақили Ферузшоҳий I–II», «Се усули Ферузи Ирок» ва бошқалар. Ниҳоят, яна бир ибрат. Ҳижрий 1299 йил жумодилаввал (милодий 1882 йил)да Муҳаммад Раҳимхон Соний тарихий бир хужжат эълон қилади:

### ФАРМОНИ ОЛИЙ

*«Бизким Хоразм мамлакатининг Олий хоқони Муҳаммад Раҳимхон Соний қуйидаги Фармони Олийга имзо чекдик. Хоразм мақомлари халқнинг дахлсиз мулки деб эълон қилинсин. Ушбу Фармони Олийга шак келтирган ва мақомларни камситган, ёйинки у(лар)ни бузуб ижро этган кимсалар қаттиқ жазолансин!».*

Табийки, Хива ва унинг атрофидаги ҳудудларда наинки мақомлар, балки улар билан бир қаторда дostonчилик, суворачилик, хотин-қизлар доирасида халфачилик ривож топиб, саройдаги ва шаҳардаги расмий тадбирлар, кенг халқ орасидаги маросимлар ана шулар иштирокида ўтадиган бўлди.

Айнан 1880 йиллардан, Феруз талабига биноан, Комил Хоразмий ва унинг ўғли Муҳаммадрасул Мирзабоши (назмий тахаллуси Мирзо) Хоразм мақомларини тўла-тўқис «танбур чизиги»га кўчиришга киришадилар. Кейинчалик мазкур ёзувларнинг бир нечта нусхалари ўзаро таққосланиб, европача нота тизимига ҳам кўчирилади.

Бухоро шашмақомидан фарқли ўлароқ, Хоразм мақомлари давр ўтган сари сезиларли ўзгаришларни ўзида мужассам этган, яъни ижрочилар силсиласида узилишлар пайдо бўлиши ёки Муҳаммад Раҳимхон Соний ўрнига тахтга ўтирган Асфандиёр (1910–1918)нинг санъатга бефарқлиги оқибатидаги сабаблар бунга салбий таъсир кўрсатган. Натижада маҳаллий мақомларнинг умумий сони, кетма-кетлик тартиби, ҳар бир мақом таркиби турли замонларда турли нуқтан назардан таърифланди. Масалан, 1925 йили нашр этилган Мулла Бекжон ўғли ва Муҳаммад Юсуф Девонзода (назмий тахаллуси Чокар)ларнинг «Хоразм мусиқий тарихчаси»да мақомлар қуйидагича навбатма-навбат кўрсатилган (қавсда чолғу ва ашула йўллари сони берилган): 1) «Мақоми Рост» (11 ва 8); 2) «Мақоми Наво» (9 ва 13); 3) «Мақоми Сегоҳ» (8 ва 13); 4)

«Мақоми Дугоҳ» (16 ва 15); 5) «Мақоми Бузрук» (10 ва 14); 6) «Мақоми Ирок» (11 ва 1).

Орадан чорак аср ўтар-ўтмас Хоразм мусиқа фольклори ва мақомларини тўплаш, нотага олишга киришган композитор Матниёз Юсупов «Ўзбек халқ мусиқаси» сериясининг VI томида 1958 йили нашр эттирган «Хоразм мақомлари»да мақомлар навбати тубандагича берилган: 1) «Мақоми Рост» (8 ва 8); 2) «Мақоми Бузрук» (7 ва 8); 3) «Мақоми Наво» (11 ва 8); 4) «Мақоми Дугоҳ» (8 ва 7); 5) «Мақоми Сегоҳ» (10 ва 6); 6) «Мақоми Ирок» (фақат 7 та чолғу қисм). Ниҳоят, 1981–1987 йиллари яна М. Юсупов томонидан чоп этилган Хоразм мақомларининг 3 томлик янги нашрида чолғу йўллари – 115 тагача, ашула йўллари – 176 тагача етказилган.

XX асрда маҳаллий мақомлар билимдонлари сифатида Матпано Худойберганов (1886–1965), ота-бола Матёкуб (1867–1939) ва Матюсуф (1889–1952) Харратовлар, дostonчилар Аҳмад Бахши (1891–1937), Қурбон Бахши (1871–1944) ва Бола Бахши (1899–1993)лар танилишди. Ўзга жанрлар ижросида Сафо Муғанний (1882–1938), Курджи Авазматов, Мадраҳим Ёкубов (Шерозий), Ҳожихон Болтаевлар ном чиқарган.

Хоразм мусиқа санъатига Комилжон Отаниёзов (1917–1975) жуда катта ҳисса қўшган. Хонанда сифатида унинг ижрочилик мактабига Отажон Худойшукуров, Бобомурод Ҳамдамов, Оргик Отажоновлар мансубдир. Бастакор тарзида К. Отаниёзов композитор А. Степанов билан ҳамкорликда «Азиз ва Санам», М. Юсупов билан «Ошиқ Ғариб», С. Ҳайитбоев билан «Сўнгги хон» мусиқаларини яратиб, воҳада бу ижод анъаналарни ривожлантирганлар.

Хоразм санъат аҳлидан чангчи Фозил Харратов, композиторлардан Шариф Рамазонов, Абдушариф Отажонов, Султон Ҳайитбоев, Рустам Абдуллаев, Улуғбек Мусаев, мусиқашунос Отаназар Матёкубов XX асрнинг иккинчи ярмидаги ўзбек мусиқа маданиятига катта ҳисса қўшганлар.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, дарҳақиқат, ҳозирги ўтиш даврида маданият ва умуман, маънавият ижтимоий тараққиётнинг ҳал қилувчи омилига айланиб бормокда, зеро, маънавият ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, унинг мавжудлиги

асрлар давомида халқ ва миллатнинг буюк сиймолари, мутафаккирлари томонидан бажарилган жуда катта ижтимоий маънавий фаолият натижасидир.

Ўзбекистон маънавий маданияти тарихини миллий, анъанавий қўшиқчилик санъати мисолида ўрганиш муҳимдир, зеро, ҳар қандай маданиятни мусиқасиз, ижрочилик маданиятисиз тасаввур этиб бўлмайди, шу нуқтаи назардан ҳам ўзбек қўшиқчилик санъати тарихини ўрганиш илмий жиҳатдан долзарб масала сифатида кун тартибидеда кўндаланг бўлиб турибди.

Мураккаб бозор шароити қийинчиликларига қарамай, Ўзбекистон ҳукуматининг маънавий ҳаётни такомиллаштириш, қўшиқчиликда эса анъанавийликка қайтиш йўли мазкур соҳада таракқиётнинг юзага келишига сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 20 октябрда қабул қилган «Ўзбекистонда театр ва мусиқа санъатини янада ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш ва рағбалантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони миллий анъанавий қўшиқчилик санъатини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Республикаимиз Президентининг ушбу фармони ҳар йили мустақиллик байрамига бағишлаб «Ўзбекистон Ватаним маним» номи билан мамлакатимизда ўтказилаётган кўриктанлов тадбирларида ҳам ўз аксини топмоқда. Бу кўриктанлов шарофати билан республикаимизда янги-янги санъат асарлари ва элимизга манзур бўлаётган хушовозлар вужудга келмоқда ва энг муҳими, мустақилигимиз даврида ўз ватанимизни янгича мадҳ этаётган санъат асарлари пайдо бўлмоқда.

Қадимги қўшиқчилик санъати жанрлари ва шакллари ранг-баранг бўлиб, улар ижтимоий турмуш, халқ анъаналари ҳамда маросимлар билан бевосита боғлиқ бўлган Ўрта Осиё халқлари қўшиқчилик маданияти, асосан, мадҳиялар, аллалар, йиғин, ҳарбий чақириқлар, тантаналар, байрамлардаги қўшиқлар тарзида намоён бўлмоқда.

Илгари қайд қилинганидек, Ўрта Осиёда бронза даврининг охирлари ва илк темир давридаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ўзгаришлар муқаддас Авесто китобида ўз аксини топган. «Авесто»даги маълумотлар археологик

тадқиқотлар билан тўлдирилган ҳолда ўша давр ижтимоий-маданий ҳаёти ҳақида тўлиқ тасаввур бериши мумкин.

Ўзбек мумтоз адабиётида қайта-қайта таъкидлаганидек, Хоразм ва бошқа воҳалар мусиқаси ҳам бой ва ранг-баранглиги билан ажралиб туради.

Шу ўринда милоддан аввалги VI–V асрларда тараққий этган қадимги Хоразм давлати ҳақида XX асрда олиб борилган археологик изланишлар жуда бой ашёлар берганлигини таъкидлаш муҳимдир. Хусусан, Қўйқирилган қалъадан топилган ёдгорликлар бу ерда ҳунармандчилик маҳсулоти бўлган сопол идишлар кўп бўлганлигидан далолат беради. Москвадаги илмий лабораториядан жой олган қадимги Хоразм – Қўйқирилган қалъага мансуб сопол идиш синиғида ҳордиқ чиқараётган шох ва унинг орқа томонида бурчакли чанг сози ҳамда мусиқачининг мазкур соз торларидаги бармоғи яққол кўриниб турибди. Ёки Тупроққалъада топилган арфа чалувчи аёлнинг расми мисол бўлади.

Хоразм мақомчилари мақомнинг чолғу қисмидан иборат бўлими – «Панжгоҳ» ни яратдилар ва унинг таркибига 8 та чолғу куйларига мўлжалланган пьеса киритилди. Бухоро шашмақомидаги чолғу қисми «мушкулот», қўшиқ қисми «наsr» деб аталса, Хоразм мақомида улар «мансур» ва «манзум» деб аталади. Хоразм мақомларининг яна бир алоҳида жиҳати уларда «сувора» қисмининг мавжудлигидир. Сувора алоҳида ижро этиладиган йўл бўлиб, у Хоразм мақом йўлларини янада беади.

XIX асрнинг охири – XX аср бошларида мусиқанинг ҳамма жанрлари ва шакллари хонанда, созанда ва бахшилар авлодлари томонидан яратилдики, улар асосан хатосиз, оғиздан-оғизга ўтиб келган оғзаки анъанавий санъат турлари эди. Хива хони Муҳаммад Раҳимхон мусиқанинг мақом турини кейинги авлодларга етказиш мақсадида Комил Хоразмий каби забардаст санъаткорларни нога яратишга жалб қилган.

XIX аср охири – XX аср бошларида Хоразмда куйларни оддий бир қаторли гармон сози билан жўрликда куйлаш одат бўлган. Юқорида кўрсатилганидек, уларни кўпинча аёллар ижро этишган ва бу аёллар Хоразм халфалари деб аталган. Шунинг ҳам таъкидлаш лозимки, ўзбек миллий қўшиқчилиги

санъати XX аср бошида қадимгидек оғзаки анъанавий санъат тарикасида ривожланди. Кўшиқчилик энг қадимги даврларда халқ санъати шаклида пайдо бўлиб, кейинчалик илк давлат барпо этилиб, жамиятнинг табақаланиши натижасида унинг касбий (профессионал) шакли ажралиб чиқа бошлаган.

Кўшиқчиликнинг ривожланиши дастлаб бундан икки ярим минг йил аввал шакллана бошлаган дейиш мумкин.

Ўзбекистон маданиятини, хусусан, кўшиқчилик санъатини ўрганишда, унинг қадимий анъанавий жиҳатларини таҳлил этишда буюк Хоразмшоҳлар давлатининг маркази бўлган Тупроққалъа ёдгорликларига кўпроқ эътибор бериш мақсадга мувофиқдир.

Мазкур қалъадаги хоналар аксарият нақшинкор қилиб безатилган. Қазиб олинган бинолар орасида қалъанинг иккинчи қаватидаги бешинчи хонада созанда ва хонандалар расмлари ишланган, шулар қаторида учбурчак шаклидаги катта чанг чалаётган аёлнинг сарғиш тусда ишланган нафис расми бутунлигича сақланиб қолган. Муסיқачи аёл қўлига билагузук таққан, сочлари жингалак, ўзи чалган куй сеҳрига мафтунлик аломатлари сезиларли қиёфада тасвирланган. Шунингдек, Тупроққалъадан яримяланғоч ҳолда рақсга тушаётган аёллар сиймоси туширилган расмлар ҳам топилган.

Ушбу қалъадан топилган милодий III асрга оид масхарабоз ниқоби, қумсоат шаклидаги ноғора, дўмбирага ўхшаш икки торли чолғунинг нақш парчаси, рақсга тушиш зали ва бошқа нақшлар билан безатилган зал ва хоналар антик жамият давридаёқ Хоразмда ва умуман ота-боболаримиз яшаган ҳудудларда маданият анча тараққий этганлигидан далолат беради.

Хоразмда она уруғи анъаналари асосида ҳукмрон бўлган илоҳий образлилик сиймоси аёл (Анахита) маъбуда қиёфасига кўчган. Қадимги «Хоразмликларнинг мазкур байрам кечаси афсун ва дуо ўқишлари, оммавий рақсга тушишлари Хоразмда сахна санъати тараққиётида муҳим ўрин тутган. Масалан, воҳада Кўйқирилган қалъа ва унинг яқинида топилган, қўлида муסיқа сози тутган ҳайкаллар киши эътиборини ўзига жалб этади. Шундай ҳайкаллардан бирида аёл киши чангга ўхшаш муסיқа асбобини ўтирган ҳолда чалаётгани тасвирланган.

Яна бир ҳайкалда чўзиқ бошли мусиқачи мусиқа созини чалаётган тарзда кўрсатилган. Учинчи кўринишда узун бўйли аёл кенг кийимда қоматини тўғри тутиб мусиқа чалаётган ҳолда тасвирланган.

Зикр этилган бу топилмалар Ўзбекистонда, хусусан, Хоразмда мусиқа, кўшиқчилик, рақс ва театр санъати қадим замонлардан шаклланганлигидан далолат беради.

Ўзбекистон муस्ताқилликка эришгандан кейин маънавий маданиятнинг энг ёрқин ва гўзал соҳаси – санъатнинг жамиятдаги тутган ўрни янги, юксак поғонага кўтарилишига имкон яратилди. Айниқса, Юртбошимиз Ислом Каримов ғамхўрлиги туфайли ўлкамизда ўтказилаётган ҳар хил тадбирлар, айниқса, бадиий санъат соҳасидаги танлов ва фестиваллар истедодли, заҳматқаш халқимизнинг кўп қиррали анъанавий миллий санъатни қайта тиклаб, юксак поғоналарга кўтаришига шарт-шароит яратди.

Энг қудратли куч – маънавий маданиятнинг ижтимоий тараққиётда тутган ўрни баркамол авлодни тарбиялаш билан белгиланади. Шу сабабли маънавиятни янги юксак поғонага кўтариш Юртбошимиз томонидан алоҳида қайд қилинганлиги бежиз эмас.

Хоразмликларнинг ижтимоий турмушида, айниқса, тўй-томошалар ва байрамларда рақс санъати ниҳоятда муҳим роль ўйнаб келган. Маълумки, ҳозиргача ўзбеклар орасида хоразмликларни рақс санъатининг шайдоси дейишади. Ҳозиргача хоразмликлар орасида ё ашула айтишни билмайдигани ёки рақс тушмайдигани йўқ<sup>1</sup>.

Хоразмда пайдо бўлган илк рақслар диний маросимлар билан боғлиқ бўлган. Қадимий Хоразм ўйинлари тўғрисида «Авесто» китобида анча маълумот берилган. Жумладан, Ясна бўлими Хоразм оташпарастлик рақсларининг келиб чиқишини ўрганишда катта аҳамият касб этади. Хоразмда ўтказилган археологик қазишмалар даврида кўпгина сарой ва қасрларнинг деворлари чолғу асбоблари расмлари билан безатилганлиги маълум бўлди. Давра бўлиб рақсга тушаётган раққос ва раққосалар сурати, ҳайвон ниқобида ўйнаётган

<sup>1</sup> Ушбу матнда Гавҳар Матёкубованинг «Офатижон лазги» номли рисоласидан фойдаланилди.



ўйинчилар, бирон-бир маросимга бағишлаб, қўлида доира билан ўйнаётган кишилар тасвири Хоразмда рақс санъати қадим замонлардаёқ пайдо бўлганлигидан дарак беради.

Хоразм мақомлари, куй-қўшиқ ва рақслари ўзига хослиги билан ажралиб туради Қадимий Хоразмда узок ўтмишда пайдо бўлган тотемизм, анимизм, фетишизм каби диний ибтидоий шаклларда диний маросимлар муҳим ўрин эгаллайди. Бу маросимларда илохий кучлар сўзсиз рақс ҳаракатлари билан улуғланган. Кейинчалик бу ҳаракатлар илк рақсларнинг пайдо бўлишига олиб келган. Абу Райҳон Беруний «Қадимий халқлардан қолган ёдгорликлар» номли асарида қадимда «Оғом» ҳайит байрами бўлганини ёзади. Унинг асосий мазмуни покланиш – оловни шарафлашдан иборат бўлган.

Ёвузлик худоси Ахриман билан эзгулик худоси Ахурамазда ўртасидаги кураш бу рақснинг асосий мазмуни бўлган. Ўйин эзгуликнинг ёвузлик устидан ғалабаси билан ниҳояланган. Раққослар давра бўлиб тизилиб, инс-жинсларни «жахув-жахув» деб ҳайдаганлар. «Кишт-кишт-кишт» деб ёмонликни суриб, кува бошлашган. Ёмонлик яхшилиқдан ҳар зарб берганда «ох-ох, вох-вох», деб кичкира бошлаган. Ўйин охирида яхшилиқни ғалабага ундаб, бир давра иштирокчилари бир овоздан «овва-овва», «овва-овва», яъни «уравер-уравер» дея кичқиришган. Маълумки, Хоразм оташпарастлар мамлакати бўлган. Зардуштийлик – оташпарастлик дини Ўрта Осиё, Эрон, Озарбайжонга кенг тарқалган. Ҳар бир оила, уруғнинг ўз олови бўлган, у ҳеч қачон ўчмаган. Ўз оловини бошқаларга улашиш ман этилган. Оловни оёқ ости қилиш, унга ифлос нарсалар ташлаш гуноҳ ҳисобланган. Оловни ўртага қўйиб қасам ичилган. Бу удум қолдиқлари Хоразм турмушида ҳозирги кунда ҳам учрайди. Бирор одам айбсиз эканлигини исботламоқчи бўлса, «Мана шу пирли ўчоқ урсин» деб онт ичиш, бола илк бор бешикка солинганда олов ёқиб, инс-жинсларни ҳайдаш, касални даволаш учун олов билан алас-алас қилиш, келинни олов устидан ўтказиш, авлиёлар қабри устида чирок ёқиш одатлари ҳозир ҳам бор. Оташпарастлик маросим-байрами театрлаштирилган услубда, мусиқани рақс билан ҳамоҳанг қилган ҳолда олиб борилган.

Байрамлар оммавий бўлиб, ашула, рақс, пантомимик ўйинлар диний театрнинг муҳим таркибий қисми эди.

VIII асрнинг 60-йилида Хоразмнинг Хазария билан бирлашган кўшинлари Кавказни босиб олади. Шу туфайли кейинчалик эл-элатларнинг удум-маросимлари ҳам бир-бирига қўшилиб кетади. Хоразм қайроқ асбобини испанлар ҳам ижро этиши, сурнайнинг кавказликларда ҳам бўлиши, тоғлик халқларда лезгинка куйининг пайдо бўлиши ҳам шу тарихий жараён билан боғлиқдир. Ўрта Осиёда, умуман, Шарқда, «қайроқ», «буломон» ва «лазги» куй-рақслари фақат Хоразмга хосдир.

Ислом динининг кириб келиши билан ислом дини таъсири остида оташпарастларнинг маросим ўйинлари мазмунан ўзгариб, баъзилари исломлаштирилиб, ўз моҳиятини қисман саклаб қолган ҳолда ижро этила бошланган. Бу борада қаландарлар ва фолбинлар алоҳида роль ўйнаганлар. Кейинчалик ислом ақидалари тобора кенг ёйилиб, чуқурлаша борган сари бу ўйинларда оташпарастлик фақат шакл сифатида сакланган, холос. Жумладан, Х. Вамбери XIX асрда эркаклар давра айланиб, оғзига иссиқ темирни қистириб, кўлида олов билан рақс-тушгани ҳақида ёзган.

Тарихчи ва драматург Айёмий (Юнус Юсупов) домла XX асрнинг 20-йилларигача Хоразмда «Кокилли қаландарлар» деб аталувчи кичик уюшма бўлганини ва бу қаландарлар ўз маросимларида ўртага олов ёқиб, кўлига ўт солинган идиш ушлаган ҳолда жазавага тушиб, рақс ижро этганлари тўғрисида сўзлаган эди.

Фолбинлар эса бирор касални даволаш мақсадида ёки руҳий покланиш ниятида хотин-халажни даврага тўплашган. Ўт-олов ёки пилик ёқиб, давра олиб зикр тушишган.

Шундай қилиб, диний маросим томошалари, ўйин-рақс куйлари кишиларга таскин бериш воситаси бўлган. Улар салбий кечинмаларни йўқотиб, руҳан енгиллашган.

Оташпарастлик қолдиқлари оташпараст қалблардан халқнинг турли йўналишдаги санъатларига, халқ ашулаларига, куй, рақс, лапар, яллаларига кўчган. Ҳозирги Хоразм санъатида қўлланиладиган «жаққу», «овва, ҳей, овва», «киш-така-киштак», «оҳ, оҳай, оҳайё» сўзлари оташпарастликдан

мерос. Зеро, ўтли рақсни ўтли қалб эгалари ижро этиши мумкин, холос. Ажойиб раққоса Гавҳар Матёкубованинг таърифича, бугунги кунда Хоразмда «Лазги» рақсининг 9 тури мавжуд. Мана шу «лазги»лар ҳар хил шароитда пайдо бўлиб, асрлар оша бизнинг давримизгача етиб келган. Тотемизм – «Масхарабоз лазгиси», анимизм – «Қайроқ лазгиси», Зардуштийлик – «Олов лазгиси», афсоналардан келиб чиққан «Дутор» ва «Сурнай» лазгилари, «Хива лазгиси», «Хоразм лазгиси», шарт-шароит тақозосига кўра пайдо бўлган «Ўғлон бола» лазгиси, «Гармон лазгиси», элатларнинг аралашуvidан келиб чиққан Хоразм эронийлари «лазги»си фарқланади.

### «МАСХАРАБОЗ ЛАЗГИСИ»

Ибтидоий жамоа кишиларининг тирикчилик манбаларидан бири овчилик бўлган. Овнинг бароридан келиши учун одамлар ов олдидан турли диний иримлар қилишарди. Шу тариқа замонлар ўтиши билан овчилик ўйинлари пайдо бўла бошлаган. Бу ўйинда одамлар табиат ҳодисаларига, айрим ёввойи ҳайвонларга сиғинишар ва улар шарафига турли маросимлар ўтказишар, пантомимик таклидий рақслар ижро этишарди. Бу таклидий-пантомимик рақслар овдан қайтгандан сўнг ҳам ўйналган.

Овчилик рақслари авваллари шовқин-сурон билан олиб борилган бўлса, кейинчалик ўйинга турли мусиқий оҳанг ва товушлар жўр бўлган. Бу томошаларда жамоа аъзоларининг ҳаммаси қатнашган. Ибтидоий жамиятнинг ривожига туғилган тотемистик ва анимистик диний эътиқод маросимлари илк рақснинг туғилишида катта роль ўйнаган. Тотемизм одамларнинг ҳайвонлар билан қандайдир алоқалари борлигига ишонч асосида вужудга келган.

С.П. Толстов раҳбарлигида ўтказилган Хоразм экспедицияси тадқиқотлари натижасида қадимда масхарабозлар томонидан «Айиқ ўйини», «Дев ўйини», «Маймун ўйини», «От ўйини» ўйналиб келингани ва бу ўйинлар кўпинча ниқоб кийиб ўйналгани аниқланган. Ҳозирги даврда ҳам ижро этиб келинаётган «Пишиқ ўйини», «Чорлоқ ўйини», «Юмронқозиқ ўйини», «Эчки ўйини», «Қирговул ўйини»

жуда қадимий ўйинлар бўлиб, уларни масхарабозлар мусиқа ва ашула жўрлигида ўзлари тақлид қилаётган ҳайвонларнинг хусусиятларини катта маҳорат билан тасвирлаб бера оладилар. Хоразм масхарабозлик санъатидаги рақслар уч турга бўлинади.

1. Мураккаб йўсинда эпчиллик билан ўтириб, ўмбалок ошиб бажариладиган рақслар: «Коса ўйини», «Таёқ ўйини», «Пичоқ ўйини», «Тоғора ўйини», «Ликоп ўйини». Ҳайвонларга, уларга тақлид қилиниб, комик ҳаракатларда ижро этиладиган рақслар: «Қумпишиқ», «От ўйини», «Чағаллоқ», «Юпонуш», «Хўроз», «Қаптар», «Ғоз» ўйинлари. Маиший турмуш билан боғлиқ пантомимик рақслар: «Сипса ўйини», «Чўгарма ўйини», «Қиморбоз ўйини», «Нон ёпиш», «Хотин туғдириш» ўйинлари. Масхарабозлик ўйинлари «Лазги»га ҳам таъсир ўтказди. Натижада «Масхарабоз лазгиси» вужудга келди. «Масхарабоз лазгиси»нинг мазмуни асосан тақлидчилик бўлган. «Масхарабоз лазгиси» ёмон одамга, бирор қуш, ҳайвонга, уларнинг ташқи кўринишларига ва хусусиятига тақлидан ўйналади.

Хулоса қилиб айтганда, «Масхарабоз лазгиси» ибтидоий даврда пайдо бўлиб, асрлар давомида шаклланиб, ривожланган. Бу рақс хоразмликларнинг севиб ўйнайдиган ва томоша қиладигани ўйинларидан биридир. Шулардан яна бири «Қайроқ лазгиси»дир.

Мақом ва уфориларда ишлатилган қайроқ «Лазги»га ҳам ўзгача бир жозиба бахш этди, уни бойитди, жўшқин бир руҳ бағишлади.

Қадимда қўшиннинг жанговар руҳда бўлишини таъминлаш, уни жангга руҳан тайёрлаш, ғалабадан сўнг эса шодиёна ўтказишга деярли барча ҳукмдорлар катта эътибор берган, қўшиннинг юришга жўнаши ва қайтиб келиши муносабати билан ҳар доим тантанали маросимлар ўтказилган. Натижада уруш, ҳарбий ишга мос мусиқа асбоблари, махсус рақслар пайдо бўлган. «Сурнай лазгиси» ҳам ана шундай эҳтиёж туфайли туғилган рақсдир. Сурнай ва карнай инсон дунёга келганда ҳам, тўй-томошаларда ҳам чалинган. Жангга кетаётган аскарларнинг руҳини кўтариш учун ҳам карнай-сурнайда хилма-хил жанговар куйлар ижро этилган, раққослар ўйинга тушган.

Хоразмда «Сурнай лазгиси» айникса завқ-шавқ уйғотувчи куй саналган. Ҳатто Хоразмшоҳлар империяси даврига келиб, «Сурнай лазгиси» жанг олдидан ва ғалаба қозонгандан сўнг чалинадиган расмий бир куйга айланган. Давр ўтиши билан «Сурнай лазгиси» ҳарбий маросимлардагина эмас, маиший турмуш билан боғлиқ бошқа ҳолларда ҳам ижро этиладиган бўлди.

Юкорида кўрсатилганидек, Хоразмда хотин-қизлар базмида хизмат кўрсатувчи санъат намояндалари «халфа», эрларга хизмат қилувчи санъаткорлар «талқинчи», «қизикчи раққослар» деб юритилган. Халфалар илгари лапар ва яллаларни чолғу асбобида эмас, балки пиёлалар, бармоққа кийиладиган ангишвоналар, ликопчалар, қайроқ, билакка тақиладиган занг ритмларидан чиққан овозга жўр бўлиб куйлаганлар ва рақсга тушганлар. Халфалар уч тур санъатни билишлари, яъни созанда, хонанда, раққоса бўлишлари шарт бўлган. XVIII аср охири – XIX аср бошларида мусиқа асбобларидан гармон Хоразмда кенг тарқала бошлаган. Хоразм халфачилик санъатида иккита йўналиш кўзга ташланади:

Аждодлар руҳини ёд этиб ўтказиладиган маъракаларда марҳумни эслаб, китоблар ўқиб, ислом ақидаларини тарғиб қилувчи халфалар. Улар диний мавзудаги дostonларни, шеърларни куйга солиб айтишади.

2. Тўй-базмларда халқ ашула ва лапарларини, турли ғазалларни куйлаб, саз чалувчи ва рақсга тушувчи созанда халфалар.

Гармоннинг ўйноқи оҳанги, пиёланинг майин жаранги, ангишвоналар, зангларнинг оҳанги, раққосаларнинг нозик, шўх рақслари, қайроқ усулининг шиддати халфа раққосаларнинг ижодига оригиналлик бағишлаган. «Лазги» куйи гармон созида ўзгача мусикийлик касб этган. Халфалар гармонда «Лазги» куйини чалиб, рақсга туша бошлаганлар. Базмга, тўйга келган ва иштирок этган аёллар ҳам рақсдан четда қолмас эдилар. «Гармон лазгиси» ижро этилганда халфаларнинг «жаққу-жаққу», «киштака-киштак» деб олқишлаб туришлари рақснинг ҳам, куйнинг ҳам янгича ривожланишига сабаб бўлган. «Гармон лазгиси» хотин-қизлар энг севиб ижро этадиган рақсдир.

## «ХИВА ЛАЗГИСИ»

Хива ҳашаматли, нақшинкор саройлари, кўк билан ўпишган сержило миноралари, минг йиллик устунларга суянган масжидлари билангина эмас, бекиёс санъати, ўзига хос «Лазги»си билан ҳам машҳур.

«Хива лазгиси» раққосалари бошига дудорли, парли, попукли, безакли тахя (Хоразм дўпписи) кийиши, кўкрагига шавкала (тақинчоқ) осиши шарт. Бош кийимига турли кушларнинг патини осиб кишилиқ жамиятининг илк босқичларида пайдо бўлган тотемистик тасаввурлар билан боғлиқ мерос ҳисобланади. Қушлардан укки, ўрдак гажаги, дудори ва парлари ёмон кўзлардан асровчи восита саналган ва ёш болаларнинг бешиги, дўпписига, келинлар бош кийимининг чап, яъни юракка яқин тарафига осиб қўйилган. Шавкала, тақинчоқли тахя, пар, дудор, попук, баргаклар Хоразм аёллар либосининг ўзига хос белгиларидандир. Ҳозирги даврда улар раққосалар, айниқса, «Лазги» рақси ижрочиларининг безагидир.

Юксак маданиятли ўлканинг санъати ҳам буюк бўлади. Атроф муҳитдаги ранг-баранг гўзаллик, меъмору хунармандларнинг нозик санъати рақс ижодкорларини ҳам илҳомлантирган. Инсон ўз қўли билан яратган мўъжизалардан баҳра олиб, қалбида туғилган ҳаяжонини рақсга кўчирган. Масалан, минорага қиёсан бир жойда турганлигини таъкидлаш учун товоқ устида оёғини қимирлатмасдан, юз, кўз, қўл ҳаракатлари билан ўйналадиган энг мураккаб рақс услуби яратилди. «Лазги» куйи бу янги рақс услубини ҳам ўзида мужассамлантиради. Шундай қилиб, «Хива лазгиси» майдонга келди. «Хива (Минор) лазгиси» барча «лазги»лар ичида энг мураккабидир. Унга рақсга тушиш учун ўта истеъдодли бўлиш керак. Бу рақс товоқ ичида оёқяланг ўйналади.

VIII асрда араблар Хоразмни босиб олиши билан бошқа динлар, эътиқодлар тақиқлангани каби, аёлларнинг халқ ўртасида ўйнаши, куйлаши, рақс тушиши ҳам мутлақо ман қилинади. Таъкибу тазйиклар кўпчилик санъаткорларнинг, созанда, раққос ва раққосаларнинг Ҳиндистон, Хитой сингари араблар оёғи етмаган узоқ мамлакатларга бош олиб

кетишларига сабаб бўлди. Аксарият созанда ва раққосалар ўз юртларида қолиб, Хитой, Ҳинд санъати тараққиётида муҳим роль ўйнаганлар. Шу туфайли Ҳинд мусиқаси билан Хоразм мусиқаси ўртасида моҳиятан узвий боғлиқлик бор. Бизнинг кўпгина куй ва оҳангларимиз, мусикамизда пинҳон буюк дарду ўйноқчилик ҳинд мусикасига ҳам хос. Бу бежиз эмас. Хоразмнинг қадимий «Норим-норим» номли машҳур рақс куйи билан Ҳиндистоннинг қадимий «Батмисон» рақси куйида ҳамоҳанглик мавжуд. Хоразм рақсларида ҳам, ҳиндларда ҳам занг тақиб ўйналади. Ҳиндларда бир жойда, фақат ҳаракатлар билан ўйналадиган рақс – «Баҳорати натъям» мавжуд. Хоразмда ҳам бундай ўйин борлигини биламиз. Яллалари ҳам ўхшаш. Шунингдек, ҳинд рақс услуби ҳаракати билан чамбарчас ўхшаш 12 та Хоразм рақс ҳаракати аниқланган.

Хуллас, мамлакатдан чиқиб кетган санъаткорлар ўзга юртларга санъатимиз намуналарини олиб кирдилар. Мамлакат ичида гарчи тазйиқ ниҳоятда кучли бўлса-да, санъат ривожланиб бораверди. «Оққан дарё оқмасдан қолмас», – дейди халқимиз. Айниқса, мусиқа санъати эркин ривожланди. Аёллар қатнашмайдиган санъат турларига руҳсат берилиб, ривожлана борди. Натижада, аёллар рақсини ижро этувчи маҳсус ёш ўйинчи – эркаклар пайдо бўлди.

Уларни Хива хонлигида «ўғлон бола», Бухоро, Қўқон хонлигида «бачча» деб аташган. Чиройли ва талантли болалар хотин-қизлар рақсига маҳсус ўргатилган. Хоразмда ўғил болаларга 8–10 ёшидан бошлаб 4–5 йил мобайнида аёл рақс услубларини ўргатишган. Натижада улар маҳоратли ўйинчи бўлиб етишган.

«Ўғлон бола» лазгисида раққос даврага аёлча кийиниб, безаниб, пардоз-андоз қилиб чиқади. Қўкрагига Хоразм шавкаласини осади. Қўлларига занг тақади. Гўзал қиз қиёфасига қиради. Албатта, бошида рўмол бўлади. Рақс санъати, мусиқа, куй – илоҳийдан келган деган гап бор. Бу бежиз эмас. Улар руҳ билан жисмнинг, моддият билан маънавиятнинг уйғунлигини тақозо этади.

Қадимий санъат шу тарика кўз қорачиғидай асралиб, авлоддан-авлодга ўтиб келди. Хоразмнинг ўзига хос мақомлари, мумтоз, шўх, ўйноқи куйлари, уфори, нағмалари бой-

иб боргани сари рақслари ҳам такомиллашиб борди. Куй тинглаганда ёки рақс томоша қилганда инсон қалби завққа тўлиб-тошади, кўнгил ором олади, хаста дил осойишталик топади. Жумладан, рақс санъатининг ҳам бундай олийжаноб миссияси ўлкамизнинг мустақилликка эришгандан кейин яна ҳам янгича намоён бўла бошлади. Айниқса, истеъдодли хоразм ўзбек рақс санъати ривожланди ва ранг-баранг бўлиб равнақ топди.

## V б о б

### ХАЛҚ ТЕАТРИ: САЙИЛЛАР ВА БАЙРАМЛАР

Хоразмликларнинг аجدодлари ҳаётида байрамлар, маросимлар, томошалар муҳим ўрин эгаллаб келган. Улар инсонни умр бўйи қуршаган ва меҳнат, касб-хунар билан, зардуштийлик ва бошқа қадимий динлар билан боғлиқ бўлган.

Кўпгина театрлашган маросимлар, рақслар муқаддас оловга сажда қилиш билан боғлиқ ҳолда майдонга келган. Куёвнинг уйига олиб келинган келинни олов билан поклаш, оловдан сакраш, гулханни айланиш ва шу каби бошқа маросимлар томоша шаклида ўтказилган. Хоразмликларнинг аجدодлари томонидан гулхан атрофида ижро этиладиган театр томошалари ҳам яратилган. «Лазги» рақс туркумида ва бошқа халқ рақсларида инсоннинг қуёшга ва оловга сажда қилишини акс эттирувчи ҳаракатлар шу кунгача сақланиб келади. Бу бежиз эмас. Қадимги Хоразмда зардуштийлар ибодат қиладиган оташхоналар бўлиб, уларда айни чоғда созандалар, ашулачилар, рақс усталари, бахшилар ўз санъатларини намоёйиш этганлар. Академик С.П. Толстов бундай уйларни «жамоанинг маросимлари, рақслари, театр томошалари ва мавсумий байрамлари ўтадиган жой» сифатида таърифлайди. Қадим замонлардаги Хоразм шаҳарларидан топилган археологик ёдгорликлар: созандалар ва раққосаларнинг деворларга ишланган расмлари, масхарабозларнинг сополдан ишланган ниқоблари, рақс хонаси, чолғу асбобларининг тасвирлари, ҳар хил ўйинчиларни акс эттирувчи сопол тамғалар бу фикрни тасдиқлайди. Ниқоб кийиб рақсга тушувчилар хонасида



ўйин-кулги, шароб маъбудаси Минага бағишланган театр ва рақс томошалари уюштирилганки, буни деворларга ишланган оммавий томошалар тасвирларидан ҳам билса бўлади.

Хоразмда «Мина кечаси» номли байрам нишонланган. Абу Райҳон Беруний унинг келиб чиқишини шундай изоҳлайди: «(Хоразмликлардан) баъзи бирларининг айтишича, Мина уларнинг подшоҳлари ва улуғларидан (чиққан) аёл бўлиб, у (кечаси) маст ҳолда ипак кийимда қасрдан (ташқарига) чиққан. Бу баҳор фасли эди. Қаср ташқарисида йиқилиб қолган. Унинг уйқуси ғалаба қилиб, ухлаб қолганида ўша кечанинг совуғи уриб, ўлган. Одамлар баҳор фаслининг шундай кечасида инсонни совуқ ҳалок этганига ажабланиб, (ҳодиса)ни бевақт юз берувчи одатдан ташқари воқеа деб қабул қилганлар». Аста-секин ўша кун Аҳурамазда билан Аҳриманнинг омонсиз курашига боғланган ҳолда жинлар ва алвастиларга қарши кураш байрами сифатида нишонлана бошлаган.

Хоразмликларнинг аجدодлари олов билан бирга сув, тупроқ ва ўсимликларни ҳам тавоф этишган. Сув ва ҳосил маъбудаси Анахитанинг белгиларидан бири – уруғи сероб анор бўлганлиги ҳам бежиз эмас. Сув, тупроқ ва ўсимликка топиниш билан боғлиқ ҳолда майдонга келган маросим ва урф-одатлар ҳамон яшаб келади. Шулардан бири «Чаман» деган маросим: «Куёвнавкарлар жийда дарахтини аравага ортиб, барглари юлиб ташланган шохларига олма, ўрик, қанд-курслар осиб олишади. Келиннинг уйига келгач, том устидаги келинчак ва қизларга дарахтни бир оз эгишган, томдагилар қий-чувлашиб жийда безакларини узиб олишган». Хоразм ўлкасида, шу жумладан Хивада йилнинг турли фасллари билан боғлиқ мавсумий байрамлар, айниқса, янги йил байрами «Наврўз», ҳосил байрами «Меҳржон» (Меҳргон), қиш байрами – «Сада», гул байрами – «Қизилгул» кенг миқёсда нишонланган. Мазкур байрамларнинг оммавийлиги, томошавийлиги ва антиқалигини таъминловчи театрлашган маросимлар, намоёнлар ва томошаларнинг туркумлари мавжуд бўлган. Уларда қуёш маъбуди Митра, сув ва ҳосил маъбудаси Анахита тимсоллари яшашда давом этган. Машҳур «Лазги» рақс туркуми ўзининг келиб чиқишига кўра жангчи Митра

образига бориб тақалади, буни куёш зарралари, олов шуъла-ларини ифода этувчи, гулхан атрофида айланишларга тақлид сифатида пайдо бўлган эҳтиросли ракс ҳаракатларидан ҳам билса бўлади.

Хоразмда «Қизилгул» байрами уч кун давом этган. Биринчи кун қизлар тўпланишиб, бир-бирларини ва оналарини табриклашган, чанговуз чалишган, қўшиқ айтиб, ўйнашган. Йигитлар алоҳида тўпланиб, ўйин-кулги қилишган. Иккинчи кун бирон масжид, мадраса ёки қабристоннинг ёнида сайил уюштирилган. Полвонлар, бахшилар, дорбозлар ва масҳарабозларнинг мусобақаси ўтказилган. Г.П. Снесаревнинг кўрсатишича, Хивада «Қизил гул» байрамининг Боборисбобо қабристонига ўтган иккинчи кунда қизлар билан йигитлар муҳаббат рамзи сифатида бир-бирларига гул, олма ва бўялган тухум отишган; танлаган ва унаштирилган кишиларига совға (қизлар – каштали рўмолча, йигитлар – ҳолваю ширинликлар) юборишган. Учинчи кун боғда қизлар билан йигитлар бирга дилхушлик қилишган. Қизлар арғимчок учишган, йигитлар уларга гул ва олма отишган. Улар орасида шеърый «айтишув» бўлиб ўтган. Бир замонлар ўлиб-тирилувчи табиат ва «Авесто» образларига алоқадор гул байрами кейинчалик соф «дунёвий» байрамга айланиб, у билан боғлиқ барча қўшиқлар, лапарлар, айтишувлар, рақслар, театрлашган маросимлар, мусобақалар оддий томоша тусини олган.

Қадимий Хоразмда топилган археологик ёдгорликлар орасида сув ва ҳосил маъбудаси Анахитанинг гўзал қиз, баъзида яланғоч ўйнаётган раққоса тарзида гавдалантирилган ҳайкалчалари ва тасвирлари учрайди. Ислом дини тарқалгач, у аёлларни қўриқловчи авлиё Амбар онага айланган. Амбар онанинг Хўббим деган севимли ўғли бўлган экан. Хўббим Амударёга чўкиб, сув ости дунёсининг ҳукмронига айланган, сув тошқинини уюштирувчи Араллар билан кураш олиб борган. Халқ байрамлари ва томоша санъатлари тараққиётининг турли боскичларида мазкур образлар ва улар билан боғлиқ афсонавий, мифологик қиссалар халқ ҳаётида ҳар хил сахнавий шаклларда ва тимсолларда яшаб келган. Умумий жиҳати шуки, улар, хусусан, ўз зардуштийлик асосидан тобора узоқлашиб, оддий томошаларга айланиб

борган. Бизнинг кунларимизгача сакланиб келаётган, ўзида мусиқа, рақс, тақлид, диалог ва найрангбозликни мужассам этган «Машғала», «Зимлак», «Гул уфори», «Норим-норим», «Оразибор», «Мўри», «Ашшадароз», «Хўббимбой» каби бир қатор томошалар шулар жумласидандир. XIX аср охири ва XX аср бошларида мазкур томошалар асосан раққос ўғлонлар томонидан, кейинги даврларда раққосалар томонидан ижро этилган.

Мана шу ўйин ва томошаларни бир қаторга териб, ўйлаб кўрилса, оловга сиғиниш, Анахита – Амбар, Сиёвуш – Хўббим тимсоллари, саргузаштлари ва рамзлари билан боғлиқ манзара ҳосил бўлади. Чунончи, «Машғала» билан «Мўри» бир замонлар муқаддас оловга топиниш билан боғлиқ катта томошалар қолдиқларидир. Уларда қизлардай кийинган ўғлон саз ва кўшиқ жўрлигида қуёш зарралари ва олов шуғлаларига тақлид қилиб ўйнайди.

«Ашшадароз» келиб чиқишига кўра матриархат даврига бориб тақалади, сумалак билан боғланган; сўнгги тараққиётида Анахита – Амбар она тимсолларига кўшилиб кетган. «Хўббимбой» Амбар она, унинг эри Ҳаким ота ва ўғли Хўббим ҳақидаги афсоналарнинг саҳнавий талқинлари сира-сидандир. Томоша марказида – ошиқ Хўббим образи. Созанда куй чалади, ҳофиз кўшиқ куйлайди, ёш йигит Хўббим рақс воситалари билан кўшиқ мазмунини ифода қилади; кўшиқда гап Хўббимнинг қанотли отда учгани, севгилисини излагани ҳақида боради. Хўббимнинг рақс ҳаракатларини диққат билан кузатсангиз, унда чинданам учар от ҳаракатларинигина эмас, кабутар парвозини ҳам сезасиз; бу Амбар онанинг эри Ҳаким ота билан уришиб, Хўббимни қамаб кўйгани, Хўббим эса кийимларини ечиб, кабутарга айланиб туйнукдан ташқарига учиб чиқиб кетгани тўғрисидаги афсонанинг саҳнавий талқинидир.

Халқ байрамлари «Наврўз» ва «Меҳржон», шунингдек, ҳокимият томонидан уюштирилган байрамлар ва тантаналар юқорида тилга олинган барча томошалар туркумларини ўз тасарруфига олган. А.Копцева 1873 йилда Хивада кўрган театрлашган намоишни шундай таърифлайди: «Гавжум сайил бўлди. Иккита хитойча қайиқ ясатишди, қамишдан

соябон қилишди, атрофига қоғоз ёпиштирилди, қайик ичига фонуслар осишди. Бир соябоннинг тагига хитой аёли либосидаги эркак ўтирди. Ниҳоят қайиклар майдон бўйлаб «суза» кетди. Воқеа кечаси ўтаётган эди. Шу боис чиройли манзара ҳосил бўлди... Кейин рақслар бошланди, ҳамма ўйинга тушди. Шундан сўнг ҳамма аллақандай бурхон (парихон) қошига жўнади. Ким сакраган, ким кўшиқ айтган, ким афтини буриштирган, қайиклар эса гўё сузгандай. Бир чақирим юргач, бурхоннинг мўъжазгина манзили олдида тўхтаб, ҳар ким тошларга ўтириб, ўзича бир нималарни шивирлаб дуо ўқиди. Бир неча дақиқа сукут бўлди. Бирдан йўлбошчи ишораси билан ҳамма ўрнидан турди, яна ўйин кулги давом этди; девларнинг ниқобини кийиб олган бир неча киши пайдо бўлди. То ярим тунгача шовкин-сурон, ўйин-кулги ҳамма ёқни қоплади...».

Бунда биз учун муҳими шуки, бир пайтлар Анахита – Амбар она тимсоли билан боғлиқ бўлган карнавал – намоиш XIX аср охирида ҳам ҳамон халқ байрами таркибида сақланиб келаётган экан. Соябон тагидаги «хитой аёли» Анахита – Амбар онадир. Мазкур маъбуда ролида, одатга кўра, раққос – ўғлон ўйнаган. Бу қадимий анъана, негаки ҳам Шарк, ҳам Ғарб маъбудларини фақат эркаклар гавдалантиришга ҳақли бўлишган. Юқоридаги таърифдан маълумки, ижрочи хоразмликлар учун ғайритабиий либос кийган, бинобарин, ижрочиларда махсус Анахита – Амбар она кийими сақланиб келаркан. Айнан шу либоснинг ғайритабиийлиги А. Копцеванинг образни хитой аёли деб янглиш талқин этишига сабаб бўлган, ҳолбуки, қиёфанинг ҳам, воқеанинг ҳам Хитойга ёки Хитой асотирларига ҳеч қандай алоқаси йўқ. Бундан ташқари, намоишда Анахита – Амбар она бир ўзи бўлмаган, уни яна ўшандай ғайрирасмий либослар кийган бошқа аёллар (бу қиёфаларда ҳам ўғлонлар чиқишган) ҳамда ниқоблар кийган «девлар» кузатиб боришган. Мана шу «девларни», Л.Н. Никитин 1885 йилда Бухорода кўрган намоишда қатнашган «фил», «наҳанг», «аждаҳолар» билан бир қаторга қўйганда, бу – XIX аср охирига келиб оддий халқ томошасига айланган, лекин аслида Анахита – Амбар она саргузаштларини акс эттирувчи қадимий мистерияларнинг қолдиқлари эканини англаш мумкин. «Девлар», шунингдек, «аждаҳолар» бир за-

монлар Анахита – Амбар она қарши курашган Араллар ва бошқа ёвуз кучлар тимсолларидир.

Ўрта асрларда Хоразмда мумтоз мусиқа ва у билан чамбарчас боғланган малакали рақс кенг ривож топган; кулгили ва ахлоқий-романтик йўналишлардаги анъанавий театр, халқ цирки, майдон томошалари ва ўйинлари, карнавал намойишлар мамлакат ҳаётида муҳим ўрин тутган.

IX–XI асрларда Форобий, Ибн Сино, Хоразмий каби буюк олимлар томонидан мусиқа назариясининг чуқур тадқиқ этилиши мусиқа санъатининг тараққиёти учунгина эмас, балки барча ижрочилик санъатларининг, байрамлар ва томошаларнинг изчил ривожланиши учун ҳам туртки берди. Жумладан, Форобий ўз даврининг куйлари, хонандалари, чолғу асбоблари ҳақида ёзаркан: «Мусиқа ижрочилиги турлари қаторида уриб чалинувчи асбобларни (доира, тақсимчаларни), шунингдек, қарсақни, рақсни, жилваларни» (қош учуриш, кифт ўйнатиш, бош ҳаракатларини) тилга олади. Чанг, уд, танбур, рубоб, най, сурнай каби чолғуларнинг истеъмолда бўлиши, чолғу дасталарида уднинг етакчилик қилиши соф мусиқа ижрочилиги эмас, балки мусиқий-томошавий ижрочилик ҳам жиддий ва мазмунли бўлганидан далолат беради.

Томоша санъатлари ичида рақс кенг раванқ топади. Айниқса, ўрта асрларда катта туркумга айланган, яқка ижродан тортиб оммавий ижрогача бўлган турли-туман рақсларни, тана, кўл, оёқ, бош, бўйин, елканинг юзлаб ҳаракатларини, имо-ишора, нигоҳлар, жилвалар, айланишлар, чархлар, композицион қурилишларнинг бой кўринишларини ўз ичига олган «Лазги» туркуми тараққий этади. Мазмуни ва шакл-шамойилига кўра мазкур рақсларни маросимий, маиший, қаҳрамонона-жанговар, лирик-романтик, кулгили ва тақлидий гуруҳларга ажратиш мумкин.

Халқ қаҳрамонларининг кечмишларини сўз, мусиқа, ашула воситалари билан ўзига хос ҳикоя қилувчи, кучли актёрлик иқтидорига эга бўлган бахшиларнинг обрў-эътибори ҳам баланд бўлган. Хоразмда, шу жумладан Хивада қиссагўйлар кўп учраган. Уларнинг репертуарида «Минг бир кеча» эртаклари, «Калила ва Димна» қиссаси, бошқа кўплаб афсона ва ривоятлар катта ўрин эгаллаган. Гарчи

бундай ҳикоячиларнинг фаолиятига шубҳа билан қараган бўлса ҳам, Байҳақий маълумотлари илмий жиҳатдан муҳим. «Оддий халқ, – деб ёзади Байҳақий, – бирон-бир чаласавод тўқиб чиқарган девлар ва парилар, саҳро, тоғ ва денгиз алвастилари каби ҳар хил уйдирмаларни яхши кўради. Бир тўда одам тўпланади, қиссагўй ўзига ўхшаганлар орасида ҳикоя қилади; мен, десангиз, бир оролни кўрдим, дейди у, ўша оролнинг бир жойига 50 та киши чикди; қозон ўрнатиб, овқат пиширишга тушдилар; олов ёниб, иссиғи ерга етгач, ер ўрнидан кўзгалди – чунки у балиқ экан. Ёки фалон тоғда, десангиз, мен уни кўрдим, буни кўрдим, ёки жодугар кампир бир одамни эшакка айлантирибди ва бошқа бир жодугар кампир эшакни яна одам шаклига кириши учун унинг қулоқларини ёғлабди ва шунга ўхшаш нодонга кечаси ўқиб бериб, унга уйку келтирувчи олди-қочди гаплар». Шу тарзда Байҳақий, ўзи истамаган ҳолда, қиссагўйларнинг репертуари ва ижрочилик маҳоратининг баъзи хусусиятлари тўғрисида маълумот беради. Шунга таяниб айтиш мумкинки, ўрта асрларда икки тоифа қиссагўйлар бўлган экан: бирлари ўз атрофига одам тўплаб ҳикоя қилган, бошқалар ўз хожасига ётиш олдидан қисса ўқиб берган. Маърака тутиб кўпчилик олдида чиқувчи қиссагўйлар ҳар хил одамларнинг қиёфаларига кириб, турли оҳангларда ўзини воқеаларнинг иштирокчиси ва баъзан ҳатто қаҳрамони қилиб кўрсатиб ҳикоя қилишни хуш кўришган.

Умуман, Хоразм Абул Аббос Маъмун (1003–1017) ҳукмронлиги даврида ўз илмий академияси билангина эмас, нафис санъати, яъни ўзига хос мусиқаси, ноёб рақслари, антиқа байрамлари ва томошалари билан ҳам шуҳрат қозонади. Тарихий маълумотга кўра, бир кўнгилли ўтган базмдан сўнг, Хоразмшоҳ созанда ва бошқа ижрочиларни буюк саховат билан сийлайди – «ҳар бирига биттадан қимматбаҳо арғумоқ, бош-оёқ сарпо ва икки минг дирҳам солинган ҳамён тортиқ қилади».

Хоразм археологик экспедицияси «Г», «Т» ва «Л» шаклидаги баландлиги 6–8 (баъзан 25–30) метр ва кенлиги 3 метр келувчи ўзига хос биноларни топишган. Маҳаллий аҳоли уларни «қаптархона» деб атади. Баъзан улар икки қаватли

килиб қурилган. Кўпинча ўймакорлик ва қабарик ярим устунлар билан безатилган «Г» шаклидаги бинонинг баландлиги 4 метр бўлиб, сахнига пишиқ ғишт ётқизилган, деворлари ганч ҳамда ҳаворанг, қизил ва қора тусли гуллар, ўсимлик шаклидаги кашталар билан безатилган, 60 см юқори қисмида тоқчалар ясалган. Ичкарида эни ва бўйи ярим метр келадиган супача. С.П. Толстов мазкур биноларни, биринчидан, XII–XIII асрларга тегишли деб, иккинчидан, аввалида қурол-аслаҳа омбори сифатида, кейинчалик азиз меҳмонларни қабул қилиш ва тантаналар ўтказиш, байрам ва томошалар уюштиришга хизмат қилган махсус манзил деб таърифлайди. Бошқалар бундай биноларнинг мусиқа акустикасини ҳисобга олган ҳолда қурилганига эътибор беради. Этнограф Т. Қиличев қаптархоналар театр биноти вазифасини бажарган деб узи-кесил хулоса қилади. Айниқса, ҳар томонлама бой безатилган, ичкарисидо томошабинлар учун ўриндиқлар ва ижрочилар учун супа – сахнаси борлари ўз даврининг театрдан бошқа нарса эмас.

Дарҳақиқат, Хоразмшоҳ Алоуддин Отсиз (1127–1156), Аловуддин Такаш (1172–1200) ва Алоуддин Муҳаммад II (1200–1220) ҳукмронлиги давларида Хоразм буюк салтанатга айланади. Фан, маданият ва санъатнинг барча тур ва шаклларида ҳақиқий уйғониш юз беради. Айнан шу тарихий босқичларда раққос ва раққосалар, кулги усталари санъатини юқори бадиий даражага олиб чиққан махсус театр бинolari майдонга келган. Қаптархоналарда никобдорлар театри фаолият кўрсатган, «Ашшадароз», «Норим-норим», «Оразибон», «Кема ўйин», «Хўббим» каби рақс спектакллари, «Лазги» туркуми, «Чағаллоқ» муқаллиди каби томошалар намойиш қилинган деб ўйлаш мумкин.

Темурийлар тарихиси Ибн Арабшоҳ (1389–1450) Хоразм ва унинг пойтахти Гурганжнинг юксак маънавий маданияти ҳақида ёзади. У Гурганжни Самарқанд билан ёнма-ён қўяди. «Улар мушоира ва адабиётга иноят қўйганлар, – деб ёзади Ибн Арабшоҳ, хусусан, мусиқа ва нағмалар илмида ажиб ашёлар яратганлар. Бу борада уларда ҳар бир хосу авом (сарой аҳли ва оддий фуқаро ишгирик этиди. Хоразмликлар ҳақидаги (ажиб) нарсалардан шу (нарс) машҳурки, агар уларнинг бешикда

ётган (чақалок) боласи йиғласа ёки «ох» деса, бу товушдан «Дугоҳ» мақомининг куйи янграйди». Ибн Арабшоҳ Хоразм маданияти даражасини бўрттирган бўлиши мумкин. Аммо Ҳусайн Сўфий ҳукмронлиги даврида Хоразм санъати, шу жумладан мусиқаси, рақси, томошалари, мавсумий байрамлари, маросимлари яхши ривожланган мамлакат бўлганлиги шубҳасиздир.

Хоразм Амир Темурнинг марказлашган давлатига кўшиб олингач, олимлар, меъморлар, мусаввирлар билан бир қаторда кўпгина созанда, хонанда, рақс ва томоша усталари Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Ҳирот ва Балх шаҳарларига кўчирилган. Улар Мовароуннаҳр томоша санъатлари ривожига катта ҳисса қўшганлар. Дарвиш Али ўзининг «Рисолаи мусиқа»сида, масалан, атоқли созандалар Сайд Ҳусайн Хоразмий ва унинг ўғли Махдумзода Хоразмийни тилга олади. Айниқса, Махдумзода Хоразмий ажойиб бастакор сифатида «кўплаб савтлар, нақшлар ва бошқа асарлар» ижод қилиб, Бухоро ва Самарқандда катта шуҳрат қозонади.

Асфандиёрхон (1623–1643) ва Абулғозий Баҳодурхон (1643/44–1664) ҳукмронлиги даврида мамлакат пойтахтига айланган Хива Хоразм воҳасидаги бадиий маданиятда, байрамлар ва томошалар бобида эришилган энг яхши жиҳатларни ўзлаштиради ва ривожлантиради.

XVII–XVIII асрлардаги Хива санъати учун мусиқа, театр ва рақс томошалари ўртасида узвий бирлик, чатишма, энг сара намуналарида эса уйғунлик ҳосдир. Масхарабозлар, қиссагўйлар, маддохлар, раққос-ўғлонлар, дорбозлар, кўзбойлогичларгина эмас, созанда, хонанда, бахшилар ҳам ижрочилик санъатининг кўп соҳаларини яхши ўзлаштирган моҳир санъаткорлар бўлишган.

Шаҳарларда созанда, хонанда ва бошқа ижрочиларнинг касаба уюшмалари, шоҳлар ва амирларнинг саройларида меҳтар бошлик наққорахоналар вужудга келади. Бирлашмалар мусиқа ва томоша санъатларининг кейинги ривожига, ёш истеъдодлар тарбиясида муҳим аҳамият касб этади. Касаба уюшмалари, наққорахоналар ва уларнинг таркибига кирган турли тўдалар ҳамда дасталар катта байрамлар ва тантаналарда бирга бўлиб, ўзаро таъсирланишган.



Аммо уламо, айниқса, мутаассиблар таъсирининг кучайиши натижасида даврлар ўтиши билан байрамларда ҳам, томошаларда ҳам кўп нарсалар қўлдан кетди, унутилди. Хусусан, шўро даврида анъанавий ниқобдорлар театри ва бир замонлар зардуштийлик эътиқоди, маъбудлари тимсоллари билан боғлиқ сахнавий томошалар таназзулга юз тутди.

XIX асрда Хоразмнинг мусиқа, сахна ва ракс маданиятлари ўртасидаги ўзаро таъсир кучаяди. Шу билан бирга Хива ва хонликнинг бошқа йирик шаҳарларида мақомларга, бахшиларнинг чиқишларига, ашулачи ва ўйинчи аёллар — халфаларнинг ижодий фаолиятига эътибор ошади. Халқ ва давлат байрамларини ўтказиш изчил тус олади. Шоир ва муаррих Огаҳий ўзининг «Риёз уд-давла» асарининг бир бобини Оллоқулихон (1825–1842) томонидан уюштирилган Наврўз байрамига бағишлагани ҳам бежиз эмас. Муаллиф созанда, хонанда ва бозандаларнинг (Огаҳий ўз овози, тана ҳаракатлари билан сахнавий образлар яратувчиларни «бозанда» (яъни ўйинчи) деб атайти) чиқишларини, полвонлар ва чавандозларнинг беллашувларини шавқ-завқ билан байтларида таърифлайди. Унинг гувоҳлик беришича, байрамда қатнашган санъаткорлар бир талай бўлиб, хилма-хил ўйинлар ва томошаларда қатнашганлар. Хивадаги Наврўз байрамида Хоразм воҳасидан йиғилган санъаткорларгина эмас, Қўқон ва Қашқардан келган дорбозлар, ҳинд кўзбойлоғичи ҳам қатнашган.

1819–1820 йилларда Хивада бўлган капитан Н. Муравьев ўз эсдаликларида оддий хоразмликларнинг ҳар томонлама қобилиятли бўлганлиги тўғрисида ёзиб қолдирган. «Улар мехмонларни соз чалиш, қуйлаш, раксга тушиш, ҳар хил воқеалардан ҳикоя қилиш билан хушнуд этувчи уста кишилардир», деб таърифлайди (20). Абросимов деган савдогар Муҳаммад Аминхон (1845–1855)нинг боғларидан бирида бахшини тинлаган, кўғирчоқ театри томошаси ҳамда раққос-ўғлонларнинг санъатидан баҳраманд бўлган.

Қўлёмалар ва турли юртлардан келган элчилар, сайёҳларнинг хотираларидан маълум бўлишича, XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошида ҳам илгаригидай сарой маросимлари ва хонларнинг базмларида, аҳоли орасида

музыка, сахна ва майдон томошалари, байрамлар муҳим ўрин эгаллаб келган. Чунончи, А. Вамбери хонанда ва созандалар, ўзига ўзи жўр бўлувчи бахшилар ҳақида ёзади. Рус элчиси Е.Л. Килевейн рақс санъатининг ўзига хослигига қойил қолган. «Рақслар пантомималардан иборат бўлиб, уларда оёқлардан кўра қўллар ва бош кўпроқ ҳаракат қилади», – деб ёзади у. Л.Е. Дмитриев-Кавказский актёрлардан бирининг маҳоратига лол қолади. «Актёрларнинг турли халқлар феъл-атворларини тасвирлашдаги қобилиятларини дурустроқ синаш мақсадида мен ундан рус сарбозларининг куйлашини кўрсата олмайсизми деб сўрадим, – деб ёзади элчи. – Ва мен бу қадар аниқ кўрсатувдан лол қолдим. Бир-икки русча сўзни ишлатган ҳолда, у сарбозча кўшиқнинг барча сўзларини айтётгандай куйлар эди, сарбозча куйлаш ва кўшиқ оҳангини фавқулодда яхши ирод қилди. Шунингдек, у сўкишаётган рус сарбозларини ҳам яхши гавдалантирди. Бу фавқулодда истеъдодли актёрдир».

Музыка, томоша санъатлари, ўйинлар юқорида кўрсатилганидек, Муҳаммад, Раҳимхон II (Феруз) даврида ҳам улкан муваффақиятларга эришган. Зеро, хон ўзи истеъдодли шоир ва созанда бўлганлиги учун ҳам бутун хонликдан энг сара санъаткорларни ўз саройига тўплайди. Улар орасида Полвон-ниёз Муҳаммад, Комил Хоразмий, Сафо Муғанний, Чокар, Шариф Меҳтар, Қамбар бола, Толибхўжа, Худойберган Куста, Шомурод, Соиб Назарбой, Ҳожи Ниёз, Марасул Ниёз, Матёқуб Харрат, Отажон девон каби соз, сўз аҳли, кулги ижодкорлари бўлиб, улар девондаги маъмурий вазифаларини ижодий гуруҳлар фаолиятида, байрамларда қатнашиш билан омихта қилиб олиб борганлар, катта имтиёзларга эга бўлганлар. Комил Хоразмий «Хоразм ёзуви»ни ихтиро қилиб, бир неча мақомларни шу услубда ёзиб олган. Вақти-вақти билан хон Хивада санъаткорларнинг кўрикларини ўтказиб, ғолибларни қимматбаҳо буюмлар билан сийлаб турган. Шу даврда созанда, хонанда, бахши, раққос, масхарабоз, дорбоз, кўғирчоқбоз, найрангбоз, полвон, чавандозлар иштирокида катта умумхалқ байрамлари ўтказилган. Мана шундай байрамлардан бирининг марказини Анахита – Амбар она образи эгаллаган. Қадимий «Кема ўйин» (раққослар кема-

ларда ўтириб, Амударёда сузгандай бўлишган) томошаси ҳам кўрсатилган.

Хоразм масхарабозлари репертуарида «Тўкма» ва «Хатарли ўйин» номли икки туркум қатъий шаклланган. Тўкма – бу тор доирага мўлжалланган ва бир-икки масхарабоз томонидан ижро этиладиган муқаллид, кулгили ҳикоя ва митти ҳажвий сахналар туркуми. «Хатарли ўйин» эса масхарабозлар гуруҳи томонидан халқ байрамлари, давлат тантаналари муносабати билан катта майдонларда ижро этиладиган комедия томошаларидир. Хивада ҳам катта, ҳам кичик томошаларда масхарабозлардан Худойберган кўр, Буважон тўқ-тўқ, Ёпирди масхарабоз, Матчон кўр, Мастон бақай ва бошқалар танилган. Тасвирий воситалар (савол-жавоблар, кўшик, рақс, юз ва кўз ифодалари, тана ва қўл ҳаракатлари, тақлид, муаллақ, ўхшатиш)нинг хилма-хиллиги масхарабозларга жамиятнинг барча табақалари ва турли халқлар намояндалари образларини яратиш имконини берган.

XX аср аввалида Хива хонлигида маърифат орқали, жумладан, газета ва журналлар, почта ва телеграф, касалхона ва янги мактаблар, театр ва музейлар очиш орқали ижтимоий-сиёсий муаммоларни ечишни орзу қилган ёш хиваликлар ҳаракати бошланади. Ислохотларнинг бошида вазир Исломхўжа турган. Шу мақсадда Россия ва Европа маданиятини ўрганишга киришадилар.

1922 йилда Хивада Европа шаклидаги биринчи театр иш бошлайди. Дастлаб ижодий гуруҳ 12 кишидан иборат бўлган, кейин уларга халқ санъаткорлари Сафо Муғанний, Мадрахим Ёқубов (Шерозий), Қурбон Берегин, Соиб Назарий, Машарип Полвонов, Жуманиёз сурнайчи, Қурбон созчи, Ёқуб Девон, Карим Хўжаев, Абдулла Бобожонов келиб қўшилган. Театр ўз фаолиятини ҳашар йўли билан қурилган «Халқ уйи»да Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг «Ким тўғри?», «Тухматчилар жазоси» пьесаларини сахналаштириш билан бошлайди. Унга Машарип Полвонов раҳбарлик қилган.

1931 йилда Хива театри негизида ҳозирги Огаҳий номидаги Хоразм вилояти мусикали драма ва комедия театри ташкил топади. Ташкилий жараёнда шоир ва драматург Абдулҳамид Мажидий, шунингдек, Тошкентдан махсус ёр-

дам бериш учун юборилган Тамарахоним, режиссёр Зухур Қобулов, композитор Пўлатжон Раҳимов ва бошқалардан иборат ижодий гуруҳнинг ҳиссаси катта бўлган. Хуршиднинг Навоий дostonлари асосида ёзган «Лайли ва Мажнун», «Фарҳод ва Ширин», У. Ҳожибековнинг «Аршин мол олон» асарлари сахналаштирилади. Тамарахоним «Норим-норим», «Оразибон», «Мавриги», «Гуллола» каби ўттизга яқин анъанавий куйлаб ижро этиладиган рақсларни тиклаб, театр репертуарига киритади. XX асрнинг 50-йиллардан эътиборан театр маҳаллий муаллифлар билан мунтазам иш олиб бора бошлайди. Театр сахнасида Шиллер трагедиялари, Гоголь комедиялари қўйилади. Театрнинг 60–70-йиллардаги фаолиятида актёр ва режиссёр В. Фаёзов, режиссёр Ҳ. Исломов, рассом Л. Абдуллаева, актёрлар К. Абдуллаев, С. Девонов, Г. Раҳимова, С. Раҳмонова, М. Раҳимов, М. Сафоев, У. Ғоипова, Р. Бойжонова, Р. Отажонова, С. Камолов ва бошқаларнинг салмоқли ўрни бор.

Хоразм театри бутун тарихи давомида Европа театри тажрибасини ўрганиш билан бир қаторда халқ санъати анъаналарини ўз спектакллари ва дастурларига сингдириш, ўзига хос куйлар, рақслар, ўйинлар, айтишувлар, лутфларни сахналаштириб, томошабинларга тортиқ қилиш, бахши ва халфаларнинг чиқишларини уюштириш йўлидан борди. Айниқса, XX аср 80-йилларининг иккинчи ярмидан бошлаб театр халқ томошалари руҳига яқин спектакллар яратиш ҳаракатида бўлди. «Олма пишганда келинг» (Э. Самандаров асари), «Жобби Жўжакнинг ҳийласи» (К. Авазов асари) спектакллари шулар жумласидандир. Уларда ўткир сўз қўшиқ ва рақслар билан узвий боғланиб кетади. Мазкур спектаклларнинг яна бир хусусияти шундаки, улар соф хоразмча шевада, жонли сўзлашув оҳангларида олиб борилади. Бу ишларда режиссёр И. Ниёзматов, драматург К. Авазов, рассом О. Оллоберганов, актёрлардан М. Бобожонов, Ж. Нурлаев, Ш. Рамазонова, Ж. Шомуротов, Р. Худоёров кабиларнинг ҳиссаси катта.

XX асрнинг 80-йиллари охирида вилоят театрида ёш томошабинларга хизмат қилувчи ижодий гуруҳ ташкил топди. Унга режиссёр М. Курёзов раҳбарлик қилди. 1993 йилда эса

шу гуруҳ негизида Хива давлат кўғирчоқ театри вужудга келди. 1995 йилда Тошкентда ўтган кўғирчоқ театрларининг V фестивалида театр ўзининг «Сусамбил» (М. Халил асари), «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам» (М. Курёзов асари) каби асарларини намоёниш килди.

Хоразм мусиқа санъатининг ривожини бевоҳита халқ оғзаки ижоди билан боғлиқ бўлиб, миллий рақслар, масхарабозлик ва турли ўйинлар замирида театрлашган томошалар ва ўйинлар яратилганлиги тарихда маълум.

Асли Хоразм халқ театрининг шаклланиши жуда қадимий даврларга бориб такалади. Хоразмда милоддан аввалги биринчи минг йилликнинг иккинчи чорагида улкан ирригация иншоотлари ва бошқа дабдабали қалъалар қурилади. Бу эса Хоразмда ибтидоий ҳарбий демократия ўрнида кучли кулдорлик давлати вужудга келиши билан боғлиқдир. Қадимий маънавий маданият асосини кўпроқ дин ташкил этган. Шу сабабли халқ театрининг кўпгина ўйинлари ҳам дин билан боғлиқ эди.

Берунийнинг кўрсатишича, қадимги «Хоразмликлар кузги муқаддас ойнинг охирига беш кунда ва кейинида келадиган беш кунда эронликлар фарвардинжон кунларида қиладиган расми адо этиб, арвоҳларга атаб мазорларга овқатлар олиб борадилар».

Келтирилган мисолдан кўришиб турибдики, Хоразм халқининг кулдорлик жамияти босқичидаги худоларга эътиқод қилиши, ўлганларнинг арвоҳини тўйдириш каби расм-русмлари театрлашган ҳаракатда намоён бўлади.

Хоразмда ибтидоий жамоа давридаёқ вужудга келган ибтидоий театр зардуштийлик диний эътиқодларини адо этиш жараёнида яхлит театр даражасига кўтарилади.

Хоразмда ибтидоий жамоа даврида ибтидоий театр куртаклари пайдо бўлган бўлса, эрамиздан аввалги IV–III асрларга келиб шаклланиш даврига қадам қўяди, эрамизнинг III–IV асрларига келиб эса махсус томоша кўрсатиш залларига эга бўлади. Абу Райҳон Беруний ҳам Эронда «Кўса» деб аталган киши йиртилган иштон ва эскирган либослар кийиб, ўзини хунук кўрсатиб, эшакка минган ҳолда, ҳатто киши вақтида ҳам «елпиғич билан елпиниб, одамларга кўринар,

одамлар ундан қаттиқ кулишиб, унга сув сепар, қор отар эдилар», деб ёзади.

Беруний кулги ва масхара сўзининг маъносига ҳам тўхталиб, «...ўхшатиладиган нарса киёс қилинган нарсага ўхшаса, кулги ва масхара бўлиб чиқар эди», деб таъкидлайди. Бу эса бизга Хоразм халқи орасида кўшиқ, ўйин-кулги ва масхарабозлик қадимдан давом этиб келган анъана дейишимизга имкон беради.

Бизнингча, «каптархона»лар Уйғониш даври театри биноти вазифасини бажарган бўлиши керак. Айниқса, Қаватқалъа яқинида топилган ўрта аср кўрғонлари ёнидаги «каптархона»ларнинг дид билан безатилиши, унда томошабин ўтирадиган супачаларнинг ҳам бўлиши фикримизнинг яққол далили бўла олади.

Уйғониш давридаги Хоразм театрларида мусиқачилар жўрлигида кичик халқ оғзаки намуналари, масхарабозлик ўйинлари, «Коса ўйини», «Чағаллоқ» ўйини пантомимаси, «Ашшадароз» ўйини, «Лазги» ўйини, мақомни бойтиш билан боғлиқ кўшиқчи ва раққослар санъати намойиш этилган. Хоразм ўйинларининг ибтидоийлиги сақланганлиги учун уларнинг қадимийлигини аниқлаш қийин эмас.

Этнограф Тўра Қиличевнинг таърифича, Хоразмда XX асрнинг 30-йилларигача ўйнаб келинган ўйинлардан бири «Чағаллоқ» ўйини пантомимасида раққос балиқчи қушнинг балиқ тутиш пайтидаги ҳаракатини пиёла (ёки дўпписининг) агрофида бўйинини чўзган ҳолда икки кўлини қанот қилиб, пирпиратиб, қушдай овоз чиқариб, ҳаракат ва имо-ишоралар билан ифодалаб беради. «Чағаллоқ» ўйини балиқчи қушнинг балиқ тутишини кўрсатиш билан тамомланади.

Мазкур муаллиф кўрсатганидек, Хоразм театрининг шаклланишида мақомларнинг роли ҳам катта бўлган. XVIII–XIX асрларгача воҳада «Шашмақом» шакллангунча ўн икки мақом кенг тарқалган эди. Воҳада қадимий даврлардан халқ сайиллари жуда тантанали равишда ўтказилган.

Сайил сўзи сайр қилмоқ, кезиб томоша кўрмоқ маъноларига эгадир. Сайил деганда, умуман, катта ва тантанали томошалар билан боғлиқ ҳар хил маросимлар эътиборга олинган. Сайил ҳар йили маълум фасллар билан боғлиқ

бўлиб, кишиларнинг сайилга чиқиши, соя-салқин жойларда тўпланиб, очиқ майдонда томоша – истироҳат ташкил этиши билан бошланган ва уч кундан бир ҳафтагача, баъзан бир ой давом этган (масалан, сумалак сайли).

Октябрь тўнтаришигача бўлган даврда Хоразмда «Наврўз» байрами, сумалак сайли, «Қизил гул» байрами, «Қовун сайли» каби сайиллар нишонланган. Улар шаҳардаги бозор майдонларида, шаҳар ташқарисидagi сайлгоҳларда ўтказилган. Сайил ўтказиладиган жойларда ошхона, чойхона, новвойхоналар қурилган, мева-чева, баққолик дўконлари очилган, ўғил болалар ижросида «Алиқамбар», «Норим-норим», «Оразибон», «Аравадаги ўйин» каби оммавий халқ ўйинлари ўйналган, созанда, гўянда ва масхарабозлар санъати намойиш қилинган, қиз ва йигитлар иштирокида «қиз қувиш» ўйини ташкил қилинган.

Сайилларнинг ҳар йили деҳқончиликни бошлаш, ҳосил байрами сифатида нишонланиши, қизил гулга муқаддас деб қараш билан боғлиқ тантаналар, сеҳр-жоду ёрдамида ёвуз кучларни бўйсундиришга интилиш, тотемларга, ўлган кишилар руҳига сиғиниш хоразмликларда анъана сифатида ўтган асргача сақланиб келган ва ҳозир ҳам қисман сақланмоқда.

XIX аср охири – XX асрнинг бошларида «Алиқамбар» ўйинига рақсга тушувчилар ўғлон бола ёки бачча дейилган. Ўғлон болалар қизларга ўхшаб узун ипак қўйлак кийган, бошига ясама соч қистириб олган ёки ўзининг ўстириб қўйилган кокил сочини ташлаб, хоразмча дўзийли дўппи кийиб, унинг устидан юпка ипак рўмол ташлаган, оёғига маҳси кийиб, қош бўяб, ўйинга тушган.

«Норим-норим» ўйини Хоразмда байрамларда, тўй-томошаларда ўйнаб келинган. Ўйинда етилган анорнинг майин эсган шабадада бирин-кетин бир текисда давомли тебраниб, бир-бирига урилиши ва яна шу ҳаракат қайтадан бошланиб, давом этиши бир неча ўйин тактларида ифодаланади.

XIX аср охири – XX аср бошларида «Оразибон» ўйини ҳам қўшиқ билан бирга ижро этилган. Бунда бир киши мусиқа чалган. Икки ўғлон бола ўйинга тушган. Уларнинг бири қиз қиёфасида, иккинчиси йигит кийимида даврага

чиққан. Куй чалиниши билан иккаласи қарама-қарши томонга туриб ўйнаб, бир-бирига нозу карашма билан қараб, халқ кўшиқларидан дуэт шаклида ижро этишган.

«Мўри» ўйинини ҳам воҳада ўғлон болалар ўйнаган. Ўғлон бола қизлар кийимида – узун кўйлак, узун нимча, шойи иштон кийиб, бошига ипак рўмол ташлаб даврага чиққан. У томошабинларга икки қўлини қўшиб таъзим қилади. Шу вақтда бир йигит саз чалиб, кўшиқ куйлайди.

«Хўббимбой» ўйинини икки киши ижро қилади. Бир ўйинчи ўйиннинг қўшиғини айтиб турса, иккинчиси кўшиққа жўр бўлиб ўйнайди. Хўббимбой ниҳоятда эпчил бўлиб, унинг ҳар бир ҳаракати киши диққатини ўзига тортади. Кўшиқда унинг маҳбубаси «Ой юзли паризод», деб таърифланади.

Хоразмнинг ўзига хос ўйинларидан яна бири «Қиз қувиш» ўйинидир. Бу ўйин ХХ аср бошларигача бўлган даврда воҳанинг шимолида яшаган ўзбеклар орасида сайилларда ўтказилган. Бунда от пойгасида қатнашадиган чопқир отни чавандоз қизлардан бири минади. Қиз йигитнинг кўзини шамғалат қилиб отга қамчи уради. Қиз қувиш ўйини то отлар хоригунча давом этган. Бу ўйинга чиққан йигит-қизнинг ўйини охирласа, навбатдаги йигит-қизлар ўйинни давом эттиришган.

Хоразмда тўй ва зиёфатларда ўйналадиган ўзига хос ўйинлар қизиқиб томоша қилинган. Ўлкада узоқ замонлардан буён ўйналиб, авлоддан-авлодга мерос бўлиб келган ўйинлардан бири «Подшо-вазир» ўйинидир. Бу ўйин тўй ва зиёфатларда, гурунглarda йигитлар даврасида навбатманавбат ошиқ отиш (ташлаш) йўли билан бошланган ва давом этган.

«Арқон тортиш» ўйини ҳам Хоразм тўйларида қизиқарли томоша ҳисобланади. Бунда ўйин майдонида 10 метрли бақувват арқоннинг икки учини ўнтадан одам ушлаб, икки тарафга тортадилар. Тортишма узоқ давом этади. Қайси тараф кучли бўлса, иккинчи тарафдаги ўн кишини ўз томонига судраб ўтади.

«Кураш» ҳам тўй ва томошаларда муҳим ўрин тутади. Уни ташкил этишда тўй катхудоси биринчиликка даъвогар



полвоннинг номини, уни қаердан келганлигини эълон қилади. Шу вақтда ҳар иккала полвон курашга шай ҳолда томошабинлар даврасига чиқадилар. Кураш ташкилотчиси «Бошланг!» деб буйруқ бергач, иккаласи бир-бирига яқинлашиб, кураш тушади. Қайси полвон рақибини йикитиб, елкасини ерга теккизса, шу полвон курашда ғалаба қозонган ҳисобланади.

Хоразмдаги тўй ва томошаларда от пойгаси одати мустаҳкам ўрин олган. Бундай пойгада қатнашадиган отлар алоҳида парвариш қилинган, ўзини югуртириб кўрилган, ёшроқ бола, кейинроқ катта бола мингизиб ўргатилган. Ниҳоят кучга тўлгандан кейин, бу отни пойгага қўшадиган бўлганлар.

Ўлкада жуда қадим замонлардан буён дostonчилик ривож тошган. Бу ерда халқ анъанавий дostonлари бахшилар томонидан оғиздан-оғизга ўтиб, сайқал топиб келган.

Шунинг учун ҳам Хоразм халқи эъзозлаб келаётган фольклор хазинасининг энг қимматбаҳо дурдоналардан бири дostonлар ҳисобланади. «Лавзҳои», «Бозиргон», «Саййодхон ва Хамро», «Қора кўз оғим», «Гулруҳ пари», «Шобаҳром», «Зовриё», «Гўрўғли», «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам», «Юсуп Аҳмад», «Қирқ минг» каби дostonлар Хоразм халқ оғзаки ижодининг нодир бойлигидир.

Хоразм халқ дostonлари ҳажми катта ўзбек халқ дostonларига қараганда кичиклиги, шу билан бирга кўпроқ мусиқавийлиги билан ажралиб туради.

Воҳада дoston куйловчиларни бахши деб атаб келганлар. Бахши сўзи форс тилидаги «бахшидан» сўзига яқин бўлиши керак. «Бахшидан» сўзини ўзбекчага таржима қилганда бағишламоқ, инъом қилмоқ, кечирмоқ маъноларини билдиради. Ҳақиқатан ҳам, бахшилар бир воқеага бағишланган дostonларни ўз бошидан кечиргандай қилиб, санъаткорлик билан ижро қилиб келганлар. Бахшилар дутор чертиб, дostonларни ёддан айтганлар.

Хоразм дostonларининг ихчамлиги ҳам томошабин – тингловчи диққатини бахши санъатига кўпроқ жалб қилган.

Бахши дoston воқеасини ўз сўзи, ўз куйи билан гримсиз, костюмсиз бўлса ҳам, юксак темперамент билан актёрларча тушунтириб бера олган. Бахши дoston воқеаларининг салбий

ёки ижобий моментларидаги тушунтириш матнларини овоз тонини воқеага қараб ўзгартирган, дутордан қўлини олиб, қўли билан сахна актёридек ишора қилиб кўрсатган, мимик ҳаракатлар ҳам қилган. Натижада дoston воқеалари тингловчи тасавурида сахнадагидек жонланган. Воқеа бахшилари томошабин қизиқадиган воқеаларни алоҳида таъкидлаб, тасвирлаб берган. Шу билан тингловчидан яхшиликка мурувват, ёмонликка нафрат ҳиссини вужудга келтира олган. Хоразм халқ дostonлари сахна асарига ўхшаш, бахшилар ижроси эса театр актёри ва дирижёри ҳаракатига яқин бўлган, дейиш мумкин.

Хоразм фольклорининг яна бир ўзига хослиги халқалик санъатининг кенг ёйилганлигидир. Узоқ даврлардан буён ўлкадаги тўй, сайил ва маърака маросимларида хотин-қизлар даврасини халфалар қизитиб келган. Хоразмда аёл ашулачиларни халфа деб юритилса ҳам улар фақат ашула айтиш билан чекланмаган. Халфалар санъатнинг кўп турларидан хабардор бўлганлар.

Кўпинча халфалар учта-учта бўлиб, ўзлари ижодий гуруҳ тузганлар. Гуруҳдагилардан бири мусиқа чалган, бири куйлаган. Хоразмда тўй-маъракаларда халфалар хотин-қизлар ўтирадиган хонанинг тўрида уларга қарама-қарши ўтириб, кун ботгандан бошлаб тонггача бири қўйиб, бири олиб Хоразм ғазалларидан, халқ дostonларидан бирининг айтганига иккинчиси жавоб бўладиган қўшиқлар топиб айтганлар. Баъзан улар маъракаларнинг характерига қараб ўзлари қўшиқ тўкиб ҳам айтишган. Халфалар репертуарида ранг-баранг халқ қўшиқлари, классик шоирларнинг ашулабop ғазаллари, халқ дostonлари асосий ўрин олган.

Халқалик санъатини ўргатиш ҳам ўзига хос мактаб услубига эга бўлган. Эски мактабларда хат-савод чиқарган, билимга ихлосманд қизлар таниқли халфаларга 4–5 йил шогирд тушганлар. Улар шогирдлик даврида устозларидан тўй ва бошқа маъракаларда айтиладиган қўшиқ, дoston ва ғазаллардан ўрганганлар. Халфалар шогирдларини ўзлари билан эргаштириб тўй-маъракаларга олиб борган, бирга ўтириб-бирга куйлаган ёки рақсга туширган, устоз халфа баъзан шогирдининг якка ўзига ҳам ижро эттирган. Унинг

жамоатчиликни ўзига жалб қила олиш санъатига алоҳида аҳамият берган.

Шундай синовларда жамоатчиликнинг олқишига сазовор бўлган шогирдлар устозларидан фотиҳа олиб, халфа номига эга бўлганлар. Шогирд устоздан фотиҳа олиш учун ўз уйига хурматли халфаларни ҳамда устозини чақириб зиёфат берган ва бир сидра кийим-бош ҳадя қилган.

Фотиҳа олган халфа мустақил ўзи тўй ва маъракаларга бориб, хотин-қизларга ўз санъатини намойиш қилиш ҳуқуқига эга бўлган.

Шогирдлар устозларини ҳамма вақт хурмат қилишган. Агар устоз халфа билан шогирд халфа бир тўй-маъракага бориб қолишса, устозининг руҳсатисиз шогирд халфа иж-рочилик санъатини бошлаш ҳуқуқига эга бўлмаган. Ҳеч бўлмаганда устоз халфа бир ғазал ёки қўшиқ куйлаб, сўнг шогирд халфага навбат берган. Шундан кейингина шогирд халфа куйлашни бошлаган.

XX аср бошларида Онажон халфа Собирова, «Ожиза» тахаллуси билан танилган машҳур она Биби қори Отажонова, Сорахон Оллоберганова, Робия Отажонова, Рейма Ҳақимова, Ўғилжон Машарипова, Пошшахон Матжонова каби истеъдодли халфалар етишиб чиқди.

Хоразмдаги халфалар санъати ва ижоди драма ва театр санъатининг вужудга келишида муҳим манба бўлган. Шу билан халфалик санъати Хоразм театри учун хотин-қиз актёрлар етиштириб берганлигини эслатиб ўтиш ўринлидир.

Хоразмда масхарабозлик санъати ҳам ўзига хос ривожланиш босқичларини босиб ўтган. Октябрь тўнтаришигача бўлган даврда Ўрта Осиёда уч хонликнинг мавжуд бўлиши воҳада масхарабозлик санъатида ҳам ўзига хос хусусиятларнинг сақланишига олиб келган.

Хоразм масхарабозлари алоҳида гуруҳга бирлашмаган. Улар асосан халқ қўшиқчилари, мусиқачилар, дорбоз ва муаллақчилари билан бирга халқнинг тўй-томошаларида катнашиб, ўз санъатларини намойиш қилганлар.

Маънавий маданиятнинг энг ёрқин намуналари, юқорида кўрсатилганидек, нафақат халқ театри, мусиқа, ракс ва қўшиқчилик санъати бўлган, балки оғзаки ижод (фольклор)

билан бевосита боғлиқ турли томошалар, тўй маросимлари, оммавий сайилларда ижро этиладиган санъат шакллари ҳам алоҳида ўрин олган. Бу бой маънавиятимизнинг турли шакллари Хоразм воҳасида ҳозирги давргача сақланиб, мустақиллик туфайли янги бир поғонага кўтарилди ва турли танловлар ўтказиш йўли билан қайта янгидан намоён бўлмоқда.

## VI 6 0 6

### МАЪНАВИЯТ ВА НАФОСАТ ХАЗИНАСИ

*(Хулоса ўрнида)*

Инсониятнинг энг ажойиб ва буюк кашфиётларидан бири ёзувдир. Унинг пайдо бўлиши жамият тараққиётининг юксак даражага кўтарилиши, инсон тафаккури ва онгида туб ўзгаришлар рўй бериши билан боғлиқ ниҳоятда муҳим бир жараённинг ёрқин намоёни деса бўлади. Одатда, тарихчи олимлар оловнинг кашф этилиши, ўқ-ёй ва чархнинг пайдо бўлиши, жез ва темир қуролларнинг яратилишини эволюцион ҳодиса деб таърифлайдилар. Ваҳоланки, шуни алоҳида қайд этиш лозимки, асрлар давомида кишилар тўплаган амалий тажриба асосида пайдо бўлган илм-фан ва маърифатни, умуман, маданий ва маънавий тараққиётни инсониятнинг энг ноёб қадриятларидан бири ҳисобланган ёзувсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бу юксак маънавий маҳсулотнинг яратилиши учун ҳам узоқ тарихий давр зарур эди. Бизнинг буюк аждодларимиз кашф этган афсонавий кўп асрлик тарихий обидалар ичида ўзига хос, аммо ҳалигача кам ўрганилган ёзув маданияти ниҳоятда муҳим ўрин эгаллайди.

Қадимги Хоразм ва Суғдиёна дастлабки ёзув пайдо бўлган ўлкалар қаторига киради. Суғд ва Хоразм ёзуви антик замонда бутун Олд Осиёга тарқалган қулдорлик даври юксак маданиятининг ажойиб намунаси – арамей ёзуви билан яқинлиги тасодифий бўлмаган. Чунки бу минтақада яшаган қадимий этник аждодларимиз доимо ўзаро иктисодий-маданий алоқада бўлган.

Тадқиқотчилар орасида ҳозиргача Хоразм ёзувининг қачон пайдо бўлганлиги тўғрисида аниқ бир маълумот йўқ. С.П. Толстовнинг археология-этнография комплекс экспедицияси топган ёзув намуналарини жиддий ўрганган В.А. Лившиц ва ўзбек олими М. Исҳоқовлар қадимги Хоразм ёзуви милоддан аввалги V–IV асрдан милодий XI–XIII асрларгача ажойиб маданий восита бўлиб хизмат қилган, деб тасдиқлайдилар. Уларнинг таърифича, милоддан аввалги I минг йиллик ўрталарида Ахоманийлар тасарруфига кириб, унинг идора бошқарув тизимида амал қилган оромий ёзуви ва тили Хоразм давлатида (22 ҳарфли оромий алифбоси) тез орада маҳаллий тилнинг фонетик талабларига мослаштирилган. Оқибатда янги Хоразм ёзуви шаклланиб, бутун қадимий Турон халқлари сингари хоразмликлар ҳам Олд Осиё умумжаҳон ёзув маданияти доирасига кирибгина қолмай, унинг муҳим бўлимини ташкил қилган. Демак, маҳаллий хоразм ёзуви алифбо тизимининг чизма шакллари минг йилдан ортиқ тараққиёт йўлини босиб ўтган. М. Исҳоқовнинг ёзишича, илк даврда арамей ва хоразм ҳарф шаклларини фарқлаш қийин бўлса, кейинчалик хоразм ёзувининг қиёфаси аждод ёзувдан таниб бўлмас даражада узоқлашганлигини кузатиш мумкин. Мазкур янги ёзув алифбосида қайси ҳарф қандай товушни ифодалагани маъносида жиддий ўзгаришлар рўй берган, арамей алифбосининг айрим ҳарфлари хоразм сўзларини ёзишда мутлақо ишлатилмаган.

Тадқиқотчилар янги Хоразм ёзуви Хива шаҳри пайдо бўлган даврга тўғри келганлигини, яъни икки ярим минг йил муқаддам хоразмликлар орасида тарқалганлигини қайд қиладилар. Аммо Хоразмда топилган ёзув намуналарининг мазмунига эътибор қилсак, бу ёзув ундан олдинроқ яратилган, деган фикрга келиш мумкин. Бундай ажойиб ёзувлар Кўйқирилган қалъа, Тупроққалъа, Тўққалъа, Миздахқон каби обидалардан кўплаб топилганлиги диққатга сазовор. Масалан, Тупроққалъада кашф этилган ёзувларда қадимги Хоразм пойтахтидаги хонадон аъзоларининг рўйхатлари берилган. Бошқа ҳужжатларда ҳарбий чақирик, солиқ, жон рўйхатлари қайд қилинган. Айрим ҳужжатларда Тупроққалъа омборларига қабул қилинган хўжалик асбоб-ускуналари,

бу нарсалар тақсимлаб берилиши ҳақидаги тилхатларни ўқиш мумкин. Бу ёзувлар қадим Хоразм аҳолиси саводли, ўқимишли бўлганлигини тасдиқлайди. Шубҳасиз, милоддан аввалги IV асрга оид обидалар, оддий халққа мўлжалланган буюмлар ва ҳужжатларга битилган ёзувлар ҳам оммавий тусга эга бўлган. Албатта, бундай ҳолатга эришиш учун бир неча аср зарур бўлган.

Демак, Хоразмда ёзув Кўйқирилганқалъа ва Тупроққалъа битиклари мазмунига кўра яна ҳам узоқроқ тарихга эга бўлган. Бу фикримизни Тўққалъа қасри харобаларида кашф этилган юзга яқин битиклар ҳам тасдиқлайди. Бу битиклар зардуштийлар қабристонидан топилган, уларда дафн қилинганларнинг исм-шарифи, вафот этган йили, баъзан ой ва кунлари кўрсатилган. Илк ўрта асрларга оид бу обида ёзувлари қадимий Хоразм аҳолисининг дунёқараши, маданий тараққиёти даражаси, ижтимоий муносабатлари тўғрисидаги қимматли тарихий манба бўлиб хизмат қилади. Ўша даврга оид худди шу тарздаги битик намуналарининг бир гуруҳи Миздахқон номли ажойиб ёдгорлик харобаларидан ҳам топилган. Қадимги Хоразм ёзувлари Тупроққалъада кўп миқдорда ҳум ичига тикилган чарм ҳужжатларга битилганлиги ҳам диққатга сазовор. Бу ҳужжатлар махсус мажбурий меҳнат ёки солиқ тўплашга лойиқ аҳоли рўйхатлари, деб қаралмоқда, улар салкам икки минг йил муқаддам хоразмликларнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётини тасаввур қилишга имкон берадиган муҳим ҳужжатлардир.

XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида Хива хонлигида ҳукмронлик қилган Муҳаммад Раҳимхон Соний замонида шаклланган илм-маърифат, маданият, маънавият ва нафосат қадимий Хоразмнинг буюк маданий меросининг ҳақиқий давомчиси ҳисобланади. Хон атрофида ажойиб адиб ва санъаткорларнинг тўпланиши ўлка тарихий тараққиётида муҳим маънавий аҳамиятга эга бўлди.

Муҳаммад Раҳимхон замонида илгари вайрон бўлган бинолар ва иншоотлар қайта тикланди, янги канал ва ариқлар, карвонсаройлар ва бозорлар, олтмишга яқин мадраса ва масжидлар барпо этилди, янгича мактаб ва табобат маркази очилди. XX аср бошларига келиб хонликда 130 та мадраса,

1636 та масжид ва 1500 та мактаб бўлган. Хон фармони билан давлат ҳисобидан таълим берувчи мударрислар, охунлар, имомлар маблағ билан таъминланиб турган. Биргина Хива ва унинг теварагида 137 та масжид бўлган.

Муҳаммад Раҳимхон Соний (Феруз)нинг санъат соҳа-сида қилган хизматлари бениҳоя катта. У барча адиб ва санъаткорларнинг ҳомийси ва ғамхўр раҳбари бўлган. Унинг ғамхўрлигида Табибийнинг «Мажмуат уш-шуаро», Баёнийнинг «Шажараи Хоразмшоҳий», Комил Хоразмий ва Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг асарлари яратилган. Феруз саройдаги ўттизга яқин шоирларнинг шеърларини девон қилиб нашр эттирган, жуда кўп ажойиб форс-тожик ва бошқа тиллардаги асарларни ўзбекчага таржима қилдирган, «Баёзи мусаддасот», «Баёзи ашъор» каби мақом ва шеър тўпламлари пайдо бўлган.

Ферузнинг ташаббуси ва бевосита иштирокида саройда ашулачи, созанда ва масхарабозлар кўриги узлуксиз ўтказиб турилган, у энг зўр санъаткорлар иштирокида мунтазам бўлиб турган мақомхонлик кечаларида ўзи кўлига танбур олиб, нағманавозликни бошлаб берган. Феруз энг қадимий «Шашмақом»ни тўлиқ ўрганган эди.

Муҳаммад Раҳимхоннинг буюк шахс бўлиб шаклланишида замонасининг улуғ тарихчиси ва шоири, ажойиб таржимони Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг роли катта бўлган. У ёш шахзодани оталиққа олиб, унга таълим-тарбия бериб, адабиёт, тарих ва санъатга, айниқса, шеър ва бастакорликка муҳаббат уйғотган. Шу билан бирга доно устоз тарбияси ва панд-насихатлари туфайли шахзода ўзида ботирлик ва тadbиркорлик, адолатли ва ҳимматли бўлиш, фисқу фасодга йўл қўймаслик ва душманга шафқатсиз бўлиш каби хислатларни мужассамлаштирган.

Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг адабий ва илмий мероси жуда бой. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида Огаҳийнинг ҳали кам ўрганилган жуда кўп баёз ва тўпламларида шоирнинг ғазал, мухаммас, маснавий, рубоий ва қасидалари, ноёб икки нусха қўлёзма девони, Хоразм хонларига бағишланган асарлари сақланиб турибди. Форс

ва ўзбек тилларида самарали ижод қилган бу ажойиб адиб бир қатор бадиий асарларни она тилига таржима қилиб, ўзбек адабиётини бойитган. У машҳур шоирлар Саъдий Шерозийнинг «Гулистон» тўпламини, Абдурахмон Жомийнинг «Юсуф ва Зулайҳо» асарини, Низомий Ганжавийнинг «Хамса»сидан «Ҳафт пайкар» достонини, Ҳилолийнинг «Шоҳ ва Гадо» номли асарини ўзбек тилига зўр маҳорат билан таржима қилган. Тарихчи Муҳаммад Вориснинг «Зубдат ул-ҳикоят» номли форсий тилда ёзилган асарини, Кайковуснинг Шарқда машҳур «Қобуснома»сини, Шайх Али Имодиддин Ғиждувонийнинг «Мифтоҳ ут-толибин» ва Ҳусайн Али Кошифийнинг «Ахлоқи Муҳсиний» номли асарларини, Муҳаммад Носирнинг «Тарихи Нодирий» ва бошқа бадиий ва тарихий китобларни форсчадан ўзбек тилига таржима қилган. Огаҳий ўз девони муқаддимасида шундай деб ёзади: «...Менинг ота-боболарим Хоразм султонларининг амирларидан ва юз номли ўзбек тоифасидан мироблик мансабига етишганлардандир. Ёшлик чоғимдан бошлаб илм олишга қизиқдим. Мадрасада ўқидим... Ҳали илм қондаларидан тўла баҳраманд бўлганимча йўқ эди, жаҳоннинг ранго-ранг жафоси ва балоси, ҳаётнинг оғир юки тоғдек бошимга тушди... Ташвишлардан кутулиб, бир оз вақт ва фурсат топсам, зўр иштиёқ билан олимларнинг, шоирларнинг суҳбатида бўлиб, баҳра олар эдим». Ажойиб ижодкор Огаҳий 1874 йили Хоразмда вафот этган.

Мутафаккир шоир Огаҳийнинг шогирди Комил Хоразмий ўз замонасининг энг ўқимишли ижодкорларидан эди. У йирик давлат мансабларида бўлишидан қатъи назар, шеърят ва мусиқа соҳасида самарали меҳнат қилиб, ноёб асарлар яратган. Комил Хоразмий Ферузнинг отаси Сайид Муҳаммадхон даврида саройда оддий хаттот бўлиб, кейин мирзабошилик даражасига кўтарилган, сўнг у девонбеги вазифасини бажарган таникли давлат арбоби бўлиб етишади. Комил мусиқа соҳасида фаол ижод қилиб, «Танбур нотаси» («Мақоми Феруз шоҳий»)ни яратган, «Мураббати Комил», «Пешрави Феруз» каби куйларни ижод қилган. У қадимий Хоразм мақомларидан «Рост», «Наво», «Дугоҳ», «Бузрук», «Сегоҳ» ва «Ироқ» мақомларига «Панжгоҳ» мақомини қўшиб, олти



ярим мақомга етказган. Истеъдодли Комил Хоразмий миллий мусиқа асбобларидан ташқари гармон, балалайка, кўбиз каби асбобларни чалишни билган. Хива матбаасида икки бор нашр этилган «Девони Комил» (1881–1895) ўзбек адабиёти тарихида алоҳида ўрин эгаллайди.

Комил Хоразмий 1883 йили Москва ва Санкт-Петербургда бориб, рус халқи маданияти, маърифати ва санъатини ўрганади, мактаб тизими ва нашриёт ишлари билан танишади. У 1891 йили Тошкентда бўлиб, Лахтин босмахонаси фаолияти, гимназияда ўқитиш услуги, рус драма театри томошалари билан танишиб, Хивада ҳам шу ишларни йўлга қўйишни тарғиб қилади. Бу соҳада, айниқса, кейинги йиллари (1892–1896–1897) Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Қашқар сафарлари, Феруз билан Россияга қилган сафарлари самарали натижалар берган эди.

Комил Хоразмий форс тилини яхши билган ва ҳатто шу тилда ажойиб шеърлар ёзган. Шоир 1899 йили 74 ёшида вафот этади ва она шаҳри Хивада дафн қилинади.

Ундан учта ўғил қолади, шулардан энг кейингиси Муҳаммад Расул Мирза яхши ижодкор сифатида хоннинг энг яқин кишиларидан бири бўлиб қолади. Муҳаммад Раҳимхон уни мирзабоши қилиб тайинлайди. Хоннинг топшириғи билан отаси Комил Хоразмийнинг ишларини давом эттиради. Тадқиқотчиларнинг таърифича, шеърият ва мусиқага меҳр қўйган ижодкор, танбур ва ғижжакни зўр маҳорат билан чаладиган, ҳақсўз, камтар, мулойим, дилкаш, хушсурат инсон бўлган Мирзани Феруз кўп сафарларида ўзи билан бирга олиб юрган.

Мирза шоир сифатида бир девон яратган, классик меросдан «Раъно ва Зебо» дostonини ўзбек тилига таржима қилган, ажойиб хаттот бўлиб етишган ва бу соҳада ўнлаб етук шогирдлар тарбиялаган. Мирзабоши ҳаётлигидаёқ Феруз буйруғи билан унинг шеърлари Кўхна Аркдаги тошларга нақш бериб ўйиб битилган. Бастакор машшуклар Мирза ғазаллари асосида гўзал кўшиқлар яратганлар.

Комил Хоразмийнинг иккинчи ўғли Пиркомилни Муҳаммад Раҳимхон Гурланга ҳоким қилиб тайинлаган. У ҳам «Девони Пиркомил» номли шеърий тўплам яратган.

Исфандиёрхон даврида Пиркомил мирзабошилиқ лавозимига кўтарилган ва Хоразм инқилобидан кейин 1926 йили Урганчда вафот этган.

XIX асрдаги адабий муҳит ва ундаги ижодкорлар тўғрисидаги муҳим маълумотларни Баёнийнинг «Шажараи Хоразмшоҳий» номли ажойиб тарихий асаридан олиш мумкин. Феруз давридаги истеъдодли шоир Исо Тўра ибн Раҳимкулихон (Хусравий) жуда кўп мамлакатларда бўлган. Макка, Мадина, Куддус, Истанбул каби шаҳарларни зиёрат қилган, 1887 йили Хивага қайтиб келиб ижод қилган. Баёний таърифида Исо Тўра «бу сайилларида манзил-баманзил борган ерларида ажойиботу ғаройиботдин не кўрсалар, китобот қайдиға киргузуб бир саёхатнома битдилар ва онда сўзни иборат оралиқ била баён этиб, балоғатнинг додин бердилар. Не учинким, ул ҳазрат бир фозили сухандон ва шоири хушбаён эрдиларким, ўзларини Хусравий тахаллуси била мутахаллус этиб, шеър ҳам айтур эрдилар...» Хусравий Хива адабий муҳотида шунча катта обрў ва мартабага эга бўлганки, унинг вафотига бағишлаб буюк шоир Комил Хоразмий махсус таъриф ёзган.

Феруз даврида қалам тебратиб ижод қилган, маданиятимиз тарихида муҳим из қолдирган шоирлардан Муродий ва Табибий ижодлари ҳам кам ўрганилган. Бундай ажойиб адиблар тўғрисидаги нодир маълумотлар Баёний асарларида келтирилган, холос.

Юқорида қайд қилинганидек, Феруз саройида одат тусига кирган мақом оқшомлари ва шеърый мусохабаларда барча таниқли санъаткор ва шоирлар иштирок этганлар. Саройда бўлган воқеалардан бирини Ходим номли адиб ўз хотираларида шундай ҳикоя қилади: «Хоннинг кўнглига яхши гурунг эшитиш тушса, ёнбошлаб ётганича, ўтирган вазирларидан бири номини айтиб «фаланкас, гурунг эт», деб буюрарди. Агар қонун бобида гурунг эшитишни истаса, Толиб маҳдумга мурожаат этиларди. Агар мақоми паст, шўх гапларини эшитишни хоҳласа, Қаландар Дўнмасга буйрук қилинарди. Ана шундай кунлардан бирида хон Худайберди маҳдумга «гурунг эт», деб хитоб қилди. Худайберди маҳдум гурунг бошлади: «Таксир чарчи саройида Али Маҳрам деган чарчининг Аҳмад

деган бир ўгли бор. Жуда укувли шоир йигит. Агар уни саройга олдириб, қандай ғазал ёзишни буйруқ килсангиз, дарров истаган ғазалингизни ёзиб беради. Бу гапни эшитган Феруз кичик Мамат махрамга буйруқ берди: «Дарров бориб чарчи саройдан Аҳмад деган шоирни олдири. Худайберди махдум сўзини синаб кўрамиз». Мамат махрам тезлик билан саройдан чиқиб, бир соатлар чамасида Табибийни чарчидан олиб келади.

Хотираларда таърифланганидек, Аҳмаджон Табибий ориқдан келган, кўса, юзида бирорта ҳам тук йўқ. Буни кўрган Феруз Худайберди махдумга: «Ҳали бу бир ёш бола-ку», – деган. Майли, синаб кўрамиз. Қани, шоир «Шоҳим менга оилади хизматда дегил» мисрасига бир ғазал тирка! Аҳмаджон Табибий Давлатгалди дўғма ёнида тик турганича, тўққиз байтдан иборат ғазални битди ва Давлатгалди дўғма қўлига икки қўллаб топширди. Давлатгалди дўғма эгилганича хон қўлига ғазални олиб борди. Феруз ғазални диққат билан ўқиб чиққач, юзида майин табассум пайдо бўлди: – «Худайберди махдум, бу йигит шоир экан-ку, бу модаризод шоир экан-ку», – деди. Шундан сўнг Табибий саройда қолиб, бу ердаги таниқли пешқадам шоир ва олимлар қаторига қўшилади.

Бундай шеърят оқшомларида, одатда, Феруз ўзи бошловчилик қилиб, янги ёзган ғазалларини ўқиб мушоирани очиб берган. Сўнгра бошқа шоирларга ана шу хон ёзган янги ғазалга пайров тариқасида ғазаллар битиш буюрилган. Баёнийнинг хабар беришича, шундай пайров кечаларнинг бирида, Муҳаммад Раҳимхон ҳазратлари «ўз ғазалларидан юз ғазални шоирларга бериб буюрдилар: «Мунга пайровлик этиб ғазал айтинглар». Шоирларнинг ҳар бири онга пайровлик этиб, юз ғазал айтдилар. Хон ҳазратлари Табибийга амр этдилар, токим, ул ғазалларни маснавий шаклида жам қилиб, бир китоб этгай. Табибий фармони мужиби била амал қилиб, ул ғазалларни жам қилиб, ҳар ғазални ёзмоқчи бўлғонда, маснавий била ул ғазални айтгон ким эканин баён этиб, бу тариқада тамоми ғазалларни жам қилиб, тамом этиб, китобга «Мажмуат уш-шуаро» деб от қўюлди».

Россия Хивани босиб олишидан олдин девонбеги лавозимида бўлган довьорак Муҳаммадмурод ва Раҳматулла

ясовулбоши хоннинг энг яқин кишиларидан бўлганлар. Аммо чор ҳокимияти Хивага бостириб кирганда зўр жасорат кўрсатганлиги туфайли уларни оқ подшо Россияга (дастлаб Казалинск, кейин Калуга вилоятига) сургун қилган. Муҳаммад Раҳимхоннинг илтимоси билан Александр II уларни сургундан озод қилган ва Хивага қайтарган. Хон Муҳаммадмуродни ва Раҳматуллани аввалги мансабларига қайтадан тиклаган. Феруз билан бир неча марта Россия сафарларига борган Муҳаммадмурод девонбеги вафотидан кейин унинг ўғилларидан Шайхназарбой дастлаб Кўҳна Урганча ҳоким қилиб тайинланади. У катта обрўга эга бўлиб, ўзининг донишмандлиги ва ишбилармонлиги билан хоннинг назарига тушади. Шайхназарбойни Муҳаммад Раҳимхон яхши хизматлари учун катта инъомлар билан тақдирлаб, сарой хизматига тақлиф қилади. У давлат ишларидан ташқари шеърят билан ҳам шуғулланган ва Шуносий таҳаллуси билан ижод қилган.

Шайхназарбой ҳаёти анча фожиали ўтган, бир неча марта хибсага олинган. Исфандиёрхон даврида ясовулбоши даражасига кўтарилган. Шоир сифатида Баёний, Мирза, Табибий каби машҳур шоирлар тарбиясида шаклланган ва «Девони Шуносий» номли асарни босиб чиқарган. Халқнинг осойишталиги ва фаровонлиги учун курашган Шайхназарбой саройдаги фиску фасоднинг қурбони бўлган, турли тухматлар билан қораланиб, Исфандиёр буйруғи билан Олмата қалъасига сургун этилади, кейин Хивага қайтиб келгач, заҳарлаб ўлдирилади. Унинг ўғли Саидназар шўро даврида таниқли адиб бўлиб етишган.

XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида яшаган ва ижод қилган Муҳаммад Юсуф Баёний машҳур тарихчи олим ва ажойиб шоир эди. Унинг «Шажараи Хоразмшоҳий» ва тугалланмаган «Хоразм тарихи» номли ажойиб илмий асарлари, шеърӣ тўпламлари, араб ва форс тилларидан ўзбекчага ўгирилган тарихий асарлари – ўзбек фани ва адабиётига қўшган зўр ҳисса бўлди. Баёний тиббиёт билимидан ҳам хабардор бўлган. У 1859 йили Хивада туғилган. Баёний асли хон авлодидан, Элгузар хоннинг набираси, Бобожонбек Оллоберди тўранинг ўғли. У ёшлиқдан илм-фанга кизиқиб, замонасининг йирик тарихчи олими ва истеъдодли шоири

бўлиб етишди. Ўзининг хонлар авлодидан бўлишига қарамай, у давлат ишларига, амалдорликка кизиқмаган. Баёний кувий, сулс, райхоний, шикаста ва бошқа хатларни яхши билган, ажойиб хаттот бўлиб танилган, мусика соҳасида ҳам катта ном қозонган. Табибий сўзлари билан айтганда:

Баёнийки, бор шоири хуш баён,  
Сўз ичра қилур дурри гавҳар аён.  
Бу ҳам асли бу хонадондин эрур,  
Сўзи руҳи эл жисмига жон эрур,  
Муҳаммад Юсуфбек номи онинг,  
Хусул айламак коми онинг..  
Баёнийки машҳур шоир эди,  
Дема шоир онийки, сохир эди.

Жуда кўп тилларда нашр этилган Мавлон Дарвеш Аҳмадининг араб тилида ёзилган умумий тарихга оид «Саҳоиф ул-ахбор» (1681) номли асарини ўзбек тилига таржима қилиб, Баёний китоб муҳаддимасида ўзи ҳақида шундай деб ёзади: «Мен, Муҳаммад Юсуф, таҳаллусим Баёний, Бобожонбегнинг ўғлиман. Мазкур китоб рум (усмонли) тилига таржима этилган бўлиб, бу тил фойдаланувчилар учун жуда оғирлик қилар эди... Бу китобнинг усмонли тилида ёзилган нусхасидан фойдаланувчилар Суруҳ ва Қомусга мурожаат этишга мажбур эдилар». Шунинг учун, Баёний таърифича, у ўқувчиларда келажакда ёрдамчи луғатларга мурожаат этишга эҳтиёж туғилмасин деган мақсадда уч жилддан иборат мазкур асарни рум туркийсидан содда тил билан чиғатой (ўзбек) тилига 1900–1901 йилларда таржима қилган.

Тадқиқотчиларнинг ёзишича, Баёний ўз замонасининг иқтидорли олимларидан ҳисобланганлиги туфайли, бошқа адиблар томонидан таржима қилинган кўпгина асарларни таҳрир қилган. Масалан, тарихчи Фазлулла Хусайний ёзган «Равзат ул-аҳбоб» номли асарнинг ўзбек тилига таржимасини таҳрир қилар экан, унинг аввалида, «Мен шу вақтда Абдулҳак Дехлавий томонидан ёзилган «Маориж ун-нубувва» номли китобни таржима этишга машғул эдим. Бу ишни тўхтатиб, мазкур асарнинг таржимасини таҳрир этдим, гўёки, бошдан-оёқ янгидан таржима қилгандек бўлдим». Демак, Баёний

нафақат буюк тарихчи олим ва шоир, у моҳир таржимон ва муҳаррир эди. У 1923 йили Хивада вафот этган ва ўша жойда дафн қилинган. Кўпчилиқ мадрасаларда охунлик ва мударрислик вазифаларини хонликдаги энг етук олимлар ва шоирлар бажариб келганлар. Масалан, Арабмуҳаммадхон мадрасасининг мударриси Муҳаммад Юсуф Ҳожи Доий адабий ҳаракатчиликнинг йирик намояндаси сифатида замондош шоирларнинг ижодига танқидий қараб, ўзининг адолатпарварлиги ва тўғрисўзлиги билан ажралиб турган. Доий Хивадаги Жоме масжидида ваъзхонлик вазифасини бажарган ва ўз тингловчиларига тўғрилик, инсофлилик, одиллик, одамийлик, қарз ва фарз ҳақидаги Қуръон оят ва сураларидан ҳамда ҳадислардан таълим бериб келган. Доийни Феруз устозим деб ҳисоблаб ҳурмат қилган. Табибий таърифича, у ҳассос шоир, сўз устаси ва етук хаттот бўлган. Унинг қаламига «Девони Доий» номли асар мансуб.

Яна бир таниқли мударрис олим Худойберган Охунд дастлаб Саид Шоликорбой мадрасасида, кейин Муҳаммад Амин мадрасасида таълим-тарбия берган. Бу аллома Ферузга пайров шеърлар ёзиб ном чиқарган. У моҳир таржимон, хуш-овоз хонанда ва мусиқашунос сифатида ҳам танилган. Охунд Муҳаммад Раҳимхон вафотидан кейин Хиванинг қозикалони бўлиб ишлаб, адолат билан ўз вазифасини бажарган. У 82 ёшида 1919 йили вафот этган.

Хуллас, Хивадаги йирик мадрасаларда хизмат қилган ва турли давлат ишларига қатнашиб, мушоираларда фаол иштирок этиб келган таниқли мударрис ва шоирлардан Ҳабибулла Охунд (Ҳабибий), Ибодулла Хокий Охунд, Муҳаммад Ёқубхўжа (Холис), Оллоқули Охунд, Муҳаммад Шариф Охунд, Муҳаммад Юсуф Охунд, Муҳаммад Ризо каби етук олимлар хонликдаги ёшларга илм бериб, маърифат ва маданият равнақига катта ҳисса қўшган Хоразмнинг улуг фарзандларидир.

Муҳаммад Раҳимхон ўз саройида 1884 йилда илмий доирада маҳаллий фуқаро болаларидан малакали, илмли кишилар тайёрлаш мақсадида махсус мактаб очган ва унга истеъдодли тарбиячи олимлар жалб этилган. Ферузнинг фармони билан Урганчда 1904 йили биринчи янги услуб мактаби ташкил

килинган ва унда дастлаб 55 нафар бола таълим олган. Хивада очилган рус-тузем мактаби Феруз ҳомийлигида бўлган ва унда рус тили, риёзиёт, тарих, география, табиат, она тили каби фанлар ўқитилган. Илм-фан ва маърифат ривожини учун, шоирлар ижодига ёрдам бериб, уларнинг асарларини нашр этиш ва бошқа китоблар чиқариш учун Хивада босмахона ташкил этилган. Унда Феруз кўрсатмаси билан дастлаб Алишер Навоий, Мунис, Иброҳимхўжа, Холис ва бошқа шоирларнинг асарлари босиб чиқарилган. Кейин Комил Хоразмийнинг бешта девони, Ферузнинг девони, Табибийнинг «Мажмуат уш-шуаро»си, Огаҳий, Баёний, Мирзо, Пиркомил Девоний, Гуломий, Султоний, Саъдий, Асад, Раҳмонкул қори, Ғозий каби шоирларнинг асарлари чоп этила бошлаган. Хива матбаасида қисқа муддат ичида 30 дан ортиқ шоир ва таржимонлар яратган асарлар босиб чиқарилган.

Хива хонлигида маориф ва илм-фаннинг ривож топиши, замонавий услубларга етиши XIX аср охири – XX аср бошларида ўлкада фаол хизмат қилган давлат арбоблари номи билан боғлиқ эди. Хива тахтига ўн тўққиз яшар Муҳаммад Раҳимхон кўтарилганда унга вазирлик қилган Иброҳимхўжа ҳокимиятда доно, ишбилармон кишиларни тўплаб, мамлакатнинг маданий ва маънавий ривожига ижобий таъсир қилган эди. Ниҳоятда тадбиркор ва халқпарвар бош вазир Иброҳимхўжа ташаббуси билан хонликда янги низом ва қонун-қоидалар қабул қилинади, солиқлар камаяди, қурилиш ва суғориш ишлари яхшиланади. Оқибатда бош вазир халқ орасида катта обрўга эга бўлган эди. 1889 йили у вафот этади, бош вазирликка Ҳазорасп ҳокими Сайид Абдуллахўжа таклиф этилади. Унинг ўрнига Ҳазораспга ҳоким қилиб Иброҳимхўжанинг ўғли Исломхўжа тайинланади:

Тахминан ўн йиллар ўтгач, Сайид Абдуллахўжа вафот этади. Бош вазирлик вазифасига анча ақли, тажрибали ва доно тадбиркор Исломхўжа кўтарилади. Саид Исломхўжа маърифат ва маданият соҳасида кўп ишларни амалга оширади. У валиаҳд Исфандиёрхон билан бир неча бор Санкт-Петербург, Москва ва бошқа рус шаҳарларига сафар қилади. Вазирнинг сафарида Комил Хоразмий, Муҳаммад Расул Мирзабоши, Худайберган Девонов, Отажон Девон каби илғор маърифат-

парвар кишилар йўлдош бўлган. Улар рус маданияти ва маърифати билан яқиндан танишиб, барча ижобий томонларини ўз юртида татбиқ этишда фаол хизмат қилганлар. Исломхўжа бошчилигида Отажон Девон иштирокида Хивада почта-телеграф ва касалхона қурилиб ишга туширилади, босмахона ва кутубхона очилади, кино-фото, янгича қурилиш ишлари амалга оширилади. Бош вазир Хоразмга темир йўл келтириш режаларини туза бошлайди.

Бундай тадбирлар мамлакатда маданиятнинг тез суръатлар билан ривожланишига сабаб бўлган эди. Афсуски, Феруз вафотидан кейин, унинг ўрнига тахтга чиққан Исфандиёрхон ўзининг қайнотаси бош вазир Исломхўжани хазина пулларини беҳуда сарфлаганликда айблаб, уни йўқ қилишга киришади. Маърифатпарвар, доно вазир Саид Исломхўжа хоннинг топшириғи билан қонхўр навкарлар томонидан ваҳшиёна ўлдирилади.

Нафақат сайилларда, барча умумхалқ байрамларида, оилавий-маиший тантаналарда истеъдодли санъаткор мақомчилар ансамблининг қатнашчилари хизмат қилганлар.

Хоразм энг қадимий даврлардан дostonчи бахшиларнинг ўлкаси бўлиб келган. Кекса хивалик Бекжон ота Давлетов берган маълумотга қараганда, бахшилар никоҳ тўйларида ишқий дostonларни, бошқа тўйларда, сайил ва байрамларда эса кўпроқ қахрамонлик дostonларини куйлаб келганлар. Бахшилар ўтказилаётган тантаналарга қараб катта-кичик дostonларни танлаб, бир кечада ёки кун ботгандан тонг отгунча сўз ва соз билан куйлаб ижро этганлар. Улар дostonнинг мазмунига қараб ихчам ва тушунарли қилиб, юксак ижодкорлик санъати билан, воқеаларнинг ижобий ва салбий томонларини оғзаки тушунтириб, дотор жўрлигида, имо-ишоралар, овоз ва мимика билан, баланд ёки паст мақомда куйлаб, томошабинларнинг диққатини ўзларига жалб қила билганлар. Уларнинг репертуарида ўзбек дostonларидан Гўрўғлига бағишланган туркум «Авазхон», «Бозиргон», «Сайёдхон ва Ҳамро», «Ғариб ва Шоҳсанам», «Шобаҳром», «Қоракўзойим», «Гулруҳ пари», «Юсуп Аҳмад», «Қирқ минг» каби хоразм халқ оғзаки ижодининг нодир асарлари муҳим ўринни эгаллаган. Бу дostonлар ўзининг мазмуни билан



драматик-ишқий («Шоҳсанам ва Ғариб», «Сайёд ва Ҳамро» кабилар), қаҳрамонлик («Гўрўғли туркуми», «Авазхон», «Қирқ минг» ва ҳоказо) дostonларига бўлинган.

Этнограф олим Тўра Қиличев XIX асрда яшаб ижод қилган хоразмлик бахшилардан янгиариклик Бобо бахши ва унинг ўғли Жуманазар бахши, қиёт-қўнғиротлик Аннафас бахши, Матёқуб қори бахши ва унинг ўғиллари Ҳасан ва Саид бахшилар, хивалик Бекжон бахши, хонқалик Абдираим бахши, гурланлик Нурмат бахши, урганчлик Оташ ва Ғарибниёз бахшилар тўғрисида маълумотлар беради.

Мазкур созанда ва бахшилар халқнинг қаҳрамонлик ва севги дostonларини зўр маҳорат билан ижро этганлар. Бутун ўзбек элида, шу жумладан Хоразмда ҳам хонанданинг истеъдоди ва маҳорати воқал куйни ижро этишига қараб баҳоланган. Чунки катта ҳажмдаги мураккаб куйни ижро этиш учун жуда катта дид ва санъат талаб қилинади. Санъаткорлар XVI асрга оид «Шашмақом» куйини тўла ўрганиб, унга «Наво», «Сегоҳ», «Дугоҳ» мақомларини боғлаб, янги куйлар яратганлар. Мақом ўзининг куйи, мураккаб шакли ва жиддий ритми (мақоми) билан бошқа ашула ва куйлардан ажралиб турган. Мақом асосан энг машҳур шоирлар яратган асарларга басталанган. Масалан, ҳозиргача мақомлар Умар Хайём, Жомий, Румий, Навоий, Бедил, Оғаҳий, Комил Хоразмий, Феруз, Мунис каби классик шоирларнинг ғазал ва шеърлари асосида куйга солинган.

Хоразм мақомчилигининг ривожланишида атоқли мусиқашунос ва бастакор олим, марҳум Матниёз Юсуповнинг хизматлари каттадир. У кўп жыллик Хоразм мақомларини тартибга солди, ўзбек мақомчилик санъати назариясини анча бойитди.

Тадқиқотчилар Хоразм рақс ва куйларининг энг қадимийлигини таъкидлаб, уни зардуштийлик маросимлари билан боғлайдилар. Асли халқ байрамлари, сайиллари, куй ва рақслари ибтидоий даврлардан бошлаб, айниқса, илк давлатлар ташкил топгандан сўнг диний байрам ва маросимлар билан узвий боғлиқ бўлган.

Этнограф Тўра Қиличевнинг таърифича: «Ибтидоий хоразмликларда ҳам ирокезларга ўхшаш ҳарбий рақслар ташкил

килинган ва зафар тантаналари ўтказилганлигини исботловчи қадимий «лазги» ўйини ҳозиргача ўйналиб, ҳарбийлик хусусиятларини ўзида сақлаб келаётир. Бу ўйинда раққос кўлларини юқори кўтариб, аста-секин бармоқларини мусиқа тактларига солади. Ўзи эса гўё рақибига қарагандай гавдасини кимирилатмай тутиб туради. Бир неча такт ўтгач, кўл учи ҳаракатига гавда ҳаракатини кўшади. Кейин бирдан душманга ташпланишга ўзини сафарбар қилган жангчидай майда қадамлар билан югуриб, кўл бармоқларини ўйнатиб, қарс уришни тезлатиб, кошғарларнинг жанг қилаётган ҳолатини ифодалайди. Раққос ўйин охирида эса рақиби устидан қозонилган ғалаба жадал кураш ва меҳнат натижаларида эришилганлигини қўл, оёқ, тана ва бошқа ишоралар билан ифодалаб беради».

Шу муносабат билан қадимги юнон муаллифи Гекатеининг Хоразмда яшаган массагетлар тўғрисидаги маълумоти диққатга сазовор: «Уларнинг қуроллари камон, қилич, қалқон, мис болталар бўлиб, отда ҳам, пиёда ҳам яхши жанг қилишади: жанг пайтида олтин камар ва олтин енгбоғлар тақиб оладилар». Тарих фанининг отаси деб танилган Геродот эса мазкур фикрни тасдиқлагандек: «Аракс (Амударё) бўйларида яшовчи массагетлар кечаси гулхан ёқиб, ўсимлик хидидан маст бўлиб, унинг атрофида олов ўчгунча кўшиқ айтиб рақсга тушар эдилар», – деб ёзади. Маълумки, Хоразм тўйларида, халқ сайилларида кечалари гулхан ёқилиб, атрофида санъаткорлар ва раққослар яқин-яқинларгача томошабинларга ўз санъатларини намойиш қилиб келганлар. Бундай маросимларнинг Наврўз байрами вақтида ўтказилганлигини Абу Райҳон Беруний ҳам ёзади.

Илгари сайилларда ижро этиладиган энг севимли ва қизиқарли ўйинлардан «Қовун-қовун» ва «Ширинновот» ўйинлари XX асрнинг 20-йилларигача ижро этилиб келинган. «Қовун-қовун» ўйинини икки ёки ундан кўп раққослар қовун этилиб пишгандан кейин ўтказиладиган махсус сайилларда ёки тўйларда ижро этганлар. Унда пантомимик шаклда қувонч туйғулари, қовунни узиб, уни тури ва мазасига қараб саралаш ҳаракатлари ифода этилади.

XX аср бошларида Хоразмда атоқли масҳарабоз Давлат пақоқок, Жуманиёзқори ва Юсуф шарлама ижро этган

«Сартарош», «Фолбин», «Зимлак», «Пурхон» каби ўткир юмористик спектакллар ўзбек халқ театрининг энг ажойиб намуналаридан ҳисобланган. Мазкур сахналарни, айниқса, «Зимлак» ўйинини Худайберган кўр, Бовоқ ота Авезов, Қурбонбой шарлама юзларига никоб кийиб, бошларига шох кадаб, соқол қўйиб, эгниларига пўстинни тескари кийиб, зўр маҳорат билан ижро этиб, томошабинларни мамнун қилганлар.

Хоразм масхарабозларининг ўт билан ижро этиладиган «Машъала» ёки «Оловбози» ўйинлари, дорбозлик санъати тўй ва сайилларда ниҳоятда кизиқиб томоша қилинган. Масалан, таниқли масхарабоз Худайберган Авезов оғзига чармдан бўлган оғизча қўйиб, чўғ бўлиб ёнаётган кўмирни оғзига солиб, нафаси билан оғзидан ажларҳога ўхшатиб олов пуркаган. Дорбозлик санъатини мукаммал эгаллаган тўрткўллик Давлат Мурод дорбоз (1788–1878), тошҳовузлик Собир дорбоз (1883–1942), хивалик Иброҳим дорбозлар катта тўй ва сайилларда фаол иштирок этганлар.

Ўзбек халқининг ўткир тафаккури, зеҳни ва истеъдоди унинг аскиячилик санъатида, айниқса, ёркин намоён бўлади. Хоразмликларда ҳам ўзига хос аскиячилик – дейишма нафақат халқ сайиллари ва байрамларида, балки оилавий маросимларда ва дўст-биродарлар даврасида ҳам зўр маҳорат билан намоён қилиниб, кишига хуш кайфият бағишлайди.

Мархум Жуманиёз Қобулниёзовнинг аниқлашига қараганда, дастлаб халфалар чолғу асбоби ёки гармон ёрдамида эмас, балки икки пиёла ёки ликопчаларни бир-бирига уриб, ундан чиққан овозга жўр бўлиб куйлаганлар. Уларнинг жарангдор ва майин овози пиёланинг нозик ва ўйноқи жаранги билан қўшилиб, ўзига хос чиройли оҳанг ҳосил қилган. Тадқиқотчи Т. Жалолов халфалар ижодига зўр баҳо бериб, шундай деб ёзади: «Халфалар маъракаларнинг файзи, қизлар мажлиси ва аёллар базмининг маликалари саналадилар, улар тўй ва маъракаларга қатнашиб, шодликка шодлик, қувончга қувонч қўшадилар, ўйноқи куйлар, нафис рақслар, дилбар ашулалар билан тўй аҳлларининг қалбларига эзгу ҳис-туйғу улашадилар».

Халфаларнинг маҳорати, ижрочилик, ижодчилик қобилияти ва фаолияти шу қадар зўр бўлганки, ундан нафақат хотин-қизлар, балки уларни четдан туриб кузатиб турган эркаклар ҳам маънавий озиқа олганлар. Халфалар ўзлари ижод этган куй ва ашулалар билан чекланиб қолмай, «Тоҳир ва Зухра», «Ошиқ Ғариб ва Шохсанам», «Сайёд ва Ҳамро», «Гўрўгли» туркумидаги ишқий-романтик ва қаҳрамонлик достонларининг лирик ва ижтимоий моҳиятига эга қисмларини куйлаганлар. Шуни ҳам айтиш зарурки, жасур халфалар мазкур мазмундаги асарлар билан чекланибгина қолмай, бошқа муҳим мавзуларда ҳам ўткир танқидий шеърӣ лавҳаларни ва термаларни айтиб куйлаганлар. Айниқса, зулм ва адолатсизликлар дадил фош этилган.

XIX аср охиридан бизнинг давримизгача етиб ижод қилган ва халқ орасида катта обрўга эга бўлган хивалик Шукуржон халфа (1851–1950), Жони халфа (1870–1920), Бибижон халфа (1876–1920), Онажон Собирова (1885–1952), Анаш Маърам (1882–1917), Дурхоним халфа (1881–1936), Киш халфа Ҳасанова (1881–1948), Ойша кулол халфа (1880–1949), Ёкут халфа Вафоева (1844–1914), Шарифа Нўғой Оташева (1892–1960), Ўғил Нўғой Кўрёзова (1859–1949), Шарифа халфа (1900–1972), Ёкут халфа Сеитниёзова (1903–1972) каби ажойиб санъаткорлар Хоразм маданиятининг ривожига зўр ҳисса қўшганлар.

Аммо кейинги вақтларда Хоразмда ижодий ижрочи, достон ўқийдиган яққа халфалар ҳам пайдо бўлган. Шулардан Розия Матниёз қизи, Саодат Худайберганова, Пошша Саидмамат қизи, Амбаржон Рўзметова, Аноржон Раззоқова қабилар халқ орасида ҳурмат-эътиборга муяссар бўлган ажойиб санъаткорлардир.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, Хоразмнинг достон ва термаларида, ашула ва куйларида, халқ орасида кенг тарқалган жуда кўп латифа ва мақолаларда, эртақ ва масалларда ҳам ўтмишдаги ижтимоий адолатсизликлар ва ижтимоий зулм, хурофӣй тасаввурлар ва иллатлар очиқдан-очиқ фош қилинади ва масхараланади. Хоразмликларнинг оғзаки ижодида халқнинг ўтмишдаги фожиали аҳволи, меҳнати, турмуш тарзи, орзу-истаклари, яхши фазилатлари тўла изҳор

қилинган. Уларда пок севги ва садоқатлилиқ, ҳамкорлиқ ва дўстлиқ, жасурлиқ ва биродарлиқ каби фазилатлар ҳам жўшиб куйланади. Шу билан бирга ижтимоий тенгсизлиқка, зулм ва зўравонлиқка, адолатсизлиқ ва ноинсофлиқка қарши чексиз нафрат ва қаҳр-ғазаб изҳор қилинади. Теран халқчиллиқ билан ажралиб турган Хоразм фольклорининг ранг-баранг ғоялари халқнинг кундалиқ маиший турмуши ва маънавий ҳаётини, умуминсоний қадриятларни тўла ҳолда ифодалайди.

Халқ оғзаки ижоди, халфа ва бахшилар яратган ажойиб асарлар – моддий ва маънавий маданият билан бевосита боғлиқ бўлган кўп қиррали санъат намуналари – монументал бадий обидалар турли хилдаги амалий безак маҳсулотлари билан ҳамоҳангдир. Моҳир аждодларимиз узоқ тарих давомида яратган ажойиб обидалар шу кунгача етиб келибгина қолмай, улар ажойиб истеъдодли ижодкорлар томонидан ривожлантирилган.

Ўзбек элининг мустақиллиқка эришиши, озодлиқ нашъасидан баҳраманд бўлиш, ўзбек халқи онгида тамомила янги кўламли дунёқарашнинг шаклланиши халқимизнинг ўзлигини танишига имкон яратиб, унинг порлоқ келажаги учун зарур янги пойдеворни бунёд қилмоқда.

Истиқлол сари дадил қадам ташлаётган хивалиқлар доимо навқирон она шаҳри таваллудининг 2500 йиллигини зўр хурсандчилиқ ва фахрланиш ҳисси билан кўтаринки руҳда нишонладилар. Шоир Эркин Самандаровнинг қалб ҳарорати билан битилган жўшқин сатрлари бундай юксак кайфиятни тўла ифодалайди:

Эритиб дилларнинг ҳасрат музини,  
Саодат куёши бокди Хивага.  
Ҳарорат кўйнида кўриб ўзини  
Халқ тўлқин бўлди-ю, оқди Хивага.  
Шодлиқка чулғанар ҳар уй, ҳар элат,  
Ферузга уланиб кетади лазги.  
Бу олий тантана, бу нурли ҳаёт  
Меҳнаткаш бахтига энг тиниқ кўзгу.

Тарихга назар ташласак, миллатимизнинг маънавий бисоти ғоят бой ва қадим, ижодий имкониятлари ва истеъдоди

ниҳоятда беқиёс. Бу – кўхна Хива мисолида ёрқин намоён эканлиги мустақиллик шароитида амалга оширилаётган ислохотлар кўламида айниқса кўзга ташланади.

Асрлар оша бизгача етиб келган барча катта-кичик тарихий обидалар ва амалий безак санъати намуналари хоразмликлар маиший турмуши ҳамда маънавиятининг таркибий қисми сифатида маҳаллий аҳолининг ўзига хос хусусиятларини мужассамлаштирган. Хива санъатининг қайси бир соҳасини олманг – ашуласи, рақси, тарихий обида ё бадий амалий санъат намунаси – узоқ асрлар оша бизгача етиб, ҳозиргача инсон қалбини ҳаяжонга солиб келмоқда.

Бу шаҳарми на ё бир сеҳр,  
Тошларми бу, мўъжизами ё,  
Обидалар бағрида на сир,  
Нақшларда ёнар не зиё,  
Пештоқдаги ғазалми ё ранг  
Нафосатнинг сеҳри эмасми?  
Тошда нидо қилувчи мисра  
Огаҳийнинг шеъри эмасми?

*(Эркин Самандаров)*

Ҳақиқатан ҳам, Хоразм санъатининг қайси бир соҳасини олманг, ўзига хос сирли чиройи ва нафосати шу кунгача ҳар бир кишини ҳайратда қолдиради. Хива обидаларидаги ганчкорлик, кошинкорлик, наққошлик, хаттотлик, тоштарашлик, музейларда сақланиб келган каштачилик, мискарлик, заргарлик ва бошқа маиший буюмлар афсонавий даражада уйғунлашган, гўзалликнинг сирли равишда халқ оғзаки ижоди намуналари билан чагишиб, ҳамоханг бўлиб кетиши ёрқин ифодаланган. Хоразмликларнинг табиий истеъдоди, жасорати ва меҳнатсеварлиги туфайли пайдо бўлган маънавий маданиятининг хилма-хил ва ранг-баранг барча намуналари уларнинг жаҳон маданиятига қўшган катта ҳиссасидир.

Ўзбек элининг бир ярим асрга яқин давр ичида дастлаб чоризм, кейин шўро мустамлакачилигида бўлганлиги, эндиликда мустақилликка эришиб, истиқлол йўлига ўтиши бутун Хоразм аҳлининг ҳам нафақат ижтимоий-иқтисодий, балки бутун маданий-маънавий ҳаётида янги, мисли кўрилмаган тараққиётга зўр замин яратиб берди.

## МУНДАРИЖА

Муқаддима.....	3
----------------	---

### I қисм. Қадимий юксак маданият ва маънавият маскани

I боб. Кўхна ўлка сирлари ва жасур тадқиқотчилар .....	10
II боб. Қадимий дарё, канал ва ариқлар бўйлаб .....	28
III боб. Ибтидоий маконлар ва илк аждодлар ҳаёти .....	45
IV боб. Оташпарастлик ва муқаддас «Авесто».....	56
V боб. Зардуштийлик – инсонпарварликнинг илк ғоялари.....	72
VI боб. Девлар яратган қаср ва қалъалар.....	81
VII боб. Қудратли Кушон давлати ва тилсимотли Тупроққалъа.....	101
VIII боб. Илк ўрта аср даври обидалари .....	125
IX боб. Хоразм давлатининг инқирози ва маданий тушқунлик.....	146

### II қисм. Буюк Хоразмшоҳлар давлати ва Шарқ Ренессанси

I боб. Қадимий Хоразмшоҳлар давлатининг хомий авлиёлари ва маъбудалари.....	163
II боб. Минг йиллик сулола ва буюк Хоразмшоҳлар шажараси .....	171
III боб. Машҳур сиймолар, жасур саркарда ва шаҳзодалар тақдири.....	187
IV боб. Маъмун академияси ва Шарқ Ренессанси алломалари.....	202

### III қисм. Хива хонлиги ва Хоразм ўзбеклари

I боб. Хива хонлигининг пайдо бўлиши ва аҳолисининг этник хусусиятлари .....	207
II боб. Хоразмликларнинг анъанавий хўжалиги ва машғулотлари .....	219
III боб. Адабий мерос – маънавиятининг ноёб дурдонаси .....	246
IV боб. Хоразм мусиқа, рақс ва кўшиқчилик санъати.....	274
V боб. Халқ театри: сайиллар ва байрамлар.....	294
VI боб. Маънавият ва нафосат хазинаси (Хулоса ўрнида).....	315

*Илмий-оммабон нашр*

**Исо Муродович Жабборов**

**ЮКСАК МАДАНИЯТ ВА НОЁБ МАЪНАВИЯТ  
МАСКАНИ**

*(Тарихий-этнографик лавҳалар)*

Мухаррир *А. Зиядов*

Бадий муҳаррир *Ҳ. Қутлуқов*

Техник муҳаррир *Т. Харитонова*

Мусаххих *С. Салоҳиддинова*

Компьютерда тайёрловчи *Г. Қулназарова*

Нашриёт лицензияси А1 158. 14.08.09. Босишга рухсат  
этилди 21.08.2012. Офсет қоғози. Қоғоз бичими 84×108 <sup>1</sup>/<sub>32</sub>.

Таймс гарнитурда офсет усулида босилди.

Шартли б.т. 16,80. Нашр т. 16,42. Адади 2000 нусха.

Буюртма № 12-115.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг  
«O‘zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.  
100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20

Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.

e-mail: [uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz](mailto:uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz) [www.iptd-uzbekistan.uz](http://www.iptd-uzbekistan.uz)



**Жабборов, Исо.**

Ж13

Юксак маданият ва ноёб маънавият маскани (Тарихий-этнографик лавҳалар) / Исо Жабборов; масъул муҳаррир А.Р. Муҳаммаджанов; С.П. Толстов ном. Эллиқалъа тарих-археология музейи. – Т: «O‘zbekiston», 2012. – 320 б.

ISBN 978-9943-01-808-2

УДК: 94(575.) (075)  
ББК 63.5(5Ў)

14500



Исо Муродович Жабборов 1929 йилда Туркманистоннинг Тошхўвўз шаҳрида ишчи оиласидə таваллуд топди. Тошхўвўз ўқитувчилар институтини, Москва Давлат университети тарих факультетини этнография ихтисослиги бўйича тугатди. Бир неча йиллар давомида машҳур Хоразм археология-этнография экспедицияси таркибидə илмий талқиқотларда қатнашди. Муаллифнинг этносоциология, маданият, маънавият ва динишўносликка оид жула кўп салмоқли асарлари илм-фанни бойитишгана қолмай, балки амалий-тарбиявий жиҳатдан ҳам катта аҳамиятга эга.

И. М. Жабборов ўзбек фани шўхратини жаҳонга танитишда самарали фаолият олиб борди, кўплаб халқаро ва минтақавий илмий анжуманларда маърузалар қилди. «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби» фахрий унвони, «Шўхрат» медали ва «Халқ маорифи аълочиси» нишони билан тақдирланган.

ISBN 978-9943-01-808-2



9 789943 018082

«O'ZBEKISTON»